

# ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

---

## Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
“МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ”  
ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ

---

## Бош муҳаррир:

Озод ШАРАФИДДИНОВ

## Таҳрир ҳайъати:

Неъмат АМИНОВ  
Муҳаммадали АҲМЕДОВ  
Шароф БОШБЕКОВ  
Жамолиддин БЎРОНОВ  
Эркин ВОҲИДОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Неъматулла ИБРОҲИМОВ  
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ  
Мирпўлат МИРЗО  
(Бош муҳаррир муовини)  
Абдулла ОРИПОВ  
Ғайбулла САЛОМОВ  
Жавлон УМАРБЕКОВ  
Шоир УСМОНХЎЖАЕВ  
Рустам ШОҒУЛОМОВ  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
(масъул котиб)  
Саидбек ҲАСАНОВ

*Октябр '98*

## МУНДАРИЖА

### НАСР

СИДНИ ШЕЛДОН. Орзиқиб кутаман эртани. Роман .....	3
ЭФРАИМ СЕВЕЛА. Тўхтатинг самолётни, тушиб қоламан. Қисса. Охири .....	66
МУХТОР МАФАВИН. Тириклик кўшиғи. Қисса.....	110

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

ЭДУАРД МЕЖЕЛАЙТИС. Аскарнинг ўлими.....	63
ТУДОР АГРЕЗИ. Ҳур кўклам кўёши кирсин юракка .....	149

### 1998—ОИЛА ЙИЛИ

ЖАН ЖАК РУССО. Манзур бўлмоқ сағъати .....	157
--	-----

### ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

АБРОР КАРИМУЛЛИН. Америка ҳиндилари ва қадимги туркийлар .....	168
--	-----

### КИТОБЛАР ОЛАМИДА

РАҲМАТИЛЛА ИНОҒОМОВ. Турк матбуоти саҳифаларида .....	189
---	-----

### САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

ЖОН ДИКСОН КАРР. Парижлик жаноб .....	193
---------------------------------------	-----

### СОЛНОМА

Озарбойжонда маданий ҳаёт .....	206
---------------------------------	-----

Сидни ШЕЛДОН

# Орзиқиб кутаман эртани

Роман

## БИРИНЧИ КИТОБ

### 1

*Янги Орлеан.*

*Пайшанба, 20 феврал, 23.00*

**А**ёл хаёлга ботган кўйи оҳиста ечинди. Барча уст-бошини ечиб бўлгач, қон доғлари билинмасин дея қирмизи рангли ички кўйлагини танлади. Сўнгра ўттиз йил мобайнида жуда қадрдон бўлиб қолган ётоқхонасининг саранжом-саришталигига ишонч ҳосил қилиш учун, шинамгина хонасига сўнгги бор назар ташлади. Дорис Уитней пардоз столининг тортмасини очиб, қўлига қорамтир дастаги совуқ ялтироқ тўппончани олди. Уни телефон ёнига кўйди-да, Филладельфиядаги қизининг телефон рақамларини терди. Узоқдан келаётган узун телефон унига кулоқ солиб турди. Ниҳоят:

- Алло! — деган майин овоз эшитилди.
- Трейси... яхшимисан, шунчаки овозингни эшитгим келди, жонгинам.
- Мен учун кутилмаган бахт бу, ойижон.
- Уйғотиб юбормадимми сени?

*Русчадан  
Шоир  
УСМОНХУЖАЕВ  
таржимаси.*

Америка ёзувчиси Сидни Шелдон 1917 йилда Чикагода туғилган. У Иккинчи жаҳон урушидан олдиноқ Голливудда кино-сценарист сифатида шухрат топди. Дарвоқе, С. Шелдон урушда АҚШ Ҳарбий Ҳаво Кучлари учувчиси сифатида иштирок этди. У урушдан кейин ҳам кинода ишлашни давом эттирди. Унинг қаламига мансуб олти пьеса Бродвейдаги театрлар репертуаридан жой олиб, шов-шувларга ҳам сабаб бўлди. Ёзувчи 1963 йилдан Эй-Би-Си корпорацияси билан ҳамкорликни бошлаб, икки юздан зиёд телевизион сценарийлар яратди. Бироқ С. Шелдонга жаҳон миқёсидаги шон-шухратни китоблари келтирди. Унинг асарлари бир юз саксондан ортиқ мамлакатда эллиқдан ортиқ тилда нашр этилди. Адибнинг қаламига мансуб эллиқдан ортиқ ўткир мавзули асарлари орасида “Ярим туннинг орқа томони”, “Қонли қадам”, “Фаришталар қаҳри”, “Кўзгудаги дарбадар”, “Тонг, кун, тун” каби романлари алоҳида ўрин туади. С. Шелдон кўпдан-кўп адабий ва кино санъати соҳасида бериладиган нуфузли совринларнинг, жумладан, Эдгар По номи ва Оскар мукофотининг соҳиби бўлган. Адиб ҳозир ҳам самарали ижод билан банд. 1998 йилда унинг навбатдаги “Тушларингни сўзлаб бер” романи чоп этилди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

— Йўғ-е, китоб ўқиб ўтиргандим. Энди ётмоқчи эдим. Биз Чарльз билан овқатланиб келамиз деб, мўлжаллагандик, лекин ҳаво расво, қор ёғаяпти. Ўзингиз яхшимисиз, ойи?

“Тавба, об-ҳаво тўғрисида гаплашиб ўтирибмиз-а, — хаёлидан кечди Дорис Уитнейнинг. — Ҳали қизимга айтадиган шунча гапларим йиғилиб қолган. Қандоқ қилай?”

— Ойи, эшитяпсизми?

Дорис Уитней деразага тикилиб турарди.

— Ёмғир ёғаяпти.

Ўзининг эса хаёли бошқа ёқда эди: “Худди Альфред Хичкокнинг фильмидагидек мелодрамага ўхшаб кетади”.

— Нима гумбурляпти? — сўради Трейси.

“Момақалди роқ”. Ўз хаёлларига гарқ бўлиб кетган Дорис қизининг сўзини эшитмас эди. Янги Орлеан осмонида момақалди роқ авж оларди. “Давомли ёмғир, — деб хабар берди диктор. — Ҳозир янги Орлеанда ҳарорат олтмиш олти даража. Кечга бориб ёмғир, момақалди роқли жалага айланади. Соябонингизни олишни унутманг”. Энди Дорисга ҳеч қандай соябоннинг кераги бўлмади.

— Трейси, бизда момақалди роқ бўляпти, — деди овозини жиндек бўлса-да тетик қилишга уриниб, — Филадельфияда нима гап?

— Ўзимни эртақлардаги афсонавий маликадек ҳис қилаяпман, ойижон, — деди ҳаяжон билан Трейси. — Ҳеч қачон бу қадар бахтли бўламан деб ўйламаган эдим. Эртага кечқурун Чарльзнинг ота-онаси билан учрашмоқчимиз, — деди Трейси секингина. Мистер ва миссис Стэнхоун Честнат Хиллдан, — кўшиб кўйди овозини пасайтириб қиз. — Улар урф-одатларга муккаларидан кетишган. Диназаврлардек бесўнақай ўша хонимларни кўз олдимга келтираман. Олий табақа. Бошим қоғиб қолган, ойижон.

— Ҳавотир олма. Улар сени яхши кўриб қолишади.

— Чарльз, бунинг аҳамияти йўқ, дейди. У мени севади. Мен ҳам ўлгудек севаман. Қачон сен улар билан танишсан, деб тоқати тоқ бўляпти. У ажойиб одам.

— Бунга шубҳам йўқ.

“Энди Чарльзни, кўриш менга насиб этмайди, — деб ўйлади Дорис. — Ҳеч қачон невараларимни тиззаларимга олмайман. Йўқ. Бу ҳақда ўйламаслигим керак”.

— Қизалоғим, сендан бахтли одам бормикан, қанчалар омади чопганини ўзи билармикан, унинг бахтига сен борсан.

— Доим унга шуни эслатиб тураман, — Трейси кулиб юборди. — Мени кўйинг, ўзингиз ҳақингизда гапиринг, ойижон. Соғлиқларингиз яхшими?

— Сиз соппа-соғсиз, Дорис, — деди доктор Раш. — Ҳали юзга кирасиз. “Ҳаётнинг кичкина ҳазилларидан бири”. — Сен билан гаплашганимда ўзимни жуда яхши ҳис этаман.

— Биронтаси билан танишдингизми?

Трейсининг отаси ўлганига беш йил бўлган бўлса-да, Дорис Уитней биронтаси билан танишишни ўзига эп кўрмади, гарчанд бунга қизи эътироз билдирмаса ҳам.

— Бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас, — дея суҳбат мавзуини бошқа ёққа буриб юборди она. — Ўзингнинг ишларинг қалай?

— Ишим ўзимга жуда ёқади. Чарльз тўйимиздан кейин ҳам ишимни давом эттиришимга қарши эмас.

— Жуда соз, қизалоғим, кувим эсли-хушли, сени тўғри тушунадиган одам экан.

Саҳна ортида бир нарсага ишора қилаётгандек, момақалди роқ бир гумбурлаб кетди. Вақт бўлди. Энди видолашувдан ўзга чора қолмади.

— Хайр, қизалоғим.

У овози қалтираб чиқмаслиги учун ўзини маҳкам тутиб турарди.

— Ойижон, тўйда учрашамиз. Чарльз билан кунини белгилаб олайлик, ўзим кўнғироқ қиламан.



— Майли, қизим.

Эсда қоладиган сўнгги сўзларни айтиши лозим.

— Сени жуда яхши кўраман, Трејси, — деди-да, гўшакни аста жойига қўйди Дорис, сўнг тўппончани қўлига олди. Унинг яккаю ягона йўли қолган — пайсалга солиб бўлмайди. У тўппончани чаккасига тираб, тепкини босди.

## 2

*Филадельфия*

*Жума, 21 феврал, 8.00*

Трејси Уитней кўп хонали уйининг йўлагидан рутубатли шилта кўчага шошиб чиқди. Маркет-стрит томон, қияликка ҳайдовчилар бошқариб кетаётган ялтироқ машиналар, Филадельфиянинг шимолий қисмида бодроқдай қалашиб кетган, тахта-ёғочлар билан ўраб ташланган, ташландиқ уйлар узра қор аралаш ёмғир ёғмоқда эди. Ёмғир машиналарни ювиб тозалаган, ташландиқ уйлар олдидаридаги уйиб ташланган ахлатларни балчиққа айлантириб юборган эди. Трејси Уитней ишга кетмоқда. У банкка олиб борадиган Честнат-стритга бурилган ҳамано қадамни тезлатди. Кўчада баралла ашула айтиб юборишдан ўзини базўр тийиб зорарди. У сап-сарик плаш, резинкали ботинка ва ялтироқ қўнғир сочларини зўрға ўз ичига сиғдирган сариқ шляпа кийиб олганди. Унинг ёши йигирма бешдан ошган. Чехраси очиқ ва ақлли, лаблари ҳирсга тўла, кўзлари ранго-ранг товланиб турарди, қомати спортчиларникидек келишган. Бадани ой нуридек оқ ёки атиргулдек қирмизи тусга киради.

Онаси бир куни:

— Тавба, қизим, баъзан сени танимай қоламан. Аъзойи-баданинг барча ранглари ўзига сингдириб олган-а, — деган эди.

Мана ҳозир Трејси кўчада югуриб бораркан, йўловчилар унинг порлаб турган гўзал чехрасига ҳавас ила қарардилар.

“Ўзимни бу даражада бахтиёрлигимни кўз-кўз қилишим одобдан эмасдир! — дея хаёлидан ўтказди Трејси. — Мен ўзим севган одамга турмушга чиқаман, унга ўғил туғиб бераман. Бахтли бўлишим учун бундан ортиқ нима керак?” Банкка яқинлашганда соатига қаради. Саккиздан йигирма дақиқа ўтибди. Филадельфия траст энд файделити бэнк ҳали ўн дақиқа берк бўлади, лекин банкнинг вице-президенти халқаро бўлим бошқарувчиси сигнализацияни ўчириб, банк эшикларини оча бошлаган эди. Трејси эрталабки бажариладиган бу ишни томоша қилишни яхши кўрарди. Дезмонд орқасидан эшикни ёпиб банкка кириб кетгунга қадар Трејси ёмғир остида турди.

Бутун дунё банкларининг ўз хавфсизлигини таъминлаб турадиган хуфиялари бўлади, зотан, Филадельфия траст энд файделити бэнк бундан мустасно эмас. Шу боис авваллари амалда қўлланиб келинган қатъий тартибга ҳеч қачон ўзгартиш киритилмасди, фақат ҳар ҳафтада алмаштириб туриладиган қўриқлов белгиси бундан мустасно эди. Бу ҳафта белгиси деразалардаги ярим туширилган дарпарда, токи бу ходимларни гаровга оламан, деб хона-хоналарда қароқчи-ўғрилар яшириниб олмаганларига ишонч ҳосил қилиш учун текширув кетаётганини, банк ходимлари ичкари кирмай туришлари лозимлигини билдиради. Кларенс Дезмонд ҳожатхоналарни, омборхоналар, ертўлаларни бирма-бир текшириб чиқди. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгачгина дарпардаларни кўтарди — бу ҳаммаси жойида дегани эди.

Бош иқтисодчига биринчи бўлиб киришга рухсат этиларди. У одатда сигнал тизими пульти ёнида ўтирар, қолган ходимлар кириб бўлгунга қадар кутар, сўнгра эшикни қулфларди.

Трејси Уитней роппа-роса саккизу ўттизда хизматдошлари билан бирга кўркам холлга кирди, ёлинчиғини, ботинкасини ечар экан, қулоғига ходимларнинг зорланиб:

— Дайди шамол соябонимни учуриб кетди. Ҳаммаёғим шалаббо бўлди-я... — дея гапирётган гапларини эшитиб ҳайрон бўлди.

— Мен Маркет-стритдан келаётиб, сузиб юрган иккита ўрдакни кўрдим, — дея ҳазил қилди бош кассир.

— Об-ҳавочилар кейинги ҳафта ҳам худди шундай ҳаво бўлади дейишмоқда. Қани энди ҳозир Флоридада бўлиб қолсам эди-я!

Трейси илжайиб ўз иш жойига бориб ўтирди. У пулни телеграф орқали ўтказиш бўлимини бошқарар эди. Яқин ўтмишда пулни бир шаҳардан иккинчи шаҳарга, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ўтказиш кечикар, кўплаб бланкаларни тўлғазиш ва давлат ҳамда халқаро хизматларга боғлиқ машаққатли икирчикирлар билан боғлиқ эди. Компьютерлар жорий этилиши билан вазият мутлақо ўзгарди, катта-катта миқдордаги пулларни бир зумда ўтказиш имкони туғилди. Компьютердан бир кун олдин келган ва бошқа банкларга пул ўтказилгани ҳақидаги маълумотларни олиш Трейсининг иши эди. Барча операциялар кодлаштириллар, бегона кимсалар бундан хабар топиш имкониятини олдини олиш учун кодлар мунтазам равишда алмаштирилиб турилар эди. Трейсининг қўлидан ҳар кун миллион-миллион электрон доллар ўтарди. У ўз ишига жуда берилганди, зотан, жаҳон бизнесининг қон томирини таъминлаб турувчи қувват манбаи Трейсининг қўлида эди. Токи унинг ҳаётига Чарльз Стэнхоуп кириб келгунга қадар банк иши унинг қалбини бутунлай забт этган эди. Бу банкнинг ниҳоятда кўп халқаро бўлимлари мавжуд эди. Тамадди пайтида Трейси ва унинг ҳамкасблари, одатда, эрталаб бажарилган барча ишларини муҳокама этар ва бу асосий мавзу эди.

Бош иқтисодчи Дебора:

— Биз ҳозиргина Туркиядаги синдикатнинг юз миллион долларлик заёмини ёпиб қўйдик, — деди. Банк вице-президентининг котибаси Мей Трентон ишончли оҳангда:

— Бугун эрта билан бошқарув мажлисида Перуга қўшимча пул маблағлари юборишга қарор қилинди, — деди. — Аванс миқдори беш миллион доллардан зиёд...

Банк хизматчилари орасида энг ашаддий ирқчи бўлмиш Жон Крейтон қўшиб деди:

— Мен буни мексикаликларга 50 миллион доллар ёрдам кўрсатмоқчимиз деб тушунаман. Бу “яғир елкалар” бир центга ҳам арзимайди!

— Энг қизиғи, — деди жавобан Трейси хаёлчан, — банк ишларининг ҳадисини яхши тушунган Америкага тош отаётган ўша мамлакатларнинг ўзлари биринчи бўлиб бизлардан қарз сўрашади.

Трейсининг Чарльз билан биринчи марта тортишиб қолган масаласи ҳам шу мавзуда эди.

Чарльз Стэнхоуп молиявий муаммолар бўйича маъруза қилишга, симпозиумга таклиф этилган эди. Трейси у билан ўша ерда танишганди. Чарльз буюк бобокалони асос солган фирмани бошқарар, бу фирма қимматбаҳо қоғозлар билан шуғулланар эди. Компания Трейси хизмат қилаётган банк жуда кўп шартномалар тузган. Чарльз маърузасидан кейин Трейси минбарга чиқиб, ўз фикрини билдирарди. У Чарльзнинг учинчи дунё мамлакатлари тижорат банклардан ҳамда ғарб ҳукуматларидан қарзга олган жуда катта маблағларини қайтариш имкониятлари бор, деган фикрига қўшилмади. Чарльз аввал бир оз қизишди-ю, сўнг ёш, гўзал қизнинг жиддий далиллари билан қизиқиб қолди. Муҳокама кўҳна Букбиндер ресторанида тушлик вақтида давом этди.

Гарчи Чарльз Стэнхоуп Филадельфиянинг ҳамма ҳавас қиладиган куёвларидан эканлигини билса ҳам, Трейсида дастлаб унчалик таассурот қолдирмади, йигит ўттиз ёшда, бадавлат, омади чопган, шаҳарнинг энг қадимий зотларининг зурриёти эди. Бўйи беш фут ўн дюйм, сочлари малла, кўзлари мовий, оёқ-қўли чаққон, бундай ўзига бино қўйган бойваччаларни ёқтирмайман, дея хаёлидан ўтказарди Трейси.

Йигит худди қизнинг фикрини ўқигандек стол устига энгашиб, деди:

— Отам ҳалигача туғруқхонада мени бошқа болага алмаштириб қўйишган деб ишониб юради.

— Нима?

— Мен ота-онамдан фарқли ўлароқ, пул — ҳаётни белгилайдиган омил деб ўйламайман. Фақат, илтимос, бу гапимни отамга айтиб ўтирманг.

Чарльзнинг самимийлик билан сўзлаши Трейси кўнглида илиқлик уйғотди.

“Қизиқ, — ўйлади у, — юқори табақали бирон кимсага эрга тегсам, четдан қандай кўринар экан-а?”

Трейсининг отаси ўзининг шахсий корхонасини очиш учун деярли бутун умрини сарфлади, лекин Стэнхоуплар бу ишни арзимайдиган иш деб устидан кулганлар бўлган. “Стэнхоуплар билан Уитнейлар ҳеч қачон бирлаша олмайдилар, — дея ўйлади Трейси, — худди ёғ билан сувдек. Стэнхоуплар олий табақа. Тентаклардек нималарни орзу қилаяпман-а? Ўз иззат-нафсимними? Бу йигит мени бирга тушлик қилишга таклиф этди, холос, мен бўлсам унга эрга тегсаммикан ёки йўқми, деб ўйлаб ўтирибман-а. Эҳтимол, биз энди ҳеч қачон учрашмасак керак”.

— Биламан, сиз эртага бўшсиз, бирга тушлик қилишга рози бўласиз деган умиддаман... — кутилмаганда таклиф қилиб қолди Чарльз.

Филадельфия — беқиёс гўзал шаҳар, кўзни қувонтирадиган, ҳордиқ чиқарса бўладиган қасрлар бисёр. Трейси Чарльз билан шанба оқшомлари балетга боришар ёки Рикардо Мути раҳбарлигидаги шаҳар оркестрини биргалашиб тинглардилар. Улар ҳафта давомида Нью-Маркет билан танишдилар. Сосаети Хиллнинг беқиёс магазинларини тамоша қилдилар. Гено қошидаги кўча қаҳвахонасида пишлоқдан тайёрланган котлетдан тоғидилар, Филадельфияни энг қимматбаҳо ресторанидан бири бўлмиш “Кафе Рояль”да овқатландилар. Хед Хаус хиёбонидаги магазинларга ташир буюрдилар. Санъат музейи ҳамда Роденнинг хусусий музейларини кезиб чиқишди.

Бир куни иккови “Мутафаккир” скульптураси олдида тўхтаб қолдилар. Трейси Чарльзга қараб жилмайди-да:

— Бу — сенсан! — деди.

Чарльз спорт билан шуғулланмасди, Трейси бўлса ҳар якшанба эрталаб югурар ёки Скучбил дарёси соҳилида сайр қиларди. Шанба куни у тай-чи-чуан курашига қатнаш ва бир соатлик машқдан кейин чарчаган бўлса ҳам, тетик ҳолатда Чарльз билан унинг уйда учрашар эди. Чарльз ҳақиқий пазанда сингари хитой ва марокаш таомларини кулинг ўргилсин қилиб ўзи тайёрларди. Хамирга ўралган олма дейсизми, тахин шарбатига димланган жўжа дейсизми...

Трейси унчалик бой ишқий тажрибага эга эмасди, бироқ унинг назарида Чарльзнинг танглайи шу билан кўтарилгандек эди... Бир куни Трейси ўринда ташаббускорлик кўрсатаман деб ўзини қўйворган эди, бу нарса Чарльзнинг жаҳлини чиқариб юборди ва ўзимда ишқий нотавонлик бормикан, деб хавотир ола бошлади.

Кўққисдан Трейсининг ҳомиладорлиги аён бўлиб қолди, у ваҳимага тушди: Чарльз уйланиш ҳақида ҳеч оғиз очмаган, лекин ҳозир бола деб уйланишга мажбур бўлишини ҳис этишини Трейси истамас эди. У ҳомилани олдириб ташлашга журъат эта оладими, йўқми, ўзида унчалик ишонч сезмас, бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам кам қийнамасди. Бола туғилса вояга етказа оладими, ярим етим бўлиш бола учун қандай кечади?

Трейси бир куни кечки овқатдан кейин Чарльзга янгиликни айтишга қарор қилди. У ловия солиб гўшт қовураётиб ҳаяжонланганидан тагини олдириб қўйди. Чарльзнинг олдига таги куйган овқатни қўйди-ю, олдиндан пухта ўйлаб қўйган гапи эсидан чиқиб қолди. Шундан сўнг томдан тараша тушгандек:

— Чарльз, биласанми, мен ҳомиладорман, — деди.

Орага оғир сукунат чўкди, Трейси сукунатни бузмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳам эдики, Чарльз бирдан:

— Биз, албатта, никоҳдан ўтамиз, — деб қолди.

Трейси елкасидан тоғ қулагандек, енгил нафас олди.

— Мен айтмоқчиманки, тагин ўйламагинки... Ўзинг биласан, менга уйлашга мажбур эмассан.

Чарльз унинг гапини бўлиб, қўлини аста кўтарди:

— Мен сенга уйланмоқчиман, Трейси. Сен ажойибсан.

Сўнг оҳиста қўшиб қўйди:

— Албатта, аввалига ота-онам бир оз довдирашади, — деди-да, жилмайди ва Трейсини ўпиб қўйди.

— Нега ҳайрон бўлишади? — хотиржам сўради Трейси.

Чарльз хўрсиниб деди:

→ Жонгинам, бошинга қандай бало офати келаётганини ҳали англаб етма-япсан, чамаси. Стэнхоуплар ҳамиша — эътибор бергин-а, қўштирноқ ичида “ўз тенгиларга” куда бўлишган, Филадельфиянинг казо-казоларига.

— Демак, улар сенга қайлиқ топиб қўйишибди-да, — ақли етиб деди Трейси.

Чарльз Трейсини бағрига босди.

— Бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Мен ўзим танлаган қиз хотиним бўлади. Келаси жума иккаламиз ота-онам олдида меҳмон бўламиз ва ниҳоят, улар билан танишиб олишнинг вақти ҳам келди.

Трейси кейинги бир неча соат ичида компьютер билан банд бўлганидан бошқа нарса ҳақида ўйлашга вақти ҳам бўлмади. Телеграф орқали ўтказилган пулларнинг тўғрилигини синчковлик билан текшириш талаб қилинар, барча ҳисоб рақамларини, суммаси ва банкларни қаерга ўтказилаётганини рўйхатдан ўтказиб қўйиш лозим эди. Ҳар бир банкнинг махфий рўйхатномада сақланган ўз шахсий кодлари бўлади. Бу рўйхатномада дунёдаги барча йирик банкларнинг кодлари сақланар эди.

Куннинг биринчи ярми ўтиб кетганини сезмай қолди. Трейси тушлик пайтида Лерри Стелла Ботнинг сартарошхонасига бориб рўйхатга ёзилиб қўймоқчи бўлди. Лерри жуда қиммат олади, лекин Чарльзнинг ота-оналарига кўркам кўриниши учун иши пулига арзир эди. “Мени яхши кўриб қолишларига мажбур қиламан. Чарльзга кимни танлашгани менга барибир, — деб ўйлади Трейси. — Чарльзни мендан бўлак ҳеч ким бахтли қила олмайди”. Роппа-роса соат бирда Трейси эгнига плашини кияётганда Кларис Дезмонд уни ўз ҳузурига чақирди. Дезмонд. Бу одамда мукамал намунали раҳбар тимсоли мужассамлашган эди. Агар телевидение ўзининг тижорат реклама кўрсатувларида фойдаланса борми, ундан ажойиб нотиж чиққан бўларди. У одатдагидек мутаассибан башанг кийиниши билан ишонса бўладиган одамга ўхшарди.

— Ўтиринг, Трейси, — деди у, барча ходимларини номма-ном биламан дегандек мағрурона оҳангда. — Об-ҳаво расво-я, шундайми?

— Ҳа, шундай.

— Хўп... Одамлар шу ҳаводаям банк ишлари билан шуғулланишга мажбурлар, — шу билан суҳбатнинг расмана қисми тугади. — Менга маълумки, сиз Чарльз Стэнхоуп иккалангиз турмуш қурмоқчисиз.

Трейси ажабланди.

— Биз бу ҳақда ҳатто эълон қилмагандик. Қандай!..

Дезмонд илжайди.

— Стэнхоуплар нимаики қилмасинлар — бу янгилик. Мен ниҳоятда хурсандман... Бизга ишга қайтиб келасиз, деб умид қиламан, табиийки, асал ойини ўтказиб. Сиздек ходимдан айрилиб қолишни истамаймиз. Бебаҳо ходимларимиздан бирисиз.

— Биз Чарльз билан иш ҳақида келишиб олдик, ишимни давом эттираверадиган бўлдим.

Дезмонд мамнун илжайди. Молия жамоатчилиги орасида “Стэнхоуп ва ўғиллари” энг эътиборли компаниялардан бири, бинобарин, уларнинг асосий ҳисоб варағига эга бўлиб олса борми, Дезмонд бўлимнинг энг ёғли жойи шу ҳисобланарди. У стулнинг суянчиғига суяниб, керилиб ўтирди.

— Асал ойдан қайтиб келганингиздан сўнг биз сизнинг хизматдаги мавқеингиз ҳамда маошингизни ошириш ҳақида ўйлаб кўрамиз.

— Вой, раҳмат сизга! Қандай яхши!

Трейси бу илтифот хизмати эвазига деб тушунди ва мамнунлигидан юраги тўлқинланиб кетди. У Чарльзга бу янгиликни етказиш учун кеч бўлишини интиқиб кута бошлади. Трейси уни чексиз қувончларининг сабабчиси худонинг марҳамати деб қабул қилди.

Чарльз Стэнхоуп ота-онаси Риттенхаус-сквердаги қадимий маҳобатли кошонада яшар эди. Майдон шаҳарнинг кўрки ҳисобланарди. Трейси бу кошона олдидан тез-тез ўтиб турарди. “Энди, — дея ўйлади у, — бу бино ҳаётимнинг бир қисмига айланади”.

Трейси ҳаяжонда эди. Унинг чиройли таралган сочлари намга чидам беролмади. Қайси кўйлагини кийишни билолмай тўрт марта кийим алмаштирди. Оддий кийинсинми? Ёки?.. Унинг узоқ муддат пул йиғиб олган Ив-сен-Лораннинг биттагина кўйлаги бор. “Агар шу кўйлагимни кийсам, улар мени пулдор экан, деб ўйлашади. Лекин чайқовдан сотиб олган кўйлақларимдан бирини кийиб борсам, улар ўғиллари ўз тенгига уйланмаяпти деб ўйлашади. Жин урсин, барибир шундай деб ўйлашади”, қатъий ўзига ўзи деди Трейси. Ниҳоят у кулранг жун юбкаси билан оқ шойи блузкани танлади, бўйнига нозик олтин занжирини тақди. Буни ойим Рождество байрамига юборган эди.

Эшикни ливрея кийиб олган қарол очди.

— Хайрли кеч, Уитней хоним.

“Қарол исминми биларкан. Бу яхшилик аломатими ёки?..”

— Марҳамат, пальтонгизни берсангиз.

Трейсининг пальтосидан қимматбаҳо эрон гиламига ёмғир томчилари сизилиб тушарди.

Қарол уни банкниқидан чамаси икки баробар катта, ҳаммаёғи мрамар ётқирилган даҳлиз томон бошлади. Трейси ваҳимага тушиб ўйлади: “Вой худойим! Нега бу кийимимни кийдим-а, қимматбаҳо кўйлагимни кийсам бўларкан”. Қарол хонага кирганда қиз колготкасининг юқорисидаги тугмаси кўйиб юборганини сездди, худди шу пайт Трейси Чарльзнинг ота-оналари билан юзма-юз келди.

Чарльзнинг отаси олтмиш беш ёшларда, ташқи кўринишидан жаҳлдор, ўзига тўқ одам бўлиб, ўғлининг ўттиз ёшдаги сийрати унда намоён эди. Унинг кўзлари Чарльзникига қараганда жигарранг, оқ сочлари чаккасига осилиб тушганди. Трейсининг дарров унга меҳри тушди. Болалари учун бундан зўр бобони топиш қийин.

Чарльзнинг онаси атрофдаги шоҳона салобатга мос тушмаган паст бўйли, семиз аёл бўлса ҳам, истараси иссиққина экан. “Оғир-вазмин, лўппи аёл экан, — хаёлидан кечирди Трейси, — ажойиб буви бўлади-да”.

Стэнхоупхоним кўлини Трейси томон чўзди.

— Уйимизга қадам ранжида қилиб бизни хурсанд қилдингиз-да, жонгинам. Чарльздан бизни бир неча дақиқага Сиз билан танҳо қолдиришини илтимос қилдик. Хафа эмасмисиз?

— Албатта, эътироз билдирмайдилар, — деди Чарльзнинг отаси. — Ўтиринг... Трейси, исмингизни тўғри айтдимми?

— Ҳа, сэр.

Улар креслога рўбарў ўтиришди. “Нима учун булар олдида тортиниб турибман-а?” Трейси қулоғига онасининг овози чалингандек бўлди: “Қизалоғим, худо ҳамма вақт мушкулингни осон қилади. Бунинг учун ўз вақтида ўзингни қўлга ола бил”.

Трейси бир амаллаб жилмайди. Бироқ шу пайт пайпоғининг ҳалқаси тиззаси томон сурилиб тушганини сездди. У кўли билан буни яширишга уринди.

— Шундай қилиб, — жаноб Стэнхоупнинг овози дўстона оҳангда янгради. — Сиз Чарльз икковингиз турмуш қуришни ихтиёр этибсиз.

Трейсини “ихтиёр” сўзи ваҳимага солди. Чарльз бу ҳақда уларга айтган кўринадди.

— Ҳа, — деди Трейси.

— Чарльз билан анчадан бери танишсиз, шундайми?— сўради Стэнхоупхоним.

Трейси ҳаяжонини босиб, ўйлади: “Мен ҳақ эканман. Ҳали бу ҳолва”.

— Бир-биримизни севиб қолганимизни ҳис этиш учун вақт ҳийла етарли бўлди, Стэнхоупхоним.

— Севасизми уни? — минғирлади Стэнхоупхоним ва: — Ростини айтсам, Уитней хоним, Чарльзнинг бу “янгилиги” отасини ҳам, мени ҳам ҳайратга солиб қўйди, — дея такаббуруна жилмайиб қўйишди эр-хотин.

— Чарльз сизга Шарлотта ҳақида айтган бўлса керак? — У Трейсининг юз ифодасига назар солди. — Ҳа, тушунаман. Гап шундаки, у Шарлотта билан болаликдан бирга катта бўлган. Улар бир-бирлари билан жуда қалин эдилар. Биз уларнинг унашишларини интизорлик билан кутаётгандик.

Шарлоттани унга тасвишлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Трейси ўзи уни дарров кўз олдига келтирди. Ёнларида туради. Бой, келиб чиқиши ҳам Чарльзга мос. От минишни яхши кўради, кўп совринлар олган.

— Ўз оилангиз ҳақида сўзлаб берсангиз, — гапида давом этди жаноб Стэнхоуп.

“Худойим-ей, бу менга яқинда кўрган фильмдаги саҳнани эслатмоқда, — кўрқиб ўйлади Трейси. — Мен Рита Хейворт ролидаману Кэри Грантнинг ота-оналари билан биринчи марта учрашяпман. Томоғимни ҳўллаб олмасам бўлмайди. Эски киноларда қароллар патнисда ичимлик обкелиб, ўз вақтида ёрдам кўрсатардилар”.

— Қаерда туғилгансиз, азизам?— синчковлик билан суриштирди Стэнхоуп.

— Луизианада. Отам механик бўлган.

Бунисини қўшиш шарт эмасди-ю, бироқ бу сўз Трейсининг оғзидан чиқиб кетди. Нима бўлса бўлди! Трейси ўз отаси билан фахрланади.

— Механик бўлган?

— Ҳа. Дастлаб у Янги Орлеанда кичиккина қайта ишлаш корхонасини ташкил этганди, сўнг шу соҳа бўйича йирик компания тузди. Отам ўлганига беш йил бўлди, ўшандан бери ойим шу компанияни бошқаради.

— Нима ишлаб чиқарарди... ҳалиги... компания дейсизми?

— Автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар.

Стэнхоуплар бир-бирларига қараб қўйишди ва бир овоздан:

— Тушунаман, — дея олишди, холос.

Гап оҳанги Трейсининг ақлини шошириб қўйди: “Сабрим қанчага дош бера олар экан, а? — ўйлади у. Кўзига ёмон кўришиб кетган икки қарияга диққат билан тикилиб туриб, чорасиз аҳволга тушганидан оғзига келганини гапира кетди:

— Сиз оймга ўхшаб кетар экансиз. Ойим чиройли, ақлли ва дилбар аёл. Асли жанубликлар. Бўйлари ҳам пастаккина, худди сизга ўхшайдилар. Стэнхоупхоним...

Сўхбатдошларининг совуқ қарашларини сезган Трейсининг гапи чала қолди. Трейсининг ҳиқилдоғидан ёриб чиқаётган аҳмоқона кулги Стэнхоупхонимнинг тикилиб қарашидан бўғзида қолиб кетди.

Стэнхоупхоним совуққина деди:

— Чарльз бизга ҳомиладорлигингизни айтди. — Эвоҳ, бу ҳақда унинг гапиришига Трейси тамоман қарши эди! Бу гапда Трейсининг гуноҳқор бўлиб қолаётгани шудоққина сезилиб турардики, гўёки уларнинг ўғиллари шунчаки бу ишнинг қурбони бўлгандек эди. Улар унинг баданига стигмат<sup>1</sup> тамғаси қўйилганини ҳис этишга мажбур этмоқда: “Қандай кийинишим лозимлигини энди тушундим”, — хаёлидан ўтказди Трейси. Қирмизи А ҳарфини”<sup>2</sup>.

Стэнхоупхоним:

— Тушунмаяпман, қандай қилиб шундай кунда... — дея бошлади-ю, бироқ шу пайт хонага Чарльз кириб келгани боис, гапини тугата олмади. Трейси умрида ҳеч қачон ҳозирдагидек кириб келган одамдан бунчалик хурсанд бўлмаган.

Чарльзнинг чиройи очилиб гап бошлади:

— Хўш, тил топишдингларми?

Трейси ўрнидан тура солиб ўзини унинг кучоғига отди.

— Жуда яхши, жонгинам.

У Чарльзни бағрига босиб: “Худога шукур, Чарльз ота-оналарига ўхшамайди. Ҳеч қачон ўхшамайди ҳам. Улар — тор фикрли, мақтанчоқ, сўхтаси совуқ одамлар”, дея ўйлади.

<sup>1</sup> Стигмат — Қадимги Грецияда кул ёки жиноятчининг баданига босиладиган тамға.

<sup>2</sup> Америкада бировни зўрлаш (*ишратвозлик*) рамзи.

Орқаларида дарбоннинг эҳтиёткорона йўталиши эшитилди, унинг қўлидаги патнисда ҳар турли ичимликлар бор эди. “Ҳаммаси жойида бўлади, — ўзича ўйлади Трейси. — Бу — охири яхшилик билан тугайдиган кинога ўхшайди”.

Тушлик ажойиб бўлди, лекин Трейси қаттиқ ҳаяжонлангани учун ҳеч нарса ея олмади. Овқат маҳали банк ишлари, сиёсат, дунёдаги таҳликали вазият ҳақида ҳис-ҳаяжонга берилмай, одоб сақлаб суҳбат қилишди. Ҳеч ким овоз чиқариб: “Сен ўғлимизга зўрлик билан турмушга чиқаяпсан” демади. Мутлақо табиий-ки, — деб ўйлади Трейси. — Уларнинг ўғиллари уйланаётган аёлни сўраб-суриштиришга ҳақлари бор. Ахир бир кунмас-бир кун Чарльзнинг шахсий фирмаси бўлар ва энг муҳими, шунга яраша хотини ҳам бўлиши керак-да. Трейси: “Шундай хотин бўламан ҳам”, — деб онт ичди.

Чарльз стол тагидан дастурмолчани асабий гижимлаб ўтирган Трейсининг қўлини аста ушлади ва хиёл кўзини қисиб, жилмайиб қўйди. Трейсининг руҳи энгил тортиб, бир оз дадиллашди.

— Трейси иккаламиз тўй дабдабасиз ўтсин деган фикрдамиз, — деди Чарльз. — Кейин...

— Бўлмағур гап, — Чарльзнинг гапини бўлди Стэнхоупхоним. — Оддий тўй қилиш оиламиз шаънига тўғри келмайди, Чарльз. Сенинг тўйингни кўриш учун йигирмадан ортиқ дўстларимизни йиғилиши турган гап.

Хонимнинг нигоҳи Трейсининг қоматини чамалаб чиқди.

— Тўй таклифномаларини дарҳол тарқатиш чорасини кўрмоғимиз даркор, — деди-ю, кейин кўшиб қўйди: — Агар таклифим сизга мақбул бўлса, — дея кўшимча қилди.

— Ҳа, албатта. Тўй бўладиган бўлгандан кейин.

— “Нима учун бунга шубҳа туғиляпти менда”.

— Баъзи меҳмонларимиз хориждан келадилар. Улар бизнинг уйимизда туришса дейман, — деди Стэнхоупхоним.

— Тўй саёҳатини қаерда ўтказмоқчисизлар? — сўради жаноб Стэнхоуп.

Чарльз жилмайиб қўйди-да:

— Бу сирни ошкор этолмаймиз, дада, — деб Трейсининг қўлини маҳкам қисиб қўйди.

— Асал ойи қанча давом этади? — сўради Стэнхоупхоним.

— Тахминан эллик йилча, — деб жавоб берди Чарльз. Трейси хаёлан унга миннатдорчилик билдириб қўйди.

Овқатдан кейин бир қадаҳдан бренди ичиш учун кутубхонага киришди. Трейсининг кўз ўнгида эман қопламали жавонларда чарм жилдли китоблар таҳланган, деворида эса иккита Коро, Копелей ва Рейнольдснинг тасвири осиглиқ шинам хона намоён бўлди. Чарльз бойми-йўқми, Трейсига бунинг аҳамияти йўқ, лекин бунақа шароитда яшашнинг ўзи бир гашт эканига ўзича иқроп бўлиб қўйди.

Чарльз Трейсини Фаэрмаунт Паркуга параллель кўчадаги унчалик катта бўлмаган хонага ярим кечага яқин олиб келди.

— Трейси, меҳмондорчилик сени чарчатиб қўймаган бўлса керак-а? Ота-онам баъзан жуда мақтанчоқ бўлиб кетишади.

— Э, йўқ, улар ажойиб одамлар экан, — ёлғон бўлса ҳам деди Трейси.

Кечки овқат олдидан бўлган суҳбат Трейсини ҳийла толиқтириб қўйган бўлса ҳам, эшик олдида келишганда:

— Чарльз, кетасанми? — деб сўради.

Чарльз унинг ёнида бўлиши ва бағрига маҳкам босишига интизор эди Трейси. “Мен сени севаман, жоним. Ҳеч ким, ҳеч қачон бизни бир-биримиздан жудо этолмайди”, демоқчи эди.

— Жоним, фақат бугун эмас. Жуда толиқдим, — жавоб берди у.

Трейси бу жавобдан кўнгли чўкканлигини яширди.

— Албатта, мен тушунаман, жоним.

— Эртага гаплашиб оламиз. — Чарльз уни шошиб ўпди-да, бир зумда кўздан гойиб бўлди.

Хонани ўт алангаси қоплаб олган, ўт ўчирувчиларнинг тинимсиз кўнғироқлари оромини бузиб юборди. Трейси ўрнидан сапчиб турди. Кўрган тушидан

ҳолсизлана тун қоронғусида тутун исини ҳидлай бошлади. Қўнғироқ овози тинмасди, сўнг у бу эшик қўнғироғи эмас, телефон овози эканлигини аранг фарқлай олди. Каравот бошига осиглиқ соат миллари икки яримни кўрсатмоқда эди. “Чарльзга бир бало бўлганга ўхшайди”, — деди хавотирга тушган Трейси. У гўшакни дарҳол кўтарди.

— Лаббай, эшитаман!

Гўшакдан босиқ эркак овози эшитилди.

— Трейси Уитнеймисиз?

Трейси талмовсираб қолди — жавоб берсамикан, йўқмикан. Овоз нотаниш эди.

— Ким бу?

— Янги Орлеан полиция бошқармасидан лейтенант Миллерман. Сиз Трейси Уитнеймисиз?

— Ҳа, — юраги ҳаприқиб уриб кетди Трейсининг.

— Афсуски, сизга хунук хабар айтишга мажбурман.

Трейси гўшакни қулоғига қаттиқроқ босди.

— Онангиз тўғрисида...

— Ойимга нима бўлди?

— Уитней хоним, у киши энди йўқлар.

Йўқ!!! Қўпол ҳазил қилишаётган бўлса керак. Ойимга ҳеч нарса бўлмаган. Ойим тирик! “Мен сени жуда яхши кўраман, Трейси”.

— Сизга бу ҳақда хабар бериш менга қанчалик қийин бўлганини билсангиз эди, — деди лейтенант Миллер. Бу даҳшат, туш эмас, ҳақиқий даҳшатнинг ўзи.

Трейсининг тили калимага келмай қолди. Мияси ва тили музга айланиб қолгандай эди.

Лейтенант эса тинмай:

— Алло?.. Уитней хоним? Алло?.. — дерди.

Трейси бўлса мўъжазгина ошхонасида онасини эслаб ўтирарди. Унинг ўлиши мумкин эмас. Онаси соғлом эди, ҳаётда яшашни яхши кўрарди-ку. Она-бола ниҳоятда сирдош бўлиб қолишганди. Трейси жуда ёшлигиданоқ ташвишу юрак кечинмаларини онасига айтар, мактаб, болалар, кейинчалик эркаклар билан муносабатларини бирга муҳокама қилишарди. Отаси вафот этганидан кейин унинг корхонасини сотиб олувчилар ҳақиқатан катта пул ваъда қилган эдилар, лекин онаси ўжарлик қилиб корхонани сотишдан бош тортганди, ваҳоланки, бу пуллар эвазига у ўла-ўлгунча бекам-кўст фаровон ҳаёт кечирса бўларди. “Бу ишни отанг бошлаган. Бор куч-қувватини бағишлаган, корхонани йўқ бўлиб кетишига йўл қўя олмайман”. Зотан, онаси корхонани гуллатиб юборишга эришди ҳам. “Оҳ, онажон-а, сизни жуда яхши кўраман, — ўйларди у. — Энди ҳеч қачон Чарльзни, набираларингни кўра олмайсан”. Ҳўнграб йиғлаб юборди бечора қиз.

Трейси финжонга қаҳва қуйиб совугунча қоронғида ўтирди. Бўлган воқеани Чарльзга айтиб, уни ёнида бўлиши учун қўнғироқ қилиш хоҳиши туғилди унда, чироқ ёқиб ошхона соатига қаради. Уч ярим. Чарльзнинг уйқусини бузгиси келмади, яхшиси, унга Янги Орлеандан қўнғироқ қилади. У бу воқеа уларнинг никоҳларига ҳалақит бермасмикан деган хаёлга борди-ю, лекин бу ўйдан ўзи уялиб кетди. Онаси оламдан кўз юмган дақиқада қай виждон билан ўзи ҳақида ўйласин! Лейтенант Миллер телефонда гапира бошлади.

— Дарҳол таксига ўтиринг-да, полиция бош маҳкамасига етиб боринг.

— “Нима учун полиция маҳкамасига? Нимага? Нима бўлган ўзи?”

Янги Орлеанни тайёрагоҳда санғиб юрган гиж-гиж одам уммонида Трейси бўғилиб бораётганини ҳис этди. У юк тасмасига яқинлашмоқчи бўлди-ю, лекин одамлар қўйишмади. Яқин соатда кўзи олдида намоён бўладиган манзарани ўйлаган сари асаби таранглаша бошлади. У ҳалиям бўлса бу қандайдир англашилмовчилик, бундай бўлмаса керак деб ўзига тасалли бермоқчи бўларди-ю, полициячининг: “Афсуски, сизга хунук хабар етказишга мажбурман... Онангиз оламдан ўтдилар, Уитней хоним... Сизга бу хабарни етказиш менга қанчалик оғир эканлигини билсангиз эди...” — деган сўзлари қулоғи тагида шанғиллаб турарди...



Ниҳоят, Трейси чемоданини олди. У таксига ўтирди-да, лейтенант айтган манзилни айтди.

— Илтимос, Саут Брод-стрит, етти юз ўн бешга.

Ҳайдовчи оғзи қулоғига етиб тиржайганча, кўзгу орқали Трейсига қаради-да:

— Исковичларгами?— деди.

Қизнинг қулоғига гап кирмади. Мавриди эмасди. Трейсининг мияси арининг уясидек ғувиллаб кетганди, машина Лейк Погартрейн Козвей бўйлаб шарққа қараб кетди. Ҳайдовчи тинмай жавради:

— Муҳим иш билан келдингизми, хоним?

Трейси ҳайдовчининг гапларини аранг фарқига борар ва: “Йўқ. Мен ўлган онамни кўришга кетяпман”, дея хаёлидан ўтказар эди. У ҳайдовчининг дўриллаган овозини эшитарди-ю, лекин сўзларини англаб ололмасди. У орқа ўриндиқда эс-ҳушини йўқотиб ўтирар, кўз ўнгидан пириллаб ўтаётган таниш манзараларга бепарво эди.

Трейси Френч квортерга яқинлашганда тобора авжига чиқаётган шовқиндан ўзига келди. Қаршиларидан қадимий афсунларни айтиб ҳайқираётган телбанамо оломон келарди.

— Кечирасиз, у ёғига боролмайман, — деди ҳайдовчи.

Трейси кўзини очиб ҳайратомуз манзарани кўрди. Юз минглаб одамлар аждар, улкан тимсоҳлар, мажусий худолар ниқобида, қўлларида пуфланган шарлар билан кўча ва йўлчаларни тўлдириб, қулоқни қоматга келтириб аюҳаннос солганча келар эдилар.

— Тушиб олганингиз маъқул, йўқса, таксини ҳам тўнтариб юборишади, — деди ҳайдовчи, — лаънати... Марди гра”.<sup>1</sup>

Албатта. Февраль — бутун бошли шаҳар Буюк рўза бошланишини байрам қиладиган вақт. Трейси машинадан тушиб, чемодани билан йўлка четига ўтди ва шу ондаёқ қий-чув ва ўйнаётган оломон оқими уни ўз йўлига солиб кетди. Бу қора жодугарларнинг жирканч базми эди. Миллион фузийлар онасининг ўлимини байрам қилмоқда эдилар. Кимдир унинг чемоданини юлқиб олиб ғойиб бўлди. Шайтон ниқобидаги қандайдир бақалок Трейсини кучоқлаб ўпиб олди. Кейин кўкракларини эза бошлади, баҳайбат кимса унинг кучоғидан Трейсини юлиб олди-да, боши узра баланд кўтарди. Трейси қаршилиқ кўрсатар, қочишга уринарди, лекин бари уринишлари бефойда эди. Уни ўраб исканжага олишди ва увиллаб рақсга тушаётган оломоннинг бир қисмига айлангиришди. У черков қўшиқлари ижрочилари намойиши билан бирга юрар, кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Тўдадан чиқишнинг ҳеч иложи йўқ. Трейси, ниҳоят, қочди ва тинч, тор кўчага кириб олди. У ақлдан озаёзган эди. Ниҳоят, полиция маҳкамасига кирди.

Лейтенант Миллер ўрта ёшлардаги киши бўлиб, афтидан, зиммасига юкланган топшириқдан ўзини ниҳоятда ноқулай сезаётгандек, башараси ҳаяжонли тусга кирганди.

— Афу этасиз, тайёрагоҳда кутиб ололмадим, — узр сўради у. — Қаранг, бугун бутун шаҳар жинни бўлган-а. Биз ойингизнинг нарсаларини кўздан кечириб чиқиб, сиздан бошқа қўнғироқ қиладиган ҳеч кимсаси йўқлигига ишонч ҳосил қилдик.

— Худо хайрингизни берсин, лейтенант, айтинг, нима... оймга нима бўлди?

— У киши ўз жонига қасд қилган.

Трейсининг аззойи бадани музлаб қолди.

— Бу... бўлиши мумкин эмас! Нега ўзларини ўлдирадилар? Яшашлари учун ҳамма нарса етарли эди-ку! — Трейсининг овози қатъий ва таънаомуз янгради.

— Онангиз сизга хат қолдирганлар.

Ўликхона совуқ, даҳшатли равишда сокин эди.

Трейсини пастдаги оппоқ йўлак бўйлаб каттакон, топ-гоза, бўм-бўш хонага олиб киришди. Бирдан у бу хона мутлақо бўш эмас, унда майит ётганини сездди. Трейсига қарашли майит.

<sup>1</sup> АҚШнинг баъзи шаҳарларида сешанба масленичаси ўтказиладиган халқ байрами.

Оқ халатли навбатчи истар-истамас девор олдига борди ва бандга қўлини узатиб бесўнақай катта яшиқни суғуриб чиқарди.

— Кўрасизми?

“Йўқ! Бу яшиқда ётган совуқ ўлик жасадни кўришни истамайман”. Тезроқ бу ердан чиқиб кетиш керак, ўт ўчирувчи қўнғироғи янграган ўша дамга қайтиш лозим. “Майли, ўша ўт ўчириш қўнғироғи ҳақиқат бўла қолсин, ишқилиб, телефон қўнғироғи эмас, майит менинг онам бўлмаса бўлгани”. Трейси оёғини зўрға судраб босар, ҳар бир қадами аъзойи баданини зирқиратар эди. У жонсиз жасадга узоқ тикилиб турди. Шу жасад уни дунёга келтирди, асраб-авайлади, хурсандчилигини баҳам кўрди, унга меҳр қўйди. Трейси энгашиб онасининг юзидан ўпди. Ўпди-ю, гўрнинг совуқ нафаси уфургандек эти жунжиқиб кетди.

— Оҳ, ойижоним-а, — шивирлади Трейси. — Нима учун? Нега бундай қилдингиз?

— Биз мурдани ёриб кўрдик, — деди навбатчи. — Бу иш ўз жонига қасд қилиш қонунига биноан ўтади.

Дорис Уитнейнинг хати масалани ойдинлаштиради.

“Азизим Трейси!

Илтимос, мени кечир. Мен хонавайрон бўлдим, сенга оғирлигим тушмасин, дедим. Танлаган йўлимни тўғри деб топдим. Сени жуда яхши кўраман. Ойинг”

Хат тобутда ётган жасад каби бемантиқ, жонсиз бир нарса эди.

Куздузи Трейси дафн маросимини ўтказди, сўнгра таксига ўтириб ота уйига жўнади. Узоқдан “Марди гра”ни нишонлаётган одамларни бақириқлари, қандайдир ёт нарасдек, унга ҳеч алоқаси бўлмаган фожиали сур-сурдек эшитилди.

Уитнейлар оиласи Гарден Дистриктдаги ҳашаматли даҳадаги викториан услубида қурилган бинода истиқомат қилган. Янги Орлеанда кўпчилик бинолар каби бу уйнинг пойдевори бўлмаган, чунки бу ер денгиз сатҳидан пастда эди.

Трейси шу уйда улғайди, унинг болалигидан илиқ, тароватли хотиралар қолган. У уйига келмаганига бир йил бўлди, балки шунинг учун такси оҳиста келиб тўхтаганида кираверишдаги ўтлоқда ўрнатилган катта ҳарфлар билан: Сотилади — Янги Орлеан кўчмас мулк компанияси, деб ёзилган эълонни кўриб ҳайратга тушди. Бўлиши мумкин эмас! “Ҳеч қачон эски уйимизни сотмайман, — деб тез-тез таъкидларди ойиси. — Биз бу уйда жуда бахтли ҳаёт кечирганмиз”.

У девкор магнолия ёнидан ўтаётиб, катта эшикка яқинлашаётганида аъзойи баданини жунбушга солган ғалати тугёний ҳиссиёт Трейсини қамраб олди. Еттинчи синфда ўқиётганида ўз-ўзига уйнинг қалитини топширишган эди. Ўшандан бери бу қалитни доимо Трейсини ўз бағрига олишга тайёр бошпана эканини эслатиб турувчи тумордек олиб юрарди.

У эшикни очиб, ичкари кирди. Кирган жойда ҳайратга тушиб тўхтади. Хоналар деярли бўм-бўш, барча жиҳозларни олиб кетишганди. Барча ноёб нарсалар ғойиб бўлганди. Уй бўшаб қолган чиғаноққа, қачонлардир истиқомат қилган одамлар тарк этган жойга ўхшаб қолибди. Бу қўққисдан бошга тушган қандайдир офатни эслатар эди. Трейси шиддат билан иккинчи қаватга кўтарилди-ю, ўзининг собиқ ётоқхонаси эшиги олдида тўхтади. Кўз олдида хонаси бўм-бўш ва совуқ намоён бўлди: “Оҳ, худойим, қандай воқеа юз бердийкин-а? Трейсининг қулоғига эшик қўнғироғи жиринглагани эшитилди. Худди тушида кўраётгандек у оҳиста зинадан пастга тушди ва эшикни очди.

Остонада Уитнейлар оиласига мансуб Ауттоматив Паст компаниясининг бошқарувчиси Отто Шмидт турарди. У юзлари чандиқ, қариб бораётган бир кимса эди. Чўпдай ориқ Шмидтнинг катта қорни олдига осилиб тушган ё бу пивога бўлган ружусининг оқибати эди. Патила-патила осилган сочлари тўзиб кетганди.

— Трейси, — деди у соф немис лаҳжасида. — Мен бу гапни ҳозир эшитдим. Мен... мен сизга қанчалар ҳамдард эканимни ифодалаб беролмайман.

— Отто, сизни кўрганимдан хурсандман. Уйга кириш, — Трейси уни бўш хонага бошлаб кирди. — Кечирасиз, бу ерда ўтириш учун ҳеч вақо қолмабди. Ерда ўтирсак қарши эмасмисиз?

— Йўқ, йўқ.

Улар ерга юзма-юз ўтиришди ва бир-бирларига ноилож соқовлардек кўз уриштирганча жим қараб қолишди. Трейси эсини танигандан бери Отто Шмидт компаниянинг хизматида бўлган. Отаси жуда кўп нарсада унга қарам бўлганини Трейси яхши биларди. Фирма онасига мерос бўлиб ўтгандан кейин Шмидт ишларни бошқариб қолди.

— Отто, нималар бўлганига ақлим етмаяпти. Полиция онам ўз жонига қасд қилган, деди, лекин сиз билардингиз, ўзларини ўлдирishга ҳеч қандай асос йўқ эди-ку, — туйқусдан келган фикр Трейсини ҳайратга солди. — Ойим касал эмасдилар, шундаймасми? Ҳеч ақлим етмаяпти...

— Бу бошқача бўлган. Бунақа эмас... — ортиқча гап айтаолмаётганидан ўзини ноқулай ҳис этган Отто юзини ўгирди.

— Нима бўлганидан хабардормисиз? — деди Трейси сўзларини чўзиб.

Отто унга шилпиқ кўзларини қадади.

— Ойингиз сизга яқинда бўлган воқеани айтиб бермаган. Сизни хафа бўлма-син деган.

Трейсининг қовоғи солинди.

— Мени хафа бўлмасин деб-а? Нима учун? Давом этинг... илтимос.

Чол ажинли кўлларини тинмай сиқиб очарди.

— Сиз Жо Романо деган кишининг исмини эшитганмисиз?

— Жо Романо? Йўқ. Нимаиди?

Отто кўзларини қисди.

— Романо олти ой бурун онангиз билан танишиб, компанияни сотиб олмақчи эканини айтганди. Ойингиз сотишдан манфаатдор эмаслигини унга тунтирдди, бироқ у компаниянинг асл нархига нисбатан ўн баробар нарх таклиф этгач, ойингиз йўқ деёлмади. У жуда ҳаяжонланиб кетганди. Бечора она барча пулларини даромад келтирадиган акцияга қўймоқчи ва шу даромадга сиз билан умрининг охиригача бекам-кўст яшамоқчи эди. Сизга қутилмаган тўхфа қилмоқчи эди. Мен ҳам жуда хурсанд бўлдим. Мана уч йилдирки, нафақага чиқаман, деб отланаман. Трейси, ахир мен Дорис хонимни якка ташлаб кета олармидим? Ўша Романо... — Сал қолди сўкиниб юборишига. — Романо, кўп эмас, бир оз ширинкомасини тўлади. Қолган қисмини ўтган ойда бериши лозим эди.

Трейси тоқати тоқ бўлиб:

— Давом этинг, Отто. Кейин нима бўлди?

— Фирмани бошқаришни қўлига олганидан кейин Романо барча собиқ хизматчиларни ишдан бўшатиб, ўрниларига янгиларини олди. Сўнгра компаниянинг акция курсларини сунъий равишда пасайтира бошлади. У бор мулкларни сотиб, кўплаб янги дастгоҳлар буюрди, уларни сотди-ю, бунисига тўламади. Мол эгалари тўлов кечикканидан хавотир олмадилар, чунки улар ҳалиям сизнинг ойингиз билан олди-берди қиляпмиз деб ўйлар эдилар. Ниҳоят, улар ўз пулларини талаб қила бошлаганларидан кейин хоним Романонинг ҳузурига бориб тушунтириш талаб қилдилар. Романо ҳе йўқ, бе йўқ, шартнома тузмасликка, бинобарин компанияни ойингизга қайтариб беришга қарор қилганини айтди. Бу орада компания нафақат бир пулга қиммат, ҳаттоки ярим миллион доллар қарз ҳам бўлиб қолган эди. Буларни ойингиз тўлай олмасдилар, албатта. Биз хотиним билан онангизнинг компанияни қутқариб қолиш учун бор куч-қувватини ишлатаётганини кўриб раҳмимиз келди. Улар онангизни банкрот бўлишга мажбур этдилар. Улар ҳамма нарсани — фирмани, бу уйни ҳам, ҳатто ойингизнинг машинасини ҳам тортиб олишди.

— Вой, худойим-ей!

— Яна бир гап. Округ суди прокурори хонимни товламачиликда айблаб чақирув қоғози юбормоқчилигини айтиб кўрқитган. Бу деган сўз ойингизни қамоққа тушиши хавфи мумкин эди. Ўйлашимча, бу воқеа ўша куни, ойингиз ўлган куни бўлган.

Трейси ожизона газаб ўтида ёна бошлади.

— Онамининг қиладиган иши бор-йўғи уларга ҳақиқатни айтиб, ўша одамнинг қилмишларини очиб ташлаш эди, холос.

Кекса бошқарувчи бош чайқади.

— Жо Романо Энтони Орзатти исмли кишининг одами: Орзатти — Янги Орлеаннинг хўжайини. Романо бунақа найрангни илгарилари ҳам бошқа компанияларга ишлатиб келганидан мен жуда кеч хабар топдим. Борди-ю, онангиз уни судга берганида ҳам бу тугунни ечиш учун йиллар керак бўлар ва ҳатто ўшанда ҳам ундан пулларини ундириб ололмасди.

— Нега ойим менга индамадилар? — Бу унинг қалб нидоси, онасининг азоблари учун чеккан оҳ-воҳи эди.

— Ойингиз жуда мағрур аёл эдилар. Нима ҳам қила олардингиз? Ҳеч ким унга ёрдам бера олмас эди.

“Сиз янглишасиз”, — ғазабнок ўйлади Трейси.

— Мен Жо Романони кўришим керак. Уни қаердан топсам бўлади?

Шмидт қатъий равишда:

— Буни ёдингиздан чиқаринг, — деди. — Унинг қанчалар кудратли эканини ҳатто тасаввур ҳам этолмайсиз.

— У қаерда яшайди, Отто?

— Унинг ҳовлиси Жексон-сквер ёнида, лекин у ёққа боришнинг фойдаси йўқ, менга ишонаверинг.

Трейси индамади. Уни ўзига номаълум бўлган туйғу чулғаб олган бўлиб, бу туйғунинг номи — интиқом эди. “Жо Романодан онамнинг ўлими учун ўч оламан”, онг ичди Трейси.

### 3

Унга вақт керак эди. Ўйлаш учун, бундан буёнги ҳаракатлари учун вақт керак. Хонавайрон бўлган уйига қайтиш оғир, шу боис Трейси Мэгэзин-стритдаги ўртамиёна отелда кўнишга қарор қилди, бу отель байрам бебошликлари ҳалиям давом этаётган Френг Квтертердан анча нарида эди. Трейсининг юки йўқ эди. Конторка ортида ўтирган турқи совуқ клерк:

— Олдиндан пулини тўлаб кўйишингизга тўғри келади, — деди. — Бир кечага қирқ доллар.

Трейси икки-уч кунга рухсат сўраб Кларенс Дезмондга кўнғироқ қилди.

Кларенс жаҳлини яширди-ю, шу билан бирга ўзини ўнғайсиз ҳис этиб.

— Бундан хавотирланманг, — деди Трейсига. — Сиз келгунга қадар ўрнингизга битта-яримтани топиб қўя тураман.

Кларенс Трейси ўзининг одамгарчилигини Чарльз Стэнхоупга етказди деган умидда эди.

Кейин Чарльзга кўнғироқ қилди.

— Чарльз, жоним...

— Трейси, қайси гўрда юрибсан? Ойим эрталабдан сенга кўнғироқ қилолмаяптилар. Эрталабки нонуштани сен билан қилмоқчи эканлар. Ойим билан икковингиз тўйнинг энг масъулиятли тадорикларини бўйнингизга олишингизга тўғри келяпти.

— Кечир, жоним. Мен Янги Орлеандаман.

— Қаерда? Янги Орлеанда нима қилиб юрибсан?

— Ойим... ойим вафот этдилар, — деди-ю, бир нарса томоғига тикилиб қолди.

— А-а! — Чарльзнинг товуши дарҳол ўзгарди-қолди. — Кечирасан, Трейси. Кутилмаган воқеа. Ойинг ҳали ёш эдилару?

“Жуда ёш эдилар”, — надомат билан хаёлидан ўтказди Трейси. Сўнг овозини чиқариб деди: — Ҳа, жуда ёш эдилар.

— Нима бўлди? Ўзинг яхшимисан?

Ҳар қалай Трейси онасининг ўз жонига қасд қилганини Чарльзга айта олмасди. Трейси жон деб онасини нима қилишганини, бу даҳшатли воқеани ҳаммасини айтиб, юрагини бўшатиб олмоқчи эди-ю, лекин ўзини босди. “Бу меннинг ғамим, — ўйларди у. — Ўз дардимни Чарльзга юкламайман”.

— Хавотир олма, — деди Трейси. — Менга балоям урмаган.

— Трейси, хоҳласанг мен борай?

— Йўқ. Раҳмат. Ўзим удалайман. Эртага ойимни дафн этаман. Душанба кунни Филадельфияга етиб бораман.

У гўшакни жойига қўйди-ю, каравотга ётди, фикр-хаёллари чувалашиб кетди. Трейси шифтдаги оққа бўялган тош тахтачаларни санай бошлади. Бир... икки... уч... Романо... тўрт... Жо Романо... олти... етти... ҳали жавоб беради! Унинг аниқ режаси йўқ эди. У бир нарсани аниқ билдики, Романо жазосини олмасдан ҳеч қачон кетишига йўл қўймайди. Трейси онаси учун ўч олиш йўлини қандай бўлмасин топади.

Трейси кечни қоралаб, токи ломбардга етиб бормагунча Кэнэл-стрит бўйлаб сайр қилиб юрди. Панжара билан ўралган пештахта ортида юзлари ўликдек заъфарон киши ўтирарди. Эски модадаги шапкасининг соябони унинг кўзини чироқнинг нуридан тўсиб турарди.

— Хизмат?

— Мен... мен қурол сотиб олмоқчийдим.

— Қанақасидан?

— Биласизми... тўппонча керак менга.

— Сизга ўттиз икки ёки қирқ беш калибрлиги керакми, ё бўлмаса?..

Трейси умрида қўлига тўппонча олмаганди.

— Ўттиз иккилиги бўлаверади.

— Менда “Смит ва vesson” русумидаги ўттиз икки калибрлигининг ажойиб нусхаси бор, икки юз йигирма беш доллар туради, ўттиз иккилик “Чартер Арме” юз эллик тўққиз...

Трейсининг ёнида пули қўп эмасди.

— Бунданам арзонроғи йўқми сизда?

У елкаларини қисди.

— Арзонроғи фақат тош отар, леги. Танланг. Сиз учун юз эллик долларга тушаман, бир коробка патрон ҳам қўшиб бераман.

— Жуда соз.

Трейси унинг пештахта олдига келиб тўппончани олишини кузатиб турди. Сотувчи уни пештахта чеккасига қўйди.

— Бу билан муомала қилишни биласизми?

— Телкини босиш керак.

Сотувчи мийиғида кулиб қўйди.

— Истасангиз, қандай ўқлашни кўрсатиб бераман.

Трейси, отмоқчи эмасман, шунчаки бир одамни кўрқитмоқчийдим, лекин бу аҳмоқона иш эканлигини энди тушундим демоқчи бўлди-ю:

— Майли, марҳамат қилинг, — деди.

Трейси “яшил соябон”нинг ўқларни тўппонча қорнига жойлаштираётганини кузата бошлади.

— Раҳмат, — деди-да, ҳамёнини олиб, пулни санаб берди.

— Менга исм-шарифингиз ва манзилингизни айтсангиз, полицияга хабар беришим керак.

Бу Трейсининг хаёлига келмаган экан. Қурол билан Жо Романога таҳдид қилиш жиноий жавобгарликка киради. “Бироқ мен эмас, у жиноятчи-ку!”

Сотувчининг унга тикилиб турган кўзлари шапкасининг соябондан тушган кўланкада оч сариқ тус олди.

— Исм-шарифингиз?

— Смит. Жоан Смит.

Сотувчи карточкага бу исмни ёзиб қўйди.

— Манзилингиз?

— Доуман Роуд, ўттизу йигирма.

Сотувчи унга қарамасдан деди:

— Аммо Доуман Роудда бунақа рақамли уй йўқ. Бўлса ҳам дарёнинг ўртасига тўғри келарди. Менимча эллигу йигирма деб ёзишгани маъқул.

У Трейсининг олдига квитанцияни қўйди.

Трейси: Жоан Смит, деб имзо чекди.

— Шу холосми?

— Ҳа, — сотувчи эҳтиёткорлик билан тўппончани панжара орасидан узатди. Трейси сотувчига жиддий назар ташлаб, тўппончани сумкачасига солиб, шоша-пиша магазиндан чиқди.

— Ҳой, леги, — деб бақирди... “яшил соябон” унинг орқасидан. — Эҳтиёт бўлинг. Тўппонча ўқланган-а.

Жексон-сквер Френч Квотер марказида жойлашган бўлиб, унинг тепасида муҳташам Авлиё Луис ибодатхонаси худо марҳаматининг рамзи сифатида қад кўтариб турар эди. Майдонда эски архитектура усулида қурилган чиройли уйлар, уларнинг бўсағалари ва ҳовлилари шовқин-суронли кўчалардан, дабдабали магнолиялардан тўсиб турарди. Жо Романо шу уйларнинг бирида истиқомат қиларди.

Трейси қош қорайишини кутиб турди. Намойишлар Чартесстритдан ўтар ва Трейси яқинда дуч келган одамларнинг дўзахий гирдибодининг суронлари қулогига узоқдан чалинар эди.

У буталар панасида уйни чамалаб, халтачасидаги тўппончанинг залворини сезиб турарди. Унинг режаси жуда оддий — Жо Романони онасининг покиза номини тиклашга кўндириш эди. Агар у бош тортса, тўппончани олиб, бўйнига қўяман ва тилхат ёзишга мажбур қиламан деб ўйларди. Қоғозни олиб лейтенант Миллерга оборди, Романони ҳисбга олишадиган-ю, онаси оқланади. Трейси шу пайт ёнида Чарльз бўлишини жуда истарди, бироқ бу ишни бир ўзи амалга оширса яхшироқ бўлишига ақли етарди. Чарльзни бунақа ишларга аралаштириб ўтириш керакмас. Иш битганидан сўнг унга ҳаммасини айтиб беради, унга Жо Романо қамоққа олинади. Қаршисидан қандайдир йўловчи келарди. Трейси унинг ўтиб кетишини кутди, кўча бўм-бўш. Сўнгра уй олдига бориб кўнғироқ тугмасини босди. Жавоб бўлмади.

“У “Марди гра” шаънига бағишланган ўғрилар тўдасида хурсандчилик қилаётган бўлса керак. Менинг кутишга тоқатим йўқ, — хаёлидан ўтказди Трейси. — Уйига қайтиб келишини кутаман”. Бирдан ёндиргич шиқ этди, айвондаги чироқ ёнди, кўча эшик очилди, остонада бир эркак намоён бўлди. Унинг ташқи қиёфаси Трейсини ҳайратга солди. Трейсининг хаёлида ёвуз ва кўзлари тунд бандит гавдаланди. Аммо унинг қаршисида индамасдан университет профессори дейиш мумкин бўлган ёқимтой ва хушрўйгина киши турарди. У мулозим, дўстона овозда:

— Салом. Нима хизмат буюрадилар? — деб сўради.

— Сиз Жозеф Романомисиз? — аёлнинг овози қалтирарди.

— Ҳа. Нима ишингиз бор? — жавоб берди сўроққа сўроқ билан. Ўзини эркин ва эътиборни тортадиган даражада самимий тутиб турган киши “Ойим бу одамга алданишига ҳайрон қолмаса бўлади”, хаёлидан ўтказди Трейси.

— Мен... менинг сизда гапим бор эди, мистер Романо. — Эркак бир зумда Трейсининг қадди-қоматига кўз югуртириб чиқди.

— Бош устига, марҳамат, киринг ичкарига.

Трейси меҳмонхонага кирди, у ерга қўйилган ноёб мебеллар яхшилаб артилганидан ялт-ялт этарди.

Романо ёмон яшамас экан. “Ойимнинг пулларига”, деб ўйлади Трейси.

— Мен шу тобда бирон нарса ичсаммикан, деб турувдим. Қайсинисидан қуяй?

— Ҳеч қайсисидан.

У ҳайрон бўлиб Трейсига қаради.

— Ҳўш, нима учун мени кўрмоқчи бўлдингиз? Мисс...

— Трейси Уитней. Мен Дорис Уитнейнинг қизиман. Романо бир дақиқа Трейсига тунд қараб турди-да, кейин қиёфасини ўзгартирди, гўё ўзининг қаддон танишини учратгандек.

— Э-ҳа... Ойингиз ҳақида эшитгандим. Минг афсус.

“Минг афсус!” Тавба! Ўзи онамнинг ўлимига сабабчи-ю, яна гапини қаранг-а. “Минг афсус!” миш.

— Жаноб Романо, округ прокурори менинг онамни товламачиликда айбламоқда. Бу ёлгон эканини сиз биласиз. Мен унинг покиза номини тиклашда ёрдам берасиз деган умидман.

Романо елкасини қисди.

— Байрам кезлари ҳеч қачон иш ҳақида гаплашмайман. Бу менинг эътиқодимга зид. — Романо бар олдига борди. — Озгина ичиб олсангиз энгил тортасиз, деб ўйлайман.

Трейсининг бошқа чораси қолмади. У сумкасини очиб, тўппончани олди ва уни нишонга тутди.

— Мен сизга тушунтириб бераман, нимадан энгил тортишимни, жаноб Романо. Сиз онамга ишлатган қилиқларингизни тан олсангизгина...

Жо Романо ўгирилди-ю, қуролга кўзи тушди.

— Яхши, бунга опкўйинг, Мисс Уитней. У отилиб кетиши мумкин.

— У отиладиям, агарда мени айтганимни бажо келтирмасангиз. Сиз компанияни қандай қилиб охирги ипигача шилиб олганингизни, шу билан ойим ўз жонига қасд қилганини ёзиб берасиз!

Энди Жо унга хавотирланиб қараб турарди. Унинг қора кўзлари шубҳали қисилмоқда эди.

— Тушунаман. Борди-ю, йўқ десам-чи?

— Унда сизни ўлдираман, — Трейси қуролли қўли қалтираганини сезиб турарди.

— Сиз қотилга ўхшамайсиз, мисс Уитней.

Романо қўлидаги виски билан Трейси томон яқинлашиб келди. У мулойим ва самимий оҳангда сўзларди.

— Онангизнинг ўлимига алоқам йўқ, менга ишонинг, мен...

Шу пайт у вискини Трейсининг юзига сепиб юборди.

Виски Трейсининг кўзини ачиштирди. Романо унинг қўлидан тўппончани зарб билан тушириб юборди.

— Сизнинг қаримсиқ онангиз мендан битта нарсани яширибди, — деди Жо Романо. — У сиздек шахвоний қизи борлигини айтмабди.

Жо Трейсининг қўлларини маҳкам ушлаб олгач, у ваҳимага тушиб қолди, боз устига кўзларини очолмасди. Жо уни маҳкам қучоқлаб олди. Трейси қутулиб чиқмоқчи бўлиб ҳарчанд уринмасин, барибир Жонинг қучоғидан юлқиниб чиқишга ожизлик қиларди.

— Сен бу ерга мен билан ҳазиллашгани келганмидинг? Ҳазиллашишни сенга ҳозир Жо кўрсатиб қўяди.

Трейси бақирмоқчи бўлганди, лекин Жо уни оғзига қўлини босди.

— Қўйворинг мени!

Жо унинг блузкасини юлиб йиртди.

— Оҳ-ҳо! Сийналаринг бунча чиройли! — шивирлади у ва кўкраklarини эзгилай бошлади. — Қаршилиқ кўрсатавер, митгивой. Менга ёқади бу қилинги, жуда ёқади.

— Қочинг деяпман!

Жо уни қийнаб, борган сари бағрига қаттиқроқ қисарди.

— Онт ичиб айтаманки, сен ҳали ҳақиқий эракакни кўрмагансан, — ириллади у. Бу сафар Жо бутун гавдаси билан Трейсининг устига ётиб олди, қўллари эса танасини пайпаслар, юбкасини кўтаришга уринарди. Трейси ҳеч нарсани кўрмай, бир силкинди-ю, бармоқлари билан тўппончани ахтариб топди. Тўппончани қўлига олиши билан ўқ овози эшитилди.

— Вой жоним! — бақириб юборди Романо. Унинг исканжаси бўшашди. Қизил туманли парда ортида ўзи устидан сирғалиб тушиб, биқинини ушлаганча қийналиб полга чўзилган Жони базўр илғади.

— Сен мени одингми... вой қанжиг-е! Мени одинг-а...

Трейси донг қотиб қолди, қимир этишга мажоли йўқ эди. Кўнгли оза бошлади, аччиқ оғриқ эса ҳамон кўзларини очирмасди. Ниҳоят, у ўрнидан сапчиб турди ва уйнинг этагидаги эшик олдига қоқила-суқила етиб олди. Эшикни ланг очди. Аммо бу ваннахона эди. У чайқалиб раковина олдига борди, совуқ сувда оғриқ камайгунча кўзларини ювди. Кўра бошлади. У кўзгуга қаради. Кўзлари шишиб кетган ва бежо эди. “Эй, худойим, мен одам ўлдирдим-а”. Меҳмонхонага югуриб қайтиб кирди.

Жо Романо ерда ётар, қип-қизил қон оппоқ гиламга ёйилиб кетганди.

Рангида ранг қолмаган Трейси Жога энгашиб қараб турди-да:

— Кечиринг, — деди. — Бундай қилмоқчи эмасдим...

— Тез ёрдам!..

Жо зўр-базўр нафас оларди.

Трейси ёзув столида турган телефон олдига югуриб борди, навбатчининг рақамини терди. Сўнгра бўғиқ овозда:

— Навбатчи, “тез ёрдам”ни юборинг, тезда. Манзил — Жексон-сквер, 421. Эркак кишини отишди.

Трейси гўшакни қўйди-да, Жо Романого қаради... Эй, худо, — нола қилди у. — Илтижо қиламан, ўлишига йўл қўйма уни”, — деди-да, Жонинг жасади ёнида тиз чўкиб, тирикми, ўликми деб кўздан кечира бошлади. Жонинг кўзлари юмуқ, лекин нафас оларди.

— “Тез ёрдам” ҳозир келади, — деди-ю, Трейси кўчага югуриб чиқиб кетди.

У ҳамманинг диққатини жалб қилмай деб чопмасликка ҳаракат қиларди. Йиртилган блузкаси кўринмасин дея жакети билан беркитиб олди. Уйдан тўрт чақиримлар нарида такси тўхтатмоқчи бўлди. Хушчақчақ, ўзи билан ўзи овора йўловчиларга тўла беш-олтита такси ўтиб кетди. Узоқдан тобора яқинлашиб келаётган сиренанинг увиллаган овози эшитилди, бир неча сониядан сўнг Жо Романонинг уйи томон “Тез ёрдам” машинаси ўтиб кетди. “Кутулиб қолдим-а”, деб ўйлади Трейси. Ундан сал нарида бир такси йўлнинг четига келиб тўхтади ва ундан йўловчилар тушиб қолишди. Трейси алпанг-талпанг югуриб машина олдига борди.

— Бўшмисиз?

— Шундоқ десак ҳам бўлади. Хўш, қаерга борадилар?

— Аэропортга, — деди-ю, жим бўлиб қолди.

— Ўтиринг.

Трейси йўл-йўлакай “Тез ёрдам”ни ўйлаб кетди. Кечикиб борса-ю, Жо Романо ўлса нима бўлади? Трейси қотил бўлиб чиқади. Тўппончани ўша уйда қолдирганди, унда бармоқ излари бор. Трейси, албатта, полиция Жо уни зўрламоқчи бўлганини, тўппонча беҳосдан отилиб кетганини айтиб бериши мумкин, бироқ улар ҳеч қачон бунга ишонмайдилар. Наҳотки, тўппончани шу дамда Жонинг ёнида қолдириш учун сотиб олган бўлса? Орадан қанча вақт ўтди? Ярим соатми? Бир соатми? Тезроқ Янги Орлеандан учиб кетиш лозим.

— Карнавал сизга ёқдими?

— Ҳа, шунчаки...

Трейси қўлбола кўзгусини олиб, юз-кўзи ҳар қалай ораста кўриниши учун пардоз қилди. Жо Романони бўйнига олишга мажбур қилишга уриниш нақадар аҳмоқлик эди-я! Тескариси бўлиб чиқди. “Бу воқеани қандай қилиб Чарльзга айтиб бераман? Албатта Чарльз даҳшатга тушади, лекин бор гапни айтиб берганимдан кейин у тушунади. Чарльз нима қилишини ўзи яхши билади”.

Такси Янги Орлеан халқаро аэропортига етиб борганида Трейси ўз-ўзига сўзларди: “Наҳотки шу бугун эрталаб учиб келган бўлсам-у, бир кун ичида шунча воқеа содир бўлган бўлса?” деб савол берди. Онасининг ўз жонига қасд қилгани... телба карнавал... ёвуз қарашли эркак: “Сен мени отиб ташладинг... қанжиқ...”

Трейси терминал томон шошиб бораётганида унга кимдир таънали нигоҳ ташлаётгандек туюлди. “Виждонинг тоза бўлмаганидан кейин шунақа бўлар экан”, дея хаёлидан ўтказди Трейси. У қандай қилиб бўлмасин, Жонинг аҳволини билгиси келарди, лекин уни қайси касалхонага олиб кетишган-у, кимга кўнғироқ қилиши лозимлигини ҳам тасаввур этолмасди. “У соғайиб кетади, албатта. Биз Чарльз икковимиз ойимнинг дафн маросимига қайтиб келамиз. Жо Романо соппа-соғ бўлади”. Трейси қонга бўялган оппоқ гилам устида ётган одамни хаёлидан чиқариб ташлашга бор кучини сарфларди. Уйга, Чарльз ҳузурига тезроқ етиб бориш даркор.

Трейси Делта Аэрлайнс компанияси кассаси олдига борди.

— Менга Филадельфияга учадиган кейинги рейсга билет керак эди. Турист сифатида.

Авиакомпания вакили компьютердаги тасвирга қараб туриб:



- Рейс — учу-нол, тўрт. Омадингиз бор экан. Битта ўрин бўш.
- Самолёт қачон учади?
- Йигирма дақиқадан сўнг. Самолётга чиқиш учун вақтингиз етарли ҳали. Икки томонидан иккита полиция зобитлари келганида Трейси кечикканини сизди.

Полициячилардан бири сўради:

— Трейси Уитнеймисиз?

Юраги бир сония уришдан тўхтади. “Ўз номини яшириш — тентаклик”.

— Ҳа... — деди у.

— Сиз ҳибсга олиндингиз.

Сўнгра Трейси кишаннинг совуқ пўлати билакларида ширқ этганини сизди.

Бу воқеалар гўё секинлашган кино тасмасида, боз устига Трейсига алоқаси йўқ тасвирда содир бўлаётгандек эди. Трейси билагидаги кишаннинг бир учи полиция кўлида, уни аэропорт залидан олиб ўтишди, атрофдагилар ўгирилиб орқасидан қараб қолишарди. Трейсини пўлат панжарали оқ-қора полиция пат-руль машинасининг орқа ўриндигига суқиб ўтказиб қўйишди. Полиция маши-наси йўлқадан тушиб, липиллаб фонарларини ёндириб, сиренасини увиллат-ганча кенг йўлдан катта тезликда физиллаб кетди. Трейси орқа ўриндиққа кам-роқ кўринай деб ғужанак бўлиб ўтириб олди. У қотил, Жозеф Романо ўлган. Лекин бу бахтсиз ҳодиса-ку! Қандай бўлганини тушунтириб беради. Трейсига ишонишлари керак. Ишонишлари керак.

Трейсини Янги Орлеан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Элджири дистрик-тида мунгли, турқи совуқ, фақат ташқи қиёфаси билангина ночорлик ва туш-қунлик тимсоли бўлмиш бинога жойлашган полиция бўлинмасига олиб ке-лишди. Рўйхатга оладиган хона ҳар хил афтодаҳол шахслар билан лиқ тўлган — фоҳишалар, кўча қароқчилари, қўшмачи-ю, уларнинг қурбонлари. Трейсини бўлинма навбатчисининг ҳузурига олиб бордилар.

Улардан бири:

— Сержант, бу ўша Уитней. Биз ҳозир уни аэропортдан тутиб келдик, қочиб кетаётган экан, — деди.

— Мен-а...

— Кишанни ечинг.

Кишанни ечишди. Трейси беихтиёр ўз овозини эшитди:

— Бу бахтсиз ҳодиса. Уни ўлдириш хаёлимга ҳам келмаган. У мени зўрла-моқчи бўлди, кейин...

Трейси жазавадан ўзини ушлаб туrolмади. Бўлинма навбатчиси:

— Сизми Трейси Уитней? — дея ўдағайлади.

— Ҳа, мен...

— Қамерага қамаб қўйинг уни.

— Йўқ! Бир дақиқа сабр қилинг, — илтижо қилди Трейси. — Кўнғироқ қилиб олай. Мен, мен, кўнғироқ қилишга ҳаққим бор.

— Ие, бунақа ишлардан хабардормисиз? — гўлдиради сержант. — Неча мар-та қамоқхонада бўлгансиз?

— Ҳеч бўлмаганман.

— Майли, бир мартагина кўнғироқ қилишингиз мумкин. Уч дақиқа. Қайси рақамни терай?

Трейси жуда асабийлашганидан, ҳатто Чарльзнинг телефон рақамини эслай олмади. У ҳатто Филадельфиянинг кодини эсига келтиролмади. Икки-беш-бир? Йўқ, йўқ, бу эмас.

У нуқул қалтирар эди.

— Бемалол. Туни билан шу ердан.

— Икки, бир, беш. Шунақа. Икки, бир, беш, беш, беш, беш, тўққиз, уч, нол, бир...

Навбатчи рақамларни териб гўшакни Трейсига узатди. Гўшакдан чақириқ овози келди-ю, лекин жавоб бўлмади. “Чарльз уйда бўлиши керак”.

— Вақт тамом бўлди, — деди навбатчи ва ундан гўшакни тортиб олмоқчи бўлди.

— Илтимос, яна бир оз сабр қилинг, — бақириб юборди Трейси. Лекин бирдан Чарльз кечаси телефонни узиб қўйиши эсига тушиб қолди. У чақираётган товушга қулоқ солиб Чарльз билан боғланишнинг ҳеч қандай иложи йўқлигига ақли етди.

— Бўлдими? — деди бўлим навбатчиси.

Трейси унга нигоҳини тикиб ночор аҳволда:

— Ҳа, — деди.

Полициячи Трейсини бир хонага олиб кирди. У ерда Трейси ҳақидаги барча маълумотларни ва бармоқ изларини муҳраб олишди, сўнгра йўлак бўйлаб па-стга олиб тушишди-да, якка кишилик камерага қамаб қўйишди.

— Эртага ишингиз судда кўрилади, — дея хабар берди полициячи, кейин Трейсини бир ўзини қолдириб чиқиб кетди. “Ҳеч нарса бўлаётгани йўқ, — ўйларди Трейси, — барчаси даҳшатли туш. Э, худойим, ишқилиб ҳаммаси тушга айлана қолсин”. Аммо камерадаги сассиқ каравот ҳақиқат, ҳатто ўтиргичсиз ҳожат чиқарувчи жой ҳам, панжара ҳам ҳақиқат эди.

Туннинг ҳар бир дақиқаси ниҳоятда оғир ўтарди. “Қани энди Чарльзга қўнғироқ қила олганида эди”. Чарльз ҳозир унга ҳаммадан ҳам, ҳар доимгидан ҳам зарур эди. “Авваламбор унга бор дардимни тўкиб солишим керак. Агар шундай қилсам, бунақа ваҳшат бошқа қайтарилмайди”. Тонг соат олтида қоровул унга нонушта олиб келди. Илиқ-милиқ кофе билан арпа бўтқаси. Соат тўққизда эса қоровул хотин Трейсини олиб кетишга келди.

— Вақт бўлди, юр, ширингинам. — Қоровул хотин камера эшигини очди.

— Мен қўнғироқ қилишим керак, — деди Трейси. — Бу жуда...

— Кейин... Судьяни кутдириб қўйиш беодобгарчилик бўлишини биласанми? У итвачча жуда қабиҳ.

Қоровул хотин Трейсини йўлакдан олиб ўтди-да, залга киритди, унда кекса киши судьялик курсисида ўтирарди. Унинг калласи ва қўллари бетиним силкиниб турарди. Қаршисида мош-гуруч сочлари ҳурпайган, қора кўзлари совуқ, ёши қирққа борган паст бўйли, нимжон округ прокурори Эд Тепплер турарди.

Трейсини айбдорлар курсисига ўтқазилди ва бир дақиқадан кейин суд иж-рочиси даъват этди.

— Трейси Уитнейга қарши айбнома...

Шу пайт Трейси судья курсиси томон оғиб кетаётганини ҳис этди. Судья олдидаги бир варақ қоғозни ўқиб чиқди.

“Мана энди”. Мана энди ҳокимиятга ҳақиқий воқеа қандай содир бўлганини айтадиган вақт келди. Трейси қалтираётган қўлларини билдирмаслик учун маҳкам чирмовлаб олди.

— Жаноб судья, ижозатингиз билан маълум қилай, бу қотиллик эмас. Уни отганин рост, лекин бу тасодифан рўй берди. У мени зўрламоқчи бўлди, шунда мен...

Округ прокурори унинг гапини бўлди.

— Жаноб судья. Суд вақтини бекорга чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ҳисоблайман. Бу аёл ўттиз иккинчи калибри тўппонча билан қуроолланган ҳолда мистер Романонинг уйига босқинчилик қилиб кириб, нархи ярим миллион доллар турадиган Ренуарнинг суратини ўғирлаган. Мистер Романо жиноят ус-тидан чиқиб қолганда уни совуққонлик билан отиб ташлаб, бечорани ўлим чангалида қолдириб қочган.

Трейси юзидан қони қочганини сизди.

— Нима... нималар деяпсиз?

Айтилган барча гаплар мантиқсиз эди. Округ судининг прокурори бақириб леди:

— Бизда унинг мистер Романони ярадор қилган тўппончаси турибди. Унда — бармоқ излариям бор.

“Ярадор”. Бундан чиқди Жозеф Романо тирик экан! Трейси ҳеч кимни ўлдир-маган.

— Бу аёл суратни олиб қочиб қолган. Ҳозир бу сурат ўғри молни оладиган савдогарда бўлса ажабмас. Шу сабабли штат Трейси Уитнейга ўлдиришга ури-

ниш ва қурол ишлатиб талончилик қилгани учун суд ҳукмини чиқаришингизни ёки товон сифатида ярим миллион доллар эвазига чиқариб юборишингизни сўраб муурожаат этади.

Судья ҳайратидан донг қотган Трейсига юз ўгириб:

— Ҳимоячингиз борми? — деб сўради.

Унинг гапи Трейсининг қулоғига кирмади.

Судья овозини кўтариб яна сўради:

— Адвокатингиз борми-йўқми?

Треysi бош чайқади.

— Йўқ. Мен... ҳалиги... бу одамнинг айтганлари — ёлгон. Мен ҳеч қачон...

— Адвокат учун пулингиз борми?

Треysi ишлаб топган барча маошини банкка қўйган эди. Бундан ташқари Чарльз бор.

— Мен... йўқ, жаноб судья, ҳеч нарсага тушунмай қолдим...

— Суд сизга ҳимоячи тайинлайди. Сиз беш юз минг доллар товон ўрнига қамоқхонада ётасиз. Навбатдаги ишни келтиринг.

— Тўхтанг. Бу қандайдир янглишмовчилик. Ҳеч...

Қандай қилиб суд залидан олиб чиқиб кетишганини ҳам Треysi тушунмай қолди.

Суд Трейсига адвокат қилиб тайинлаган Перри Поупнинг ёши қирқларга борган эди. Унинг асабий, ҳам ақлли қиёфаси, раҳмдиллик билан боқаётган кўк кўзлари Трейсига маъқул бўлди.

Перри унинг камерасига кириб, курсига ўтирди-да, деди:

— Йўғ-е! Атиги йигирма тўрт соат шаҳарда бўлган леди учун бу ошиб тушди. Сиз ҳаммани ҳайратга солдингиз асти! У оғзини катта очиб кулди. — Лекин омадингиз бор экан. Мерганликда жуда хом экансиз. Ўқ юзаки ялаб ўтган. Романо яшайди, — у трубкани олди:

— Чексам майлими?

— Майли.

Адвокат трубкасини тамаки билан тўлдириб чекди ва Трейсига бошдан-оёқ назар ташлади:

Жиноятчига ўхшамасиз, мисс Уитней.

— Мен жиноятчи эмасман, онг ичаман.

— Гапингиз ростлигини исботлаб беринг-чи, — деди у. — Бўлган воқеани сўзлаб беринг. Бир бошидан. Шошилмасдан.

Треysi сўзлаб берди. Перри Поуп миқ этмай Трейсининг тарихини эшитди. Сўнгра камеранинг деворига суяниб олди, унинг юзи тундлашди.

— Оббо итвачча-ей! — деди Поуп.

— Прокурор билан судьянинг гапларига тушунмадим. — Треysi уялиб нигоҳини олиб қочди. — Сурат тўғрисида ҳеч хабарим йўқ.

— Тўғрисини айтсам, жуда оддий нарса. Жо Романо ёш боладек лақиллатган, худди онангизни лақиллатгандек. Жуда хунук воқеага гирифтор бўлибсиз.

— Ақлим ҳайрон.

— У ҳолда, хўп десангиз, ишнинг пўскалласини айтиб берай. Романо Ренуар учун ярим миллион долларлик зарар кўрган, бунини у сиздан талаб этади. Суратни эса бирон жойга яшириб қўйган, айтган пулни ундириб олади ҳам. Суғурта компания унинг тарафида эмас, сизнинг тарафингизда бўлади. Жанжал тинганидан кейин суратни биронта бегона кишига сотиб юборади-да, иккинчи ярим миллионни ишлаб олади, сизнинг ўзбошимчалигингиз эвазига. Наҳотки қурол ёрдамида айбини бўйнига қўйиш — ақлсизлик эканига тушунмаган бўлсангиз?

— Мен... бу гапингиз тўғри. Шунчаки ундан ҳақиқатни суғуриб ололсам, балки кимдир тергов ишларини олиб боради, деб ўйлагандим.

Поуп ўчиб қолган трубкасини яна тутатиб олди.

— Уйга қандай қилиб кирдингиз?

— Мен эшик кўнғироғини чалдим, Романо эшикни очиб, мени ичкарига таклиф этди.

— У бошқа далил келтирди. Эмишки, сиз ойнани чил-чил синдириб дераза орқали бостириб кирибсиз. У сизни Ренуарни олаётганизда устингиздан чиқиб қолибди. Сизни ушлаб олмоқчи бўлган-у, лекин сиз ўқ узиб қочибсиз.

— Бекорларни айтибди. Мен...

— Бироқ бу — унинг ёлғони ва унинг уйи, сизнинг қуролингиз. Кимга ишингиз тушганини бир тасаввур қилиб кўряпсизми?

Трейси индамай бош чайқади.

— Бўлмаса ижозатингиз билан ҳақиқатни сўзлаб берай, мисс Уитней. Бу шаҳар Орзатти оиласининг маҳрига тушган. Мабодо сиз янги бино қурмоқчи ёки йўлларга тош ётқизмоқчи, ё исловатхона эгаси бўлмоқчи, гиёҳванд моддалар сотмоқчи, ғайриқонуний лотереяларга бошчилик қилмоқчи бўлсангиз, Орзаттининг “розилиги”ни олишингиз даркор. Жо Романо ёлланма қотил сифатида иш бошлаган. Ҳозир у Орзаттининг ташкилотида жуда нуфузли ўринни эгаллайди. — Поуп Трейсининг ҳайрат билан очилган кўзларига тикилди. — Сиз бўлсангиз Романонинг уйига бориб, унга тўпонча ўқталиб юрибсиз.

Трейси жон ҳолатда донг қотиб ўтирарди. Ниҳоят, у сўз қотди.

— Сиз менга ишондингизми?

Поуп тиржайди.

— Сиз жуда ҳақсиз. Бу ишингиз ҳақиқатга ўхшайди.

— Менга ёрдам бера оласизми?

Поуп бир оз сукут сақлаб:

— Ҳаракат қиламан, — деди. — Уларни қаматиш учун ҳамма нарсага розийдим. Улар бутун шаҳарни ва кўпчилик судьяларни сотиб олишган. Агар судга мурожаат этгудек бўлсангиз, сизни шундай чуқурликка қамаб қўйишадики, умрингиз охиригача ёруғликни кўролмайсиз.

— Судга мурожаат этсам-а?

Поуп ўрнидан турди ва камерада у ёқдан-буёққа юра бошлади.

— Мен суд олдида жавоб беришингизни истамасдим, чунки, ишонинг, суд уларники. Орзатти сотиб ололмаган битта судья қолган. Унинг исми Генри Лоуренс. Борди-ю, бу ишни ўша судья олиб боришини улдасидан чиқа олсам, ишончим комилки, сизга ёрдам беришим мумкин. Беадаблик бўлади-ю, бироқ у билан яккама-якка гаплашиб олмоқчиман. Орзатти билан Романони уям менга ўхшаб жуда ёмон кўради. Ҳозир энг муҳим қиладиган ишимиз — судья Лоуренсни кўндириш.

Перри Поуп Трейсига Чарльз билан телефонда гаплашишни иложини қила олди. Трейси Чарльзнинг котибасининг овозини таниди:

— Мистер Стэнхоупнинг маҳкамасими?

— Гарриет. Бу мен, Трейси Уитней. А?..

— О! Чарльз сиз билан боғланмоқчи бўлганди, мисс Уитней, бироқ сизнинг телефонингиз бизда йўқ. Мисс Стэнхоуп жуда хавотирда. У сиз билан тўй ҳақида маслаҳатлашиб олмоқчи. Сиз тезроқ унга кўнғироқ қилсангиз яхши бўларди.

— Гарриет, илтимос, менга мистер Стэнхоупни улаб берсангиз.

— Минг афсуски, мисс Уитней. У Хьюстонга мажлисга жўнаб кетган. Агар менга ўзингизнинг телефон рақамингизни берсангиз, ишончим комилки, у бўшаши билан сизга кўнғироқ қилади.

— Мен...

Трейси унинг қамоқхонага телефон қилишини истамди. Токи Чарльзга бўлган воқеани ўзи айтиб бериши имкони туғилмагунча.

— Мен... Мистер Стэнхоупга ўзим қайта кўнғироқ қиларман, — деди ва гўшакни аста жойига қўйди.

“Эртага ҳаммасини Чарльзга тушунтириб бераман”.

Трейсини ўша куниеқ катта камерага кўчиришди. Галатоерсдан ажойиб иссиқ овқат беришди, бир оздан кейин янги узилган гулларни унинг қўлига тутқазди. Гулларнинг орасида хат ҳам бор эди. Трейси конвертни очиб хатни олди. “Хафа бўлманг! Биз ўша аблаҳларни енгамиз. **Перри Поуп.**”

Эртасига эрталаб Поуп Трейсини кўргани келди. Унинг юзидаги табассумни кўрган Трейси хушхабар борлигига ишонч ҳосил қилди.

— Омадимиз чопиб қолди, — хитоб қилди у. — Ҳозиргина судья Лоуренс билан округ прокурори Топплерни кўрдим. Топплер жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатди-ю, лекин битим туздик.

— Битим?

— Мен судьяга бўлган воқеани бошдан-оёқ сўзлаб бердим. У айбдорман деб иқроор бўлишингизни қабул этишга рози бўлди.

Трейси ҳанг-манг бўлиб унга тикилиб қолди:

— Айбдорман? Лекин мен...

Поуп қўлини кўтарди.

— Кулоқ солинг. Айбдорлигингизни бўйнингизга олиб, суд ишларига бўладиган сарф-харажатлардан қутуласиз. Сиз суратни ўғирламагансиз деб судьяни ишонтирдим. У Жо Романони билади. Менга эса ишонади!

— Башарти мен айбни бўйнимга олсам, — оҳиста деди Трейси, — кейин ҳолим нима кечади?

— Судья Лоуренс сизни уч ой қамоққа ҳукм қилади.

— Қамоққа?

— Бир дақиқа шошмай туринг. У ҳукм ижросини кечиктиради, сиз эса шартли озодликка чиқиш чорасини кўра оласиз.

— Лекин у ҳолда... менда судланган деган тамға қолади-ку.

Перри Поуп оғир хўрсинди.

— Агар улар сизни суд олдида қуролли босқинчилик ва жиноят қилаётган вақтида ўлдирмоқчи бўлган деб жавоб беришга мажбур қилсалар, унда ўн йилга қамаб юборишлари мумкин.

— Ўн йил?!

Перри Поуп сабр қилиб Трейсини кузатиб турди.

— Ўзингиз ҳал қиласиз, — деди у. — Мен яхши маслаҳат беришим мумкин, холос. Ишни бошқа ёққа буриб юбориш мен учун мўъжиза бўлди. Уларга ҳозирроқ жавоб керак. Мабодо бир битимга келиша олмасак, бошқа адвокат сайлаб олишингиз мумкин, унда...

Трейси Поупни софдил эканлигига ишонар эди. Трейси гангиб қолган шундай вазиятда, у қўлидан келганча ҳаракат қилди. Қанийди Чарльз билан гаплашиб ололса. Лекин уларга ҳозир жавоб бериши керак. Уч ой қамоқ жазоси билан қутулиб қолиши ҳам эҳтимол Трейсининг омади чопганидир.

— Мен... р...розиман шу битимга, — деди Трейси сўзларни ичидан зўрға суғуриб олгудек бўлиб.

Поуп бош ирғади.

— Фаросатли қиз.

Суд бўлгунга қадар ҳеч қандай телефон қилишга рухсат беришмади.

Суд залида Трейсининг бир томонида Эд Топплер, Перри Поуп эса иккинчи томонида туришди. Судья курсисидан ўтирган эллик ёшлардаги ташқи кўриниши аристократларга ўхшаш, биронта ажин йўқ юзлари сип-силлиқ, сочлари олифталарча таралган киши эди.

Судья Генри Лоуренс Трейсига мурожаат этди:

— Судга хабар беришдики, судланувчи айбсизман деган нотўғри эътирофни айбдорман, деб тузатишга рози бўлибди. Тўғрими?

— Ҳа, зоти шарифлари.

— Ҳамма томонлар розими?

Перри Поуп бош ирғади:

— Ҳа, зоти шарифлари.

— Штат рози, зоти шариф, — деди округ прокурори.

Судья Лоуренс бир неча сония оғир сукут сақлаб турди. Сўнгра олдинга энгашиб Трейсининг кўзларига қаради:

— Шундай ачинарли аҳволга тушиб қолган буюк мамлакатимизнинг барча кулфатлари шундан иборатки, кўчаларимиз истаган жиноятларини жазосини тортмай содир этавериш мумкин деб ўйлайдиган ҳаромтовоқларга тўлиб-тошиб кетган. Бунақа одамлар қонунга тупурмоқдалар, суд тизимимиз эса улар билан пачакилашиб юришибди. Бироқ биз Луизианнамизда уларни эркалатиб

ўтирмаймиз. Жиноят қилаётган бирон кимса совуққонлик билан одам ўлдиришга уринган бўлса, биз ўша одамнинг ўзига яраша тегишли жазо берамиз.

Трейси ваҳимага тушиб қалтирай бошлади. У ўгирилиб Перри Поупга қаради. Поуп кўзларини судьядан узмас эди.

— Судланувчи шахримизнинг хайрли фаолияти, яхши ишлари билан машҳур, энг ҳурматли кишилардан бирини ўлдирмоқчи бўлганига иқдор бўлди. Судланувчи миллион долларга баҳоланган санъат асарини ўғирлаётган вақтида унга ўқ узган, — судьянинг овози тобора жиддий тус оларди. — Бизнинг судимиз яқин ўн беш йил ичида бу пуллардан фойдалана ололмаслигиниз чорасини кўриб кўйди, чунки сиз ўн беш йил давомида жанубий Луизиана қамоқхонасида жазоингизни ўтайсиз.

Трейсининг кўзи ўнгида бутун зал остин-устин бўлиб кетди. Қандайдир даҳшатли ҳазил саҳнаси кўйилган эди. Судьянинг ролини ўйнайдиган актёр танланган-у, у муғлақо бошқа матнни ўқимокда. У бу сўзларнинг биронтасини ҳам айтмаслиги керак. Трейси ҳаммасини Перри Поупга тушунтирмоқчи бўлиб шайланди, бироқ адвокат нигоҳини ундан олиб қочди. Поуп қоғозларни чаққонлик билан портфелига сола бошлади, шунда Трейси унинг бармоқларидаги тирноқлари гўштигача чайналиб кетганини биринчи бор сезиб қолди. Судья Лоуренс турди ва ўзи ёзган ҳамма қоғозларни йиғиштириб олди. Ақли кетиб, ҳуши қочган Трейси нима қилишганини билолмай гаранг эди.

Суд ижрочиси Трейсига яқинлашиб, унинг тирсагидан ушлади ва:

— Кетдик, — деди.

— Йўқ! — бақириб юборди Трейси. — Йўқ, илтимос! — дея судга илтижо қилди. — Бу мудҳиш хато, зоти шариф, ахир...

Суд ижрочиси кўлини маҳкамроқ сиқиб ушлаганидагина бу хато эмаслигига иқдор бўлди. Уни йўқ қилиш учун ҳаммасини уюштиришган.

Худди онасини йўқ қилишгандек.

#### 4

Трейси Уитнейнинг жинояти тўғрисидаги ахборот ва унинг сурати “Нью-Орлеанс Курьер” газетасининг биринчи саҳифасида босилиб чиқди. Агентлик Трейси ҳақидаги йиғилган маълумотларни мамлакатнинг барча газеталарига юборди. Трейсини қамоқхонага юбориш учун суд залидан олиб чиқишаётганларида уни телевидение мухбирлари тўдаси ўраб олди. У таҳқирланганидан юзларини яширмоқчи бўлар, бироқ камералардан қутулишнинг ҳеч бир иложи йўқ эди. Жо Романо жуда нуфузли шахс эди, бинобарин, унга қилинган суиқасд муҳим воқеа. Трейсининг назарида атрофини душманлар қуршаб олгандек эди. “Чарльз мени чиқариб олади, — қайта-қайта такрорларди ўзига. — О, худойим, ишқилиб, Чарльз мени бу ердан олиб кетсин. Бизнинг боламиз қамоқхонада туғилишига йўл қўя олмайман”.

Эртасига навбатчи сержант Трейсига телефондан фойдаланишга рухсат берди.

— Мистер Стэнхоупнинг кабинети, — жавоб берди Гарриет. — Бир дақиқа, мисс Уитней, — Трейси котибанинг овозидан талмовсираётганини сизди. — Мен... мен ҳозир қарайман, мистер Стэнхоуп ўзларидамикан.

Трейси бетоқатлик билан узоқ кутди ва ниҳоят, Чарльзнинг овози эшитилди. Трейси енгил тортганидан бақириб юборай деди.

— Чарльз...

— Трейси? Бу сенми, Трейси?

— Ҳа, азизим. Оҳ, Чарльз, кўнғироқ қиламан деб роса ҳаракат қилдим.

— Жинни бўлаёздим, Трейси! Газеталарда сен ҳақингда ақл бовар қилмайдиган воқеаларни босишган. Бу хабарларга ишонгим келмаяпти.

— Битта сўзигаям ишонма, азизим. Биронтасигаям!

— Нега менга кўнғироқ қилмадинг?

— Қилгандим. Йўқ экансан. Мен...

— Қаердасан?

— Менми... мен қамоқхонада. Янги Орлеанда. Улар қилмаган ишим учун қамаб қўйишди.

Бехос йиғлаб юборганидан ўзи ваҳимага тушди.

— Тўхтаб тур. Қулоқ сол. Газеталар сен бир эркакни отиб ташлаганинг ҳақида ёзишмоқда. Бу бўҳтон, тўғрими?

— Мен ҳақиқатан отдим, лекин...

— Демак, тўғри экан.

— Воқеа сен ўйлаганингча бўлганмас, азизим. Умуман, аксинча. Ҳаммасини тушунтириб бераман сенга. Мен...

— Трейси, сен қасддан қотиллик қилганинг ва ўғрилиқ қилганингга иқроп бўлдингми?

— Чарльз, фақат шунинг учунки, ўша...

— Э худойим-ей, модомики сенга пул шунчалик зарур экан, мен билан мас-лаҳатлашсанг бўларди. Кимнидир ўлдирмоқчи бўлиб... Мен бунга ишонмайман. Хусусан, ота-онам ҳам ишонишмаяпти. Филадельфиянинг “Дейль Ньюс” газетаси бутун бир бетини сенга бағишлабди. Стэнхоуп оиласига биринчи марта шармандалиқ доғи тушди.

Чарльзнинг босиқ овозидан унинг қанчалик изтиробга тушганини Трейси ҳис этди. Трейси унинг кўмагига умид боғларди-ю, лекин у ўшалар томонидада. У ўзини йиғламасликка мажбур этди.

— Азизим, менга жуда кераксан. Илтимос, бу ерга етиб кел. Сен ҳаммасини тўғрилашинг мумкин.

Давомли сукунат чўкди.

— Назаримда ҳозир кўп нарсани тўғрилаш зарурга ўхшаб турибди. Борди-ю, сен қилмишларингни бўйнингга олмаганингда ҳам, менинг оилам бунга ўхшаш ишларга аралашини ўзига эп кўрмайди. Бунга ақлинг етадими? Бу бизни ниҳоятда ларзага солди. Афтидан, сени қандай одам эканлигингни билмас эканман.

Унинг ҳар бир сўзи гурзидек бағрини эзарди. Жумлаи жаҳон Трейсига балоқазодек ташланган. Трейси умрида биринчи марта ўзини якка ҳис этди. Мурोजаат этадиган ҳеч кими қолмади. Ҳеч ким.

— Ҳомиламизга нима бўлади?

— Боланг билан нима қилсанг ўзинг биласан. Узр, Трейси.

Шу билан алоқа узилди. Трейси қўлида гўшакни ушлаганча донг қотиб қолди.

Орқасида турган маҳбус қистовга олди:

— Гапинг тугаган бўлса, мен ўз адвокатимга кўнғироқ қилмоқчиман.

Трейси ўз камерасига қайтганида назоратчи хотин:

— Эртага саҳарда тайёр бўлиб тур. Соат бешда сени олиб кетишади, — деди.

Трейсини кўргани бир одам келибди. Отто Шмидт аввалги учрашувга бир неча соат бўлгани билан жуда қариб кетибди. У кўринишидан хаста эди.

— Мен шунчаки, биз хотиним икковимиз афсус-надомат чекаётганимизни айтгани келувдим. Бунда сизнинг айбингиз йўқлигини биламиз.

“Қанийди, шу гап Чарльзнинг оғзидан чиқса”.

— Мен хотиним билан эртага миссис Дориснинг дафнида қатнашамиз.

— Раҳмат, Отто.

“Эртага иккалаимизни дафн этишади”, — деб ўйлади Трейси ваҳимага тушиб.

У туни билан миҳжа қоқмади. Қамоқхонанинг тор каравотида шифтга қараб ётаркан, хаёлан Чарльз билан бўлган суҳбатни такрор-такрор эслар эди. Чарльз воқеани охиригача эшитишни истамади.

Трейси бола ҳақида ўйлаши керак. У қамоқхоналарда туққан хотинлар ҳақида кўп ўқиганиди, бироқ улар унинг ҳаётидан жуда узоқда — гўё гап ўзга сайёраликлар ҳақида бораётгандек туюларди ўшанда. Ҳозир ўзининг бошига тушиб турибди. “Ўз боланг билан нима қилсанг ўзинг биласан”, деди Чарльз. Трейси эса туғмоқчи. “Ҳали балки болани тортиб олишлари мумкин, — деб ўйлади

Трейси. — Олиб қўйишади, чунки мен ўн беш йил қамоқда бўламан. Яхшиси, болам ўз онасини ҳеч қачон билмагани маъқул”.

Трейси хўнграб юборди.

Тонг саҳар соат бешда камерага назоратчи аёл ҳамроҳлигида соқчи кириб келди.

— Трейси Уитнейми?

— Ҳа, — деди Трейси ўзининг гайриоддий дўриллаган овозини эшитиб.

— Луизиана штати Жиноят судининг ҳамда Орлеан тергови қавмининг қарорига биноан сиз жанубий Лунзандаги хотинлар қамоқхонасига жўнайсиз. Қани, бўлақол, дўндиқча.

Трейсини узун йўлакдан, қамоқхона соҳиблари билан тўлиб кетган камера-лар ёнидан олиб ўтишди. Трейсини ҳуштак билан кузатиб қолдилар.

— Оқ йўл, жонон!

— Ҳой қизалоқ, суратни қаерга яширганингни бир оғиз айтсанг бас, пулларни арра қиламиз.

— Агар сен “давлат уйига” борсанг, Эрнестина Литичепни сўра. У сенга ростакамига ёрдам беради...

Чарльзга қўнғироқ қилган телефон ёнидан ўтишди. “Алвидо, Чарльз”...

...Сочлари тўқ жигар ранг бўёққа бўялган, юзлари қотма, бўйи пакана назоратчи хотин янги келганларга мурожаат этди:

— Баъзи бирларингиз бу ерда жуда узоқ вақт қоласиз. Шу боис битта имконингиз бор — озодлик нима эканлигини мутлақо унутиб юбориш. Сиз бу ердаги ҳаётингизни мушкуллаштириш ёки сал енгиллаштиришингиз мумкин. Бизда маълум даражада тартиб-қоида ўрнатилган ва сиз бунга риоя қилишингиз шарт. Сизга ўзимиз айтамыз, қачон туриш, қачон ишлаш, қачон овқатланиш ва қачон ҳожатга бориш лозимлигини. Агар қоидамизнинг биронтасини бузсангиз, яхши бўлмайди. Бу ерда тинч яшаш одат бўлиб қолган, жанжалкашларнинг попугини тушириб қўйиш қўлимиздан келади, — ўтли нигоҳини Трейсига ташлади. — Ҳозир медицина кўригидан ўтасиз. Ундан кейин — душ ва ниҳоят хужраларингизга тарқаласиз. Эрталаб иш жойларингизга борасиз. Гап — шу.

Трейсининг ёнида турган рангпар, ёшгина қизалоқ сўз қотди:

— Афв этасиз, илтимос, мумкинми...

Назоратчи хотин ўгирилди, жаҳдан юзлари буришиб кетганди:

— Ўпқон оғзингни юм! Фақат сендан сўрасаларгина гапирасан, тушундингми? Бу ҳаммангга тегишли, сассиқ алафлар!

Трейсини унинг оҳанглари-ю, гаплари ларзага солди. Назоратчи хотин қорувлонда ўтирган иккита соқчига ишора қилди.

— Олиб чиқинг бу йиртиқ қанжиқларни...

...Маҳбуслар ташқи дунёга ўзлари қўнғироқ қила олмасдилар. Лекин уларга қўнғироқ қилишса бир ойда, икки ёки уч дақиқага гаплашишга рухсат бериларди. Трейсига Отто Шмидт қўнғироқ қилди.

— Ўйловдимки, сиз бу хабарни эшитмоқчи бўлсангиз керак деб, — деди у тортиниб. — Дафн маросими яхши ташкил этилди. Мен харажат ҳисобларини тўладим, Трейси.

— Раҳмат сизга, Отто. Мен... миннатдорман сиздан.

Бошқа ҳеч ким унга қўнғироқ қилмади.

— Ҳей қиз, сен ташқи дунёни унутишинг керак, — огоҳлантирди Эрнестина. — У ёқда ҳеч ким сени кутмайди.

“Бекорларни айтибсан”, қаҳр билан хаёлидан ўтказди Трейси.

Жо Романо

Перри Поуп,

Судья Генри Лоуренс

Энтони Орзатти

Чарльз Стэнхоуп...

...Ана шулар билан ҳисоб-китоб қилишим керак...



## ИККИНЧИ КИТОБ

## 1

Янги Орлеан.

Жума, 25 август, 10.00

Янги Орлеаннинг Ферст Мерченгс бэнк кассири Лестер Торренс ўзининг иккита афзаллиги билан фахрланарди — шаҳвоний ишлардаги омади ва мижозларини тўғри баҳолай олишидан. Новчадан келган, оқ-сарик юзли, Том Селлекка тақлидан мўйловли ва узун чакка сочли Лестер қирқ ёшни аллақачон уриб қўйган. Хизмат лавозимида юқори кўтарилишида уни икки марта четлаб ўтишди ва, афтидан, шу боис Лестер ўзининг шахсий учрашувларида банкдан фойдаланар эди. У фоҳишаларни бир чақирим наридан сезар, уларни текинга хизмат қилдириш унга ҳузур бағишларди. Айниқса, ёлғиз, бева хотинлар осонгина жиш бўлишар эди унга. Лестернинг даричаси олдида эртами-кечми оғир аҳволга тушиб қолган хилма-хил қоматли ва ҳар хил ёшдаги аёллар пайдо бўлиб турарди. Агар улар қарзлари вақтини ошириб юборгудек бўлсалар, Лестер раҳмдиллик қилиб уларни эшитар, чекларни кечиктириш йўли билан ўз имкониятларини намоиш этарди. Миннатдорчилик эвазига эса бирга овқатланиш учун таклиф этишларини кутарди. Унинг кўпчилик мижозлари нозик сабабларни рўқач қилиб унга мурожаат этишарди. Бирлари эрлари беҳабар қарз сўраса... Бошқалари ўзларига қандайдир йўли билан... ёздириб олган чекларни хуфийёна сақлашни илтимос қилишарди... Яна бирлари никоҳни бекор қилиш баҳонасида Лестердан банкдаги умумий ҳисобларидан пулни дарров бўлиб беришни талаб этишар эди. Лестер уларнинг ҳожатини чиқаришдан хурсанд. Унинг ҳам ҳожатини чиқаришса яна хурсанд бўларди.

Ўша унутилмас жума кuni эрталаб Лестер омади кулиб боқишини биларди. У банкка кириб келаётган аёлни кўриб қолди. Бу бекиёс нусха — силлиқ қора сочлари елкаларида тўкилиб турар, тор юбка ва свитери Лас-Вегаснинг ҳар қандай қўшиқчи қизларининг ҳавасини келтирадиган қадди-қоматини таъкидлаб турарди.

Банкда тўрт нафар кассир ишлар ва бу ёш жувон худди мадад сўраётгандек назарини гоҳ у, гоҳ бу кассирга қаратди.

Жувоннинг нигоҳи Лестерга тушиши биланоқ у кўзини қисиб мулойим илжайиб қўйди. Жувон унинг даричаси олдида келди.

— Хайрли тонг, — деди мулойим бўлиб Лестер, — хизматингизга тайёрман.

У аёлнинг кўкраклари свитеридан бўртиб турганини кўриб хаёли қочди.

“Дўндиқча, сенга шундай ёрдам бергим келмоқдаки!”

— Мени баъзи муаммолар қийнаб қўйди, — жувоннинг овози ёқимли куйдек жаранглади. Бунақа фаройиб жануб лаҳжасини Лестер ҳеч қачон эшитмаганди.

— Мен бу ерда худди шундай муаммоларни, — унинг кўнгли ийиб кетди, — ҳал қилиш учун ўтирибман.

— О, умидим ўзи шу. Лекин мудҳиш хато қилиб қўйдим деб қўрқаман.

Лестер жувонга ўзининг энг яхши оталарча меҳрибон табассумини ҳадя этди.

— Сиздай гўзал бу даражада хатога йўл қўйганига ишонгим келмаяпти.

— Оҳ, лекин шундай бўлди, — унинг жозибали кўзлари ваҳимали катталашди. — Мен Жозеф Романонинг котибаси бўламан. У бир ҳафта бурун менга жорий ҳисоб учун янги чек бланкаларини буюртма қилишимни топширган эди, мен эса мутлақо унутиб қўйибман. Ҳозир улар тугаб қолди, агар Жозеф буни билиб қолса, билмайман мени қандай қўйга солади ҳали.

Жозеф Романонинг исми Лестерга жуда таниш. Гарчи унинг ҳисоб рақамларида унчалик катта пул бўлмаса ҳам, банкнинг фахрий аъзоси ҳисобланади. Барча катта пулларини ўз даромадларини қонуний қилиб кўрсатиш мақсадида катта пулларини бошқа жойларда ими-жимиди сақлашини ҳамма билар эди.

“Котиба танлашда диди жуда зўр экан”, — хаёлидан ўтказди Лестер. У яна жилмайиб деди:

— Бу унчалик жиддий иш эмас, миссис...

— Мисс Хатворд. Луриин Хатворд.

Мисс Лестер бугун жуда омади чопганини ҳис эта бошлади. Ҳаммаси хамирдан қил суғургандек.

— Мен шу ондаёқ сизга янги бланкалар буюриб қўяман. Икки-уч ҳафтадан кейин олишингиз мумкин бўлади ва...

Аёлнинг ичидан бир нидо чиқдики, бу чексиз умидбахшида овозга ўхшаб кетди.

— Э, бу жуда кеч бўлади, мистер Романо шундоғам мендан хафа бўлиб юрибди. Ҳатто ишимдаям ҳаловат йўқ, тушуняпсизми? — Трейси кўкракларини атайлаб тўсиққа теккизиб энгашиди-да, жозоба билан шивирлади: — Агар буюртмани тезда адо этсангиз, сизни куруқ қўймасдим.

Лестер раҳмдиллик билан деди:

— Э-э, минг афсус, Луриин, бунинг ҳеч иложини қилол... — Аёлнинг йиғлаб юборгудек бўлганини кўрди-да, — очигини айтсам, бундай иш менинг қўлимдан келар, деб ўйлайман.

— Илтимос... Сиз учун ҳамма нарсага тайёрман.

Бу сўзлар Лестернинг қулоғида ёқимли мусиқадай янгради.

— Сизга айтдим-ку, қилиб бераман, — деди Лестер. — Сиз учун маҳсус буюртма қиламан ва ҳаммасини душанба куни оласиз. Шунга розимисиз?

— О, қандай ажойибсиз-а, аёлнинг овози чексиз миннатдорлик ҳисси билан тўлганди.

— Мен чекларни офисга юбораман ва...

— Ҳар ҳолда, ўзим келиб олиб кетсам маъқулроқ бўларди. Мистер Романо мени шу қадар тентаклингимни билиб юрмасин тагин.

Лестер кўнгилчан жилмайди.

— Йўқ, тентак эмассиз. Ҳаммамиз ҳам баъзан фаромуш бўламиз.

Аёл мулойим оҳангда деди:

— Сизни ҳеч қачон унутмайман. Душанбада кўришгунча.

— Мен шу ерда бўламан.

Аёл кетаётиб Лестерга жозибали табассум ҳадя этди-да, эшик томон одимлади. Унинг мафтункор юриши одамнинг диққатини ўзига тортар эди. Лестер картотека олдига бораркан мийиғида кулиб қўйди. У Жозеф Романонинг ҳисоб рақамини олиб, янги бланка буюртма қилиш учун тез тайёрлаб берадиган бўлимга кўнғироқ қилди.

Кармен Ситидаги меҳмонхона Янги Орлеандан бошқа меҳмонхоналардан ҳеч нарсаси билан фарқ қилмас ва шу боис Трейси худди шу жойни танлади. У ўртамеёна жиҳозланган мўъжазгина хонани бир ҳафтага ижарага олди. Камера олдида бу саройнинг ўзгинаси эди.

Трейси Лестернинг олдидан қайтиб келиб, қора паригини ечди, ўзининг жозибадор сочларини силаб қўйди, юмшоқ контакт линзаларини кўзидан олди ва юзидан гримини ювиб ташлади. У хонадаги ягона тўғри курсида ўтириб, чуқур нафас ола бошлади. Ҳаммаси яхши кетяпти! Жо Романонинг ҳисоб рақами қаердалигини билиб олиш қийин... Трейси Романонинг бир вақтлар онасига ёзиб берган ҳисоб варағига қаради. “Жо Романоми? Унга қўлинг етмайди”, — деган эди ўшанда Эрнестина.

Лекин Эрнестина янглишган. Жо Романо — биринчиси. Қолганлари ҳам Романонинг кунини кўради. Биттасиям қолмайди.

Трейси кўзларини юмди ва бу ерга, Янги Орлеанга уни олиб келган ўша мўъжиза яна бир бор кўз олдидан ўта бошлади.

Трейси совуқ сув қоп-қоронғи гирдобига тортилаётганини сизди. У чўкаётганини ҳис этди-ю, даҳшатга тушди. Сув остида Эмига дуч келди, қизчани маҳкам кучоқлаб олди-да, сув бетига отилди. Эми унинг кучоғидан чиқиш учун типирчиларди, улар гоҳ пастга чўқар, гоҳ оёқ-қўлларини жон-жаҳдлари билан ишга солиб, сув бетига чиқар эдилар. Трейсининг ўпкаси ёрилгудек шишиб кетган.

У ўлим талвасасига тушган қизчани ушлаб олганича сув гирдобидан қутулмоқчи бўлар эди-ю, бироқ ҳолдан тойиб борарди. “Кутула олмаймиз, ҳалок бўлдик, — ўйлади Трейси. Қандайдир овозлар эшитилди, қўлидаги Эмини юлқиб олишганини сезган Трейси:

— Эй, худойим! Йўқ, йўқ! — деб қичқириб юборди. Кимнингдир кучли қўллари уни белидан кучиб олди ва:

— Энди яхши, хавотир олманг. Ҳаммаси жойида, — деди.

Трейси телбанамо аланг-жалаглаб Эмини қидирди, кейин қизчани хавфдан холи бўлганини, бақувват қўлларда эканини кўрди. Бир дақиқадан кейин уларни совуқ сув қаъридан олиб чиқишди...

Бахтсиз ҳодисанинг муваффақиятли якуни ҳақида эрталабки газетанинг ички саҳифасида чоп этишди: гарчи маҳбуса сузишни билмаса ҳам қамоқхона бошлигининг қизини қутқариш учун ўз умрини гаровга қўйди. Кечга бориб бошқа газеталар ва телевидение мухбирлари Трейсини қаҳрамон даражасига кўтариб юбордилар. Губернатор Хабернинг ўзи Уорден Бренниган (турма бошлиғи) билан биргаликда Трейсини кўргани қамоқхона касалхонасига келди.

— Сиз мардлик кўрсатдингиз, — деди бошлиқ. — Миссис Бренниган ва мен сизга ниҳоятда миннатдорлик билдирмоқчимиз!.. — У ҳаяжондан йўталиб қўйди.

Трейси ҳали ҳолсиз ва бўлган воқеадан қаттиқ ларзага тушган эди.

— Эми яхшими?

— Эми тузала бошлади.

Трейси кўзларини юмди: “Унга бирон кор-ҳол бўлса ўлиб қолардим”, — деб ўйлади у ва бола ундан меҳр талаб қилганида унга ўрганиб қолишдан кўрқиб совуқ муносабатда бўлгани эсига тушиб, ўзидан-ўзи уялиб кетди. Воқеа Трейсига озодлик келтирди, бироқ бу воқеа яна қайтарилгудек бўлса у Эмини қутқариш учун яна ўзини ташлаши аниқлигини билар эди.

Воқеа юзасидан кичик бир тафтиш ўтказишди.

— Бунга ўзим айбдорман, — деди Эми. — Биз копток ўйнагандик, Трейси коптокни олиб келиш учун югуриб кетди. Менга эса кутиб тур, деб буюрди, лекин мен уни яхшироқ кўрай деб деворга чиқиб олдим. Кейин сувга тушиб кетдим. Трейси эса мени қутқарди, дада.

Трейсини ташҳис учун касалхонада қолдиришди, эртасига эрталаб уни Уорден Бренниган кабинетига таклиф этишди. Трейсини юракни эзиб юборадиган ҳикоясини эшитишни интиқиб кутаётган журналистлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қарши олдилар. ЮПИ, Ассошиэтед Пресс, маҳаллий телевидение ўз вакиллари юборишган эди...

Ўша куни кечқурун Трейсининг қаҳрамонлиги ҳақида кенг кўламда ахборот тўпланди ва миллий телевидение орқали қутқариш ҳақида ҳисобот берилди. Воқеа юмалоқ қор уюми каби катталаша борди.

“Тайм”, “Ньюсупи”, “Пилл” ва мамлакатнинг бошқа юзлаб газеталари бу воқеани ҳар томонга тарқатишди. Ахборот воситаларида воқеа ҳақида хабар бериш давом этавергани боис, қамоқхона маъмуриятига Трейсини афв этиш тўғрисида талаб қилинган хат ва телеграммалар тўлиб-тошиб кетди.

Губернатор Хабер Жорж Бренниган билан масалани муҳокама қилди.

— Трейси Уитней жиддий жиноят учун қамалган, — деди Бренниган.

Губернатор ўйланиб қолди.

— Лекин у илгари судланмаган, тўғрими, Жорж?

— Худди шундай, сэр.

— Сизга очигини айтсам дейман. Унга эркинлик беришни талаб қилиб роса мени қистовга олишмоқда.

— Мени ҳам, губернатор.

Қамоқхоналарни халқ хоҳишига қараб бошқаришга йўл қўя олмаймиз, албатта, тўғрими?

— Ҳа, сэр!

— Бироқ бундай қараганда, — мулоҳаза қилди губернатор, — ўша Уитней ҳайратомуз мардлик кўрсатди. У ҳақиқий қаҳрамонга айланди.

— Бунга шубҳа йўқ, — дея рози бўлди Уорден.

— Сиз нима дейсиз, Жорж? — Губернатор сигаретасини ёндирмай турди.

Жорж Бренниган нима дейишини ўйлаб турди.

— Сиз биласизки, мен манфаатдор шахсман. У менинг боламни қутқариб қолди. Лекин бу далилни ҳисобга олмаган тақдирда ҳам, унинг жиноятчи эканига ва биз эркинликка қўйиб юборсак жамоатчиликка хавф туғдирадиган шахс бўлишига ишонмайман. Мен уни афу этишни ўтиниб сўрайман.

Янги муддатга ўз номзодини яна қўймоқчи бўлган губернатор бу фикрга кулоқ солиб таъкидлади:

— Келинг, қамоқ муддатига нисбатан озгина шафқатли бўлайлик.

Сиёсатда нозик жойини ушлаш — бу гаров.

Сью Эллен эри билан маслаҳатлашиб Трейсига мурожаат этди:

— Биз Уорден билан бизнинг уйда яшасангиз деган фикрга келдик. Ҳовлимизнинг этагида бўш ётоқхона ҳам бор. Сиз Эми билан доим бирга бўлишингиз мумкин.

— Раҳмат, — деди Трейси миннатдорлигини яширолмай. — Мен ҳам шунини хоҳлайман.

Ҳаммаси аъло даражада эди. Гап, Трейсини энди ҳужрага қамаб қўйишмаганда эмас, ҳамма гап шундаки, унинг Эми билан муносабатлари тубдан ўзгариб кетган. Эми унга худодек сажда қилар, Трейси ҳам унга шундай муносабатда бўларди. Трейси шу шўх, ақли доно кичкина қизчанинг ҳузурда жон деб вақтини ўтказарди. Улар ўзлари яхши кўрган ўйинларни ўйнашар, телевизорда Дисней фильмларини кўришар, бирга китоб ўқир эдилар. Ҳаммаси оилавий даражада ўтарди.

Баъзан Трейси хизмат юзасидан қамоқхона блоklarига боришига тўғри келарди, шунда у доим Катта Берта билан тўқнашар эди.

— Сенинг омадинг бор экан, қанжиқ, — дея пишқирарди Берта. — Эртами-кечми, албатта, бу ерга, оддий халқ ёнига қайтасан. Ўзим бунинг ғамини ейман.

Уч ҳафтадан кейин бир куни улар Эми билан боғчада ўйнаб ўтиришарди. Сью Эллен шошилишч эшикдан чиқди-да, бир дам уларни кузатиб турди, сўнгра:

— Трейси, қамоқхона бошлиғи кўнғироқ қилди, — деди. — У сени ҳозирок ўз ҳузурига чақирмоқда.

Трейсини қутилмаган даҳшат талвасага солиб қўйди. “Бу, мени қайтадан қамоқхонага тиқиб қўйишади, шекилли? Катта Берта ўз обрўсидан фойдаланиб шундай қилди-ёв? Ёки миссис Бренниганга менинг Эми билан жуда иноқлашиб қолганим ёқмай қолдимми?” — Хўп, миссис Бренниган.

Трейсини олиб киришганида қамоқхона бошлиғи остонада турган эди.

— Ўтиринг, марҳамат, — деди у.

Трейси келажак тақдирини унинг овоз оҳангидан ўқиб билиб олишга уриниб кўрди.

— Сиз учун янгилик бор, — деди-ю, Трейси англаб ололмайдиган қандайдир ҳиссиётга берилиб тутулиб қолди. — Мен ҳозиргина Луизиана губернаторининг буйруғини олдим. Сизни афв этиш тўғрисида, у ҳозирнинг ўзиданоқ кучга киради.

“Худога шукур, шундай дедими, ёки қулоғимга шундай эшитилдимми?” Трейси миқ этолмасди.

— Яна шунини билиб қўйишингизни истар эдимки, — дея давом этди бошлиқ. — Менинг боламни қутқарганингиз учун эркинлик берилмади. Сиз ҳар қандай одобли одам қилиши мумкин бўлган бу ишни беихтиёр қилдингиз. Хаёлимни бир жамлаб кўриб, Сиз жамиятга хавfli одам эмаслигингизга ишонч ҳосил қилдим. — У жилмайди-да, гапини яқунлаб деди: — Эми сизни жуда соғинади. Биз ҳам.

Трейси жавоб беришга сўз тополмади. Бошлиқ бор ҳақиқатни билмайди. Худди ана шу бахтсиз ҳодиса пухта ўйланган қочиш режасини бузганлигини ва шу режа амалга ошса, одамлар қочқин сифатида Трейсини таъқиб қилишларини билса эди.

— Сизни индинга қўйиб юборишади.

“Буюк орзу”. Трейси ҳалиям бунга кўника олмасди.

— Мен... мен нима дейишнйам билолмай қолдим.

— Ҳеч нарса дейиш керакмас. Бу ердагилар ҳаммаси сиз билан фахрланишади. Миссис Бренниган ва мен сизни озодликда буюк ишлар кутмоқда деб ҳисоблаймиз.

Озодлик. Трейси ўзини шундай ожиз сездики, ҳатто стулнинг суянчиғини ушлаб олди. Ниҳоят, тили калимага келганда овози қатъий жаранглади.

— Мен жуда катта ишлар қилмоқчиман. Уорден Бренниган. Кўп иш қилишим керак.

Қамоқхонадаги сўнги кечада Трейсининг олдига собиқ камера бўлмасидаги маҳбуса келди.

— Сен чиқаяпсанми?

— Ҳа.

Қирқ ёшлардаги Бетти Францискус ҳали ташқи жозибасини, иззат-нафсини йўқотмаган аёл эди.

— Мобода сенга Нью-Йоркда бирорта ёрдам керак бўлиб қолса, бир одам бор. Унинг исми Конрад Морган, — у хуфиёна бир бўлак қоғозни Трейсига чиқтирди. — У одам жиноий ҳуқуқни ўзгартириш тарафдори. Қамоқхонада ётиб чиққанларга ёрдам қўлини чўзиш унга ёқади.

— Раҳмат, лекин менга зарурати йўқ унинг...

— Ким билади, ҳар ҳолда адресини сақлаб қол...

Трейси икки соатдан кейин қамоқхона эшигидан телекамералар кузатуви остида чиқди. У мухбирлар билан мулоқотга бормади, лекин Эми онасидан қочиб унинг кучоғига отилганда камералар шириқ-шириқ эта бошлади. Бу расм кечки ахборотларда кўрсатилди. Трейси учун энди бу озодлик қувонч ато этувчи мавҳум бир нарса бўлибгина қолмасдан: Озодлик — янги ҳаво, ҳаловат, тушлик учун саф тортиш, ташвишли кўнғироқни кутиш заруратининг йўқлиги. Озодлик — иссиқ ванна, ҳидли совун, нозик ички либос, чиройли кўйлак ва баланд пошнаги туфилларни кўз олдига келтирди. Озодлик — Катта Бертедан қочиш, тунги безориларча зўрликлардан ва қамоқхонанинг зерикарли тартибларидан қочишни англатарди.

Трейси бошига тушган озодликка кўникиши лозим. У кўча-кўйларда юрар экан, ҳеч кимга тегиб кетмасликка ҳаракат қиларди. Қамоқхонада биронта маҳбус билан тўқнашиш катта алангага айланадиган учқун бўлар эди. Озодликда эса сени доимий адоват таъқиб этмайди. Унга ҳеч ким таҳдид қилмайди.

Трейси ўз режаларини амалга ошириш учун эркин эди.

Филадельфияда Чарльз Стэнхоуп Трейсининг қамоқхонани тарк этаётганини телевизор орқали тамоша қилди. “Ҳалиям у гўзал”, — дея ҳайрон бўларди у. Трейсининг кўринишидан унинг бўйнига айб деб қўйилган жиноятни содир этганига ишониш қийин эди. Чарльз хонанинг бир бурчагида бамайлихотир тўр тўқиётган ибратли хотинига кўз ташлади. “Қизиқ, адашмадиммикан?” — дея хаёлидан ўтказди у.

Даниэл Купер Трейсини телевизор янгиликларида ўзининг Нью-Йоркдаги уйида кўрди. У Трейсини қамоқдан озод қилингани тўғрисидаги хабарга бефарқ қараб, телевизорни ўчирди-ю, столи устидаги ҳужжатларга муккасидан кетди.

Жо Романо телевизор янгиликларини кўриб хахолаб юборди: “Бу дейман, Уитней жуда омади келган кузғун экан. Онт ичаманки, қамоқхона унга фойда келтирди. Ҳозир ҳам у мафтункор жононнинг ўзгинаси. Балки қачонлардир у билан яна учрашиб қолсак ажабмас”.

Романо ўзидан мамнун бўлиб қолаверди. У Ренуарни бир олибсотарга мўмайгина пуллаб юборди, тасвирни Цюрихдаги бир коллекционер сотиб олди. Суғурта компаниясидан беш юз минг доллар, олибсотардан яна икки юз минг доллар тушди. Табиийки, Романо Энтони Орзаттини қуруқ қўймади. Романо у

билан жуда нозик муносабатда бўларди, чунки Орзатти билан ноўрин ишлар қилган одамларнинг ҳоли не кечишини у яхши билар эди.

Трейси душанба кунги туш пайтида Луриин Хатворд қиёфасида Янги Орлеаннинг Ферст мерченгс банкда пайдо бўлди. Бу вақтда банк мижозлар билан тўла эди. Лестер Торренс дарчаси олдида бир неча кишидан иборат навбат йиғилиб турарди. Бироқ Лестер Трейсига кўзи тушиши биланоқ чеҳраси очилиб, имлаб қўйди. Трейси аввалги келганига нисбатан чиройи янаям очилиб, ниҳоятда жозибали бўлиб кетганди.

Трейси ниҳоят унинг дарчаси олдида келгач, Лестер:

— Ишингизни бажо келтириш осон бўлмади, лекин Сиз учун буни бажардим, Луриин, — деди қариллаб. Аёл чеҳрасида мулоим миннатдорлик жилваси порлади.

— Сиз жуда ажойибсиз.

— Мана, шу ернинг ўзидаёқ қабул қилгайсиз, — деди Лестер ва ғаладонни очиб, бланкалар солинган қутичани олиб унга яширинча узатди. — Бунда тўрт юз дона тоза бланкалар. Етар дейман?

— Ҳаддан зиёд. Мистер Романо чек ёзиш билан овора бўлгунча етади. — Трейси Лестерга нигоҳини қадаб хўрсиниб қўйди. — Сиз ҳаётимни хавф остидан қутқардингиз.

Лестер остида қандайдир шаҳвоний турткини ҳис этди.

— Мен одамлар бир-бирларига яхшилиқни раво кўришлари керак, деб ҳисоблайман, шундай эмасми, Луриин?

— Сиз ҳақсиз, Лестер.

— Ўзингиз биласиз-у, лекин бу ерда ўз ҳисоб рақамингизни очсангиз ёмон бўлмасди. Мен эса тегишли чораларни кўриб қўярдим.

— Бунга менинг ишончим комил, — деди мулоимлик билан Трейси.

— Бу ҳақда бирон ерда бирга овқатланиб ўтирганимизда гаплашиб олсак яхши бўларди, нима дейсиз?

— Сизнинг фикрингиз менга маъқул.

— Қаерга телефон қилай бўлмаса, Луриин?

— Э, йўқ, ўзим сизга қўнғироқ қиламан, — деди Трейси ва нари кетди.

— Тўхтаб туринг, бир... — лекин навбатдаги мижоз дарча олдини тўсиб, Лестерга майда тўла халтачасини узатди.

Банк залининг ўртасида кириш ва чиқиш бланкалари билан тўлдирилган қутичалар қўйилган тўртта стол бўлиб, унинг атрофини мижозлар ўраб олишган эди. Трейси Лестернинг кўзи тушмайдиган жойга борди. Бир мижоз стол олдини бўшатгач, Трейси ўз ишини адо этишга ўтирди. Унга Лестер узатган қутиди тоза бланкалар солинган саккизта пакет бўлиб, Трейсини эса фақат кириш ордерлари қизиқтирар эди.

У кириш ордерларини бошқаларидан авайлаб ажратиб олди-да, кўпи билан уч дақиқада саккизта кириш ордерларни териб олди. Трейси орқасидан ҳеч ким кузатмаётганига ишонч ҳосил қилгач, йигирмата бланкани темир қутичага солди. Сўнгра бошқа столга бориб яна йигирмата қоғозни қолдирди. Йигирма дақиқа орасида у бор-йўқ бланкаларни барча столларга бўлиб чиқди. Кириш ордерларининг бланкалари тўлдирилмаган бўлса ҳам, ҳар бирининг ўртасида магнит шифри бўлиб, шунинг ёрдамида компьютер маълум ҳисобга пул ёзар эди. Ким кўйишидан қатъий назар, магнит шифри ёрдамида компьютер автоматик равишда ҳар бир тўловдан Жо Романо ҳисобига пул ўтказаверар эди. Трейси банкда ишлаган тажрибасидан шуни билар эдики, кириш ордерларининг магнит бланкалари икки кун ичида сарфланади ва бу чалкашлиқни сезиб олиш учун камида яна беш кун лозим бўлади. Бу муддат Трейси ўйлаган ишни адо этиш учун етиб ортади.

У меҳмонхонага кетаётган қолган бланкаларни ахлат яшиқка ташлаб юборди: Мистер Романога улар энди керак бўлмайди.

Трейсининг навбатдаги тўхташ жойи — Янги Орлеандаги саёҳатчилар агентлиги бўлди.

Пештахта олдида ўтирган ёшгина жувон:

— Хизмат? — деб сўради.

— Мен — Жозеф Романонинг котибасиман. Мистер Романо Рио-де-Жанейрога учадиган самолётга жой буюриб қўймоқчи эдилар. У ерга жума куни боришлари лозим...

— Битта чиптами?

— Ҳа. Биринчи класс, чиқишга яқинроқ, чекувчилар учун, илтимос.

— Бориб-қайтиш учунми?

— Фақат бориш учун.

Агент компьютерга ўтирилди. Бир неча дақиқадан сўнг деди:

— “Пан Американ” авиакомпанияси самолётнинг биринчи классига битта чипта, етти юз йигирма саккизинчи рейс билан жума куни соат ўн саккизу ўттизда учади, Майамида қисқа вақт қўниб ўтади.

— У киши жуда хурсанд бўлади, — дея ишонтирди аёлни Трейси.

— Бир минг тўққиз юз йигирма беш доллар тўлайсиз. Нақд тўлайсизми ёки чек орқалими?

— Мистер Романо доим нақд тўлаб юрганлар. Тўлаб олиш шарти билан. Марҳамат қилиб, пайшанба куни уни ишхонасига чиптани етказиб беришлари чорасини кўриб қўйсангиз.

— Агар хоҳласангиз эртагаёқ чиптани у кишига етказиб берамиз.

— Йўқ. Эртага мистер Романо бўлмайдилар. Пайшанба куни соат ўн бирга етказиб берсангиз.

— Яхши. Ҳаммаси бажо бўлади. Манзиллари?

— Мистер Жозеф Романо, Пойдрастрит икки юз ўн етти, кабинет номери — тўрт юз саккиз.

Аёл ёзиб олди.

— Жуда соз. Мен пайшанба куни эрта билан чиптани етказиб бериш чорасини кўриб қўяман.

— Роса ўн бирда, — яна таъкидлади Трейси. — Раҳмат.

Трейси шу кўча бўйлаб сал нари кетгач, чемодан сотадиган дўконга дуч келди. У киришдан олдин витринага кўз ташлади, Клерк унинг ёнига келиб деди:

— Хайрли тонг. Бу тонг бизга нима хизмат бор?

— Мен эрим учун бирорта чемодан харид қилишим керак эди.

— Сиз керакли жойга келибсиз. Сотувда жуда хилма-хили мавжуд. Чиройлилари, арзон баҳодагилари...

— Э, — эътироз билдирди Трейси. — Арзони қуриб кетсин!

Трейси девор олдида тахланиб қўйилган “Вьюнтон” чемоданлари олдига борди.

— Мана булар, худди мен ахтарганларим. Биз эрим билан саёҳатга кетмоқчимиз.

— Ҳа, ишончим комилки, эрингиз бу хариддан жуда хурсанд бўлади. Бизда уч хил ҳажмдаги чемоданлар бор. Қайси бири...

— Мен ҳаммасидан биттадан оламан.

— О! Жуда соз! Чек ёзиб берасизми ёки нақд тўлайсизми?

— Тўлаб олиш шарти билан. Олувчи — Жозеф Романо. Сизга оғир бўлмаса, пайшанба куни эрталаб эримнинг хизмат жойига етказиб берсангиз?

— Хўп, албатта, бўлмасам-чи? Миссис Романо.

— Соат ўн бирда.

— Шахсан ўзим бунинг чорасини кўраман.

Трейси яна қўшиб қўйди.

— О, чемоданларга тилла ҳарф билан номининг бош ҳарфларини ёздириб қўйиш мумкинми? Ж.Р. деб.

— Албатта. Бемалол, миссис Романо.

Трейси табассум қилди-да, унга манзил ёзилган қоғозни узатди.

Трейси иш яқин орада жойлашган Вестрен юнион офис почтасида Рио-де-Жанейродаги “Рио Отен плейс” меҳмонхонасига тўланган телеграмма юборди: “Жума кунидан эътиборан икки ой муддатга энг яхши хонага буюртма қабул этсангиз, марҳамат қилиб: 217, Пойдрас-Стрит, 408, Янги Орлеан, АҚШ, Жозеф Романога қисқача тасдиқ телеграмма юборсангиз”.

Яна уч кун ўтди. Трейси банкка телефон қилиб Лестер Торренсни чақирди. Унинг овозини эшитиб мулойим бидирлай кетди.

— Лестер, балки мени ёдингиздан чиқаргандирсиз, мен Луриин Хатворд, мистер Романонинг котибаси, хўш...

— Сиздай аёлни унутиб бўладими? — Унинг бетоқат овози эшитилди. — Албатта, сизни унутганим йўқ, Луриин, мен...

— Шунақа денг? Жудаям миннатдорман. Сиз жуда кўп одамларни кўрасиз.

— Лекин сизга ўхшаганларни эмас, — дея уни ишонтирди Лестер. — Учрашувимизни унутганингиз йўқми, а?

— Шу учрашувни қанчалик зориқиб кутаётганимни тасаввур ҳам қилолмай-сиз. Кейинги сешанба сизни қониқтирадим, Лестер?

— Жуда яхши бўларди!

— Унда — учрашамиз. О, роса тентакман-да. Сиз билан суҳбатлашиб, ҳаяжонланганимдан нима учун кўнғироқ қилаётганимни ҳам унутибман. Ахир Мистер Романо банкдаги ҳисоб рақамларни текшириб қўйишимни сўраган эдилар. Рақамларини айтиб юборолмайсизми?

— Албатта. Хотиржам бўлаверинг.

Лестер Торренс одатда мижозининг туғилган кунини сўрар ёки бошқа бирон расмиятчилик қиларди, лекин ҳозир бунга ҳожат йўқ деб ҳисоблади.

— Ҳозир, Луриин, — деди у.

У картотекага бориб Жозеф Романонинг ахборотномасини олди ва ҳайрон бўлиб кўздан кечира бошлади. Кейинги бир неча кун ичида Романонинг ҳисоб рақамига ғайриодатий пул тушуми йиғилган эди. Романо ҳеч қачон бундай катта пул сақламасди банк ҳисобида. Нима бўлаётибди, деб ўзига-ўзи савол берди Лестер. Қандайдир катта иш қилган бўлса керак-да. Луриин Хатворд билан учрашганида бу ишни суриштириб кўради. Кичкина сир-асрорни билиб қўйиш ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. У телефонга қайтди.

— Хўжайинингиз бизга анча иш орттирибди, — деди у Трейсига. — Унинг жорий ҳисоб рақамида — уч юз минг доллардан зиёд пули бор.

— Яхши. Буни унга етказаман.

— Пулларини акцияга айланттириш хоҳиши йўқми унинг. Бунақа пулларни бу ерда сақлашга унчалик эҳтиёжи йўқ. Мен агар...

— Йўқ. Жо пуллари ўша жойда қолишини истайди, — деди қатъий равишда Трейси.

— О' кей.

— Сизга катта раҳмат, Лестер. Сиз — ажойибсиз.

— Бир дақиқа тўхтанг. Сешанба тўғрисида идорангизга кўнғироқ қилайми?

— Ўзим кўнғироқ қиламан, азизим, — деди Трейси ва шу билан алоқа узилди.

Энтони Орзатти тасарруфидаги замонавий кўп қаватли маъмурий бино Пойдрас-стритда жойлашган бўлиб, олд томони дарёга қараган, орқасида эса каттакон Луизиана тайёрагоҳи бор эди. Пасифик Импорт-экспорт компаниянинг хизмати учинчи қаватдаги барча хоналарни эгаллаган эди. Данғиллама кошонанинг бошида Орзаттининг, бу бошида Жо Романонинг хоналари жойлашганди. Кабинетлар оралигидаги қабулхонада тўртта ёш котиба қизлар ўтиришарди. Бу қизлар Орзаттининг кечки зиёфатларида оғайниларининг кўнгиллари овлаш ҳамда казо-казо қорчалонлар билан танишиб олиш учун хизмат қилишар эди. Орзатти аппаратлари бўсағасида умрини ўз постларини кўриқлашга бағишлаган иккита барзанги ўтирарди. Уларнинг вазифасига, бундан ташқари, ҳайдовчилик, уқалагувчилик ва югурдаклик ҳам кирарди.

Орзатти пайшанба куни эрта билан ўз хонасида хуфия лотереялардан келган тушумлар миқдорини текширди. Буларда Пасифик Импорт-Экспорт компания тасарруфидаги букмеру фоҳишалар ва бошқа шу каби даромадли хизматларнинг ўнлаб вакиллари бор эди.

Энтони Орзатти ўзининг олтмиш ёшини аллақачон нишонлаб бўлган. Унинг жуссаси жуда ғалати бичимда — унинг оғир улкан гавдасини пакана бўйли одамга мўлжалланган ориқ оёқлари кўтариб юрарди. У ҳатто тик турганда ҳам



Ўтирган қурбақага ўхшайди. Юзлари бетартиб ўргимчак уясига ўхшаб кетадиган чандиқлар билан қопланган, бунақасини фақат маст ўргимчак ўриши мумкин. Каллик касалига мубтало бўлган, ўн беш ёшидан бери бошида бир дона ҳам туки йўқ, ўшандан бери парик кийиб юради. Гарчи парик бесўнақай ўрнатилган бўлса ҳам, бу ҳақда ҳеч ким унинг эгасига миқ этмасди. Ташқи қиёфасида ниҳоятда катта оғзи, косаларидан бўртиб чиққан совуқ, айёрона бежо кўзлари бешта қизи билан муомала қилган маҳалларини ҳисобга олмаганда, мудом тўнг бўлиб қолган юзлари охирги чизги эди. Ҳиссиётини, руҳий кечинмаларини ифодаловчи — бу унинг бўғиқ овози бўлиб, буям йигирма биринчи туғилган кун томоғидан сим боғлаб, уни ўлим кучоғига ташлаб қўйилишининг оқибати эди. Бундай хатога йўқ қўйган икки одам кейинги ҳафтаси ўзлари ўликхонага тушишди. Орзатти уларнинг режаларини барбод этди, бироқ овози ўлаётган кишидек хириллаб қолгандики, уни эшитиб тушуниб олиш мушкул эди.

Энтони Орзатти пора, қурол ва товламачилик йўли билан Янги Орлеанда ҳукмронлик қилади. Шаҳар ўз навбатида ҳукмдорга беадд бойликлар билан ўз эътиқодини билдиради. Мамлакатда барча мафия гуруҳлари уни ҳурмат қилишар, йўл-йўриқ ўрганишарди.

У Лейк-Вистадаги кўп хонали махфий уйда сақлайдиган маъшуқаси билан нонушта қилганидан кейин кайфи чоғ эди. Маъшуқасининг ҳузурига бир ҳафтада уч марта келиб турар, зотан бугунги ташрифи айниқса хуш ёққанди...

Орзаттининг ташкилоти бир маромда фаолият кўрсатар, айтарлик муаммолар туғилмасди. Чунки Энтони Орзатти қийинчиликларни бартараф этиш йўллари шундай боллардики, бирпасда муаммолик даражасини йўқотар эди.

Бир кун у Жо Романога ўз фалсафасини сўқди:

— Ҳеч қачон кичкина муаммони каттага айланиб кетишига йўл қўйма, Жо, акс ҳолда у қор уюмидек катталашиб бораверади. Масалан, катта улуш олиш мақсадида шалпангқулоқ полициячи орқангга тушиб қолди дейлик, дарров уни тинчит, тушундингми? Қор уюми дарров йўқолади қолади. Йўлингда чикаголик бир олифта пайдо бўлиб, ўзининг кичкина тижорат қилиш ёки молиявий ишини Янги Орлеанда амалга ошириш учун рухсат сўрайди. Сен биласанки, ўша кичкина иш катта ишга айланиб кетади ва сенинг даромадларинг қирқила бошлайди. Шунинг учун аввал хўп, де, гарчи у шу ерда палак ёзиб олса, итваччани тинчити юбор. Яна қор уюми йўқ бўлади. Тушундингми? Гап нимада эканига ақлинг етдими?

Жо Романо ҳаммасини аъло даражада яхши биларди.

Энтони Орзатти Романони ўғлидек яхши кўрар эди. Орзатти уни ҳали гўдак-лигида, жиң кўчаларда маст-аластларни тунаб юрган вақтида шогирд қилиб олган эди. Ўзи Жога устозлик қилди, ҳозир эса “ўша гўдак” устаси фаранглар билан бир қаторда ўйин кўрсатишга қодир. Романо содиқ, Романо зеҳдли ва ҳалол шогирд эди.

Энтони Орзатти ўн йил ичида Романони катта лейтенант унвонига кўтарди. Жо уларнинг амалга оширадиган барча ички ишларини назорат қилиб турар, бу ҳақда фақат Орзаттига ахборот беради.

Орзаттининг энг яхши котибаси эшикни қоқиб, ичкари кирди. Жувоннинг ёши йигирмаларда, университетни битирган бўлиб, ҳусни, қадди-қомати билан бир неча бор гўзаллик кўрикларига голиб бўлган эди. Атрофида гўзал аёллар ўралашиб юришлари Орзаттига хуш ёқарди.

У столда турган соатга қаради. Ўндан қирқ беш дақиқа ўтган. У Люсидан, тушгача ўзини безовта қилмасликни илтимос қилганди. Шунинг учун қизга жаҳл билан назар ташлади.

— Нима?

— Безовта қилганим учун узр, мистер Орзатти. Қандайдир мисс Жиж Дюпре кўнғироқ қияпти. Унинг жазаваси кўзиган, нима истаётганини ҳам яхшилаб тушунтириб беролмайди. Шаҳсан ўзингиз билан гаплашишни талаб қилмоқда. Назаримда жуда муҳимга ўхшайди.

Орзатти хаёлан ҳамма исмларни ўтказаркан курсига ўтирди. Жиж Дюпре? Балки ўтган йили Вегасга борганида кўчадан топган фоҳишалардан бири бўлиши мумкинми? Жиж Дюпре? Йўқ, гарчанд хотираси зўрлигидан яширинча

Ўзидан мағрурланиб юрса ҳам бу исмни эслолмади. Орзатти қизиқсиниб гўшакни олди ва Люсига чиқ деб ишора қилди.

— Ҳа, ҳа. Ким бу?

— Бу мистер Орзатти? — аёл француз талаффузида гапирарди.

— Хўш, нимаиди?

— О! Худога шукур, менга вақт ажратдингиз-а, мистер Орзатти.

Люси ҳақ экан, жувоннинг жазаваси кўзиган... Энтони Орзаттининг ҳафсаласи пир бўлиб энди гўшакни қўймоқчи эди, бироқ аёл гапида давом этди:

— Сиз уни тўхтатишингиз лозим, илтимос!

— Хоним, ким ҳақида гапиряпсиз, мен билмайман, вақтим зиқ.

— Менинг Жоим ҳақида-да. Жо Романо. У мени олиб кетаман деб ваъда қилганди. Тушуняпсизми?

— Ҳей, Жо билан уришиб қолган бўлсангиз, ўзларинг ҳал қилаверинг бунди. Мен сизларга энага эмасман.

— У мени алдади. Мен унинг Бразилияга учиб кетмоқчилигини ҳозиргина билиб қолдим. Ўша уч юз мингнинг ярмиси меники.

Бу гап Орзаттини қизиқтириб қолди.

— Қайси уч юз минг ҳақида айтяпсиз?

— О, Жо ўз ҳисоб рақамида яшириб юрган пуллар-да. Бу пуллар сизлар айтгандек — эҳтиёт шарт пуллар.

Энтони Орзатти жуда қизиқиб қолди.

— Илтимос, Жога айтинг, у мени Бразилияга олиб кетсин. Ўтинаман! Хўп дейсизми?

— Ҳа, — дея ваъда берди Энтони Орзатти. — Мен бунинг чорасини кўриб кўяман.

Жо Романонинг Янги Орлеандаги энг олди архитектор-декоратори томонидан замонавий услубда безаган кабинетида, биттаю битта рангли “доғ” француз импрессионистларнинг учта сурати эди. Романо ўз дидидан фахрланарди. У Янги Орлеаннинг харобаларидан ўзига йўл оча туриб, йўл-йўлакай мустақил билимини ҳам оширди. У тасвирий санъатнинг билимдони бўлди, мусиқадан яхшигина хабари бор. У катта-катта зиёфатларда сомалье<sup>1</sup> билан узоқ ва доно мунозаралар қилар эди. Гап йўқ, Жо Романо ўзидан мағрурланиш учун барча асослар етарли эди. Унинг тенгқурлари ҳаёт учун муштарини ишга солиб юргунларича бу ўз ақлини ишга солиб гуллаб кетди. Бордию Энтони Орзатти Янги Орлеаннинг эгаси деб ҳисобланар экан, Жо Романо эса шаҳарни бошқарарди.

Котиба хонага кириб келди.

— Мистер Романо учун Рио-де-Жанейро самолётига билет билан югурдак келди. Чек ёзиб берайми? Тўлаб олиш шарти билан.

— Рио-де-Жанейрога? — Романо бош чайқади. — Унга айтиб қўйинг, қандайдир хатолик юз берибди.

Югурдак кийимидаги одам эшик олдида турарди.

— Менга шу манзилга, Жозеф Романога берасан, деб топшириқ берилган.

— Демак, сизга нотўғри айтишган. Нима, бу янги авиа йўлдан мукофот сифатидаги ҳазилми?

— Йўқ, сэр. Мен...

— Қани кўрай-чи, — Романо чиптани олиб, унга кўз югуртирди. — Нега энди худди Рио-де-Жанейрога мен учушим керак экан?

— Бу жуда яхши савол, — деди Энтони Орзатти, югурдакнинг орқасидан қаддини ростлаб. — Сенга нима бўлди, Жо?

— Тони, бу ерда қандайдир даҳшатли тушунмовчилик юз берган, — Романо чиптани югурдакка узатди. — Қаердан олиб келган бўлсангиз, ўша ерга оборинг-да...

— Шошилма, — Энтони Орзатти чиптани қўлига олиб текширди. — Бу ерда биринчи класс чиптаси. Чекувчилар учун четдаги жой, Рио-де-Жанейрога, жума куни, фақат боришга, деб ёзилган.

<sup>1</sup> Сомалье — Вино тарқатувчи, официант (франц.).

Жо Романо кулиб юборди.

— Кимдир адашган, — деди ва котибасига ўгирилиб: — Медж, сайёҳлар агентлигига қўнғироқ қилинг-да, уларга айтиб қўйинг, ношуд экан улар. Қандайдир лавашанг самолёт чиптасини йўқотиб қўйган.

Котибанинг ёрдамчиси Жоулин кириб келди.

— Узр, мистер Романо. Юк етиб келди. Рози бўлсангиз, унинг учун имзо чекиб юбораман?

Жо Романо котибага бакрайиб қолди.

— Қанақа юк? Мен ҳеч қандай юк-пук буюрмаганман.

— Бу ерга олиб кириш, — деб буюрди Энтони Орзатти.

— Ё, парвардигор! — хитоб қилди Жо. — Ҳамма жинни-пинни бўп қолганми?

Югурдак “Вьюитон” фирмасига қарашли учта чамадон кўтариб кирди.

— Бу нима? Мен буларни буюрмаганман.

Югурдак етказиш ҳужжатини солиштирди.

— Бунда: Жозеф Романо, Пойдрас-стрит икки юз ўн етти, тўрт юз саккизинчи хона деб ёзилган.

Романонинг зардаси қайнади.

— У ерда ёзилгани мени қизиқтирмайди! Уларни мен буюрмаганман. Олиб чиқинг юкларни бу ердан.

Орзатти чамадонларни кўздан кечира бошлади.

— Нима? Тўхта, тўхта. Балки бу совғадир? Нима, бугун туғилган кунингми?

— Йўқ, Ахир ўзинг биласан-ку попуқларни. Бунақалар доим кутилмаган совға қилишади.

— Бразилияга кетмоқчимисан? — қистовга олди Энтони Орзатти.

— Бразилияга? — кулиб юборди Жо Романо. — Тони, бу кимнингдир ҳазили бўлса керак.

Орзатти мулойим жилмайди ва котиба ҳамда югурдакларга ўгирилиб:

— Йўқол!!! — деди.

Улар чиқиб кетишгандан кейин Энтони гап бошлади:

— Жо, банкдаги ҳисобингда неча пул бор?

Жо Романо ҳайрон бўлиб унга қаради.

— Билмайман, бир ярим минг, нари борса иккита. Нимайди?

— Шунчаки ҳазил қилиб банкка қўнғироқ қилиб билсанг, ёмон бўлмасмиди?

— Нима учун? Мен...

— Текшир, текшир, Жо.

— Албатта. Сенга шу керак бўлса, — дея котибага уланди. — Ферст мерченстс бош иқтисодчисини улаб беринг... Салом, азизим! Жозеф Романоман. Ҳисобимда қанча борлигини айтиб беролмайсанми? Туғилган куним — ўн тўртинчи октябр.

Энтони Орзатти параллел телефоннинг гўшагини олди. Бир неча дақиқадан кейин банкдан жавоб беришди:

— Куттириб қўйганим учун узр, мистер Романо. Ҳисоб рақамингизда бугунги кунда уч юз ўн минг тўққиз юз беш доллару ўттиз икки цент бор.

Романо қони қочиб, ранги бўзариб кетганини сизди.

— Қанча?

— Уч юз ўн минг тўққиз юз беш доллар ва ўттиз икки цент.

— Сен, аҳмоқ, итвачча! — деб бақирди Жо. — Ҳисобимда бунақа пуллар йўқ! Адашгансан. Менга ановини улаб бер, ҳалиги...

Лекин у Энтони Орзаттини кўлидаги гўшакни олиб жойига қўйганини сизди.

— Бу пуллар қаердан келди, Жо?

Жо Романонинг ранги оқариб кетди.

— Худо урсин, Тони, бу пуллар ҳақида ҳеч нарса билмайман.

— Шундайми?

— Ишон менга! Кўрмайсанми? Кимдир мени чалмоқчи.

— Балки сени қаттиқ севадиган одамдир. У сенга мукофот сифатида йўлингга уч юз ўн минг доллар тутқазмоқда. — Орзатти креслога оғир чўкди ва Жо Романога узоқ тикилиб турди-да, бамайлихотир деди:

— Ҳаммаси ёлгон демоқчисан, а? Рио-де-Жанейрога бир томонлама чипта ҳам, янги чамадонлар... Афтидан, янги ҳаёт бошламоқчисан, чоғи?

— Йўқ! — Жо Романонинг овозида таҳлика сезилиб турарди. — Э худо, сен мени бошқалардан кўра яхши биласан-ку, Тони. Мен доим сен билан бирга бўлганман. Сен менга отадек одамсан.

У қаро терга тушиб кетди. Эшик тақиллади ва Меги қўлида конверт билан бошини суқди.

— Узр, сўзингизни бўлиб қўйдим, мистер Романо. Сизнинг номингизга телеграмма келди. Лекин унинг учун ўзингиз имзо чекишингиз керак экан.

Қармоққа тушган ҳайвондек табиий туйғу қўзғалди-ю, Романо:

— Йўқ, ҳозир эмас. Бандман, — дея олди жон ҳолатда.

— Мен оламан уни, — деди Энтони Орзатти ва аёл эшикни ёпишга улгурмасданоқ креслодан турди. У шошилмай телеграммани ўқиди ва дабдурустан нигоҳини Жо Романога қаратди.

Энтони Орзатти шундай паст товушда гапирдики, Жо Романо унинг гапини зўрға эшитди.

— Сенга ўқиб бераман, Жо. “Хабар қиламизки, сизга биринчи сентябрдан бошлаб икки ойга люкс хона банд этиб қўйилган. Имзо — С.Монтелбенд, “Рио Отен Плейс” меҳмонхонасининг бошқарувчиси, Копакабано Бич Рио-де-Жанейро”. Бу сенинг хонанг Жо. Энди унинг сенга ҳожати бўлмаса керак, шундай эмасми?

## 2

Андре Жилиан ошхонада қовурма шпагетти, италианча шакароб, нокли торт тайёрлаётган эди, шу пайт узук-юлуқ, лекин қаттиқ ваҳимали чарсиллаган овоз эшитилди-ю, шу заҳоти марказий совутгичнинг уйқу келтирадиган бир меъёрида гувуллаши тақа-тақ тўхтаб қолди ва сукунат чўкди.

Андре депсиниб, сўкинди:

— Нажосат! Бир кунам қор-қолсиз ўтмас экан-да!

У шошилиб девордаги электр узатгич жойлашган қутича олдига бориб, бирин-кетин ҳамма ёндиргичларни текшириб кўрди. Совутгич ишламади.

Мистер Поупнинг роса жаҳли чиқадиган бўлди-да! Хўжайиннинг ҳар жума кечқурунги покер ўйинини қандай сабрсизлик билан кутишини Андре биларди. Кўп йиллардан бери анъанага айланиб қолган бу ўйинда қатнашадиган казолар сафи ўзгармас эди. Совутгичсиз бу уйда ўтириб бўлмайди. Ҳеч чидаб бўлмайди! Янги Орлеан сентябр ойида фақат оддий авом учун фойдаси тегади. Ҳатто кувёш ботаётганда ҳам жазирама ва нам ҳаводан қутулиб бўлмайди.

Андре ошхонага кириб, соатга қаради. Соат тўрт. Меҳмонлар саккизда келишади. Андре Поупга қўнғироқ қилиб, бўлган воқеани айтмоқчи бўлди-ю, бироқ адвокат кўни билан судда бўламан, дегани эсига тушиб қолди. “Бу дилбар инсон доим иш билан банд. У дам олиши керак. Лекин аксига юриб, аҳвол шу!”

Андре ошхонадаги ғаладондан кичкина телефон дафтарчани олиб, керакли рақамларни терди.

Уч марта гудоқ бергандан кейин жарангли овоз қўшиқдек янгради:

— Сиз эскимос ҳаво совитгич хизмати билан уландингиз. Ҳозирги дамда мутахассислар йўқ. Агар сиз телефон рақамингиз ишдан чиққанлиги ҳақида қисқача маълумот қолдирсангиз, биз имконият туғилган заҳоти уста юборамиз. Марҳамат қилиб, қўнғироқни кутинг.

Жин урсин! Фақат Америкадагина сени машина билан гаплашишга мажбур этишади.

Андренинг қулоғини қаттиқ овоз батангга келтирди. У микрофонга гапира бошлади:

— Бу синьор Перри Поупнинг уйи. Чарльз стрит, қирқ икки, совутгич тизими ишламаяпти. Тезроқ бирорта мутахассис юборинг.

Кейин жаҳл билан гўшакни қўйди. “Албатта, ҳеч ким йўқлиги маълум. Бу дўзахи шаҳарда совутгичлар бирин-сирин ишдан чиқаверса. Шундай иссиқ ва

намликка чидаш бера оладиган иситкичнинг ўзи йўқ! Ишқилиб биронтаси тезроқ кела қолса яхши бўлар эди-да”. Мистер Поупнинг феъли маълум, феъл-атвори жуда оғир одам.

Андре Жилиани адвокатнинг уйида ошпаз бўлиб уч йилдан бери ишлайди. “Ёш йигитнинг шундай дабдабали ҳаёт кечиришига ҳайрон қоласан киши”. Перри Поуп ҳаммани жуда яхши билади. У бир имо қоқиши билан ҳамма-ҳамма оёққа туради, ҳа, оёққа туради.

Андренинг назарида унинг ҳавоси жуда қизиб кетгандек туюлди. “Вазият яхши эмас. Агар бирор чора кўрилмаса сассиқ ҳаво вентиляцияни ишдан чиқаради”.

Андре саямини қоғоздек юпка кесиб қўйиш мақсадида ошхонага қайтиб кирганида бу кеча улфатчилик барбод бўлади, деган ҳис-туйғу уни ваҳимага солди.

Ўттиз дақиқадан кейин эшик қўнғироғи жиринглаганда Андренинг уст-боши тер билан намиқиб, ошхона тандирдек қизиб кетган эди.

Жилиан орқа эшикни очишга югуриб кетди. Комбензон кийиб олган иккита ишчи қўлларида дастгоҳлар билан остонада туришарди. Улардан бири қора танли экан. Унинг оқ танли шериги лалайган, уйқусираган, бўйи бир неча дюйм баландроқ эди. Уй орқасидаги эшик рўпарасида авария юк машинаси турарди.

— Совутгич ишдан чиқдими? — деб сўради негр.

— Ҳа! Худога шукр, етиб келибсиз! Ҳозирнинг ўзидаёқ уни тузатиш лозим. Яқин орада меҳмонлар келиб қолишади.

Қора танли ўтманғал олдига бориб, пишган тортни ҳидлаб кўрди.

— Ҳиди ёқимли!

— Илтимос! — бетоқат деди Жилиан. — Бирон нарса қилинг!

— Қани, кувват қутисини кўрайлик, — деди паст бўйлиги. — Қаерда у?

— Буёққа.

Андре тезда уларни йўлақдан кўмакчи хонага бошлаб борди.

— Агрегат яхши, Ральф, — деди негр шеригига.

— Ҳа, Эл. Ҳозир бунақаларини чиқаришмайди.

— Хўш, унда нима учун ишламаётганини айтинг бўлмаса, худо хайрингизни берсин? — деб сўради Жилиан.

Икки ишчи унга ўгирилиб қарашди.

— Биз эндигина кириб келдик, — деди киноя билан Ральф. У чўккалаб агрегат эшигини очди, чўнтак фонусини олди-да, қорнига артиб, агрегат ичига қаратди. Бир дақиқадан сўнг ўрнидан туриб:

— Бузилган жойи бу ерда эмас, — деди.

— Бўлмаса қаерда? — сўради Андре.

— Балки бирон бўлмаси куйгандир. Балки бутун тизим куйиб кетгандир. Нечта совутгичингиз бор?

— Ҳар бир хонада биттадан. Қани, кўрайлик. Камида тўққизта бўлса керак.

— Бунда бир гап бор. Ток ўзгартгичи ортиқча кучланиб кетгандир. Бориб кўрайлик-чи.

Учови даҳлизга чиқишди. Меҳмонхонадан ўтиб кетишаётганда:

— Уйдаги энг яхши хона шу ер бўлса керак, — деди Эл.

Меҳмонхона қимматбаҳо жиҳозлар, бутун бир бойликка арзигудек антиқий безаклар билан тўлиб-тошган эди. Ерга тўқин рангли форс гиламлари тўшалган. Меҳмонхонанинг сўл томонида расмий учрашувлар учун каттакон зиёфат столи ўнгида ишрат тахмон, ўртасида яшил мато билан тўшалган ўйин учун мўлжалланган кенг стол қўйилган. Хонанинг бурчагида кечки зиёфат учун ҳамма нарса тахт.

Иккала механик тахмонга киришди ва Эл деворнинг юқори қисмига ўрнатилган совуткични қўл фонуси билан ёритди.

— Ҳм, — дея гўлдиради у карта столи тепасидаги шифтга қараб туриб. — Тепада қанақа уй бор?

— Чордоқ.

— Бир кўриб қўяйлик.

Ишчилар Андре орқасидан чордоқдаги шифти паст, чанг ва ис босиб кетган узун хонага чиқишди.

Эл деворга ўрнатилган электр ҳисоблагич олдига бориб чалкаш-чулкаш электр симларини титкилаб кўрди.

— Мана!

— Бирон нарса топдингизми? — дея бетоқат сўради Андре.

— Конденсатор синибди. Бу намликдан. Бу ҳафтада биз юзта жойга боришимиз керак эди. Энди қисқарадиган бўлди. Конденсаторни алмаштиришга мажбурмиз.

— Вой худойим-ей! Қанча вақт кетади?

— Ҳозир. Юк машинамизда янги конденсатор бор.

— Илтимос, тез бўлинг, — деб ялинди Андре, — тез орада мистер Поуп келиб қолади.

— Буёғини бизга қўйиб беринг, — деди Эл.

Ошхонага тушганда Андре:

— Мен шакароб безагини тугатишим керак эди, — дея иқрор бўлди. — Чордоққа ўзингиз йўл топарсиз. — Эл қўли билан ишора қилди.

— Бошингни кўп қотираверма, оғайни. Бориб ишингни қилавер, биз ўз ишимизни биламиз.

— О! Раҳмат. Сизга катта раҳмат.

Ишчилар уйдан чиқиб, машинадан иккита катта брезент халта кўтариб келишганини Андре кўрди.

— Мабодо бирон нарса керак бўлиб қолса мени чақиринг, — деди у.

— Хўп!

Ишчилар зинадан юқорига кўтарилишди, Андре эса ошхонага қайтди.

Ральф ва Эл чордоққа чиқишиб ўзларининг брезент халталарини очишди, ичидан мўъжазгина йиғма столча, пўлат пармалик бурғу, сандвич солинган патнис, икки банка пиво, гира-ширада узоқни кузатадиган иккита катта бинокль ҳамда тўртдан уч миллиграмм промазин ацетилендан укол қилинган иккита тирик оғмахон олишди.

Сўнгра ишга киришишди.

— О, Эрнестина мендан хурсанд бўлади-да, — деда Эл базўр кулгисини босар экан.

Дастлаб Эл режага қарши эди.

— Сен эсингни еб қўйибсан, эй хотин. Менинг ҳеч қандай Перри Поуп билан олди-бердим йўқ. Кейин бу олифта изимга шундай тушадики, кўзимни очирмай қўяди.

— Сен ҳеч хавотир олма. У энди ҳеч кимни безовта қилмайди.

Улар Эрнестинанинг уйида ҳаво тўлдирилган резина тўшак устида қип-ялангоч ётишганди.

— Нима бўлгандаям, сенга нима оғирлиги тушади, азизим?

— У итнинг бешинчи оёғи.

— О, болажон, дунё бунақа аблаҳлар билан тўлиб кетганки, уларнинг уруғини қуритишинг учун бутун умринг ҳам етмайди.

— Хўп. Дўстим учун шу ишни қиламан.

— Трейсими дўстинг?

— Ҳа.

Элга Трейси ёқар эди. У озодликка чиққан куни каттакон зиёфат уюштиришди.

— У ажойиб жувон, — иқрор бўлди Эл. — Лекин нима учун у деб биз ўз бошимизни гаровга қўйишимиз керак?

— Чунки, агар биз ёрдам бермасак, у бошқа биров билан келишишга мажбур бўлади, бошқаси эса сендек моҳир уста бўлмаслиги мумкин, у қўлга тушгудек бўлса яна ўша жойига обориб тиқиб қўйишади.

Эл тўшакка ўтириб Эрнестинага синовчан назар ташлади.

— Наҳотки, бу сен учун шунчалик муҳим бўлса, жонгинам?

— Ҳа, азизим.

Эл бунга ҳеч қачон тушуниб етмайди, лекин ҳамма гап шундаки, Эрнестина, Трейси қамоқхонага яна қайтиб, Катта Бертанинг панжасига тушиши мумкин, деган фикрга асло кўника олмасди. Эрнестина нафақат Трейси, балки ўзининг ҳам ғамини ерди. Ўзи Трейсига ҳомий бўлиб чиқди, борди-ю, Трейси Бертанинг қўлига тушиб қолса, бу Эрнестинанинг мағлубияти ҳам бўлар эди.

Шунинг учун у гапни қисқа қилиб, деди:

— Ҳа. Бунинг аҳамияти менинг учун жудаям катта, азизим. Хўш, бажарасанми?

— Жин олсин, бир ўзим буни уддалай олмайман, ахир, — гўдранди Эл.

Шундагина Эрнестина ғалаба қилганини ҳис этди. У Элнинг узун гавдасига эркаланиб ишқаланди, сўнгра деди:

— Қария Ральфнинг куни кеча чиқиб келганидан хабаринг йўқми?..

Соат олти яримда тер ва чангга ботган иккала уста Андренинг ҳузурига, ошхонага кириб келишди.

— Тузатдингизми? — ҳаяжонда сўради Андре.

— Фирт дардисарнинг ўзи экан, — деди Эл. — Биласизми қўйилган совутгичларингиз доимий ва ўзгарувчан токли экан, бу...

— Бунинг аҳамияти йўқ, — Андре унинг сўзини бўлди. — Ишқилиб, тузатдингизми?

— Ҳа, ҳаммаси жойида. Беш дақиқадан кейин янгидек ишлаб кетади.

— Қандай яхши! Ошхонадаги столга ҳисоб ташлаб кетсангиз...

Ральф бош чайқади.

— Хотиржам бўлаверинг. Компания сизга ҳисоб қоғози ёзиб жўнатади.

— Омон бўлинглар. Кўришгунча.

Андре иккала ишчининг брезент халталарини кўтариб орқа эшикдан чиқиб кетишганини кўрди. Кўздан йўқолгач, иккови ҳовлини айланиб ўтишди-да, кучланиш агрегати жойлашган темир эшикни очишди. Эл икки соат бурун узиб қўйилган симларни улагунга қадар, Ральф қўл фонарини ёқиб турди. Агрегат шу ондаёқ ишлаб кетди. Эл агрегатга илиб қўйилган чўпхатдаги телефон рақамини ёзиб олди. Бир оздан кейин шу рақам орқали кўнғироқ қилди ва ҳавони совиткичлари Эскимос компанияси операторининг магнитофонга ёзиб олинган товушини эшитгач, деди:

— Бу Чарльз стрит, қирқ иккидаги Перри Поупнинг уйи. Совуткичларимиз яхши ишламоқда. Бизниқига механикларни юбориб овора бўлиб ўтирманг. Яхши қолинг.

Перри Поупнинг уйида ҳар жума куни ўтадиган карта (покер) ўйинни ҳамма ўйинчилар сабрсизлик билан кутарди. Ниҳоятда пухталиқ билан саралаб олинган ўйинчилар сафига Энтони Орзатти, Жо Романо, судья Генри Лоуренс, штат сенатори Олдерман ва албатта уй эгаси кирарди. Ганақ — баланд, стол — ажойиб ва гуруҳ фақат амалдорлардан ташкил топган эди.

Перри Поуп ётоқхонасида уст-бошини алмаштирди: оқ шойи шалвар ва шунга мос спорт кўйлагини кийиб олди. У бўлажак кечки ўтириш ҳақида ширин хаёл суриб, бурни остидан ниманидир хиргойи қилар эди. “Ҳақиқатан ҳам умрим бўйи омадли ҳаёт кечириб келяпман”, — дея бахтиёр хаёл сурарди у.

Янги Орлеанда, башарти, кимгадир расмий хизматга муҳтож бўлиб қолса фақат юрист Перри Поуп мурожаат этиши лозим. Унинг қудрати Орзатти оиласи билан яқинлигига асосланган. Унинг лақаби Аранжировкачи бўлиб, боиси кўча ҳаракати қондасини бузганлиги учун суд повесткасида то қотиллик учун ҳукм қилишгача — ҳаммасини уюштириши, келишиб олиши мумкин эди. Ҳаёт ажойиб нарса-да!

Энтони Орзатти билан бирга меҳмонлар келишди.

— Жо Романо энди ўйнамайди, — деб эълон қилди Орзатти. — Сиз ҳаммангиз инспектор Ньюхаузни биласиз.

Кишилар бир-бирларини қўлларини сиқиб киришди.

— Жентельменлар, ичкиликлар жавон устида, — деди Перри Поуп. — Овқат бир оздан кейин бўлади. Унгача бир чигилларни ёзиб олсак дейман?

Ҳаммалари стол атрофида ўз жойларини эгалладилар. Орзатти Жо Романонинг бўшаб қолган курсисини кўрсатиб, инспекторга деди:

— Бундан буён бу сенинг жойинг бўлади, Мёл.

Меҳмонлардан бири янги карта дастасини очгунча Поуп покер жетонларини тарқатиб, Ньюхаузга тушунтирди:

— Қора жетонлар — беш доллар, қизили — ўн, ҳаворанги — эллик, оқи — юз доллар. — Ҳамма беш юз долларли жетонларни сотиб ола бошлади. — Ўйинчиларнинг тиккан пулларига ўйнаймиз, банк соҳибининг ихтиёрига қараб ганақни уч мартагача оширамиз.

— Менинг дидимга мос экан, — деди инспектор.

Энтони Орзаттининг кайфияти ёмон эди.

— Бошладик, қани бўлинглар, — унинг овози бўғилиб шивирлаш даражасигача борди, бу ёмон аломат эди.

Перри Поуп Жо Романого нима бўлганини билиш учун ҳамма нарсага тайёр эди-ю, лекин адвокат ҳозир буни муҳокама қилиш мавриди эмаслигини яхши англади. Имкон туғилганда Орзаттининг ўзи айтади.

Орзатти ғамгин хаёл сурарди: “Мен Жо Романого оталарча муносабатда эдим. Унга ишонардим, ўзимнинг катта лейтенантим даражасига кўтардим! Бу итвачча менга сотқинларча зарба берди. Агар ўша тентак француз аёли кўнгироқ қилмаса бормиди, у пулларни олиб қочиб қоларди. Мана энди олиб қочадиган ҳеч вақоси қолмади. Қочолмайди ҳам. Ақллироқ бўлганда маъшуқаси билан шу ернинг ўзида ишрат қилаверган бўларди”.

— Тони, бизга қўшиласанми, йўқми?

Энтони Орзатти бутун диққатини ўйинга қаратди. Бу стол атрофида жуда катта пуллар ютиб, бой берилар эди. Энтони ютқизаётганида кайфияти бузиларди-ю, лекин мағлубиятга кўника олмасди, чунки ўзини туғма ғолиб ҳисобларди. Кейинги олти ҳафта ичиде Перри Поупнинг жуда омади чопди, шу боис Энтони Орзатти банкни ютиб олиш иштиёқида эди.

Улар банк соҳибининг раўйига қараб ўйнар эдилар: ҳар бир тарқатувчи ўзини кучли деб ҳис этган ўйинни танлайди. Ўйинчилар гоҳ бештадан, гоҳ еттитадан қарта тарқатар, гоҳ кичик ўйин қилишар, баъзан жокер тортишарди, лекин қайси бир ўйин танланмасин Энтони Орзатти ҳаммасини ноилжой бой бераверди. У пулларини қайтариб олиш мақсадида бемулоҳаза ганақни ошира бошлади. Ярим кечага бориб Андре тайёрлаган таомларни баҳам кўриш учун ўйинга танаффус эълон қилишганда Орзатти эллик минг доллар ютқазган, Перри Поуп эса ҳаммадан кўра кўп ютиб олган эди.

Таом ниҳоятда мазали бўпти. Орзатти туннинг шундай пайтлари одатда енгил тамадди қилиб олишни яхши кўрарди, бироқ ҳозир у тезроқ ўйин столига ўтириш иштиёқида ёнарди. У бошқаларнинг оғзига қараб ўтириб, тезроқ бўлишларини қистар эди. Ютқизган пулларини қайтариб олиш — унинг мақсади эди.

— Тони, нега ҳеч нима емайсан? — деди Перри Поуп.

— Қорним тўқ. — Орзатти кумушранг қаҳвадонга чўзилиб чинни идишга қаҳва қуйиб олди ва ўйин столига бориб ўтирди. Қаҳва қуяётган пайтида унинг идишига нимадир тушди. Орзатти қошиқ билан идишдаги қаттиқ нарсани жирканиб олди-да, кўздан кечира бошлади. Бу шувоқнинг бўлакчаси экан. Орзатти шифтга қараган эди, нимадир пешонасига келиб тушди. Шу пайт тепадан қандайдир ғимир-ғимир товушлар қулоғига чалинди.

— Жин урсин, у ерда нима бор ўзи? — деб сўради Орзатти. Перри Поуп инспектор Ньюхаузга латифа айтиш билан овора эди.

— Маъзур тутасан. Тони, нимаиди?

Тепадаги шовқин яққолроқ эшитилди. Яшил мато устига шувоқ бўлаклари тўкила бошлади.

— Шифтингда сичқонлар борга ўхшайди, — дея тахмин қилди сенатор.

— Йўғ-э, бу уйда сичқонлар йўқ, — Поупнинг аччиғи келди.

— Хўш, бўлмаса нима учун тўкилмоқда, жин урсин, — ғижинди Орзатти.

Яшил мато устига каттакон шувоқ бўлағи тушди.

— Ҳозир билиб келиш учун Андрени юбораман, — деди Поуп. — Овқатланиб бўлган бўлсак, ўйинни бошлайверамизми?



Энтони Орзатти миясининг қоқ тепасида шифтда пайдо бўлган кичкина тешикка тикилиб қолди.

— Тўхта. Ўша тепада — нималигини кўрайлик-чи.

— Нега, Тони, Андренинг ўзи...

Бу пайтда Орзатти ўрнидан туриб пиллапоя олдига кетди. Қолганлар ҳам аланг-жаланг қилишди-да, унга эргашишди.

— Балки чордоққа олмахон чиқиб олгандир, — дея тахмин қилди Перри Поуп. — Ҳозирги пайтда бу атрофда олмахонлар кўп. Қишга ёнғоқ гамлаши мумкин. — Ўз ҳазилига ўзи кулиб юборди.

Улар чордоққа чиқиб боришганда Орзатти эшикни ланг очиб юборди. Перри Поуп чироқни ёқди. Уларнинг кўзига биринчи кўринган нарса — чордоқ хонасида талвасага тушиб югуриб юрган иккита қўлсичқон эди.

— Вой худо! — деди Поуп. — Уйимда каламушлар пайдо бўлибди-я!

Энтони Орзатти эшитмади. У хонани кўздан кечирар эди. Чордоқнинг қоқ ўртасида устида қоғозга ўралган сандвичлар ва иккита пиво банкаси қўйилган столча турганди. Бошқа столда иккита бинокль ётибди. Орзатти яқинроқ бориб, ҳар бирини синчиклаб текшириб кўрди. Кейин чанг полга ўтириб шифтдан очилган тешикни беркитиб турган кичкина ёғоч ғўлачани олди. Орзатти тешикка мўралади. Шундай пастда ўйин столи кўриниб турар эди.

Перри Поуп эсанкираб қолди.

— Жин урсин, ким бу лаш-лушни бу ёққа олиб чиқди? Ҳозир аблаҳ Андре мендан кўради!

Орзатти оҳиста ўрнидан турди ва чангларини қоқиб ташлади.

Перри Поуп оёқ остига қаради.

— Буни қаранг! — хитоб қилди у. — Улар шифтни тешиб қўйишибди. Бугун келган ишчилар бир тийинга қиммат.

У чўккалаб тешикка мўралади-ю, бирдан ранги оқариб кетди. У атрофга ғалати аланг-жаланг қилиб ўрнидан турди, ҳамма унга қараб турарди.

— Ҳой! — деди Перри Поуп. — Тагин ўйламанглар, мен... Ишонинг, дўстларим, бу — менинг ишим эмас. Бундан ҳеч хабарим йўқ. Сизни алдамапман. Худо ҳаққи, ахир биз дўстмиз-ку!

Орзатти унинг елкасини қоқиб қўйди.

— Ҳеч ташвиш чекма. — Унинг овози деярли эшитилмасди. Перри Поуп жазавага тушиб ўнг қўл бошмалдоғини кемирарди.

### 3

— Бу иккови тайёр бўлди, Трейси, — деди кулгидан ўзини тутолмаган Эрнестина Литлчеп. — Кўчаларда, адвокат энди хусусий ҳуқуқ ишлари билан шуғullanмаяпти, автомобил ҳалокатига учрабди, деган дув-дув гап тарқабди.

Улар Ройял-стритга параллель тушган кўчадаги кичкинагина кафедра қуймоқ еб ўтиришар эди. Эрнестина хахолаб кулиб юборди.

— Ҳой қиз, калланг зўр ишларкан. Мен билан савдогарчилик қилмайсанми, а?

— Раҳмат, Эрнестина. Менинг бошқа режаларим бор.

Эрнестина сабрсизлик билан сўради:

— Навбатдагиси ким?!

— Лоуренс. Судья Генри Лоуренс.

Генри Лоуренс ўзининг адвокатлик хизматини Луизиана штатидаги Лисвиль номли кичкина шаҳарчада иш бошлади. Юрист касбига унинг қобиляти етишмасди, бироқ иккита муҳим хислати — истарасининг иссиқлигию ахлоқан пишиқлиги бор эди. Унинг фалсафий дунёқараши қонунни — мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш учун исталган томонга букиладиган бир таёқча деб ҳисобларди. Янги Орлианга келганидан кейин Генри Лоуренснинг адвокатлик амали кўтарилиб, ўзига хос доиралар ҳурматига сазовор бўлгани ажабланарли эмасди. У майда безорилик ва йўл ҳодисалардан иш бошлаб, оғир жиноятлар-

гача етиб борди ва бу вақт орасида йирик уюшмаларга аъзо бўлишга улгурди. У суд маслаҳатчиларини сотиб олиш, гувоҳларни шарманда қилиш бўйича мутахассис бўлиб қолди, ўзининг ишига ёрдам берадиган ҳар қандай одамга пора берарди. Қисқаси, у Энтони Орзаттига ўхшаб кетарди, шу боис бу икковининг йўллари кесишди. Таниш-билишлик мафия салтанатида юзага келган мустаҳкам иттифоққа айланиб кетди. Лоуренс Орзатти уруғининг манфаатларини ифодаловчиси бўлиб қолди, бинобарин, кези келганда Орзатти уни ҳакам лавозимига тайинланишда ёрдам берди.

— Қандай қилиб уни туширишингни мен билмайман-у, лекин у бадавлат, обрў-эътиборли, қўлинг етмайди, — дея мулоҳаза қиларди Эрнестина.

— У бой, обрў-эътиборли-ку, лекин қўл етмайдиган даражада эмас, — эътироз билдирди Трейси.

Трейси ўз режасини ўйлаб қўйди, лекин ҳакам Лоуренснинг қабулхонасига кўнғироқ қилиши билан бу режани ўзгартириш лозимлигини тушунди.

— Мен судья Лоуренс билан гаплашмоқчийдим.

— Афсус, бироқ судья Лоуренс йўқлар, — деди котиба.

— О! У киши билан боғланишнинг иложи бормикан?

— Иложи йўқ, деб қўрқаман. Ҳазрат мамлакатдан жўнаб кетганлар.

Трейси ҳафсаласи пир бўлганини билдирмай гапида давом этди:

— Тушунарли. Қаерга жўнаб кетганларини билсам бўладими?

— Ҳазрат Оврўпода суд ҳуқуқлари бўйича халқаро симпозиумда қатнашмоқдалар.

— Афсус, — деди Трейси.

— Ким кўнғироқ қилаётган?

Трейси асабийлашиб хаёл сурарди.

— Мен Элизабет Рованс Дастинман, Америка суди адвокатлари жанубий Уюшмасининг раиси. Биз Янги Орлеанда ўн иккинчи сентябр кuni судья Генри Лоуренс шаънига атаб тантанали дастурхон ёзмақчимиз. Уни биз йилнинг одами этиб сайлагандик.

— Жуда соз, — деди котиба. — Лекин, афсуски, судья етиб келолмасалар керак.

— Минг афсус. Биз энг ажойиб нутқлардан бирини эшитамиз, деб орзу қилувдик. Бизнинг сайлов қўмитамиз судья Лоуренсни бир овоздан сайлаган.

— Бунақа тантанада қатнаша олмаса, у киши хафа бўладилар.

— Ҳа, ишончим комил. Биласизми, бу жуда катта шараф. Ўтган йиллари мамлакатимизнинг энг буюк судьялари сайланган. Тўхтанг! Менда бир фикр туғилди. Судья биз учун қисқа нутқ ёзиб бера олармиканлар — шунчаки миннатдорлик сўзларини?

— Тўғрику-я, бир нарса дейишим қийин. У киши иш билан жуда банд.

— Албатта телевизор ва газеталарда репортаж берилади.

Орага сукунат чўкди.

Ҳазрат ўзи қатнашган воқеаларни ёритилишини қанчалар яхши кўришини Лоуренснинг котибаси билар эди. Дарҳақиқат, судьянинг бу саёҳати ҳам фақат унинг иззат-нафсини қондириш учун ташкил этилганини тахмин қилиш мумкин.

Котиба овоз чиқариб мулоҳаза қила бошлади.

— Сиз учун бир-икки сўз ёзиб беришга балки вақти топилиб қолар. Мен сўраб кўраман.

— Жудаям яхши бўлар эди-да, — завқланиб кетди Трейси. — Шундай қилинса кечамизга файз кирган бўларди.

— Бирон-бир аниқ мавзуда ёзиб беришларини истайсизми?

— Ҳа, бўлмасам-чи. Бизнинг фикримизча у киши... — Трейси иккиланиб қолди. — Биз танлаган мавзунини тушунтириш қийин. Яхшиси, ўзим тўғридан-тўғри у киши билан гаплашганим маъқул.

Орага бир дақиқага жимлик чўкди. Котиба нима қиларини билмай қолди. Бир тарафдан хўжайиннинг қаерга кетганини айтиш қатъий таъқиқланган бўлса, иккинчи томондан қилинган таклифдан уни бохабар қилмагани учун гап эши-

тиши турган гап. Судья бундай муҳим мукофотга қаршилиқ кўрсатмаса керак. Котиба иккиланиб деди:

— Мен, ростини айтсам, маълумот беришга ҳаққим йўқ, лекин ишончим комилки, бундай нуфузли иш учун судья истисно қилади. Сиз у кишини Москвадан, “Россия” меҳмонхонасидан топасиз. Яна беш кунча ўша ерда бўладилар, кейин...

— Жуда соз. Ҳозироқ у киши билан боғланаман. Сиздан ниҳоятда миннатдорман.

— Сизга ҳам раҳмат, миссис Дастин.

Москвадаги “Россия” меҳмонхонасига судья номига бирин-кетин телеграммалар кетди.

Биринчи телеграмма қуйидагича эди: “Суд мажлисининг навбатдаги учрашувини ҳозир ташкил этиш мумкин кунини қўлланмага биноан белгиланг Борис”.

Иккинчи телеграмма эртасига борди:

“Саёҳат режасини тузиш учун маслаҳат беринг Опанинг самолёти кечикиб келди эсон-омон қўнди паспорт ва пуллар йўқолди уни Швейцариядаги биринчи класс меҳмонхонага жойлаштиришни келишиб қўйдим ҳисобини кейинроқ қиласиз Борис”.

Учинчи телеграммада қуйидагилар ёзилганди:

“Сизнинг опангиз Америка элчихонасидан муваққат паспорт олишга уриниб кўради янги виза тўғрисида ҳам фойдали маълумот йўқ Швейцарияликлар русларни тақводор деб ҳисоблайдилар Опангизни яқин кунларда жўнайдиған кемага ўтқазиб юбораман Борис”.

ДХҚ<sup>1</sup> ходимлари бошқа телеграммаларни ҳам кутишди. Бироқ бошқа телеграмма келмади. Улар судья Лоуренсни ҳибсга олишди. Ўн кеча-кундуз уни сўроқ қилишди.

— Кимга маълумот жўнатгансиз?

— Қанақа маълумот? Нима демоқчи эканингизни ҳеч тушунмаяпман?

— Биз режа ҳақида сўраяпмиз. Уни ким сизга берган?

— Қанақа режа?

— Совет атом кемасининг режасини.

— Эсингизни еб қўйибсиз, шекилди. Мен совет атом кемалари ҳақида нима билишим мумкин?

— Биз ҳам худди шуни аниқламоқчимиз. Ким билан махфий учрашгансиз?

— Яна қанақа махфий учрашув? Менда ҳеч қандай сир йўқ.

— Хўп. Бўлмаса Борис кимлигини айтарсиз?

— Борис, қайси Борис?

— Швейцария банкида сизнинг ҳисобингизга пул қўйган одам.

— Қанақа банк, қанақа ҳисоб?

Ходимлар дарғазаб бўлишди.

— Сиз ўжар тўнка экансиз. Сиз буюк ватанимизга суиқасд қилаётган бошқа барча америка жосусларига ибрат сифатида жазоланасиз.

Токи Америка элчисига уни кўришга рухсат беришгунча Лоуренс 15 фунтга озди. У охириг қачон ухлаганини ҳам эслолмас, тўкилиб бораётгандек ҳис қиларди ўзини.

— Нима учун менга бундай дағдаға қилишмоқда? — деди хириллаб судья. — Мен — Кўшма Штатлар фуқаросиман. Мен — судьяман. Худо хайрингизни берсин, мени бу ердан обчиқиб кетинг!

— Қўлимдан келган барча чораларни кўраман, — дея ишонтирди элчи. Лоуренснинг ахволи элчини ҳайратга солди. Элчи икки ҳафта бурун суд ҳуқуқлари кўмитаси аъзоларини, жумладан судья Лоуренсни ҳам табриклаган эди. Ҳозир элчининг олдида жилпанглаб турган ҳуркович, букчайиб қолган бу махлуқ кунни кеча кўрган одамига мутлақо ўхшамас эди.

— Руслар нима қилишмоқчи ўзи? — қизиқиб қолди элчи. — Судья жосус бўлса, мендан ортиқмас. — У минг хаёлга борарди. — Бу воқеага таъсиришни ўтказишга ишончим комил.

<sup>1</sup> ДХҚ — (КГБ)

Элчи КПСС МК бош котиби билан яккама-якка учрашишни қатъий илтимос қилди, бироқ илтимоси рад этилгандан кейин вазирлардан бири билан учрашишга рози бўлди.

— Мен расмий норозилик билдирмоқчиман, — деди элчи. — Мамлакатингизнинг судья Генри Лоуренсга нисбатан муносабати ноҳўя деб ҳисоблайман. Шундай миқёсдаги одамни жосус дейиш — куракда турмайдиган гап.

— Гапингиз тугаган бўлса, — совуқ жавоб берди вазир, — мана бунга бир қаранг, марҳамат.

У элчига телеграмма нусхаларини узатди. Элчи ўқиб чиқиб, таажжубланди:

— Хўш, бунинг нимаси ёмон? Ҳеч қандай гаразгўйлик йўқ буларда.

— Шундайми? Эҳтимол, уларни қайта ўқиб чиқишга мажбур бўларсиз. Улар шифрланган. — Вазир телеграмманинг бошқа нусхасини узатди. Инглизча асл нусхадаги ҳар бир тўртинчи сўзнинг таги чизилган эди.

Суд мажлисининг навбатдаги учрашувини ҳозир ташкил этиш мумкин кунини қўлланмага биноан белгиланг Борис. Саёҳат режасини тузиш учун маслаҳат беринг Опанинг самолёти кечикиб келди Эсон-омон кўнди Паспорт ва пуллар йўқолди уни Швейцариядаги биринчи класс меҳмонхонага жойлаштиришни келишиб қўйдим Ҳисобни кейинроқ қиласиз Борис.

Сизнинг опангиз Америка элчихонасидан муваққат паспорт олишга уришиб кўради. Янги виза тўғрисида ҳали фойдали маълумот йўқ. Швейцарияликлар русларни тақводор деб ҳисоблайдилар опангизни яқин кунларда жўнайидиган кемага ўтказиб юбораман Борис.

“Эҳ, мен болаи нодон”, — деб хаёл сурди элчи.

Генри Лоуренснинг иши ёпиқ эшиклар орқасида кўрилди. Судланувчи охиригача қайсарлик қилди ва Совет Иттифоқига жосуслик ниятида келганлигини инкор қилаверди. Прокурор агар ушбу операциянинг раҳбарларини айтиб берса, ҳукми юмшатишга ваъда берди. Судья Лоуренс жонини ҳам гаровга кўяр эди, қани энди имкони бўлса, бироқ афсуски, бундай қилолмасди.

Эртасига “Правда” газетасида америка жосуси судья Лоуренс жосусликда айбланиб ўн тўрт йилга ҳукм этилгани, жазони Сибирда, қаттиқ режим колониясида ўташи ҳақида кичкина хабар эълон қилинди.

Америка разведка хизмати Лоуренс ишига тушунолмайд гаранг эди. ЦРУ, ФБР, махфий хизмат АҚШ молия вазирлигида турли хил мишмишлар тарқалди.

— У бизнинг одамимиз эмас, — дейишди ЦРУдагилар. — Балки молияга тегишлидир?

Молия вазирлиги бу иш ҳақида қиттаям маълумотга эга эмас.

— Йўқ, Лоуренс — бизнинг одамимиз эмас. Афтидан, анави жинпўша ФБР бизнинг ишларга яна бурнини суққан кўринади.

— Унинг номини ҳеч қачон эшитмаганмиз, — дейишади ФБРдагилар. — Кўпроқ у мудофаа вазирлигининг Разведка бошқармасида ишлаган, чамаси.

Мудофаа вазирлигининг разведка бошқармаси бошқа маҳкамалар сингари гафлатда қолишганди ва у ниҳоятда эҳтиёткорлик қилиб: “Изоҳга ҳожат йўқ”, — дея қолди.

Ҳар қайси ташкилот судья Генри Лоуренсни чет элга бошқалар юборган деган қатъий ишончда эди.

— Ўйлайманки, унинг мардонавор туриши таҳсинга сазовор, — деди ЦРУ раҳбари. — У бардошли одам. Тан олмади, ҳеч кимнинг номини ҳам айтмади. Тўғриси айтсам, бизда унга ўхшаганлар кўпроқ бўлишини истар эдим.

Энтони Орзаттининг ишлари чаппасига кета бошлади. Умрида биринчи мартаба ишлари ўнгидан келмаяпти. Ҳаммаси Жо Романонинг муртадлигидан бошланди, кейин Перри Поуп, мана энди судья қандайдир жосусликка араллашиб, қуриб кетди. Уларнинг бари Орзатти жигарининг бўлакчалари ҳисобланарди — уларга суяниб қолганди.

Жо Романо ташкилотнинг ўзига хос узатма тасмаси эди, афсуски, Орзатти унинг ўрнини босадиган биронта одам тополмади. Янгилари эса ишни палапартиш, кўпол бошқарар эдилар. Натижада, шу пайтгача журъат қилолмаган

одамлардан шикоятлар туша бошлади. Тони Орзатти қариб қолди, одамларини жиловда ушлай олмаяпти, унинг ташкилотининг путури кетмоқда, деган гаплар тарқалди.

Нью-Жерсидан қилинган қўнғироқ сабр косасининг сўнги томчиси бўлди.

— Биз ишларинг ўнгидан келмаяпти, деган хабарлар эшитяпмиз, Тони. Сенга ёрдам қилсакми, деган фикрдамиз.

— Ҳамма ишларим жойида, — деди ғазаб билан Орзатти. — Тўғриси, яқинда бир-иккита муаммо пайдо бўлганди, лекин мен уларни бартараф этдим.

— Бу биз эшитганларнинг ҳаммаси эмас, Тони. Сенинг шаҳринг бевош бўлиб қолган, уни назорат қиладиган одам қолмади, деган гап тарқалган.

— Мен назорат қилиб турибман.

— Балки, сенга жуда оғирлик қилаётгандир? Бу аҳволда қанча ишлаш мумкин? Балки озгина дам олишинг зарурдир?

— Бу менинг шаҳрим. Ҳеч ким уни мендан тортиб ололмайди.

— Ҳой, Тони! Уни сендан тортиб олмоқчи, деб ким айтяпти? Биз шунчаки ёрдам қилмоқчимиз, холос. Шарқдаги оилалар йиғилиб, сенга ёрдам бериш учун бир неча вакил юборишга қарор қилишди. Эски қадрдонлар орасида нима гап бўлиши мумкин?

Энтони Орзатти бадани жимирлаб кетганини сизди. Гап шундаки, кичкина ёрдам катта бўлиб, қор уюмига айланиб кетиши мумкин.

Эрнестина креветкали шўрва тайёрлаётганди. Шўрва паст оловда қайнагунча улар Трейси иккови Элнинг қайтишини кутмоқда эдилар. Сентябр ойининг жазирамаси ҳамманинг асабига таъсир қилган ва ниҳоят, Эл мўъжазгина хонага кириб келганида Эрнестина бақариб деди:

— Қайси гўрда юрибсан? Манави овқат куйиб кетди, мен ҳам куйдим.

Элнинг кайфияти ниҳоят даражада кўтаринки бўлгани боис, бунга эътибор ҳам қилмади.

— Ҳой, хотин, мен бир хушxabар топиб келдим. Агар бирпас чакагингни тийсанг, эшитасан. — У Трейсига ўғирилди. — Ўғрилар тўдаси Тони Орзаттини гум қилибди. Нью-Жерсидан келган оила барча ишни ўз қўлига олибди. — Унинг юзи кулгидан ёйилиб кетди. — Итвачча қўлга тушибди-ку! — дея у Трейсига қаради-ю, юзидаги табассум йўқолди. — Наҳотки сен севинмаётган бўлмасанг, Трейси!

“Жуда ғалати сўз, — деб хаёл сурди Трейси, — севинмаётган”. Бу сўзнинг маъносини ҳам унутиб юборган Трейси ўзича, яна қачон севинишим мумкин, деб савол берди, оддий инсоний туйғуни ўзида ҳис эта оладими? Унда онаси ва ўзининг қисмати учун ўч олиши мумкин бўлган яккаю ягона орзу қолган. Мана энди орзуси амалга ошай деб турганида унинг қалби бўм-бўш эди.

Трейси эртасига тонг маҳал гул дўконига кирди.

— Мен Энтони Орзаттига гул юбормоқчиман. Оқ қалампирмунчоқли кенг тасмага ўралган гулчамбар. Тасмага: “Тинч ёт!” — сўзларини ёзинг, дея ўзи бир варақча: “Дорис Уитнейнинг қизидан”, деб ёзиб қўйди.

## УЧИНЧИ КИТОБ

### 1

*Филадельфия.*

*Сешанба, 7 октябр, 16.00*

Чарльз Стэнхоупдан ўч олиш вақти келди. Анави бошқалар — бегона одам. Чарльз эса Трейсининг севгилиси, туғилмаган боласининг отаси, жуда осонлик билан икковини сотиб юборган одам.

Эрнестина билан Эл аэропортда Трейсини кузатаётган эдилар.

— Сенсиз зеркиб қоламан, — деди Эрнестина. — Сен бу шаҳарни оёғини осмондан қилиб юбординг. Аҳоли сени ўзининг ҳокими этиб сайлаши лозим эди.

— Филлида нима қилмоқчисан? — деб сўради Эл.

Трейси уларга бор ҳақиқатни айтмади.

— Банкка, эски ишимга қайтаман.

Эрнестина ва Эл бир-бирларига қараб қўйишди.

— Улар... ҳе, ... боришингни билишадими?

— Йўқ. Аммо вице-президентнинг менга алоқаси яхши. Бунинг қийинчилиги йўқ. Компьютерда ишлайдиган яхши операторларни топиш қийин.

— Ундай бўлса сенга омад ёр бўлсин! Йўқ бўлиб кетма. Ёмон кўздан нари юр, қизалоқ!

Трейси ўттиз дақиқадан сўнг Филадельфияга учадиган самолётнинг бортида ўтирарди.

“Хилтон” меҳмонхонасида тўхтаган Трейси ўзининг яккаю ягона кўзга яқин қўйлагини ваннахонада ҳўллаб дазмоллади. У эрта билан соат ўн бирда банкка борди ва Кларинс Дезмонднинг котибаси ҳузурига кирди.

— Салом, Мей!

Қиз худди арвоҳни кўргандек Трейсига бақрайиб қолди.

— Трейси! — ўзини ноқулай сезган котиба нигоҳини қаёққа олиб қочишни билмай саросимага тушганди. — Мен ... Қалайсан?

— Яхшиман. Мистер Дезмонд ўзларидами?

— Мен... билмайман. Ҳозир қарайман. Узр, — қиз саросимага тушиб, курсидан сакраб турди-да, вице-президентнинг хонасига шошиб кириб кетди.

Бир неча дақиқадан кейин у чиқди.

— Киришинг мумкин.

Трейси эшик олдида борганида котиба ўзини четга олди.

“Унга нима бўлди?” — ҳайрон бўлиб ўйлади Трейси. Кларенс Дезмонд ўз столи олдида турарди.

— Салом, мистер Дезмонд. Мана, қайтиб ҳам келдим, — дадил мурожаат этди Трейси.

— Нега? — деди тунд овозда. Совуқ муомаласи яққол сезилди.

Трейсини бу ҳайратга солди. Аммо у шиддат билан давом этарди.

— Ахир мен кўрганлар орасида сен энг яхши компьютер операторисан, деб ўзингиз айтган эдингиз, шунинг учун ўйловдимки...

— Мени сиз олдинги иш жойингизга олади деб ўйловдингизми?

— Ҳа, сэр. Ишимни жонимдан ортиқ кўраман. Ҳаммаси эсимда. Ҳали мен...

— Мисс Уитней. Афсуслар бўлсинким, лекин сизнинг илтимосингизни инобатга ололмайман. Ишонаманки, қуроли босқинчилик ва қотилликка қўл ургани учун ётиб чиққан одам билан бизнинг мижозларимиз муомала қилишни истамасликларини ўзингиз яхши биласиз. Бу одоб-ахлоқ қоидаларига мос келмайди. Ўйлайманки, ўтмишингиздан бохабар бўлган биронта банк сизни ишга олмайди. Сизга маслаҳатим, ҳозирча аҳволингизга мосроқ бошқа иш қидиринг. Менинг сўзларимда ҳеч қандай гина-қудуратга ўрин йўқ деб ўйлайман.

Трейси Дезмонднинг сўзларини дастлаб ҳайратга тушиб тинглади, сўнгра бу туйғу газабга айланди. Дезмонд Трейсини қувғинга тушган, мохов даражасида тушунтирди. “Сиздек одамни йўқотишни истамасдик. Сиз — энг бебаҳо ходимимиз ҳисобланасиз”.

— Яна гапингиз борми, мисс Уитней?

Трейсининг айтмоқчи бўлган гаплари миясида ғужғон ўйнади-ю, лекин бунинг фойдаси йўқлигига ақли етди.

— Йўқ. Назаримда ҳамма гапни айтиб бўлдингиз. — Трейси ўгирилиб, хонадан чиқиб кетди, юзлари ловуллаб ёнарди. Назарида банкнинг барча ходимлари кўзларини унга лўқ этиб тургандек. Мей: Трейси қамоқдан чиқиб келибди, деган гап тарқатибди. Трейси юраги муз, бошини роз кўтариб эшик томон борарди. “Улар мени камситишларига йўл қўймайман. Яккаю ягона қолган бойлигим — гурурим, зотан ҳеч ким уни мендан тортиб ололмайди”

Трейси куни билан ўз хонасида дили хуфтон бўлиб ўтирди. Улар мени қучок очиб кутиб оладилар, деб ўйлаганди-я, қанчалар гўл бўлмаса. Энди Трейси ҳаммага “машхур”. “Филадельфиянинг “Дейли Ньюс” газетаси саҳифаларида сенинг номинг босилган”. “Ўлиб кетмайдами, ўша Филадельфияси”, — дея хаёл сурарди у. Трейсининг бу ерда битта иши қолди, шуни амалга оширади-ю, жўнавори. Уни ҳеч ким танимайдиган Нью-Йоркка кетади. Тамом-вассалом. Шундай қарорга келиши билан у ўзини енгил ҳис эта бошлади.

Трейси ўша куни кечқурун “Кафе Роял”да якка ўзи меҳмон бўлди. Кларенс Дезмонд билан ҳақоратомуз суҳбатдан кейин роҳатбахш осудалик, шинам жой ва дилга хуш ёқувчи мусиқа, кўнгилни ёзувчи муҳитни қўмсарди. У ўзига ароқ ва мартини буюрди, официант қиз айтганларини олиб келгач, Трейси бирма-бир залга қўз югуртира бошлади. Дабдурустан унинг юраги ўйнаб кетди. Икки қадам нарида бир хоначада Чарльз хотини билан ўтирарди. Улар Трейсини кўрганларича йўқ эди. Трейси дастлаб туриб кетмоқчи бўлди. У Чарльз билан учрашувга тайёр эмасди.

— Яна бирон нарса буюрадиларми? — деб сўради зал оғаси.

— Мен... мен... бир оз кутаман, раҳмат. — Ахир бир қарорга келишим лозим.

У нигоҳини яна Чарльзга тикди, бироқ ҳайратомуз ўзгариш содир бўлди: у қаршисида нотаниш кимсани кўриб турарди. Унинг назарида рангпар, сочлари тўкилаёзган, ранги кетган, юзларига тушуниб бўлмайдиган дилгирликнинг сояси раҳна солган ўрта ёшлардаги, букчайиб қолган киши намоен бўлганди. Қачонлардир умрини шу одамга бағишламоқчи бўлганига Трейси сира ишонгиси келмасди. Трейси Чарльзнинг хотинига қаради. Унинг чеҳраси ҳам худди шундай гамнок эди. Бу икковининг қиёфаси қопқонга тушган, вақт ва замон кучоғида қотиб қолган одамларнинг сиёҳини берарди. Трейси хаёлан уларнинг келажакдаги диққинафас, муҳаббат ва қувончдан асар бўлмаган дилгир ҳаётларини кўз олдига келтирди. “Шунинг ўзи Чарльзга берилган жазо”, ўйлади у ва бирдан қалбини эзиб турган оғирликдан халос бўлганини ҳис этди.

Трейси имлаб зал оғасини чақирди.

— Буюртма қабул қилинг.

Ҳаммаси тамом бўлди. Ўтмиш узил-кесил дафн этилди.

У меҳмонхонага қайтиб келгач, банкдаги хизматчилар вақфида пули қолгани эсига тушди. Ҳамма пулларни ҳисоб қилиб чиқди, бир минг уч юз етмиш беш доллару олтмиш беш цент бўлибди. Трейси Кларенс Дезмондга мактуб ёзиб юборди ва икки кундан кейин жавобини олди:

“Қадрли мисс Уитней!

Мистер Дезмонднинг илтимосига биноан сизга жавоб ёзиб, шуни маълум қиламанки, ахлоқий ва маънавий мулоҳазаларга кўра сизнинг улушингизни умумий фондга ўтказиб юборишибди. У киши сизга ҳеч қандай шахсий адовати йўқлигини таъкидлаяптилар.

Самимият ила сизнинг Мей Трентон. Катта вице-президент котибаси”.

Трейси ўз кўзларига ишонгиси келмади. Улар Трейсининг пулларини банкнинг маънавий негизларни ҳимоя қилиш баҳонасида ўғирлашибди. У ғазабдан ўзини қўярга жой тополмасди. “Ўзимни лақиллатиб қўймайман уларга. Бундан буёқ ҳеч ким, ҳеч қачон мени лақиллата олмайди”, — дея қасам ичди у.

Трейси Траст энд файделити бэнкнинг таниш эшиги олдида турарди. Унинг бошига узун қора ясама соч, юзига эса энгагида қип-қизил янги чандиқли қалин грим тортилганди. Мабодо бирон қор-қол бўлиб қолса, улар унинг юзидаги ана шу чандиқини эслаб қолишади. Ўзининг ташқи қиёфаси шу даражада ўзгарганга қарамасдан Трейси ўзини яланғочдек ҳис этарди, чунки у ушбу банкда беш йил ишлади ва ҳамма ходимлари уни яхши билар эдилар. Ўзини билдириб қўймаслик учун жуда эҳтиёт бўлиши керак.

У сумкасидаги шиша қопқоғини олиб туфлисининг ичига қўйди ва оқсоқлаганча банк биносига кирди. Банк мижозлар билан тўлиб кетган эди. Трейси атайлаб банкнинг иши кундалик бизнес билан қизгин вақтини танлади. У оқсоқ-

ланиб мижозларга хизмат қўрсатадиган стол олдида борди. Стол олдида ўтирган эркак қўнғироқ қилиб бўлиб:

— Хўш? — деди.

Бу банк ҳуқуқшуноси Ион Крейтон эди. У ёхудий, қора танли ва пуэртофикен халқларини ёмон кўрарди. У беш йил давомида Трейсининг гашига тегиб юрганди. Ҳозир у Трейсини танимагани юзидан шундоқ билиниб турибди.

— Салом, сеньор. Мен жорий ҳисоб очмоқчийдим, — деди Трейси мексикаликлар талаффузида, буни қамоқхонада ён хужрадаги қўшни Паулитадан бир неча ойлар давомида эшитган эди.

Крейтоннинг башараси нафратдан ўзгариб кетди.

— Исмингиз?

— Рита Гонзалес.

— Ҳисобга қанча қўймоқчисиз?

— Ўн доллар.

Крейтоннинг овозида масхараомуз кулги сезилди.

— Чекми ёки нақд?

— Нақд.

Трейси картмонида эзилиб, деярли йиртилиш ҳолига келган пулни чиқарди-да, унга узатди. Крейтон бўш бланкани унинг олдида ирғитди.

— Манавини тўлдилинг.

Трейси ўз дастхатини билдиришни истамасди. Шу боис қовоғи солинди.

— Узр, сеньор. Ҳалокатда қўлим жароҳатланган, иложи бўлса ўзингиз ёзиб берсангиз, илтимос.

Крейтон жаҳли чиқиб тўнғиллади. “Қуриб кетсин шу саводсиз яғир елкалар!”

— Рита Гонзалес дедингизми?

— Ҳа.

— Манзилингиз?

Трейси ўзи яшаётган меҳмонхона манзили ва телефонини айтди.

— Онангизнинг қизлик исми-шарифи?

— Гонзалис. Ойим ўз амакисига эрга теккан.

— Туғилган вақтингиз?

— 1958 йил йигирманчи декабр.

— Туғилган жойингиз?

— Сьюдад де Мехико.

— Мехико шаҳри. Манави ерга имзо чекинг.

— Чап қўлим билан имзо чекишимга тўғри келади, — деди Трейси ва ручкани олиб пала-партиш имзо чекди. Ион Крейтон кириш ордери ёзиб берди.

— Сизга муваққат чек дафтари ёзиб бераман. Босилган чекларингизни учтўрт ҳафта ичида юборишади.

— Катта раҳмат, сеньор.

— Арзимаёди.

У Трейсини банкдан чиқиб кетгунча кузатиб турди.

Компьютерга киришнинг жуда қўплаб ноқонуний йўлларини топиш мумкин. Трейси эса мутахассис эди. У Траст энд файделити бэнкда сигнал тизимини ўрнатишда қатнашган ва ҳозир унга панд бермоқчи.

Биринчи навбатда компьютер сотиладиган дўконга кириш даркор. У банк компьютеридан пул суғуриб олиш учун терминалдан фойдаланиши мумкин. Банкдан сал наридаги дўкон деярли кимсасиз эди.

Сотувчи дарров Трейсининг олдида борди.

— Хўш, хизмат?

— Ўзим, шунчаки томоша қиляпман, сеньор.

Сотувчи диққатини электрон ўйин қиляётган болага қаратди.

— Кечирасиз, — деди-ю, шошиб нари кетди.

Трейси кўргазмадаги телефонга уланган компьютер нусхасига ўгирилди. Тизимга уланиш осон, бироқ тегишли кодсиз ахборот танлашнинг иложи йўқ.



Трейси бир марта янги кодни тасдиқлаш масаласи кўрилган мажлисда қатнашган эди.

— Биз уни мунтазам алмаштириб турмоғимиз лозим, — деган эди ўшанда Кларенс Дезмонд. — Токи ҳеч ким улана олмаслиги даркор, лекин бу код билан фойдаланишга рухсат берилган ходимларга осон бўлиши учун ҳам алмаштиришни кўзда тутмоғимиз лозим.

Охир-оқибатда код учун йилнинг тўрт фаслидан фойдаланишга келишиб олишди.

Трейси диққат-эътиборини терминалга қаратди ва кодни терди. У қаттиқ чийиллаган овоз янграши биланоқ тўшакни терминал модеумига қўйди. Кичкина экранда: “Сизнинг шахсий кодингиз?” деган ёзув пайдо бўлди.

Бугун ўнинчи сана эди. “Куз, ўнинчи”, — деб терди Трейси. “Бу нотўғри код”. Копьютер экрани ҳеч нарса кўрсатмади.

“Наҳот кодни ўзгартишган бўлса?” Трейси кўз қири билан унинг олдига келаётган сотувчини кўрди. У бошқа компьютер олдига борди, шу пайт йўлак бўйлаб кимдир кела бошлади. Сотувчи қадамини секинлатиб, эшикдан кириб келаётган салобатли эр-хотин томон пешвоз чиқди. Трейси кўргазма учун қўйилган компьютер олдига борди.

У ўзини Кларенс Дезмонд ўрнига қўйиб кўрди. Дезмонд бир сўзлик одам, Трейси эса унинг кодни жуда ўзгартирмасликка мойил эканига ишончи қомил эди. У вақт ва кунларни ўзгартирмасдан қолдириши мумкин. Лекин қай йўсиндалиги номаълум. Барча кунларни қайта териб чиқиш мушкул, шу боис фаслларнинг жойини ўзгартиши ҳақиқатга яқинроқ.

Трейси яна бир бор уриниб кўрди. “Сизнинг шахсий кодингиз?” Қиш, ўнинчи. Бу нотўғри код. Яна экранда ҳеч вақо кўринмади.

“Ишламаяпти, — умидсизланиб ўйлади Трейси. — Яна бир марта ҳаракат қилиб кўрай-чи!”

“Сизнинг шахсий кодингиз?” Баҳор, ўнинчи.

Экран бир зум очиқ қолди, кейин ёзув кўринди: Марҳамат, давом этинг.

Демак, у фасллар жойини ўзгартирибди. Трейси дарров тера бошлади: Шахсий молия усуллари! Экранда шу заҳотиёқ банк усулларининг ҳар турлари ёришди.

Сизга лозим:

А Пул қўйиш

Б Пул ўтказиш

В Муваққат ҳисобдан пул олиш

Г Халқаро бўлимга ўтказиш

Д Жорий ҳисобдан пул олиш

Марҳамат, танланг

Трейси Б ни танлади. Экран ўчди, кейин яна ёзув пайдо бўлди. Ўтказиладиган пул ҳажми? Қаерда? Қаердан?

Трейси терди: “Умумий захира жамғармасидан Рита Гонзалесга. Пул ҳажмига келганда у иккиланиб тўхтаб қолди.

“Жуда қизиқ, — деб ўйлади Трейси. — Модомики код ҳуқуқи бор экан, итоатгүй компьютер орқали истаган миқдордаги пулни ўтказиб бериши мумкин. У хоҳласа миллион доллар олади. Бироқ Трейси ўғри эмас. Унинг бор-йўқ истаги, ўзига қонуний лозим бўлган пулни олиш”.

Трейси тера бошлади: Бир минг уч юз етмиш беш доллар олтмиш беш цент ва Рита Гонзалес ҳисоб рақамини қўшиб қўйди.

Экранда: Операция тугади, яна нима хоҳлайсиз? Сўзлар ёришди.

Йўқ.

Алоқа тугади. Раҳмат.

Халқаро банкларда пул ўтказиш йўли билан адо этиладиган тўлов тизимлари автоматик тарзда ўтказилади.

Клерк, қовоғини солиб Трейсига яқинлашди. Трейси шу ондаёқ тутмачани босди, экран ўчди.

— Шу машинани сотиб олмоқчимисиз, мисс.

— Йўқ, — деди Трейси. — Мен бу компьютерларни ҳеч тушунмайман.

Трейси дорихона ёнидаги телефон автоматдан банкка қўнғироқ қилди ва катта кассирни чақириб беришларини сўради.

— Алло. Бу Рита Гонзалес. Мен жорий ҳисобимдаги пулларни Нью-Йоркдаги Ферст ганновер бэнкнинг бош бўлимига ўтказмоқчиман.

— Ҳисоб рақамингиз, мисс Гонзалес?

Трейси айтди.

Трейси бир соатдан кейин “Хилтон” меҳмонхонаси билан ҳисоб-китоб қилиб, Нью-Йоркка жўнаб кетди.

Эртасига тонгда “Ферст ганновер бэнк” очилиши билан Рита Гонзалес ўз ҳисоб рақамидан пул олиш учун ўша ерда ҳозир бўлди.

— Қанча экан? — деб сўради у.

Кассир текшириб деди:

— Бир минг уч юз саксон беш доллару олтмиш беш цент.

— Тўғри.

— Балки банк чекини олишни хоҳларсиз, мисс Гонзалес?

— Йўқ, — деди Трейси. — Банкларга ишончим йўқ. Пулларни нақд оламан.

Трейси қамоқхонадан чиқаётганида штат жорий этган икки юз доллар ва устига Эмига қараган меҳнати эвазига топган қўшимча арзимас пул олган, лекин ҳатто банк фондидан олган пуллари билан ҳам у ўзини моддий жиҳатдан бадастир деб ҳисоблай олмасди. У тезроқ ишга кириши, қанча тез бўлса шунча яши деб ҳисобларди.

У Лексингтон авенюдаги унчалик қиммат бўлмаган меҳмонхонага ишга кирди ва Нью-Йорк банкларига компьютер операторлигига ишга қабул қилиниши ҳақида эълонлар юборди. Бироқ компьютер унинг душмани эканини бирдан сезиб қолди. Барча банк компьютерлари Трейсининг таржимаи ҳолини билишар ва истаган мижозга унинг ҳақидаги маълумотларни дарров хабар қилишар эди. Трейсининг аризаларига унинг судлангани ҳақида билганлар автоматик равишда рад жавобини беришарди.

“Ўтмишингиз ҳақида билган биронта банк сизни ишга олиши маҳол”, — деган Кларенс Дезмонд ҳақ бўлиб чиқди.

Трейси компьютер билан боғлиқ суғурта компаниялари ҳамда ўнлаб бошқа идораларга аризалар юборди, бироқ ҳамма жойдан бир хил рад жавобини оларди.

“Жуда соз, — ўйлади Трейси. — Бошқа иш қилиш ҳам қўлимдан келади”. У “Нью-Йорк таймс” газетасини сотиб олди ва ишга ёллаш бўйича эълонларни кўздан кечириб бошлади. Унга ташқи алоқалар фирмасидаги котибалик лавозими ёқиб қолди. Бироқ ўша фирма остонасидан ҳатлаб ўтиши биланоқ кадрлар бошқармасининг бошлиғи шундай деди:

— Ия! Сизни телевизорда кўрганман! Сиз қамоқхонада бир болани қутқаргансиз, тўғрими?

Трейси ортига ўгирилди-ю, ташқарига ўқдек отилиб чиқди.

У эртасигаёқ Бешинчи авенюдаги “Сакс” дўконига болалар моллари бўлимига ишга кирди. Маоши, ўзининг одатда оладиганидан анча кам бўлса ҳам, ҳар ҳолда кунига ярайдиган даражада эди.

Иккинчи куни жазаваси кўзиган харидор аёл шу қават бошлиғига ёш болани чўктириб ўлдирган қотил билан муомала қилишга қаршилигини билдирди. Трейсига ҳатто сабабини ҳам билдирмай тўсатдан ишдан бўшатиб юборишди.

Трейсининг назарида ўзи ўчини олган ўша одамлар қўлларидан келган ёмонликларини қилиб бўлгандек эди. Улар Трейсини қувғинга тушган давлат киноятчисига айлантиришди. Бошига тушган адолатсизлик уни қийноққа соларди. У бундан буёғига қандай кун кечириши мумкинлигини ҳеч ҳам тасаввур қила олмас ва биринчи марта ўзини қўярга жой тополмай қолди. У ўша куни кечкурун картмонида қанча пул қолганини текшираётиб, қамоқхонада Бетти Францискус бериб юборган бир парча қоғозга кўзи тушиб қолди.

Конрад Морган, заргар. 640. Бешинчи авеню. Нью-Йорк. “У жиноят ҳуқуқини ўзгартириш тарафдори. У қамоқхонада ётиб чиққан одамларга ёрдам қўлини чўзишни ёқтиради”.

Конрад Морганнинг заргарлик магазини эшиги олдида дарбони ва чиқишда қуролланган қўриқчиси бўлган ўзига яраша келишган корхона эди. Қиммат-баҳо буюмлар билан безалган ораста дўкон эди.

Трейси котибага мурожаат этди:

— Мистер Конрад Морганни кўрсам бўладими?

— Учрашув тайинлаган эдиларми?

— Йўқ. Бир танишимиз у кишини кўриб кетишни тайинлаган эди.

— Исмингиз?

— Трейси Уитней.

— Бир дақиқа кутиб туринг. Ҳозир.

Котиба телефон гўшагини олиб, бир нарсалар деб минғирлади. Трейси эшита олмади. Котиба гўшакни қўйиб, деди:

— Мистер Морган ҳозир бандлар. У киши соат олтиларда кела оласизми деб сўраяптилар?

— Ҳа, албатта, — деди Трейси.

У кўчага чиқиб, йўлакда бир дақиқа хаёл суриб туриб қолди. Нью-Йоркка келиши хато бўлганга ўхшайди. Бу Морганнинг унга ҳеч қандай ёрдами тегмайди, шекилли. Негайм тегиши лозим? Трейси унга мутлақо нотаниш бўлса? “Менга панд-насиҳат қилиб, озгина садақа бериб жўнатади. Менга эса садақалар керак эмас. Бир амаллаб кунимни кўриб кетаман. Жин урсин ўша Конрад Морганни. Бу ерга келмайман...”

Трейси бемақсад кўча кезди. Бешинчи авенюдаги ҳашаматли салонлар, Парк-авенюдаги соқчилик турар жойлар, Лексингтон ва Учинчи авенюдаги гавжум магазинлар ёнидан ўтса ҳам умиди пучга чиққанидан кўзига ҳеч нарса кўринмасди.

У соат олтида ўзи сезмаган ҳолда Бешинчи авенюдаги Конрад Морган дўкони олдига келиб қолди. Эшикбон кетган экан. Трейси эшикни тортган эди, кутилмаганда очилди.

Эшик олдида қиёфаси судхўрларникига ўхшаш эркак пайдо бўлди. У Трейсига тикилиб турарди. У оқарган яккам-дуккам сочлари қулоқларига осилиб тушган, очиқ чехраси қип-қизил ва ҳаётга ташна мовий кўзлари ялтириб турган гномга ўхшар эди.

— Сиз мисс Уитней бўлсангиз керак-а?

— Ҳа...

— Мен Конрад Морганман. Марҳамат, ичкарига кириш.

Трейси бўшаб қолган дўконга кирди.

— Сизни кутиб турган эдим, — деди Конрад Морган. — Менинг кабинетимга кирайлик, ўша ерда бемалол гаплашиб оламиз.

Яхши дид билан жиҳозланган кабинет музокара қиладиган иш хонасидан кўра кўпроқ уйни эслатарди. Кушетка, стуллар ва чиройли қўйилган курсилар хонага чирой бахш этарди. Деворларга қадимий усталарнинг расмлари осилган эди.

— Нима ичишни хоҳлайсиз? — сўради Конрад Морган. — Вискими, коньякми, балки шерри ичарсиз?

— Йўқ, раҳмат, ҳеч нарса ичмайман.

Трейси бирдан ҳаяжонлана бошлади. У бу одамнинг бирон-бир фойдаси тегиши мумкинлиги ҳақидаги фикрдан йироқ бўлса ҳам, лекин қалбида қандайдир илинж пайдо бўлганини ҳис этди.

— Мистер Морган, Бетти Францискус сизга учрашишимни тавсия этганди. У айтдики, сиз... бошига кулфат тушганларга ёрдам бераркансиз... ҳалиги. — У қамоқхона сўзини айта олмасди.

Конрад Морган чапак чалиб юборди ва Трейсининг тирноқлари қизил маникюр қилинганини кўриб қолди.

— Бечора Бетти. Шундай яхши леди. Биласизми, унинг омади чопмади.

— Омади чопмади?

— Ҳа. У қўлга тушиб қолди.

— Мен... Мен тушунмадим.

— Бу жўн нарса, мисс Уитней. Бетти менда ишларди. У жуда яхши ҳимояланган эди. Кейин у бечора аёл янги орлеанлик бир ҳайдовчини севиб қолди-ю, таваккал қилиб, у билан қочди... Кейин, уни ушлаб олишди.

Трейси ҳайрон бўлди.

— Бетти сизда сотувчи бўлиб ишлармиди?

Конрад Морган ўзини орқага ташлаб, шундай хахолаб кулиб юбордики, ҳатто кўзларидан ёш ҳам чиқиб кетди.

— Йўқ, азизим, — деди у кўз ёшларини артар экан. — Афтидан, Бетти сизга ҳеч нарсани тушунтириб бермаган кўринади. — У стулга ялпайиб ўтириб олди-да, бармоғини бигиз қилди. — Менда қизиқ бир даромадли иш бор, мисс Уитней, ҳамкасбларим билан шу даромадни орттириш менга катта ҳузур бағишлайди. Мен қамоқхонада ўтириб чиққанларни бажонидил шу ишга ёллайман.

Трейси Морганга янада ҳайрон бўлиб қаради.

— Кўриб турибсизки, иш шароитим аъло даражада. Мижозларим ҳам ишончли. Мижозларим бора-бора менга дўст бўлиб қолишади. Улар менга ишонишади... — У бармоқларининг учи билан иккинчи қўлининг кафтини оҳиста чертиб ўтирарди. — Улар қачон сафарга чиқишларидан хабардор бўлиб тураман. Бу нотинч замонда камдан-кам одам зеби-зийнат билан саёҳатга чиқади, шунинг учун қимматбаҳо буюмларини уйда қолдиришади. Мен уларга ўз хазиналарини қандай қилиб асрашни ўргатаман. Кимда қанақа заргарлик буюмлари борлигини аниқ биламан, чунки бу буюмларни мендан сотиб олишади-да. Улар...

Трейси ўрнидан сапчиб турди.

— Менга вақтингизни аямаганингиз учун миннатдорман, мистер Морган.

— Шу дамда кетмоқчи бўлаяпсизми?

— Агар мен ўйлаётган нарсани кўзда тутаятган бўлсангиз...

— Ҳа, ўлманг, мен шуни кўзда тутаяпман.

Трейси юзига қизиллик тепганини сизди.

— Мен жиноятчи эмасман. Мен бу ерга ишлаш учун келганман.

— Мен ҳам сизга иш таклиф қилаяпман, азизим. Бу бир ё икки соат вақтингизни олади, холос, аммо шунинг учун сизга йигирма беш минг доллар тўлайман. — У истеҳзоли жилмайиб қўйди. — Албатта ҳеч қандай солиқсиз.

Трейси ғазабини зўрға яшириб турарди.

— Мени бу иш қизиқтирмайди. Илтимос, мени бу ердан кузатиб қўйсангиз.

— Майли, хоҳишингиз. — У ўрнидан туриб, Трейсини эшикка кузатиб қўйди. — Мисс Уитней, шуни эсда тутингки, заррача ҳам фош этилиш хавфи бўлганда эди, мен бу ишга қўл уриб ўтирмасдим. Мен ўз обрўйимни сақлашим лозим.

— Мен ҳеч кимга айтмайман, деб ваъда бераман, — деди совуқ оҳангда Трейси.

Морган мийиғида кулиб деди:

— Айтадиган гапнинг ўзи йўқ, тўғри эмасми? Айтмоқчиманки, ким ҳам сизга ишонарди? Мен — Конрад Морганман.

Дўкондан чиқаверишда қўшиб қўйди:

— Мабодо фикрингиз ўзгариб қолса, менга хабар қилинг. Кутаман.

— Йўқ, — қатъий жавоб берди Трейси ва қош қорая бошлаган кўчага чиқиб кетди. У меҳмонхонага етиб борганида ҳам ички қалтироғини боса олмас эди.

Трейси хизматкорни кофе ва сандвич келтиришга юборди. Конрад Морган билан учрашувидан кейин устига мағзава тўкилгандек ҳис этарди. Трейсини ҳар хил жиноятларга аралашиб келган ўта қув ва қаллоб хотинларга ўхшатиб юборди. Трейси Уитней эса компьютерни программалаштириш бўйича мутахассис, фуқаролик қонунига амал қиладиган ҳалол аёл.

Аммо ҳеч ким уни ишга олмасди. У ўз келажагини ўйлайвериш кечаси билан мижда қоқмади. Ишсиз, пули ҳам оз қолган. Трейси иккита қарорга келди: эрта билан арзонроқ жойга кўчиб ўтади ва ўзига иш топади. Иш қанақа бўлишидан қатъий назар.

Арзон жойи Лоуэр Ист Сайддаги лифтсиз тўртинчи қаватдаги бир хонали қоронғи уй бўлиб чиқди. Трейси деворлари фанердан қилинган хонасида кўшнларнинг хорижий тиллардаги суҳбати эшитилиб турарди. Кўчада қатор жой-

лашган дўкончаларнинг панжарали эшик-ойналари тақа-тақ беркитилган. Трейси бунинг боисини тушунди. Бу даҳада пияниста, фоҳиша ва гиёҳвандлар яшар экан.

Магазинга кетаётиб, йўлда унга уч марта тажовуз бўлди: икки марта — эркаклар, бир марта — хотин киши.

“Бунга чидайман. Бу ерда узоқ яшамайман”, — деб ўзини овутиди Трейси.

Трейси яшаётган уйдан сал нарида меҳнат биржасини топди.

Биржани жуда семиз, ёши ҳам улғайиб қолган миссис Марфи бошқарарди. У Трейсининг маълумотларини ёзиб оларкан, унга илинж билан қараб қўйди.

— Мендан нима исташингизни билмайман-у, лекин сизни қучоқ очиб чорлаб оладиган ўнлаб компаниялар нақд.

Трейси чуқур хўрсиниб қўйди:

— Мени бир нарса қийнамоқда, — деди у. Миссис Марфи унинг гапига диққат билан қулоқ солиб ўтирди. Трейсининг гапи тугагандан кейин дик этиб ўрнидан турди-да:

— Ундай бўлса компьютерда ишлашни орзу ҳам қилмай қўя қолинг.

— Ахир, ўзингиз айтдингизки...

— Компаниялар компьютер безориларидан юракларини ҳовучлашади. Улар судланган одамни ёлламайдилар.

— Лекин мен ишлашим керак. Мен...

— Ишнинг бошқа турлариям бор. Сотувчи бўлиб ишлашга ҳушингиз қалай?

Трейси универмагаги ўзининг охири вой бўлган тажрибасини эслади. Бунинг қайтарилишига асло йўл қўя олмайди.

— Яна бошқа биронта иш йўқми?

Аёл иккиланиб турди. Афтидан, миссис Марфи мўлжаллаган малакаси иш Трейси Уитнейга тўғри келмайдиган кўринади.

— Менга қаранг, — деди охири аёл. — Мен тушуниб турибман, бу сизга малол келиши мумкин, лекин “Жексон туйнуги”да официанткаликка бўш ўрин бор, Аппер Ист Сайддаги кафе-гамбургерда.

— Официантликми?

— Ҳа. Рози бўлсангиз, сиздан ҳеч қандай воситачилик ҳақини олмайман. Гап шундаки, бу ҳақда ҳозиргина хабар олдим.

Трейси ўтирган жойида яхши-ёмон томонларни мулоҳаза қиларди. Ҳозир олдида ҳаёт-мамонт масаласи турибди.

— Ишлаб кўраман, — деди ниҳоят.

“Жексон туйнуги” сершовқин, сабр-тоқатсиз мижозлар ва ҳолдан тойиб, зардаси қайнаган ошпазларга тўла. Шунга қарамай овқатлари мазали, нархлари ҳам чидаса бўладиган жой экан. Лекин энг муҳими, Трейси ишлаб пул топарди.

Трейси эртасига тушлик пайтида савдогарлар ўтирган столни хизматини адо қилаётганида эркаклардан бири унинг кўйлаги остига қўлини чўзди, Трейси эса унинг бошига чили<sup>1</sup> солинган товоқни ағдариб юборди.

Миссис Марфи олдида қайтиб бориб, бўлган воқеани айтиб беришга мажбур бўлди.

— Сизга яхши янгилик бор, — деди миссис Марфи. — “Веллингтон Армс”га администратор ёрдамчиси керак. Сизни ўша жойга юбормоқчиман.

“Веллингтон Армс” — Парк Авенюдаги унча катта бўлмаган башанг меҳмонхона бўлиб, унга бадавлат аслзодалар келиб туришарди. Администратор Трейси билан сўхбат ўтказиб, уни ишга қабул этди. Иш қийин эмас, хизмат ходимлари ёқимтой одамлар экан.

Трейсини бир ҳафтадан кейин бошлиқ хонасига таклиф этишди. Бошлиқнинг ёрдамчиси ҳам ўша жойда ҳозир эди.

— Сиз бугун саккиз юз йигирма еттинчи хонани текширган эдингизми? — деб сўради бошлиқ Трейсидан. Ўша хонани Ҳолливуд актрисаси Женифер

<sup>1</sup> Аччиқ помидор шарбати.

Марлоу эгаллаб турган эди. Оқсоч ходималар ўз ишларини яхшилаб адо этишлари учун ҳар бир хонани синчиклаб текшириб туриш Трейсининг вазифасига кирарди.

— Ҳа, нима бўпти?

— Қайси вақтда?

— Соат иккида. Бирон нарса рўй бердими?

Бошлиқ ёрдамчиси бидирлади:

— Миссис Марлоу соат учда қайтиб келиб қарасалар, бриллиант кўзли узуклари ғойиб бўлган эмиш.

Трейси аъзои-бадани тортишаётганини сезд.

— Ётоқхонага кирдингизми, Трейси?

— Ҳа. Мен ҳар бир хонани кўздан кечирдим.

— Ётоқхонага кирганингизда бирор жойда ётган қимматбаҳо буюмларга кўзингиз тушмадими?

— Йўқ, буни нега мендан сўраяпсиз?

— Мисс Марлоу хонадан чиқиб кетаётганимда узугим пардоз курсида ётган эди, деяптилар.

— Бу ҳақда мен ҳеч нарсани билмайман.

— Бу хонага киришга бошқа ҳеч кимнинг ҳуқуқи йўқ. Оқсочларимиз бизда кўп йиллардан бери ишлашади.

— Мен узукни олган эмасман.

Бошлиқ ёрдамчиси хўрсиниб қўйди.

— Бу ишни текшириш учун полицияни чақирингиз мажбурмиз.

— Балки бу ишни бошқа биров қилгандир, — кичқириб юбораёзди Трейси. — Ё бўлмаса мисс Марлоу узукни бошқа жойга олиб қўйгандир.

— Судланганингизни эътиборга олинса... — минғирлади бошлиқ.

Мана “Судланганингизни эътиборга олинса...” сўзлари ҳам эслатиб ўтилди.

— Полиция келгунча шу хонада туратуришингизни илтимос қиламан.

Трейси ёноқлари ловуллаб кетганини сезд.

— Яхши, сэр.

Соқчилардан бири уни хонага кузатиб қўйди, Трейсининг назарида қамоқхонага қайтиб келгандек бўлди. Чунки унда тамға бор эди-да. “Ёки хулқ-атворим билан ўтмиш айбини унутишга мажбур қилишим керакдир”, — надомат билан ўйлади Трейси.

Бошлиқ ёрдамчиси ўтгиз дақиқадан кейин хонага илжайиб кириб келди.

— Мана бу бошқа гап! — ғўлдиради у. — Мисс Марлоу узугини топди. Ҳар ҳолда узугини бошқа жойга олиб қўйган экан. Арзимаган тушунмовчилик содир бўлди.

— Жуда соз, — деди Трейси.

У хонадан чиқди-ю, тўғри Конрад Морганнинг заргарлик дўконига йўл олди.

— Бу кулгили даражада оддий нарса, — тушунтира кетди Конрад Морган. — Мижозларимдан бири, Лойс Беллами Оврўпога жўнаб кетган. Унинг уйи Лонг-Айленддаги Денгиз Қояси деган жойда. Дам олиш кунлари барча хизматкорлари дам олишади, шу боис уйда ҳеч ким йўқ. Шахсий соқчи ҳар тўрт соатда текшириб туради. Сиз бир неча дақиқадаёқ уйга кириб, яна чиқиб кетасиз.

Трейси Конрад Морганнинг хонасида ўтирарди.

— Мен сигнал бериш тизимини ҳам, сейф шифрини ҳам биламан. Сизнинг бор-йўғи қиладиган ишингиз — кириб, қимматбаҳо буюмларни олиб чиқишдан иборат. Зеб-зийнатларни менга олиб келасиз, мен тошларни гардишдан олиб, катталарини арралаб, бўламан ва қайтадан сотаман.

— Модомики бу шунчалар оддий иш экан, нима учун ўзингиз қилмайсиз? — чўрт кесиб савол берди Трейси.

Морган ҳаворанг кўзларини пирпиратди:

— Чунки мен зарур иш билан шаҳардан кетишим керак. Арзимаган нохушликлар бўлаётган вақтда доимо шаҳардан чиқиб кетаман.

— Тушунарли.

— Мабодо бу ўғирлик миссис Белламига зарар келтирарди, деган шубҳангиз бўлса, буни миянгиздан чиқариб ташланг. У шунчалик бадавлат аёлки, қим-

матбаҳо зебу зийнатлар тиқиб ташланган уйлари бутун дунёда тўлиб-тошиб ётибди! Бундан ташқари, у бутун заргарлик буюмларини икки мартаба суғурта қилдирган. Табиийки, уларнинг ҳаммасининг баҳосини мен қўйганман.

Трейси Конрад Морганга бақрайиб қараб ўтираркан, ўзича: “Жинни-пинни бўлиб қолдим-ов. Бу одам билан шу уйда ўтириб олиб бамайлихотир қимматбаҳо буюмларни ўғирлаш ҳақида маслаҳат қилмоқдаман”, — деб ўйларди.

— Мистер Морган, қамоқхонага яна тушиш хоҳишим йўқ.

— Бундан хавотир олманг. Одамларимнинг биронтаси ҳам менга ишлаган вақтида қўлга тушмаган. Хўш... Нима дейсиз?

Телбаларча хомхаёлга ўхшарди.

— Йигирма беш минг доллар дедингизми?

— Менга топширганингизда нақд оласиз.

Бу, Трейси ўз келажаги муаммосини ҳал қилаётган бир вақтда, бутун бир давлат-ку.

У ўзи яшаётган қоронғи кичкина хужра ҳақида ўйлади, фарёд қилаётган болаларни, “Менга қотил аёлнинг хизмати керакмас”, — деб бақирган харидорни, “Бу ишни текшириш учун полиция чақиршига мажбурмиз”, — деган бошлиқ ёрдамчисини эслади.

Бироқ Трейси шунда ҳам рози бўла олмасди.

— Бу ишни шанба куни оқшомда амалга оширишни тавсия этардим, — деди Морган. — Хизматкорлар ҳар шанбада пешин вақтида кетишади. Мен сизнинг номингизга ҳайдовчининг гувоҳномасини ҳамда кредит карточкасини олиб бераман. Сиз шу ерда, Монхэттенда ижарага машина оласиз-да, Лонг-Айлендга жўнайсиз, соат ўн бирларга у ерга етиб борасиз. Қимматбаҳо буюмларни олиб Нью-Йоркка қайтиб келасиз, машинани топширасиз... Ишончим комилки, машина ҳайдашни билсангиз керак?

— Ҳа.

— Жуда соз. Поезд Сент-Луисга тонг билан соат бешу қирқ бешда жўнайди. Купе буюриб қўяман. Мен сизни Сент-Луис станциясида кутиб оламан. Менга буюмларни топширасиз, мен эса сизга йигирма беш минг долларни бераман.

Рад жавобини бериб, туриб кетадиган вақт келди. “Кетаман, лекин қаерга?”

— Менга оқиш рандаги ясама соч керак бўлади, — оҳиста деди Трейси.

Трейси кетди, Конрад Морган ўз хонасида у ҳақда ўйлаб қолди. Гўзал аёл. Жуда латофатли. У ўзидан уялиб кетди. Миссис Беллами уйдаги сигналлаштирилган махсус тизим билан унчалик таниш эмаслигини Трейсига айтиб қўйиши лозим эди.

## 2

Конрад Морган минг долларни олдиндан тўлаб қўйди. Трейси бири очмалла, иккинчиси сочлари майда-майда қилиб ўралган иккита ясама соч сотиб олди. Лексингтон-авенюдаги кўча сотувчидан тўқ ҳаворанг костюм-шим, қора комбенизон ва саквояж харид қилди. Ҳозирча ҳаммаси силлиқ кетяпти. Трейси конвертда Морган ваъда қилган Эллен Бранг номидаги ҳайдовчи гувоҳномасини, Беллами уйдаги сигнализация тизими чизмасини, ётоқхонада жойлашган сейфнинг махфий шифрини ва Сент-Луисгача поезд чиптасини (энг четдаги купедан) олди. Трейси ўзининг барча лаш-лушини йиғиштириб, хужрасидан чиқиб кетди. “Бундан кейин ҳеч қачон бундай хонада яшамайман”, — деб ўзига-ўзи ваъда берди у. Ижарага машина олди-ю, Лонг — Айлендга жўнаб кетди.

У қилаётган иши тушида бўлаётгандек, чўчиб тушди. Ушлаб олишса-чи? Таваккал қилишга арзийдими?

“Бу кулгили даражада оддий нарса. Ишончим комил бўлмаса, бунақа ишга қўл уриб ўтирмасдим. Мен ўз обрўимни сақлашим керак”. “Менинг ҳам обрўим бор, — эслади Трейси алам билан. — Шундай обрўки, ҳимоя қилишнинг ҳожати йўқ. Қимматбаҳо буюмлардан бир бўлаги йўқолиб қолгудек бўлса, токи айбдор эмаслигим исботланмагунча мени таъқиб қилишаверади”.

Трейси жазавага тушгунча ўзини қийнашга ҳаракат қилди. Ўзини жиноятга тайёр қилишга ҳаракат қиларди. Бироқ бунинг уддасидан чиқолмади. Денгиз Қоясига яқинлашганда асаблари дош беролмади. Трейси сал бўлмаса икки марта автомобиль ҳалокатига учрай деди. “Балки полиция қонидани бузганим учун ушлаб олиб кетар, — умид билан ўйлади у. — Шунда мистер Морганга айтадиган баҳона топилади”.

Афсуски, полиция машинаси кўринмасди. “Албатта, уларга жуда зарурат туғилганда қоралари ҳам кўринмайди”, — нафрат билан хулоса қилди Трейси.

У Конрад Морган кўрсатган йўлланмасига риоя қилган ҳолда Лонг-Айленд томон кетиб борарди. “Унинг атрофи сув билан ўралган. Номини “Эмберс”. Бу викториан услубидаги кўҳна дангиллама бино. Ёнидан ўтиб кетмайсиз”.

“Қанийди, кўрмай ўтиб кетсам”, — илтижо қилди у.

Мана, қоронғуликда мисоли одамхўрнинг афсонавий қасридек бинонинг тархи кўрина бошлади. Бино узоқдан овлоқ жойга ўхшарди.

“Хизматкорлар уйни ташлаб кетишга қандай журъат этишибди! — газаби жўшиб ўйлади Трейси, — ҳаммасини ишдан ҳайдаш керак!”

Трейси машинани толзорга яшириб қўйди-да, атрофга қулоқ осди. Ҳеч қандай овоз сукунатни бузмасди. Бино бош йўлдан ичкарида бўлиб, бу кечки пайтда йўлда ҳеч қандай ҳаракат йўқ эди.

“Уй дарахтлар панасида, азизим, энг яқин қўшни эса уйдан бир неча акр нарида, шу боис сизни бирон кимса кўриб қолишидан кўрқманг. Соқчи машина кеч соат ўнда, кейин тун соат иккида текширув қилади. Иккигача сиз жуда узоқда бўласиз”.

Трейси соатига қаради. Ўн бир. Демак, биринчи соқчи машина ўтиб кетган. Навбатдаги соқчи келгунча унинг ихтиёрида уч соат бор. Ёки машинасини буриб Нью-Йоркка қайтиши ва бу телбаликни унутиши учун уч дақиқа вақти бор. Бироқ нимасига қайтади?

“Компьютерда ишлашни хаёлингизга ҳам келтирманг. Улар судланган одамни ёлламайдилар...”

“Бир ёки икки соат “меҳнати”нгиз учун йигирма беш минг доллар. Агар шубҳаланаётган бўлсангиз, у ҳақиқатан ҳам даҳшатли хотин”.

“Нима қилипман? — ўйларди Трейси. — Мен ахир қароқчи эмас, ишни асабий барбод қилиш ёқасида турган, уста кўрмаган ҳаваскорман. Агар зигирча ақлим бўлса, ҳали кеч бўлмасдан, ҳали мени ушлаб отиб ташлаб ифлос жасадимни денгизга улоқтиришмасдан бу ердан жўнаб кетишим лозим эди. Газеталарда қандай сарлавҳа бўлишини тасаввур қилиши мумкин: “Хавфли жиноятчи аёл ўгрилик қилаётганида отиб ташланди”.

Ким унинг ўлимига аза тутади? Эрнестина ва Эми. Трейси соатига қаради. “Эй худойим!” У машинада яна йигирма дақиқа ўтирди. “Модомики, шу ишни қилар эканман, унда, яхшиси тезроқ ишга киришмоқ даркор”.

Трейси қимирлай олмасди. Уни ваҳима босди. “Бу ерда узоқ туролмайман, — деди у ўз-ўзига. — Шунчаки бориб уйни кўздан кечирсам-чи. Бир зумда қарайман!”

Трейси чуқур нафас олди-да, машинадан чиқди. Тиззалари қалтирарди. У секин-аста уйга яқинлашиб борди.

“Қўлқоп кийиб олишни унутма”.

Трейси чўнтагидан қўлқопларни олди. “Эй худо, нима қилмоқдаман!.. — ўйлади у. — Дарҳақиқат, олға кетяпман”. Юраклари дук-дук урганидан Трейсининг қулоқлари ҳеч қандай овоз эшитмасди.

“Сигнализация — кираверишдаги эшикнинг сўл томонида. Бешта тугмачаси бор. Агар қизил чироқ ёнса, сигнализация қўйилган бўлади. Уни ўчириш шифри — уч, икки, тўрт, бир, бир. Қизил чироқ ўчганидан кейин сигнализация узилган деб биласиз. Манави фонарчадан фойдаланинг. Уй ичида асло чироқ ёқманг. Чунки уй ёнидан биронтаси ўтиб қолиши мумкин. Беканинг ётоқхонаси — тепадан сўлда, деразалари кўрфазга қараган. Сейф Лойс Белламининг сурати орқасида. Жуда оддий сейф. Қиладиган ишингиз — мана шу шифрни териш...”

Трейси қалтираган, тик этган товущдан қочишга тайёр ҳолда асаблари тарапанг турарди. Сукунат. У секин-аста қўлини чўзиб сигнализация тизимининг тартиб билан тугмачаларини босар экан, чироқ ўчиб қолмаса бўлгани, деб ил-



тижо қиларди. Қизил чироқ ўчди. Кейинги қадам уни адо этади. Бу ҳақда учувчиларнинг: қайтмас нуқта, деган иборасини эслади.

Трейси калитни қулф тешигига тикди — эшик ланг очилди. Ичкари кирмай бир дақиқа туриб қолди. Уй ваҳимали сукунатга чўккан. Трейси фонарчани олиб ёқди ва кўзига зина кўринди. У ичкарига кириб, пиллапоядан юқорига кўтарила бошлади. Ҳозирги дамдаги унинг яккаю ягона орзуси — ишни тезроқ тугатиб, қочиш.

Иккинчи қаватда фонарнинг хира ёғдусидаги йўлак ваҳимали зулмат ичида эди. Трейси йўлакдан борар экан, йўл-йўлакай ҳар бир хонага мўралаб ўтди. Барчаси бўш экан.

Беканинг ётоқхонаси йўлакнинг этагида жойлашган эди. Трейсининг кўзига чодирга ўралган каравот, қип-қизил гуллар билан безалган кийим жавон, иккита қизил кресло ва камин олдига қўйилган емак столи кўринди, “Мен ҳам худди шундай хонада Чарльз ва болам билан яшашим мумкин эди”, — деб хаёлидан ўтказди Трейси.

У дераза олдида борди ва узоқдаги кўрфазда қотиб турган кемаларга назар ташлади. “Эй худойм, нима учун Лойс Белламини мана бундай ҳашамли уйда яшашни, мени эса уни ўмаришни тақдири азал қилдинг? Ишни тезроқ битир, ҳой қиз! — деди у ўзига-ўзи. — Бўлмағур хаёлларга берилма! Бир неча сониядан сўнг вақт тугайди, ҳар сония ғанимат. Ишни тезроқ бажар!”

Трейси деразадан орқасига ўгирилди ва Морган айтган девордаги сурат олдида борди. Лойс Белламининг нигоҳи жиддий ва такаббуруна эди. “Ҳақиқатан ҳам, бу хотиннинг турки совуқ экан”. Сурат четга сурилди, орқасида эса унча катта бўлмаган сейф бор экан. Трейси шифрни эслади. “Уч ўнгга бурилади, қирқ иккида тўхташ лозим. Икки сўлга бурилади, ўнда тўхташ керак. Бир ўнгга бурилади, ўттизда тўхташ керак”. Трейсининг қўллари шундай қалтирардики, ишни икки қайтадан бошлашга мажбур бўлди. Ширқ этган товуш эшитилди. Темир эшик очилди.

Сейф қалин конвертлар ва қоғозлар билан тўла, лекин Трейси уларга аҳамият бермади. Орқадаги кичкина тоқчада зеб-зийнат солинган халтача ётганди. Трейси халтачани жойидан олди. Шу ондаёқ сигнализация мослама ишлаб кетди-ю, қулоқни кар қиладиган кўнғироқ янграб кетди. Унинг овози уйнинг ҳар бурчагидан хавф-хатардан дарак бериб, акс-садо бераётгандек эди. Трейси ваҳимадан тарашадек қотиб қолди.

“Нимада хато қилдим? Наҳотки Конрад Морган сайфнинг ичида қимматбаҳо буюмлар олинаётган пайтда ишлаб кетадиган сигнализациядан хабари бўлмаган бўлса?”

Бу ердан тезроқ жуфтақни ростлаб қолиш лозим. Аммо шу пайт бошқа хатарли ҳуштак овози эшитилди. Трейси яқинлашиб келаётган ҳуштакнинг чуруллашини эшитди. Кўрқувдан юраги қинидан чиқаёзганди, оғзи куриб кетган Трейси иккинчи қаватда турарди. У дераза олдида югуриб борди-да, дарпардаларни кўтариб ташқарига қаради. Оқ-қора соқчи машинаси уйнинг олдида катта тезликда келиб тўхтади. Трейси, бир полициячи орқа эшикка, иккинчиси эса олдинги эшик олдида югуриб келаётганини кўрди. Қочишнинг иложи йўқ. Ҳуштак уй ичида ҳам, ташқарида ҳам тинмай чирилларди. Бу ҳуштак бирдан унга жанубий Луизиан хотинлар қамоқхонасидаги даҳшатга солувчи увуллашларни эслатди.

“Йўқ! — ўйлади Трейси. — Мен яна ўша ёққа жўнатишларига йўл қўймайман”. Олд эшикнинг кўнғироғи янгради.

Лейтенант Мелвин Дэркин Денгиз Қояси деб аталмиш тинч шаҳарчанинг полиция бўлимида ўн йил хизмат қилган. Полициянинг асосий кучлари безориларни саранжом қилиш ёки шанба оқшомларида содир бўлиши мумкин бўлган кўча ёқалашувларини бартараф этишга қаратилар эди. Беллами уйдаги сигнализациянинг ишлаб кетиши бошқа тоифага киради. Лейтенант Дэркин Лойс Белламини ва унинг бебаҳо суратлар коллекцияси ҳамда заргарлик безакларини билар эди. Беллами кетганидан кейин бу уйга алоҳида эътибор қаратган ва вақти-вақти билан уй атрофида соқчилик қилар эди. “Мана, биттасини

қўлга туширдим-ов”, деб ўйлади лейтенант. Кўриқчилар бўлинмасининг навбатчисидан радио орқали юборилган сигнални яқин орада туриб эшитди. “Бу менинг унвонимни оширишда катта таъсир беради. Зўр!”

Лейтенант Дэркин эшик қўнғироғи тугмасини яна босди. У ўз кўрсатмасида уйга бостириб кириши учун куч ишлатишдан олдин уч марта қўнғироқ қилганини муҳрлаб ёзиб бермоқчи эди.

Унинг шериги орқа эшикни тўсиб турибди, шу боис босқинчи учун қочиш имкони йўқ. Мелвин Дэркиндан ҳеч ким қочиб қутулолмайди.

Лейтенант учинчи марта қўнғироқни босиш учун қўлини узатганда, тўсатдан эшик очилди. Полициячи ҳайрон бўлганча жойида тўхтади. Остонада эркак киши хаёлининг парвозига ўрин қолдирмайдиган, ниҳоятда юпқа тун кўйлак кийган аёл пайдо бўлди. У юзига ниқоб кийиб олган, жингала сочлари чодира билан ёпилган эди.

— Нима гап? — сўради аёл.

Лейтенант Деркин дудуқланиб:

— Мен... сиз кимсиз?

— Менинг исмим Эллен Бранг. Лойс Белламининг меҳмони бўламан. Хоним Оврўпога кетган.

— Буни биламан, — деди лейтенант хижолат чекиб. — Хоним бизга меҳмон ҳақида ҳеч нарса демаганлар.

Остонада турган аёл тушунгандек бош ирғади-да:

— Лойсдан буни кутса бўлади. Кечирасиз, шовқинга ҳеч тоқатим йўқ, — деди.

Лейтенант Деркин Лойс Белламининг меҳмони сигнализация тугмачаларига бармоқларини узатиб, тартиб билан рақамларини босиб чиқишини кузатиб турди, шовқин тинди.

— Шунда яхши бўлади, — дея хўрсинди аёл. — Сизни кўрганимдан қанчалик хурсанд бўлганимни изҳор этолмайман ҳам, — дея сохта кулиб кўйди. — Мен энди ўринга ётмоқчи бўлган ҳам эдимки, сигнализация ишлаб кетса бўладими. Уйга ўғри кирибди деб қўрқиб кетдим, ахир, бир ўзим бўлсам. Хизматкорлар пешинда кетишган.

— Уйни кўриб чиқсак, нима дейсиз?

— Марҳамат, ҳатто талаб ҳам қиламан.

Қоронғи бурчакларда ҳеч ким яширинмаганлигига ишонч ҳосил этиш учун лейтенант Деркин ва унинг шеригига бир неча дақиқа вақт кетди, холос.

— Ҳаммаси равшан, — хулоса қилди лейтенант. — Сохта шовқин. Нимасидир бузилган бўлса керак. Электрон ўйинчоқларга ишониб ҳам бўлмайди. Мен ҳозир соқчилар бўлинмасига телефон қиламан, тизимни текшириб чиқишларига мажбур эгаман.

— Ўтиниби сўрайман, шундай қилинг, — деди аёл.

— Қани, тезроқ кета қолайлик, — деди лейтенант.

— Келганингиз учун катта раҳмат. Энди ўзимни беҳавотир сезаман.

“Жозибали жувон экан”, хаёлидан ўтди лейтенант Деркиннинг ва аёлни ниқоб, ёпинчиқсиз кўз олдига келтирди.

— Мисс Бранг, неча кун меҳмон бўлиб турасиз?

— Бир ё икки ҳафта, Лойс келгунча.

— Мабодо менинг ёрдамимга муҳтож бўлсангиз, хабар қилинг.

— Раҳмат меҳрибонлигингиз учун.

Трейси полиция машинаси қоронғулик қаърида ғойиб бўлгунча ортидан қараб турди, сўнгра чопиб юқори қаватга чиқди-да, юзидаги ниқобни ювиб ташлади, сохта сочини, тунги кўйлагини ечди-ю, ўзининг қора комбензонини кийиб олди-да, олд эшик орқали чиқиб, эҳтиёткорлик билан сигнализацияни улаб кўйди.

У Манхэттен йўлининг ярмига борганда ўз-ўзидан қиқирлаб кулди, қиқирлаш баралла, хохолаб кулишга айландики, ноилож йўл четига бурилиб тўхташга мажбур бўлди. Трейси кўз ёшлари юзларига оқиб кетгунга қадар кулди. У бу йил биринчи марта шундай кулиши эди. Энди у ўзини жуда енгил ҳис қилаётганди.

*Давоми келгуси сонда.*

Эдуардас МЕЖЕЛАЙТИС

## Аскарнинг ўлими

### ЖАНГ

...**П**улемёт тиниб қолди...

...Аскар, бор кучини тўплаб,  
Жангдан ўрмалаб чиқди...  
Турмоқ бўлди ўрнидан, лекин  
Қўлдан тушиб кетди милтиғи.

Ерга йиқилди у  
Икки букилиб.  
Ернинг бир бўлаги бўлиб  
Ўтиб қолди...  
Ўтаверди...

Бошидаги темир қалпоқ  
Юмалаб бориб  
Бутазорга кириб йўқолди.  
Панжаларин ерга ботириб,  
Ўрмаламоқ бўларди аскар...  
Панжалари орасидан  
Шувиллаб кум оқарди.  
Зўрға етди сувсиз ирмоққа...  
Осмон мовий қалпоқ бўлиб  
Бошини ёпди...

Алвон қуёш ўқ еган қушдай  
Чангак мисга илиниб қолди.  
Қон оқарди аскар кўксидан.

Ва бу қонни мажруҳ сахро  
Симирарди,  
Симирарди...

Мовий туман кўтарилиб кетди.  
Юлдуз қалқди осмонда.  
Термуларди аскарга у,  
Гўё ўйларди:  
Ўладими, қоладими?  
Аскар эса, ётарди ҳамон  
Ва бор эҳтироси билан  
Ўпишарди ерга,  
Ерга ўпишарди...

### ЮЛДУЗ

Чарақланг, мусаффо, юксак юлдузлар!  
Анави юлдузнинг қайсимиз учундир  
Қачондир сўнишин биламиз.  
Лекин, қачондир...  
— Энди-чи?

Ҳозирча биз уни кўриб турибмиз,  
Кўздан қочирини истамай.  
— Бўлмаса-чи!

Истамагандайди яшашни инсон,  
Ернинг қон томири урмай қоларди...  
— Чарақла, юлдуз!

*Машраб  
БОБОЕВ  
таржимаси.*

Эдуардас Межелайтис (1919) Литванинг таниқли давлат ва жамоат арбоби. Эътироф этилган атоқли шоир. Адиб “Қардошлик достони”, “Лирика”, “Инсон” китоблари билан машҳур. Унинг “Инсон” тўплами ўзбек китобхонлари томонидан илиқ кутиб олинган эди. Журналхонларимиз эътиборига шоирнинг янги шеърий туркумидан намуналар ҳавола қилинаётир.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Ажал аскар узра  
Энгаши-ю, деди:  
— Кетдик...

Аскар кўзини очиб  
Юлдузни кўрди.  
— Яшасайдим...

Ажал эса,  
Нари жилди ундан бир қадам,  
Аммо ёнида қолди.

### СУВ

Аскар уйғонди-ю,  
Куёш нури тўла,  
Шишадай мусаффо  
Ирмоқни кўрди.

Темир қалпоқни ювиб,  
Кум, бута, майсаларнинг  
Аксини тебратганча  
Оқар эди сув.

Ёш бола сингари,  
Куёш камалагин  
Ўйнаб,  
Чопар эди,  
Чопар эди ирмоқ.

— Қишлоғимиздаги  
Суви  
Қайинларнинг  
Хазон япроғини  
Оқизган ирмоққа  
Ўшар экан-а...  
Ўйлади аскар...

Ва кўлин узатиб,  
Ховучлаб, ховучлаб,  
Тўйиб-тўйиб ичди,  
Ярасин ювди...

...Аммо, ташналикда қийналарди у...

### ТЎРҒАЙ

У қайтадан уйғонганидан  
Кўринмади кўшиқчи ирмоқ.  
Ёнар эди ўртадаги ер,  
Ёнар эди кўкдаги куёш,  
Қиздирилган темир каби  
Қип-қизил.  
Икки ўтда ёнарди аскар.

Ерга қапишган қулоғи туйди  
Ишқаланган кумнинг қичир-қичирин.

Бирданига кулранг бир тош  
Ракета каби  
Ердан узилди-ю,  
Кўкка отилди.  
Бу — тўрғай эди!

“Ухлаб қолибман-а, —  
Ўйлади аскар, —  
Кетибдилар-да ҳамма ўроққа.  
Чалгим қани менинг?”

Ва яна  
Кулранг чўлни кўксига босиб,  
Ўрмалашга тушди.  
Ўрмалади...  
Ўрмалади...

### БУЛУТ

Зўрға-зурға очди  
Кўзларини у.  
Унинг кўзларида  
Акс этганича  
Сузарди булутлар.

Кўз ёш қатрасида  
Акс этар эди  
Осмон қатраси.

Шу қадар улкан  
Кўриниб кетдики  
Шу топда ер ҳам —  
Сигмайдигандай  
Эди кучоққа.

Бирон-бир майса,  
Бирон-бир илдиз  
Топарманми деб,  
Яна босди кўксига чўлни...

О, бахтим! Шодлигим!  
Ўлимга қарши  
Кўзғолди ҳаёт:  
— Қани, тур!  
Кўкда эса,  
Чайқаларди беташвиш булут,  
Ёдга солиб олча гулини...

### ЧИГИРТКА

Шу дам,  
Кимдир ёнига келиб,  
Оҳиста куй чалаётгандай  
Туюлди унга.

Аскар кўзини очиб,  
Майса поясида ўтирган

Чигирткани кўрди.  
 Биқинини ўқ тешган поя  
 Аста-аста тебранарди.  
 Чигиртка эса,  
 Скрипкада бир куй чаларди...  
 — Чал! Чалавер!

...Яқинда ўрилган эди бу ўтлоқ,  
 Бўйи димоқ ёрган мойчечакларни  
 Кўмсаб бўзлар эди чигиртка...

Лекин, ким ўрса ҳам,  
 Чала ўрипти.  
 Яна бир тарашлаб  
 Чиқса бўлади.

Кўлда чалғи бўлса!  
 Иш етиб ортар!  
 Шундай долзарб пайтда  
 Хордиқ нимаси!

### КУРАШ

Ўлим чалғисини  
 Ташлади ерга:  
 — Тур-чи, чаласини  
 Ўрайлик бирга.

— Чўкиртақда турган  
 Мисли зарра кум, —  
 Эҳ, шу олишувдан  
 Чиқсайдим бутун!

Бир ҳаво симирсам...  
 Мадад бер, гардун!  
 Жиндай туриб берсам  
 Ўлмай қолардим!

Ярақлаган тигдан  
 Хириллаган сас:  
 — Яшайдиган менман,  
 Сен эмас!

### ҲАРФЛАР

...Уни кўп изладик:  
 Бир неча кун...

Биз томон ўрмалаб  
 Йиқилган экан.  
 Шу ҳолда топдик.  
 Панжалари ерни тирнаган,  
 Гўё нималарни ёзгандай  
 Эгилиб,  
 Аскарни кўтардик...  
 Шишага айланган

Эди кўзлари.  
 Ўрмалаб бораётган булут парчаси  
 Кўринди бу кўзларда...

Яна бир оз эгилиб,  
 Ҳақиқатан ҳам  
 Ҳарфларга ўхшаган  
 Белгиларни кўрдик ерда...  
 Ўлаётган аскар  
 Нима ёзганини  
 Айтмаяпман мен.  
 Бу балки менга  
 Шундай туулгандир, —  
 Лекин биз кўрдик шу сўзни,  
 Ўқидик шу сўзни:  
 яшасайдим...

### МАРСИЯ

Ётибман Орёлнинг остонасида...  
 Кўксимни эзмишдир аламлар тоғи...  
 Тўрғай чаппар урар кўк сийнасида.  
 Қаноти — ҳаёти,  
 Ҳаёти — ҳамроҳи.

Қушларнинг нағмаси эшитилмас, йўқ,  
 Барглар шививири ҳам кирмас қулоққа...

...Мен бунда ётибман — биқинимда ўқ!..  
 ...Маза бўлса керак ҳозир қишлоқда?

Чайқалар бошоқлар зангори,  
 Яқиндир мағизга тўлар дам.

...Менга-чи, гуллар ҳам қоп-қора,  
 Қорадир зангори каноп ҳам...

Йиқилдим  
 найзалар  
 жангида...  
 Зангори кўзларим юмилди.  
 ...Само ҳам энди тун рангида,  
 Оғзим эса тупроққа тўлди.

Энди ёр дийдори насиб этмас, оҳ!  
 Сезмасман нону туз таъмин ҳеч қачон!  
 ...Мана менинг ноним — қоп-қора  
 тупроқ,

Оғзим тўла унга.  
 Тўладир ҳар ён!  
 ...Тўрғай чаппар урар кўк сийнасида.  
 Кўёш аямайди ҳароратини.

...Ётибман  
 Орёлнинг  
 остонасида...  
 ...Ёд этинг мени!..

Эфраим СЕВЕЛА

# Тўхтатинг самолётни, тушиб қоламан

Қисса<sup>1</sup>

*Атлантик океани устида  
Баландлик 30600 фут.*

**Я**қин Шарқ можаросини қандай ҳал қилмоқ керак? Араблар билан яҳудийларни қандай қилиб муросага келтирса бўлади? Бунинг йўлини билмайсизми? Бирор инсон биладими?

Газеталар ҳар куни битта гапни ёзгани ёзган. Радио ҳам шу гапни такрор-такрор гапирди. Телевизорнинг қулоғини бураб ҳам хурсанд бўлмайсан. Бунинг баридан жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Мен агар яҳудий бўлмаганимда, шунга вақтимни ўғирлашаётгани учун, тинчимни олиб, ер юзида хотиржам яшашимга имкон беришмаётгани учун, арабларни ҳам, яҳудийларни ҳам жинимдан бадтар ёмон кўриб қолар эдим ва икковларинг ҳам гумдон бўлиб, кўзимдан йўқол, дердим.

Мана, кўп йилларки, дипломатлар бу можаронинг кетидан кун кўриб келяпти. Бир томондан Америка, иккинчи томондан Совет Иттифоқи Худонинг қарғишига учраган бу жойга миллиард-миллиард пулни ҳаржлаб келмоқда. Шунча пул тубсиз қудуққа тушгандай ғойиб бўлиб кетяпти. Пул билан бирга, худо билсин, яна қанча қурол тикиштирилаётганикин? Эринмаган кимсаки бор, ҳаммаси оловга ёғ сепиш билан овора. Муаммонинг ҳал бўлишидан дарак йўқ. Ҳар кимса худди лўли хотиндай яқин ўрталарда бу ерда нималар рўй бераркин деб фол боқади. Агар уруш бўлиб қолса, қачон бўлади? Агар бу урушга улуг давлатлар аралашса, учинчи жаҳон уруши бошланиб кетармикин, йўқми? Агар бошланса, атом қуролини ишга солишиб, курраи заминни портлатиб йўқ қилиб ташлашмасмикин? Шундоқ бўлса, буларнинг ҳаммаси аллақандай араблар билан аллақандай яҳудийлар кичкинагина Фаластинни бўлишиб ололмаганларидан бошланганини биров эслармикин?

Мен дипломат эмасман. Мен Киссинджер эмасман. Албаттаинки, Громико ҳам эмасман. Мен оддий одамман. Менинг номим Аркадий Рубинчик. Бу ном жаҳон афкор оммасига бутунлай бегона.

Шуниси чатоқ-да...

Менинг немис ўқидан илма-тешик бўлган бош чаноғим ичидаги миям унчалик анойи эмас — баъзан-баъзан унда анча-мунча ғалати фикрлар туғилиб турарди. Негаки, мен кузатувчан одамман. Кўзим ўткир. Буни Москвада турган кезларимдаёқ Дворянлар уясида истиқомат қилувчи собиқ мижозларим — ёзувчилар ва санъаткорлар айтиб юришарди. Уларни эса СССРда инсон руҳининг инженерлари деб бекорга айтишмаган.

<sup>1</sup> Охири. Боши ўтган сонларда.

Дипломатлар доира столлар теграсида ўтириб олишиб, бир-бирларига разм солишади-ю, бир-бирларининг тақир бошлари-ю, кўзойнақларидан бошқа нарсани кўришмайди. Мен бўлсам ҳаётнинг ичидаман, агар мени ҳеч нарса чалғитмаса, турмушни кузатаман. Сизга тан олиб айтмоғим керакки, бунда анчамунча эътиборга лойиқ кузатувлар қиламан.

Албатта, мен Яқин шарқ можаросини ҳал қилиш йўлини биламан деб даъво қилолмайман. Лекин мен унча узоқ бўлмаса-да, ҳар ҳолда Исроилда яшаганман — ўшанда баъзи нарсаларни пайқаб қолганман. Шу пайқаганларим баъзи бир мулоҳазаларни туғдирган.

Мен сизга иккита воқеани айтиб берай. Уларни ўз кўзим билан кўрганман. Ҳар иккала воқеада араблар ҳам, яҳудийлар ҳам иштирок этишган, лекин мен уларнинг ўртасида ҳеч қанақа низони сезганим йўқ. Аксинча, улар ҳамма ишларини баҳамжиҳат қилишади. Шунинг учун гапларимни эшитишга эринманг. Баҳонада Исроилдай ҳеч қайси мамлакатга ўхшамаган бир ўлкадаги турмуш тўғрисида билганларингиз бойигани қолади. Бир дақиқа хаёлингизда Қуддуси Шарифни тасаввур қилинг. Шаҳардаги иморатларнинг ҳаммаси сарғишроқ гиштан қурилган. Шунинг учун ўринлатиб ёритганда шаҳар олтиндан бўлганга ўхшайди. Шаҳарни ҳозир ҳам шу гиштан қуришда давом этишяпти. Бошларига оқ рўмол ўраб, уни қора боғичлар билан танғиб олган араблар елкаларида шу гишталарни ташиб, тинимсиз равишда янги уйларнинг деворларини кўтариб ётишяпти. Чунки Исроил бир нарсадан умидвор — аста-секин ҳамма яҳудийлар шу ерга тўпланди, жуда кўп квартира керак бўлади. Шунинг учун араблар қуриб ётипти. Яҳудийлар эса бу ерга келишга кўп ҳам ошиқаётганлари йўқ. Шунинг учун минглаб квартиралар ҳувиллаб ётипти.

Бироқ ҳозир бу тўғрида гапираётганим йўқ.

Араблар қўлда ишлашади, техника нима эканини билишмайди. Қумни брезент челақларда, гиштни елкаларида ташишади. Худди мудроқ пашшалардек имиллаб ҳаракат қилишади. Уларнинг тепасида яҳудий ишбоши. Уни сабра дейишади. Ёш. Калта шим кийган. Оёғида шиппак. Оёғи сержун. Кўкраги сержун. Башарасида бирон-бир ифода йўқ. Сабра дегани — собиқ яҳудий. Аниқроқ айтганда, Фаластинга келган яҳудийлардан туғилган одам. Расамадаги яҳудийдан шуниси билан фарқ қиладики, унда яҳудийларга хос бўлган хусусиятлар мутлақо йўқ. Ҳазил-ҳузулни билмайди. Юмшоқ феълик унга бегона. Кўнгилчанлик йўқ. Зукко эмас. Бу сифатлардан маҳрум бўлиб, уларнинг ўрнига қандай фазилатлар орттирганини ёлғиз яҳудийлар Худоси-ю, узлуксиз ҳукмронлик қилиб келаётган МАПАЙ партиясининг тарғибот бўлими билади.

Қурилишга юк ташувчи машина келди. Уни ҳам сабра ҳайдаб келган эди. Иккала сабра ҳам бир-бирига қуйиб қўйгандек ўхшайди. Юк ташувчи машина бетон қорувчи машина учун қум олиб келипти, лекин уни ўнбоши сабра маъқул кўрган жойга эмас, бошқа жойга тушириб қўйипти.

Иккала сабра — шофер билан ўнбоши — гижиллаша бошлашди. Яҳудийлардан фарқ қилароқ, қизишиб олиш учун улар анчагача даҳанаки жанг қилиб ўтиришмади, икки оғиз сўкишиши-ю, қутурган қўтосдай бир-бирларининг устига ташланишди. Бирининг қўлида араблар тош майдалайдиган оғир болга, иккинчиси олтин Қуддусимизнинг деворларига ишлатилган сарғиш гиштни ушлаб олган.

Яна бир лаҳзадан кейин бошлар ёрилади, қон тўкилади. Яҳудий қони! Қимматли қон! Ахир, қимматли бўлмай, нима бўлсин? У шундоқ ҳам жуда кам қолган.

Шу топда иккала сабрининг устига бир тўда араблар ёпирилиб, елкаларига осилиб олишди. Бошларида қора боғич билан танғилган оқ рўмол. Кўйлақлари узун, ерга тушади. Осилган кўйи, ўз тилларида бир-бирларига гал бермай жаврай кетишди, тўё бир гала қўшдай. Мен араб тилини билмайман, лекин оҳангларида билдимки, бу араблар иккита эси паст яҳудийга ялиниб, урушмасликларини, бекорга қон тўкмасликларини сўрашмоқда, яъни шундоқ ҳам оз қолган яҳудий қонини тўкимасликка даъват қилишяпти.

Улар жанжаллашаётган яҳудийларни елкалари билан туртиб-суриб икки томонга ажратишди, ялиниб-ёлбориб, қўллари билан силаб-сийпаб уларни жаҳдан туширишди. Шу билан низо барҳам топди.

Бошқа бир воқеа.

Маълумки, Йиғи девори яҳудийлар учун муқаддас жой. Албатгаинки, мен бундан кулмоқчи ёки шаккоклик қилмоқчи эмасман. Худо сақласин. Негаки, диндорлар қайси Худога топинмасин, мен уларнинг диний эътиқодларини хурмат қиламан. Гап яҳудийлар ҳақида боради. Гап бўлса-ку, бу, албатта, ўз-ўзидан маълум.

Менинг билишимча, икки минг йил аввал вайрон бўлган ҳазрат Сулаймон ибодатхонасидан қолган яккаю ягона нишона ана шу Йиғи девори. Девор дега-нимиз аслида девор эмас, ўша ибодатхонанинг пойдевори. Баландлиги беш одам бўйи келади. Туядай-туядай тошлардан қўлда йўнилган. Ҳар бир тошнинг оғирлиги бир неча тонна келади. Иморатнинг соғ қолган бир қисмики шунақа бўлса, баҳайбат ибодатхонанинг ўзи қанақа бўлган экан? Буни тасаввур қилиш мумкин.

Минг йиллардан бери бу тошлар устма-уст ётипти, уларни цемент эмас, ўзларнинг вазни жипслаштирган. Минг йиллардан бери яҳудийлар шу ерга талпинишади ва кўнгилларида йиғилиб қолган дардларини Худога изҳор қилиб, жон-жаҳдлари билан ибодат қилишади. Кўп замонлардан бери яҳудийлар ҳаётида эслаб юришга арзийдиган қувончли воқеалар кўп бўлган эмас. Шунинг учун бу тошларни нима сабабдан Йиғи девори деб аташгани маълум бўлса керак.

Яҳудийлар ёппасига саводли халқ. Шунинг учун улар Худо билан на фақат оғзаки, балки ёзма тарзда ҳам тиллашишади. Эркаклар ва айниқса, аёллар ўзларининг ғамлари ва ташвишларини, энг ардоқли орзулари ва илтижоларини ёзма баён қилишади-да, қоғозни тўрт буклаб, Йиғи деворига олиб келишади ва қадимги тошларнинг ёриғига тиқиб қўйишади. Бу жой Худога яқинроқ деб ҳисобланади, шундоқ қилинса, илтижолар Худога тезроқ етиб борар эмиш.

Бутун дунёдан келган яҳудийлар ҳар куни бунақа мактублардан юзлаб, минглабини бармоқларининг учи билан муқаддас ёриққа жойлаб қўяди. Йиллар, ўнлаб йиллар мобайнида — шу аҳвол. Мен ҳам ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман — бунақада ёриқларнинг катталиги қандоқ бўлиши керак? Ахир, уларга тонналаб мактублар жойланади-ку! Шунда ҳам, барибир, янги мактублар учун бўш жойлар қолади.

Бир куни ойдин кечада Эски шаҳар кўчаларида сайр қилиб юрардим. Эски шаҳар кимсасиз, шунинг учун “Минг бир кеча”нинг сеҳрли манзараларига жуда ҳам ўхшаб кетади. Эгри-бугри тор кўчаларда аҳён-аҳёнда ҳарбий соқчилар учраб қоларди. Исроил йигитлари елкаларига автомат осиб олганча, шошилмай, секин-секин қадам ташлашади. Афтидан, улар ҳам тун кўйнидан яққол сезилиб турган кўҳна нафаслар сирига маҳлиё бўлиб қолишганди.

Мен Йиғи деворининг ёнига бордим. Бир-бирига мингашган залворли оғир тошлар осмонга — унда сузиб кетаётган ҳилол томонга бўй чўзганча сукутга шўнғиган, ойдинда уларнинг ғудриш биқинлари зарҳалланиб товланади.

Шу чоқ руҳимда бир ўзгариш рўй бергандай бўлди. Аллақайси лаҳзада менинг саркаш қалбимда диний туйғуга ўхшаш бир нарса липиллагандай бўлди. Мен хаёлан олис ажодларимни кўргандек бўлдим. Мана, улар ҳеч қандай машиналарсиз оғир-оғир тошларни тахлашиб, бу ерда ажойиб бир ибодатхона барпо этишмоқда. Унга тенг келадиган ибодатхона аввал ҳам, кейин ҳам бўлмаган. Мен кўнглим бузилиб, хаёллар оғушида сузиб юрардим. Шунинг учун Йиғи девори томон йўл олган одамларни дарров пайқамабман. Бошларидаги оқ рўмолга қараганда улар араблар эди. Улар қўлларига узун темир қозиклар ушлаб олишган эди. Улар девор олдига бориб, деворнинг узунасига тарқалишди-да, қўлидаги темир қозикларини ёриқларга тиқиб, фикрлатиб бир нарсалар қила бошлашди. Бирдан ёриқлар ичидан юзлаб оқ капалаклар чиқиб, ойдинда лип-лип уча бошлади. Кечаси бу ерларда доим эсиб турадиган муздаккина тоғ шабадаси уларни учирай ўйнай бошлади. Темир қозиклар тошлар орасида ёриқлардан ҳовуч-ҳовуч оқ капалакларни тортиб чиқарарди. Орадан кўп ўтмай, деворнинг олдида оппоқ қор ёғаётганга ўхшаб кетди. Яна ҳам аниқроқ айтганда, яҳудийларни қора калтак қилишганда сўкилган ёстиклар ичидан чиққан шунақа оқ парқулар оламни тўлдирарди.



Аммо бу учаётган оқ паркулар эмас эканини фаҳмлашим биланоқ юрагимдаги хавотирлик йўқолди. Бу учаётган оқ капалаклар худонинг қулоғига тезроқ етиб борсин деб яҳудийлар тошларнинг ёруғига тиқиб кетган мактублар экан. Темир қозиқ кўтарган араблар шаҳар бошқармасининг ишчилари экан, улар ҳар тунда ёриқлардан қоғозларни кавлаштириб олиб, Йиғи деворини тозалаб кўйишар экан. Эртасига минглаб бошқа яҳудийлар ёриқларда бўш жой топиб, ўзларининг ардоқли мактубларини жойлашар экан.

Девордан чиқариб олинган қоғозлар тўп-тўп капалакларга ўхшаб бошим устида чарх уришарди. Яҳудий адирларидан эсаётган совуқ шабада уларни борган сари юқориоқ кўтарарди. Бора-бора улар ой нурида эриб ғойиб бўлишарди. Гўё уларни само ютиб юбораётгандай, гўё улар чиндан ҳам яҳудийлар жўнатган манзилга йўл олгандек туюларди.

Мен бу ерларнинг тинчини бузиб, шаккоклик қиялпти деб араблардан ортиқ аччиқланмай кўйдим. Билсам, улар бу ерга сеҳргардай, эртақлардаги меҳрибон ва мушфиқ руҳлардек яҳудийларнинг таваллою илтижолари тезроқ кўзланган манзилга етиб боришига ёрдам бермоқ учун келишган экан.

Бу ҳам баайни эртақнинг ўзи эди. Юракда алам билан ўйлаб кетдим: нима учун ҳаёт эртақка ўхшамайди?

Нима учун Яқин шарқ можаросини Нью-Йорк ва Жамвада ҳал қилишмоқчи бўлишади? Нима учун сулҳ конференциясининг столларини мана шу майдонга, мана шу Йиғи деворининг тағларига кўйишга ақллари етмайди? Шундай қилишганда делегатларнинг ҳаммаси яҳудий эркаклари ҳам, яҳудий аёллари ҳам мактубларини тошлар орасидаги ёриқларга кўйишаётганини ва тун кўйнида араблар бу мактубларни Худога етказётганларини кўрар эдилар.

*Атлантик океани устида,  
Баландлик 30600 фут.*

Ҳар нарсанинг ўз фурсати бор. Бироз сизнинг кўнглингни ёзмоғимиз керак. Иккита муҳтарам эркакка ҳозир сексуал муаммо деб аташадиган нарсадан ортиқ яна нима эрмак бўлиши мумкин?

Мен биронта муаммо билан бошингни қотирмоқчи эмасман. Шунчаки бир битимиз тўкилиб, дардлашайлик, тилимизнинг чигалини ечайлик дейман-да...

Лекин мен айтадиган гаплар шунчаки аёллар ҳақида ҳикоя эмас. Бу менинг биографиямнинг бир қисми. Баҳонада сиз оддий шўро сартароши Аркадий Рубинчик ҳаётидан баъзи бир нозик тафсилотларни билиб оласиз. Шўро одами ҳар қанча жиртинг-пиртинг қилмасин, сиёсатдан биқиниб ололмайди, шундоқ бўлгандан кейин сиз ҳозир эшитадиган гапларнинг ҳаммасида сиёсий ранглар бор. Қолаверса, улар жиндай ижтимоий ва истасангиз, тарихий мазмунга ҳам эга. Сабабки, бизнинг ҳар биримиз халқнинг заррасимиз, халқ эса марксизм-ленинизм классиклари айтиб кетгандек, тарихнинг ижодкори.

Мен бу ибораларни сув қилиб ичиб юборганман, сабабки, комбинатимизга қарашли ҳамма сартарошхоналар сиёсий маориф тармоғига юз фоиз жалб қилинган эди. Биз ҳар йили Маркс ва Лениндан олинган матн парчаларини ёдлар эдик. Ишдан кейин, оқшом чоғлари. Шу ишларнинг ҳаммасидан битта туйғу қолган — машғулотларда ўлгудек уйку келарди. Лекин янаги йилга бизнинг парторгимиз Капитолина Андреевна биздан сўраб ҳам ўтирмай, ихтиёрий равишда ҳаммамизни яна шу тўгаракнинг ўзига ёзиб кўяр ва машғулотларга қатнашмасанг бошингга ит кунини соламан деб кўрқитарди.

Аммо аёллар ҳақида ҳикоя қила бошлашдан аввал мени нима сабабдан суд қилишганини, икки йилга ўрмон кесишга олиб кетишганини, меҳнат жараёнида қайта тарбияланиб, тўлақонли шўро одами бўлиб олишим учун мени тиконли симлар қаърига ташлашганини айтиб берай.

Ҳаммаси жуда тинч, беишқал бошланганди. Бўрондан дарак бергувчи ҳеч вақо йўқ эди. Кечаси алламаҳал бўлиб қолганда мен кечлик овқатимни қилиб, кўчалик костюмимни кийиб, жонажон Мелитополнинг уйқуга кирабошлаган кўчаларидан кетиб борардим. Зиммамда — одатдаги кўниқилган юмуш.

Кўникилган бўлса-да, анча нозик иш. Мен пора бергани бормоқда эдим. Бир ўзим номимдан эмас, бутун жамоамиз номидан. Кимга деб ўйлайсизми? Милиция бошлиғи майор Губага. Унинг ўз қўлига бериш керак. Уйига элтиб бормоқ даркор. Нақд беш юз сўм. Ўртоқ Губа ҳар ойда бизнинг сартарошхонадан шунча ўлпон олиб туради.

Нима учун биз пора берамиз —бунинг сабаблари гўдак болага ҳам аён. Фақат маошга тирикчилик қиладиган бўлсак, суробимиз тўғри бўлиб қолади. Шундоқ бўлмасин учун, бутун мамлакатда сартарош зоти қирилиб кетмаслиги учун, ҳар бир шўро сартароши учта одамнинг соч-соқолини олса, биттасига олган ҳақини давлатнинг кассасига топширади, қолган иккитасини эса ўзининг кассасига уради. Кимда-ким бу гаплар ошкора бўлиб қолишини истама-са, керакли одамнинг томоғини ёглаб туриши керак. Биз майда-чуйдалар билан пачакилашиб ўтирмасдан энг йўғонига — милиция бошлиғининг ўзига бериб қўя қолардик. Кўнглимиз тинч бўларди-да! Унча-бунчанинг бизга ола қарашга ҳадди сиғмасди. Бизга қарашли сартарошхонанинг учта устасидан беш юз сўм тўплаш унча қийин эмас эди. Усталарнинг бари онгли, солиққа бергандай гиринг демая тўлайди.

Нима учун порани бошқа биров эмас-у, айти мен олиб боришим ҳам тушунарли. Мелитопол қўламида шу пайтга келиб мен кўзга кўринарли сиймо бўлиб қолгандим, маҳаллий донгдорлар қаторида эдим, негаки шу воқеалардан бир оз олдин аёллар усталарининг бутун Украина танловида учинчи ўринни эгаллаган эдим. Киев журналида сувратим чиқди, мен тўғримда мақола ҳам эълон қилинди. Мелитополдаги ҳар қандай сартарошдан кўра майор Губа билан унинг дағаллигидан хавотир олмай бемалол гаплашишга менда имкон кўпроқ эди. Бунинг устига, мен униқига қарз олгани бораётганим йўқ, балки бир даста мўмайгина пулни қўшқўллаб тутқазгани бормоқда эдим.

Мен ҳўштагимни чалиб, Ленин кўчасидан кетиб борар эканман, бу эркинликдаги сўнги сайрим эканини хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Майор Губа ҳам шу кўчанинг ўзида янги қурилган уйда яшар эди. Унинг уйи шаҳардаги энг муҳташам уйлардан эди. Бу уйни немис асирлари қуришган эди. Немисларда эса, ўзингиз биласиз, сифат масаласи жуда юқори туради. Бизнинг авлоқ жойларимизда бу уй салкам Оврўпо ўлчовига тўғри келарди. Ҳар бир оила учун алоҳида квартира, бежирим панжарали балкон, поли паркетли, ваннаси кечасию кундузи иссиқ суви билан, марказий иситгичи бор. У йилларда бу гаплар эртақдай туюларди, бу эртақнинг қаҳрамонлари эса, яъни квартиранинг эгаси бўладиган одамлар фақат катта хўжайинлардан эди. Майор Губага ўхшаган.

Мен бу йўлга биринчи қадам қўйишим эмас эди. Одатда ҳеч қанақа ишқалсиз пул солигдан конвертни майор Губанинг хотинига топшириб қайтаверар эдим. Бу гап ҳам эшикни Губа хоним очди. Ичкаридаги хоналардан одамларнинг ғовур-ғувури эшитиларди. Мен конвертни бердим-у, кетмоқчи бўлдим, чунки мадам Губа фирт маст бўлиб, оёқда зўрға турарди. Шу сабабдан қудратли кўкрагининг ҳамма оғирлигини менга ташлаб, ёнбошлаб олди. Бўйим кичкина эмасми, унинг ҳар бири бир пуд келадиган кўкраклари бошимга тушди; бошим қулоғимгача хамирга ботгандай унинг кўкракларига кириб кетди.

— Ким у? — Майор Губанинг маст овози эшитилди. Унинг ўзини кўриш имкони йўқ эди.

— Ҳа... анави... жухуд... — деб жавоб берди мадам Губа ва чайқалиб кетди. Кўз ўнгимда майор Губа уни ушлаб қолди — бўлмаса, у гупиллаб ерга йиқиларди. — Пул олиб келипти.

Майор Губа тугмалари қадалмаган кителда, оёғида этиги йўқ, галифе шимда эди.

— Ў-у, жухудларим, жухудларим-эй... Шайтонга дарс берасизлар-да, — деди майор Губа. Унинг оғзидан чиқаётган коньяк ҳидидан бўғилиб қолишимга сал қолди. — Мени гуноҳга ботирыпсизлар-ку! Худо олдида... ва партия олдида...

— Ваня, чақир уни бу ёққа, — деди кимдир ичкаридан. — Кириб биз билан ичсин. Биламан, улар биз русларни аҳмоқ деб ҳисоблайди, ўзларини ҳаммадан ақлли деб билади. Биздан ҳазар қилмаслигини кўрсатсин.

Мен тортинчоқ одамман. Шунинг учун кўп ялинтириб ўтирмадим. Лекин кейинчалик шу қилганимга кўп пушаймон едим.

Майор Губанинг уйида хизматдошлари улфатчилик қилаётган экан. Сиёсий ишлар бўйича муовини капитан Медокин билан социалистик мулкни ўғирлашга қарши кураш бўлимининг, яъни ОБХССнинг бошлиғи капитан Криница. Хотинлари билан. Булар соф украин хонимлари эди. Қоринлари қаппайган. Думбалари таърифга сиғмайди. Ҳар бир палласи шунақаки, устида учта милиционер бемалол қарта ўйнаса бўлади, ҳатто иккала қўли билан таяниб ётса ҳам бўлади. Хўп даврага тушиб қолдим-да! Тартиб ва қонун ҳимоячилари учига чиққан даражада маст эдилар. Тузукроқ нарсани ўйлаб тополмай, хотинларини ўзаро мусобақага солдилар.

Сиёсий ишлар бўйича муовин Медокин ҳаммани хуррам этиб, буни социалистик мусобақа деб атади ва ғолиба мукофотга кўчма қизил асбоб олишини эълон қилди. Газеталарда ёзадигандек, қизини байроқ эмас, эркакнинг асбобини. Асбоб бўлганда ҳам, ҳар қандайини эмас, суннат қилинганини. Бунақасини халқ манфаатлари йўлида фуқаро сартарош Рубинчикдан мусодара қиламиз. Яъни, мenden.

Мен ҳамма билан бирга хандон отиб кулдим. Чунки буни ҳазил деб ўйладим-да. Унча куладиган жойи йўғ-у, лекин ҳар қалай, чидаса бўлади. Айниқса, унинг муаллифи милиционер экани инobatга олинса. Мабодо, шунақа гап менинг озимдан чиқиб кетганда эди, менга 58-модда бўйича ўн йилни ёпиштиришган бўларди. Аксилинқилоб деб. Яна беш йилга ҳуқуқлардан маҳрум ҳам қилишар эди. Буларга жин ҳам урмайди.

Квартирада иккита балкон бор эди. Аввалига аёллар Ленин кўчасига қараган балконга жойлашишди. Аммо сиёсий ишлар бўйича муовин капитан Медокин ғирт маслигида ҳам сиёсий ҳушёрликни йўқотмас экан. У улуг доҳийнинг номи қўйилган кўчага қараб сийиш тўғри бўлмайди деди. Милиционерлар у билан тортишиб ўтиришмади. Улар зилдай-зилдай хотинларини қўлтиқларига олиб, судраганча, ҳовли томонга қараган балконга олиб чиқишди-да, ўша ерда уларни жанговар позицияга қўйишди, яъни чўнқайтириб ўтқазиб қўйишди.

Мен сўфи эмасман. Карл Маркс ҳеч қайси инсоний сифатдан маҳрум бўлмаган экан. Мен ҳам шунақаман. Бир одамга етарлик қусур бизда ҳам топилади. Лекин анақа ишларга мен ҳурмат билан муносабатда бўламан ва беҳаё аёлларни кўришга кўзим йўқ. Бунақа аёлнинг қўлига тушиб қолсам, бир зумда эркаклик сифатларимдан маҳрум бўламан-қоламан. Аёл киши ташаббусни кўлга олиб, эркакнинг устидан қўмондонлик қилса, ҳақкалак отган иштаҳасини ўлдириш учун унга ундай қил, бундай қил деб буйруқ бериб турса, кўнглим беҳузур бўлиб кетади. Агар бордию бу ишларнинг ҳаммасини одамларнинг кўз ўнгида қилиб, уятни билмаслигини намойиш қилса, итдек уриб юборишдан ҳам қайтмайман. Ҳозир бутун дунёда одамлар гавжум жойда ўйнашиш, бир-бирини ялаш, сўришлар расм бўлди. Мен буни Оврўпода ва Америкада ҳар қадамда кўрдим. Метрода чидаб ўтириб бўлмайди, албатта, қаршингда юзини ҳуснбузар қоплаган бирон йигит билан қиз ўтириб олади-да, лабларини-лабларига босиб, тишидаги пломбасини суғуриб олмагунча сўришиб кетаверади. Даҳшат! Уларга қараб туриб, бутун умрга пуштинг куйиб кетса ҳам ажабланадиган жойи йўқ. Бу беҳаё қанжиқлар одамгарчиликдан шунақа йироқки, агар мен сартарош эмас, доришунос бўлганимда бунақа йигит-қизни қуришиб, талқон қилиб туйиб, қўшилиш олдидан ҳомилага қарши дори сифатида фойдаланишни тавсия қилардим. Ҳа!

Кўйинг, келинг, майор Губанинг балконига қайтайлик. Шундай қилиб, балконда учта украин жонони кети яланғоч ҳолда чўнқайиб ўтиришипти, ағдарилиб тушмасликлари учун уларнинг милиция мундирларидаги жуфти ҳалоллари суяб туришипти. Хушбичим аёллар, жононлар чиройлик панжара орқали ҳовлига қараб чоптиришяпти.

Ҳаммаси бинойидек кетаётган эди, аммо майор Губа ишнинг белига тепди. У сиёсий ишлар бўйича муовини майор Губанинг ғоясини амалга ошириш ҳаракатига тушиб қолди.

— Қани, жухуд Иванович, — деб менга мурожаат қилди майор, — суннати асбобингни чиқариб, хонимларга кўрсат. Пайпаслаб кўришсин. Бизникидан аъло эмаслигига ўзлари ишонч ҳосил қилишсин.

Мен уни хотинлари билан қўшалоқ қилиб чангитиб сўқдим. Бу милиционерларга маъқул келмади.

— Йўқ димоқчимисан? Бизнинг улфатчилигимиз ёқмаяптими? Ҳаммамиздан кўра донороқ бўлмоқчимисан? Қани, милициядан одам чақириб, ҳибсга олинглар буни!

Улар ҳазиллашаётгани йўқ эди. Телефон қилишди. Бир тўп милиционер келди, кўлимни орқага қайириб, участкага олиб кетишди-да, олиб бориб камерага тикиб қўйишди.

Бу том маънода қонунни оёқости қилиш эди. Аммо бу шаҳарда қонун дегани шуларнинг ўзи эди. Хуллас, менинг аҳволим вой эди. Мени майор Губага пора бермоқчи бўлган деб айблашди. Капитан Медокин билан Криница гувоҳ бўлишди. Уларнинг ёнига хотинлари қўшилди. Мени икки йил ахлоқ тузатиш лагерларига кесишди. Кейин адвокат қасам ичиб, осон кутулдинг, чунки майор Губа раҳми келиб, иккинчи гуноҳингдан кечди, бўлмаса, уларнинг хотинларини зўрламоқчи бўлганинг учун кўрадиганингни яна кўрардинг, деб мени авради.

Шундай қилиб, маҳбус бўлдим. Икки йил муддатга. Тайгага жўнатишди. Ўрмон кесишга. Совуқда дийдираб, оч қорин билан ўлгудай ишлар ва мингминглаб кубометр ёғочни коммунизмнинг улуғ иншоотларига жўнатардик.

Одатда сартарош усталарнинг бармоқлари нозик ва юмшоқ бўлади. Менинг бармоқларим кўз ўнгимда қотиб, дағаллашиб, қавариб кетди. Яна шу аҳвол бироз давом этса, мен ҳеч қачон ўз касбимга қайта олмайдиган бўламан. Буни менга битта машҳур пионирночи айтди. У ҳам маҳбус эди. Икковимиз битта аррани тортишар эдик.

— Азизим маэстро Рубинчик, сизнинг ҳам, менинг ҳам қўлларимиз — бизнинг қуролимиздир. Биз шу қўлларимиз туфайли ризқимизни териб юрамиз. Сиз хафа бўлсангиз ҳам айтиб қўяй — қўлларимиз расво бўлиб бўлди. Касбикоримиздан айрилиб қолишимиз аниқ.

Мен касби-коримдан ажралиб қолишни истамасдим. Ким ҳам ризқи насибадан ажраб қолишни хоҳлайди. Мен қўлларимни сақлаб қолиш учун курашишга чоғландим. Мен неча марталаб бошлиқларга мурожаат қилиб, мендан ўз касбимда фойдаланишларини ва шу билан қўлларимни кутқариб қолишни илтимос қилдим. Аммо ҳамма илтимосларимга соқчилар мазах билан жавоб қилишар, бошлиқлар эса ҳар гал дарахт кесиш нормасини ошириб кўярди. Шунда мен ҳамиша қўл келадиган, синалган воситага мурожаат қилдим. Французлар бало-да! Бу воситанинг номини топиб қўйишган: шерше ля фам. Мени кутқариб қолса, фақат аёллар кутқарар эди. Кўнгилчан рус аёллари. Албатта, эркин ёлланиб ишлайдиган хотинлар. Лагерни кўриқловчи зобитларнинг хотинлари. Эрларининг шармисор, лекин сердаромад касблари важдан шу овлоқда сиқилиб юрган аёллар.

МТҚда, яъни маданий-тарбиявий қисмда кутубхоначи бўлиб лагер бошлигининг хотини Антонина Семеновна ишлар эди. Мен ашаддий китобхонга айландим-да, кечқурунлари то уйқуга кўнгироқ бўлганига қадар кутубхонада қолиб кетадиган бўлдим. Уюм-уюм журналларни титкиладим, газета боғламларини битта-битталаб варақлаб чиқдим, қўйинг-чи, бир замонлар менинг сувратим билан мен ҳақимда мақола босилган газетани топмай қўймадим. Эсингизда бўлса, мени ўша мақолада аёллар сартарошининг бутун Украина танловининг сардори сифатида роса таърифимни келтиришган эди.

Газетани Антонина Семеновнага тиқиштирдим. У ўқиб чиқди. Ўқиди-ю, кўзларига ишонмади.

— Шу сизмисиз, гражданин Рубинчик? Бўлиши мумкин эмас! Валлоҳи аълам, нималар бўляпти ўзи? Биз бу овлоқда опала-сопала бўлиб юрсаг-у, шундоқ уста, шунақа устаси фаранг зобитларнинг рафиқаларига ҳуснига ҳусн қўшиш ўрнига дарахт арралаб юрса! Ҳали уйга борай, тентак эримнинг таъзирини бериб қўймасамми?!

Бундан кейинги гаплар баайни эртақдагидай бўлди. Шу заҳотиёқ мени ёғоч кесишдан озод қилишди. Тузукроқ овқат бера бошлашди, соқчисиз зонадан ташқарига чиқишга рухсат беришди. Асбоб-ускуналар келтириб беришди ва мен барча зобитларнинг уйларига бориб, хотинларининг хизматини қила бошладим. Сизга нима ҳам дейишим мумкин? Мен ҳарбий кийимдаги одамларни жуда ёмон кўрардим, улар менга майор Губани эслатишарди. Шунинг учун кўлимдан келган қадар улардан ўч олардим. Хўш, кўлимдан нима келарди? Асбоб-ускуналар солинган саквояжимни кўтариб, мижозларимнинг уйига борардим. Мен борган вақтда, албатта, уларнинг эрлари хизматда бўларди. Аёллар менга ўрганиб қолишди. Аёлларнинг ҳаммаси — агар уларнинг ҳуснига-ҳусн кўшсангиз, бошингиздан тилло сочишга тайёр. Сартарошлар билан гинекологлардан тортинишмайди. Мен уларнинг ҳар биттаси билан беистисно ётиб чиқдим, кичик лейтенантларнинг хотинларидан тортиб Антонина Семеновнагача. Озиб, чўпдек бўлиб қолдим. Қайтага ўрмон кесишда юрганимда тузукроқ эдим. Овқат мўл-кўл эди, бурнимдан чиққунича ердим. Ишни битириб, чиқиб кетаётганимда эса ҳар бир аёл эрига олиб қўйган таомининг энг лаззатли қисмини кўлимга тутқазиб юборарди.

Мақтаняпти деманг-у, лекин айтаман: зобитлар оиласининг аёллар қисми мени ўлгудек яхши кўрарди, мен учун жонини беришга тайёр эди, мен бўлсам, душманларимнинг оилавий тўшагини этигим билан тепкилаб ётар эканман, жуда ҳам ҳузур қилар эдим. Менинг кучоғимда аёллар бутунлай ўзини йўқотиб қўяр ва ҳар бири ўз эрини пештахам сўзлар билан сўка бошларди. Улар энг садоқатли канизаклар каби ҳузур қилиб эрларининг устига мағзава ағдаришар ва уларнинг диққинафас ҳаётларини безаган биринчи ҳақиқий эркак сифатида мени кўкларга кўтаришарди.

Бундан ортиқ менга яна нима керак эди? Яна бир нарса, менга муддатидан олдин озодликка чиқиш керак эди. Бу аёллар туфайли ўлгудай ҳолдан тойган эдим. Қафас ичида сиқилиб кетгандим. Туну кун фикру-зикрим эркинликда эди. Гарчи бизнинг мамлакатимизда эркинлигу бандилик деган тушунчаларнинг фарқи унча катта бўлмаса-да... Бу ишда ҳам аёллар қўл келди. Ўзларининг хоҳишларига хилоф ўлароқ. Уларнинг мундир кийган эрлари жуда бефаросат одамлар. Лекин шундоқ бўлса ҳам, хотинларининг бевафолигини пайқай бошладилар. Оилалар ичида низолар бошланди. Хотинларнинг ҳар қайсиси ўзларининг суйгулик тан маҳрамига пўписа қилиб, агар мени бошқа лагерга ўтказиб юборишадиган бўлсалар, талоқ хати талаб қилишларини айтишди. Эрлар бир-бирлари билан маслаҳат қилишиб ҳам ўтирмай, бу мушкулни бартараф қилиш йўлини топишди. Худди менинг кўнглимдагидек иш бўлди. Менинг феъл-атворимни мақташиб жуда чиройли таърифномалар ёзишди, уларни тегишли жойларга жўнатишди, қарабсизки, кўз юмиб очишга улгурмасдан менинг муддатидан олдин қамоқдан бўшатилганим ҳақида қоғоз келиб туриптида! Намунали хулқим ва зарбдор меҳнатим учун! Буйруқда оқ қоғозга қора сиёҳ билан худди шундоқ ёзилган эди. Канизакларнинг ҳаммасига хайр-маъзурни насия қилиб лагердан жўнаб қолдим. Бошларидаги мен қилган турмаклар уларга хотира бўлиб қолди. Турмаклар қанча турарди, дейсиз? Бир ой турар. Наридан борса, икки ой... Агар бош ювилмаса. Сизга очигини айтмайми? Улар мени анча вақтгача унутмаслар, деган умид билан ўзим ўзимнинг кўнглимни кўтараман. Сартарош сифатида эмас, эркак сифатида.

Аёллар ҳақидаги ҳикояларим ана шунақа. Улар унча кулгили эмас. Аксинча, анча ҳазин. Лекин ёмон гаплар унут бўлиб кетар экан, хотирада фақат яхши гапларгина қолар экан. Шунинг учун, мана, сиз жилмаяпсиз, мен ҳам жилмаяпман.

Шўро қамоқхоналарида ўтириб чиққан ҳар бир яҳудийни Исроилда Сион маҳбуси дейишади. Мен қайси сионизм учун машаққатлар тортган эканман, ҳайронман. Мен ҳалол одамман, бировнинг шуҳратига шерик бўлишга тоқатим йўқ. Менга ўзимники ҳам етиб ортади.

Мени Сион маҳбуси ҳисоблаб, ёрдам пули таклиф қилишганда олмадим. Буни кўрган яҳудийлар бироз... эси пастроқ деб ўйлашди. Бунга жавобан мен

кулиб қўя қолдим. Негаки, бу тупроқда бирор одамда лоақал жиндай диёнат деган нарса сақланиб қолганини бутунлай унутиб юборишган кўринади.

*Атлантик океани устида  
Баландлиги 30600 фут.*

Россия... Ватан... Қадрдон ўлка...

Агар китобларга ёки киноларга ишонадиган бўлсак, рус кишиси, ёки тўғрироғи, шўро одами бирор ўлкада мусофирликда умр ўтказётган бўлса, унинг қалбини даҳшатли соғинч туйғуси кемиради ёхуд у ўлим тўшагида ётган бўлади. Шунда у сўнги нафаси узилаётганда, албатта, шабадада чайқалиб турган оқ қайинни кўз олдига келтиради ва бу унга жонажон ватанини эслатади.

Мен ҳали жиддийроқ ўлиб кўрганим йўқ ва ҳаётимдаги бирон дақиқани сўнги нафасим деб атай олмайман. Шунинг учун менда вафотим арафасидаги хотиралар йўқ. Аммо мен бир эмас, бир неча маротаба Ватан соғинчини бошдан кечирганман, бу туйғудан қаттиқ дард чекканман ва ҳаёлан неча марталаб уйга қайтганман.

Бунақа ҳолларда ҳаёлан менинг кўз ўнгимдан оқ қайинлар қўл ушлашиб сузиб ўтган деб ўйлайсизми? Ҳеч ҳам-да! Гапимга ишонаверинг. Бирон марта бундай бўлган эмас. На бирон қайин, на қарағай, на лоақал Москвадаги Тинчлик шоҳ кўчасида ўтқазилган сўлгин навниҳоллар кўз ўнгимда намоён бўлган.

Мен учун Россиянинг рамзи бошқа нарсада эди. Бу рамз ҳар гал менинг хотирамда жуда аниқ шаклда, бекаму кўст ҳажмда ва ҳатто чехрасининг гишт-симон рангини сақлаган ҳолда намоён бўлади. Ҳар гал соғинч тўлқинлари орасидан ватан тимсоли сифатида маиший хизмат кўрсатиш комбинати парторгининг башараси кўндаланг бўлади. Капитолина Андреевнанинг қошлари ингичка қилиб терилган, кўзлари чўчқаникига ўхшаган кичкина-кичкина эди. Бағбақаси қўшалоқ эди. (Ҳозир учта ҳам бўлиб қолгандир). Қулоғида чехлар ишлаб чиқарган арзон исирға.

Жуда меҳрибон эди-да, Капитолина Андреевна. Ҳаммамизга ҳомийлик қиладиган онахонимиз эдилар. Айни чоқда, дангасаларни ўз ҳолига қўймай, уларни така-така қиларди. Москва сартарошларининг худоси эди. Тўғрироғи, илоҳаси. Оддий рус аёли. Ўз вақтида тузукроқ ўйлаб кўрмай, амал кетидан қувишга тушган. Шу-шу эрсиз қолиб кетган. Мишмишларга қараганда, унинг гап-сўзларидаги ҳокимона оҳангларга чидайолмай, икки гапнинг бирида партиявий газеталардан парча келтириб, пўписа қилишларига дош беролмай, эри ташлаб қочворган экан. Рус тилини ҳам ёлчителиб билган эмас. Ҳа, ўша улуг ва қудратли тилни. Бир классикнинг гапига қараганда ўзида испан тилининг латофатини, немис тилининг пишиқ-пухталигини, итальян тилининг жарангдорлигини ва ҳатто сўкиш тилининг хислатларини мужассам этган тилни. Айтганча, классик идиш тилини назарда тутмаган ҳам бўлиши мумкин.

Улуг пролетар ёзувчиси Максим Горький кўнглига ўтиришиб қолган одамларни катта ҳарфдан бошланадиган “инсон” деб таърифлар эди. Шу таърифга асосланган ҳолда мен парторгимиз Капитолина Андреевнани катта “А” билан бошланадиган аёл деб таърифлаган бўлардим. Шундоқ дейилса, катта кўламдаги сиймо сифатида унга эҳтиромимизни ҳам ифодалаган бўлардик, айни чоқда унинг сувратини бор бўйича ҳаққоний тасвирлашга ҳам муваффақ бўлардик.

Капитолина Андреевнадан шикоят қилмоғим учун менинг ҳеч қанақа асосим йўқ. Менинг унга ҳеч қанақа даъвоим йўқ. Аксинча, агар мен шунчалик Москванинг қоқ марказидаги имтиёзли бир сартарошхонада ишлаб келган бўлсам, ватансиз космополитлар, анқовлар, Фарбга сажда қиладиганларни фош қилиш компанияларида ишдан ҳайдалмасдан, ўз ўрнимда қолган бўлсам, бунинг бари Капитолина Андреевнанинг ғамхўрлиги туфайли, унинг менга тушган муҳаббатли назари сабабидан бўлган. Табиийки, бу муҳаббат оналик муҳаббатидан анча йироқ эди.

Капитолина Андреевнанинг битта нуқси бор эди. Тантанали байрам кунларида — Биринчи май, Еттинчи ноябрь, Хотин-қизлар куни ва Париж коммунаси кунида комбинатимиздаги кечага жамики сартарошлар таклиф қилинар эди.

Фақат унга эркаклар хотинсиз, хотинлар эса эрсиз келишлари керак эди. Сабабки, Капитолина Андреевнанинг ўзи ҳам ёлғиз келар эди. Учинчи, баъзан эса тўртинчи қадахдан кейин у, албатта, кўзига ёш олар ва баланд овозда ҳиқиллаб зорланишга тушарди: Сталин ўлиб кетди, севимли доҳийнинг жасадини мақбарадан чиқариб ташлашди, мамлакатдаги ҳамма нохушликлар, бошлиқларнинг ҳурмат қилмай қўйилгани, меҳнат интизомининг йўқлиги шундан.

Эркак-аёл саргарошлар ҳам учинчи қадахдан кейин Капитолина Андреевнани юпатишга тушишарди. Улар унинг кўз ёшларидан жиққа ҳўл бўлган мушфиқ башарасини қоғоз салфеткалар билан елпишар, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада парторларининг юзини ерга қаратмасликка ваъда беришарди.

Бешинчи қадахдан кейин унинг кўзларида йиртқичлик нишонлари пайдо бўла бошларди. Бирдан мен бўшашиб, дамим ичимга тушиб кетар ва умид билан эшикка кўз тикиб қолар эдим — зора-мора қочишга улгуриб қолсам. Лекин улгура олмасдим.

— Ўртоқ Рубинчик! — деб ҳарчандки биқиниб олишга уринмай, яширинган жойимдан топиб оларди Капитолина Андреевна. — Сен билан гаплашадиган гапим бор. Қани, менинг хонамга юр-чи!

Тантнали кечаларимиз одатда комбинатимизнинг мажлислар залида ўтар эди. Партбюро бир қават юқорида жойлашган эди. Капитолина Андреевнанинг кўрсатмасига биноан мен юқорига кўтарилмоғим керак эди. Нима учун? — дейсизми? Нима учунлиги фақат ўзимга маълум эди. Бошқалар сезиб туришган бўлишлари ҳам мумкин эди, албатта, лекин ҳамма ўзини билмасликка солар ва билишни ҳам истамагандай кўринар эди. Бу гаплардан хабардор бўлиб қолишса, балога қолар эдилар. Ундан кўра бутун жамоа учун Рубинчикнинг ўзи жавобини бергани тузук эди. Капитолина Андреевна ёши ўтинқираб қолган ширакайф аёлларга хос тарзда салмоқланиб, партбюросига кўтарилар, ўзининг калити билан дермантин қопланган эшикни очар ва мен етиб келгунимга қадар уни ёпмай кутиб турарди. Кейин эшикни қулфлаб, илгачини ҳам илиб кўярди, калитни сумкачасига солиб кўярди ва менга еб қўйгудек бўлиб кўзларини тикарди. Бу нигоҳнинг фақат битта маъноси бор эди: қўлга тушдинг-ку, кўзи-чоғим, энди фиртинг-пиртинг қилолмайсан. Ўз парторгининг ишончини оқламоғинг керак!

Кабинетда ёзув столи ва мажлис қиладиган стол бор эди. Икковининг устига ҳам яшил мовут ёпилган эди. Қолган ҳамма нарса қора билан қопланган: стуллар ҳам, юмшоқ ўриндиқлар ҳам, кенгина юмшоқ диван ҳам. Парторгининг устидаги либоси ҳам хона анжомларига уйғун эди. Бу костюм Капитолина Андреевнанинг устида чок-чокдан сўкилиб кетай деб тирсиллаб турарди. Унинг туфлиси ҳам, юбкаси ҳам, эркакларникига ўхшаб кетадиган пиджаги ҳам, қават-қават бўйнидаги карашмалик бантиги ҳам қора эди. Оқ кўйлагидан бошқа, яна икки зулфи малла эди. Уларни ўриб, бошининг тепасига чамбарак қилиб турмаклар қўйган эди.

Капитолина Андреевна бир неча муддат хаёлга гарқ бўлиб, қўлини партия ҳужжатлари солиб қўйиладиган пўлат сандиққа тираганича тикка турарди. Унинг орқа томонида қайси бир мусобақада комбинатимиз қўлга киритган қизил байроқ деворга тик қилиб ёйиб қўйилган. Байроққа зарҳал ҳарфлар билан “Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!” деб ёзиб қўйилган. Ҳозирги вазиятда бу сўзлар илмий марксизм асосчилари назарда тутганидан кўра бутунлай бошқа мазмунга эга эди.

— Қаққайиб тураверамизми? — деб сўради Капитолина Андреевна. — Аёл кишини зўрламоқчимисан?

Шундай қилиб қўлини ишга солмай, бир оёғидаги туфлининг тумшуғи билан иккинчи оёғидагини чиқариб олар ва икковини ҳам стол остига суриб қўйиб, тор пойафзалда уюшиб қолган бармоқларини ҳузур қилиб қимирлатарди. баайни танцадан қайтиб келган қишлоқ қизидай.

Аёллар билан бунақа муносабатда бўлишга тоқатим йўқ эди, лекин бўйсунушга мажбур эдим. Акс ҳолда, ҳомийдан ажралиб қолардим ва керакли пайтда ҳимоя қиладиган одамим бўлмас эди. Бизнинг парторгимиз ҳамма ташаб-

бусни қўлига оладиган ва ҳатто тўшакда ҳам эркак устидан фармонбардорлик қилаверадиган аёллар тоифасидан эди.

Вазнига кўра у мандан уч маротаба ортиқроқ эди. Қадди-қомати ҳам шунга яраша эди. Капитолина Андреевнанинг кучоқларида юксак тўлқинлар оғушига тушиб қолган нимжон қайиқдек чайқалар, баъзан нақд қандилларга урилгудай баландга чиқиб кетардим. Қайтиб пақиллаб полга тушаманми ё бирон юмшоқ нарсанинг устига тушаманми — ўзим билмас эдим. Шу аҳволда эҳтирос билан ҳансираб, энтикиб айтилган кўрсатмаларни узлуксиз олиб турардим:

— Ҳа, балли, Рубинчик! Шунақа бўлсин, ярамас! Олға, олға бос! Ярим йўлда тўхтама! Яна! Яна! Олға! Юқорироқ! Шундоқ! Яна жиндай! Боса қол! Ҳа, бос деяпман! Баравар қилайлик! Бир кишидай... Жуда яхши, Рубинчик... Баракалла, ярамас! Роҳат қилдирдинг, аблаҳ! Тўхта, нафасимни ростлаб олай!

Мен қўл-оёғларимни боғлиқ ҳис этардим. Негаки, шу иш бўлаётганда тепамда гувоҳ туришини ёқтирмайман. Мен табиатан жуда тортинчоқ одамман ва буни қусур деб билмайман. Капитолина Андреевна чироқни атайин ўчирмай қолдиарди. Деразаларнинг қоронғилигига қараб, эшикнинг тагидан ёруғ тушиб турмаганини кўриб, бизнинг қаёққа кириб кетганимизни кўрган одамлар бизни алланима балолар билан шуғулланяпти дуб ўйлашлари мумкин эмиш. Партия ва ҳукумат раҳбарларининг деворда осиглиқ сувратлари кўзларини лўқ қилиб менга қараб туришарди. Бундан эса ўзимни жуда ноқулай ҳис қилар эдим.

Бунақа алоқадан нима ҳузур олишим мумкинлигини тасаввур қилишингиз мумкин. Бир амаллаб омон қолсам бўлди эди. Эсон-омон шу ердан чиқиб кетсам дердим. Капитолина Андреевна бекаму кўст лаззатланарди ва кўнгли очиқ аёл сифатида буни яширмасди.

Орқаси билан диванга суянганича, мени худди гўдак боладай авайлаб тиззасида олиб ўтирарди. Шундоқ ўтирардимки, бошим унинг кўкракларига бутунлай чўмиб кетарди, у эса ҳали эҳтироси босилмагани учун дийдиёсини қўймасди:

— Оббо, Рубинчик-ей! Ўзинг ҳам чакки бўлмабсан-да! Хотин кишини эритиб юборадиган бўлибсан-а! Яна жиндай шунақа бўлса, ўлиб қолишим ҳеч гап эмас эди. Қаёқдан бундоқ бўлиб қолгансан-а! “Пакана деманг бизни” деган гап бежиз эмас экан-да! Менга қара, бурнинг кўтарилиб кетмасин тагин. Камтароқ бўл! Бир нуқтада тўхтаб қолма! Ўз маҳоратингни ошириш устида ишла!

Шунақа деб, мени чунонам эҳтирос билан бағрига босардики, ярмим унинг юмшоқ баданига ботиб кетарди.

— Сен итдан тарқаганни партияга олиш керак эди, — деб саннашини қўймас эди у. — Ихтиёр меңда эмас-да! Ҳозир сенга ўхшаганларнинг масаласи чирсиллаб турипти. Партия сафларини ифлос қилиб бўлмайди. Энди тушунгандирсиз — парторгимиз хизматимга муҳтож бўлган чоқларда мен эмин-эркин, бемалол оёғимни узатиб яшар эдим. Мен ташқаридан ҳам иш ола билардим, оқшомлари мижозларимнинг уйига бориб хизматини қилардим, метронинг “Аэропорт” бекати ёнидаги санъат ходимларининг кооператив уйларида мунтазам ишлаб турардим, тушган пулларнинг бир қисмини киссага урардим, қўйинг-чи, одамга ўхшаб яшардим ва доимо иймоним комил эдики, бирон ишкали чиқса, Капитолина Андреевна қўллаб юборади. Худди ўғлига парвона бўлгандай бошимдан булутни қувади.

Унинг менга муҳаббатыда шўро кишисига билдирилган энг юксак ишонч ўз ифодасини топди. Юқоридан унга бизнинг жамоамиздан битта ишончли одам топиш тўғрисида топшироқ бўлди. Табиийки, у мени танлади... Биз хорижий саёҳатчиларнинг соч-соқолларини олардик. Баъзи бир идоралар хорижий меҳмонлар навбатда ўтиришганда нималарни гапиришларини билгиси келиб қолипти. Хўш, бунга қандоқ эришмоқ керак? Сартарош сал-пал бўлса-да уларнинг тилига тиши ўтадиган бўлиши, улар нима деб валақлашаётганини тушунмоғи керак. Инглиз тилини тез ўргатадиган курсларда ўқиш учун ҳар сартарошхонага биттадан одам бериш керак бўлиб қолди. Бизнинг жамоамиздан парторг, табиийки, сиёсий жиҳатдан чиниққан ва юксак партиявий ишончга арзийдиган одам сифатида мени тавсия қилди. Албаттаинки, унинг бу иши беҳуда бўлган



эди. Негаки, бу органлар билан ҳамкорлик қилишга менинг сира ҳам чоғим йўқ эди. Албатта, умрим мобайнида ҳар нарса ёзганман, лекин шеър билан чақув ёзмаганман, халос. Шу одатимга хилоф иш қилишни истамас эдим. Шу ёшга етгандан чақимчи бўлишга хоҳишим йўқ эди.

Бу тўғрида Капитолина Андреевнага айтиш ўзингга ашаддий душман орттириб олиш деган гап эди. Шу билан қора рўйхатга тушасан-у, кўрадиганингни кўраверасан. Лекин бир амаллаб йўлини топиш керак. Шундай қилмоқ керакки, уларнинг ўзи мендан воз кечсин.

Мени инглиз тилини тез ўргатадиган курсга ёзишди. Касаба уюшмалари ҳисобидан. Бу курслар ўта замонавий эди. Энг сўнгги усулларга амал қилинарди. Худди шу нарса менга қўл келиб қолди.

Бизни муаллимларсиз ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитишди. Ишдан кейин, кечалари уйқуда ўқитишарди. Махсус кроватларда қулоғимизга эшитадиган аппаратлар тутиб уйқуга кирардик. Уларнинг симлари магнитофонларга ва узоқ айланадиган кассеталарга улаб қўйилганди. Биз ухлайверардик, битта эркак билан битта аёл эса туни билан қулоқларимизга инглизча матнни паст овозда ўқиб чиқарди. Матнлар ҳар хил маиший мавзуларга бағишланган бўларди. Илмнинг сўнгги ютуқларига қараганда, янги тилни бу усул билан тезроқ ва осонроқ ўрганиш мумкин экан. Бир ҳафтадан кейин фуқароча кийинган имтиҳончилар мен билан инглиз тилида гаплашиб кўришди. Бунда Капитолина Андреевна ҳам иштирок этди. Ўша қора диван қўйилган. Лениннинг ганчдан ишланган ҳайкали турадиган партбюрода.

Шу жойда бир гапни айтиб қўйишим керак. Рус тили мен биладиган битта-ю битта тилдир. Бобокалонларимнинг тили бўлмиш идишни билмайман. Шуниси эсимда борки, ота-онам ва бувим болалигимда мени гапларига тушунмасин дейишса, идишда сўзлай кетардилар.

Тунги ўқиш, уйқумда нотаниш тилда қулоғимга нималарнидир сингдиришга уриниб шивирлашлар менинг миямга ғалати таъсир кўрсатди. Болаликда ота-онам билан бувимнинг гапларини эшитиб юриб миямга сингиб қолган идиш тилидаги бир қанча иборалар ва сўзлар худди қоронғи зиндондан қутулгудай хотирам қаъридан қалқиб чиқди. Имтиҳончиларимга соф идиш тилида жавоб берибман, лекин астойдил инглизча гапиряпман деб ўйлабман.

Мени икки соат имтиҳон қилишди, лекин бирон натижа чиқмади. Мен фақат идиш тилида, ҳатто бувимнинг талаффузида гапиравердим. Фуқароча кийимдаги имтиҳончилар гарвузи қўлтиғидан тушиб, жўнаб кетишди. Улардан бири кетаётиб, кайфияти бузилган Капитолина Андреевнага мени махсус докторга кўрсатса, бунақа аҳволни яхшилаб текшириб кўрса, чакки бўлмас эди деб тайинлади. Шунақа оҳангда тайинладикки, буни эшитиб туриб капалагим учиб кетди. Кейин анча вақтгача кечалари уйқум келмай, мени Лубянкадаги тафтишчилар хузурига олиб кетишларини пойлаб юрдим.

Ҳар қалай ундоқ бўлмади. Эҳтимол, Капитолина Андреевна мени ҳимоя қилиб бирон нарса дегандир. У менга нисбатан яхши муносабатини ўзгартиргани йўқ. Идиш тилидаги жуда вақтида менга ёрдамга етиб келган сўзлар миямда чарх уриб чир-чир айланди-ю, амалиёт бўлмагани сабабидан яхши замонлар келгунга қадар яна хотирам зиндонига чўкди. Ярим тунда докторлар қулоғимга шивирлаб айтган инглизча сўзларга келсак, улар бутунлай изсиз ғойиб бўлиб кетгани йўқ, балки миямнинг қай бир бурчакларига ялашиб қолиб кетди ва мен Америкага келганимдан кейин даб-дурустан ўша тунги механик устозларим ўргатган бемаъни ибораларни бидирлаб айта кетдим.

Ҳақиқатан, ғалати гап-а! Мен сизга чинимни айтсам, биронта абжирроқ чала доктор ва чала тилшунос менинг бошимдан кечган воқеалар асосида бемалол номзодлик диссертациясини ёқлаб олиши мумкин эди, менга бўлса илмий иши учун яхши материал берганим учун бир шиша коньяк қуйса чакки бўлмасди.

Мен Исроилга кетиш қўйига тушиб қолганимда Капитолина Андреевна не аҳволга тушганини тасаввур қила оласизми? У буни қўшалоқ хиёнат деб ҳисоблади — мен ҳам Ватанга, ҳам шахсан унга хиёнат қилибман. Лекин мен Исроилга кетишга ҳужжатларни расмийлаштириш учун талаб қилинадиган таърифно-

мани сўраганимда берган жавоби учун унинг ҳамма гуноҳларидан кечишга розиман.

Расмий партиявий иборалардан бошқа ҳеч нарсани билмайдиган ва тайёр қолиплар асосида фикрлайдиган кўнгилчан Капитолина Андреевна менинг илтимосимнинг моҳиятини тушуниб етмади. Шу пайтга қадар у хорижга турист бўлиб борувчиларга таърифномалар ёзиб бериб келганди, СССРдан бутунлай чиқиб кетаётган одамга эса биринчи марта рўпара келиши эди.

— Майли, Рубинчик, — деди у юзимга қарамай, — Таърифномангни оласан. Жамоани йиғамиз, муҳокама қиламиз.

— Йиғишнинг нима ҳожати бор? — ҳайрон бўлдим мен. — Нимани муҳокама қиламиз? Бу шунчаки расмиятчилик-ку! Исроилда сизлар берадиган таърифноманинг кимга ҳам кераги бор?

— Шунақа деб ўйлайсанми? — терилган қошларини чимирди Капитолина Андреевна. — Мажлис нимага кераклигини биласанми, ўртоқ Рубинчик? Халқ билан гаплашиб кўрамиз. Эҳтимол, бошқа муносиброқ номзодни таклиф қилишар.

Вой азизим Капитолина Андреевна-ей! Унинг партиявий мияси СССРдан хорижга қайтиб келмайдиган бўлиб чиқиб кетиш ҳам мумкинлигини ва бунинг учун шўро халқи олдида алоҳида хизматлар қилиб қўйган бўлиш мутлақо шарт эмаслигини сизга билдиролмас эди.

У менга кўп ҳам овора қилмай таърифномани берди. Шу билан мен анчамунча асабимни тежаб қолдим. Ҳолбуки, бошқа яҳудийлар ҳеч кимга кераги йўқ бир парча қоғозни олиш учун жуда кўп овора бўладилар. У ҳатто ўзининг кабинетида остонадан ҳатлаб чиқиш олдидан қўлимни қаттиқ қисиб, лабимдан тишлагандай сўриб ўпти-да, жуда оддий хотинлардай деди:

— Аблаҳ, хиёнаткор!

Шундоқ бўлгандан кейин, Ватанга мурожаат қилганимда хаёлан оқ қайинларни кўришим мумкинми? Йўқ, албатта!

*Атлантик океани устида.*

*Баландлик 30600 фут.*

Йўқ, Капитолина Андреевна — комбинатимизнинг партиявий раҳбари бошқа бошлиқларнинг олдида тилло эди. Исроилга жўнаб кетаётган яҳудийлар шунақа раҳбарларга рўпара келганки, қўяверасиз. Менинг Капитолина Андреевна муҳрланган ва учта имзо чекилган таърифномани ўз қўли билан қўлимга топширди. Икковимиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди, киноясиз, газабу зардасиз мени “ярамас” деб атади-да, партбюро эшигини ичидан қулфлади, менга қарамай, апил-тапил ечиниби, кўзда ёшлари билан диванга шалоп этиб ётди. Ватанга ва шахсан унга, яъни Капитолина Андреевнага хиёнат қилган хоин билан сўнгги марта боплаб видолашмоқчи эди у.

Қаердасан, Капажоним — давримизнинг ақли, номуси ва виждони? Мен оёқларинг изини ўпишга тайёрман. Сен мени жуда катта машаққатлардан асраб қолдинг, эҳтимолки, менинг ҳаётимни асраб қолгандирсан. Ахир, мен жуда таъсирчан ва салга тутақиб кетадиган одамман. Агар бошқа яҳудийларнинг бошига тушган ишлар менинг бошимга тушганда, билмадим, нима билан тамом бўлардйкин.

Хорижга кетиш учун визаларни расмийлаштирадиган ОВИР деган идора иш жойингиздан сизнинг ишдаги ва сиёсий сифатларингизни тавсифловчи таърифнома бўлмаса, ҳужжатларингизни қабул қилмайди. Ҳолбуки ҳеч кимга кераги йўқ бўлган шу бир бўлак қоғозни олиш учун одамнинг она сути оғзидан келмоғи ва асаблари буткул ишдан чиқиб, тамом бўлмоғи керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир — бу таърифнома деганлари кимга керак ўзи? Итнинг ҳам хаёлига келмайдиган нарса. Сен Исроилга кетяпсан — у ерда шўро антисионистларининг сен ҳақингдаги фикрлари бирор кимсани қизиқтирардими? Ёки сен Совет Иттифоқини қоралаб, унга лаънатлар ёғдириб, бу мамлакатни тарк этипсан — нима, унга сенинг шахсий ишингиздаги юзинчи таърифнома зарурми? Сен

фуқаро қаторида юрган кезларингда бутун ҳаётинг мобайнида сенга озмунча таърифномалар ёзилганми?

Агар хотирам панд бермаётган бўлса, бир вақтлар ўрта асрларда шундай бир қийноқ бўлар экан — одамни ётқизиб, оғзига эритилган кўрғошин қўйишар эканлар. Одамни бунақа қийнашнинг нима ҳожати бор? Ахир, у тилдан ажралади, ҳамма айбига иқрор бўлиш имкониятидан махрум бўлади. Лаънати таърифнома ёрдамида шўринг кургур яҳудийни нега бунча хўрламоқ керак? Ахир, у бутунлай жўнаб кетяпти. Сиз у билан қайтиб учрашмайсиз!

Бунинг сабаби бундоқ: бошқаларни кўрқитмоқ керак, токи қолганлар хорижга кетишни хаёлларига ҳам келтирмасин. Шунинг учун жўнаб кетмоқчи бўлган яҳудийни мажлисга солишади-да. Кечаги кунгача у билан бирга ишлаган одамларнинг ҳаммаси унинг башарасига яхшилаб туфлайди. Бирорта одам хоҳлаб қолса, оёғи билан орқасига ҳам тепиб қолиши мумкин. Авваллари сен у билан дўст бўлганмисан ёки ит-мушук эдиларингми — бунинг аҳамияти йўқ. Ур, аяма, акс ҳолда, ўзинг хатга тушиб қоласан.

Москвада бир режиссёр бунақа адолатсизликка дош беролмай, мажлиснинг ўзида омонатини топшириб қўя қолипти. Стол устида парторгнинг қўлида унинг таърифномаси қолиб кетипти — энди бу лахтак қоғознинг умуман бирор кимсага кераги йўқ эди.

Хўп, ана, яҳудий ҳамма чиғириқлардан ўтиб, ҳамма азоб-уқубатларни бошидан кечириб, таърифномани ундирди-ю, тишининг кавагида авайлаб, уни ОВИРга олиб келди ҳам дейлик. Ҳалиги яҳудий навбатдаги машаққатли синовгача нафасини ростласа ростлай олади, бўлмаса йўқ. Таърифноманинг ўзини эса ОВИРдаги қизлар ижирғаниб, кераксиз қоғозлар ташланадиган корзинага отишади. Эслашнинг нима ҳожати бор? СССРдан жўнаб кетган ҳар битта яҳудийга бардоши учун орден берса арзийди. Менга қўйиб беришса, мен шундай дердим: бир вақтнинг ўзида ҳам оптимистик фожеа-ю, ҳам бачкана масхарабозлик. Агар бошқа бирон халқ ана шу бемаъниликларга қобил бўлса, мен гоятда ҳайрон қолган бўлардим. Чунки биз яҳудийлар ана шунақа яратилиб қолганмиз. Агар парвоз кетсак, ҳаммадан юксак парвоз қиламиз, агар тубан кетсак, биздан кўра паст кетадигани бўлмайди.

Нақадар гўзал инсонларни кашф этдик тўсатдан! Инсонларга нисбатан, ўзига мутлақо бегона бўлмиш сен-у менга ўхшаш яҳудийларга нисбатан нақадар муҳаббат ва беғаразлик!

Эсимда бор — бир Москвалик актриса Исроилга жўнаб кетадиган бўлди. Дворянлар уясидаги унинг бадавлат хонадонига яҳудийлар сиғмай кетди.

— Менга ҳеч нарса керак эмас, — деди ҳаяжон ичида актриса. — Кўриб турган буюмларингиздан истаганини олинг, қадрдонларим. Виза олгунингизча тирикчилик қилиб туришингизга асқотиб қолар. Менинг визам қўлимда. Олинглар, фойдаланаверинглар!

Бу гапдан кейин одамлар бу хонадондан император Павел ва Александр замонидан қолган қимматбаҳо ёғочлардан ясалган антиқа мебелни олиб кетишипти. Қимматбаҳо сувратлар, чинни идишларни олиб кетишипти.

Актрисанинг икки мўйна пўстини бор эди. Москва қаричи билан ўлчаса, бутун бир бойлик! Шу мўйна пўстинларни актриса нотаниш яҳудий аёлларнинг қўлига тутқазганини ўз кўзим билан кўрдим.

— Бемалол кийиб юраверинглар. Хоҳласанглар, сотиб рўзғорга ишлатинглар. Исроилда қиш бўлмайди. У ерда бу пўстинларнинг менга кераги бўлмайди.

Шундай деб қаҳ-қаҳ уриб кулди. Чин юракдан чиқариб. Мамнунлик билан. Сизга ёлғон, менга чин — ҳамма буюмини улашиб берганидан у чинакам бахтиёр эди. У самолётга чиққанида юки енгил эди. Исроилга икки қўлини бурнига тиққанича жўнади десак ҳам бўлади. Бор-йўқ юки кичкина бир чамадончага жам бўлган эди.

Мен аэропортга чиққан эдим. Кўз ёшларимни тутиб туролмадим. Хурсандлигимдан. Одамлар шунақа ишларга ҳам қобил эканлар-да. Лекин кўнглимининг бир чеккасида бундай одамларнинг эртанги куни учун жиндай ташвиш ҳам йўқ эмас эди.

Шереметьево аэропортида ўша кезларда шунақа воқеалар рўй бериб турардики, бир ёзувчининг ибораси билан айтганда, уларнинг қаршисида қадимги юнонларнинг фожеалари арзимас бир гапга ўхшаб қоларди.

Эсимда бор — бир аёл ўсмир ўгли билан кетаётган экан. Унинг ҳам юки йўқ экан. Аёл марҳум эрининг хоки солинган қутини олиб кетаётган экан. Эри виза беришларини узоқ кутипти, лекин визага етишолмай, хотини билан ўгли жўнаб кетишидан бир неча ҳафта олдин оламдан кўз юмган экан. Бу оилани, яъни аёлни, унинг ўсмир ўглини ва хок солинган қутини юзлаб таниш ва нота ниш яхудийлар кузатишга чиқишипти. Қутини чангютардан бўшаган картон идишга жойлаб, устидан тизимча билан тортиб боғлаб қўйишипти.

Кузатаётганлар йўловчиларнинг самолётга чиқарилаётганини аэропорт айвонида кўриб туришади. Бундан нарига қўймайдилар. Бундан нариси кўк шапкалик чегарачиларники. Ундан у ёғи — хориж.

Аэропорт айвонида одам кўп эди. Мана, ҳалиги аёл бир қўлида қути, ёнида ўгли билан автобусдан тушди-да, Венага учишга шайланиб турган самолётнинг трапига йўл олди. Унинг кетидан халқаро йўловчи бутун дунёга таниқли созанда Мстислав Растропович келмоқда эди. У Венага навбатдаги концертига учиб кетмоқда эди. Кимдир икки қўлида, гоёта авайлаб, унинг ғилоф ичидаги қимматбаҳо виолончелини кўтариб боряпти. Бошқа йўловчи йўқ эди. У пайтларда яхудийларнинг кетишларига эндигина рухсат бера бошлагандилар.

Аёл қўлида чангютардан бўшаган картон қутини кўтариб кетяпти, Растроповичнинг орқасидан виолончелини кўтариб олишган. Растропович билан бола орқада боришмоқда.

Тўсатдан баҳайбат аэропортнинг айвони гулдирок қарсақлардан ларзага тушди. Ҳаммаёқни қийқириқ — йиғи-сиғи овозлари тутиб кетди. Юзлаб одамлар қўлларини, ушлаб олган рўмолчаларини, шапкаларини силкитар эдилар.

Олқишлару ҳамду саноларга мазахўрак бўлиб қолган Растропович айвондаги шовқин-сурон менинг шаънимга бўляпти деб ўйлаб, тўхтади-да, орқасига ўгирилиб, одамларнинг муборакбодларига жавобан икки қўлини юқорига кўтарди.

Айвондагилар энсаси қотиб ҳайқириб юборди. Ҳуштаквозлик бўлиб кетди. Растропович саросимага тушиб, теварак-атрофига аланг-жаланг назар ташлади ва қути кўтарган аёлни кўрди. Аёл қўлини кўтариб, айвондагиларга хайр-маъзур қилди. Одамлар хурсанд бўлиб, яна қийқиришди. Аёлни кузатишаётган экан. Дунёга таниқлик созанда Растроповични эса одамлар пайқамай ҳам қолишипти.

Калавасининг учини йўқотиб қўйган донгдор созанда қўлида картон қути кўтарган жиккаккина аёлга таажжуб билан боқар ва унинг нимаси билан донг қозонганини, шунча мухлисни қаёқдан орттирганини тушунишга уринарди.

Қўлига виза теккан омадли одамларни кузатмоқ учун мен деярли ҳар куни аэропортга келардим. Гўёки шундай қилсам, ўзим жўнайдиган кун тезроқ келади. Фуқароча кийинган ва формадаги барча КГБ айғоқчиларининг кўзига совуқ ҳам кўриниб қолдим. Лекин мен уларнинг ҳаммасига тупурдим-да, ўзимни уруш пайтида бизнинг ҳарбий эшелонимиз фронтга яқинлашгандаги кўри нишни кўтаринки кайфиятда ҳис қилдим.

Мен кута-кута яхудийлар билан лиқ тўла самолётлар кетма-кет Венага йўл олган кунларга ҳам етиб қолдим. Самолётларда жой етишмас эди. Ғалати, а? Қулишингни ҳам, йиғлашингни ҳам билмайсан.

Кавказдан келган бир яхудий хонадони ҳамма рекордларни орқада қолдириб кетди. Бу жуда катта оила эди. Бутун оила қўлларидан виза бўлатуриб самолётга чиқишдан бўйин товлашди. Нима учун дейсизми? Сиз, албатта, ўйлаган бўлишингиз мумкинки, бу шўрликлар Кавказ тоғларидан келган бўлса, умрида самолётда учмаган бўлса, осмону фалакка кўтарилишга қўрқишгандир-да. Йўқ, тополмадингиз. Оила жамики катта бувилари-ю, эвара-чеваралари билан бир юзу ўн саккиз кишидан иборат эди. Венадан учадиган самолётга эса олтимиш киши сиғар эди, холос. Оила бўлинишдан қатъиян бош тортиди ва аэропортда икки кун пойлаб ўтиришди. Ниҳоят, бу йўналишга ҳамма оила аъзолари сиғадиган самолёт қўйишиб, масалани ҳал қилишди.

Мен кўпни кўрган одамман. Лекин бир бочка асалга аралашиб уни расво қилган бир қошиқ қора мойнинг дастлабкисини аэропортда кўрдим. Мен шу ерда яҳудий яҳудийдан фарқ қилишини кўрдим. Мен хаёлпарастлару гўзал, яхши одамлардан ташқари, кишида завқ-шавқ туғдирмайдиган, ҳавас кўзга-майдиган оддий одамлар ҳам кўп эканини, ҳатто ҳаддан ташқари кўп эканини ҳам кўрдим. Аксинча, шунақаларни кўрганимда биз яҳудийларни нега хушла-масликларининг сабабини тушунгандек бўлдим.

Баъзан ҳар нарсага қўл силтагим келиб кетар, ҳеч қанақа Исроилга бормай қўя қолишни истаб қолардим. Чунки у ерда ҳам шунақа одамларнинг ошиғи олчи бўлади ва улар бизга ўхшаганларнинг устидан мазах қилиб кулиб юради. Менинг хавотирларим бора-бора рост чиқди.

Шереметьевода кўрдимки, божхона ходимлари самолётга чиқариш олдидан яҳудийлардан баъзи бирларини сурги ичишга мажбур қилишади, кейин уларнинг ахлатларидан ютиб юборган бриллиантларини кавлаштириб олишади. Битта яҳудий кучана-кучана кетидан қора бир тошни тушириб берипти. Уни кўриб божхонадагиларнинг кулгидан ичаги узилай депти. Чунки унга кимдир қалбаки тош сотган экан. Ошқозонда у қорайиб кетипти-да, ўзининг қалбакилигини намоён қилибди. Яҳудий алаמידан ҳўнг-ҳўнг йиғлапти, божхона ходимлари хузур қилганларидан кўз ёши тўкишипти.

Бир куни бир оила фалаж кампир билан бирга йўлга чиқипти. Сочлари оппоқ, Голда Меирнинг ўзи. Матрас устида қимир этмай ётипти. Фақат тили билан қўли ишлайди. Уни тўшагида ётганича самолётга кўтариб кетишди. Уни фақат тўрт киши кўтара оларди, шунинг учун мендан ҳам кўмаклашиб юборишни илтимос қилишди. Биз кампир ётган тўшакни учиш майдони орқали кўтариб ўтдик, кейин трапдан Австрия самолётига олиб чиқдик. Кампирнинг жағи очиқ экан, сочлари тўзиб кетган бу оқ сочли кампир муштларини осмонга ўқталиб, худди жодугардай йўл-йўлакай қичқириб борди:

— Биз Мисрни шунақа тарк этган эдик. Худойим бошларингизга ўнта Миср қатлини юборади!

У бу дағдағасини шўро чегарачиларига, аэропорт хизматчиларига, божхона ходимларига қилди. Кўнглимдан бу кампирнинг тилидан кўҳна тарихимизнинг ўзи гапиряпти деган фикр ўтди. Ҳатто ўзимнинг қадимий халқим учун ифтихор туйғуларини ҳис этгандай бўлдим. Лекин менинг кўнглимни жиндай чигил қилган жойи шу бўлдики, кампир ётган тўшак зилдай оғир эди. Шарти кетиб, парти қолган кампирнинг эмас, қорнини тўлдириб тош ютиб олган бегемотни кўтариб кетаётгандек туюларди бизга. Тўшакнинг мен ушлаган бурчаги тахтадек қаттиқ экан. Елкамга тегиб кетиб, қаттиқ оғритди. Бу машмашанинг сабабини фақат Исроилга борганда билдим. Бу оилани тасодифан учратиб қолдим. Кампир қазо қилипти. Уни қандай қилиб самолётга кўтариб борганимизни, кампир тўшақда ётган жойидан нималар деб жавраганини, менинг елкам лат еганини эсладик. Кампирнинг фарзандлари анча кулиб туришди. Тўшакнинг ичида ёғоч иконалар бор экан. Улар жуда қиммат экан. Рус иконалари кўп экан. Тўшакнинг ичи тўла экан.

Кампир сувратига руслар чўқинадиган азиз-авлиёларнинг устида ётиб, яъни ўғирлиқ молнинг устида ётганича Инжилдан алланимабало парчалар келтириб саннаган экан. Менимча, кампирнинг ўзи бундан беҳабар бўлган бўлса керак. Акс ҳолда, шунча касаллигининг устига узил-кесил тилидан ҳам ажраган бўлармиди?

Ё тавбандан кетай, Парвардигор! Ҳеч қанақа худога ишонмайдиган ўрис яҳудийлари Россиядан олам-жаҳон қимматбаҳо иконаларни ўғирлаб чиқиб, бутун Оврўпа-ю, Америкада уларни долларга ёхуд маркаларга сотиб юборишди. Минглаб иконаларни! Россиянинг энг овлоқ бурчақларида арзимас чақага сотиб олишган. Бунақа одамларни Римда, Мюнхенда, Нью-Йоркда мазах қилишиб, “авлиёфурушлар” деб аташади. “Авлиёфуруш-а!” Кисфуруш дегандай.

Агар чуқурроқ ўйлаб қаралса, бундан катта гуноҳ бўлмади: бутун рус тарихи, унинг маънавий бой мероси талон-тарож қилинган. Бир эмас-бир куни биздан бунинг ҳақини талаб қилишади. Ўшанда мутлақо бегуноҳ одамлар бу-

нинг ҳақини тўлашга мажбур бўлишади. Ўша авлиёфурушлар билан бир қавмда бўлганлари вазидан.

Ўғрилик йўли билан нималарни олиб чиқиб кетишмади-я! Божхонани сотиб олиб, соғу сўлларига пора чўзиб хорижий сайёҳларнинг ва, ҳатто дипломатларнинг кўнгилчанлигидан фойдаланиб, Эрмитаж ва Третьяков галереясида олиб чиқилган бебаҳо сувратлар, ўта ноёб маркалар коллекциялари, қадимий тангалар...

Кейин буларни пуллаб давлат орттиришган. Бундайлар Исроилга оммавий муҳожирликка эришиш йўлида қамоқларда ўтирган, сургуналда юрган, кейин Россиядан икки қўлини бурнига тиқиб чиқиб кетган одамларга телбага қарагандай қарашган.

Шунақа анойилардан бирини Қуддуси Шарифда учратиб қолдим. Бор-будининг ҳаммасини яҳудийларга бўлишиб берган, ҳатто иккита суҳсур пўстинини ҳам совға қилиб юборган москвалик актриса эсингиздами?

— Исроилда қиш бўлмайди! — деган гап билан саховатининг вазини айтмоқчи бўлганди.

Мен уни декабрда Қуддуси Шарифнинг қор босган кўчасида учратдим. Яҳудий адирларидан баданни жазиллатиб чиқадиган совуқ шамол эсмоқда эди. Енгил плашга ўраниб олган актриса ушуккан қушчадай оёғини тап-тап бирига урар, шамоллагани учун хириллаб гапирар, кўзларида ҳам Москвадаги нур йўқ эди. У ишсиз эди, турмуши жуда ночор аҳволда экан. Айниқса, совуқ унинг жон-жонидан ўтиб кетипти.

Яқинда бутунлай тасодифий равишда кўчада ўзининг суҳсур пўстинидаги аёлга рўпара келиб қолипти. Пўстинини тугмаларидан таниб қолипти. Бу тугмаларни унинг ўзи бошқатдан қадаган экан. Аёлнинг юзини ҳам ғира-шира эслаб қолган экан. Бу аёл актрисани танимапти. Ё танигиси келмапти. Қимматбаҳо суҳсур пўстинда саллона-саллона ўтиб кетипти. Актриса эса ўзининг юпун плашига ўранганича, бурканганича совуқда кўкариб кетган бурнини торта-торта турган жойида туриб қолипти. У йиғлашини ҳам, кулишини ҳам билмас эмиш...

*Ламани бўғози устида.  
Баландлик — 30000 фут.*

Менга кимни эслатасиз-а? Каллам шишиб кетди. Эслагунимча, тинчиёлмайман. Қаердамиз? Оврўпога келиб қолдикми? Ҳадемай сафаримиз тугайди. Сиз ҳам қутуласиз.

Ростингизни айтинг — йўл бўйи жавраб келганим учун мени бўғиб ташлагингиз келмайтими? Йўқ, дейсизми? Тоқатингизга балли-ей! Бундан битта хулоса чиқараман: демак, давом этсам бўлаверади.

Биласизми, “балоғат ёшига етган” деб аталмиш Америка аёллари, яъни олтмишдан ошиб ундан анча ўтиб кетганлари ҳайрон қоладиган даражада бири-бирига ўхшашади. Худди бир онадан тарқагандай. Уларнинг ҳеч қайсисида ўзиники — тугма нарсаи йўқ. Ҳаммаси ясама, пулга сотиб олинган, синтетикадан қилинган — тишлари чиннидан, сочлари кумушранг, оч бинафша тусида товланади, ҳатто юзининг ранги ҳам ясама. Худди магазинга қўйилган манекенга ўхшайди. Гўё ҳаммаларини бир хил эҳтиёт қисмлардан ясашган-у, моторни, яъни юракни янгилашни эплаша олмаган. Пул етишмай қолганми, ё ҳали техника бу даражага етмаганми? Қўринишлари янгидай, ҳаммаёқларида лак ялтирайди, ҳатто кўзлар қамашиб кетади. Лекин бир пуфласанг, қоқи гулдай учиб кетишади. Фақат упа-эликнинг иси қолади.

Шу муносабат билан мен ҳаммиша москвалик бир арбобнинг гапини эсламан — у ҳам менинг доимий мижозим эди. Жуда юқори мартабаларга етишган эди. Уни Кремлда ўзларининг одами деб ҳисоблашар. Хрушчев билан нафақат кўл олиб кўришар, бемалол уйига кирди-чиқди қилар, бир пиёла чойини ичиб, яҳудий латифаларидан айтиб берарди. Хорижга бориб келиш ҳам унга чўт эмас эди — конгрессми, конференциями — ҳеч қайсисидан қолмас эди. Газеталарда номини кўрганман, фамилияси ўрчиса эди. Уруш пайтида ўзгартириб олган.

Хрушчев уни жон-дилидан яхши кўрарди. Бизнинг шўро давримиздаги энг ибратли коммунист ва рус зиёлиси сифатида нутқларида номини тилга олиб турарди. У бўлса менга ўхшаган яҳудий эди. Фақат паспортида бешинчи модда-сида рус деб кўрсатилган эди. Билмадим, буни қандай тўғрилаган экан. Лекин ҳеч нарса деб даъво қилолмайсан. Зўр ишлаб қўйган. Нақд кўз боғлагичнинг ўзи. Э-э, қандини урсин! Шу билан хурсанд бўлса, нега мен қаршилик қилай? Мен биламан-ку — у яҳудий. Унинг ўзи эса мендан яхшироқ билади. Бир куни унинг онасини кўриб қолдим. Лекин онасига ҳеч қанақа паспорт ёрдам беролмайди. Катта ишларда ишлаб юрган ўглини кўргани пойтахтга Харьковдан келипти. Мен унинг уйида ўглининг соч-соқолини олаётган эдим. Ўглининг бошини қиртишлаётганда, яҳудийларнинг оиласида онаси аралашмаса бўлмайди. Бу гал ҳам шундай бўлди — онаси ўглининг сочини қандай олиш тўғрисида менга кўрсатма бера бошлади. Харьковдагидан ёмонроқ бўлиб қолмасин эмиш. Э-э, бу она тушмагур, агар ўгли уни тезроқ Харьковга жўнатиб юбормаганда, роса унинг адабини бериб кўярди. Сизга шуни айтмоғим керакки, яҳудий кампирларининг ҳаммаси ҳам рус тилини унинг онасичалик расво қилмайди, у рус алифбосининг бирорта ҳарфини дўндириб талаффуз этолмас эди. Ҳатто юмшатиш белгисини ҳам.

Хуллас, бу одам билан менинг бекинмачоқ ўйнашимизга ҳожат йўқ эди — бир-биримизни бир қарашимизда тушунар эдик. Бунда яна бир бошқа гап бор эди: юксак мартабали одам сартарошга ўхшаган оддий одамни одам ўрнида кўрмас эди. Унинг учун совун кўпиртирадиган чўтка ҳам, семиз лунжларини қираётган устара ҳам, сартарош ҳам — ҳаммаси бир гўр эди. Шунинг учун у мендан ҳеч нарсани яшириб ўтирмай, очиқ гапирарди. Худди олдида девор тургандай. Йўқ, девор эмас, деворнинг ичида микрофони бўлиши мумкин. Келинг, кўзгу билан гаплашаётгандай деяқолайлик. Бунда у кўпинча панд еб қолар эди, чунки бир гапга тушиб кетганида кўпинча ўзининг ким эканини ҳам унутиб кўярди.

Айтайлик, катталардан мақтов эшитганми ёхуд биронта ошнасидан амал бобида ўзиб кетганми — ҳар ҳолда, кайфияти яхши, вақти хуш. Шу сабабдан у менга тўраларча муомала қилади, димоғидан эшак қурт ёғилиб туриб гаплашди, унинг ўрмон дарахтлари янглиф чалкашиб кетган яҳудиёна сочлари орасида қайчим чиқиллаб юрар экан, у менга олам-жаҳон насиҳатлар қилиб улгуради:

— Биласанми, Рубинчик, мен сенинг нимангни ёқтирмайман? Билмасанг, билиб қўй. Яҳудиёна қилиқларингни. Биронта гапингни ўзимизникига ўхшатиб, русчасига тўғрилиқча айтмайсан. Ҳар бир гапинг илмоқлик. Коса тагида нимкоса бор. Чандиб олмасанг туролмайсан. Ана шунинг учун ҳам сиз яҳудийларни ҳеч ким ёқтирмайди-да!

Шундай деб, гўё ҳеч нарса демагандай, мижжа қоқмай ойнага, менинг ҳайратдан бақрайиб қолган кўзларимга қарайди.

Яҳудий сартарош билан бунақа гаплашса, фақат Пуришкевичнинг ўзи гаплашиши мумкин эди. Бироқ айтишларича, Пуришкевич яҳудийларни жуда ёмон кўрар экан. У биронта ҳам яҳудий сартарошни яқинига йўлатмас экан.

Бошқа бир гал жуда кайфияти ёмон эди. У ўриндиқда ғоят эзгин бир кайфиятда ўтириб, худди Харьковдаги онаси каби чуқур хўрсинди-да, деди:

— Ҳа, биродари азиз, Рубинчик. Биз яҳудийларнинг аҳволимиз ёмон бўлади. Улар бизга тинчлик беришмайди, жонимиздан тўйдирмагунча қўйишмайди.

Биласизми, энг қизиғи нимада эди? Ҳар икки ҳолда ҳам у самимий гапирган эди, гапига ўзи ишонарди. Қип-қизил масхарабозлик!

Ҳа-я, нимага эсладим мен бу мижозимни (гўёки менинг мижозларим орасида бундан беш бадтарлари бўлмагандай). Эслаганимнинг боиси — унинг бир доно гапи эди. Бу гап қоғозга битилмаган, дўконда сотилмаган гап. Бунақа гап учун тегишли жойга тиқиб қўйишарди. Ҳа, шунақа!

Мижозим бу гапни менга унинг автомобилида кетаётганимизда айтган эди. Биз унинг ҳукумат берган чорбоғига кетаётган эдик. Чорбоққа зўр меҳмонлар келадиган экан, шунинг учун аёлларнинг ҳаммасига зеб бермаса бўлмас экан. Ўрмон ичидан кетиб боряпмиз. Ҳеч ким йўқ. Машинанинг олд ойнасига ёмғир

қуйиб ётипти. Уни сидириб ташлашга ҳатто “фаррошлар”нинг ҳам кучи етмайпти.

Шунда унинг оғзидан чиқиб кетди. Қолаверса, менга айтгани йўқ, ёмғирга, зулматга, фазога. Буларда ҳеч ким унинг оғзини пойламайди ва тегишли ташкилий хулосалар чиқармайди. Ахир, ҳар қандай одам ҳам бир юрагини бўшатиб олмоғи керак-ку! Кўнглидаги гапини айтмаса, кўксига бир шабада тегмаса бўладими?!

— Биласизми, Рубинчик, шўро ҳукуратимиз, бутун тараққийпарвар инсониятнинг ватани бўлмиш бизнинг сеvimли мамлакатимиз нимага ўхшайди? Ҳозирги замон авиалайнерига ўхшайди. Сип-силлиқ. Жуда келишган замонавий шаклга эга. Бу самолёт ҳар жиҳатдан капиталистик мамлакатда ишлаб чиқилган биродарига ўхшайди. Масалан, айтайлик, французларнинг “Каравелласи”га ёхуд америкаликларнинг “Боинг”ига. Қанотлари ўқдай, танаси сигирдай, думи диккайган. Фақат бир нарсага ақллари ожизлик қилиб, кучлари етмай қолган — мотор қўйишмаган. Шунинг учун алюминдан яратилган бу даҳмазани меҳнаткашларнинг елкасига ортиб қўйишган. Улар инқиллаб-синқиллашди, тиззалари букилиб кетади, лекин чидашади, ерга тушиб кетишига йўл қўйишмайди. Катталар эса, тантанавор оҳангда бутун дунёга жар солишади: “Қаранглар! Учяпти!” Ҳамма ўзини бу гапга ишонаётганга солади: Ҳа, энди, учаётган бўлса, учаётгандир-да... Ана, ана, ердан кўтарилди, ана, олға, нурли чўққиларга талпиняпти! Бошқача гапни айтиб ҳам кўринг-чи! Ишонмасангиз — ишонтиришади. Кўрмасангиз — кўзингизни очиб қўйишади. Сибирь деган жойни нега чиқариб қўйган, бўлмаса? Совуқлик салтанатими? Соқчилар ҳамроҳлигида бир марта айланиб келсанг бас, миянгдаги ҳамма губор тарқаб кетади. Ана унда ҳамма билан баравар бақираверасан: “Учяпти! Учяпти! Ҳаммадан узоқроқ! Ҳаммадан баландроқ! Ҳаммадан тезроқ!” Ана шунақа, биродари азиз, Рубинчик, биз порлоқ келажак сари моторсиз, қориндаги газимиз билан учиб кетяпмиз. Лекин бир қуласак борми — сассиғи ёмон бўлади...

Кўзгу орқали яҳудийча кўзларини қисиб менга тикилади:

— Биродари, азиз, Рубинчик! Бу сассиқдан биринчи навбатда сизлар баҳраманд бўласизлар. Сизларнинг соғ қолишингизга кўзим етмайди.

*Рейн дарёси водийси устида.  
Баландлик — 28500 фут.*

Шошманг, шошманг. Радиодан нима дейишди? Берлинга яқин қолибмизми? Ё парвардигор, Москвага ҳам келиб қолибмиз-ку. Остимизда нукул булутлиги чатоқ бўлди-да, ҳеч нарсани кўриб бўлмайди, Берлинга осмондан бир қараб Фарбий-у Шарқийсини баравар кўрсам ёмон бўлмасди. Бир вақтнинг ўзида ҳам социализму, ҳам капитализмни кўриш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Берлин деворини ҳам кўриб олардим. Булут бўлмаганида шу ердан қарасак, девор кўринармиди, нима дейсиз?

Бу шаҳарда мен билан боғлиқ бир воқеа бўлган. Мен эмас, менинг бир танишим бошимдан кечирган бу воқеани. У Фарбий Берлинда кўмилган. Ҳолбуки, Шарқий Берлинда вафот этган эди. Жуда ибратли воқеа бўлган-да. Аминманки, яна жиндай бардош қилиб, гапларимни тинглаганингизга сира пушаймон қилмайсиз. Ҳадемай Москвага етиб оламыз, азобларингиз хотима топади — мендан ҳам, менинг сафсатамдан ҳам қутуласиз.

Немислар билан менинг ўз ҳисоб-китобим бор. Бошимдан тилла қуйганингизда ҳам мен Германияда яшамаган бўлардим. Улар яҳудийларнинг бошига нима кунларни солишмади! Менинг деярли ҳамма қариндошларим қирилиб битай деди. Шундай бўлгач, менинг юрагимда уларга оташин муҳаббат қаердан бўлсин? Шу жиҳатим билан ригалик кўп яҳудийлардан фарқ қиламан. Уларни немислар ўзларига салкам ватандош деб эълон қилишди ва уларга фуқаролик таклиф этишди. Гўё улар немис маданиятига яқин туришар эмиш. Бир замонлар Ригада бир нечта немис гимназиялари бўлган экан. Немисларнинг газ камераларидан омон қолган ригалик яҳудийлар Германияда уларни ўзларига яқин ҳисоблаганлари учун бошлари осмонга етиб, севинчлари ичларига сиғмай кет-



ди. Шундан кейин энг барқарор валюта ҳисобланадиган бир даста немис мар-касига учиб, яқинларининг хотирасига хиёнат қилиб, Исроилдан асалга учган пашшадек Германияга ёпирилишти.

Нафақат ригаликлар, балки умрида немис маданияти кўчасига қадам бос-маган москвалик яҳудийлардан ҳам баъзи бирлари ўша томонга бош уришди. Рост, орқа эшикдан. Айтилмаган қўноқ бўлиб. Лекин киришиб кетишди. Ҳай-даб солишмади. Ҳозир Германияда яҳудийларнинг кўнглини оғритиш расм эмас. Освенцим ва Майданекдан кейин, газ камералари ва крематорийлардан кейин бу одобсизлик ҳисобланади, шунинг учун немислар жуда хушмуомала бўлиб қолган. Тоқатлари тоқ бўлмагунча.

Баъзан бардошлари тугаб ҳам қолади. Унда тишларини кўрсатиб қолишади.

Москва мактабини ўтаган бир скрипкачи — созандаларга бундан ортиқ мақ-тов бўлмайди — Исроилда бироз уриниб-суриниб юргандан сўнг бу ердаги диқ-қинафас ҳавода бўғилиб кетган-у, Германияга равона бўлган. Бу ерда у қўлма-қўл бўлиб кетган, концерт устига концерт, газеталар мақтаб кўкка кўтарган, Рейн бўйида мухташам қаср, кўчаларда немисларга хос озодалик. Мухлислару мухлисаларнинг саноғи йўқ. Пулига ит боқмайди. Немислар музикани яхши кўради. Яхши созанданинг қадрига етишади.

Бизнинг скрипкачимиз гоҳ фракда, гоҳ смокингда зиёфатма-зиёфат, бан-кетма-банкет оёғи ерга тегмай кўчиб юради. Зиёфатлар энг донгдор хонадон-ларда бўлади, у ерга жамиятнинг қаймоғи тўланади. Созандамиз уларга кири-шиб кетди. Ётирамайди. Ўз уйидагидек бўлиб қолди. Бир куни қайси бир зиёфатда у таъзирини еди — унинг ўзларига тенг эмаслигини писанда қилиш-ди. Унинг маҳоратига юқори баҳо берган бир хушбичим хоним — баронессами, графинями билмайман — ҳамма эшитадиган қилиб шундай деса бўладими:

— Буни қаранг-а, яқин-яқинларда бизнинг ота-оналаримиз сизнинг ота-оналарингизнинг терисидан чироққа парда қилишарди. Сизнинг истеъодли бармоқларингизга қарасам, ётоғимдаги чироқ пардаси эсимга тушади.

Созандамизнинг жон-пони чиқиб кетди: “Антисемитлар! Фашистларнинг иғвоси бу!” Унга хушмуомалалик билан, ҳатто жилмайиб туриб дейишди:

— Ўзингизнинг Исроилингизга бориб тўполон қилинг. Бу ерда меҳмонсиз. Ҳеч ким сизни бу ерга чақиргани йўқ.

Буларнинг ҳаммасини мен ўша созанданинг ўзидан эшитганман.

Нима деб ўйлайсиз — у газаб билан Германиядан жўнаб кетди дейсизми? Қайнаб, қайнаб, совуди. Жаҳлидан тушди. Юввошгина бўлиб, музикасини ча-либ юрипти. Нозик немис мусиқа шайдоларининг кўнглини овлаб, фақат аҳён-аҳёнда камон тортаётган қўли титраб кетади. Томошабинлар дурбинини унга тўғрилаб турганини кўриб қолган-да. Унинг назарида дурбиннинг эгаси шир-ринтомоқ одамнинг очофат кўзлари билан бармоқларининг терисини назардан ўтказаётгандай бўлади. Ким билсин дейсиз — бу теридан хотини учун сумка чиқиш-чиқмаслигини чамалаётганмикин?

Воқеа чакки эмас-а? Аммо бу ҳали хамир учидан патир, холос.

Мен сизга айтиб бермоқчи бўлган воқеа созандага эмас, тиш докторига дахл-дор. Биласиз — униси ҳам, буниси ҳам яҳудийларнинг касби. Бироқ созанда-лар бизнинг халқимизга бутун дунё бўйлаб шуҳрат келтирган бўлса, сизни ишон-тириб айтаманки, тиш докторлари бутунлай бунинг акси — улар бошимизга катта кулфатлар келтиришади.

Мен тиш докторларини ёқтирмайман. Яҳудийларини ҳам, яҳудий эмасла-рини ҳам. Фарқи йўқ. Булар жуда ярамас одамлар, инсониятнинг душманлари. Жонингиз оғриб турганда ўлаксахўрлар мурданинг оёғидан этигини ечиб ол-гандай, ҳеч нарсангизни қўймай шилиб олишади. Улар нархларини осмон ба-равар кўтариб қўйишган, шундан битиб ётишипти, шўримизни ичиб, семириб кетишган. Улар курраи заминдаги ҳамма одамларнинг ёқасидан ғиппа бўғиб олган халқаро мафияга ўхшайди назаримда. Чақалоқлардан ташқари, албатта.

Агар тишингиз оғриб қолса, сизнинг иккита иложингиз бор. Лекин иккови ҳам бир хил самара беради. Тиш докторига бормайсиз. Демак, очдан ўласиз, чунки оғзингизга ҳеч нарса ололмайсиз. Докторга борсангиз, тишингиз тузала-ди-ю, лекин қадингиз икки букилиб қолади. Чунки ҳамма пулингиз тиш док-

торига кетади-да, ўзингизга егулик олгани ҳеч вақо қолмайди. Агар кўчадан кетиб бораётганимда бирон уйнинг деворида “тиш доктори” деган ёзувга кўзим тушиб қолса, шу заҳоти баданимга эшак еми тошиб кетади, хаёлимда ҳар хил манзаралар гавдалана бошлайди. Бу манзаралар ичида, албатта, ўргимчак ини бўлади, унинг ўртасида ҳаммаёғини жун босган ўргимчак — тиш доктори. У бор машинани гириллатиб қўйиб, шўрлик мижоз — пашшанинг сўнги пуллари сўриб ётипти

Худо ҳаққи, мен тиш докторлари ичида виждонли одамларни кўрган эмасман — касби ўзининг муҳрини босмай қўймас экан. Америкадаги тиш докторидек ваҳшийси дунёда йўқ. У ерда ҳализамон яҳудийларни “ур калтак!” қилиб қолишлари ҳеч гап эмас. Агар шундай бўлиб қолса, ишни тиш докторидан бошлашади.

Совет Иттифоқида тиббиёт бепул, шунинг учун у ерда ҳеч кимни талаб бўлмайдигандай кўринади. Аммо шу ерда ҳам тиш докторлари чакана пул иш-лашмайди. Исроилга жўнаш бошланиши биланоқ, улар божхона ходимларининг кўзини шамғалат қилиб, назоратдан ўтиб олиш учун бриллиантларини ютиб, пода-пода бўлиб югуриб қолишди. Агар бриллиантлари қорнига сиғмай қолса, уларни махсус тайёрланган ичи говак ясама тишларга жойлаб, манзилларига етгунча оғизларига ҳеч нарса олмай кетишган. Бирор нарсани ғажиб қўйса, тасодифан сир очилиб қолиши мумкин эди-да!

Тиш доктори учун капиталистик мамлакат баайни Клондайк, тилла кони. СССРда ҳеч қачон бунчалик бемалол қанот ёзаолмайсан, бутун умринг майда-чуйда ишлар билан ўтади. У ерда-чи?..

Битта тиш суғурсанг — ёнингда юз доллар. Кун бўйи маишат қилсанг бўлади. Менинг бир таниш тиш докторим кўзларини пириллатиб шунақа деган эди. Уни Алик деб атайқолайлик. Биз жўнаб кетишдан бироз олдинроқ Москвада бўлган эди. У Исроилга бориб олгач, қанақа роҳату фароғатда ҳаёт кечиршини ўйлаб, хузурланиб юрарди. Туриб қолган отдай бетоқат бўлиб виза кутарди. Қани энди тезроқ қўлига тегса-ю, малъун шўро ботқоғидан тезроқ кутулиб, шавкатли Оврўпо кучоғига бориб қолса. Пул деганини кураклаб йиғиб олса, лаззатли турмушни кинофильмлар орқали эмас, ўзи жойларида кўрса...

Ўзингиздан қолар гап йўқ — Алик Исроилга шунчаки бир дамгагина бош суқди, халос. Орзу қилган нарсаси бу эмаслигига ишонч ҳосил қилмоқ учун. Пул топса бўлади, лекин уни совурадиган жой қани?

У Германияга равона бўлди. Аммо ригалик эмас, москвалик бўлгани учун, Германияга хуфия тарзда кириб борди. Берлинга. Негаки, Берлинга бориш осонроқ эди. Ҳар ҳолда, газеталарда ёзишганидек, фронт шаҳри-да! Албатта, сезиб турибсиз, шекилли, Шарқий Берлинга боргани йўқ. Шарқий Берлиндагилар коммунист, у бўлса, ўзининг Москвадаги коммунистларидан зўрға кутулди. Шундай қилиб, Алик Фарбий Берлинга кириб келди. Ҳар томонда неон чироғидан нурафшон рекламалар, магазинлар мўл-қўлликдан тирсиллаб ёриламадан дейди. Оврўподаги энг яхши фоҳишахоналар шу ерда. Аликнинг назаридаги ҳақиқий ҳаёт! Шаҳар бўйлаб, оғзини очиб, анграйиб юрди. Ўзи учун турар жой топишнинг ҳаракатига тушди. Докторхонаси учун маъқулроқ жой излади. Топиб улгурмай, тамшаниб лаззатланди. Чунки ҳадемай ҳақиқий ҳаёт бошланмоғи керак: битта тишни суғуриб олсанг, юз доллар киссангда. Кун бўйи маишатхонани тарк этмайсан.

Алик демаганлар Берлин бўйлаб изғиганда изғимади. Ниҳоят, бир кун ийрингли кўричак бўлиб йиқилиб қолди. Хотини уни олиб касалхонага югурди. Қабул қилишмади. Пулини ким тўлайди? Чакана пул бўлмас экан. Эру-хотин бошқа касалхонага югуришди — у ерда ҳам шу аҳвол.

Мана, неон чироқлари порлаб ётган кўчалар бўйлаб, бадавлат магазинлар ва Оврўподаги энг яхши фоҳишахоналарнинг ёнидан ҳётин эрини олиб кетиб борапти. Эри оғриқдан ҳушидан кетиб-кетиб қолади. Улар бир хастахонадан иккинчисига кўп юришди, лекин ҳаммасида уларнинг юзига эшикни ёпишди. Раҳм қиладиган одам йўқ. Қани инсонгарчилик? Бўқротнинг қасами қайда қолди?

Аликнинг фиғони кўкка чиқди:

— Буржуялар! Чириб бораётган капитализм! Инсон бир-бирига бўри! — Овозини зўрға чиқариб у хотинига деворнинг нариги томонига Шарқий Берлинга, коммунистлар хузурига олиб боришни буюрди. Инсонийлик ўша ерда! У ерда неон чироқлари камроқ, магазинларнинг пештахталарида ҳеч вақо йўқ, фоҳишахоналар анқонинг уруғи. Лекин у ерда инсон инсонга дўст, ўртоқ ва биродар. У ерда тиббий ёрдам бепул.

Шарқий Берлинда Алиқни операция столига ётқизишар экан, пул ҳақида оғиз ҳам очганлари йўқ. Социализмнинг афзаллигига ишонч ҳосил қилган хотини миннатдорликдан тўлиб-тўлиб йиғлади. Алиқнинг ўзи эса хуши жойига келгач, ҳаяжон билан шивирлади:

— Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Наркоз таъсирида узил-кесил уйкуга кетмагунча шундай деб ётди. Лекин у қайтиб кўзини очмади. Унинг ҳужжатларини Бранденбург дарвозаси олдида ҳаддан зиёд узоқ текширишган эди — перетонит бошланиб қолди. Врачлар ҳарчанд уринишмасин, бўлмади. Уни кутқара олишолмади. У бепул операция столида узилди, унинг жасадини девор орқали бепул Фарбга узатишди ва ўша ерда шўрлик бева қарзи-ҳавола қилиб уни дафн этди...

Тагимизда қалин булутлар борлиги чатоқ бўлди-да! Шундоқ баландликдан иккала Берлинни баравар кўриш заб ажойиб иш бўларди-да. Айтишларича, бири жуда бадқовоқдай, тунд, чироқлари йўқдай кўринар экан. Иккинчисида эса неон чироқлари жавлон ураркан. Уни эркин дунёнинг витринаси деб аташар экан.

*Берлин шаҳаридан шимолроқда.  
Баландлик — 30000 фут.*

Э-э, тавбангдай кетай, парвардигор! Бу дунёда яҳудий деганнинг қанақалари йўқ эмас-а! Тель-Авивда бир сайр қилиб кўринг. Яна ҳам яхшироғи Қуддуси Шарифни бир айланиб чиқинг. Теварак-атрофингизга назар ташланг. Рўпара келган одамларнинг юзига разм солинг. Нега “юзига” дейман-а? Устидаги кийим-кечагига қаранг, қанақа тақинчоқлар тақиб олганига эътибор беринг. Ниҳоят, уларнинг терилари қанақа рангда эканига ҳам қараб кўйинг.

Бизга ўхшаган тўғри келадиган жойда яшаб ўтган, лекин ўз халқининг ичида яшаб умр ўтказмаган одамга шундай туюладики, типик яҳудийнинг сувратини чизаман десанг, узун бурунли, бурнининг белида жиндай букриси бор, қопқора жингалак сочили, шалпанг қулоқли одамнинг расмини чизмоқ керак. Қулоғининг катталиги филникдан кичикроқ бўлади, албатта, лекин айтайлик, Коля Мухинникдан каттароқ бўлмоғи лозим.

Шундай қилиб десангиз, бизга ўхшаган авлод-аждодининг тайини йўқ, қариндош-уруғсиз одамлар яҳудий деганни шунақа тасаввур қилар эдик. Фақат биз эмас, кўп ҳурматли “Правда” газетасида ҳажвчи-рассом бўлиб ишлаган Борис Ефимов ҳам (қулоғингизга айтиб қўйишим мумкин — у ҳам яҳудий, унинг ҳақиқий фамилияси, яъни ҳажвчилар, қизлик фамилияси деб атайдигани, — Фридлянд) шундай тасаввур қилади. Шунингдек, учига чиққан антисемитлар ҳам шундай деб ўйлайди. Лекин ҳаммалари ҳам адашади.

Фақат Исроилга келганимдан кейингина яҳудийнинг қиёфаси аслида қандай бўлишини билиб олдим. Нимани билдинг денг? Яҳудий ҳеч қанақа қиёфага эга эмас экан. Негаки, яҳудий типи деган нарсанинг ўзи йўқ нарса экан. Юзлаб тоифалар бор, халқлар ҳар хил бўлганидек, тоифалар ҳам хилма-хил. Яҳудийлар кўп асрлар мобайнида шунақа хилма-хил тоифадаги халқлар орасида яшашга мажбур бўлишган. Бу халқлар орасида қандай ҳаёт кечиришгани бошқа масала, ҳозир биз бу масалага тўхтаб ўтирмаймиз.

Ҳиндистонлик яҳудий аёл баайни Индира Гандининг туғишган синглисига ўхшайди. Кўзи ҳам ўхшайди, терисининг ранги ҳам бир хил, ҳатто бошдан-оёғигача ўраниб олган мато ҳам бир хил — ҳиндлар буни сарий деб аташади. Мошдақкина бриллиантни қулоғининг учига эмас, бурун паррагига кўндириб олган. Фақат фарқи шуки, Индира Ганди кўндириб олган бриллиант сал-пал йирикроқ бўлиши мумкин. Аммо гап бунда эмас-ку!

Ҳар гал мен Қуддуси Шариф кўчаларида Ҳиндистондан келган яҳудийларни учратиб қолсам, худди бизнинг унутилмас дохийимиз ва устозимиз Никита Хрушчев ҳинди меҳмонни қарши олганида айтгандай:

— Ҳинди-руси — бҳай, бҳай! — деб қичқиргим келади.

Никита ажнабий сўзларни жон дили билан яхши кўрарди, ҳолбуки уларни талаффуз этишда анча-мунча қийинчиликларга дуч келиб турарди. Эсимда бор, Индира Гандининг марҳум отаси Москвага келган эди. Ленин номидаги стадионда у билан тантанали учрашув бўлди. Эрталабдан камида уч юз граммча отиб олган Никита Хрушчев қимматли меҳмонни муборақбод қилиб, унинг исми-шарифини тўла айтиш ҳаракатига тушиб қолди. Аммо унинг исми-шарифи шунақа эдики, ҳадеганда унча-мунча ўриснинг тили кела қолмас эди. — Жаво-ҳар-лаъл! Тўғри, фамилияси жўнроқ эди — Неру.

Мен телевизорда кўрганман ва ўз қулоқларим билан эшитганман: Хрушчев унинг номини айтишга уч имарта уриниб кўрди. Лекин бирон марта ҳам тўғри айта олмади.

— Бизнинг кадрдон дўстимиз Жа-воҳрал...

Унинг кўзлари шокосасидан чиқиб кетай деди. Нафасини ростлаб, яна айтишга чоғланди:

— Бизнинг кадрли меҳмонимиз Жаво-лаҳра...

Терларини артди, бир қадам орқага ташлади, кейин хезланиб, яна микрофонга ёпишди:

— Жаҳрола...ва...

Ҳинди меҳмон ўзининг миллий оқ иштонида шундоққина Хрушчевнинг ёнида турарди. Хрушчев ҳар гал унинг қийин номини айтмоққа чоғланганда у кўзини юмиб олар ва тиш оғригидан азобланаётгандай афтини бужмайтираб эди.

Мен чалғиб кетдим, шекилли.

Айтайлик, марокашлик ёхуд яманлик араб яҳудийси мутлақо биз тушунган яҳудий эмас, балки ҳақиқий араб. Бунинг устига жамики арабий расм-русумларни ўзлаштирган. Буларни СССРда бой феодал қолдиқлар деб аташади. Қуёндай болалайди, меҳнат билан ўзини уринтирмайди, доимо кўзларида ғамзали бир ифода.

Шу одам менинг туғишган укам ёки лоақал жияним экани ҳақидаги фикрни ўзимга сингдиришим жуда қийин-да! Ундай бўладиган бўлса, яҳудий эмас, ўрис Коля Мухинни туғишган укам деб атасам кўпроқ ярашади. Икковимизнинг ўртамизда жиндай бўлса-да, ўхшашлик бор-ку! Мисол учун кўзимизнинг ранги... Ёхуд ҳаётга қарашларимизда ўхшашлик бор.

Бутун умрим мобайнида ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ўзимни Исроилдагидек ёлғиз ва бегона ҳис қилган эмасман.

Биламан, шу сўзларимни ушлаб олиб, мени тепкилаб ерга киргизиб юборадиган, чангитиб сўкиб, хуморини ёзадиган донолар анча топилади:

— Аҳмоқ! Разил! Нонкўр! Сен нима истаган эдинг Исроилдан? Бу ўзи кичкинагина камбағал бир давлат бўлса! Тўрт томондан ғанимлар қуршаб олган бўлса! Бордию сен Америкага кетганингда нима қилар эдинг? Ё Англияга? Ё Германияга? У ерларда ўзингни ёлғиз ҳис қилмас эдингми? Ёки ўша ёқларда ҳам фиғонинг фалакка чиқармиди?

— Йўқ! — деб жавоб берардим бунақа доноларга. — У ерларда мен ҳеч нарсадан шикоят қилмаган бўлардим. Менинг ҳеч қанақа даъвойим ҳам бўлмас эди. Бу мамлакатларга мен қочоқ тарзида келган бўлардим ва берган бир бурда нонлари учун шукр қилиб, кунимни кўраверар эдим.

Исроил — бошқа масала, ҳар биримиз у ерга ўзининг уйига боргандай боради, юрагида ўзи барпо этган Исроилни олиб боради. У ерга бориб, пешонаси тақ этиб деворга урилгач, орзулари чилпарчин бўлганини кўргач, шундай оху-фарёд қиладики, қўяверасиз. Гўё уни шафқатсиз лақиллатиб кетишгандай, энг сўнгги умидидан жудо қилишгандай.

Фараз қилайлик, Нью-Йоркда магазинда менинг ҳақимдан уриб қолишди. Хўш, мен нима қилардим? Хўп, сўкинардим, бўғилардим, сотувчини “ўғри, муттаҳам” дердим, борингки, унинг тумшуғига битта туширмоқни ихтиёр этардим, — тамом, вассалом. Америкага менинг даъвойим йўқ-да.

Лекин борди-ю, Куддуси Шарифдек шахри муборакда қўланса, лўли бозорга ўхшаган шовқин-суронли “Махана Иегуда” бозорида қоқ суякдан бошқа оғирлиги йўқ товуклар сотаётган, соқоли кўксига тушадиган яҳудий иврит тилини билмаслигимдан, ивритда ўнгача санай олмаслигимдан фойдаланиб пулимдан уриб қоладиган бўлса, “дод” деб юборгим келади. Ва чоғроқ бир яҳудий ур-йиқити уюштирсамми деб қоламан. Негаки, мен ниҳоят ўз уйимдаман, ўзимга ўхшаган қардошларим юрагидаман деган умидим чиппакка чиққан бўлади. Бу яҳудий менинг пулимни ўғирлагани йўқ, балки сўнгги умидимни ўғирлади. Дунё кўзимга қоронғи кўриниб кетади, бунақа дунёдан чиқиб кетгим келиб қолади.

Бу бозорда мени бир-икки марта алдаганлари йўқ. Алдаганларида ҳам менинг ношудлигим сабабидан алдашмади. Бу галва ҳамма янги муҳожирларнинг бошида бор. Аммо мени биринчи марта алдаганларида, менинг кўзларимдан ёш тирқиради. Худди бошимга тўқмоқ тушгандек гаранг бўлиб қолдим. Савдогарларнинг қий-чувидан, сўйилаётган қоқ суяк товукларнинг жон ҳолатда қақағлашларидан қарахт эдим. Товукларнинг қақағлаши бутун бозорни босиб кетганди. Чанг-тўзон ичида минглаб қанотлар патирлаб ётарди. Товукларнинг ичак-чавоқларидан тарқаган сассиқдан кўнгилар беҳузур бўларди. Қалпоғининг учини қулоғига қистираб олган йўғон-йўғон қассоблар товукларнинг пати юлинган бўйнига ўтқир устара тортар, жон ҳолатда типирчилаётган товукларни қон тушадиган тешикка тутишар, устарани эса оғизларида тутишиб, тигини лаблари билан қисиб олардилар-да, бўшаган қўлларини яна бошқа товукқа узатишарди.

Мен шу даҳшат ўртасида кўзимда ёшим шашқатор аҳволда турардим. Ҳар икки ёнимда кўздан оққан ёшимга парво қилмай яҳудийлар ўтиб боришарди. Нима бўпти? Бошига бирор кулфат тушгандирки, йиғлаётгандир. Исроилда бу билан бировни ҳайрон қолдиролмайсан.

Мен яҳудийлар пойтахтида яҳудийлар оломони томонидан туртилган-суртилган бир ҳолатда турардим. Ва ўзимга-ўзим уйига йўлини йўқотган болага ўхшаб кўринардим.

— Ҳой, яхшилар! Раҳмингиз келсин. Болани етаклаб, уйига олиб бориб қўйинглар! Агар шундоқ бўладиган бўлса, қонуний савол туғилади — аслида бу боланинг уйи борми? Бирор замонда унинг уйи бўлганми, ўзи?

Ўзимизнинг уйимизда — муборак Исроилда биз — муҳожирларни ота-боболаримиз келгуси йили Куддуси Шарифда бўламиз деб икки минг йил орзу қилиб ўтган мусофир юртлардагига қараганда ёмонроқ кўришади.

Яҳудийлар ўзларининг уйларида муборак Исроилда мусофирликда яшаган жойларидаги зolimлардан кўра бир-бирларини бадтар ёмон кўришни ўрганиб олишди. Агар сиз Россиядан келган бўлсангиз, сизнинг номингиз, албатта, “рус безориси”, агар Руминиядан келган бўлсангиз, пешонангизга, “румун ўғриси” деган тавқи лаънат ёпиштирилиши муқаррар. Агар Марокашдан келган бўлсангиз, “қора ҳайвон” деган лақабдан ортиқ унвонга сазовор бўлмайсиз.

Ўз уйида муборак Исроилда яҳудий яҳудийни шунақа беҳаёлик билан, шунақа устасифаранглик билан шиладики, агар мен бу тупроққа қадам босганимга қадар бирор одам бу тўғрида гапириб берганида, мен уни энг ашаддий антисемит деб атаган ва башарасига тупурган бўлардим. Энди бўлса менинг башарамга туфланг. Мен сартарошман. Сартарош дегани филология фанлари доктори эмас. Шунисига ҳам шуқр. Доктор тириклигини ўтқазिशга ярайдиган бирор машғулот топгунича бошини минг тешикка урмоғи керак. Сартарош эса иш қидириб ўтирмайди. Ҳамма қитъаларда, ҳамма жуғрофий кенгликларда, ҳар қандай тузум шароитида ва пулнинг қадри ҳар қанча тушиб кетганида ҳам одамларнинг соч-соқоли ўсаверади.

Исроил — муҳожирлар юрти. Муҳожирот унинг учун янги қондай гап. Муҳожирлар оқими тўхтаसा, қон томирлари беркилиб қолади. Бунинг оқибати “ўлим” дегани. Негаки, агар янги-янги муҳожирлар келиб турмаса, мамлакат бирпасда кимсасиз бўлиб қолади-да, Фаластинга айланади. Бу жойларнинг эски аҳолиси батартиб сафлар билан бу ерларни тарк этмоқда, давлатнинг туб аҳолисининг шонли қаторларини тўлдириб туришга одам керак-ку! Акс ҳолда, ора-

дан кўп ўтмай, арабларнинг бошини осмонга етказиб, бу мамлакатни жуғрофий китоблардан ўчириб ташлашга тўғри келади. Унда Нью-Йорк шаҳридан оқиб ўтадиган Ист-Ривер дарёсининг соҳилида жойлашган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдида саф тортган байроқлардан оқ-мовий ранглигини олиб ташлаш лозим бўлади.

Муҳожирлик яна нимага керак? Пулга керак. Муҳожирлар келиб турар экан, бундан ҳаяжонга тушган жаҳон яҳудийлари хасислик қилиб ўтиришмайди. Ва бу муҳожирларни жойлаштириш учун Исроил давлатига анча-мунча пул ўтқазишади.

Хўш, ҳозирги пайтда муҳожирларни қаердан топса бўлади? Россиядан. Бошқа мамлакатларда яҳудийлар масаласи анча аввал ҳал қилиб бўлинган. Шунинг учун у ерларда яҳудий қабристонларидан бошқа ҳеч нарса қолган эмас. У қабристонлар ҳам кам-камдан паркларга ва одамларнинг Владислав Гомулка номидаги истироҳ жойларига айланиб бормоқда.

Яҳудийлар масаласи ҳали узил-кесил ҳал қилинмаган жойларда эса яҳудийларнинг аҳволи чакки эмас ва улар ўзларининг тарихий ватанларига кетаман деб талпинаётганлари ҳам йўқ. Чунки у ердаги ҳаёт нақадар лаззатли экани тўғрисида етарли ахборотга эгалар. Бу яҳудийлар — ашаддий яҳудийпарастлардир. Қайси яҳудийлар уларнинг жойи тарихий ватанларида эканига лаққа тушиб ишонган бўлсалар, улардан катта-катта миқдордаги пулни аяшмайди.

Россияда яҳудийлар масаласининг узил-кесил ҳал қилиниши жуда тез суръатлар билан охирига яқинлаб келяпти. Шунинг учун яҳудийлар охири нима бўлишини кутиб ўтирмай у ердан жуфтакни ростламоқда. Ана сизга Исроил учун янги озуқа! Шу озуқа учун жаҳон яҳудийлари ҳамёнларини кавлаштиришади ва олтин ирмоқ жиринглаб, шилдираб Исроилга йўл олади.

Кимнинг ихтиёрига? Янги муҳожирларгами? Бунақа пайтларда Россияда нима дейишади, денг? Тушингизни сувга айтгайсиз.

Исроилда бу пуллар ёрдамида иқтисодий мўъжиза яратишади. Бу шунақа мўъжизаки, уни яқинроқдан текшириб кўрсанг, ҳар қандай иқтисодий олимни юрак хасталигига дучор қилади, циркда ҳунар кўрсатадиган ҳар қандай кўз боғлағич бу мўъжизани кўрганда унинг ижодкорининг маҳоратига ҳасад қилганидан ақлдан озмай қолмасди.

Мисол топиш учун узоқ бориб юриш шарт эмас. Мен ҳам тажриба учун қорни ёрилган қуёндай бу мўъжизани бошимдан кечирганман, шунинг учун менинг кўрсатмаларим ҳам бошқа ҳеч кимникидан ҳеч нарсаси билан қолишмайди. Мен оддий сартарош бўлсам, бошқа биров дунёнинг ярмига донғи кетган олим бўлса, бу билан аҳвол ўзгармайди. Биз икковимиз ҳам муҳожирмиз, Исроилнинг иқтисодий мўъжизаси ҳар икковимизда ҳам бир хил самара билан синаб кўрилган: биз меҳнатни дўндирганмиз, ҳузурини бошқалар кўрган.

Яҳудийлар аҳмоқ эмас. Шунинг учун мени сартарош сифатида ишлагани Фанлар Академиясига юборишгани йўқ, сартарошхонага йўллашди. Жой чакки эмасди. Қуддуси Шарифнинг қоқ ўртасида. Яффо кўчасида. “Махана Иегуда” бозорининг ёнгинасида. Шу қадар яқинки, мен электр устарамни токка улаб қўйганимда сўйилишга маҳкум товукларнинг ўлим олди фарёдларини баралла эшитиб турардим.

Сартарошхона одатдаги сартарошхона эди. Унча дабдабаю асъасаси йўқ. Ўриндиқлари эски, анча сийқаси чиққан. Кўзгулар қадимийлигидан ранги ўчиб кетган. Устаралар, албатта, шўроларникидан яхшироқ, бироқ Американинг қаричи билан ўлчаганда музейга қўйишга муносиб.

Хўжайин — румин яҳудийси. Кўпдан бери Исроилда яшайди, Рус муҳожирини ишга олганига жуда хурсанд. Нега дейсизми? Ахир шўро сартароши шўро шампанскийсидан фарқ қилароқ дунёдаги энг яхши сартарош эмас.

Айни мана шу жойда бир иқтисодий хўжайиннинг мени ишга олиши баайни қадимги Римда яҳудий қулни ишга олишларига ўхшайди. Ҳатто ундан ҳам яхшироқ шартлар билан олади. Римдаги қулни боқиб керак эди.

Менинг хўжайиним учун мен кўкдан тушган неъматдай бўлдим, бир йил мобайнида мен маошни жаҳон яҳудийлари ҳисобидан оламан. Яъни Абсорбция вазирлигининг стипендияси тарзида. Лекин молдай ишламоғим керак.

Тушган пулнинг ҳаммасини хўжайин олади. Бундан ташқари муҳожирни ишга жойлаб қўйишга ёрдамлашгани учун солиқдан камроқ тўлайди. Жаннат! Дунёнинг қайси бурчида яна шунақа мамлакат бор — бир тийин сарфламасдан қул асраш мумкин бўлсин-да, яна бунинг устига сармоя тўпласин?

Хўжайиннинг бунақа жаннатмонанд ҳаёти бир йил давом этади деб ҳисоблайдилар. Кейин менинг меҳнатимга унинг ўзи мояна тўлайдиган бўлади.

Лекин хўжайин аҳмоқ эмас, у румин яҳудийси. Роппа-роса бир йилдан кейин у менинг жавобимни бериб юборади. Менинг ўрнимга бошқа муҳожирни олади. Янги келганларидан. Унинг учун ҳам жаҳон яҳудийлари бир йил мобайнида пул бериб туришади. Кейин хўжайин уни ҳам бўшатиб юборади-да, яна Бен-Гурион номидаги аэропортнинг йўлига умид билан нигоҳини текиб тураверади. Аэропортга эса ичи тўла рус муҳожирлари билан янги авиакемалар қўнаётган бўлади. Бу муҳожирлар ичида йўқ деганда уч-тўртта саргароши чиқади, албатта.

Кунлардан бирида румин ароғидан керагидан ортиқроқ отиб олган хўжайин менга дилини очиб қолди. Агар, — деди у, — ўриндиқлар сонини икки баравар кўпайтирсам, Худо ярлақагур шўро ҳукумати муҳожирлар оқимини тўхтатиб қўймаса, мен бир юмалаб миллионер бўлиб оламан.

Ҳаёт саргарошларнинг аҳволи не деб ўйлайсизми? Менга қаранг, шундай деб ўйласангиз жуда хато қиласиз. Деярли ҳамма касб-кор эгалари ана шу “мўъжиза” орқали ўтади, ўз қўллари, ўз меҳнатлари билан Исроилга ўзининг миллионерларини етиштириб беради.

Мисол учун, мана, техник таржимонлик касбини олайлик. Одатда, бу икки тилни биладиган инженер. Айтайлик, рус тилини ва инглиз тилини. Бунақалар Исроилга Москва ва Ленинграддан жуда кўп келган.

Поляк яҳудийларидан битта абжири техник таржималар бюроси очипти. Рус муҳожирларини ишга ўтқазиб қўйипти, уларга маош тўлаш учун жаҳон яҳудийларидан пул олипти, даромадларини сақлаш учун ўзининг пулига пўлат сандиқ сотиб олипти.

Ҳар йили эски ходимларини ишдан бўшатиб юбориб, янгиларини олар экан. У миллионер бўлиб олди.

Ишдан бўшатишган рус яҳудийлари учун эса жаҳон яҳудийлари ортиқ маош тўламайди. Улар эса бирор ёққа қочиб жон сақлаш учун бор-будини сотишга мажбур. Бирор ёққа бўлмаса, шундай жойга боришсаки, у ерда меҳнатлари эвазига стипендия эмас, эл қатори иш ҳақи олишса, миллионер бўлишда ҳам бошқа йўл қўл келса — кўпроқ ишлаган одам бойиб кетса.

Менинг хўжайиним роппа-роса бир йилдан кейин мени ишдан бўшатди. Мени бўшатиб, ўрнимга Киевдан келган бир саргарошни олди. У яқиндагина келиб, чемоданларини энди очиб улгурган эди.

Мен бўлсам чемоданимни қайта жойлаган эдим.

*Свиноуйесц (Польша) шахрининг жануброғида.  
Баландлик — 30900 фут.*

Мен нега қайтиб кетяпман? Нима учун ўзимга на Исроилда, на Америкада жой топа олдим? Нега бир амаллаб зўрға қутулиб чиққан жойимга яна қайтиб кетяпман? Америкадан ўз ихтиёрим билан чиқиб кетдим? Ҳолбуки, дунёда қанчадан-қанча одам Америкада бўлишни энг улуғ инъом деб билади.

Майли, қани, бир таҳлил қилиб кўрайлик. Оҳ-воҳларни бир чеккага қўйиб, эҳтиросларга берилмай, совуққонлик билан ўйлаб кўрайлик. Эркинлик дейсизми? Ёш бола бўлманг. Эркинлик деганлари қип-қизил сафсатадан бошқа нарса эмас. Эркинлик дегани, азизим, ҳамёнингизда дастлабки юз минг доллар пайдо бўлгандан кейин бошланади. Хўш, қани, кимда бор ўша юз минг? Юз минглик бойваччалардан кўпини биласизми? Қани, исмларини айтинг-чи?

Демак, эркинлик ҳақидаги беҳуда гапларни бас қилайлик. Бундан кўра муҳимроқ бир муаммога — иқтисодий муаммога ўтайлик. Америка чекланмаган имкониятлар мамлакати. Бу ерда ҳар бир этик мойлайдиган одам миллионер бўлиб кетиши мумкин.

Ана шунақа, азизим. Буларнинг бари эски чўпчаклар. Биттаси миллионер бўлади, юз минги эса то ўлгунига қадар унинг этигини ялайди.

Мен Россияни тарк этаётганимда, қасамлар бўлсинким, бадавлат бўлиш режаларини ўйлаганим йўқ. Менинг хоҳишларим анча камсукумроқ эди. Мен рўзгоримни ўз қўлим билан тебратиб турсам бўлди эди. Мўлтонилик қилмасам, найранг ишлатмасам, ўз ҳақимни олсам, кечалари ана келади, мана келади, қинғир ишларим учун мени авахтага олиб кетади деб тўшагим устида эрта-лабгача тўлғониб чиқмасам, шу менга кифоя эди. Хуллас калом, топадиган уч-тўрт тангамни ҳалол топсам-да, ҳеч кимни алдамасам.

Ўзингиздан қолар гап йўқ — бизнинг мамлакатда фақат маошга яшайдиган бўлсанг, суробинг тўғри бўлиб қолади. Мен молдай ишлардим. Ишдан кейин ҳам ишлардим. Чакана ҳам қилардим. Ярим кечагача асбобларимни кўтариб уйма-уй юрардим. Ҳатто шунда ҳам ҳар хил найранглар ишлатишга мажбур эдим.

Ишда менинг асосий даромадим меҳнатимдан эмас эди, балки идора берадиган буюмлардан келарди. Уларнинг кўп қисмини тежаб қолардим, яъни ўғирлардим. Масалан, биз сочни нима билан бўяймиз? Истаган гўдак сизга айтиб беради: гамма ёки хина билан. Битта бошга норма бўйича фалонча грамм гамма ишлатиш керак, мен эсам бу бўёқ билан битта эмас, иккита бошни бўяйман. Ярми менинг ўлжам. Лак ҳам, атир ҳам шунақа. Истаган нарсангизнинг ҳаммаси шунақа. Шунақа ишлаганда кун бўйи анча йиғилиб қолади. Бир ҳафтада — шу анча-мунча бўлади.

Буларнинг ҳаммасини нима қиламан? Магазинга элтиб бераман. Магазинда бир ёшгина, келишган, жингалаксоч яхудий йигит ишларди. Шунақа хушбичимки, бизнинг витринамизга манекен қилиб қўйиб қўйса ҳам бўлаверади. Унинг ҳам, албатта, нафси бор: маошига мушук офтобга чиқмайди. Мен унга тежалган буюмларни орқа эшикдан олиб келиб бераман, у сотиб беради. Тушган пулни бўлиб оламиз. Шу пулларнинг эвазига тирикчилигимиз тузукроқ ўтарди. Албатта, вақт-соатигача “поп” этиб босиб қолмагунларича. Қўлтиқдан олишадиди-да, “Гражданин, бу ёққа юринг”, деб олиб кетмагунларича. Бунақа олазарак иш қилсанг, нимага ҳам эришардинг.

Мисол қидириб узоқ бормай қўяқолайлик. Бизнинг кўчада кўшни уйда бир ҳисобчи яшар эди. Жуда ювош, қўй оғзидан чўп олмаган одам. Ҳеч қачон саломатлигидан шикоят қилган эмас. У қандолатпазлик фабрикасида ишлар эди. Бир куни ишдан келади-ю, таппа йиқилади. Инфаркт. Тамом, оёғи осмондан бўлади.

Қандай қилиб? Нечук? Ҳеч касал бўлмаган одам-а? Соппа-соғ юрган эди-ку!

Маълум бўладики, бу биродари азизимиз фабрикадан ҳар куни портфелида бир килограмм шоколад олиб чиқар экан. Бутун оила шунинг кетидан тирикчилик қилар экан. Ҳисобчи бўлгани учун соқчилар уни текширишмас экан. Ҳеч ким ундан гумонсирарган эмас. Ҳеч ким уни қўлга туширгани йўқ.

У қўлга тушмасидан олдин қўлга тушиб қоламан деган хавотирдан ўлган. Ўн йил ҳар куни юраги така-пука бўлиб ўтган ҳисобчи экан-ку, бунақага қўтос ҳам чидамайди.

Кўриб турибсизки, менинг юрагим дош берди. Бироқ мен мамлакатдан чиқиб кетдим. Нима учун? Ризқимни ҳалол топиб ейиш учун. Нима дейсиз, уни топдимми? Йўқ, овора бўласиз.

Ҳамма жойда аҳвол бир. Ҳамма жойда ўғрилиқ қилишади, солиқларда найранглар бор, назоратчиларга пора берилади. Хуллас калом, ўша ҳаммом, ўша тос. Исроил нима-ю, Нью-Йорк нима — бари бир гўр. Унда савол туғилади: нима қилиб мен аҳмоқ Москвадан қочиб ўтирибман? Ахир, ундаги ҳаётга кўникиб қолгандим, ҳамма бир тилда гаплашарди, теварак-атрофингдагилар бегона эмас эди.

Бу савол биргина менинг миямни пармалаётгани йўқ. Менга ўхшаган аҳмоқлар сон мингта. Қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйишди. Албатта, жировини узишга ҳар қайсисининг ўз сабаби бор, аммо бу ишларнинг авра-астарини ағдариб кўрсангиз битта катта сабаб чиқади: биз — яхудийлар бегоналарнинг турмуши билан чиқиша олмаймиз.



Мана, манави эру хотинлар Ленинграддан экан. Иккови ҳам бир ёшни уриб қўйган.

Уларнинг омади келган экан. Америкада қариндошлари бор экан, у жиндай қарз бериб турипти. Эру хотин Бруклинда пойафзал магзини сотиб олишди. Пулини секин-аста тўлаш шарт билан. Бу телбанинг орзуси ушалипти — энди тингчина ўтирмайсани даромадингни ҳисоб-китоб қилиб.

Мана, эшитинг, хотини нима дейди? Менинг хотирам магнитофонга ўхшайди. Ҳамма гапини сўзма-сўз айтиб бераман.

— Менинг эрим ғирт аҳмоқ. Аҳмоқ бўлмаса, Россиядан шу ерга “Спидола” радиоприёмнигини кўтариб келадими? Америкага-я? Гўё бу ерда “Сони”ни арзонгина олиб бўлмайдигандек. Лекин у Россияда “Спидоласи”ни бир дақиқа ҳам қўлдан қўймас эди. “Америка овози”ни рус тилида эшитарди. Бу ерда ҳам ўша гап — “Спидола” қулоғига ёпишиб қолган, “Америка овози”ни рус тилида эшитгани-эшитган. Негаки, умрининг охиригача ҳам инглизчага тиши ўтмайди бу одамнинг. Магазинда кассанинг олдида ўтириб олиб, “Спидоласи”ни эшитгани-эшитган. Минг лаънат-э бунақа ишга!

Қора танли харидор киради. Унинг киргани менга ёқмади. Тўғри, биз шўро одамлари байналмилал руҳда тарбия кўрганмиз. Шу негрларни хўрлашмасин деб, норозилик митингларида уларни қўллаб овозлар берганмиз. Лекин бу ерда, Бруклинда негрларни кўрсам, ўзимдан-ўзим ғалати бўлиб кетавераман.

Бу харидор — уни харидор деяётганимга маъзур тутасиз — ўттиз долларлик ботинкани олиб, кассага ўн беш доллар тўлади.

— Қолгани қани? — деб сўрайди менинг эрим бир лаҳзага “Спидола” сидан бош кўтариб.

— Сендай исқирт яҳудийга шу ҳам етиб ортади — деб ишшайди негр. Уларнинг тишлари оппоқ бўлади, кулганларида яна ҳам оқроқ кўринади, мен сизга айтсам.

Эрим бунга қўнмапти. Чала инглизчасига сўкипти.

Ленинград лаҳжасида.

Бу негрга ҳам хуш келмапти. У эримнинг қўлидан, Ленинграддан кўтариб келган “Спидола”сини тортиб олиб, шу “Спидола”нинг ўзи билан унинг бошига туширипти.

Тушириб чиқиб кетипти. Ботинкани олиб кетипти. Ярим баҳосига. Менинг аҳмоққинам бўлса бошига елим қоғозни ёпиштириб, “Спидола”ни силкитиб кўрипти — бошга теккан жойи синган-синмаганини текширган — кейин яна “Америка овозини” тинглашга тушипти.

— Мен сизга бир сирни айтиб қўяй, — деб давом этди у. — Бу ердан тезроқ қочиб қолиш керак. Америка жарликка қулаб боряпти. Ирқчилик масаласида. Буни мен ўзим ўз кўзим билан кўрдим.

Биз магазинни очгандан кейин, биринчи куни тушган тушумни эримга ишонмай, ўзим олиб кетдим. Сумкачамда. Сабвейда. Улар метрони шунақа деб аташади. Жин урсин метросини! Ленинград метросидан кейин сабвей деганлари худди ахлатхонага ўхшайди. Ҳар қадамда елвизак. Тентак эримнинг яна менга маслаҳат берганига ўласанми? Сумкангнинг боғичини қўлингга ўраб ол, юлиб олиб кетишолмайди эмиш. Мен унинг гапига кирганимда, ҳозир унинг хотини ўрнида бир майиб ногирон аёл турган бўларди. Сумкам билан бирга қўлимни ҳам юлиб олган бўлишарди. Яхши ҳамки ундай қилмовдим. Негр фақат сумкамни юлиб олди, ичида пули билан. Югуриб перронга чикди-ю, ғойиб бўлди. Мен бўлсам ўрисчасига “онангни” — деб чангитиб сўкканимча, бақириб-чақириб қолавердим. Мен Москвада эмас, Бруклинда эканимни тамом эсимдан чиқариб қўйибман. Лекин менинг сўкишларимни эски муҳожирлар эшитган бўлса, подшоҳи аъзам даврида кечган болалик йилларини эслаб маза қилишган бўлса, ажаб эмас.

— Мен ирқчи эмасман, — деб гапига хотима ясади у, — лекин мендан яна бир марта митингга мана шу қора машаклар ҳимояси учун қўл кўтаришимни илтимос қилишса, мен ундан кўра қўлимни таг-туғи билан узиб ташлайман-да, мендан шунақа бемаза нарсани илтимос қилган бетамизнинг башарасига ўхшатиб тупураман. Бугун умрим қора машакларсиз яшадим, худо хоҳласа, умрим-

нинг охиригача ҳам уларсиз эпларман, бети қурсин. Хуллас, қайтиб кетиш керак.

Яна битта эру хотин. Булар Киевдан. Булар ҳам қўй оғзидан чўп олмаган, тинч, осуда одамлар. Эртаю кеч кайфда юрадиган петлюрачилар уларни жонидан тўйдирипти-да, улар Нью-Йоркда осойишта бир жой топишибди.

— Ё тавба-ей, — деб уф тортади хотини, — бу ерда кечқурунлар кўчага чиқиб бўлмайдими-я! Даҳшат! Ҳамма биқиниб олади, инига кириб, эшигини там-балаб олади. Ҳар битта хонадон қамал ҳолатига тушгандек. Кўчада ҳеч ким йўқ. Фақат автомобиллар гув-гув ўтади, холос. Йўлкага бирон одам тумшугини суқса-чи? Худди биров тишлаб узиб оладигандай!..

Телевизорда эса ҳар куни оқшом нуқул отишма, қий-чув, отилганлар, сўйилганлар — фалончини сўйиб кетишипти, пистончини бўғиб кетишипти. Бу ҳам етмагандай, фалон кампирни зўрлашипти.

Биз Киевда бир соат тоза ҳавода сайр қилиб келмасдан уйқуга ётмас эдик. Киевнинг ҳавоси алламбало-да... Лаббай? Асал-а, асал... Шарбат! Манави бўтқа ҳам ҳаво бўлдимми? Эримда қон босими бор. У сайр қилиб турмаса бўлмайдими, ўлиб қолиши мумкин. Аммо сайрга чиқса, эсон-омон қайтиб келиши гумон.

Хўш, биз нимани танладик? Э-э, ўладиган бўлсак, донгимиз чиқиб ўлайлик.

Ҳар кун оқшом биз икки тентак мутлақо кимсасиз кўчада сайр қиламиз. Ҳар эҳтимолга қарши эрим велосипед занжирини қўлига ўраб олади, мен бўлсам ҳар эҳтимолга қарши нон кесадиған катта пичоқни қўлимга ушлаб оламан. Шу аҳволда сайр қиламиз. Тоза ҳаводан шимирамиз. Шунақа сайрлардан яна бир нечтаси бўлса, бизда Подолда Киев безорилари гапирганидек, аҳволимиз вой бўлади. Ё, парвардигор, шу безорилардан бирортасини ҳозир учратиб қолсам, кучоқлаб бўғиб ташлардим. Нега десангиз, бу ердаги алвастиларнинг олдида у бамисоли фариштанинг ўзи-я!

Яна айтаверайми? Бу мисол жуда аниқ мисол! Ҳозир ўзингиз амин бўласиз. Гап шунақа бир кимса ҳақидаки, Шўро Иттифоқидан жуфтакни ростлаш унинг учун ҳам фарз, ҳам қарз эди. Унинг учун Америка — чўртан балиқ учун дарёдай гап эди. Бунақа уддабурон одамлар дунёда камдан-кам бўлади. Муҳр босай десанг, бирон соғ жойи йўқ. Миллионлаб сўмлар унга чўт эмасди. Пулда чўмиларди. Икки марта ўтириб чиққан. СССРдан чиқиб кетмаганда, суяги Сибирда чирирди.

Энди у қайтиб кетмоқчи. Бу ерда яшаёлмас эмиш. Йўқ, очликдан ўлаётгани учун эмас. Ўғриларнинг тили билан айтганда, у юкини жойлаб чиққан: иконалар дейсизми, тошларни (улар бриллиантларни шундай деб аташади), яна у-бу олиб кетган.

У бу ерда виждонан эзилиб кетди. Ҳазиллашаётганим йўқ. Бу латифадан олинган ҳам эмас.

— Биласанми, — дея зорланди у менга, — улар одам эмас. Пул деса жонини беришади. Уларда дўст, ошна-оғайни деган тушунчалар йўқ. Бунақа нарсалар нима эканини билишмайди. Бутун дунё улар учун ҳамкорларга ва рақобатчиларга бўлинади. Лекин мабодо сен унинг ҳамкори бўлганингда ҳам лалайма, хушёр бўлиб, орқа-олдинга қараб юрмасанг, таппа босиб қолади. Мен ҳам анойи эмасман, керак бўлиб қолса, ҳар қандай одамнинг ҳам гиппа томоғидан олишга ярайман. Аяб ўтирмайман, терисини шилиб оламан. Албатта, у менга рақобатчи бўлса. Лекин борди-ю, биз сен билан бир жон-бир тан бўлсак, ўртада битта иш бошлаган бўлсак, мени уканг қатори ҳисоблашинг мумкин. Ҳа-я-дай туриб бераман. Бизнинг Россияда шунақа-да! Айни шу хислатимиз бўлган панд бериб қўйди. Бизнинг кўнгилчанлигимиздан фойдаланишади. Аммо ҳеч кимга ишонмасанг, биров олиб қўймасин деб қақшаб-титраб, унга ёпишиб қолган бўлсанг, бунақа пулни ҳам, бунақа турмушни ҳам бошимга ураманми? Тиқилиб ўлмайсанми ўша пулинг билан!

Бу ерда битта яҳудий мени бағрига олди. Художўй экан, бошидан қалпоғини олмайди. Мени ўзига шерик қилиб олди. Мен ҳам бор-будимни қўшдим. Ишондим-да, бу одамга. Уйига чақирганди, зиёфатлар қилганди, мен билан бирга ичишган, ҳатто ака-укадай ўпишган эдик. Рус яҳудийларига жуда ачиниб кетганди. Насиҳат қиларди. Ҳеч кимга ишонманглар, хушёр бўлинглар, дерди!

Шунақа деган одам орқамдан пичоғини ўқталиб турган экан. Бир тийинимни кўймай шилиб олди, аблаҳ. Шип-шийдон қилди. Мен бўлсам, оғайним деб ишониб юрибман. Мен уни ўлдирмоқчи бўлдим. У бўлса тушунмайди, денг. Бизнес, дейди. Анграйма, дейди. Анграйишни нега суқиштиради бу ерга? Мен, дейман, сен аблаҳ билан бирга ичишгандик. Қадрдон бўлиб қолувдик. Сенга ишонгандим, ахир. Биз ахир ҳамкор-ку, рақобатчи эмасмиз-ку! Бу дунёда ҳамкор нима қилади дейди. Ҳамма рақобатчи. Ҳатто ўзининг жуфтиҳалолнинг ҳам ҳамкор эмас. Пулни айри сақлайди.

Уйга кетаман. Қамашса, муддатни ўтаб чиқаман. Ўтирсам ҳам, ўзимизнинг ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оламан-ку! Бу ерда менга ҳаво етишмаяпти. Тушунасанми? Одамгарчилик етишмаяпти.

Энди мен кўшимча қилай. Ўзимдан. Москвадаги кўшним Коля Мухин бор-ку, эсингиздами? Ўша Коля чўққадай ичиб оларди, эсини буткул йўқотиб кўярди, уйига тўрт оёқлаб эмаклаб, зўрға етиб оларди. Йўлда учраган одамдан битта саволни сўрарди:

— Сен мени иззат қиласанми?

Коля Мухин ҳатто шундоқ аҳволда ҳам бир нарсанинг ташвишини қилар эди. Бирорта одам мени иззат қилмаса-я!

Америкада мастлар бундан кам эмас. Лекин ҳеч ким Колянинг саволини сўрамайди. Сўраб нима қилади? Иззат-икром пул эмас. Башарамга туфлайман десанг туфла, устимга сийиб юборсанг, сия қол, фақат пулини тўласанг бўлди.

Бизнинг Россиядан келган одам ана шуни сира тушуна олмайди. Ҳеч қачон тушунмайди ҳам. Шунинг учун ана шу бой-бадавлат Америкада бирдан сиқилиб кетади, ойга қараб ўлгиси келади. Агар мабодо осмонўпар бинолар ортидан ой кўриниб қолса...

*СССРнинг давлат чегараси устида.  
Баландлик — 3200 метр.*

Менга битта савол беришингизни жуда-жуда истар эдим. Марҳамат қилиб, мендан бундай деб сўранг: Сиз жаноб Рубинчик ёки ўртоқ Рубинчик — нима десангиз ихтиёрингиз, майли, қайсиниси ёқса шуни айтинг — инсонни ҳайвондан ажрата оласизми? Шунақа савол берсангиз, мен сизга айлантириб ўтирмасдан ихчам ва лўнда жавоб бераман: ҳар қандай махлуқни ота-онасига, яъни уни ёруғ дунёга келтирган одамлар муносабатига қараб ажратаман. Шу белгига қараб, мен сизга дарҳол айтиб бераман — одамми бу ёки ҳайвон.

Ҳали бу нима экан, шу белгига қараб, худди дорифуруш тарозисида дорини аниқ ўлчаб берганидек, бирор миллат ёхуд бирор мамлакат бирор нарсага арзийдими, йўқми, салмоғи борми, йўқми эканини айтиб бераман. Мен ҳар хил статистик масъулиятлар билан, атроф-муҳитнинг булғангани, жон бошига қанча автомобилу қанча телевизор тўғри келиши ҳақидаги беҳуда гаплар билан миянгизни қотириб ўтирмайман.

Кекса онангизга сизнинг муносабатингиз қанақа? Шуни айтиб беринг, мен сизга кимлигингизни айтиб бераман.

Итальянлар — инсон. Улар оналарни жуда ҳурмат қилишади. О мамма мия — деб куйлашади, шекилли. Неаполда. Бизда Кавказда грузинлар яна-да инсонроқ. Улар оналарини Илоҳа ўрнида кўришади. Яҳудийлар тўғрисида-ку гапирмаёқ кўя қолай. Улар бу маънода инсонларнинг инсони. Чунки ҳақиқий яҳудий оиласида она — Илоҳа, подшо ва саркарда. “Сендан яхши инсон йўқ, она!” деган сўзлар бор маълум-машҳур шўро кўшиғида. Шу кўшиқнинг куйини ҳам, сўзларини ҳам яҳудий ёзган. Шунинг учун уни ҳақли равишда яҳудий кўшиғи деб атаса бўлади.

Бироқ Шўролар Иттифоқидаги рус яҳудийсигина шунақа деб куйлай олади. Америка яҳудийси бунақа деб куйлаёлмайди. Чунки унинг юрагида онасига нисбатан бундай туйғу аллақачон йўқолиб кетган. Порошокдан қилинган сут янги соғилган сутдан қанчалик фарқ қилса, американинг яҳудийси ҳам рус яҳудийсидан шунчалик ажралиб туради. Бир қараганда, фарқи йўқдай қуринади-ю, лекин бир жиҳати бор-да... Туйғулар йўқ. Фақат ақл қолган. Нима фойдалию нима бефойда? Нимадан манфаат етади-ю, нимадан манфаат етмайди?

Кексайиб қолган онадан фойда йўқ. Унинг ҳеч кимга кераги йўқ. Унинг кўздан нарироқ бўлгани яхши, яхшиси қариялар уйига топшириб юборган маъқул. Америкалик яҳудийларни оқлайдиган фақат бир гап айтиш мумкин — бу яҳудийларга хос хусусият эмас, бу америкача хислат. Яҳудиймисан ёки яҳудий эмасмисан, бундан қатъи назар, агар Америка байроғи остида туғилган бўлсанг — ота-онангга муносабатинг шунақа — тезроқ юракдан чиқариб ташлаб, кўздан нари қилиш пайида бўласан.

Эсимда йўқ — буни бир китобда ўқиганмидим ёки илмий-оммабоп кинода кўрганмидим — дунёнинг қай бир бурчагида қайсидир қолоқ қабиллада бир одат бор экан: қабилла бошқа жойга кўчиш мақсадида қўналғасини тарк этаётганда шарти кетиб, парти қолган қарияларни ўз ҳолига ташлаб кетар экан. Ёлғиз қолган қариялар бора-бора йиртқич ҳайвонларга ем бўлар экан. Бошқа қабилаларда бу масала янада осонроқ ҳал қилинар экан — улар қарияларини ўзлари еб қўяқоларканлар. Шу тарзда улар бир кесак билан икки қарғани урар эканлар — ҳам озиқ-овқат муаммосини ҳал қилар эканлар, ҳам сеvimли ота-оналарини қариган чоғида ёлғизликдан ва кексалик хасталикларидан халос этиб, уларга ҳаёт йўларини яқин қариндошлари даврасида миннатдор бола-чақаларининг жағлари орасида хомталаш қилиш имконини яратар эканлар.

Америка жуда бадавлат мамлакат. Бу ерда яҳудийлар аҳолининг энг қашшоқ қисмини ташкил қилмайди, албатта. Ҳар бир яҳудий хонадонидан иккита-учтадан автомобиль бор. Кўпчилик ўзининг хусусий уйларида истиқомат қилади. Бу уйларда хоналар етарли. Агар Москвада бўлганда бу уйларнинг биттасига камида бешта оилани жойлашарди. Хуллас, ана шу Америкада ота-оналари қариган чоғларида улардан шартга юз ўгиришади, виждонлари зигирча қийналмаган ҳолда тўғри келган баҳона билан улардан халос бўлиб қолишади.

Сизнинг ота-онангиз бор, ёхуд бева қолган битта онангиз ё бева отангиз бор, ўзингизнинг хусусий уйингизда турасиз, уч қаватли, ўн бешта хонаси бор, йилига юз минг доллар даромадингиз бор. Шундай бўлишига қарамай, агар америкалик бўлсангиз, ота-онангизнинг кексалик йилларини фарзандлик меҳри билан илтиб ўз бағрингизда олиб қолмайсиз. Сиз уларни қариялар уйига жўнатасиз. Бу уй жуда муҳташам, унга жойлашиш учун бир дунё пул керак. Лекин сиз ҳеч қандай харажатнинг юзига бормаёсиз, ота-онангизни бегона қўлларга топширасиз.

Улар микроблари қувиб чиқарилган озода хоналарда ўтиришади, оқ фартуқли негр аёллар уларни аравачаларга ўтқазиб олиб, турманикига ўхшаш узун йўлакларда сайр қилдиришади, уларни шинам жиҳозланган ошхоналарда овқатлантиришади ва ҳар куни эрталаб нонушта вақтида улар қўшниларидан бирикки киши етишмаётганини кўриб хуноб бўлишади — улар нонуштагача етиб бормай омонатларини эгаларига топширган бўлишади.

Қариялар бу ғарибхоналарда оила меҳрини кўрмай яшашади. Уларни ҳақи аввалдан тўлаб қўйилган марҳумликка номзодлар деса бўлади. Уларнинг бутун фикри-зикри ғайрихтиёрий тарзда битта мавзу атрофида айланади: у дунёга рихлат қилувчи навбатдаги одам ким бўлсайкин? Улар мункиллаган, пўпанак босиб, нураб бораётганлар орасида яшашади. Бунақа даҳшатли қийноқни ҳатто одамхўрлар ҳам ўйлаб тополмайди.

Бизнинг Россияда қарияларга ортиқча жой топилмайдигина эмас, балки бир хонада учта авлод — неваралар, фарзандлар, бувалар ва бувилар бирга яшашади, аммо шундоқ бўлса ҳам, мабодо сиз “қариялардан халос бўлинса чиким бўлмасди” деган мазмунда оғиз очиб қолсангиз, сизни энг ёвуз бир ҳайвон, одамгарчилигини бутунлай йўқотиб қўйган бағри тош бир кимса деб ҳисоблашади.

Сенинг ўзингнинг онанг! У сени катта қилган, даҳшатли хасталиклар чангалдан қутқарган, ўзи емай, сенга едирган, бомбардимон вақтларида гавдаси билан сени хатардан пана қилган. Наҳотки, ана шу онаизорни ўзингнинг фароғатинг деб, қариган чоғида оила меҳридан мосуво қилиб бўлса? Наҳотки, уни мулоқотда бўлиш, уларга қараб яшариш бахтидан маҳрум қилиб бўлса?

Мен Москвада уйланганимда ҳатто асал ойимизни ҳам қайнанам Циля Моисеевна билан бир хонада ўтказган эди. Ҳолбуки, унинг феъл-атвори қанду нов-

вот эмас эди. Лекин шундоқ бўлса ҳам, уни бирор ёққа гум қилиш ўйи хаёлимга ҳам келган эмас.

Америкага келганимдан кейинги дастлабки ойларда ҳали океандан сакраб ўтганим важдан пайдо бўлган вақтдаги тафовутни ҳис қилиб улгурмасимдан ва умуман, осмонўпар иморатлар билан учрашувдан нафасимни ростлаб улгурмай, уйқусизлик дардига чалиниб қолдим. Ўшанда ҳар куни тунда Нью-Йорк кўчаларида санғиб чиқардим. Тўғрироғи, Бешинчи авеню деб аталмиш марказий кўчада. Негаки, бу тош дара ичида истаган томонингга бурилиш хатарли эди — пальтондан ёхуд чўнтагингдаги долларингдан ажраб қолишинг ҳеч гап эмас эди. Мабодо омадинг келмай қолса, уйингга, муҳожирлар учун мусофирхонага каллангни қайтариб олиб келиш ҳам амримаҳол бўлиб қоларди.

Мен ёлғиз ўзим Бешинчи авеню бўйлаб сайр қилиб юрар ва дунёдаги энг бой магазинларнинг чарақлаб турган витриналарини томоша қилардим, витриналардан эса менга манекенлар қараб туришарди. Ўнлаб бир хил манекенлар. Улар мўйналарга бурканган, ҳашаматли либослар кийган, фраклар, костюмлар, энгил спорт либослари, шапалоқдеккина бикиниларди. Уларнинг ҳаммаси маъносиз шиша кўзлари билан менга тикилади, ҳаммаси ҳам бир хил — маъносиз тарзда ишшаяди.

Мен америкаликларни хафа қилмоқчи эмасман. Америка яҳудийлариники — инчунун. Аммо уларнинг ҳар қайсисида ана шу манекенларнинг қай бир зарралари бор-да! Шунинг учун бунақа одамларнинг даврасида яшаб барака топмайсан, вақти-соати келиб ўзинг ҳам шуларга ўхшаб қоламан деган фикр келганда эса, бўйнингга сиртмоқ солиб юборишдан ҳам тоймайсан.

Хом сут эмган бандалигимга бориб, бу дунёда ҳамма нарсани кўриб бўлдим, энди мени лол қолдириши мумкин бўлган ҳеч нарса қолмади деб ўйлайман. Адашган эканман. На фақат лол қолдим. Балки лол қолганимдан бошимни деворга уриб ёришимга сал қолди.

Бир вақтлар қариялар уйида сартарошлик қилган эдим. Жуда яхши уй. Ҳаммаёғи саришта, озода. Жиҳозлари яхши. Катта бир хастахона қошида бир бўлим тарзида очилган. Бизнинг мижозларимизга энг яхши врачлар кўз-қулоқ бўлиб туришади. Қарияларни шу ерда олиб туришлари учун уларнинг бадавлат фарзандлари катта пул тўлашади. Мен мижозларнинг сочини олиб, соқолини қираман. Қалтироқ, ожиз чолларга раҳмим келади. Ўзимнинг чала-чулла инглизчамда уларнинг ҳар бирига бирон оғиз ширин гап айтишга ҳаракат қиламан. Улар бир зумда хориждан келганимни фаҳмлаб олишади. Албатта, талаффузимга қараб эмас...

Баъзан мен у ерда кечасига ҳам қолардим — уч-тўрт доллар қўшимча ишлайман деб навбатчилик қилардим.

Қариялар тунда ўлишади. Тонгга яқин. Бир кампир менга қизининг телефонини берди — бирор кори ҳол бўлиб қолса, огоҳ қилиб кўярсан деган маънода. Кечаси кампир узиладиган бўлиб қолди. Мен врачдан “Кампир яна қанчага бораркин?” деб сўрадим. Бир соатдан ортиққа бормайди, деди у.

Телефон эсимга тушди. Кампир роса қизини мақтаган эди, унинг тиниб-тинчиб кетганини, яйраб-яшнаб яшаётганини оғзидан бол томиб гапирарди. Эри адвокат экан, Лонг-Айлендда хусусий уйи бор экан. Қўғирчоқдек гўзал фарзандлар...

Кечаси соат уч эди. Мен Лонг-Айлендга кўнғироқ қилдим. Анча вақтгача ҳеч ким гўшакни кўтармади, аёл киши уйқусираган овозда “Сизга нима керак?” деб сўради.

Менга ҳеч нарса керак эмас, деб жавоб бердим. Кўнғироқ қилаётганимнинг боиси шуки, дедим, онангиз оғирлашиб қолдилар, агар тезроқ етиб келсангиз, ҳали узилмай туриб кўриб қолсангиз, ажаб эмас...

Сиз ўйлайсизки, гўшакдан фарёд овози эшитилди деб:

— Ярим кечада телефон қилишга нима ҳаққингиз бор? — деб сўради қаҳр билан кампирнинг қизи. — Яна ҳордиқ куни бўлса?

Шундан кейин хусусий ҳаётнинг дахлсизлиги тўғрисида ва менинг сурбетлигим, андишасизлигим ҳақида менга маъруза ўқиди.

Эру хотин болалари билан мириқиб уйқуга тўйиб олгач, тонг отиб аллама-ҳал бўлиб қолгач, марҳумани кўргани келишди. Қизи қадди-қомати келишган навқирон жувон экан. Одатга кўра пичагина кўздан ёш чиқарди, юзидаги упа-элликни бузиб қўймасин учун бу ёшини ҳам кўздан чиқиши ҳамона дастрўмол билан артиб олди.

Мен унга шахсий душманимдан бадтар нафрат билан қараб турардим. У менинг нафратимни сизди, шекилли, менга орқасини ўтириб олди. Қадди-қомати тик, жуда хушбичим эди. Марҳума онаси ўз вақтида уни шарбату витаминларни аямай роса парвариш қилган экан.

Эртаси куни менинг каттам тунги қўнғироқ учун танбеҳ берди:

— Эҳтимол, сизларнинг Россиянгизда шунақа қилса бўлар, — деди қовоғини уйиб кекса яҳудий; икки-уч йилдан сўнг унинг ўзи ҳам шунақа ғарибхонага тушмоғи аниқ эди. Америкада тартиб бошқа. Уни ўзгартиришга сизнинг ҳаддингиз сиғмайди.

— Э, менга деса, ҳамманг куйиб кул бўлмайсанми-я! — деб жавоб бердим рус тилида.

У, албатта, тушунгани йўқ.

*Бобруйск шаҳаридан шимолроқда.  
Баландлик — 3200 фут.*

Энди бўлса, келинг, эркинлик нима эканини бир таҳлил қилиб кўрайлик. Ғузл сўзларсиз, пардоз-андозсиз. Эркинлик учун одатда киноларда жон фидо қилишади.

Кўзингиз бунақа бақраймасин-да, гапимни эшитинг. Мен оддий одамман. Шўролар Иттифоқида менга ўхшаганларни мешчан дейишади. Мен тинчгина, кўчада бирор инсон тўқнашидан хавотир олмай хотиржам яшашни истайман. Чунки менинг милициям мени кўриқлайди. Ҳа, ҳа, майли, буни полициячи давлат дейсизми, тоталитар тузум дейсизми — ихтиёр ўзингизда. Қандай хоҳласангиз, шундай атайверинг. Кечки пайтларда кўча-кўйларда сайр қилиб юрганимда полициячиларни қанча кўп учратсам, шунча хурсанд бўламан. Ҳа! Мен фуқароча кийинган, лекин костюмининг тагига пичоғ-у тўқмоқ яшириб олган йўлтўсардан кўра қайишига резинка тўқмоқ, биқинига тўппонча тикиб олган полициячини афзал кўраман.

Албатта, кўча-кўйларда сон-саноксиз полициячи изғиб юрса-ю, уларнинг орасида бир ўзим шўппайиб оқшом кезлари сайр қилиб ҳузурланиб юрсам, бу, албатта, маданий ҳордиқ олиш бўлмайди, балки аристоннинг турма ҳовлисидаги сайрига кўпроқ ўхшаб кетади. Бундай бўлса, чегарадан чиқиб кетган бўларди. Ҳамма нарсада меъёр бўлмоғи керак. Полициячилар орасида, майли фуқаролар ҳам учраб турсин. Бу фуқаролар аёллардан бўлса нур устига нур. Айниқса, ёшроқ бўлса... Дўмбоққина бўлса... А, лаббай? Аркадий Рубинчик ҳам анойи эмас. Шунақа. Буни менга болалигимдан бери сингдириб келишади — аёлларга суягим йўқроқ эмиш. Мен нима дердим, хўп дея қоламан. Бор нарсани бор дейсан, йўқни йўқ дейсан-да. Хўп, узр.

Хўп, асосий гапга қайтайлик. Эркинлик ҳақида гаплашаётган эдик... Эркинликни шавлага қўшиб еб бўлмайди. Эркинлик билан авротингни яшира олмайсан. Бунинг учун энг жўн бир шим керак. Унинг олдида ўйиғи бўлмоғи, ўймоқнинг тугмалари бўлмоғи керак. Тугма ўрнига “молния” деган нарса билан бекитилса яна ҳам яхши.

Хуллас калом, эркинлик деган билан қорнинг тўймайди. Хўш, инсонга биринчи навбатда нима керак? Қорин тўйдирадиган овқат. Кейин-чи? У-бу буюм орттирса чакки бўлмайди. Нега десангиз, одатда устига қараб қарши оладилар... Учунчидан-чи? Хўш, сиз билан бизга нима керак учунчидан? Кўриб турибман, тушунадиган одам экансиз. Ҳа, шунақа. Ана шундагина эркинлик, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, кўчаларда намоийш қилиш эркинлиги каби юксак нарсалар ҳақида фикр юритиб, сафсата сотсангиз, арзийди. Қачон дейсизми? Ҳа, энди, жонон билан дон олишиб бўлгач, юмшоқ тўшакда чўзилиб

ётиб, булғор сигаретасидан тўйиб-тўйиб тортиб, хуморингиз тарқагандан кейин-да...

Менга қаранг, азизим, шунақа иссиққина партўшакда ётган бўлсангиз, сизнинг меҳнатда қотган бўйнингизга хурилиқонинг момиқ қўллари чирмашиб олган бўлса, сиз буларни тарк этиб кўчага совуқ изғирин қўйнига чиққингиз келадими? Кўчага чиқиб, намойишчилар қаторида тургиниб-суртиниб юрар-мидингиз? Орқангиз қичиб, ҳамманинг олдида бақириб-чақиргингиз келиб кетгани учун ҳукумат кучларининг таёғини татиб кўришга рози бўлармидингиз? Гимназиянинг иккинчи босқич талабалари ва узун сочли студентлар шунақа иш қилса ярашади. Сочи узун — ақли қисқа!

Эркинлик деб қанчадан-қанча одам қиргин қилинган. Шунга қараганда оламда эркинлик деган сўздан яхшироқ сўзни ўйлаб топиб бўлмайдиган кўринади. Қани, келинг, чиндан ҳам шу эркинлик деган сўзни бир у ёқ-бу ёғини ағдариб кўрайлик.

Эркинлик деганда нимани тушунамиз? Ўз ҳокимиятингни сўкиш ҳуқуқими? Шунақами? Қолган ҳаммаси — сафсата. Ундан чиқдики, ўз ҳокимиятимни ҳў бўралаб сўксам — эркин одамман, дамимни ичимга ютиб, индамай, шахсий ишларим билан машғул бўлсам — қулман, о'кей!

Агар шунақа бўлса, шундай мулоҳаза юритсак, биз СССРдагилар энг озодалар эдик. Доҳийларимизни қанақа чангитиб сўкардик. Бунақа сўкишларни яна қаерда эшитгансиз? Никита Хрушчев — маккажўхориҳўр тентак Иван. Брежневга қанақа лақаблар тақилмаган. Тўғри, минбардан туриб, ҳамманинг олдида айтмасдик, майдонларда ҳайқирмасдик. Лекин бизга бунақа қилишнинг кераги ҳам йўқ эди-да! Биз гап сотиб, гийбат қилиб, кўнглимизни бўшатсак, бас эди. Дўстлар даврасида жиндай-жиндай отиб ўтириб, пичир-пичир қилиб. Томоқни йиртиб нима қиламиз — томоқни давлат бермайди-ку!

Сизга бундан бадтарини айтаман — бизнинг парторгимиз Капитолина Андреевна тор доирада Хрушчев ҳақида шунақа гапларни гапирар эдики, эшитсанг, анграйиб қолардинг. Рост, Хрушчевни ишдан олишгандан кейин...

Ўзингиз очигини айтинг менга — ўша Исроилда ёки Америкада одамлар намойишга чиқаман, кўча ҳаракатига халақит бераман, ҳамманинг олдида ҳархаша қиламан деб ўлиб кетяптими? Хўш, мабода шунақа қилишса, бунинг эвазига нимага эга бўлишади? Шу йўл билан бирор нарсага эришишади деб ўйлайсизми? Бекорларни айтибсиз. Бекорга томоқларининг қирилгани қолади, вақтлари кетади, ўзлари эса эркинликдан фойдаланганлари учун мамнун бўлиб, уй-уйларига тарқалишади. Ҳокимият эса ўтирган ўрнида ўтираверди, мийиғида кулганича одамларнинг бақириб-чақирганларига парво ҳам қилмайди. Нега десангиз, министрларни тайинлайдиганлар кўчадаги намойишчилар эмас, ишдан оладиганлар ҳам улар эмас. Чунки бутун дунёда уларни ўйнатадиганлар бутунлай бошқа одамлар.

Оломоннинг қўлига эса “озодлик” деб аталган бир қўғирчоқни тутқазиб қўйишади — ма, ол, кўнглингга сиққанича эрмак қил, фақат лозим бўлмаган жойга тумшуғингни тикма!

Гапимга ишонаверинг, Россияда бу ишларни ҳалолроқ қилишади. Ҳеч кимга ҳеч қанақа қўғирчоқ берилмайди, ҳар қандай киши кўрпасига қараб оёқ узатмоғи керак. Ўз жойингда тинчгина ўтир. Типирчилама. Ўзингни маромида тут. Бўлмаса... Ўзингиздан қолар гап йўқ, ёш бола эмассиз: Сибирнинг совуғи ҳар қандай дардга даво.

Хўш, охир-пировард нимага эга бўламиз? Нимага эга бўлардик, мана, кўринг: Нью-Йоркда кечқурун кўчада тумшуғингни кўрсата олмайсан, уйингни ичидан беркитиб олиб, рангли телевизорингни томоша қиласан — полициячилар кўчага журъат қилиб чиққани учун пичоқланган оvsарларни тез ёрдам машиналарига ортиб олиб кетишаётганини кўрасан.

Хўш, Москвада нимага эгамиз? Истасанг шаҳарнинг қоқ ўртасида, истасанг энг авлоқ, энг холи бир бурчақда эрталабгача сайр қил, ўйна, яйра, ҳар қадамда бир милиционер, навбатчи патруллар кварталларни айланиб юришади, дружиначилар уларнинг кетида ҳалак, сени шунақа қаттиқ ҳимоя қилишадики, гирт маст ҳолда кўчада ухлаб қолсанг ҳам бўлаверади. Жуда нари борса, сени жон-

сиз қўлларингдан етаклаб ҳушёрхонага олиб кетишади, ювиб-тараб, тозалаб, оппоқ чойшабга ўраб ухлатиб қўйишади, эрталаб бўлса, биронта ҳужжатингни қолдирмай қайтариб беришади-да, сени соғиниб қолган оилангни хурсанд қилиш учун уйингга жўнатиб юборишади.

Шундоқ бўлгандан сўнг, сиздан сўрайман — қани, айтинг-чи, қаерда тартиб кўпроқ? Қаерда инсон чинакамига эркинроқ нафас олади?

Илмий журналларда ёзишганидек, изоҳнинг ҳожати йўқ.

*Кичик Ярославец шахрининг шимолроғида.  
Баландлик — 2400 метр.*

Кўп афсус, биз сиз билан бу сафаримиздан аввалроқ таниш бўлмаган эканмиз. Сизга бирмунча ажойиб воқеаларни кўрсатар эдим. Осмонга кўтарилишимиздан тахминан бир соатча олдин Нью-Йорк аэропортига самолёт келиб кўнди. Ичи тўла шўро яҳудийлари. Яқиндагина мен ҳам шулар қатори эдим, мен ҳам худди шу рейс билан Римдан Нью-Йоркка учиб келган эдим. Қўлтигимда юк халтам, Исроил билан Италияда кўрган-кечирганларимдан кейин роса эзилиб, дабдала бўлганман. Худди шуларга ўхшаб, Америка ниҳоят шўринг қурғур, бо-яқиш яҳудий учун бир бошпана бўлар деган умид кўнглимда...

Агар мен уларга СССРга қайтиб кетяпман десам, мени тилка-тилка қилиб ташлашарди. Мени қип-қизил аҳмоққа чиқариб қўйишарди ёки шўро айғоқчиси деб ҳисоблашарди. Шунинг учун мен уларнинг яқинига ҳам борганим йўқ, бир чеккада туриб кузатдим, холос. Балки биронта таниш-билиш чиқиб қолар. Бунақалар чиқмади. Қўлоғимга чалинган ола-қуроқ гапларга қараганда, келганлар кўпроқ Одесса ва Киевдан экан. Жуда толиқишган. Ҳаяжонга тушишган. Биласизми, улар менга кимни эслатишди? Кема ҳалокатининг ҳолдан тойиб, бир амаллаб бегона қирғоққа етиб олган қурбонларини. Ҳозир эса улар усти-бошлари шалаббо, дийдираган, бир-бирининг пинжига суқилишиб, кўзларини бақрайтириб туришибди. Қаттиқ ерга етиб олганлари учун ўзларини бахтиёр санашади. Аммо бу ер қанақа, уларни қандай кутиб олади — билишмайди. Шунинг учун ҳам бесаранжом бўлишади. Гапиришса, бақриб гапиришади. Сал бўлса, жазавага тушмоқлари, ўзларини кўтариб ерга уришлари ҳам ҳеч гап эмас.

Ҳолбуки, улар Россия билан хайрлашаётганларида кўз ёшларини тўкиб бўлишган. Ўзларини ўтмиш билан боғлаб турган ҳамма ипларни — ёру биродар, қариндош-уруғлар билан алоқаларини юракларидан қонлари сизиб туриб узганларида сочлари оқариб, мункиллаб бўлганлар. Исроилга келиб, Лод аэропортида қирғоқни ўпар эканлар ва шу йўл билан кўнгилларидаги муҳожирот зилини бироз енгиллатар эканлар, яна йиғлашган. Ўшанда бу сафар ҳаётларидаги энг сўнги сафардек туюлган. Жаҳонгашталиклари шу билан тугайдигандек, сўнги бекатдек кўринган. Сўнг эса яна санқиш, яна дубадарлик. Синиқ кўнгил билан, таҳқирланган қўйи маъносиз нигоҳ билан. Ортиқ ҳеч нарсдан умид қилмай. Боши оққан бирор томонга етиб олишса, бас. Қоринлари тўйса, бошпаналари бўлса, ҳамма нарсани унутишса, бас.

Улар Кеннеди номидаги аэродромнинг муҳташам гумбази остида бир-бирларининг пинжларига киришиб, тўпланиб туришар ва Америкада аллақачон урфдан қолган резинка сақични асабий бир ҳолатда чақиллатиб чайнашар эдилар. Уларнинг кўз ўнглирида эса орзуларининг чўққиси сифатида Америка паспорти лип-лип ўтиб турарди. Уни беш йил ўтгандан кейин олишади. Олдин берилмайди. Ўшанда ҳам хулқи-атворинг бекаму кўст, бенуқсон бўлса. Яна бошқа анча-мунча шартлари бор. Бу — шартларга мувофиқ келиш керак. Акс ҳолда, марҳамат, тўрт томонингиз қибла. Бошингиз оққан томонга марҳамат қилиб, туёғингизни шиқиллатишингиз мумкин.

Буни ўзим ҳам бошимдан кечирган эдим, шунинг учун, уларни автобусга ўтқазиб, Нью-Йоркка олиб кетишаётганда ва Америка уларни жонли одамлари билан эмас, балки йўллардаги гала-гала автомобиллар ҳам уларнинг икки чеккасидаги сон-саноксиз қабристонлар билан қарши олганда уларнинг хаёллари-га қандай ўйлар келишини яхши биламан. Қабристонлар яҳудийларники, като-



ликларники, протестантларники. Қабрлар устида минглаб ёдгорликлари бор. Ҳар бир қабр тоши остида мўъжизалар мўъжизаси бўлмиш Америка паспортининг бахтиёр эгаси ётмоғи керак. Аммо автобусда кетаётганларда бу паспорт йўқ. Бўлиш-бўлмаслиги ҳам номаълум. Беш йилдан кейин нималар бўлмайди, дейсиз, худо билади. Бу муддатга дош бериша оладими-йўқми? Масалан, менга ўхшаб.

Пешонаси сўнгги марта тақ этиб деворга теккандан кейин “дод” деб юборадиган ва Вашингтондаги Ўн олтинчи авенюга қараб йўл оладиганлар озмунчами?

Йўқ, йўқ. Вашингтондаги Ўн олтинчи авеню ўз жонига суиқасд қиладиганларнинг жойи эмас. У ерда ғарибхона ҳам йўқ. Бу ер Нью-Йоркдаги Бауфистрит эмас.

Ўн олтинчи авеню — Вашингтоннинг энг муҳташам мавзеи. Вашингтоннинг ўзи — мен сизга айтсам, анча бўлмағур шаҳар. Оқ уй шундоққина кўрииб туради. Омадингиз келиб қолса, президентга ҳам рўпара келиб қолишингиз мумкин. Албатта, уни отиб кетишганларидан аввал...

Вашингтондаги Ўн олтинчи авенюда жонажон Шўро элчихонаси жойлашган. Бир замонлар собиқ шўровий бўлган тентак яҳудийлар учун чиндан ҳам сўнгги бекат.

Ҳозир мен билан бирга жиндай кулишасиз. Гарчи очигини айтганда, билмадим-ов — бунинг кулгили жойи борми-йўқми? Ўзингиз ўйлаб кўрарсиз.

Совет элчихонасининг олдида бир эмас, икки эмас, бир йўла тўртта Америка полисмени туради. Кенг яғринли, кўтосга ўхшаган, паншахага ўхшаган қўлларидан залворли тўқмоқ. Бошингизга тушириб қолса, бош чанофингизнинг суякларини йиғиштириб ололмайсиз.

Улар шўро элчихонасини Америка яҳудийларидан ҳимоя қилишади. Ўзингиз биласиз, баъзан элчихонанинг олдида қиёмат бўлиб кетади. Бўрон! Қуюн! Америка яҳудийлари бутун авенюга тўлиб кетган. Қўлларидан плакатлар, мегафонлар ҳайқириги. Минглаб одамлар дод-вой солади: “Жавобини бер, менинг халқимнинг!”

Албатта, яҳудий халқининг СССРда истиқомат қилувчи қисми назарда тутилади. Америка яҳудийлари ана шу биродарлари учун Исроилга йўл очиб бериш учун курашадилар-да! Америка эмас, Исроилга.

Америкалик яҳудийларнинг ўзи у ерга бормайди. Барибир нима қилади у ерда? Лекин рус яҳудийлари борса бўлади. Нур устига нур. Шунинг учун ҳам: “Жавобини бер, менинг халқимнинг!”

Бунақа кунларда тўртта эмас, юзлаб полисменлар жунбушга келган яҳудийлар оломонини элчихонанинг олдида қувиш билан овора. Элчихонадан эса биронта одам қорасини кўрсатишга қўрқади.

Лекин намоишлар бўлмайдиган оддий кунларда ҳам тўрттадан кам полициячи навбатчилик қилмайди. Чунки элчихонанинг рўпарасида кўчанинг нариги томонида худонинг берган куни эртадан-кечгача навбат алмашиниб ўн-ўн бешта америка яҳудийси навбатчилик қилади. Ёшлар. Студентлар бўлса керак. Кўпинча руҳонийлар ридоларида, қўлма-қўл ушлашиб доира олишади-да, йўлкада рақс тушишади. Вақти-вақти билан эса рус тилида америкача оҳангда қичкириб қўйишади.

— Фиръавн! Фиръавн! Жавобини бер, халқимнинг!

Яҳудийларнинг шунақа бир қўшиғи бор.

Ҳар куни эргалабдан-кечгача шу аҳвол. Йўловчилар худди шаҳар соатларининг занг уришларига ўрганиб қолгандек, бунга кўникиб қолишган. Полициячилар ҳам. Элчихонадагилар ҳам.

Бу Ўн олтинчи авенюнинг бир томонида. Унинг у томонида, кўчанинг нариги бетида элчихона биносининг олдида полициячиларнинг орқасида ҳам яҳудийларни кўриш мумкин. Америкаликларни эмас, собиқ шўро яҳудийларини. Америка яҳудийлари шуларни деб намоишларда жонлари халқумларига келгунча бақириб-чақиришади.

Булар “халқимга жавоб бер” деб ҳайқирмайди. Чунки бир замонлар уларнинг чиқариб юборилишини талаб қилиб, шунақа деб ҳайқаришган ва уларга

жавоб берилган. Энди бўлса улар полисменларнинг орт томонидан элчихонага яқинлашиб олиб, бошқача ҳайқиришга тайёр!

— Бағрингга қайтар халқимни!

Қарама-қарши томондаги йўлкада америкаликлар хириллаб, бўғилиб “Жавобини бер, халқимнинг!” деб бақиршади. Уларнинг қийқириқларини пана қилиб, бу шовқин-суроннинг сабабкорлари эмаклар элчихонага кириб олиб, қайтариб юборишларини ўтинади. Россияга. Уйга. Онасининг олдига. Отасининг олдига.

Мен буни фақат ташқаридан туриб кузатган эмасман. Ўзингиз сезиб турган бўлсангиз керак — гуноҳкорона қиёфада шўро элчихонасининг эшикларига тармашиб, ялиниб-ёлворганлардан бири мен эдим. Ягриндор полициячиларнинг панасида, кўчанинг нариги томонидаги бақиравериб алақачон ҳирқираб қолган шўро яҳудийлари ҳимоячиларининг узлуксиз рақсу самолари жўрлигида. Уларнинг хитоблари жўрлигида:

— Жавобини бер, халқимнинг!

Мени элчихонага киритишди. Мен ёлғиз келганим йўқ, бир ошнам билан келувдим. У бу ерга авваллари ҳам кўп келган. Унинг ишлари анча юришиб кетган эди — ҳужжатлари Москвага жўнатилган, у ердагилар узил-кесил ҳал қилишини кутяпти. Бу ишлар унчалик қўрқинчли эмаслигини кўрсатиш учун у мени етаклаб олганди. Шу баҳонада ишлари қандоқ бораётганини ҳам билиб олмоқчи эди.

Сизга шуни айтмоғим керакки, ичкарига киришим биланоқ ҳамма хавотирим бирдан ғойиб бўлди-қолди. Бизнинг олдимизга элчихонанинг ходими чиқди. Билмадим, консулмиди, вице-консулмиди. Эски ошналардек бизга жилмайди-да, деди:

— Келинлар, кадрли ўртоқлар. Ўз уйингиздек тортинманглар.

Тасаввур қиляпсизми? Бизга, яъни шўро қонунларининг ҳамма моддаларига кўра ватан хоинлари, сотқинлар, сионизм ва империализм малайлари деб ҳисобланадиган одамларга қараб “кадрли ўртоқлар” дейиляпти.

Ақлдан озиб қолиш мумкин-а! Яна “ўз уйингиздек тортинманглар” эмиш.

Мен ҳатто янглиш эшитган бўлсам керак, деб ўйладим. Элчихона ходими эса чинакамига ўғил бола йигит экан, бизни юмшоқ ўриндиқларга ўтқазди-да, бир қизни чақирди. У ҳам ўрис экан. Бирам хушрўй. Бодом қовоқ. Унга нима деди денг:

— Меҳмонларга қара, Тамара. Марҳамат, бизга кофе келтир. “Сюрприз” тортдан ҳам олиб кел. — Шундай деб бизга қараб ўзини яқин олиб кўз қисиб кўйди. — Торт янги. Кечагина Москвадан учиб келган.

Йўқ, ҳақиқатан ҳам ақлдан озиб қолиш мумкин эди. Бу ерда бизни “Сюрприз” деган торт билан сийлашса-я! Кечагина Москвадан келган экан!

Бу шоколадлик тортни СССРдан бошқа ҳеч қаерда қилишмайди. Вақтида мен уни хушламас эдим. Қуруқроқ. Сал куйганроқ. Истаган пайтингизда ундан тузукроқ бирон нарса топиш мумкин. Масалан, Арбатдаги “Прага” ресторанида тайёрланадиган “Прага” торти.

Бироқ бу ерда Вашингтонда элчихона фойесида учта шўро доҳийсининг сувратлари остида тамом бошқа гап-да! Доҳийларнинг нигоҳлари жиддий, лекин қаҳрсиз, аксинча, оталарча улар бизга — қилғилиқни қилиб кўйиб, энди адашган ит каби туғишган хонадонига бош уриб қайтиб келган, келиб чиқишига кўра яҳудий миллатига мансуб иккита собиқ фуқароларига маънодор қараб туришипти. Шундай шароитда “Сюрприз” торти менга қандолатпазлик санъатининг чўққиси бўлиб кўринди ва оғзимга сариқ мойдай ёқди.

Тамара-чи? Ё парвардигор, шу номни эшитсам бири-бирдан ёқимли қанчадан-қанча воқеалар эсимга тушади! Тамара худди туғишган синглимиздек, бизга мулоим боқиб, атрофимизда гирдикапалак эди.

— Ҳар қандай одам ҳам хато қилиши мумкин, — деди бизга элчихона ходими ҳамдардлик билан. Буни эшитиб, юрагим ўйнаб кетди. СССРда бунақа гапни айтишмайди. Эҳтимол, ҳозир айтишар, лекин авваллари сира айтишган эмас. Хато қилсанг, гаплашиб ўтирмай, турмага жўнатишарди. Баъзан эса хато-пато

қилишингни кутиб ҳам ўтирмай, олиб бориб тиқиб қўйишаверарди. Фалокатнинг олдини олмоқ мақсадида, ўзгалар қўрқсин десанг, ўзингникини аяма!

Демак, мен хорижма-хориж дайдиб юрган кезларда Россияда анча-мунча ўзгариш рўй берибди-да! Либерализм!

Менинг ошнам анойи эмас — юлдузни бенарвон урадиганлардан. У элчихона ходимига атайин шунақа саволлар бера бошладики, жавобларни эшитганимдан кейин мен “ошнам беҳуда гапирмаган экан” деб ўйламоғим керак эди.

Биринчи савол:

— Марҳамат қилиб айтинг-чи, ўртоқ бошлиқ, шўро фуқаролигидан маҳрум бўлган одам унга яна эга бўлмоқ ва уйига қайтмоқ учун нима қилмоғи керак бўлади?

Жавоб:

— Сабабларини баён этиб ариза ёзилади. Тўрт нусхада. Тўрт нусхада анкета ҳам тўлдирилади. Ундан ташқари СССРда истиқомат қилувчи қариндошлардан оилани бутлаш мақсадида расман чақириқ қоғози бўлса, нур устига нур бўлади.

Гап шу ерга келганда қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишимга сал қолди. Қип-қизил майнавозчилик-а!

Биз СССРдан Исроилга чиқиб кетишга ижозат сўраганимизда ҳам биздан исроиллик қариндош-уруғларимиздан оилани бутлаш маъносида чақириқ бўлишини талаб қилишган эди.

Кўпчилигимизнинг хорижда ҳеч қанақа қариндош-уруғимиз йўқ эди. Шунда Тель-Авивда ҳар бир истаган одам учун холами-амма ёхуд тоғами-амаки излаб топа бошланди. Албатта, бу тоға-аммалар қалбаки эди. Уларнинг номидан оилани бутлаш учун чақириқнома юборилар эди. Одамлар Москвада отонасини, баъзан эса ҳатто болаларини қолдириб, тоғаси ёхуд аммаси билан оилани тиклаш мақсадида Тель-Авивга йўл оларди. Бунинг ёлгон эканини ҳамма билиб турарди. Лекин ҳамма буларнинг барини чин деб ўйлаётгандай кўринарди. Ўйин эди-да! Иккала томон ҳам ўйин қиларди. Баъзилар эса, албатта, бу тахтада биз оддий пиёдалар эдик, холос.

Ҳозир ҳам ўйин давом этарди, фақат энди — тескарисига. Энди Россиядан чақириқнома керак.

Ошнам сўрашда давом этади:

— Бордию у ёқда қариндошлар қолмаган бўлса-чи?

— Собиқ кўшнилари имзо чекса ҳам бўлаверади, — деб кулиб юборди элчихона ходими. Унга қўшилиб биз ҳам кулиб юбордик. Кап-катга одамлармиз. Унинг устига, бир-биримизга ёт эмасмиз. Тушунмай ўлибмизми? Керак бўлгандан кейин керак-да! Илтимос қилишгандан кейин бажармоқ керак. Бунақа нарсаларга ақлимиз етавермайди.

Иккинчи савол:

— Кватрира масаласи нима бўлади?

Жавоб:

— Шу ерда долларда ҳақини тўланглар — Москвада “Внешпосилторг” қурган биринчи даражали уйлардан кооператив кватрира оласиз. “Внешпосилторг”нинг кватираларини фақат хорижий валютага олиши мумкин. Бир квадрат метр турар-жой майдонининг қиммати 90 доллар. Коридорлар, ўчоқбоши, ювиниш хоналари бепул. Шу тарзда уч хоналик кватрира сизга беш минг долларга тушади. Хорижий валютага бизда чиқадиغان “Москвич” ёхуд “Жигули” машиналарини ҳам харид қилсангиз бўлади. Эскпорт учуш ишланган нусхаларини.

— Булар кичкина машиналар, — деди ошнам қувлик билан кўзларини қисиб. — Қимматроқ бўлса ҳам кучлироқларидан олса бўлмайдами? Масалан, “Волга”ми ё “Чайка”ми?

— Сизларга мумкин эмас, — деб жавоб берди элчихона ходими. — Чегарадан чиқиб кетилади.

Шундай деб кулиб юборди.

Зўр йигит экан-да бу элчихона ходими! Ақли ҳам расо. Ҳозирги пайтда дипломатик хизматга танлаб-танлаб юборишади. Партия билетининг ўзи билан

иш битмайди. Унинг ёнига қўшимча тарзда каллада ҳам бирон нарса бўлмоғи керак.

Ошнам ўзини овсарликка солди:

— Менинг пулим ортиб қолса-чи? Мен бу ерда ёзувчиларнинг қўлида эртаю кеч ишладим, унча-мунча орттирганим бор. Нималар эвазига “унча-мунча орттирган” ини билмасам экан. Икона ҳисобига орттирган. Хуфия тарзда Россиядан ўтгиз доначасини олиб келганди. Лекин мен гумман. Менинг нима ишим бор? — Уни нима қиламан?

— Нима қилишни билмагандек сўрайсиз-а! — деб койинган бўлди элчихона шоввози кўзларини лўқ қилиб. — Шу ерда муюлишнинг нариги томонида шўро банкининг бўлими бор. Ўша ерда меҳнат қилиб топган долларингизни сертификатга алиштириб оласиз. Москвага борганда эса хоҳланг — бу сертификатларга валютага савдо қиладиган “Березка” магазинида қора улдириқми, хорижий латта-путталарми харид қилинг, хоҳланг — сертификатингизни чайқов бозорига олиб боринг. Бирига саккиз сўмдан. Ҳозир улар шунақа нархда сотилляпти, шекилли.

Мен ошиқу беқарор бўлиб қолдим бу йигитга. Жуда ҳам ўзимиз қатори экан-а! Манзира-панзира деган гаплардан буткул узоқ экан. Бор гапни шартта айтган, қўярган. Ҳамма нарсани айлантириб ўтирмай ўз номи билан атаркан. Яна дипломат-а! Хўп замонлар келди-да!

Гап шу ерга етганда мен ҳам чидаб туролмай, унга савол бердим:

— Марҳамат қилиб айтинг-чи, муҳтарам ўртоқ, биз уйга жўнаш вақтини қанча кутмоғимиз керак бўлади? Хабарим бор, баъзи бир одамлар ҳужжатларини топширганларига ярим йилдан ошди. Ҳали ҳам ҳеч қанақа натижа йўқ.

У жиддий тортди, ҳатто галстугини тўғрилаб қўйди:

— Нима деб ўйлайсиз — ватанга қайтиб боришни расмийлаштириш, шўро фуқаролигини тиклаш осон ишми? Хоҳлаган одамларнинг ҳаммасини ҳам мамлакатимиз қайтиб қабул қилавермайди. Жиддий текширишдан ўтиши керак. Тегишли жойларда одамлар бу иш билан шуғулланишади. Энг муҳими — ҳужжатларни Москвага жўнатиш. Кейин бардош билан кутинг.

Шу жойда бирдан миямда бир фикр чақмоқдай ялт этди. Улар у ерда бизнинг шахсий ишларимизнинг тити-питисини чиқариб юборишади. Ана шунда ҳар бир яҳудий жўнаб кетаётганида қон ютиб югуриб-елиб иш жойидан олган лаънати тавсияномалари ўзининг таъсирини кўрсатади. Кераги йўқ беҳуда қоғоз деб ўйлаганмидингиз? Э-э, қаяқда? Бу қоғози муҳтарам ишга тикиб қўйилганича ётаверади, оқ нон сўрамайди, ўзининг фурсати келишини кутади. Мана энди, уни ётган жойидан ёруғ дунёга олиб чиқишади ва синчиклаб ўқиб кўришади. Қани, бир тоғора бўтқага ватанини сотган ва Исроилга — ўзининг сионист биродарлари ҳузурига жўнаб кетган фуқаро Аркадий Соломонович Рубинчининг тавсифномасини кўрайлик-чи, нималар ёзилган экан унда?

Пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди.

Бу малъун қоғоз яна тақдиримни ҳал қилмоғи керак. Мен уни ўқиган эдим. Нима деб ёзилган эди унда? Эсламоқ керак. Партбюродаги фариштаи паноҳим Капитолина Андреевна менинг тўғримда бирон оғиз ёмон гап ёзмайди. Аксинча, ижобий томонларимни таъкидлайди. Бу тавсифнома нима учун кераклигини тузукроқ суриштиргани ҳам йўқ. Вой, азизам Капа-ей! Сен иккинчи марта менга бебаҳо яхшилик қиляпсан!

Мустаҳкам партиявий қатъият билан менинг тавсияномамга нима деб ёзганингни нунганим йўқ. Ёзганларинг маълум қолип ичидаги гаплар эди, лекин ҳозир ўша қолипдаги гаплар мен учун лаззатли мусиқадай жарангламоқда.

Фуқаро Рубинчик Аркадий Соломонович фалон корхонада фалон вақтдан фалонгача ишлаган. Социалистик мусобақада юксак кўрсаткичлари учун бир неча марта рағбатлантирилган. Жазоланмаган. Коммунистик партия ишига содиқ. Муҳр. Учликнинг имзолари: партком, профком, маъмурият.

Ура, Капа, Капитолина! Менга бундан ортиқроқ туҳфа қила олмасдинг! Менинг қайтиш ҳаракатига тушиб қолишимни билган доно башоратчидай иш қилган экансан. Билиб қўй, азизам, менда ҳаққинг қолиб кетмайди. Хушёр бўл, диван! Фижирланг, пружиналар! Кучоғингни оч, кадрли ҳимоячим!

Жоиз бўлса, шуни айтиб қўймоғим керакки, айти ана шу тавсифнома менинг тақдиримни ҳал қилганига бир дақиқа ҳам шубҳа қилганим йўқ. Элчихонага ариза берган юзлаб яҳудийлар орасида биринчилардан бўлиб Москвага учиб келяпман. Бунинг боиси нима бўлсайкин? Ана шунақа!

Майли, орқага қайтайлик.

Мен Ўн олтинчи авенюдаги элчихонадан қанот боғлаб чиқдим. Полициячиларнинг ёнидан учиб ўтдим. Шу кўчанинг ўзида нариги томонда туриб биз учун беҳуда томоғини йиртаётган Америка яҳудийларига истеҳзо билан қанот силкитиб салом бердим. У ерда намоийшчилар ўрин алмаштираётган эканлар. Овози чиқмай хирллаб қолганлар йўлкадаги жойларини янгиларига бўшатиб бермоқда эдилар. Бу янгилар эса ўзларининг эзилган ўриси биродарлари учун кучларини аямай бақириб-чақиришга тайёр эдилар. Янги келганлар бир-бирларининг қўлларидан тутишиб, давра ҳосил қилдилар ва рақсни бошлашар экан, ҳамжиҳатлик билан бақирдилар:

— Жавобини бер, менинг халқимнинг!

Мен циркдагидек қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордим. Ошнам ҳам кулди. Биз Ўн олтинчи авеню бўйлаб, болалардек диконглаб кетдик.

Эшитинг, эшитинг. Ҳадемай Москвага етамиз. Кейин шу билан биз бир-биримиздан ажраб, ҳар томонга равона бўламиз. Ана ундан кейин қулогингиз тинчийди. Унгача эса, агар сиз қарши бўлмасангиз, сизни яна бир оз қийнай.

Биринчи номерли комбинация. Бу гоё учун “Иқтисодиёт” соҳаси бўйича мени Ленин мукофоти тавсия қилса арзийди.

Иккинчи номерли комбинация учун — иккинчи Ленин мукофотини берса бўлади. Бу галгисини “Ташқи сиёсат” бўлими бўйича. Бир йўла “Ички сиёсат”ни ҳам қўшиб юборса бўлади.

Биринчисидан бошлайлик.

Мисол учун, айтилайки, Москвада менга ўхшаган бир шоввоз миллатига кўра хорижга жўнатиладиган — аввал Венага, кейин Тель-Авивга, ундан сўнг бошқа жойларга. У шўрлик бутун умри давомида каталакдай уйда яшайвериб, адои тамом бўлган. Райижроқумда рўйхатга ёзилиб, яшаш шароитини яхшилаيمان деса, бу нияти фақат Востряков қабристонидагина рўёбга чиқмоғи мумкин. Ортиқча бир тийин пули йўқ. Бинобарин, кооператив квартира сотиб олишнинг иложи йўқ. Илож битта — сиртмоқ.

Аммо бошқа иложи ҳам бор — у тунги самодаги сомон йўлидай милт-милт кўриниб туради. ОВИРга бормоқ керак. Бу шоввоз бирданига қалбиди Сионга нисбатан оташин муҳаббат ёлқинини ҳис қилади ОВИРга ариза ёзади. Бизнинг тажрибамиздан яхши хабардор бўлгани учун ҳеч нарсани юрагига яқин олмайди-да, бемалол шифтга термулиб ётиб, натижасини кутади. Ишдан ҳайдашган бўлса, ҳечқиси йўқ. Хорижий яҳудийлар ёрдамга кўмиб ташлайди. Ҳатто хорижий валютада жиндай пул ҳам тегиб қолиши мумкин. Ниҳоят, виза қўлга тегади. Бепул. Негаки, унинг танидан ОВИРга доллар ҳисобида икки минг сўм пулни қимматли ва сеvimли Голланд элчихонаси келтириб берган. Исроил давлатининг манфаатларини Москвада шу элчихона ҳимоя қилади.

Москва — Вена. Вена — Тель-Авив. Халқаро яҳудийлар ҳисобидан. Исроилда муҳожир сифатида ҳақиқий қимматининг учдан бирига квартира оласан. Ҳатто ана шу учдан бир миқдордаги пулни ҳам халқаро яҳудийлар ҳисобидан сенга қарз беришади. Кейин шу квартирани эркин бозорда уч барабар қимматига сотасан. Албаттайинки, жаҳон яҳудийларига эмас, Исроилнинг бирон муайян фуқаросига. Ҳалол одам сифатида қарзингни тўлайсан. Шундан кейин ҳам киссангда соф йигирма минг доллар қолади. Бу пуллар эвазига Римга учиб борасан, Италияда яшай бошлайсан. Инглиз тилини ўрганасан. Жаҳон яҳудийлари ҳисобига. Яна шуларнинг ҳисобига бутун дов-дастгоҳингни кўтариб, Америкага келасан. Келасан-у, тўппа-тўғри Вашингтондаги Ўн олтинчи авенюга равона бўласан. “Халқимнинг жавобини бер!” деб айюҳаннос солаётган америкаликларга парво қилмай, сени “Сюрприз” торти билан меҳмон қиладиган элчихона ходимининг ҳузурига кирасан. Аҳвол шунақа дейсан, ватанимни софинганимдан ўлиб қолай деяпман. Социализмнинг капитализмдан устун эканлигига шахсий тажрибамда ишонч ҳосил қилдим, қолган-қутган кучимнинг

ҳаммасини коммунистик жамият қурилишига сарфламоқчиман, дейсан. Пешонангдан биродарларча ўпиб қўйишади, қўлингга тўртта анкета тутқазишади, қарабсанки, Москвага учиб кетяпсан. Ўзингнинг муҳташам квартирангга (беш минг доллар) кириб борасан, ҳаммаёғи ялт-юлт қилиб турган, энг юқори сифатга эга бўлган, хориж учун ясалган автомобилнингга ўтирасан. (Икки минг доллар) ва қолган ўн уч мингга уч-тўрт йил ҳеч нарсага зориқмай тирикчилигингни ўтказасан. Истасанг ҳар куни “Березка” магазинидан харид қилинган қора икра-ю, осетрина балиқ еб, устидан “Оқ от” деган шотланд вискисидан ичиб турсанг ҳам бўлади.

Бу ишларнинг барини бир-бир ярим йилда битирса бўлади. Шу муддатда уй-жойнинг тайини йўқ бир қашшоқ одам худди эртақдагидек, муҳташам квартира билан янги автомобилнинг эгасига айланади, шўро одамларининг кучи етмайдианг энг лаззатли таомларни тановул қилади, нақд ажнабий сайёҳлардек бутун хорижий либосларга бурканади. Бунинг устига-устак, бегоналар ҳисобидан Вена, Тель-Авив, Рим, ёхуд Брюссель, Нью-Йорк, Вашингтонга ўхшаш дунёни кезиб чиққанинг ёнингга қолади.

Қалай? Режа чакки эмас-а? Шунисини эътиборга олинки, юз фоиз амалга оширса бўлади. Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам. Бундан ташқари, яна бир нарсалик бўлиб қолинади. Бояги шоввоз — шўро фуқароси худди ютуқсиз лотореядек катта ўлжани қўлга киритади. Шу тарзда мамлакатда ҳаёт даражаси кўтарилади. Шўро ҳукумати бир тийин сарфламай туриб, хорижий валютада теп-текин йигирма минг долларга эга бўлади. Бордию минглаб яҳудийларни шу йўналиш бўйича сафарга жўнатса нима бўлади? Эҳ-ҳе, кирадиган фойдани ҳисоблаб, тагига етиб бўлмай қолади-да!

“Иқтисодиёт, молия” бўлими бўйича мени Ленин мукофотига тавсия қилишса, арзир эканманми, йўқми? Эътирозлар йўқми? Демак, бир овоздан қабул қилинади.

Энди иккинчи комбинацияга ўтайлик. Бу масалада аввалгисидан ҳам қизиқроқ бир-иккита гапга рўпара келасиз. Бунақа иш учун нафақат мендан Ленин мукофотини аяб ўтирасиз, балки камида Ленин ордени билан ҳам тақдирлайсиз, уни ўз қўлингиз билан кўкрагимга қадаб қўясиз. Негаки, гап шўро давлатининг номуси ҳақида, обрў-эътибори тўғрисида бормоқда. Мен сизга ўзимизнинг одам деб, жуда катта бир тадбирнинг режасини айтиб бераман. Бу тадбир оқибатида шўролар иттифоқи бир йўла икки фронтда — ҳам ташқи, ҳам ички фронтларда энг ёрқин сиёсий галабалардан бирига эришади.

Буларнинг барини мен ўйлаб топган эмасман. Буларни Москвадаги доно одамлар ўйлаб топган. Мен фақат режани тўлалигича фаҳмлаб қолдим. Олимлар айтганидек, чамалаб топиб олдим. Нега десангиз, мен ҳам жуда унақа анойилардан эмасман, доно Сулаймон шоҳдан у-бу нарса мерос тарзида бизга ҳам ўтиб қолган. Агар шундоқ бўлмаганда менинг шўро паспортимнинг бешинчи моддасида “яҳудий” деган тамғанинг савлат тўкиб туришига нима ҳожат бор эди?

Бизни “Сюрприз” деган торт билан меҳмон қилган элчихона ходими мен билан шеригимни кузатиб қўяр экан, бизга далда бермоқчи бўлиб беҳосдан бир иборани айтиб юборди:

— Уйингизга кетасизлар. Энг муҳими, Америкага давлатимиз бошлиғи расмий ташриф билан келгунига қадар сизларнинг ҳамма ҳужжатларингиз Москвада бўлмоғи керак. Хўш, қалай, бу ибора сизга манзур бўлди? Шу иборанинг замиридаги маънони илиб ололдингизми? Ололмадингизми? Мен билан бирга элчихонага борган ошнам ҳам шу иборадаги жуда муҳим шамага эътибор бермапти.

Мен бўлсам бирдан “лов” этиб ёниб кетгандай бўлдим. Миямда электрон ҳисоблагич ишлаб кетди. Машина бир зумда шундай самара бердики, уни кўриб, дудуқланиб қолдим. Мен доҳиёна бир тадбирни кўрдим.

Демак, бундоқ Вашингтондаги Ўн олтинчи авенюда жойлашган шўро элчихонаси тарихий эмас, амалдаги ватанига қайтишни ихтиёр этган адашган яҳудийларини “Сюрприз” торти-ю, табассумлар билан кутиб олади. Уларнинг илтимослари ёзилган аризалар-у, бошқа ҳужжатлар Москвага жўнатилади. Москва-

дагилар мамнуниятдан кафтларини бир-бирига ишқаб, аризаларни тўп-тўп қилиб тахлашади, кимга қайтишга рухсат бериш, кимга бермасликни муҳокама қилишади. Аризалар йиғилаверади. Папкалар семираверади. Бир неча юз оилага катталар қайтишга ижозат ҳам беришади, лекин бу уларга маълум қилинмайди. Бардош билан кутиб ўтираверинг, ўша Американгизда! Вақти келганда айта-миз. Ҳаммаларингга бир йўла.

Булар муайян вақтгача давом этади. Кўнғироқ чалингунча. Бироқ бу — сабил кўнғироқ чалина қолмайди. Совет халқининг доҳийси Америкага замбараклар гумбури остида дабдабаю асъаса билан ташриф буюргандагина кўнғироққа навбат келади. Тасаввур қилсангиз керак, Америка яҳудийлари ҳам олий меҳмонни катта “дабдаба” билан кутиб олишга тайёргарлик кўриб қўйишган. Қийқирик! Бақирик-чақириклар! Ҳуштаквозлик! Оҳ-воҳлар! Нола-фигонлар! Плакатлар! Минг-минглаб ғазаби жўшган намоишчилар!

— Фиръавн! Жавобини бер, халқимнинг! СССРдан яҳудийларнинг эркин чиқиб кетиши учун! Зиндонларнинг эшигини очинг! Эзилган биродарларимизни бағримизга олишимизга имкон беринг! Қонхўрлар!

Жамики аксилкоммунистлар ийиб роҳат қилади. Таъзирингни едингми шўролар раҳнамоси? Боплаларинг уни! Бадтар бўлсин! Оббо яҳудийлар-ей! Баракалла-е, азаматлар! Онасини учқўрғондан кўрсатиб қўйдинглар-ку! Шармандаи шармисор бўлди.

Газеталар чувос солган, телевидение яйраганидан ёрилиб кетай дейди. Ташқи сиёсат майдонида Шўро Иттифоқининг буткул чуви чиқди. Шўроларнинг раҳбари яширинча қочиб, Кремлга бориб биқиниб олса ҳам бўларди. У ердан тумшугини чиқарадиган ҳоли қолгани йўқ.

Ана шунда элчихонада яҳудийлар кусур-кусур еган “Сюрприз” торти иш беради. Бизни меҳмон қилган шоввоз йигит ўринлатиб хуштагини чалиб (телефон орқали, албатта. Лекин телеграммага жиндай чиқимдор бўлса ҳам ҳеч бокиси йўқ), ҳужжатлари Москвада ижобий тўхтама топганларнинг ҳаммасини тўплайди. Бола-чақалари билан, оиланинг биронта аъзоси қолиб кетмай, яҳудийларнинг ҳаммаси Вашингтонга кўрсатилган муддатга ва кўрсатилган жойга етиб келади.

Парда кўтарилади, томоша бошланади.

Лол қолган Американинг ва на фақат Американинг, балки бутун дунёнинг кўз ўнгида (акс ҳолда, телевидениенинг ва фазодаги сунъий йўлдошнинг нима кераги бор) ҳамма башоратларга кўра уятдан ёниб, адои тамом бўлган шўро раҳбари жойлашган қароргоҳ олдидаги майдонда собиқ шўро яҳудийларидан мингларча одам тўпланади-да, рус тилида бирваракай фиғон кўтаради. Шунда қароргоҳнинг эшиги очилиб, ичкаридан теварагида аёнлари билан олий меҳмоннинг ўзи чиқади. Тўпланган яҳудийлар тиз чўкишади ва эртақлардагидек баравар тавалло қилишади:

— Падари бузрук! Отахонимиз! Бир қошиқ қонимиздан ўтинг! Бир оғиз илтимосимизни тингланг!

Шунда бутун инсониятнинг кўз ўнгида (телевидение юзлаб кўзлари билан тасвирга олиб туради) шўро халқининг доҳийси — у курраи заминдаги энг улуг инсонпарвар эмасми — ғазаб билан бароқ қошларини чимиради-да, оталарча маҳзунлик билан савол сўрайди:

— Ким ўргатди сизларга тиз чўкишни? Сизлар, ахир, шўро одамлари бўлгансиз-ку! Қани сизнинг ўтмиш гурурингиз? Мальюн капитализм одамларни шунақа қўйларга солар экан-да! Унинг қаддини букиб, юрагини эзиб ташлар экан-да! Туринглар ўрнингиздан! Бошингизни эгманг! Шўро ватани олийжаноб! У ҳатто адашган фарзандларини кулфатда ёлғиз қолдирмайди!

— Уйимизга кетмоқ истаймиз! Бизни олиб кет, қадрдон отамиз! — деб минг оҳангда сайрайди оломон қўлини раҳнамо томон чўзиб.

Бутун дунё ҳанг-манг бўлиб қолади.

Шўро раҳбари қўлларини боши узра кўтариб, ҳаммани тинчланишга ундайди ва қуйидаги нутқни ирод қилади:

— Бегона капиталистик ўлкаларда шўро одами бахт топа олмайди. Сионистлар ва империалистларнинг иғвосига учиб, биз сизларнинг Исроилга кетишингиз-

га ижозат берган эдик. Мана энди аламли кўз ёшлари тўкяпсиз. Бутун дунё ҳақиқат кимнинг томонида эканини кўриб қўйсин, социализмнинг чириб бо- раётган капитализмдан афзал эканига амалда ишонч ҳосил қилсин. Бизнинг айрим лақмароқ фуқароларимизни ёлгон-яшиқ ваъдалар билан тузоққа илин- тирувчи ҳар хил қулжаллоблар ва ғийбатчилар аламидан ёрилиб ўлсин. Она юртига қайтишга талпинаётган мана бу одамлар иғволарга энг яхши жавобдир. Шўро халқи номидан мен сизлар учун ватан дарвозаларини очиб бераман. Сизлар учун махсус авиалайнерлар жўнатамиз, манави бола-чақалик одамларни эса мен шахсий самолётимда олиб кетаман. Қани, манави болаи менга беринг- чи, бу ахир, ўзимизнинг шўро боласи-ку! Йиғлама. Ёшларингни арт. Уйингга кетасан, бўталоқ. Отинг нима? Шмуликми? Абрашами? Ие, Сашами? Ўзимиз- нинг русча исм экан-а! Менга рўмолча беринглар... Кўзимга ёш келди... Кўнглим бузилиб кетяпти...

Шундоқ бўлса, бутун дунёнинг юзига қанақа тарсаки тортилиши мумкинли- гини гапириб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ. Бутун жаҳондаги яҳудийлар ҳамма мам- лакатларда оғзига талқон солиб олгандай ғиринг деёлмай қолади. Халқаро ком- мунизмни гуруҳи қандоқ кўтарилиб кетарди!

Ташқи душман устидан қозонилган мислсиз ғалаба! Энди ички душман, яъни ўз халқинг қолади. Ўз халқинг учун бу комедиянинг навбатдаги пардаси кўрса- тилади.

Қуйидаги томошани тасаввур қилинг: Москванинг Шереметьево аэропор- тида бирин-кетин самолётлар қўнади. Уларнинг ҳар қайсиси қайтиб келаётган яҳудийларга тўла. Юзлаб одамлар қўлида боласи, қўлтигида бувилари билан самолёт трапидан тушиб келади, тушади-ю, учиш майдонининг бетонига етиб, уни тўйиб-тўйиб ўпади.

Аэропортга эса Москва меҳнаткашларини саф-саф қилиб ҳайдаб келишган. Завод ва фабрикалардан. Ўн мингларча. Оркестр юракни орзиқтирувчи куйлар чалади. Яҳудийлар хўнграган, ўрислар хўнграган. Бизнинг Капитолина Андре- евнамизга ўхшаган биронта партия хоними келган йўловчилар тўпидан ўзи- нинг собиқ хизматчисини топиб олади-да, жамики халойиқнинг олдида ва те- левидениенинг кўз ўнгида худди сувратлардаги она-ватан каби уни қудратли кўкракларига қаттиқ босади. Буни кўриб, бутун Россия хўнграб йиғлаб юбора- ди ва кўз ёшларидан телевизор экранлари хира тортади.

Хўш, самара қандай? Самара жуда зўр. Кимда-ким бурнини жийирса, шўро тузумидан норози бўлса, Фарбга кўз қирини ташлай бошлаган бўлса, бундан бир умрга сабоқ олади. Агар бутун дунё бўйлаб мададга эга бўлган, ҳамма мам- лакатларда қариндош-уруғию хеш-ақрабоси топиладиган яҳудийларки Россия- га қайтиб келаётган экан, бизларга йўл бўлсин. Бу шўрпешона бошимизни қаерга ҳам ура олардик? Бегона юртларда бизга ўхшаганлар бекорга нобуд бўлиб кета- ди. Ундан кўра, иссиқ жойимизни совутмай жонажон Россия учун ва шўро ҳокимияти учун худога таваллолар қилиб, тинчгина ўтирганимиз яхши.

Бундан яхшироқ тарғиботни ўйлаб ҳам тополмайсан. Ҳадемай, ҳа, яқин фурсатларда шу ишлар амалга оширилганини ўзингиз кўрасиз. Ана ўшанда Аркадий Рубинчикни эслайсиз.

Нима гап? Ие, Москвами? Ё тавба! Дарров-а?

Чекилмасин! Тасмаларни боғлаб олинг!

Бажонидил! Менинг тасмамни беринг-а. Вой, кечирасиз, бехосдан қўлимни чўнтагингизга суқиб олибман. Бу нима? Микрофонми? Чўнтагингизда-я? Бир ёққа сим ҳам кетган? Тушунмаяпман? Нима учун ўриндиқнинг тагига магнито- фон қўйилган? Кассеталари ҳам айланиб турибди.

Нима бало? Бутун йўл бўйи ёзиб келдингизми? Гапирган гапларимнинг ҳам- маси ёзилдими? Нима учун? Шошманг... Бир дақиқа... Мен нималар дедим ўзи? Худо ҳақи, нималар деб завраганим сира эсимда йўқ.

Ҳали шунақа денг, биродар. Ниҳоят, сизни қаерда кўрганимни эсладим. Сиз магнитофонлар устаси-ку! Менга парторгимиз Капитолина Андреевнанинг тавсияси билан хорижий мижозларнинг гапини эшитиб олишим учун инглиз тилини ўргатмоқчи бўлишганда... ҳа, ўша сиз эдингиз... Фуқароча кийимда. Лубянкадаги катта идорадан келган эдингиз. Мени махсус мутахассисларга кўрса-



таман деб пўписа қилгандингиз. Ҳа, албатта, сизсиз! Ўша турқингиз! Тегманг менга! Қўлимни қўйиб юборинг! Нимага тасмаларимни қаттиқ тортиб боғлаяпсиз? Оғриди! Мен ўтирмоқчи эмасман. Тикка тураман. Самолётни тўхтатинг! Уни қўндирманг!

Москвага боришни истамайман! Ё парвардигор! Ҳаммасини унутиб қўйибман-а! Хорижларда юриб, ўзимни эҳтиёт қилмоғим кераклигини паққос эсимдан чиқарибман. Ичимда гап турмайдиган бўлиб қолганман. Тилимни тиёлмайдиган дардга чалинганман. Хаёлимга келган нарсанинг ҳаммасини қайтармай гапираверадиган бўлиб қолганман. Энди Москвага кирадиган бўлсам, ишим — пачава...

Лагерга тушишни истамайман. Қамалишни истамайман. Ҳеч қаяққа боришни истамайман. Олдинга ҳам, орқага ҳам. Ерга қўниш керак эмас. Ерда менга кун йўқ.

Менга раҳмингиз келсин —

Менга Аркадий Соломонович Рубинчикка —

Ватан урушининг ногиронига —

Биринчи тоифадаги сартарошга —

Собиқ СССР фуқаросига —

Собиқ Исроил фуқаросига —

Америка грин-картасининг, яъни салкам паспортининг собиқ эгасига раҳмингиз келсин.

Мен ҳеч ёмонлик қилган эмасман —

Мен фақат одамга ўхшаб яшамоқчи бўлувдим, афсус, бутунлай тескариси бўлди —

Мен жуда чарчадим —

Мендан битта хизматингизни аяманг —

Тўхтатинг самолётни, мен тушиб қоламан!

## МУАЛЛИФДАН

*Китобхонларни огоҳлантириб қўйишни ўзимнинг жамоатчилик бурчим деб ҳисоблайман: Аркадий Рубинчик самолётда ўтириб вайсаган гапларнинг ҳаммасига чиппачин ишониб ўтирманглар. Ҳар хил англашилмовчиликлар чиқиб юрмасин.*

*Нью-Йорклик бир сартарош (СССРдан яқинда келган муҳожир) бу китоб билан нечукдир қўлёмалик ҳолидаёқ танишишга муваффақ бўлибди-да, ундаги ҳамма гапга чиппачин ишонибди. У ҳам Аркадий Рубинчикка ўхшаб паканагина экан. У ҳам Исроилда кўп турмаган экан. Биографик характерда ҳам анча-мунча тафсилотлар тўғри келибди.*

*Шунда ҳалиги сартарош Аркадий Рубинчик мендан олинган деган тўхтамга келибди. Хотимадан ташқари. Адабий қаҳрамон билан ўхшашиги бекаму кўст бўлмоғи учун, балки бошқа бирон мулоҳазага бориб бўлсамикин — у Вашингтонга. Ўн олтинчи авенюга равона бўлибди, у ерда шўро консулининг қабулига киришга муваффақ бўлибди, унга Аркадий Рубинчикнинг ҳамма гапларини ёддан айтиб берибди, лекин консулнинг жавоби китобда ўқиганларига сира тўғри келмабди. Бундан сартарош ҳўб ажабланипти.*

*У Нью-Йоркка қарахт бўлиб қайтипти: ҳеч қанақа альпинистларнинг анжомисиз карниздан юриб, осмонўпар бинонинг энг баланд жойига чиқиб олипти-да, у ердан ҳаммага тупира бошлапти.*

*Полициячилар Америка техникасининг энг сўнги ютуқларини ишга солиб, уни зўрға пастга тушириб олишипти ва Рузвельт номидаги госпиталга жойлашипти. У шўрлик ҳозир ҳам ўша ерда жаҳон яҳудийларининг маблағига кун кечирмоқда экан.*

*Шунинг учун яна бир марта огоҳлантираман: китоб персонажларида шахсан ўзингиз ва ёки танишларингизнинг белгиларини зинҳор излай кўрманг. Китоб — муаллиф хаёлотининг маҳоритидир. Хаёлотга эса нима ҳам деб даъво қиласан?*

Қуддуси Шариф. 1975.

Мухтор МАҒАВИН

## Тириклик кўшиғи

**О**дам боласини homo sapiens даражасига етказган қадимий ва мўъжизавий туйғу — муҳаббатни мадҳ этмаган шоир ё ёзувчи бормикин оламда! Ишқий ҳангомаларнинг илдизи, наинки бир, беш, ўн минг йил аввалга, ундан ҳам қадимийроқ даврларга бориб тақалади. Сон-саноқсиз кўшиқлар, лапарлар, афсоналар, эртақлар дostonлар, қиссаю романларни айтмайсизми! Ғоят турфа-туман, камалакдек ранг-баранг бу асарларнинг туб моҳияти, аслини олганда, битта — муҳаббат. Лекин биз уларнинг ҳар бирини иштиёқ билан тинглаб, завқ-шавқ билан ўқиймиз. Юлдузли осмондек чексиз, кўҳна ва ҳамиша навқирон мавзу — муҳаббат тасвирига бағишланган ушбу мўъжаз асар янги бир кашфиёт даъвосининг ифодаси эмас. У “Бугунги кунда севги деб аталмиш азалий жумбоққа доир ҳаттоки ўта жўн, бадий жиҳатдан саёз, чучмал “асар”лар ҳам қўлма-қўл бўлиб ўқилмоқда-ку, ажабо, нега шундай, муҳаббатнинг саройи кенгми ё тор?..” қабилидаги интиҳосиз ўйларнинг маҳсули бўлиб, умид қиламанки, Сизни ҳам жиддийроқ мушоҳадага ундайди.

### БИРИНЧИ ЙЎЛ — УЧИШ ОЛДИДАГИ ҲИКОЯ ЁХУД МАНГУЛИК КУЙ

Учиш тагин кечиктирилиши хусусида репродуктордан эшитилган ҳукмфармо товуш улкан ҳаво лайнерининг гулдурос шовқини остида кўмилиб кетди.

*Қозоқ  
тилидан  
Раҳимжон  
ОТАЕВ  
таржимаси.*

“Қозоқ адабиётида Мухтор Авезовдан кейин бу қутлуғ номнинг доврўғига доврўғ кўша олган яна икки Мухтор бор — Мухтор Шаханов ва Мухтор Мағавин” деган гап қозоқ биродарларимиз орасида маълум ва машҳур. Бу гап бежиз айтилмаган, албатта. Шу уч “Мухтор”дан бири — кенжаси Мухтор Мағавиннинг таниқли носир, олим, Қозоғистондаги етакчи адабий-бадий журнал — “Жулдуз”нинг бош муҳаррири сифатида амалга оширган хайрли ишлари айтса айтгудек. Ёзувчининг “Олашапрон” романи, кўпгина қисса ва ҳикоялари қозоқ китобхонлари томонидан қўлма-қўл бўлиб ўқилган ва ўқилмоқда.

“Тириклик кўшиғи” қиссаси хусусида гап кетганда, аввало шуни комил ишонч билан айта оламизки, у жаҳон адабиётида “севги” деб аталувчи энг жумбоқ туйғу бетакрор бадий ечимини топган сара асарлардан биридир. Асарнинг жанри “байт” деб кўрсатилгани ҳам бежиз эмас. Маълумки, араб тилидаги “байт” сўзи “бир жуфт сатр”дан ташқари “уй”, “қаср”, “сарой” маъноларини ҳам англатади. “Тириклик кўшиғи” ўзига хос насрий шоҳбайтгина эмас, буюк Чўлпонимиз ташбеҳидаги “муҳаббатнинг саройи” ҳамдир.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

110

— Неча, неча соатга деди? — сўради Бастакор ҳамроҳларига аланглаб қараркан. Ёзувчи елка қисди. Рассом саволни эшитмагандек тек қотиб тураверди.

“...уч соатга кечиктирилади”. Ана холос! Бундан аввал нақд тўрт соатга кечиктирилган эди!

— Бу қанақаси бўлди? Тагин уч соатга-я!

— Шунисигаям шуқр қилинг, биродар. Ҳар қалай, уч соат экан-ку! — Рассом уйқудан уйғонгандек сергак тортиб, теваракка аланглади. — Дераза олдида ўзимизга қулайроқ жой топайлик энди.

— Манови говур-гувурга менинг асабим чидамайди. Яхшиси, ташқарига чиқайлик, — деди Бастакор.

— Ресторанга қайтиб бора қолганимиз маъқул, — таклиф қилди Ёзувчи. — Сув-пув ичиб ўтирармиз. Сал ўтмай тушлик ҳам бўлади. Қолаверса, энг тинч жой — шу.

Улар авваллари ош-қатиқ бўлмасалар-да, бир-бирларини орқаворотдан сал-пал танирдилар. Юртдан олисдаги улкан шаҳарда, аэропортда, чипталарини рўйхатдан ўтказиш пайтида дастлаб учрашганларида сиполик билан совуққина саломлашгандилар. Аксига олгандек, самолёт учмади. Ўзларини худди кема ҳалокатига учраб, кимсасиз оролда қолгандек сезган, ҳар бири суҳбатни шунчаки вақт ўтказишнинг зарур воситаси, деб билган кўз таниш учовлон тезда тил топишдилар. Рассом қандайдир халқаро кўргазмага келибди. Бастакор дам олиб қайтаётган экан. Ёзувчи марказий нашриётга қўлмасини топширибди. Китобга йўл очар деб ўшандаёқ ресторанга таклиф қилган ҳам шу одам. Озгина вақт ичида учовининг орасида йиллар бўйи уланмаган дўстлик ришталари боғланди. Энди эса, улар ҳалигина ночор-ноилож, истаб-истамай кўзғалишган ўринларига кайфиятсиз бир аҳволда қайта ўтирдилар. Бекор ўтирмаслик учун энгил-елпи тамадди буюрдилар.

— Ҳалати кун бўлди-да, — ўриндиққа қайта жойлашиб олганидан мамнун Бастакор хушнуд хитоб қилди. Чекди. Тутунни ютоқиб ичига тортиб, оғиз-бурнидан баравар буруқсатди. — Бирибир яхши бўлди. Агар об-ҳаво айниб қолмаганида биз аввалги кўз таниш ҳолимизча қолаверардик. Шундай қилиб... Сизлар қандай фикрдасизлар — билмадим. Бироқ шахсан ўзим Ёзувчи дўстимизнинг дастлабки чўлтоқ... кечирасиз, кичик ҳикояларидан то бултур мукофот олган қалингина романига қадар битта қолдирмай ўқиганман. Рассом дўстимизга келсам... Рассом дўстимиз ижодини ҳам баҳоли қудрат кузатиб келаман. Тўғри, чизган суратларининг ҳаммасини тўла тушунаман, деёлмайман. Айниқса, кейинги пайтларда импрессионистларми-модернистларнинг таъсирида чизган суратларини. Ростимни айтсам, гоҳо бу ишларга сарфланган вақту бўёққа ачинаман. Йўқ, мен Рассомнинг обрўсига путур етказмоқчи эмасман. Биргина шоҳ асари билан тарихда қолганлар озми, ахир! Рассомимизда эса шундай асар бор! Адашмасам, у “Илк муҳаббат” деб аталарди, шекилли?..

— Тоғдаги сой устига кўндаланг йиқилган дарахтдан қўл ушлашганча ўтиб бораётган қиз билан йигитми?

— Ҳа, ўша! Ажойиб сурат! Эндигина тўхтаган ёмғир!.. Яшин уриб йиқилган қарагай... Ёмғир ҳам, яшин ҳам йўқ, бироқ уларни худди кўриб тургандексан. Бу ёғини сўрасангиз, муҳаббат оламига эндигина илк қадамини қўяётган йигит билан қиз қалбининг энг пинҳоний нуқталаригача ўз аксини топган. Худди кафтингда тургандек... Ажойиб! Бироқ мен айтмоқчи бўлаётган бошқа сурат: ёлғиз қиз. Хиёбон бўйлаб келаётган ёлғиз қиз! Лекцияданми-кутубхонадан эндигина чиққан талаба қиз.

— Ҳа-ҳа. Эсимга тушди. Остидаги ёзувига эътибор бермаганману, аммо ўзини бир пайтлар мириқиб томоша қилганман. Рассомимиз бу асарини ҳам ҳали модернизмнинг таъсирига учрамаган кезларида чизган шекилли, жуда зўр чиққан. Билишимизча, худди шу асарни вақтида роса оқ калтак-кўк калтак қилишди. Ҳозир ҳамма мақтайди.

— Кейинги асарларини бемалолроқ ёмонлаш учун шуниси қулай-да, — қочирим қилди Бастакор.

— Ҳа-ха-ха... Ҳаммамизнинг бошимизда бор гап-ку бу!

— Ҳай, қайдам-ов, — эътироз билдирди Бастакор. — Менимча, Сиз туғилгандан бери фақат мақтов эшитган Ёзувчисиз.

— Нега энди? Вақтида менинг ҳам эшитмаган танқидим қолмади ҳисоб. “Тонг нури” мукофотга тавсия этилганда шунақанги ҳужум қилишганки, асти қўявера-

сиз. Сабаби — кўролмаслик. Мижғов гапдан нарига ўтишолмади-ю, бироқ... уларни тийиб олиб бўлармиди! Суриштириб қарасанг...

— Шунисиғаям шукр, — тасалли берди Бастакор. — Барибир, танқидчиларга раҳмат айтиш керак. Улар сабаб ўзимиздан кетиб қолмаймиз.

— Ха-ха-ха...

— Шу қадахни эски асарларимизнинг мақталиб, янги асарларимизнинг танқид қилинавериши учун олиб юборсак бўлармиди. Барибир, ўлганимиздан кейин бирданига классик бўламиз-қўямиз. Унгача кўрган кунимиз шу!

Ичдилар. Рассом қадахга лаб теккизди. Ёзувчи бир хўплади. Бастакор охиригача сипқорди.

— Менимча, ўша суратда бир сир бор. — Бастакор суҳбат кўрини тағин кавлашга тушди. — “Илк муҳаббат”. Илк муҳаббат. Бежиз эмас. Қани энди, Рақангнинг кўнгли кетиб турган бўлса-да, шу ҳақда мириқиб бир ҳикоя эшитсак.

— Нима ҳақда? Сурат ҳақидами, ё?..

— Иккиси бир нарса-да!

— Йў-йўқ, Жаке<sup>2</sup>, бу гапингиз инсофдан эмас, — ҳалидан бери суҳбатнинг ўзига дахли йўқдек сукут сақлаб ўтирган Рассом эътироз билдирди. — Биласиз, менинг ҳикоям тилсиз-забонсиз. Чизилдими — тамом. Уни оддий тилга таржима қилиб, товушга кўчирсангиз ранги-тусини йўқотади. Ҳангома ўзларидан бўлавергани маъқул. Чумчуқ сўйсаям қассоб сўйсин. Ҳикоя деганининг кифтини келтириб, сўзларини чийраб танглайсиз.

— Тўғри, ҳангоманинг катгаси Жакенгда, — маъқуллади Бастакор.

— Дарров тоб ташламанг-да, — Ёзувчи Бастакорга маъноли қаради. Рақанг ҳам унча-мунча ёзувчидан қолишмайди. Фақат бу кишининг кўнглига калит топиш керак. Бу кишининг кўнгли ўз-ўзидан очилавермайдиган сандиқлардан. Тутуруқсиз қиссалару чалакам-чатги ҳикояларда у: қаҳрамон муаллифга учрашган заҳоти “Мен — бечора, кўнглим — нотавон”, деб қаёқдаги олди-қочди гапларга зўр беради. Нима бу, оғзаки жанрми, деб энсангиз қотади. Ҳолбуки, оғзаки адабиётнинг ўзида бундай эмас. Албатта, ҳаёт бугунги кунимизнинг роману қиссаларидан ҳам, кечаги куннинг эртагу ҳангомаларидан ҳам бойроқ. Ана шу ҳаётнинг моҳиятини очадиган сеҳрли олтин калит топиш керак. Бу калит — маҳорат. Мана, ҳозир Рақангни гапга солиш учун бизга ҳам кичкинагина сеҳрли калит топиш керак бўлиб турибди.

— Шу иштиёқларингиз бўлса, калитни топа олишларингизга шак-шубҳа йўқ. — Рассом хушнуд кулганча суҳбатга аралашди. — Бироқ... Хўп, ана, топдингизлар, эшикни очдингизлар ҳам дейлик. Нарёғида қип-қизил саҳро бўлиб чиқса нима қиласизлар?

— Э-э, билсангиз, саҳрода ҳам поэзия бор. Биргина саробнинг ўзини айтмай-сизми! Хуллас, калит, калит... Их-м... Талабалик йилларимизда “Кўнгли очиш” деган бир ўйин бўларди. Билишимча, ҳозир унутилаёзди. Ёшлар давра куриб ўтиришади. Даврабоши ўртада бўш шишани айлантиради. Шишанинг оғзи кимга қараб тўхтаса, унинг олдига бир савол кўндаланг кўйилади. Яъни, ўша одам кўнглини очиб, ростини айтиши керак бўлади. Албатта, ўша пайтларда биз учун савол ҳам, жавоб ҳам жуда қизиқ туюларди. Сабаби, гап “ўлдим-куйдим”лар атрофида кетарди-да. Қизлар ҳам, йигитлар ҳам ҳаяжонланиб, титраб-қақшаб ноилож кўнгли сирларини очишга мажбур бўлишарди. Одатда бундай давраларга ўзаро дўст-биродар, сирдош-қадрдон ёшлар йиғилиб, улар ўзлари яхши биладиган ё сезиб юрган нарсалар тўғрисида гап кўзгардилар...

— Ҳа-ҳа, эсимда, — хитоб қилди Бастакор кўзлари оловдек чақнаб. — Ажойиб ўйин эди! Туйғуларни ошкор этмаслик, кўнглида пинҳон сақлаш — фазилат саналган замонларда бу ўйин қизиқ кўринарди. Ҳозир қизиғи йўқ. Ўрнини росмана ўйин босиб кетди. Энди ҳамма тугунлар рақс пайтида ечилади. Сир олиш ҳам осон. Арзон-гаров сўз айтишдан ким ҳам уялиб-тортинарди!

— Менимча, одамнинг ташқи қиёфаси, туриш-турмуши, борингки, муҳити ўзгаргани билан унинг руҳий олами-ю, ботиний туйғулари ўзгариб кетавермайди, — тағин эътироз билдирди Рассом.

— Шиша айланмоққа бошлади, — деди Ёзувчи мамнун илжайиб.

<sup>1</sup> Қозоқлар одатда исми қисқартириб айтадилар. “Рассом ака” демоқчи.

<sup>2</sup> Ёзувчи ака.

— Ёшлигимизда, бундан йигирма йилча аввал биз ҳам севганмиз. Икки юз йил, икки минг йил аввал ҳам одамлар севган-севилган. Шакл-шамойил ўзгарган, холос. Бироқ мазмун ҳамон ўша-ўша: ҳозир ҳам севадилар-севишадилар. Албатта, севиш учун туғилганлар. Алдаш учун туғилганлар бўлса, аввал ҳам алдаганлар, ҳозир ҳам алдаб-сулдаб юришибди.

— Шиша айланяпти, — деди тагин Ёзувчи. — Оғзи Сизга қараб тўхтади. Сизга, Баке<sup>1</sup>. Савол шундай: биринчи муҳаббатингиз тарихини айтиб берсангиз?

— Бунингиз ярамайди, азизим.

— Нега? Ё Сиз биринчи-иккинчисини қўйиб, қоқ ўртасидан бошлаганмидингиз?

— Шунинг учун ярамайдики, саволингиз жуда умумий, ёзувчи номингизга ярашмайдиган, сийқаси чиққан савол. Муסיқада нақорат деган сўз бор. Такрор. Икки-учтагина аккорд. Биргина оҳанг алоҳида ажратиб олинади. У бутун асарнинг идрок этилишига, яъни мусиқа сеҳрининг вужудингизга нурдек қуйилишига ёрдам беради. Мана шундай ўзгача оҳанг, теша тегмаган савол топиш керак бўлади. Масалан, “Энг сўнги гуноҳингиз?” деганларидек.

— Раканг — бегуноҳ одам, — эътироз билдирди Ёзувчи. — Бу кишида нари борса гуноҳнинг дастлабкисигина бор.

Учовлон баравар хаҳоладилар.

— У ҳолда... сўнги... дастлабки. Саволни шундай қураимиз: “Илк муҳаббат билан сўнги учрашув!”

— Бунингиз эпақага келади. Қани, бошладик. Шисанинг оғзи ўзларига қаради.

— Бекорга овора бўляпсиз, Жаке, — деди Бастакор. — Сизники — хаёлий шиша. Чинакам шиша, мана, оғзи Сизга қараб эгиляпти.

— Тўкилади, — хушёрлик кўрсатди Ёзувчи.

— Хотиржам бўлинг, тикини бор, — деди Бастакор. — Бунинг устига, сиз бўйдоқлик пайтингизда ўйнаган лимонаддан бўшаган шиша эмас, бўғзигача коньяк қуйилган мағзи тўқ шиша. Шундай қилиб, савол: “Илк муҳаббатингиз билан сўнги учрашувингиз?”

— Биз сўнги марта “Тонг нури” романим саҳифаларида учрашдик, — деди Ёзувчи ўриндикқа ястанаркан.

— Ўҳ-ў! — Бастакор Ёзувчига қизиқсиниб тикилди.

— Ўшандан бери тез-тез тушига кириб турсам керак.

— Яъни, сиз илк муҳаббатингизни юзхотир қилмай, рўйирост...

— Худди шундай, рўйирост тасвирладим. “Тонг нури”даги Гулнор — ўша қиз. Албатта, ҳаётдаги исми бошқачароқ эди.

— Демак, Гулнор... яъни, ўша қиз... ўша аёл ҳозир қаердалиги, ҳоли не кечгани?..

— Топдингиз — мен учун қоронғу. Ўша-ўша қайтиб кўрмаганман. Менга парво қилмасдан бошқа бир йигит, эҳтимол, кейинчалик ўзига эр бўлмиш йигит билан қўлтиқлашиб кетаётганида оқибати шундай бўлишини хаёлига ҳам келтирмагани аниқ. Мен бор гапни айтаверадиган удабурро, эпчил йигитлардан эмасдим. Бироқ сўнги учрашувимиз, шак-шубҳасиз, унга қаттиқ таъсир қилган...

— Янглишасиз, азизим, — анчадан бери жим ўтирган Рассом суҳбатга аралашди. — Мен “Тонг нури”нгизни ўқимаганман. Кечирасизу, ростини айтсам, бирон асарингиз билан танишмасман. Лауреат эканингизни биламан, албатта. Яхши ёзувчи бўлсангиз керак, деб ўйлайман. Яхши одам эканлигингизга ҳам шубҳаланмайман. Бироқ ҳозирги сўзингиз — болаларча соддалик, холос. Ҳаётий туйғу бадий асарга айланишдан аввал ижодкорнинг руҳий оламидан ўтади, сараланиб, қайта кўрилиб, қайта қуйилади. Яъни, ҳаётий туйғуни ишлов берилмаган ёмби десак, бадий асар — ўша тиллодан ясалган нақшин билагузук. Ҳам ўша ёмбининг ўзи, ҳам бутунлай бошқа... Эшитинг-да, энди. Дейлик, Сизнинг қўлингизда ҳаётий туйғу, яъни ўша бир парча ноёб маъдан турибди. Агар сиз чинакам санъаткор бўлсангиз, агар қўлингиздаги маъданга нисбатан яратилажак санъат асари сиз учун қимматлироқ бўлса, сиз ўша ёмбининг бирламчи шаклини бузишга мажбурсиз. Албатта, сиз бузмадим, туздим, уни янги бир қолипга туширдим, деб хаёл қиласиз. Бироқ шаклни кўриб, мазмунни ўйламайдиган оми одам, дейлик, ўша билагузукка қараб туриб,

<sup>1</sup> Бастакор ака.

унинг асл қиёфасини кўз олдига келтира оладими? Асло! Хулласи калом, агар сиз чинакам санъаткор бўлсангиз, аллақайларда юрган уйли-жойли, бола-чақали Гулнор ёки Гулжон исмли аллақандай аёл ўн марта ҳижжалаб ўқисаям “Тонг нури”-нгиздан ўзини қидириб тополмайди.

— Аниқ деталлар-чи? Такрорланмас ҳолатлар-чи?

— Деталлар ҳам, ҳолатлар ҳам, қиёфаларнинг айнан ўхшашлиги ҳам ҳеч қандай ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Буларнинг бари — кўмакчи воситалар, холос. Муҳими — туйғулар оқимида. Севган қизингизнинг нималарни хаёл қилиб, қай ҳолатда юрганини сиз қаяқдан биласиз? Бошқа бировни қўйинг, ўша пайтдаги ўз-ўзингизни англаб етганмисиз? Ўша Гулжон ёки Кулаш романингизни ўқиди, дейлик. Сизни соғиниб, қўмсаб, ўкинчдан “оҳ” чекиб юргани учун эмас. Оғизга тушган асардан аллақандай руҳий озиқ олиш учун ҳам эмас. Аёллар — қизиқувчан халқ. Қачонлардир ўзини кинога таклиф этган, аллақайси хилватда ўзи беихтиёр ўпишиб қолган йигитчанинг бугунга келиб нима ёзганини билиш учунгина. Сизнинг назарингизда такрорланмасдек туюлувчи тотли лаҳзалар батамом унутилган. Узоқ умр майда-чуйдалар йиғиндисидан ташкил топади. Уларнинг қайси бири эсда қолаверади, дейсиз. Хўп, ана, романни ўқиб ўтирганида Гулжоннинг эсига тушди ҳам дейлик. “Вой, айёр-эй! Алдоқчи-ей, — деб ўйлайди. — Ўзининг тиллаю, дурга беланган хотини билан ораларидаги бўлиб ўтган мижроларни ёзиб ўтириб мен билан театрга борганида рўй берган ўша воқеани ҳам қистириб ўтибди-я. Қаранг-а вафосизнинг қилиғини!” Сиз эмас, ўзининг вафосизлик қилганини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Ўша топда сизни ва ё сизнинг ҳаттоки отиниям билмайдиган хотинингизнигина эмас, бутун дунёни гуноҳкор қилишга тайёр. Бироқ сиз хафа бўлмагн. Тасаввур қилингки, кутилмаганда қозондаги сут тоша бошлайди. Кулаш китобни ҳам, сизни ҳам унутиб, тирикчилик ташвишларига шўнғийди-кетади.

— Сўнгги учрашувининг ҳолига вой десангиз-чи! — Ёзувчи қаддини керган кўйи беихтиёр илжайди. — Начора сиз ҳақсиз, азизим. Ўзим ҳам гоҳо шундай тасаввур қиламан. Фақат шу романга, романдаги қиз образига келганда... наҳот энди шундай бўлса?! О, худо... — Ёзувчи надомат ила бош чайқади.

— Жазангиз керак! — ёзғирди Бастакор. — “Сўнгги гуноҳ” ўйинини таклиф қилганимда ўзингиз рози бўлмадингиз. Ҳалиям кеч эмас, шу ўйиндан қолмайлик.

— Юртга сир бой берсанг, кўрган кунинг мана шу. Мени икки томондан нишонга олиб, масҳара қилмоқчисизлар-да. Йўқ, бунақаси кетмайди. Шишанинг оғзи ўзларига қаради.

— Шишанинг менда эканини унутиб қўяпсиз, шекилли, — деди Бастакор. — Мана, оғзи тагин Рассом акамизни кўрсатиб турибди. Афтидан, илк муҳаббати сўнгги учрашув чоғида Ракангни бутунлай танимай қолган, шекилли-да?

Рассом истар-истамас илжайди.

— Олиб юборайлик, — деди Бастакор. — Официантка қиз қараб қўйяпти. Ижодий уюшмаларнинг қўшма йиғилишини бошлаб юборишди, деб ўйлаб қолмасин тагин.

Овқат келди. Бироқ Ёзувчидан бошқа ҳеч ким санчқи-ю, пичоқни қўлига олмади.

— Ҳа, — кутилмаганда Рассом оғир хўрсиниб, узилган суҳбатни келган жойидан улаб кетди. — Худди шундай бўлди — танимай қолди. Ёки ўзини танимаганга олди. Ҳар қалай, бунга унинг ҳаққиям бор эди.

— Кечирасизу, — деди Ёзувчи, — аввал бошда танирмиди, ишқилиб?

— “Танимасди” десаям бўлади.

— Қизик-ку? — Бастакор Рассомга ажабланиб қаради.

— Нимаси қизик? Бунга амин бўлишларингиз учун ҳозир Сизлар бошлаган ўйиннинг астарини ағдаришга тўғри келади. Мен бир бошдан айтай. Гапларимдан бир нимани тушунсаларингиз ажабмас. Мана, орадан йигирма йил ўтди. Ўз бошимдан кечирган бўлсам-да, то бугунга қадар ўзим ҳам тушунмайман. Нега шундай бўлди?..

Биз дастлаб трамвайда танишдик... кечирасизлар, тўғрироғи, уни илк бор трамвайда учратдим. Очиғи, ўзини ҳам эмас, кўзини! Трамвайда одам тирбанд. Охирида тушадиган бўлганлигим учун орқароққа, бир бурчакка ўрнашиб олганман. Ҳозиргина эски китоблар дўконидан “Ўрта асрлар Шарқ миниатюраси” китобини сотиб олганман. Нодир китоб. Бутун хаёлим — тўс-тўполонда унга шикаст етказиб қўймаслик. Авайлаб бошимга кўтараман. Одам боласининг феъли қизик: одатдаги бамай-

лихотир пайтларга нисбатан бундай қисталанг чоғларда қизиқувчилар кўпроқ бўлади. Кўчада кетаётган минглаб одам бир-бирига эътибор бериб, диққат билан қарай-вермайди. Агар аллақандай автобус билан троллейбус ёхуд бошқа ҳар қандай икки машина ёнма-ён кетаётган бўлса-чи? Икки тўп йўловчи, худди умрида одам кўрмагандек, бир-бирига ёпирилиб қарайди. Ёнма-ён кетаётган машинадан танишларини қидиради, кимнинг қандай кийиниб, қай алфозда турганига зеҳн солади. Худди шундай, теварагимда турганларнинг диққат-эътибори мен бошимга кўтариб турган альбомда. Бу ҳол ўзимга ҳам хуш ёқади. Кўпдан бери қидириб, аранг қўлга киритган қимматбаҳо бисотим. Гўё ҳамма ҳавасланибгина эмас, қизганибми, ҳасад билан қараётгандек. Ўлгудек ғурурланаман. Бироқ юзаки қараганда ҳеч нима сезмагандек бепарво турибман. Бир пайт кимнингдир альбомга эмас, ўзимга тикилиб қараётганини сезиб қолдим. Бунга ҳам ўрганиб-кўникиб қолганман. Политехника институтида ўқиганим билан ўзим орқаворотдан кўриб-билиб юрган рассом, шоир, бастакорларга эргашиб ўта пўрим кийинаман. Ҳафсала билан кузалган мўйловим бор. Енгилгина тўлқинланган қуюқ сочим елкамга тушади. Бироқ бу нигоҳ аввалгиларига ўхшамайдигандек. Ялт этиб қарадим. Бутун вужудимдан олов юриб ўтгандек бўлди. Нигоҳим қоп-қора, қора бўлганда ҳам, зим-зиё тундек сирли, чаросдек тиниқ ва улкан, юм-юмалоқ кўзлар билан тўқнашди. Шундай тўқнашдики, икки ўртада гуё қўл билан ушлаб кўрса бўладигандек ажиб бир ришта, йўқ, мустаҳкам кўприк улангандек бўлди... Бутун аъзои баданимни жимирлатиб, толти бир титроқ уйғотди. Ҳаётимдаги энг орзиқиб кутган, бутун кечмиш-кечирмишларимни янги бир оқимга солишга қодир воқеанинг бошланганини ақлим ё руҳим билангина эмас, вужуд-вужудим билан ҳис қилдим. Аввалига ўткир ва ўйноқироқ кўринган, зум ўтмай маъсум ва эрка эканлиги англашилган қуралай кўзларга қадалиб, донг қотиб қолибман. Қанча вақт шундай турганимизни билмайман, қутилмаганда трамвай таққа тўхтаб қолди. Бекат экан. Йиқилаёзиб базўр ўнгландим. Қайта қараганимда, бири тушиб-бири чиқиб, кимдир — олдга, кимдир — ортга бетўхтов ҳаракатланаётган бесаранжом оломон орасидан қидирганимни тополмадим. Оралигимизда беш-олти одимлар бор эди. Эшикка яқинроқ турган эди. Қоқина-сурини ташқарига интилдим. Ақлдан озгандек олазарақ довдираб, нари-бери югурдим, ён-веримга алангладим. Йўқ. Қумга синггандек зим-зиё! Балки трамвайдан тушмагандир. Балки бошқа транспортга алмашгандир? Хуллас, кўз очиб-юмгунча ғойиб бўлди-қўйди. Худди ўнгимда эмас, тушимда кўргандекман. Қараб туриб айрилдим-қолдим.

Шаҳар катта. Бироқ эртадир-кечдир қидириб топишимга шубҳам йўқ.

Ишни ётоқхоналарни кезишдан бошладим. Ҳеч қандай натижа чиқмади. Шундан кейин институтларнинг ўзига кўчдим. Кўпинча тушликка яқин, дарсларнинг тугар чоғини мўлжаллаб йўл пойладим. Кириб-чиқаётган оломонни, яъни, қоракўз қизларни битта-битта диққат билан назардан ўтказаман. Ҳеч бир натижа чиқавермагач, йўлакларни кезишга тушдим. Ўқув хоналарини тинтувдан ўтказдим. Билимга чанқоқ талабалар қавми ғужғон ўйновчи марказий кутубхоналарга танда қўйдим. Мақсад, тушуниб турибсизларки, ўқиш эмас, қиз қидириш. Икки ой ичида “гафтиш қилмаганим” — билим юртлари-ю, техникумларгина қолди. Яна, нега унутган эканман, мўлжалда консерватория ҳам бор. Шуларни текшириб чиқишим керак. Тўғри, ишим ўнгидан келишига шубҳам йўқ. Бироқ бошлаган ишимни ниҳоясига етказишим керак. Ана шундагина бир нави ҳаловат топадигандекман. Кўнглимдаги ҳаяжон сели бир қадар босилган. Сал ўтмай бу ҳолат вақтинчалик экани маълум бўлди. Довул олдидаги сукунат. Заифгина шабада ҳам сабр косамни тўлдириб-тоширадигандек. Тентираб юриб консерваторияга рўпара бўлдим. Кирсаммикин ё шу ерда кутсаммикин, дея иккиланиб турган эдим, бирдан кўзим тушиб қолди: концерт программаларига кўз югуртириб нақ зина олдида турибди. Тўлқинланган қоп-қора сочларидан, бутун вужудидан тириклик нури шуълаланади, бахт нашидаси уфуради. Эс-ҳушимни йўқотгудек югургилаб олдига келдим. Ҳар қандай одоб-икромни йиғиштириб қўйиб, юзига бақрайиб қарадим шекилли, нописанд кўз ташлади. Бу — қадди-қомати навниҳолдек кўринса-да, дидсизларча бўёқ чаплаган юзлари шалвираб тушган, бадбашара бир қари аёл эди. Кўзлари... кўзлари силовсининг кўзларидек ола-кула. Бироқ мен худди ўша кўзлари учун уни: “Раҳмат, татетай!” — дея кучоқлаб суйишга ҳам тайёр эдим. Мен излаган қуралай кўзларнинг эгаси шу ажина бўлиб чиққанида нима қилардим?! Шундай бўлиши ҳам эҳти-

мол эди-ку! Ахир, мен ўша қизнинг бўй-басти бу ёқда турсин, афт-ангорига ҳам дурустроқ қарамаган бўлсам. Фақат кўзлари! Кўзларинигина қидириб юрибман унинг!

Ўша ўсалликдан сўнг мен қизни (назаримда ўша қуралай кўзлар эгаси эндигина балогатга етган ёш қиз эканлиги шубҳасиз эди) қайтиб учратишдан умид узай, дедим. Аввалгидай ялпи сафарбарликни бас қилдим. Бироқ кинода ҳам, кутубхонада ҳам, кўча-кўйда ҳам ён-веримдагиларга диққат билан қарайман. Ҳозир ҳам бу одатдан кутулдим, деб айтолмайман. Лекин ўша пайтларда, худди ақли ноқис одамдек, мудом атрофимга аланг-жаланг қарашни одатга айлантирдим. Умуман олганда, бу одат кейинчалик менинг ҳаётимда туппа-тузук иш берди. Мен одамларнинг кўзларига, қиёфаларига синчиклаб қарашга ўргандим. Одамнинг ташқи қиёфаси, ҳатто биргина аъзоси, биргина хатти-ҳаракати орқали бутун руҳий ҳолатини уқиш машини олдим. Рассомлик санъати бобида ўзим ўқиган дастлабки тажриба мактаби эди бу!

Шундай қилиб, десангиз, орадан куз ўтди, қиш ўтди. Кўклам келди. Ўша йили кўклам одатдагидан эртароқ келди. Йилдагидек қора совуқ ҳам бўлмади, лойгарчилик ҳам. Қор ирқитланиб ётавермай, бир-икки кундаёқ эриб, жилгаю ариқларга қуйилди-да, ҳафта ўтмай ер селгиб, эркин нафас олди. Тўғри, қиш мен учун жуда узоқ туюлди, бироқ аслида ўша йили қисқа келди. Осмон чиннидек тозариб, ер кўпчиб, дарахтлар куртак отганида наврўз оғи эндигина бошланган эди.

Қиз билан мана шу пайтда учрашдим. Тасодифан учрашдим.

Эрталаб шошилишда бошқа автобусга чиқиб олибман. Англаб етгунимча талай жойга бориб қолдим. Базўр тушдим. Ортга қайтиш учун ҳадеганда автобус бўлавермади. Дарс деганлари кино ё театр эмаски, талабалар қувона-орзиқа эртароқ этиб борсалар. Энди дарсга улгурмаслигим аниқ эди. Ростини айтсам, ўқишдан ҳафсалам совий бошлаганди. Ўзим иккиланиб юрибман. Ётоқхонага қайтиб, асбоб-ускуналаримни олсаму, тоққа чиқиб кетсам-чи, деган хаёлга бордим. Ҳа. Яхшиси шундай қиламан. Хушбўй майса-кўкатлар иси билан тўйинган тонг ҳавосидан симириб, барг чиқара бошлаган дарахтларга, кўкимтир туманга бурканган Олатовга, ложувард осмонга ошuftа боқиб, оҳиста одимлайман. Кутилмаганда кўчанинг нариги юзиде келаётган Уни кўриб қолдим. Узоқдан кўзим тушди-ю “Ўша!” деган фикр миямга чақмоқдек урилди. Бир зумда қувиб етдим. Икки қадамча орқанда келяпман. Сочи тимқора эмас экан. Қора-кўнғир. Бўй-басти ўртадан сал тикроқ, лекин новча эмас. Сарвдек адл. Қаддини тик тутиб, қўллари қарийиб ҳаракатсиз, енгилгина одимлаши, бежиримгина сумкачасини ушлаши, кўчани кесиб ўтаётганида сўлу ўннга бўйин буриб қарашлари — барча-барчаси айрича бир назокату латофатдан дарак бериб турибди. Ҳали бурилаётганида ёнламасига кўрганман. Ёнламасига қараганда ҳам баайни бир мўъжиза; уста рассом чизгандек тўғри ва нафис. Лекин юз қиёфасини кўролмадим. Қувлаб ўтиб қараш ноқулай. Қолаверса, тагин қовун туширмай, деган хавотирим ҳам йўқ эмас. Анчадан буён аллақим таъқиб этаётганини сездим шекилли, қиз нимагадир аччиғлангандек, қадамини жадаллатди. Хатти-ҳаракатлари аввалги табиий нафосатидан жудо бўлди. Мен ҳам ўзимни ноқулай сезиб, қадамимни секинлатдим. Бироқ кўздан қочирмай, беш-олти қадамча орқадан жимгина кузатиб боравердим.

Қиз ўз манзилига етди: университет. Ўзим неча марта келган, ўн маротаба бир бошдан тафтиш қилиб чиққан университет! Ичкарига кирди. Узунчоқ йўлак. Ғалаговур оломон. Кўздан қочиб қўймаслик учун андак яқинлашаман. Иккинчи қават. Учинчи қават. Ана, ўннга бурилди. Тўғрига юрди. Аудитория. Ялт этиб эшикка қарадим. Ҳали-ҳануз эсимда: 316. Уч юз ўн олтинчи аудитория! Қиз шу хонага кирди. Мен ҳам кирдим. Тўрдаги дераза ёнига — иккинчи қаторга ўтирди. Албатта, ўтираркан, ночор-ноиллож мен томонга қаради. Нақ остонада тек қотиб қолган менга кўзи тушди. Худди илон кўргандек сесканиб кетди. Оқариб-бўзарди. Зум ўтмай рангига қизилик югурди. Мен ўзимни бамайлихотир кўрсатишга уриниб тўрға томон бир неча қадам ташладим-да, худди аудиторияга адашиб кирган одамдек, атрофимга аланглаб қарадим. Гўё адашганимга иқрор бўлганимдан сўнг ортимга бурилдим. Шаҳдам қадамлар билан чиқдим-кетдим. Ортимга қайрилиб қарадим. Аудиториядан андак узоқлашгач, оёғимни қўлимга олиб югурдим. Йўқ, югурмадим, назаримда қанот боғлаб учдим. Топилди! Ахийри топилди! Энди ҳеч қаёққа кетмайди! Биринчи қаватга тушдим. Дарс жадвалини топдим. Уч юз ўн олтинчи... А-ҳа. Мана-ку! 316. Иккинчи курс, биринчи группа. Химфак. Дорилфунундаги кимё фа-



культетининг иккинчи курси. Тамом-вассалом! Энди мен қизни истаган пайтимда қидириб топа оламан. Истасам, шу бугун... Бугун дарс иккию эллиқда тугайди. Қайтиб келаман. Йўллари пойлайман.

Ўзимни арши аълода юргандек сездим. Ташқарига чиқдим.

Осмонни булут қоплабди. Бироқ мен учун чарақлаб офтоб чиқиб тургандек. Қаяққа бораётганимни ўзим ҳам билмайман. Бошим оққан тарафга бемақсад тентирадим. Дафъатан сергак торгдим. Ўзимга танқидий кўз билан қарай бошладим. Хўш, ана, қаерда ўқишини-ку, билдинг. Бундан нима ўзгарди? Нима ўзгаргани қандай? Ахир, мен ошиқман. Тўғри, ошиқи беқарорлигинга шак-шубҳа йўқ. Энди нима қилмоқчисан? Энди... Энди... танишамиз. Кейин... Тўхта. Сенингча, танишиш осон экан-да? Тўғри, осон эмас. Бироқ танишишимизга ким монелик қила олади? Мен ҳам унга ёқаман-ку, ахир. Ўҳ-у! Бу гапни қаёқдан олдинг? Унда ёқасан деб ким айтди? Ҳеч ким айтмадику-я, бироқ кўнглим сезиб турибди. Биринчи бўлиб менга қараган у-ку, ахир. Ўзинга қаради, деб ким айта олади? Балки нақ елканга тушган патила-патила сочинга қарагандир, ўшанда? Балки устингдаги олачалпоқ қизил кўйлагинга тасвирланган полнезияликларми-финикияликларнинг ғаройиб кемаларига қарагандир? Агар ўрта асрлардаги қипчоқлардек сочинангни уч ўрим қилиб ўриб қўйсанг ё занжилардек эгнинга кийим киймай, бўйнингга ит тишидан ясалган антиқа ҳалқа осиб олсанг, бундан ҳам тузукроқ натижага эришармидинг балки. У ҳолда... нега мени кўрганда қизариб-бўзарди. Ихм... Эҳтимол, ўзинг қизариб-бўзаргандирсан? Балки сенга шундай туюлгандир? Хўп, ана, сенга шундай туюлмади, аслида ҳам шундай бўлди дейлик. Қизлар қизариб-бўзараверади-да. У азбаройи узун сочинг сабаб сени таниди... Ишқилиб, таниди-ку! Тўхта. Ўзингни эмас, ёввойиларча сочингни таниди. Бошқа факультетдан алмашиб, бизга келган шекилли, деб қўрқиб қолди. Масхара қилмасанг-чи! Маъқул, сени таниди дейлик. Бунинг нимасига қувонасан? Ортидан йигит эргаганини хуш кўрмайдиган қиз борми сира? Бу ҳам бир ҳавас-да! Йўқ. Мен унга ёқаман. Қани эди шундай бўлса!.. Хуллас, ўша кунни нима ўйлаб- нима кўйганим ҳозир яхши эсимда йўқ. Ҳар қалай, худди шундай қарама-қарши туйғуларни бошимдан кечирганим аниқ. Ўйлай-ўйлай, ўзим қизни дастлаб кўрган лаҳзалардан бери айтарли ҳеч нима ўзгармаганига иқрор бўлдим. Ҳаммаси ўша-ўша. Суюнадиган ҳеч нима йўқ. Энди ҳовлиқмаслик керак. Чидам-тоқат керак. Бугун бормайман. Эртага ҳам. Индинга ҳам. Майли, қидирсин. Қидириш навбати энди уники! Ҳиротдан қидирмайди, бор-йўғи шу университетнинг ўзидан қидиради. Атиги бошқа аудиториялардан, бошқа қаватлардан. Майли, бирма-бир бош суқиб тинтув қилмасин. Лоақал теварагига кўз ташлаб, тўрт қаватни назардан ўтказсин. Оппа-осон. Атиги тўрт кун керак. Барибир, мени тополмайди. Тўрт кун эмас, тўрт йил ахтарса ҳам тополмайди. Ана шунақа! Ўт билан ўйнашиш қанақа бўлишини у ҳам кўриб қўйсин.

Тўрт кун эмас, нақд бир ҳафта университетга қадам босмадим. Бу ёғини сўрасангиз, ўз институтимдан ҳам қадамимни уздим. Тонг саҳарда тураман-да, иш қуролларимни олиб, тоққа кетаман. Қалин ўрмон, баланд ўсган қарағайлар. Юксак-юксакларда палахса-палахса тошлар, қору музлар нафис жимирлайди. Пастда — кўз илғамас кенгликлар бағрида юзига тутунган хира парда тутган улкан шаҳар. То кечга қадар сурат чизаман. Севгилимнинг суратини! Ўзини эмас, кўзини! Кўзинигина. Кўкка бўй чўзган қарағай япроқлари орасидан ҳам, бутазорлар ичидан ҳам ўша қуралай кўзлар мўралайди. Қалин туману қуюқ тутунни ҳам ўша ўткир нигоҳ ўқдек тешиб ўтади. Осмону фалакни бус-бугун қоплаб олган қоп-қора булутлар орасидан ҳам қуёш эмас, ўша кўзлар шуъла сочади. Кўзлар, кўзлар, кўзлар! Қиличдан ўткирроқ, олмосдан кескирроқ кўзлар! Мунг-ҳасратга, сеҳру жозибага тўла кўзлар! Севгига, муҳаббатга лиммо-лим кўзлар! Санъатда мўъжиза яратаётган буюк расомдек сезаман ўзимни. Яккаш шоҳ асарлар яратаман гўё. Бошқасини чизишга имконим ҳам, иложим ҳам йўқдек. Менинг билиб олганим, юрагимнинг туб-тубига мустаҳкам ўрнашиб олган ягона мўъжиза — севгилимнинг кўзлари. Кўзларигина. Тўғри, юзини ҳам кўрдим. Бир мартагина. Афсуски, тузукроқ қарамабман. Йўқ, қарадим. Лекин... эслаёлмайман! Қанчалик уринмай, қизнинг юз тузилишини кўз олдимга келтиролмайман. Ташқи қиёфасини батамом унутгандекман. Башарти кўча-кўйда тўқнаш келиб қолсам, таниёлмаслигим эҳтимол. Албатта, кўзларини яшириб, қора кўзойнақ тақиб олган бўлса... Нега энди танимас эканман? Йўқ, барибир танир эдим. Пешонаси... яноғи... юз тузилиши... Йўқ. Тасаввур қилолмайман. Худ-

ди тушимда кўргандекман. Худди аллақайси эртақми-афсонада эшитгандекман. Ҳаммаси сароб. Уйқудан уйғонсам, бас, ғойиб бўладигандек. Йўқ, сароб эмас, ҳақиқат. Ахир, дунёда шундай қиз бор-ку. Суқсурдек сулув, фариштадек гўзал! Шундай қиз менга қиё боқармикин? Бу томонини ўйлаб ўтирмайман. Гўё дунёнинг калити кўлимда, истасам бас, дуч келган дарвозани оча оламан, деган ишонч ҳали кўнглимни тарк этмаган...

Дарс жадвалига қараб оппа-осон топиб олдим. Икки кўнғироқ орасини мўлжал қилдим. Эшик олдига келиб, ичкарига кўз югуртирдим. У орқароқда ўтирган экан. Дарсга кечикканми ё уйга берилган вазифани бажаришни унутган, ниманидир апил-тапил ёзиб ўтирибди. Ичкарига киришга, албатта, журъатим етади. Бироқ бундан нима фойда? Ташқарига чақириб олишим мумкин. Бироқ исмини билмайман-да... Туравердим. Ахири бошини кўтарди. Мени кўрди. Кўрди-ю, болаларча севиниб кетди. Апил-тапил китоб-дафтарларини тахлаб, ўрнидан турди. Тагин қайта ўтирди. Яхшироқ таниб олай дедими ё менинг эшик олдига нима қилиб, қандай ниятларда турганимни англаб етмоқ учунми, тикилиб қолди. Олдига таҳланган китоб-дафтарларини кафти билан маҳкам босиб андак ўтирди-да, мендан кўз узмаган ҳолда ўрнидан турди. Эшик томон юрди. Мен томонга. Балки мени яқинроқдан кўргиси келгандир? Ё нима мақсадда бу атрофда ўралашиб юрганимни сўрамоқчимми? Мени лақиллатиб, ёнимдан бепарво ўтиб кетиши ҳам мумкин-ку! Бу тахминларимдан ҳеч бири рўй бермайди. Ташқаридан ёпирилиб киришган талабалар унинг йўлини тўсдилар. Иккимиз икки томонда қолиб кетдик. Бироқ қиз оқимга қарши сузиб, тобора илгарилайверди. Мендан кўз узмаган ҳолда рўпарамга келиб тўхтади.

— Ичкари қирмай, эшик олдига нима қилиб турибсиз?

Сесканиб кетдим. Ияги ҳам, боши ҳам арчилган тухумдек туксиз ўрта ёшлардаги новча, қотма, озғин киши менга саволомуз тикилиб турибди. Домла. Кўнғироқни эшитмабман. Унга йўл бўшатдим. Ўзининг адашганини англади чоғи, мени эътиборсиз қолдириб, шахдам одимлаганича минбар томон йўл олди. Талабалар гуриллаб ўринларидан турдилар. Қиз ортига буриларкан, тагин менга яқинроқ келди. Нақ тумшугимнинг олдидан шахд билан айлантириб эшикни ёпди. Ёпаркан, тилини чиқариб мени масхара қилди.

Бошим кўкка икки энликкина етмади, холос. Севинчга кўмилдим. Бахтимдан сархушман. Бироқ ўша кунга йўл пойламадим. Режамни бузгим келмади. У пайтларда мен муҳаббат бошқа кундалик ишлар каби ҳеч бир режаю мўлжалга бўйсинмаслиги, унинг пайдо бўлиш, ўсиб-ривожланиши, заволга юз тутиш тартиби бутунлай бошқачалигини, тўғрироғи, ҳеч бир тартибу режани тан олавермаслигини ҳали билмас эдим. Билмас олганим шуки, тагин қумга сингандек ғойиб бўлишим керак, дейман. Худди эртақгаддек. Худди тушдагидек. Худди қизнинг ўзи йўқолганидек бир муддат изсиз йўқолмоғим керак.

Орадан тагин икки ҳафтани ўтказдим.

Бу пайтда институтимизда ҳам дилхираликлар бошланган эди. Сабабкори — ўзимман. На қолган икки йилга чидаб дипломга эга чиқишимни, на бош-охири йўқ, хатарли янги йўлга узил-кесил ўтишимни билмай, ўтмишимдан бутунлай кўнғил узишга ҳам, кечроқ бўлса-да, ҳаммасини бошидан бошлашга ҳам журъатим етмай, икки ўт орасида қоврилиб юрибман. Ўқишдан кўнғил совиб кетганига сабаб бу ҳам эмас, ҳамма бало аввал-бошда кўнғилнинг аллақайси нуқталарида шаклланиб, нима учундир, хушнудлик билан кутиб олинган, лекин ўзига йўл тополмай аросатда қолган ҳавойи орзуларда эди. Мен ўзимни қачонлардир ғалабадан ғалабага оппа-осон ўтаверадиغان буюк бир лашкарбошим — улкан сиёсий арбоб чоғлардим. Нақ Кутузов ёхуд Бисмаркдек. Ганнибал ёки Наполеондек. Ҳолбуки одам ҳавойи хаёлларни кўйиб, аввало ўзи бўлиши, тағзамини бўш тасаввурларга берилмай, тиниб-тинчимас сезгилар буюрган томонга интилиши зарур экан. Афсуски, мен бундай қилмадим. Икки ҳафта кўнғил қушини атайин қафасга солдим. Икки ҳафтани амал-тақал ўтказдим. Кейинги икки кун эса масалани ҳал қилди.

Уни яна оппа-осон топдим. Ташқарида йўлини пойлаб турувдим, эшикдан чиқар-чиқмас менга кўзи тушди. Бироқ қиёфасида ҳеч бир ўзгариш сезилмади. Худди мени танимайдиган-билмайдигандек!

Ёнида дугонаси ҳам бор. Нозик-ниҳол, сочини бошига турмаклаган, чувак юзли, қорачагина қиз. Менинг қизимнинг бўлса (сезяпсизми, элбурутдан эга чиққаним-

ни?), мен ортидан эргашган қизнинг бир ўрим сочи елкасига худди тўқмоққа ўхша-тиб турмакланган. Иккаласининг эгниларида юпқагина ёмғирлўш.

Дорилфунундан чиқиб, рўпарадаги музқаймоқ дўкони олдида навбатга туриш-ди. Улардан қолишмай деб олдинма-кетин мен ҳам музқаймоқ олдим. Иккиси ҳам сумкаларини чап билакларига осиб, қизгин суҳбатлашиб, таманно билан бир-бир босиб кетишяпти. Ўқтин-ўқтин шўх кулгулари эшитилиб қолади. Афтидан, қизгин гап бераётган менинг... мен нишонга олган қиз. Бегона қиз — тингловчи. Ўзимни бепарво кўрсатишга уриниб йигирма-ўттиз қадамча орқада келяпман. Қиз ҳалиги-на музқаймоқ дўкончасининг олдида мен тарафга бир қиё боққан. Энди ҳеч қара-маяпти. Музқаймоқ тугади. Қоғоз идиш ахлат қутисига ташланди. Ҳойнаҳой таш-лаётиб ортига бурилиб қараса керак, деб ўйловдим, жўрттага қилдим, қарамади. Худди “Минг бир кеча” эртақларини айтишга тушиб кетгандек гапи тугайдиган эмас. Басма-бас эшитилаётган кулгулар ҳам нимагадир тўхтаб қолди. Қорача қиз ниманидир диққат билан тинглапти.

Кенггина хиёбон чеккасида таққа тўхтаб қолишди. Яна андак юриб, эндигина бўялган бўзранг ўтиргичлардан бирига бамайлихотир жойлашишди. Кўзларига кўрин-маслик учун ўзимни дарахлар нарасига олдим.

Кўп ўтмай ўринларидан туришди. Қорамағиз қиз нарироқдаги автобус бекати томон юрди. Менинг қизим бўлса, кўчани қайта кесиб ўта бошлади. Қарасам, юқори-дан троллейбус келаётган экан. Шунга чиқди. Югуриб бориб мен ҳам базўр чиқиб олдим.

Ҳалослаган кўйи унга рўпара бўлишим, юрак ютиб гап бошлашим мумкин эди, бироқ қиз мени кўрган заҳоти қошларини чимириб, қоғозини уйди. Ҳали мен яқин-роқ бориб улгурмасидан одамлар орасидан сирғалиб бир бурчакка ўтди-да, дера-зага қараб туриб олди. Нима қилишни билмай қолдим. Шу тахлит аросатда икки-уч бекатни ўтказдик. Шу орада назоратчи чиқиб қолса бўладими. Патта олишни унутган эканман денг, нақ ер билан битта қилгудек уришиб-койиб, бутун ажодла-римнинг гўрларига гишт қалаб, охирида эллик тийин жарима солди. Қизнинг (унинг бир ойлик паттаси бор экан) мени масхаралабми ё ачинибми, ялт этиб қараганини сездим. Билет олишни унутганимга ўзи айбдор эканини билади, буниси аниқ. Ба-рибир уятдан ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмадим. Қиз боғ олдида троллейбусдан тушди. Албатта, мен ҳам тушдим. Энди мен боягидек машуқасини уйига кузатаёт-ган ошиққа ўхшамайман. Обдан қалтакланган, шунга қарамай карвон ортидан эр-гашган кучукдек судраламан. Шунда ҳам бўш келмадим: қулайроқ вазиятдан умид-вор бўлиб қизнинг ортидан эргашиб боравердим.

Қиз паст кўчадан бир оз юрди-да, ёйсимон қилиб қурилган баланд бир бино-нинг ҳовлисига кирди. Яхши биламан, бу бино — “Олимлар уйи” деб аталади. Менинг профессорим, аниқроқ айтганда, ўзим жинимдан баттар ёмон кўрадиган дарслардан бирини ўтадиган профессор яшайди. Қай бир куни тонг-саҳарда, эгни-да спорт костюми, тошми, кумми — алланима тўлатилган халтачани орқалаганча, эси паст одамдек, боғ томонга ҳалослаб чопаетганини кўрганман. Ўзи таниқли одам, бунинг устига, ҳали ҳаёт. Отини айтсам бўлмас. Сизлар ҳам яхши танийсиз-лар уни. Хуллас, қиз “Олимлар уйи”нинг ҳовлисига кирди. Биринчи йўлақдан, иккинчи йўлақдан ўтди. Учинчисига бурилди. Мен ҳам бурилдим. Ичкарига кирди. Мен ҳам. Қиз чопқиллаб зиналардан юқорига кўтарилди. Ортидан мен ҳам югур-дим. Иккинчи қаватда таққа тўхтаб қолди. Билмадим, менга шундай туюлдим, ҳар нечук, энтиканидан бўлса керак, юзлари оловланиб, бурун катаклари керилиб, менга тикилиб қаради. Шу асно чап қўлини чўзиб, ёнбошидаги қора чарм қоплан-ган улкан эшик кўнғироғини босди. Эшик очилишини кутмай ортимга бурилдим.

Шундай қилиб, биз бегоналигимизча қолавердик. Танишиш мен ўйлагандек осон иш эмас экан. Бугунги кун кутилган натижани бермади.

Ҳар қалай беҳуда кетди, деёлмайман. Қизнинг шаҳарлик эканини, бугина эмас, айнан қаерда яшашини билиб олдим. Танишлигимиз аввалгисига нисбатан озгина бўлсаям ортди. Ўзимни шундай деб овутдим. Кейинчалик ўйлаб қарасам, танишли-гимиз эмас, аксинча, нотанишлигимиз ортган экан. Менинг билет олишни унутиб кўярлик даражада довдирлигим ҳам, қизнинг ўта мағрурлиги ҳам эмас, сўнгги учра-шувимиздан бери ўртага ноўрин қистирилган икки ҳафталик айрилиқ бунга асосий айбдорлигини мен қаёқдан билай? Ҳар қалай, илк бор кўришганимизда орамизда пайдо бўлган сирли-сеҳрли ришта, гарчи бутунлай узилмаса-да, ўта нозиклашиб,

осон узиладиган бир ҳолга келгани аниқ эди. Ҳозирги илм-фан одамлараро муносабатлардаги анча-мунча жумбоқларни биомайдон, биоток билан изоҳлайди. Агар шундай бўлса, менинг биотокларим ўзим истаган пайтда ҳаракатга келмайдиган бўлиб қолди, шекилли-да. Электростанцияси бузилмасаям, камида бирон шаҳобчаси ишдан чиққан-ов.

Менинг руҳий изтироб тўла сарсонликларим худди ўша кундан бошланди. Дам дорилфунун биносининг рўпарасида пойлайман, дам кириб-чиқар вақтини мўлжал олиб уйининг теварагида кутаман. Бироқ натижа йўқ: яқин боришга, гаплашишга юрагим дов бермайди. Ўзимни базўр қўлга олиб яқинроқ борсам, қиз ўта жиддий қиёфаси-ю, уйилган қовоқлари билан амал-тақал пайдо қилган журъатимни йўққа чиқаради-қўяди. Бутун вужудим титраб-қақшаб, тилим каловланиб, пачоқ бир аҳволга тушаман.

Бунақанги беҳуда саргардонликни бас қилсам бўларди, деб талай марта ўйладим. Бироқ бас қилолмадим. Бутун борлиғидан ёруғ кунларга муштоқлик, ҳаётга ошuftалик нурдек ёғилиб турган, қизик-қизик ҳангомалари ҳечам тугамайдиган, шўх кулгулари тийиқ билмас дугоналар ортидан ҳалаканинг итидек ҳаллосланганча судралиб, ҳаяжондан титраб-қақшаб келавераман-келавераман. Дарсдан қайтар-ку ё бўлмаса лоп этиб эшикдан чиқиб қолар-ку, деган илинжда уйининг атрофидан парвонадек айланиб, ўзимга тикилиброқ қараган одамлардан шарпадек қочиб, кадрдон йўлакка ўғринча кўз югуртириб юраман-қўяман. Ҳар қалай, бутун иқрор бўлиб айтаманки, буларнинг бари умримдаги энг ажойиб, бахтга ёр лаҳзаларим экан.

Назаримда қиз ўз дугоналарию курсдошлари орасида қанчалик хуш-хандон бўлса, мени кўрганида шунчалик хафа, совуққон эди. Гўё ҳеч қачон унга яқин келиш, у билан ёнма-ён юриш мумкин эмасдек.

Бу пайтга келиб менинг қисматим узил-кесил ҳал бўлган эди. Ахири тавакқал қилганман. Зимистон зиндондан нурафшон дунёга эндигина чиқиб келгандек ёки отам замонидан бери елкамда турган қарз юкидан, ниҳоят, қутилгандек сезаман ўзимни. Қад ростлаганман. Ўзимга бўлган ишонч кўксимни тўлдириб, жонсиз вужудимга жон бағишлагандек. Келажаким аввалгидек мужмал-ноаниқ эмас. Яшашимдан маъно, ҳаётимда тайинли мақсад-мазмун бор: аввалги ўқишимдан воз кечиб, рассом бўлишга қатъий аҳд қилганман. Таниш-нотаниш қизлар билан муносабатимда алланечук журъат, дадиллик пайдо бўла бошлаган. Фақат ўша қиз!... Нега мен бу қадар кўрқаман ўша қиздан? Шунчалик қийинми гаплашиш? Бориш керак! Танишиш... йўқ, бизнинг танишганимизга ўн ой бўлган. Энди рўйирост гаплашиш керак. Изҳори дил қилиш керак. Ахир, мен уни севаман. Нима, севиш гуноҳми? Мен севган қизнинг мени севмасликка ҳаққи йўқ. Севиши керак. Севгимга муносиб севги билан жавоб беришга мажбур!..

Дадилланиб, қиличдек ярқираб яна йўлга отландим. Бу гал дарсдан қайтаётганида уйининг олдида учратдим.

Узоқдан келётганини кўриб йўлига кўндаланг бўлдим. Қизнинг кўзи менга тушиб, аввалига қадамни андак секинлатди. Сўнг одатдагидек четлаб ўтиб, ўзини эшикка уришининг ўрнига тўппа-тўғри устимга бостириб келаверди. Ҳовли ўртасидаги беш-олти туп дарахт тагида юзма-юз бўлдик. Нимагадир аввалгидек совуқ қарашлар, бегонасирашлар йўқ. Гўё бир-биримизни алмисоқдан бери биламиз. Гўё кунига-кунора учрашавериб обдан синашта бўлиб кетганмиз.

Қиз менга бошдан-оёқ бир кўз югуртириб чиқди. Умрида илк бор зеҳн солиб қарагани шу бўлса керак. Масхарабозга ўхшаб алпоқ-чалпоқ эмас, тушпа-тузук кийинганман. Башанг кийинганман десам ҳам бўлади. Нақ энг сўнги модада. Чўнтаклари айқаш-уйқаш, керакли-кераксиз тугмачалар билан бежамаланган бежирим костюм. Ҳафсала билан дазмолланган почаси кенг шим. Қотирма ёқали оқ кўйлак. Аждаҳо суратли зангори бўйинбоғ.

Қизнинг чап яноғида сезилар-сезилмас кулдиргич пайдо бўлди.

— Хўш?.. — ўзимни эмас, кийимимни масхаралаб тургандек. Гўё манекенни томоша қилаётгандек.

— Шундай... келдим.

Қизнинг яноғидаги кулдиргичи чуқурлашди.

— Энди нима қилмоқчисиз?

“Яна қандай каромат кўрсатмоқчисан?” дегандай...

Очиғи, мен бундай оҳангда гаплашамиз, деб ўйламагандим. Юзига қараб бақрайиб қолган бўлсам керак, кутилмаганда қиз баралла кулиб юборди. Бир пайт кулгидан тўхтаб, жиддий тортди. Менга ажабланиб тикилди.

— Олиб қочмоқчиман сизни. Овулга.

Қиз баттар донг қотиб қолди. Рост айтяптими ё ҳазиллашяптими дегандай. Ҳар қалай, ҳазил деб ўйлаган бўлиши ҳақиқатга яқинроқ. Тағин ким билади дейсиз. Шаҳарлик қизлардан ҳар балони кутса бўлади. Овулда туғилиб ўсган биздек анойилар тўғрисидаги тушунчалари XVII асрдаги инглиз ледиларининг маврларми-бадавийлар ҳақидаги тушунчаларидан кўнам фарқ қилмайди.

— Қанақасига?.. Менинг хоҳишим билан ҳам ҳисоблашасизми ё?..

— Ҳисоблашмасликка тўғри келади. Ахир, хоҳлаган одам ўз ихтиёри билан бо- раверади-да.

— Дарвоқе, шунақа-я... — Қиз завқланиб кулди. Кейин соатига қаради.

— Қўрқманг, дабдурустан олиб қочмайман, — шоша-пиша изоҳ бердим. — Аввалига кинога боришимиз керак бўлади, албатта. — Қиз оёқларини чалиштирди-да, гўё менинг изоҳимни эшитмагандек, қўлидаги сумкачасини осма соат қапгиридек тебратиб ўйнаганича ерга қараб жим тураверди. Кўп кутган одам охир-оқибат бесабр келади. Қолаверса, таклифимни рад этмаса эди, минг бир баҳонани қалаштирмаса эди, деган хавотирим ҳам йўқ эмас. Шу боис қизнинг муносабатини кутмай, темирни қизигида босдим — қисталанг қилдим: — Бутун... Шу топда!

Авзойидан бу гапим қизга эриш туюлмади.

— Қорним оч эди-да, — нигоҳларини ердан узиб менга болаларча соддадиллик билан беғубор жилмайди.

— Йўл-йўлакай кафега кира қоламиз.

— Сизнинг кафеингизда қаймоқ аралашган куюққина чой йўқ-да?

— Тўғри, йўқ...

— Бизнинг уйимизда бўлса, бор!

— Бизнинг уйимизда ҳам бор.

— Сизнинг уйингиз?..

— ...бу ердан бор-йўғи етти юз чақиримлик йўл.

Биргаликда мириқиб кулишдик.

— Юринг, сизнинг уйингизга етгунча бизнинг уйимизда чой ичиб олайлик.

Бу таклиф мен учун айна муддаогина эмас, кутилмаган бир бахт эди. Бироқ аввалги ниятимдан қайтишни ҳам истамасдим.

— Кейин кинога борамизми?

— Албатта-да...

Йўлакка кирдик. Зинанинг ҳар бир поясида, совуқ ва силлиққина ушлагичда ўзим учун ардоқли, азиз, қадрдон бир сеҳр бордек. Қора чарм қопланиб, гулмихдан нақш солинган улкан эшик ҳам азалий қадрдоним. Гўё калитнинг кучи билан эмас, ўз-ўзидан очилиб кетгандек.

Қиз мени кенггина хонага бошлаб кириб, тўрдаги юмшоққина диванга ўтқазди. Ўзи аллақайдан енгилгина хонаки кийимда чиқиб келди. Ошхонага ўтиб, ниманидир пишиллайтиб, ниманидир шариллатиб, чой қўйди. Сўнг ёнимга келиб ўтирди. Бошини хиёл эгиб менга қиялаб қаради-да, бир пайт қўлимдан ушлаганча ўрнидан турди. Тортиб мени ҳам турғазди. Ёш боладек етаклаб юриб, уй ичини бирма-бир томоша қилдирди. Ён-веримга кўз югуртириб, синчиклаб қарамасам-да, тарихий китобларда ўқиганим ёки эртақларда эшитганим ҳашаматли сарой оралаб юргандек сездим ўзимни. Очиғи, ўша вақтга қадар ҳозирги замоннинг одамлари бундай бойликка, анвойи жиҳозларга кўмилиб яшайди, деб мутлақо ўйламаган эдим. Бироқ бу ҳашаматли хоналар ҳам, ноёб хорижий жиҳозлар ҳам ўзим суйган қизга дахлдорлиги боисидангина мен учун қимматли эди. Буёғини сўрасангиз, деразадан қўйилиб турган қуёш нурию хоналар бўйлаб таралаётган алланечук муаттар ҳавода ҳам ўзим учун беҳад яқинлик, қадрдонлик туйдим.

Тагин қизнинг хонасига бордик. Сабаби — менга шахсий альбомини кўрсатмоқчи экан. Бошимиз бир-бирига тегай-тегай деб, нафасимиз аралашиб, жуда яқин ўтирибмиз.

— Кўзингни юм, — буюради севгилим альбомини оча туриб.

Кўзимни юмаман.

— Манови ким?

— Сен.

Қиз кулади.

— Тополмадинг. Бу қиз — Олия. Мен билан бирга юрадиган қиз бор эди-ку. Ўша қиз.

— Олия.

— Ҳа, Олия. Энди кўзингни очиб қара.

Кўзимни очаман. Йўқ, дугонаси эмас, ўзи. Икковлон бирга-бирга яйраб кула-миз.

— Олия?

— Ҳа. Яхшироқ таниб ол. Адаштириб юборма тагин.

— Олия...

— Манови-чи? Бу ким? — Олия ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи билан нақ юрагимнинг устига беозоргина нуқийди.

— Бу мен.

— Мен?

— Сен...

Шу пайт ошхонавда чойнак қайнаб тоша бошлади шекилли, Олия альбомини жойига қўйиб, ўрнидан турди. Мен унинг ортидан итоаткорона эргашдим.

Чой ичишга ўтирдик. Шоколаднинг неча тури, конфетнинг неча хили, яна бир нималар билан стол устини тўлдириб ташлади.

— Ўзим пиширдим, — дейди севгим. — Мана, мановини. Мановиниям. Мана, мановиниси ширинроқ.

Нималар хусусида гаплашганимиз эсимда йўқ, ҳайтовур, ўзимиз учун ҳар бири тиллога тенг, бегона қулоққа қуруқ олди-қочди туюлувчи гаплар билан анча ўтирдик. Бир пайт эшик қўнғироғи жиринглади.

— Ким бўлдийкин? — Олия хушламайгина ўрнидан турди.

Эшик очилгач, кимдир ичкарига кирди. Сўнг эркак кишининг дўриллаган товуши эшитилди.

— Дадам, — деди Олия ошхонага қайтиб кириб. — Кечроқ келмоқчи эдилар. — Узр сўрагандек елка қисди. — Начора, энди танишишингизга тўғри келади.

Ўзимни жуда ноқулай ҳис қилдим. Бир кун ичида шунча зинадан бирваракайига сакрашни ким ҳам хаёлига келтирибди дейсиз. Фалати бўлди-да. Бироқ буниси ҳали ҳолва экан.

Гап шундаки, бир пайт бизнинг олдимизга...менинг профессорим кириб келса бўладими!

Ўрнимдан учиб турдим. Бир-биримизга ажабланиб тикилганча донг қотиб қолиб-миз.

Дастлаб профессор ўзига келди.

— Ўтиринг, ўтиринг... Бемалол ўтираверинг! — Шундай дея ўзи рўпарамга ўтирди. Дастурхон тўла идиш-товоқларни нарироқ суриб, стол қиррасига тирсагини тиради. Чуқур уф тортиди. Менга мулозимат қилди.

— Меҳмонга чой қуйсанг-чи, қизим.

Бармоқлари билан столни чертиб ўйнаганча тагин жим қолди. Бир қизига, бир менга қаради. Авзойида ажабланиш, умид, гумон аралаш жиддият бор.

— Бу йигитча кимнинг меҳмони? Менинг меҳмонимми ё?..

— Дада, бу йигит... — Олия гапининг давомини айтолмади.

— Аҳа! — Профессор менинг кимлигимни дафъатан англаб етгандек, кўзлари чақнаб хитоб қилди: — Ҳалиги шоввоз шу йигит бўлмасин тагин? Ҳалиги... трамвайда, кейин лекция пайтлари...

Олия дув қизарди. Лекин отасининг олдида ўзини эркин тутиб, дадил гаплаша оларкан.

— Топдингиз, дада, ўша йигит...

— Табриклайман. Сиз ўтиринг, ўтираверинг!

Мен ҳали-ҳануз қаққайиб турган эканман. Олия чап қўли билан елкамдан босиб ўтказди. Уятдан юзига қизиллик югурган. Лекин ўзини бамайлихотир тутяпти. Отасидан сир яширмай, ошкора гаплашишга одатланган арзанда қизлиги кўриниб турибди. Отасига нисбатан менинг олдимда кўпроқ хижолат тортаётгандек.

Икки қўлимни қаерга қўйишни билмайман. Чойим совиб қолган экан, бирикки хўллаган бўлдим. Олия пиёламни олиб, яна чой қуйди. Ҳаракатларида ўзгача бир майинлик, илтифот, ихлос. Менга чой узатаркан, отасига зимдан қараб қўйди.

— Очиги, мен сизни бошқа жойда кутган эдим, — профессор аслига қайтиб, тагин мағрур ва салобатли қиёфага кирди. Худди кафедрада тургандек. Дарсини хушламасам-да, ростини айтсам, бу одамни орқаваротдан ҳурмат қилардим. Ўз ёшидан анча-мунча кичик кўрсатувчи юм-юмалоқ юзи, қирра бурни, тикмачоқдек миқти қад-қомати, хуллас, ташқи қиёфаси ҳавас қилса арзигулик. Бунинг устига, домлаларимиз орасида ола-була кийимимга, ўсиқ сочиму олифта мўйловимга тир-ғалмаган санокли одамлардан бири. Яна денг, нозик дид билан ўзига ярашиқли кийинади. Ихчамгина мўйлови ҳам бор. Албатта, гап мўйловда эмас. Ўткир ақли, теран билими ҳам ўз йўлига. Мухими, юксак маданиятли одам эди у! Нима демоқ-чилигини англаб етмадим, шу боис юзига саволомуз тикилиб қолдим. Нега шу пайтга қадар эътибор бермаган эканман, деб ажабландим ўзимча. Нақадар ўхшаш! Ўша бурун. Ўша лаб-даҳан. Тим қора, юм-юмалоқ кўзларига қадар... қуйиб қўйган-дек. Олиядан... йўқ, Олияга отасидан айнан нусха кўчирилгандек. Шу топда мен севгилимнинг ўттиз йилдан сўнг қандай қиёфа касб этишини ўзимча тасаввур қилдим. Профессор бир нафас жимгина чой ҳўшлади. Дастлабки гапи менга етиб бормаганини тушунди шекилли, ёки бамайлихотирлигим малол келдими, ишқилиб, очик-ошкор хужумга ўтди:

— Е унутиб қўйдингизми?

Гарчи пичинг аралаш айтилган бўлса-да, бу гап тўғри эди. Унутиб қўйибман. Йўқ, имтиҳон топширишим кераклигини эмас. Ўша имтиҳоннинг худди шу бутун эканини! Сабаби — менга барибир эди. Шундай ҳолатда эдимки, кўзимга имтиҳон кўринмасди.

Олияга қарадим. Афтидан, гап нима хусусда кетаётганини, нишаби қай томонга оғаётганини англаб етмаяпти. Дам отасига, дам менга таажжубланиб қарайди.

— Имтиҳонга келмаганингиз яхши бўлди, — хужумни кучайтирди профессор. — Бари бир қабул қилмаган бўлардим. Сўнгги икки ой ичида лекцияларимга мутлақо қатнашмадингиз, ахир!

— Мен институтдан кетмоқчиман, домла.

— Йўқ! — Пиёланнинг таги столга тақиллаб тегди. — Сизни кетказишади. Сандирақлаб юрган хумкалаларнинг бизга кераги йўқ.

— Дада...

— Кечирасиз, — деди профессор ўзини базўр қўлга олиб. Бармоқлари билан лабини артиб, мўйловини силади. — Аввало менинг ёшимга етинг. Кейин сизнинг ҳам ёлғиз қизингиз бўлсин. Менинг аҳволимни ана ўшанда тушунасиз. — Бўш пиёласини Олиянинг олдига қўйди. Ҳолсизлангандек икки қўлини ёнига шалвиратиб сукутга толди. Юзлари жаҳдан бўғриққан...

Мен ўрнимдан турдим. Чой учун раҳмат ишорасини қилдим-да, эшик томон юрдим.

Олия ортимдан етиб келди. Бино ташқарисига чиққанимда олдимга ўтиб, костюмимнинг ёқасига бармоқларини югуртирди. Қарашлари ўйчан.

— Мен энди... бугун боролмасам керак. — Овози титраб чиқди. — Эртага борамиз, хўпми? — Менга синовчан тикилди. Нигоҳимни олиб қочдим. — Кўнғироқ қил. Эртага худди шу пайтда. Маъқулми? Кўнғироқ қиласанми?

Мен жимгина бош ирғадим.

Эртасига оқшомда кинога бордик. Ҳали-ҳануз эсимда. “Уча мушкетер” фильми эди. Франция билан Италиянинг қўшма маҳсулоти. Биринчи серия. Кейинчалик иккинчи сериясини кўрмадим. Бу қийноққа чидолмасман деб кўрқдим. Мана, қирққа кирдим, ҳалигача юрагим дов бермайди. Шундай қилиб, “Уч мушкетер” фильмининг биринчи сериясида ўтирибмиз. Кўнглим нақ осмонда. Қўшдек енгилман. Бахтимдан мастман. Ҳар лаҳзам мароқли. Бармоқларимизни чалиштириб, бошимизни бошимизга қўйиб, ёнма-ён ўтирибмиз. Аввалига бармоқларини силадим. Юп-юмшоқ, ип-иссиқ, қуп-қуруқ. Соҳибасининг бутун гўзаллиги, бутун бокиралигини шу нафис бармоқлар ҳам кўз-кўзлаб тургандек. Навбати билан битта-битта ўпиб чиқдим.

Қайтишда хилват боғ оралаб ўтишимиз керак. Олия юрмади. Кўрқаман, деди. Менга эса бари бир. Ҳар қандай вазиятда ўзимни ўзим идора эта олишимдан, айна пайтда, кўнглим тусаган ишни қилишга одатланганимдан фахрланиб юрардим. Шундай бўлса-да, хилват хиёбон ҳар иккимиз учун хатарли эди. Ёруғ кўчалар бўйлаб юрдик. Бирон марта кучоқлашмадик. Фақатгина қўл ушлашганмиз. Бармоқлари-

миз бир-бирларига маҳкам чирмашган. Мен ўзимни совуққон кўрсатишга ҳаракат қилдим. Олиянинг ўзига тўла эрк беришини истайман. Ошиқ одам ҳамиша худбин бўлади. Севгилиснинг ўзига нисбатан лоқайд эмаслигини англаб етдим — бас, ҳаддидан оша бошлайди. Кўнгли маъшукасининг чин муҳаббатидан янги-янги далолатларни тусайверади. Олиянинг мени севишига шак-шубҳа қилмайман. Шу боисдан ҳам ҳал қилувчи сўзни унинг ўзига қолдирганим маъқул. Дарвоқе, айтмадимки ўша сўзни? Зиғирча фаҳм-фаросати бор одам тушуна оладиган шаклда айтди-ку аллақачон. Менга тагин нима керак? Хуллас, руҳим кўтаринки, кўнглим тўқ. Ҳали пешонам тошга тегмаган. Ҳали йўл бошидаман. Кейинчалик ўзимни шу кўйларга солган улкан бурилиш остонасидан ҳатламаганман. Туйғуларимни мустаҳкам жиловлаб олганман. Ярим шаҳарни айланиб, ахийри ўша-ўша алфозда — жимгина қўл ушлашган кўйи уйга қайтдик. Кўпчилик чироқлари ўчган, яккам-дуккам деразаларигина кўкимтир, қизғиш, сарғиш шуъла сочувчи, осуда бир сукунат қўйнига чўмган ёйсимон бино! Бино ҳовлисига кирдик. Сийрак ўсган тол-терақлар тағида тагин бир оз сайр қилдик.

— Энди уйга кирай, — деди Олия бармоқларимни сиқиброқ ушлаб.

Йўлак эшиги олдида ҳам бир зум тўхтадик.

— Хафа бўлма, — деди Олия мени овутмоқчидек. — Дадам аслида ёмон одам эмас. Мехрибон. Фақат феъли шундай са-ал... чарсроқ. Лекин менинг айтганимдан чиқмайди. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади.

— Йўғ-э, нега ранжирканман? — сир бой бермадим мен. — Ўйлаб қаралса, у кишининг ҳамма гаплари тўғри. Бироқ... ўша гапим — гап. Сени олиб қочаман. Яқин кунларда. Тайёргарлигингни кўриб туравер.

Ҳазил қилмоқчи эдим. Ҳазилим жуда қўпол чиқди. Олия ростга йўйганга ўхшайди. Ёки мenden бошқачароқ — илиқроқ гап кутдим? Дафъатан орамизда алланечук ётсирашга ўхшаш бир ҳис пайдо бўлди. Худди бегоналардек хайрлашдик. Олия ўзим учун қадрдон йўлакка кириб кетгандан кейингина бу ёқимсиз туйғудан бир нави кутулгандек бўлдим. Нигоҳларим севгилимнинг деразасини қидирди. Ановинисими? Ё мановинисимикин? Нариги тарафда-ку, ахир! Айланиб уйнинг нариги тарафига ўтдим. Бироқ беҳисоб деразаларнинг қай бири Олияларники эканини билолмадим. Ҳамма чироқлар ўчган эди. Қаранг-а, шунақасиям бўларкан-да. Шу пайт иккинчи қаватдаги, нақ рўпарамдаги дераза пардаси сирилиб, кимдир мўралагандек туюлди. Деразанинг очилишини, ҳеч бўлмаганда ичкарида чироқ ёқилишини кутдим. На дераза очилди, на чироқ ёқилди. Нафақат ўзим кўз тиккан дераза ва ё атрофидан парвонадек айланиб юрганим бино, бутун олам нимадандир аразлаб қовоқ уйиб олгандек. Ёлғондакам уйқуми бу ё чала уйқуми? Чала уйқудаги шаҳарнинг нимқоронғи кўчалари бўйлаб ўзимча хиргойи қилган кўйи ётоқхонага пиёда қайтдим.

Орадан тагин роппа-роса ўн кунни ўтказиб кўнғироқ қилдим. — Ҳозир чиқаман, — деди Олия. — Қаердасан?

Ёйсимон бинонинг шундоққина рўпарасида турибман. Кўз очиб юмгунча чиқди. Қарийб югуриб келяпти. Икки-уч қадам қолгандагина юришини секинлатди. Нақ рўпарамга келиб таққа тўхтади. Нимадандир безовта. Яқинроқ келиб, чап кўлини мен томон чўзди. Кучоқлашмоқчими деб ўйловдим, тунов кунгидек костюмнинг ёқасига бармоқларини югуртирди.

— Ростми? — сўради бир пайт ёқамдан тортқилагудек бўлиб. Гўё мен эс-ҳушимдан айрилганману, ҳушимни жойига келтирмоқчидек.

— Нима? — Аслида нимани сўраётганини билиб турибман. Атайлаб ўзимни анқовликка солдим.

— Ҳалиги... сени институтдан ҳайдашгани?..

— Ҳа-а, уни айтяпсанми? Рост.

— Энди нима бўлади?

Мен Олиянинг кўзларига тикилдим. Кўзлари катта-катта. Нега сезмаган эканман: авваллари ўйлаганимдек тимқора эмас, тўқ жигар рангга мойил. Шуниси яхшироқ экан, деб ўйладим ўзимча. Тиниқ. Тоза. Гўзал. Фақат бу гал оловланиб чақнамайди. Алланечук нурсиз. Безовталиқ, умид, хавотир аралаш жовдирайди.

— Юр, — дедим мен иддао билан. — Биласан-ку, бу ерда узоқ туриш хавфли. Даданг кўриб қолса, тагин ерга қозиқ қилиб қоқиб кўяр.



— Энди нима қилмоқчисан? — Кўча бўйлаб оҳиста одимларканмиз, менга ачи-ниб қараганча сўради Олия. Шалвириб осилиб тушган ўнг қўлимни икки қўли билан маҳкам кучоқлаб олган. Боладек маъсум. Эрка. Мулойим. Меҳрибон. Кўнглим юмшади.

— Сенинг кўзларингга термулиб ўтиравераман.

— Бутун умрми?

— Бутун умр.

— Рост айтяпсанми?

— Рост. Менга яна нима керак?

Олия эркаланиб елкамга суйкалди. Енгил хўрсинди. Ўқишдан ҳайдалганим тагин эсига тушди шекилли, бирдан сергак тортди:

— Энди қайси институтга кирмоқчисан?

— Ҳеч қандай институтга кирмайман.

Буниси ҳаммасидан ҳам оғирроқ зарба эди. Олия аввалига қаттиқ эсанкиради, сўнг мунгайиб қолди.

— Ҳали сенгаям ўқишни йиғиштиришга тўғри келса керак, — дедим ўзимни тўхтатолмай. — Мен билан бирга кетасан-ку, ахир. Шундай эмасми?

Олия ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай, кўзлари олайганича донг қотиб қолди. Ўйиннинг қизиғи энди бошланган эди.

— Муҳими нима? — сўрадим донишмандона қиёфага кириб. — Одамнинг ўзими ё эгнига ёпиштирган кийим билан чўнтагидаги кафтдек қотирма қоғозими? Менинг ўйлашимча, муҳими — аввалгиси. Кейингиси унга илова. Муҳими — одам. Таппа-тайёр дипломи бор бўйдоқ инженерлар сон минг...

— Албатта, — дедим фалсафамни яна-да ривожлантириб, — дастлаб сенга оғирроқ бўлади. “Аразўй бекач” деган эртақ бор-ку, эсингдами? Ана ўша эртақдагидек. Бироқ мен подачи қиёфасига кирган шаҳзода эмасман. Бизнинг эртагимизнинг хотимаси бошқачароқ, яъни, худди ҳаётдагидек бўлади.

— Ростимни айтсам, — дедим тилимга бир йўла эрк бериб, — совчилик, қуандачилик, олинг қуда-беринг қуда қабилдаги ирим-сиримларга бутунлай қаршимасман. Лекин буларга ҳолим келмайди. Менинг ота-онам ғирт саводсиз, бориб турган қишлоқи одамлар. Қора ўтовда яшайдиган колхозчи. Ўзимга келсак, кўриб турибсанки, сойда — сони, кумда — изи йўқ, “сандирақлаб юрган хумкалла” бировман.

— Дадам бу гапни ёмонликни ўйлаб айтгани йўқ. Бунинг устига, фақат сени назарда тутиб айтгани йўқ. Мен уни яхши кўраман. Сен ҳам яхши кўришинг керак. (“Ў-ҳў! — деб ўйладим ўзимча. — Эҳтимол мен ҳам у кишини “дада” деб чақиришим керакдир?”) Мен нима десам рози бўладилар. Бари бир рози бўладилар. Хоҳласанг ҳаммасини эртагаёқ тўғрилай оладилар...

— Йўқ-йўқ... Мен ҳеч кимнинг олдида қарздор бўлиб қолишни истамайман.

Атрофга қоронғилик чўка бошлади. Қарасам, осмонни қоп-қора булут бус-бутун қоплаб олибди.

— Қачон?

— Нима? А-а?

Олия индамади. “Қачон кетамиз?” деб сўраяпти шекилли, ўйладим ўзимча. Нотавон кўнглимда умид учқуни милтиради.

Совуқ шамол эса бошлади. Костюмимни ечиб, Олиянинг елкасига ташладим. Бамайлихотир жавоб бердим:

— Эртага.

Олия совқотиб дилдирай бошлади. Панароқ жой қидириб боғ ичига кирдик. Кенг-мўл боғ оралаб кетяпмиз. Ён-веримизга йирик-йирик томчилар ёғила бошлади. Ёлғизоёқ сўқмоқдан ўтиб, қалин бутазор орасига кирдик. Кекса эман дарахтининг шохлари салобатли чайқалиб, зимистон билан олишаётгандек безовта шовуллайди. Атрофимизга, ҳаттоки нақ оёқларимиз остига қуриган шох-шаббалар шитирлаб тушади. Бевақт сарғайганми ва ё ўтган куздан қолганми — аллақандай хазонлар чанг-тўзон аралаш шопирилиб учади. Қоронғилик қуюқлашиб, шамол тобора кучаяверди. Сал нарироқдан қарс этиб синиб, ерга гурсиллаб йиқилган бечора дарахт фарёд кўтаради. Шохлари тарвақайлаб кетган улкан эманнинг тагига келиб паналандик. Бир томонимиз — боғнинг тупкариси, кўз илғамас зимистон.

Иккинчи томонимиз — марказий хиёбон, неон чироқлари дарахт шоҳлари орасидан хира шуъла сочади. Ёруғлик билан қоронғуликнинг нақ чегарасида турибмиз.

— Эртага! — хушнуд хитоб қилдим беихтиёр орзиқиб. “Ҳозир, ҳозир ҳаммасини рўйирост айтаман...” Бироқ айтмадим. Ўйин шавқига батамом асир бўлган эдим. Худди мушук-сичқон ўйинидек. Мушукка қизиқ. Унинг панжасида турган ўлжагачи? Албатта, бу ҳозир хаёлимга келган муқояса. Ўша топда масалага бошқачароқ қарар эдим. Менга бир оғизгина сўз керак эди. — Қалай, мен билан кетишга тайёрмисан?

Совқотганидан Олиянинг тишлари такиллай бошлади. Совуқ шамол бежавотир панага ҳам учириб келаётган ёмғир томчилари баданини жунжиктиради. Мен Олияга синовчан тикилиб, эғнидаги костюмим ёқаларини бармоқ учида ушладим. Қўлларим беихтиёр ёқани гижимлади. Маҳкам кучоқлаб, нафасини қайтариб ўпгим келди. Суякларини қисирлатиб, оламни унутиб кучоқлагим келди. Мени фақат бир куч ушлаб турарди: аввал саволимга жавоб олай. Бир оғизгина сўз. Ёлғизгина сўз. Ана ундан кейин юрагимни ёраман. Ўйинни бас қилиб, чинига кўчаман. Тагин ким билди дейсиз. Кўнгилнинг бебошвоғ пайти. Фейлнинг асов чоғлари. Бунинг устига, қизнинг отасига гинахонлигим бор. Агар Олия кетдик деса, ўшанда тўппа-тўғри овулга йўл олган бўлардим. Бироқ айна ўша лаҳзаларда, худойлигимни айтсам, менда Олияни қийноққа солай, унинг такаббур отасини саргардон қилай, деган қинғир ният мутлақо йўқ эди. Фақат бир оғизгина сўз!

Ёмғир баттар зўрайди. Яна денг, бир маромда эзиб ёғаётгани йўқ, нақ челақлаб қуяётгандек. Қиялаб- бўралаб уриб турибди. Худди Сариорқанинг оқбўрон ёмғирига ўхшайди. Юқориданми, ўнгданми, чапданми — қаердан ураётганини билмайсиз. Кичикроқ дарахт тугул қари эман ҳам бизга паноҳ бўлолмайди. Шалаббомиз чиқди. Бироқ икковимиз ҳам ўрнимиздан қўзғолмадик. Менга-ку, ёмғир писанд эмас. Лекин Олия ҳам бу жалага парво қилмайди. Аввал-бошда бизни ёмғирдан паналанган, эндига келиб жала аралаш дўлга қалқон бўлолмай қолган қари эманни ҳам қўпругулик важоҳатдаги шамол бетиним увлаб, момақалдиरोқ гумбурлайди, яшин чақнайди. Олиянинг совуқдан гезарган юзларини бир лаҳзалик шуъла чулғайди. Юзларидан беҳисоб томчилар бетўхтов қуйилади. Ёмғир суви. Кейинчалик шундай хаёлга бордим: балки улар ёмғир суви эмас, кўз ёшларидир? Ёмғир томчилари аралаш кўз ёшлари!

Барибир мен кутган сўз айтилмади. Бироқ Олияни айблашдан мутлақо овлоқман. Ҳаммасини кўзлари билан, кўнгли билан, хатти-ҳаракатлари билан англатиб турибди-ку, ахир. Бунинг устига меники ўйин. Балки шу боисдандир, кўнглим бир нави таскин топди. Эҳтимолки ўша сўзни кутавериб тоқатим тоқ бўлди.

Тураверишдан маъно йўқ. Кутилмаганда ёмғир ёғиб, хилват хиёбон ҳам сирлашмоқ учун яроқсиз жойга айланди. Буёғини сўрасангиз, ўзим ҳам совқота бошладим. Олия-ку, титраб-қалтираб базўр турибди. Бир яхши томони — уйи яқин.

Бу гал йўлакка кирдим. Иккинчи қаватга кўтарилдик. Улкан қора эшикнинг олдига келдик. Йўлак нимқоронғи. Олия эғнидаги ёмғирга обдан бўкиб оғирлашган шалаббо костюминини ечиб елкамга ташлади. Қўллари билан ёқамдан ушлаганча бир оз туриб қолди. Нимадир демоқчи бўлди. Ё бўйнимга осилиб кучоқлагиси келдими? Бироқ ҳеч нима демади. Кучоқламади. Эндигина сезиб қолгандек, қўлларини ёқамдан шахд билан тортиб олди.

— Жиллақурса кузатгани чиқарсан? — Илтижо билан эслатдим мен. — Эртага кечки соат олтида. Саксон учинчи поезд. Еттинчи вагон.

Олиянинг кўзлари алланечук маъноли чақнаб кетди. Мағрур ва совуққон бир қийёфага кирди. Нимагадир қатъий аҳд қилгандек.

Шундай қилиб, биз хайрлашмай ажралишдик. Кузатгани чиқишига қаттиқ ишонаман. Ҳамма гапни ўшанда айтмоқчиман.

Бироқ Олия чиқмади.

Кувониб эмас, юрагим ўртаниб йўлга отландим. Ночор-ноилож ўзимни юпатдим: ахир, тез кунда қайтиб келаман-ку.

Гап шундаки, Олияни излай-излай ниҳоят топганимдан сўнг, ортиқ бундай икки ўт орасида юриш мумкин эмаслигига кўзим етган эди. Ўзимнинг барча чизганларимни тўглаб, Рассомлар уюшмасига — Одилхон оқсоқолнинг олдига борган эдим. Мен уйлагандек “эрта кел, индин кел” демай, дарров қабул қилди. Гоҳида мамнун илжайиб, гоҳида бош тебратганича кўзлари совуқ чақнаб ўтириб сўнги икки йил

мобайнида чизган жамики этюдларимга тез-тез кўз югуртириб чиқди. Иккинчи марта кўздан кечириб, орасидан тўрт-бештасини ажратиб олди-да, қолганларини ўзимга қайтариб берди: “Анови саватчага обориб ташла”. Мен обориб ташладим. “Хўш, энди гапир”. Мен аҳволимни айтдим. “Сендан рассом албатта чиқади деб аниқ кафолат беролмайман, — деди ўшанда оқсоқол. — Мановиларингни ҳам чинакам кашфиёт деб бўлмайди ҳали. Бироқ сенда рассом учун муҳим баъзи бир фазилатлар йўқ эмас экан? Менинг устахонамга кел”. Тасвирий санъат техникаси, бу санъатнинг ички сирлари ҳақидаги дастлабки дарсни мен ўша Одакангдан олдим. Ўзимнинг кўр-кўрона чизиб юганимни, ҳали ҳеч нима билмаслигимни, муттасил ўқиш-ўрганиш зарурлигини, тинимсиз меҳнат қилишим кераклигини англаб етдим. Одаканг дарс берадиган тасвирий санъат билим юртининг машғулотларига қатнашдим. Талабалар билан бирга икки-уч марта махсус ижодий сафарга чиқдим. Наридан-бериси беш-олти ҳафта ичида менинг санъат ҳақидаги тушунчам аввалгисига қийинлаб бўлмас даражада кенгайиб-бойиди. Ўзимнинг ночор аҳволимни яхшироқ тушундим. Рости, олдимда турган қийинчиликлардан кўрқмадим. Менинг кўрққанам — ёшим йигирмага келди, суягим қоғиб қолган, кечлик қилмасмикин? “Албатта, — деди оқсоқол, — эртароқ бошлаганимда ёмон бўлмасди. Бироқ бу дунёда ҳеч ким қўлда ясаб ололмайдиган бир ноёб мўъжиза борки, бу табиий, туғма истегдоддир. Эртадир-кечдир, шунини парваришлаб, тўғри изга солинса бас. Ҳали кеч эмас. Айни ўсадиган, шаклландиган пайтинг. Қолгани — маҳорат. Ўрганиш, изланиш бўлса, ўзи келаверади. Фақат астойдил меҳнат қилиш керак”. Раҳматлик Одилхон ака менга ўқишингни ташла демади. Аммо ўқишдан воз кечмоқчилигимни айтганимда қаттиқ суюнди.

Олияга ҳал қилувчи лаҳзадагина очмоқчи бўлган хуфия сирим мана шу эди. Мен сандирақлаб юрган хумқалла эмасман. Бир ўқишни ташласам, иккинчисини бошламоқчиман. Политехника институтидан кетсам, бунга сабаб — тасвирий санъатга меҳр қўйганим. Мен — Гогенман. Мен — Ван Гогман. Бироқ мен уларга тақлид қилиб қулоғимни кесмайман. Тарки дунё қилмайман. Мен Олия билан бутун умр бирга бўламан. Юксак чўққига бирга чиқамиз. Бирга-бирга булутларга қўл чўзамиз...

Бир ой бўлмай шаҳарга қайтиб келдим. Қисмат мени ўйлаганимдан бошқачароқ йўлга солишга шайланиб турган экан. Ижодий конкурсдан яхши ўтибман. Уч болани Москвага юборадиган бўлишибди. Биттаси — мен. Албатта, суюндим. Очиғи, ўша топда Олия ҳақида ўйлаганим йўқ. Санъат ва маданият марказига бораман. Атоқли рассомлардан дарс оламан. Салгина аввал орзу қилишга ҳам юрагим дов бермаган улкан даргоҳ. Масала узил-кесил ҳал бўлганидан кейингина (бу ҳам бир синов-да!) Москвадаги Репин номли тасвирий санъат билим юртининг талабаси сифатида Олия билан бир йўла учрашиб, қайта топишмоқчиман.

Ўша кун ҳам етиб келди. Кўнғироқ қилдим. Сас-садо йўқ. Уйларига бордим. Ҳеч ким — на отаси, на ўзи кўринмади. Мўлжалимдаги деразалар зим-зиё. Эртасига ҳам, индинига ҳам шу аҳвол. Бирон қор-қол рўй бермадимикин? Касал бўлиб қолмадимми? Машина ҳалокатига учрамадимми? Бошқа бир фалокатдан омонми?

Бетоқатланиб қўшнисидан сўраб-суриштирдим. Дам олишга кетибди. Сочига. Ҳали-вери қайтмайди. Кетганларига атиги тўрт-беш кун бўлган!

Москвага қайтдим. Машғулотлар бошланди. Уззукун Олияни ўйлайман. Ширин хаёл. Аччиқ ҳижрон. Бир-икки марта хат ёзмоқчи ҳал бўлдим. Нима деб ёзай? Кечирим сўрайми? Аҳволни тушунтирайми? Қўпол ҳазилимдан мақсад нима эди? Садоқатни синашнинг йўли шуми? Бунақа қилиб одамни нақ аросатда қолдириш инсофданми? Ўзимни оқлашга тил ожиз, қалам ночор. Кўнглини қолдириб, охири-оқибат ундан жудо бўлиб қоладигандекман. Таваккал, ҳаммасини бир бошдан ёзавераман. Йўқ, дейман яна ўзимча. Хатим тўппа-тўғри ўзининг қўлига бориб тегсаку, яхши. Агар отаси ёки онасининг тафтишидан ўтса-чи? Балки мени унутиб ҳам улгургандир? Севмайман, одамни шунча алдаб-лақиллатганинг етар, деса нима қилман? Юзма-юз туриб гаплашганим маъқул. Кўнглида гина қолдирмасликнинг ягона тўғри йўли шу. Бундан ўзга чора йўқ.

Висол онларини интизорлик билан кутиб яшадим. Ягона орзуим, бирдан-бир тилагим шу: ишқилиб, тезроқ қишки таътилга чиқай.

Таътилга ҳам етиб келдим, бироқ Олияга етолмадим. Мана шу ерда, худди шу аэропортда учинга қулай об-ҳавони кутиб роппа-роса беш кун саргайдим. Бир

ҳафталик таътидан икки кунгина қолди. Сафардан воз кечишга тўғри келди. Энди ёзни кутиш керак бўлади.

Кутдим. Хаёлимда яратган илоҳий бир оламда яшаб кутдим. Нақ осмонда, булутлар орасида учиб юрибман гўё. Шон-шухратга, бахт-саодатга тўла келажагим кўз олдимда гавдаланади: мен Олия билан биргаман. Уни авайлаб-ардоқлаб, эъзозлаб-эркалаб яшайман. Сигинувчи тангрим ҳам, илоҳий фариштам ўзи! Бу оламда биздан бахтлироқ бир тирик жон йўқ!..

Ёз келди. Улмаган жонга Олмаотанинг ёруғ осмонини кўрар кун ҳам бор экан. Бу шаҳарда қанча дўстларим бор. Одилхон оқсоқол бор. Олия... Олия бор. Йўқ, Олиягина бор!

Кўнғироқ қилишни эп кўрмадим. Ҳали ўқишлари тугамаган бўлса керак, деган хаёлда тўппа-тўғри дорилфунунга йўл олдим. Шундай экан. Имтиҳон. Дорилфунун биносининг олдида, кўзимга ўтдек кўринган кадрдон манзилимда йўлини пойладим. Бултурги саргардон юришлар чоғида Олияга курсдош болаларнинг анча-мунчасини тўппа-тузук таниб қолганман. Курсдошлари яккам-дуккам, иккита-учта бўлиб бирин-сирин ўтишяпти. Ниҳоят, ҳамиша Олия билан бирга юрадиган қорамағиз қиз ҳам лоп этиб эшиқдан чиқиб келди. Кўзимга оловдек кўринди. Танимаса керак деб ўйлагандим, йўқ, менга ажабланиб қараганча эшик олдида туриб қолди. Бироқ кўп тўхтамади. Ўз йўлида кетаверди. Муюлишга бориб ортига бурилди. Тараддуланиб тўхтаб қолди. Афтидан қайтиб келмоқчи-ю, қандайдир бир куч унга йўл бермай тургандек. Йўқ, келмади. Оҳиста юриб узоқлашаверди. Бир ёмонликни сезиб юрагим шувиллади. Олия қаерда? Унга нима бўлган? Бало-қазодан омонми? Эгизак кўзилардек ҳамиша бирга юришарди-ку!.. Ичкарига отилиб кирдим.

Олия иккимиз торгина йўлакда, қарийб чиқаверишда тўқнаш келдик. Ўзимни эмас, арвоҳимни кўргандек, ранги оқариб кетди. Бир муддат тек туриб қолди. Сўнг мени четлаб ўтиб ташқарига отилди.

Ортидан югуриш ноқулай. Атрофимизда одамлар сийраклашгач, икки-уч кўчани кесиб ўтгандан кейингина унга яқинлашдим.

— Менга яқинлашманг! — деди Олия апил-тапил кўчанинг нариги тарафига ўтаркан. — Яқин кела кўрманг!

Мен ҳанг-манг бўлиб туриб қолдим. Лекин бундай ғаройиб муомалага чидаб бўлмасди. Судралганча тагин ортидан эргашишга мажбур бўлдим.

Олия худди бўридан қочган куёндек зипиллаб кетяпти. Ён-верига тез-тез аланглаб қарайди.

Менинг тагин ортидан етиб келганимни сизди шекилли, бир пайт қадамини секинлатди. Мен ҳам. Шу пайт Олиянинг ўз уйига эмас, бутунлай бошқа томонга кетаётгани миямга чақмоқдек урилди. Нега? Кўп ўтмай Олия кўча юзида қад ростлаган баланд бир бино олдида келди. Ўртароқдаги йўлакка етганда таққа тўхтаб қолди. Ортига бурилиб менга қаради. Етиб келишимни кутиб тургани тушунарли эди.

— Мен энди шу ерда яшайман, — деди Олия ёнига келишим билан. Нима демоқчи? Нега? Нажот истаб кўзларига термуддим. Йўқ, бу бошқа одам эди, мутлақо бошқа одам, мен билган Олия эмас! Кўзлари қатъият билан совуқ чақнайди, авзоида бегона бир ифода... Майдан бери. Бу гапнинг маъносига тушуниб етмай, унинг кўзларидан ўзим учун кадрдон, қондош-жондош ифодани қидириб жовдирадим. Ниҳоят, у кўрга ҳасса ушлагудек гапини айтди: — Мен турмушга чиқдим.

Шундай дея шартта ортига бурилди-ю, қизлик чоғларида мендан ҳуркиб қочганидай, югургилаб юқорига кўтарилди. Туфли пошналари зиналарга тақ-тақ урилди. Бу товушлар энди аввалгидек ёқимли, хузурбахш эмас, болга зарбидек оғир, аламли, вужудингни зирқиратулик эди. Ниҳоят, товушлар тинди. Йўлакни даҳшатли сукунат қоплади. Алламаҳалда қайсидир эшик очилиб, қайта ёпилгандек бўлди. Ортимга бурилиб ташқарига чиқдим-да, бошим оққан тарафга тентираб кетдим.

Шундай қилиб, кўнглимда асраб-авайлаган гавҳаримдан куппа-кундузи жудо бўлдим, хаёлимда эъзозлаган илоҳамдан айрилиб қолдим. Мен учун биргина халоскор бор эди, бахтимга: санъат. Ўзимни унутиб, телбаларча ижод қилдим. Устахона, кўргазмаю музейларда танда кўйиб ётиб олдим. Билим юртини битириб, Академияда ўқишни даво эттирдим. Аламимни ўқишдан, ишдан, ижоддан олдим. Бироқ Олияни унутолмадим. Ҳали-ҳануз ўша илоҳий қиёфа кўз олдимдан кетмайди. Дастлаб учратганим, қошига яқин боролмай, узоқлардан топиниб-томоша қилиб юрганла-

рим, илк бор гаплашганимиз, биргаликда кечган саноклигина масъуд лаҳзалар... ҳамма-ҳаммаси унутилмас ва бениҳоя ардоқли хотира бўлиб қолди. Бироқ бу тотли хотиранинг аччиқ хотимаси энди... ҳозирга келиб, ўша қизнинг бошқа бировга умр йўлдоши бўлиб юрганини ўйлаганим сайин жоним-жаҳонимни нимадир эговлаётгандай бўлаверади. Ўзимни қўйгани жой тополмай қоламан. Вақт ўтиши билан бу азоблар унутилди деб умид қилган эдим. Йўқ, аксинча, кучая борди. Саккиз йил ўқиб, юртга қайтиш фурсати яқинлашганида чидаб бўлмас аҳволга келди. Олия билан икковимизнинг орамиздаги қисқа муддатли, лекин кўнглимда ўчмас из қолдирган илохий туйғуни мўйқалам воситасида ифодалаш зарурлигини ҳис қилдим. Менинг энг яхши асарларимдан бири — аввалига ҳамма ёппасига танқид қилиб, кейинчалик худди шундай бир оғиздан мақтаган, ҳар қалай, номини кўпчиликка танитган ўша “Илк муҳаббат” полотно — мана шундай дунёга келди.

Йўқ, аслини олганда, ҳаётдаги Олиянинг қиёфаси ўша суратдагидан бошқачароқ. тенгги йўқ сулуви. Бироқ мен ташқи қиёфадан айнан нусха кўчиришга ҳаракат қилмадим. Руҳий оламини очишга интилдим. Фақат кўзлари!.. Бу кўзларни кейинчалик мунаққидлар кўп мақташди. Лекин мен уларни асарнинг энг улкан нуқсонидеб биламан. Тирик Олиянинг кўзлари!.. Уларни тасвирда кўрсатиб беролмадим. Бунинг иложи ҳам йўқ эди. У кўзларни айнан тасвирламоқ учун камида Рафаэлнинг даҳоси керак. Биз бўлсак, оддийгина бўёқчилармиз.

— Ҳа-а, таъсирли экан, — дастлаб Бастакор ўртага чўккан оғир сукунатни бузиб, гап бошлади. — Ёзувчимизга яхшигина сюжет топиб бердингиз-да!

— Ўзинг кечирмаган туйғуларни қоғозга кўчириш жуда қийин, — эътироз билдирди Ёзувчи.

— Бироқ, — Бастакор Ёзувчининг эътирозига парво қилмай гапида давом этди, — ўйинимизнинг шартини чалароқ қолди-да, барибир. Савол сўнгги учрашув ҳақида эди-ку, ахир.

— Сўнггисиниям айтдим, шекилли?

— Йўғ-а, бунингиз биринчи торнинг сўнгги пардасига ўхшаброқ турибди-ку, оқсоқол.

— Начора, қисталанг қилиб қўймаяпсиз, буёғини ҳам эшитсангиз эшита қолинг, — деди Рассом ҳафсаласизлик билан. — Тўғри, кейинчалик учрашмадик эмас, учрашдик.

— Бор экансиз-ку! Ана шунисидан гапиринг-да!

— Ҳали қизиги буёқда денг? — Ёзувчининг ҳам қулоғи динг бўлди.

— Очиғи, ҳафсалаларингизни пир қилиб қўяманми деб кўрқаман. Шундай қилиб, Олия... бир пайтлар Олия бўлган аёл ҳозир ҳам Олмаотада яшайди. Аҳён-аҳёнда учратиш қоламан. Албатта, тасодифан. Йилига, икки йилда бир марта. Аввалига унинг ҳаётига қизиқиб қарар эдим. Сўраб-суриштирдим. Туриш-турмуши, аҳвол-руҳиясини билгим келарди. Бироқ Олия... кечирасизлар, ўша Олия исмли аёл менга ажабланиб ё кўрқиб-хурқиб қарайди: “Қай гўрдан тирилиб келди бу гўрсўхта?” дегандек. Кейин-кейин бир-биримизга ўрганишиб кетдик. Кўча-кўйда тасодифан учрашиб қолсак, гуё бир-биримизга батамом бегонамиз. Шунчаки бир кўз ташлаб қўясан-да, ўтасан-кетаверасан. Бир гал театр кассаси олдида ўн дақиқача олдинмакетин навбатда турдик. Бир марта асарларимнинг кўрғазмасига ҳам келди. Яширмайман, ўшанда юрагим ҳаприқиб кетди. Кейин билсам, бекорга ҳаяжонланибман. Менинг — мен эканимдан, яъни, кўрғазма айнан меники эканидан буткул ғофиллигига иқрор бўлдим. Тушки танаффус пайти эди. Ёнида яна икки-уч аёл бор. Дўкон оралаб, ёки шу атрофда айланиб юриб, азбаройи вақт ўтказиш учун, тасодифан кириб қолган, шекилли-да.

— “Илк муҳаббат”ни кўрдими, ахир?

— Кўрди, кўрмай нима қиларди, — деди Рассом аччиқ истеҳзо билан кулиб. — Очиғи, ўша топда рўпарасида сурат эмас, туями-сигир турса барибир бўлса керак унга, деган ҳаёлга бордим. Пинак бузмай ўтди-кетди. Йўқ, бу аёл Олия эмас, бутунлай бошқа одам эди. Суврати ҳам, сийрати ҳам бошқа. Фақат исмигина ўзгармаган. Лекин исм ниҳоятги исм-да. Ҳаётда исми бир хил одамлар — адашлар озмунчами! Бир пайтлар ўзим ошиқ бўлган Олия исмли қиз ҳозирда ер бағирлаб юрган Олия исмли аёлдан ўша кунни батамом ажралиб чиқди. Биринчиси тушга ўхшайди, бироқ менинг юрак-бағрим, жоним-жаҳоним. Иккинчиси — ўзимга мутлақо дахлсиз, бе-

гона бир одам. Мен Олияни сўнгги марта ўша ёмғирли тунда кўрган эканман. Сўнгги учрашувимиз ҳам ўша экан.

— Менимча, сиз Олияни севмагансиз. Йўқса, бу қадар бешафқат бўлмасдингиз. Бир ойдан сўнг қайтиб келаман, шундай-шундай, десангиз-ку, олам гулистон эди.

— Кейинчалик бу хусусда ҳам жуда кўп ўйладим. Нега бунчалик ўжарлик қилдим, дея афсусланган пайтларим ҳам бўлди. Лекин, ўйлашимча, ўжарлигимга сабаб — севгим эди. Қолаверса, чинакам Рассом санъат бобидагина эмас, ҳаётнинг ўзида ҳам эксперимент ўтказмай туролмайди. Тиббиёт соҳасидаги олимлар бақаю сичқонлар, ит-мушуклар устида ўтказган тажрибани санъаткор атрофидаги тирик одамлар устида ўтказди. Чирқиратиб ичак-чавоғини ёрмаса-да, бу ҳам ўзига яраша қалтис операция. Балки бу иш инсонийлик мезонларига мос келавермас. Лекин, начора, санъаткорнинг касб-кори шу. У одам боласининг жон томирларини тарам-тарам қилиб очади, юрагини парчалайди, мия қатламларини пармалайди, шундай қилиб, бир кишининг эмас, буткул одамзоднинг руҳий оламини ёритишга, ҳаттоки ўзидан ҳам яширадиган энг пинҳоний сир-асрорини ошкор этишга уринади. Устига-устак, санъаткор билан қачонлардир сирдош бўлган энг қадрдон дўст-ёри унинг дастлабки қурбони бўлиб чиқади. Гарчи ўртамиёнагина рассом бўлсам-да, ўшанда мен ўз касб-коримга хос савқи табиий буйруғига бўйсиндим, шекилли. Олия мен учун тажриба объекти бўлиб қолди. Муваффақиятсиз тажриба, ҳаттоки эксперимент ўтказувчининг бошига бало бўлган тажриба тарихда озмунчами! Мен ҳам унинг навбатдаги қурбони бўлдим. Олияга келсак... Олия ҳеч нима ютказмади. Ақлимни таниган пайтимда жиддийроқ ўйлаб қарасам, у мени ҳеч қачон севмаган экан. Ёқтирган, ёмон кўрмаган бўлса эҳтимол. Лекин муҳаббат деганлари...

— Сиз адашасиз! — кутилмаганда эътироз билдирди Ёзувчи. — Руҳий жараёнлар хусусидаги ўта нозик ва қимматли кузатишларингиз борлигидан қатъи назар, камини биз эшитган ҳикояда чинакамга севган биргина одам — Олия деб ўйлайман. Сизнинг энгилтаклик билан қилган ҳамма ҳазилларингизни чин деб билди. Орқолдини ўйламай, бир кун ичида ўзи ўрганган шаҳрини, ўсиб-улгайган қадрдон уйини ташлаб, энг муҳими — ўзини еру кўкка ишонмай, асраб-авайлаб ўтирган отонасининг юзини ерга қаратиб, гуноҳкор одамларга ўхшаб, қочиб кетмоқ учун сиз айтгандек фаришта эмас, аксинча, алвасти бўлиш керак. Хўп, ана, сизни кузатишга чиқмапти, дейлик. Лекин ўша кунни нима бўлганини лоақал суриштириб кўрдигизми? Эҳтимол, шошилинчда поезднинг жўнаш вақтини ёки қай поездлигини чалкаштириб юборгандир? Отаси беҳос касалга чалиниб ёки айтайлик, онасининг оёғи синиб қолгандир? Ёмғир остида ивиб юравергани сабаб, ўзиёқ тўшакка михланиб қолган бўлса-чи? Кундалик турмуш оқимини кутилмаганда издан чиқариб юборувчи тасодифлар ҳаётда оз дейсизми! Майли, бизники бор-йўғи фараз бўла қолсин. Лекин ўшандан кейинги кунлар-чи? Сиздан хат-хабар кутганига шак-шубҳа йўқ. Зориқа-интиқа кутган. Эҳтимолки, ўша кунийёқ сизга эргашиб кетавермаганига қаттиқ ўкинган. Сиз ўйлаб кўришга фурсат ҳам бермадингиз-ку, ахир. Хуллас, гап шуки, биргина гуноҳкор одам — Сиз. Биргина севгувчи қалб — Олия.

— Менинг баҳсларингизга аралашулик ҳолим йўқ, — деди Бастакор бир Ёзувчига, бир Рассомга истеҳзоли қараб. — Фақат шунки комил ишонч билан айта оламани, Раканг бахтли одам экан. Омади бор экан Ракангнинг! Ўзинг телбаларча севган қиздан, устига-устак, сени севган қиздан кутилмаганда жудо бўлиш — бундан ортиқ бахт борми сира! Мана, мен — севганимга эришган одамман. Хўш, нима бўпти?.. Рухсатларингиз билан қадаҳларингизга куйиштирай. Шишамиз ҳам бўшадди. Оғзиям, мана, менга қаради. Бироқ менинг ҳикоям жуда қисқа, бунинг устига, ўта зерикарли бўлади. Сизларнинг саломатликларингиз учун, илҳомларингиз ҳамини жўшиб туравериши учун!.. Ё раббим! Қанақанги ажойиб кун бўлди-я бутун?! Азобини айтмайсизми! Тотли азоб... Тўғри, ишқ достонимиз бошқачароқ хотима топиши ҳам мумкин эди. Агар ўзим ошиқ бўлган қизнинг васлига етишмаганимда, ким билсин, отилиб ёки осилиб ўлармидим. Кошки эди, шуниси минг карра яхшироқ бўларди. Начора, мен васлига етишдим. Худо ҳаққи, худди босиринқи тушга ўхшайди. Яширмайман, мен ҳам вақтида ўзимни нақ арши аълода юргандек сездим. Ҳозир бўлса, ўша машғум кунни — никоҳ саройи остонасидан ҳатлаган пайтимни лаънатлайман. Ой ўтмай осмондан ерга тушдим. Ўз жуфти ҳалолани ёмонлаш эркак кишининг иши эмас. Бироқ, начора, мавриди келиб қолди, сизлар тўғри тушунарсизлар, бандаи ожизини худоям кечирар. Буни қарангки, аёл эмас, нақ

аждаҳо бўлиб чиқса-я! Дастлаб менинг ўсмир тасаввуримни кунпаякун қилди: иф-фат-назоқату саховатда тенгсиз оқилаю барнолар тимсоли хусусидаги гўзал афсо-намни йўққа чиқарди. Ўз туйғуларимдангина эмас, умуман, муҳаббат деб аталмиш туйғудан, сир-асрорга тўла бу мўъжизавий ҳиссиётдан ихлосимни паққос қайтарди. Хуллас, менинг бутун ижодий имкониятимни йўққа чиқарди. Кўнглимнинг туб-тубида асраб-авайлаган ганжинамни горат қилди. Ана ундан кейин тўппа-тўғри ўз-ўзимга ҳужум бошлади. Уруш-жанжал. Бақриқ-чақриқ. Дод-вой. Тенг-тўшларим жонларни жабборга бериб ёзиб ётишибди. Масалани сифат эмас, сон ҳал қиял-пти. Сен бўлсанг, биттаю битта хотининг билан ёвдек ёқалашиб, амал-тақал кун кўрасан. Албатта, мен ҳам ёзишни тўхтатмадим. Бироқ, сўзимга ишонингизлар, мен ёзган икки опера, тўрт симфония, бошқа ҳажми катгароқ нарсаларни айтмай қўя қолай, кичкинагина увертюраю ҳар бир кўшиқни чинакам қаҳрамонлик наму-наси деса лоф бўлмайди. Ҳозирга келиб, сон жиҳатидан-ку, ҳар қалай, тенгдош-ларимдан ортда қолмай келяпман. Бироқ сифатни унутиб қўйганим қачонлар эди! Бироздан кейин шу ёмон ёзишнинг ўзидан ҳам мосуво бўламанми, қайдам. Ёв — ёқадан, бўри — этакдан тортқилиб турганида ёзиш қаёқда дейсиз! Қачонгача чи-дайсан бу дўзахга?!

— Нега ажралишиб қутула қолмайсиз? — Ёзувчи ўз дардини баралла тўкиб сол-ган Бастакорга хушламайроқ қаради.

— Қизик гапларни гапирасиз-да, ошна! Бола-чақамни нима қиламан? Уларни туққан оналаридан сиз ажратиб бера оласизми?! Қолаверса, эл-юрт нима дейди? Ўрнашган уй-жойим, ўрганган ишхонам қаёқда қолади?! Қолаверса, ношукрчилик нимага керак? Ростини айтсам, ҳалиям менинг хотинимни фаришта деса арзийди. Уни бир чўқишда қочирадиганларни ҳам кўриб юрибмиз. Тагин худо билади-ю, шу топда мени соғина-орзиқа кутиб ўтирибди. Дарвоқе, ўйинимизнинг шарти сўнгги учрашув эди-ку. Сўнгги учрашувимиз қип-қизил жанжалга айланди. Мени нега ола кетмайсан дея роса хархаша қилса бўладими!.. Албатта, Рақангни ҳам худди шундай қисмат кутиб турган эди, деёлмайман. Бироқ омади чопганига шак-шубҳа йўқ. Юлдузи ўнгидан келибди — севганидан жудо бўлибди. Ҳар қалай, менга ўхшаб севгисидан жудо бўлмабди-ку! Ана, борингки, ўша Олияси билан топишди дейлик. Нима бўлар эди? Аввало “илк муҳаббат” чизилмай қолар эди. Кўргиликлари шуги-на бўлмасди, албатта. Олиянинг кўзлари, бу кўзлардан чақнаган ўт-олов Рассом акамизнинг талай асарларига шуъла сочиб, уларни ёритиб тургани аниқ. Чунки эришилмаган муҳаббат — одам боласининг бутун умр йўли бўйлаб чўзилган бит-мас-туганмас куй. Унутилмас оҳанг. Сехру жозибага лиммо-лим, ҳам шодон, ҳам хазин кўшиқ... Барибир, унда қайғуга нисбатан севинч оҳанглари ҳамиша устун келади. Шу боисдан ҳам у кўнгил тўрида. Шу боисдан ҳам у битмас-туганмас илҳом манбаи. Бас, шундай экан, яшасин армонда кетган илк муҳаббат! Келинг, охириги қадаҳни шунинг учун олайлик!

Рассом ичмади. Афтидан у ўз бахтининг ажабтовур кемтиклигини жуда яхши биларди.

## ИККИНЧИ ЙЎЛ — САФАРДАГИ ҲИКОЯ ЁХУД...

— Сизнинг кимлигингизни яхши биламан. Сиз...ёзувчисиз! Кўпинча муҳаббат ҳақида ёзасиз. Одамлар ҳар бир янги асарингизни орзиқиб кутишади, севиб ўқиша-ди. Айниқса ёшгина-ёшгина йигитчалару кизалоқлар. Сиз туйғулар оламини, аёл қалбининг пинҳоний сирларини атрофлича ёрита оладиган моҳир адибсиз. Тан-қидчилар сизни “руҳият рассоми, ўткир психолог” деб мақтайдилар. Мени кечира-сизу, шунга танишганимиз учун олиб юборсак, нима дейсиз? Менинг исмиим?.. Сиз-га барибир эмасми? Хоҳлаган исмингизни қўя қоласиз-да! “Тасодифан тўқнаш Кел-ганов” дебми. Ҳали йўл узоқ-ку. Олмаотага етгунча, эҳ-ҳе, қанча вақт бор. Тўғри, мен сал берироқда тушаман. Лекин шунгача ҳам...вақт ўтсин дейман-да. Маъқул. Кўзингизга балодай кўриняпман, шекилли? Начора, ишонмасдан иложимиз қанча. “Ёзувчи ароқ ичмайди”, деган гапга ишониб қийин, барибир. Ҳай, майли, мен кетдим. Ёзилажак китобларингизнинг... Сизнинг соғлигингиз учун!.. Бироқ сиз мақтовларга кўпам ишонаверманг. Танқидчилар билиб-билмай ёзаверишади. Ўқув-чилар соддадилларча ишонаверишади. Сизга ишонишади. Сиз эса... билмайсиз.

Муҳаббат деганларининг нима эканини билмайсиз! Хаёлингиздан тўқиб чиқарасиз-да, қуруқ аравани шалдиратиб олиб қочаверасиз. Тўғри, усталлик билан олиб қочасиз. Ҳали тузук-қуруқ севишиб кўрмаган болакайлар ёзганларингизни ўқиб эс-хушларидан айрилгудек бўлишади. Тўғрисини айтсам, қирқни қоралаган мен ҳам гоҳо ёзганларингизга қойил қоламан. Бироқ, ҳамма бало шундаки, ўша ёзганларингиз ёлгон! Кўнглингизга оғир олманг. Тўғри, муҳаббат ҳақида ёлгон ёзган фақат сиз эмас. Ўтмишдаги не-не оқсоқоллар, ҳозирги обрўси баланд қорасоқоллар, ўзингиздек юртга танилиб келаётган қирмасоқоллар, сизлардан кейинги ҳаваскор ёш-яланглар... Ҳаммаларингиз ҳам ёлгон ёзасизлар, ёлгон ёзипсизлар. Одатда қиз тенги йўқ гўзал, йигит эса, ўтакетган ақлли бўлади. Нима, севги деганлари фақатгина сулувлару ақлдиларнинг оналарининг маҳрига тушганми? Тўғри, баъзида ўзларингизча кўнглининг кўчаларини чуқурроқ кавламоқчи бўласизлар. Қаҳрамонларингизнинг руҳий дунёси атрофлича ёритилади. Кечирасиз, мен яна биттани олиб юбормасам бўлмайди... Хўш, шундай қилиб, руҳий дунёси... Ўйлаб қаралса, буям шунчаки бир талваса-да! Сиз ўзингиз бола кезларингиздан бирга ўсган энг яқин дўстингизнинг кўнглида нималар борлигини яхши биласизми? Афсуски, билмайсиз. Бироқ биламан деб ўйлайсиз. Натижада ўша йигирма-йигирма беш йиллик қадрдон дўстингиз кунлардан бир кун сизга шундай фокус...шундай ўйин кўрсатадики!.. Ўнг билан чағни, кунчиқар билан кунботарни фарқлаёлмай қоласиз. Ҳаёт ҳақидаги тушунчаларингиз остин-устин бўлиб кетади. Ўзингизнинг эсли-хушли одамлигингизга шубҳаланиб қоласиз. Нега шунча йилдан бери уни билмадим!, ўзимам гирт овсар эканман, деган хаёлга борасиз. Бекорга айбалисиз ўзингизни! Одам боласининг ичидаги оласини билиб бўлмайди, барибир. Бошқаларни қўйинг, ўзингизни ўзингиз биласизми? Билмайсиз! Ҳеч ким билмайди. Шундай бўла туриб, аллақайси бегона аёлни; ўн саккиз, йигирма, ўттиз йилдан бери назарингиздан четда, кўнглингиздан овлоқда умр кечирган, туриш-турмуши бошқачароқ кечган, феъл-атвори ҳам бошқача кўнгли сири тўққиз қават парда эмас, тўқсон қаватлик қулф-калит остида ётган бутун бошли одамни беш қўлдек таниган-билган бўлиб чиқасиз. Руҳий олами гўзал ва бой, фалон-писмадон, шунинг учун ҳам қиз менинг қаҳрамонимга — чиройли бўлмасаям, ақлли, ақлли бўлмасаям одобли йигитга ёқди... дейсиз. Бир кўришдаёқ юрагидан урди, ана ошиғу мана машуқ, бир-бирларига узукка кўз қўйгандек муносиб, мана, чин муҳаббат, бошқаси бекор, дея исботламоқчи бўласиз. Ҳолбуки муҳаббат — тупроғи бўлиқ, суви етарли, қуёши иссиқ, парвариши яхши бўлса бас, гуркираб ўсиб, мўл ҳосил бераверадиган арпами-буғдой эмас. Гул ҳам эмас. Жазирама офтобни ҳам, қақроқ ерни ҳам писанд қилмай, ҳеч қандай парвариш кутмай, ўз қонунларига кўра ўсиб-унаверадиган саксовул дер эдим мен уни! Саксовулни болта билан чошиб кўринг-чи! Толчивиқдек кесилиб кетаверармикин? Сизнинг қаҳрамонларингиз сева туриб оппа-осон ажралишаверади. Бир-бирига димоғ-фироғ қилади. Ҳақ-хуқуқ талашади. Шунақа бўлиши мумкинми? Асло! Чинакамига севсангиз, номус ҳам, уят ҳам, ҳақ-хуқуқ ҳам унутилади. Ажралолмайсиз. Ажралишиб кетолмайсиз. Бунга кучингиз етмайди. Ақл-фаросатингиз ҳам иш бермай қолади. Чунки одатда ошиқ кечагию эртанги кунини ўйлаб ўтирмайди, бугунининг дарди билан яшайди. Муҳаббат — бахт, муҳаббат — саодат, муҳаббат — илоҳий нур, ҳаттоки эришилмаган муҳаббат ҳам одам учун беқиёс фароғат, дея лоф урасизлар. Буларнинг барчаси ҳавойи гаплар. Кўкнори ичиб ҳардамхаёл ўтирган нашаванднинг аҳволини ҳис қила оласизми? Ўзини нақ жаннатда ўтирибман деб ўйлайди. Ўз кайфининг бир лаҳзасини шаҳаншоҳликдан афзалроқ кўради. Ҳолбуки аслида ўша нашаванддан бечорароқ одам йўқ. Ошиқлик ҳам нашавандликдек гап.

Сиз, албатта, Лайли-Мажнун афсонасини яхши биласиз. Лайли — муҳаббат тим-соли, садоқат рамзи, вафодор, оқила, барно... Аслида булар ҳам шоирлар ўйлаб топган уйдирма. Менимча, Лайли ўзининг қонуний эри билан ёмон яшамаган. Тунни тонгга улаб не-не бедор кечаларни ўтказган бўлса эҳтимол. Ўша сархуш лаҳзаларда Мажнунни ўйладимикин? Ҳай, қайдам-ов. Лайли Мажнуннинг забун аҳволига раҳми келиб, ҳатто шунчаки ачиниб қаради, десалар ҳам ишонмаган бўлардим. Албатта, қизиқиб қараши, ўз исмининг қўшиқларга қўшилиб, тилларда дoston бўлаётганидан фаҳрланиши табиий. Бироқ ўз муҳаббати билан мақтанолмайди. Мажнуннинг телбаларча севгисига ўзининг аёллик шаънини, оилавий бахтини янада



бўрттириброқ кўрсатувчи қўшимча ранг, шунчаки фон деб қараган, тамом-вассалом.

Лайли тенгсиз гўзал бўлган, қабилдаги гаплар ҳам ёлгон. Кейинчалик тарқатилган афсона. Балки сиз эл оғзидаги бошқа бир афсонани ҳам эшитгандирсиз? Лайли-Мажнуннинг довуғини эшитган аллақайси подшо Лайлини бир кўриш ишқига тушибди. Қараса, Лайли деганлари қошлари қалин, лаб-лунжи осилган, озгин-қотма бир хувон эмиш. Хунуклиги камдек, истарасиям совуқ эмиш. Ана шунда подшо Мажнуннинг олдига борибди. “Ҳой, овсар, кўрмисан? Кўзингни очиб, эс-ҳушингни йиғсанг-чи! Мен билан саройимга юр. Не-не сулувларнинг биттасини эмас, бештасини, ўнтасини сенга тортиқ қилай. Лайли деганинг ишқида жондан кечишга арзимайдиган хунук, бедаво-ку?!” дегандир-да. “Сиз Лайлини ўз кўзингиз билан кўрдингиз, мен ўз кўзим билан кўраман”, дебди ўшанда Мажнун. Мана, гап қаёққа бориб тақалаяпти... Ҳай, энди, олинг-да! Мен ҳам сиз ўйлагандек ароқхўр эмасман. Аввал ичмаган бўлсангиз, энди олинг, қўлимни қайтарманг... Мана, бу бошқа гап. Бор экансиз-ку, жигар!.. Шундай қилиб, сезишимча, сиз кўпинча та-саввурга эрк берасиз. Ёзганларингиздан ҳаётий тажрибангиз камлиги сезилиб туради. Улкан ёзувчиларнинг асарларида юзлаб қаҳрамонлар неча хил қисматни бошларидан кечирадилар. Шуларнинг барчасини муаллиф ўз ҳаётида бошдан кечирган бўлиши мумкин эмас-ку, тўғрими? Муҳими — бошқаларнинг қисматини кузата олишда, дарду ҳасрати, қувонч-армонларини ҳис қила билишда. Ер шудгорлаб, экин экманг. Мол боқиб, оғил тазаламанг. Бироқ ўзингизни ер шудгорлаб мол боқаётган одамдек ҳис қилишга мажбурсиз. Тўғри, сиз зиёдилар ҳаётини, уларнинг кўрган-кечирганларини қаламга оласиз. Бироқ, кечирасиз, жигар, адашмасам, сиздан икки-уч кўйлакни ортиқроқ тўздирганман, шунинг учун дангал айтай: ҳали жудаям қо-йиллатиб қўйганингизча йўқ. Нишоннинг қоқ ўртасини, нукул тўққиз-ўнни эмас, тўрт-бешни, нари борса олти-еттини уриб юрибсиз. Юздан эллик беш-олтмиш фоиз. Ўз ишингизнинг устаси бўлишингиз учун сизга тўқсон тўққиз-юз фоиз керак. Сизнинг мана шундай зўр асарлар ёзишингиз учун кўтарсам, айбга буюрмассиз? Бўлди, бошқа ичмайман. Тагин айтмоқчи бўлаётган асосий гапим чала қолиб кетмасин... Аччиқ-да, курғур. Ароқ одамнинг қайғусини унуттириб, кўнглини кўтарди, деганлариям хато... Яхши, ростдан ҳам, ортиқча гапларни кўп гапириб юбордим. Энди мақсадга кўчай. Ажабмас, сизга асқотиб қолса. Қадимда ёзувчилар бундай сюжетларни нақд пулга сотиб олишар экан. Келинг, мен текинга бериб юборганим бўлсин. Манови суратга бир қаранг. Қани, таърифнинг кифтини келтиринг-чи! Фақат очигини айтинг. Ҳа, энг аввал ташқи қиёфасини. Кейин, мумкин бўлса, ўзларингиз кўп айтадиган “руҳий олами”ни. Тополмадингиз! Йигирма-йигирма учларда эмас, нақд ўттиз олтида. Бу — тўрт йил аввалги сурат. Шунинг ўзида ҳам ўттиз икки ёш. Гавдалик эмас, паканагина. Тўғри, сал тўлароқ. Хунук эканлиги ҳам тўғри. Оғзи катта. Лаблари дўрдоқ. Кўзлариям, ҳар қалай, шаҳло эмас. Бироқ алоҳида ажратиб олиб қараганда шундай. Юм-юмалоқ юзи, кенг пешонаси, лўппи яноғи, пайваста қошлари — бутун туриш-турмушини яхлит олиб кўринг-чи! Албатта, жонсиз суратга қараб баҳо бериш қийин. Гапингиз тўғри. Мен яна ўтлаброқ кетаяпман. Қолаверса, ноқулай ҳам. Эсли-хушли одамлар одатда шундай деб танбеҳ беришади. Начора, тўғри гап тўғри-да. Бироқ, ростини айтсам, менинг кўзимга ҳаммаси бошқача кўринадди. “Руҳий олами”га келадиган бўлсак...маълумоти — ўрта. Еттинчидан кейин техникумда ўқиган. Ахлоқий жиҳатдан...бузуқ дейиш қийин. Бироқ садоқатли ҳам деёлмайман. Бунисига ҳали алоҳида тўхталамиз. Хуллас, “руҳий дунёси”... билмайман... Фақат сиз айтгандек куюнчак эмас. Аксинча, ғирт боқибегамнинг ўзи. Қозоқда бундайларни “кесиб олсанг қон чиқмайди” дейишади. Бешафқат. Йўқ, бўшбаёв эмас. Тўғри, аҳён-аҳёнда... Хуллас, қақраб ётган чўл дейверинг. Ақлига келсак... зиғирча фаҳм-фаросати йўқ. На эртасини ўйлайди, на ўз қадрини билади. Хуллас, кўриб турибсизки, иллюзиялардан овлоқман. Ақли калта, хунук, бадфёъл. Шунга қарамасдан мана шу аёлга ошиқман. Эр йигитнинг ажали ўзи билан бирга туғилади, деган гап бор. Эртадир-кечдир, ҳамма ҳам унга рўпара келади. Менинг ўз ажалимга дастлаб рўпара келганимга роппа-роса ўн етти йил бўлди.

Новосибирск—Олмаота поездида мен билан тасодифан ҳамроҳ бўлган, чамаси, ўттиз саккиз-ўттиз тўққиз ёшлардаги новча, қорувли, оққуба киши ўзининг узундан-узоқ ҳикоясини мана шундай бошлаган эди. Аввалига унинг дали-ғули фёъл-атвори, эшитган қулоққа ажабтовур эриш туюлувчи гап-сўзлари кўнглимда малол-

лик уйғотди. Гапиртирмай қайириб ташласамми ва ё қўшни купелардан бирига ўтиб кетсамми деб ҳам ўйладим. Бироқ фақат ўзимни эмас, буткул ёзувчи зотини яроқсизга чиқариб бўлиб, ўз бошидан кечирганларини ҳикоя қилишга ўтганда бу фикримдан қайтдим. Кўнглимдаги туппа-тузук асарга айлиниши эҳтимол бўлган не-не туйғуларимни танқидчиларга манзур бўларли шаклда ифодалашнинг уддасидан чиқолмай, ҳар қандай синовларга бардош бера оладиган баркамол асар яратишга ҳолим келмай, икки ўт орасида ўртаниб юрган пайтларим эди. Охиригача тинглаб кўрай-чи, балки айрим қимматли деталлар, лавҳалар учраб қолар, деган умид уйғонди кўнглимда. Адашмаган эканман. Майда-чуйда тафсилотлар эмас, яхлит, таппа-тайёр бир асарга дуч келсам бўладими! Ана ўшанда мен, ёзувчи оддий одамлар орасида кўп бўлиши керак, асарининг мавзуини бевосита ҳаётдан олиши керак, деган гапларнинг тўғрилигига яна бир карра амин бўлдим. Бир кечада шундай камёб хазина топдинг, юрт оралаб кўпроқ юрсанг, оддий одамлар билан дардлашсанг бўлмасмиди, олифта, дея ёзғира кетдим ўзимни. Тўғри, ажойиб шаҳарда яшайсан, шинамгина бошпананг бор. Майли, тарки дунё қилмай, уй ичинг раўйига ҳам қара-ю, лекин... Хўш дегандан билсак, мен ҳам бошқа тарафга оғиброқ кетяпман, шекилли. Рабле айтганидек, қўтонимизга қайтайлик. Шундай қилиб десангиз, уйга етиб келдиму поездда эшитган ҳангомамни оқизмай-томизмай қоғозга кўчирдим. Албатта, у ер-бу ерини силлиқлаб-рандалаб, дегандай. Ҳикоячининг айрим қуюшқондан ташқари гапларига, ўз кечмиш-кечирмишларини ўта кўпол ва жўн ифодалаган ўринларга бир қадар ишлов бердим. Муҳаббат — нафосат демак, поклик демак. Қахрамоним, ҳар қалай, ичкилик таъсирида бўлса керак, масаланинг бу жиҳатини гоҳо унутиб қўйган. Шу боисдан оғзаки ҳикояни қоғоз юзидан андак силлиқламаса бўлмади. Бироқ, худони ўртага қўйиб айтаманки, ўз ёнимдан ҳеч нима қўшиб-чатмадим. Ўринли бўлса-да, бундан асарнинг ютишига кўзим етса-да, қаламимга эрк бермадим. Сафардошим худди кўҳна эпосни ижро этаётган оқиндек ўзлигини унутар даражада берилиб айтган ҳикоянинг табиийлигига, табиий нақшу бўёқларига путур этказиб қўяманми, деб кўрқдим. Муҳими, муҳаббат ҳақидаги ҳозирга қадар ўзим ўқиган асарлар, эшитганим оғзаки нақлларнинг ҳамма-ҳаммасига, жумладан, бошлаб қўйдим деган хаёлда ўзим яратган асарларга ҳам бир қадар зид келадиган мазкур ҳангомада севги деб аталмиш азалий муаммо бетакрор шаклда ечилиб, янги талқин этилгани, назаримда, шубҳасиз эди. Айни чоғда, унда муҳаббат туйғусининг энг қадимий жиҳатлари ҳам ифодаланган эдики, шу боис ҳикояни ўзимча.

## ҚАРИ НАВО

деб номладим. Энди қахрамоним ўз ҳикоясини келиб тўхтаган жойидан давом эттиради.

— Биз тасодифан учрашдик. Темир йўл ёқасида жойлашган кичик бир шаҳарчадаги “Кооптранс” деган ташкилотда шофёр эдим. Олис районга юк олиб бориш керак бўлиб қолди. Тоғ ораси. Йўл асфальтланмаган. Ёмғир ёғса шилтаси чиқиб кетади. Йўл-йўлакай дуч келадиган ариғу сойлардан эса, ёгин-сочинсиз кунларда ҳам кечиб ўтиш мушкул. Биридан ўтсангиз, иккинчисида ўтириб қоласиз. Ёлғиз-ярим юриб бўлмайди. Шунинг учун одатда машиналарни қўшоқлаб, ҳатто учтадан-тўрттадан жўнатишарди. Шофёрлар нақ йиғлаб бориб, инграб қайтишарди. Бошқа ёқларга сўранишарди. Бироқ хизмат ўз номи билан хизмат: ҳафта сайин бўлмасида, ойда бир, жиллакурса икки ойда бир қатнашга мажбурмиз. Авваллари ҳам кўп борганман. Аҳволни яхши биламан. Шунинг учун оғрина-қийнала кетдим. Шеригим ўнг чаккасида авариядан қолган тарам-тарам чандиғи бор, олд тишлари тўқилган қирқ ёшлардаги Собиржон деган тажрибали шофёр эди. Ҳайтовур мушкул жойлардан омон-эсон ўтиб олди. Икки-уч марта филдирак ботқоққа ботиб қолди. Бироқ остига хас-хашак ташлаб, бир-биримизни судраб-шатакка олиб базўр ўтиб олди. Манзилга ўз вақтида етдик. Олиб келган юкимизни топширдик-да, тушдан кейин ортимизга қайтдик. Ҳаво очиқ. Кўздан бери ёмғир ёлмаган. Тўхтамай юрсак, тонг отар-отмас уйга етиб олишимиз мумкин эди. Кун ботишга яқин эди, қарасам, олдинроқда кетаётган Собиржон тўхтаб мени кутиб турибди. Икки йўл бошида. “Анови Қизилқайнар, — Собиржон беш-ўн чақиримча нарида, тоғ ёнбағрида кўним топган

кичик бир овул тарафга имлади, — ўша ерда бир пиёладан чой ичиб олсак, нима дейсан?” Тунда уйқумиз чала бўлган. Олдинда узоқ йўл. Таклиф менга маъкул тушди. Овул чеккасидаги узунчоқ лойшувоқ томли уй олдига келиб тўхтадик. Кечки овқат маҳали. Бизни кутиб олгани уйдан ҳеч ким чиқмади. Бироқ Собиржон пинагиниям бузмади. Бу уйда кўп марта меҳмон бўлган, шекилли. Машинасининг аллақаридан икки шиша ароқ чиқарди-да, менга қараб кўзини қисиб маъноли кулганча биттасини қўйнимга солиб қўйди. Иккинчисини шимининг чўнтагига солди. Болалар миниб бир ишқал чиқармасин деб машиналаримизнинг эшигини маҳкам беркитдик. Ичкарига кирдик. Гўрдек қоронғу. Остонадан ҳатлай туриб алланарсага қоқилиб кетдим у муккамдан йиқилдим. Билмадим, бу ниманинг аломати бўлди? Ёмон йиқилдим. Собиржон тўхтамай кетаверди. Апил-тапил ўрнимдан туриб, оёқ товушини мўлжал олганча олдинга интилдим. Йўл-йўлакай чўнтагимни пайпасладим. Хайрият, шиша синмапти. “Бу ёққа...” Собиржон гугурт чакди. Узунчоқ хонанинг нариги бошида турган экан. Чапга бурилиб, тагин бир хонага кириб бордик. Бироқ ҳалиям манзилимизга етиб келмаган эканмиз. Бу — ўртадаги хона бўлиб чиқди. Тагин бир эшикни очиб, тагин бир балаңд остонадан ҳатлагандан кейингина биз кирмоқчи бўлаётган хона эшигининг тирқишидан ёруғ нур кўринди. Қозоқда эшик тақиллатиш деганлари бўлмайди. Худди отамизнинг уйига келгандек, таптап босиб ичкарига кириб бордик. Тўрдаги печка олдида, устига ўнинчи керосин чироқ қўйилган чоққина хонтахта бошида бир жувон ёлғиз ўзи чой ичиб ўтирган экан. Ёшгина. Ўн саккиз-ўн тўққизларда. Авзойида аллақандай мағрурлик, такаббурлик бор. Ҳали биз кирмай туриб ким келганини билган шекилли, ўтирган кўйи қошларини чимириб мийиғида кулди. Этик ечмай тўрга чиқдик-да, чордана қуриб ўтира кетдик. Ўзини папалаб ўрганган жувон шекилли, ёлғиз ўтирган бўлса ҳам, дастурхоннинг усти лиқ тўла. Бир ликопчада қовурдоқ турибди. Қаймоқ, қурут, сарёғ, қўлда ёшилган папир — ҳаммаси бор. Гарчи шеригимга эргашиб эмин-эркин кирган бўлсам-да, ўзимни ноқулай сеза бошладим. Аҳволимни тушуниб дадда бераётгандек, уй бекаси менга қараб жилмайди. Чойни ҳам аввал менга узатди. Собиржон чўнтагидаги шишани хонтахта устига олиб қўйди. Мен ҳам ўзимдагини қўйнимдан чиқардим. “Нарёғингизда турган пиёлаларни узатиб юборинг-чи”, — деди уй бекаси менга. Ўрнимдан туриб, шкаф устида тақсимчага тўнкариб қўйилган етти-саккиз пиёланинг ҳаммасини олиб келдим. Аёл менга қараб садафдек тишларини ярқиратиб кулганча қўлини чўзди. — Учтасини беринг. — Устидаги учтасини олиб узатдим. — Қолганини жойига обориб қўйинг. — Қолганини жойига обориб қўйдим. — Ўтиринг. — Ўрнимга қайтиб ўтирдим. Аёл шишалардан бирини қўлига олди-да, остига бир уриб, тиқинини учуриб юборди. Мен олиб берган уч пиёлага тўлатиб ароқ қўйди. Собиржон икковимизга кўк гуллик пиёлада, ўзига қизил гуллик пиёлада. Жимгина ўтириб аввалига икки-уч пиёладан чой ичдик. Қорним оч бўлса-да, менга овқат ботмади. “Ие, кимни кутиб ўтирибмиз? — деди бир пайт Собиржон. — Мановини термултирмай олиб юборайлик-да”. Олиб юбордик. Собиржон ҳам, мен ҳам. Бека ҳам. Тагигача сипқордик. Ароқ қайта қуйилди. Мен ичмайман деб тайсаллаган эдим, Собиржон кистаб қўймади. “Қўйчибойнинг қайтиб келиши учун, — деди. — Осия билан икковининг тезроқ қайта топишиши учун”. Мен шундагина уй бекасининг исми Осия эканини, эрининг олис сафарда юрганини англаб етдим. “Қачон қайтиб келади?” “Устига қўшиб олмаса, тўрт ойгина қолди”. “Ҳей, у жинни-ку. Қўшса қўшаверади. Бироқ ўзи мард йигит, — деди Собиржон. Сўнг менга қараб изоҳ берди. — Адашмасам, икки йилча аввал эди, ҳа, бир ярим йилдан ошди, шу овулга қурилишга келганлар билан ёқалашибди. Девдек-девдек тўрт йигит билан. Мен манови Осиянинг дўконига юк ташлаб ўтишим керак эди. Бирор соат аввалроқ келганимда роса қизикнинг устидан чиқарканман. Худо бир сақлабди, йўқса, мен ҳам жанжалга аралашим аниқ эди. Қўйчибойлар ҳам тўрт йигит, лой қоришаётган экан. Шу сабаб сув талашибдими, ишқилиб, икки ўртада жанжал чиқибди. Шундай қилиб, жанжалнинг охири ёқалашигга айланади-да. Ановилар енгилаетганидан кейин пичоқларини ўқталганида булар тирақайлаб қочади. Қўйчибой ҳам қочади. Йигитлардан бири — кетмондан, иккинчиси — замбилгалтақдан аламини олади. Шу билан ёқалашиб ҳам тўхтайдди. Бироқ Қўйчибой тўхтамайди. Югурганча ҳали қурилиб битмаган кўрага бориб, эндигина олиб келинган темир ходлардан бирини кўтариб ортига қайтади. Ановилар пичоқларига ишониб тагин ҳамла қилган бўлса керак, темир хода билан битта-битта уриб

тўрттасини тўрт тарафга сулайтиради. Ўзим кўрдим, бет-оғзи қонга беланиб ётишибди. Кейинчалик битгаси тилдан қолибди, деб эшитдик. Пичокдан ўзини ҳимоя қилган деб оқлаб юборсам бўларди. Адвокатининг ландовурлигидан икки йилга қилиб кетди: “Кўйчибойнинг омон-эсон қайтиб келиши учун кўтардик. Тагин қуйилди. “Сафаримиз беҳатар бўлиши учун”. Бетўхтов сипқордим. Таъми йўқ. Илимлик бир нима. Самоварда қолган илиқ сув экан. Осияга қараган эдим, у тагин менга маъноли илжайди. Олдидагини сипқориб, қовурдоқни лабига босганча ҳидлаётган Собиржон тарафга кўз қири билан имлаб, уни масхаралаган бўлди. Мен ҳам ўзимда ҳазилга мойиллик сездим. Кўзимни қисдим. Осия қовоғини уйиб, ёлгондакам аччиғланган бўлди. Мен гўё кўрқиб кетгандек ўзимни итоаткор қиёфага солиб, узр сўраган бўлдим. Тагин қуйилди. Олиб юбордик. Нафасим қайтиб кетди. Буниси сув эмас, ростакам ароқ. Осия тагин менга мулойимгина қараб, маъноли кулди. Ёноқлари қизариб-бўғриққан. Тишлари оппоқ. Топ-тоза. Тишини тишимга босиб шақирлатиб чайнагим келди. Тагин қуйилди. Ичмай тайсаллайман. Осия кулади. Билсам, буниси сув экан. Ташқарига чиқиб, Собиржоннинг машинасидан устама олиб кирдим. Сал ўтмай Собиржон маст бўлиб қолди. Тили гўлдираб Осияга нимадир деди. Нима демоқчилигини англаёлмадим. Бир эшитганим: “Ҳозир... беш дақиқа... ухлаб олай”. Ёнига қийшайиб, шилқ этиб йиқилди.

Кутилмаганда Осия жиддийлашиб қолди. Ўрнидан туриб, энгларини ҳимарди. Шошилмай дастурхон устини йиғиштирди. Кейин менга бурилиб ҳам қарамай ичкари уйга йўл олди. Аллақандай куч таъсирида беихтиёр ўрнимдан туриб апилтапил ортидан эргашдим. Юзим, бўйним, бутун аъзойи баданим оловланиб ёниб боряпти. Кучоқлашган кўйи чойшаби ярмигача ҳимарилган тўшакка келиб ўтирдик. Шундагина эс-ҳушимни йиғдим. Иккиланиб қолдим. Нариги хонада чироқ ёниб турибди. Бунинг устига, маст бўлса-да, кап-катта одам ётибди. Осиянинг кўлидан етаклаб ташқарига очиб чиқдим. Осуда тун. Ҳаво мусаффо. Атроф қоронғу. Уй ёнбошидаги пастаккина девордан ошиб, тоғ қаърига сингиб кетдик.

Афсунгар тун оғушида, қора марвариддек жимирлаб-товланиб оқаётган сой соҳилидаги тушбўй жийдазор орасида, юмшоққина кум устида ҳаётнинг маъносини, инсоний тирикликнинг сир-асрорини эндигина англаб етгандек, ўзимда йўқ хурсанд, чалқамдан тушиб, бутун вужудимда ажиб бир энгиллик ҳис қилиб узоқ ётдим. Мени маст деб ўйладими ёки юзимда нимадир кўрдими, Осия менга тикилган кўйи қоқ тепамда қаққайиб туриб қолди. “Кел! — дедим бир пайт кўлларимни қанотдек кериб, юрагим орзиқиб. — Кела қолсанг-чи, жоним!..” Осия тизза букиб ёнимга ўтирди. Тиззасига бошимни қўйдим. У сочларимни авайлаб силаган кўйи оғир хўрсинди...

Биз келсак, Собиржоннинг икки оёғи хонтахта остида, боши бир елкасига қийшайганча кўрпача устида чалқанчасидан тушиб ҳали-ҳануз ухлаб ётган экан. Керосин чироқнинг пилиги кўтарилиб кетибди. Шишасининг бир ёни то учига қадар қоракуяга беланибди. Осия ичкарию ташқари уйга баравар ёруғ бўлсин деб чироқни девор печнинг устидаги туйнукчага қўйди-да, тўр томондан икки-уч тахлам кўрпаёстиқ олиб келиб ташлади.

Мен оёқ-қўли жонсиздек шалвираб ётган Собиржонни бир думалатиб кўрпатўшак солган бўлдим. Пайтаваси чуватилган кирза этигини аранг ечдим. Уст кийимларини яхлит сидириб, қайтатдан думалатиб тўшак устига ётқиздим. Ўзим ҳам ечина бошладим. Нариги хонада юрган Осия туйнукчадаги чироқни ола туриб менга бармоғини бигиз қилди. Бу — ҳаддингдан ошма дегани. Бир кўрпа остида ётган шеригимнинг бурнидан чийиллаб кириб, оғзидан хириллаб чиқаётган аломат хурагини тинглаб ёта-ёта ухлаб қолибман.

Қанча вақт ўтганини билмайман, аллакимнинг уст-бошимни пайпаслаётганидан уйғониб кетдим. Собиржон ўзига келиб бош кўтарган экан. Нима бўлганини, қаерда ётганини эслолмаётгандек талмовсираб андак ўтирди. Кейин ўрнидан турди-да, мастлиги тарқаб улгурмаган шекилли, кийимларини киймай ташқарига юрди. Бироқ чиқар эшикни топа олмади. Оёқ товушларини эшитиб ётибман, адашиб ичкари уйга кириб кетди. “Адашиб”микин, қайдам...

Тонг отгач, менинг эс-ҳушим ўзимга келди. Аслимга қайтдим. Машинани ўт олдираётганимда ташқарига Собиржон ҳам чиқиб келди. Ялангтўш. Қовоқлари шишиб кетган. Юзлари хамирдек кўпчиб турибди. Менга қараб тиржайган кўйи бош чайқайди: “Кўп ичиб қўйибман”. Йўлга отландик. Бирор соатдан сўнг Мўйил-

ди деган кенггина сой бор эди, шунга келиб машинамиздан тушдик. Эрталабки муздек сувга чўмилиб чиқдик. Ўтлоқда ёнбошлаб ётиб ноп-пон, майда-чуйдаларимизни тамадди қилдик. Икковимиз ҳам дадилланиб, одам қиёфасига кирдик. Бирор соатгина мизғиб олмоқчи бўлувдик, донг қотиб қолибмиз. Туш ога бошлаганида аранг уйғондик. Батамом бошқа одам бўлиб турдим. Ҳамма кўрган-кечирганларим — аллақайда эшитган, хотирамдан ўчаёзган эртакка ўхшайди. Собиржон билан ҳазиллашиб: “Энди янганинг кўзига қандай кўринасиз?” — дейман. “Қарибсиз, қувватдан қолибсиз, оқсоқол, бир кечадаёқ сўзакдан энди тургандек бўлдингиз-қолдингиз-а?” — дея тегишаман. Ҳазиллашишга ҳазиллашаман, лекин кўнглимдаги дурри бебаҳомни беҳос йўқотиб қўйгандек мусибат нуқси, жондан азиз жигаримни қаро ерга топшириб кетаётгандек мотам шарпаси қонимда бетўхтов изғийди.

Орадан уч-тўрт ҳафта ўтди. Кундалик иш билан андармон бўлиб Осияни унутай дедим. Бунинг устига ўша пайтларда бўйдоқлик ҳаётимда айрим ўзгаришлар рўй бераётган эди. Отам урушда дом-дараксиз кетган экан. Онам эса, мен эр етган пайтда, ҳарбий хизматда юрган чоғларимда қазо қилган. Отамнинг синглиси — аммамнинг қўлида яшар эдим. Бу — бола-чақали, невара-чеварали, пири бадавлат, ўзига тўқ бир оила эди. Мен билан озайишиб ё кўпайишиб қолгани йўқ. Топганим ўртада, еганим олдимда, емаганим кетимда, беминнат яшаб юрибман. Аммам менинг ўқишга бориш истагим йўқлигини билгач, келин тушириш тараддудини бошлаб юборган. Кўз остига олиб юргани ҳам бор: қўшнининг қизи. Мактабда биздан икки синф пастда ўқиган. Кишининг юзига тик қараёлмайдиган уятчан, мулойимгина, оппоққина, бир кучоққина бу қиз ўзимгаям ёқади. Икки-уч марта кўчада дуч келиб қолганимда уйга обориб қўяй деб кабинага миндириб шаҳарчани роса сайр қилдирганман. Пастки лабини тишлаганча қисиниб-қимгиниб, юзлари уятдан ловиллаб, ўзича илжайиб-табассум қилиб кабинанинг бир четига жимгина ўтиради. Меники шунчаки бир гап-да. Фақат бир гал чеккароқ кўчадан келаётиб: “Шу топда сени опқочи кетсам нима қиласан?” деб сўраганимда юзимга тик қарашга журъат қилди. Эртасига бошланғич синфда ўқийдиган кичкинтой инисидан менга каштали оқ ипак рўмолча бериб юборибди. Ўша пайтларда қизларнинг севган йигитига рўмолча совға қилиш удуми бор эди. Шу билан масала пишди. Икковимиз аҳду паймон қилгандек бўлдик. Уй ичидагилар ҳам бизнинг машинада бирга сайр қилиб юрганимизни кўриб иш пишган, деб ўйлашган шекилли, аммам кўрпа-ёстикнинг ташвишига тушиб қолди. Бунисини мен ҳам номаъқул кўрмадим.

Шу орада навбатдаги сафарга чиқдик. Тагин Булғиртовга. Собиржон икковимиз. Шайтоннинг оёғи енгил келади. Яхши кетдик. Тез қайтдик. Район марказидан чиқиб, катта йўлга тушган пайтимизда юрагим орзиқиб, нафасим бўғзимга тикилавереди. Кўнглим бесаранжом бўлиб, эс-хушимдан айрилай дедим. Машинани учуриб келяпман. Худди мастга ўхшайман. Бир марта рўпарамдан келаётган машина билан урилиб кетай дедим. Яна бир гал Собиржоннинг машинасига ўмровим билан бориб аранг тўхтадим. Қизилқайнарга яқинлашганимиз сари кўнглимдаги безовталиқ кучаяверди. Боргим келди. Кўргим келди. Кўзларига термулгим келди. Ёнимда Собиржон борлигини ўйлайман. Юрагим така-пука. Ичимни ит таталайди. Нима қилишни билмай бошим қолади. Собиржон билан жиққамушт бўлгим келади. Машинасини қувлаб ўтаётиб гўё биқиним билан туртиб юбораман. Бир ёнбошидан уриб машинасини ағдариб ташлайман... Буларнинг бари қуруқ васваса эканини, шайтоннинг қутқусига учмаслигимни яхши биламан. Шундай бўлса-да, кўпдан бери бирга юрган, мени талай қийин-қистов йўллардан омон олиб ўтган, Осия билан орамиздаги муносабатдан тамомила беҳабар, менинг олдимда зигирча гуноҳсиз шеригимга бўлган ғазабим тобора ортиб боряпти. Мана, ниҳоят, Қизилқайнарга буриладиган йўл бошига етдик. Йўқ, Собиржон бурилмади. Ортдан чанг-тўзонни бурқиратганча тўппа-тўғри кетаверди. Елкамдан бир ботмон юк ағдарилгандек енгил тортдим. Бироқ на қувонишни, на хафа бўлишни билмайман. Ҳов учиди бир туп қора дўлана ўсган баланд қоя ёнбағридаги чашмаю жилға бўйлаб кўним топган ўн-ўн беш човли хонадондан иборат овул кўзимга оловдек кўринади. Оҳанрабодек ўзига тортади. Овул тепасидаги палахса-палахса тошлар қуёш нурларига товланиб, гўё “тўхта, кетма!” дея ортимдан эргашаётгандек. Кутилмаганда қир панасида қолиб, кўздан яширинади.

Қийнала-қийнала уч кунга аранг чидадим. Тўртинчи куни Булғиртовга боришга талабгор чиқдим. Бошқалар қочадиган сафарга менинг хуштор бўлиб қолганим нимагадир бошигимни ажаблантирмади. Қандайдир зарур иши бор бўлса керак, деб ўйлади шекилли, жон-жон деб рози бўлди. Ҳамма шофёрлар навбатдаги рейсга кетган, бирор кун шерик кутишга тўғри келар эди. Бироқ мен “Қордан асар ҳам қолмаган, йўл яхши, боравериб ўрганиб қолган жойим, йўл-йўлакай ҳамроҳ топилиб қолса ҳам ажабмас” дея гапни чувалатиб ёлғиз юраверишга ҳам рухсат олдим. Йўл бўйи машиналар карвони бу ёқда турсин, ўзимдек танҳо кетаётган машина ҳам учрамади. Бироқ омадим келиб, Булғиртовга омон-эсон етиб олдим. Юкни базага топширдиму, жиллақурса бир пиёла чой ичиб нафас ростлашга ҳам тоқатим қолмай ортимга қайтдим. Мен район марказидан чиқишим биланоқ ёмғир сепалаб ёғишга тушди. Кун ботиш арафасида нақ дўлга айланди. Лойу қўлмак кечиб келяпман. Яхшиямки, кўпдан бери томчи ёмғир кўрмаган ер қақраб-қуруқшаб, йўлнинг юзаси лой бўлса-да, остига нам ўтиб улгурмаган, дам тойгоноқлаб бориб, дам газ бериб, хатарли жойларнинг ҳаммасидан омон-эсон ўтиб олдим. Не-не сойлар ариқлар ҳам ортда қолди. Энди Қизилқайнарга атиги бирор қир ошиб ўтилса бас. Юрагим орзиқиб, кўнглимни севинч қамрайди. Кабинани ноғора қилиб чалаётган ёмғир томчиларига, аҳён-аҳён чақмоқ чақнаб гумбурлаган момақалди роққа басма-бас ашулани ванг қўйдим: “Айтдим салом, қалам қош...” Сўзларини чалакам-чатти биларканман. Бироқ бўш келмадим. “Айда-рай-да, дай-да-рай...” дея ашулани сўзсиз ҳам амаллаб келяпман. Худди тош йўлда кетаётгандек, машинанинг тезлиги баланд. Кўз тегдими — қайдам, тулпорим бирданига тайсаллаб қолса бўладими. Ерга ботиб бораётганим аниқ. Газни апил-тапил ўчириб, ерга сакраб тушдим. Ўзим ҳам нақ тиззамга қадар лойга ботдим. Этигимнинг қўнжидан ичкарига муздек сув оқиб кирди. Ҳаётда ҳамиша шунақа. Неча-неча хатарли кечувлардан омон чиқасиз-да, айланибми-ҳаглаб ўтса бўладиган чуқурчага муккангиздан йиқиласиз. Эски йўл билан юраверсам жин ҳам урмасди. Қурғоқ пайтида янгидан очилган тикка йўл билан юраман деб балого қолдим. Нарӣ борса уй ўрнидек чуқурчага тўрт оёқлаб ботиб ўтирибман-да. Машина нақ ер бағирлаб ётиб олган. Ҳеч бир иш чиқмаслигига кўзим етиб турса-да, ўриндик тагидан тешани олиб тушдим. Ёмғир остида шалаббом чиқиб ўтин чопдим, тош йиғдим. Домкратни йирикроқ тошга таяб машинани кўтардим-да, орқа филдираклар тагига қалин қилиб хашак тўшадим. Машина ўридан кўзғолди. Ярим қўлочча юридю тагин ботди. Тўшаган хашагим лойга қоришиб, янчилиб кетибди. Трактор билан тортмаса чиқолмайдиган даражада қаттиқ ботиб қолди. Савалаб турган ёмғир остида чора қидириб машина атрофида анча гирдика-палак бўлдим. Ночор-ноилож кабинага кирдим. Уст-бошим шалаббо. Беихтиёр бундан атиги ўн беш чақиримча нарида овул борлиги, овулда трактор... йўқ, қуриб кетсин, нега тракторини ҳам, машинасини ҳам ер ютиб кетмайди, Осия, Осиягина борлиги эсимга тушди. Совуқданми, ҳаяжонданми, бутун вужудимга титроқ кирди. Моторни ўчириб, кабинани ёпдим-да, баттар авжига чиққан шаррос ёмғир остида тўппа-тўғри Қизилқайнарга пиёда кетдим. Йўл бир чеккада қолиб, тиккасига юрдим. Юрганим йўқ, югурдим-ов. Исимоқ тугул баданим қизиб кетди. Мана, мен интилган овул. Мана, менга керак уй. Сиртқи даҳлиз. Ўртанча даҳлиз. Нарёғи... Нарёғи икки хонали уй. Осиянинг уйи. Осие кўёшидек иссиқ уй, қайноқ оғуш!.. Эшик ичкаридан қўлфлоғлик экан. Уйқусираган одамнинг таҳликали товуши эшитилди. Осия, Осия! Бу — мен. Мен-ку!.. Эшик очилди. Осия ажабланмади. Қувонмади ҳам, хафа бўлмади ҳам. Чироқ ёқмай тўппа-тўғри ичкари уйга кириб, тўшагига бориб ётди. Уст-бошимдан сув оқиб турибди. Кийимларим баданимга чиппа ёпишиб қолган. Ҳаммасини бирваракайига остонага сидирдим. Тўшак ип-иссиқ экан. Осиянинг аъзойи баданидан атир иси гуркирайди. Ҳеч бир сесканмасдан мени бутун борлиғи билан кучоқлаб-ўраб оғушига олди. Бамисоли олов. Жон олов, жонон олов. Совқотмасин деб эҳтиётроқ бўлиб, мен ҳам кучоқладим. Тишим тишимга тегмайди. Дийдираб-қалтирайман. Ёниб кетаётган бўлсам-да, талайгача титроғим босилмади...

Эрталаб Осия ишга кетди. Мен ўрнимдан турмадим. То кечкурунга қадар ухладим. Гушт пишганда Осиянинг ўзи уйғотди.

Мен ақлу хушимдан айрилган эдим. Тонг отиб келаётганида тилимиз калимага келди. Сирасини айтганда, икки кундан бери гаплашиб турганимиз шу! “Тентаккинам, шаҳардан то бу ергача яёв келгандан соғмисан?” — сўрайди у. “Соғ эмасман, —

дейман мен. — Касалман. Касал бўлмасам шу алфозда юрардим”. “Тўғриси сўрапман?” “Тўғриси шу. Яёв келганим ҳам рост”. “Энди тагин яёв қайтмоқчидирсан?” “Ҳа, шундай. Яёв қайтамиз. Икковимиз бирга. Қўл ушлашиб. Аввал Кўктеракка кўнамиз. Кейин Мўйилдига. Жийда териб, қорақат дўлана еб юраверамиз”. “Қиш тушганда нима қиламиз?” “Қиш тушганда... Қиш тушгунча...” Кутилмаганда юрагим шувиллаб, қоним қайнаб кетаётганини англаб қолдим. Жаҳлимни босишга қанча уринмай, ўзимни тўхтатолмадим: “Нима, қиш тушгунча сенинг қичиғинг қонмайди?!” Осия қўлига таяниб бошини кўтарди. Ранги бўзариб кетган. Улкан, улкан бўлгандай нақ пиёладек кўзларининг теграсига сўнгсиз бир мунг соя ташлаган. Ажабланибми-хафа бўлиб, донг қотганча андак жим қолди-да, устимдан босиб тушди. Елкамни куйдирган бир жуфт тўла, тикмачоқдек, юм-юмалоқ анори кўнглиндаги бор-йўқ губорни куйдириб кул қилгандек бўлди. Аъзойи баданим жимирлашиб, илоҳий бир фароғат оғушига муккамдан шўнғиб боряпман. Осия устимдан баттар энгашди. Тимқора сочлари бошим узра худди шаршарадек қуйилиб, тонг ёруғидан кўзларимизни бус-бутун яширди. Осия аввалига икки чаккамдан авайлабгина ўпди. Кейин тилимни тортиб, жонимни унга кўшиб суғуриб олгудек сўйди. Бутун вужудим баайни Осиёнинг саратон офтобидек оташ бўлиб ёнди. Кўп ўтмай Осия мени оҳиштагина тебрата бошлади. Бутун олам теграмизда улкан чархпалакдек чирпирак бўлиб айлана бошлади.

“Йўқ, — деди бир пайт Осия. Мен тушунмадим. Билсам, бояги қўпол гапимга жавоб бераётган экан. — Мен бир-биримизга боғланиб қолишимиздан кўрқаман, тентаккинам”. Осияни билмадим, лекин ўзимнинг ҳеч қачон узилмас ботиний ришталар билан боғланиб қолганимга аллақачон икрорман. Кейинчалик бу ришта эмас, темир бўғовни узишга кўп бор уриниб кўрдим. Неча марта толеймга лаънатлар айтдим. Энди ўйлаб қарасам, барчаси ношукрлик, тантиқлик экан. “Тўйганга тўқли гўшти тупроққа тенг”, деганлари тўғри экан. Аслида лаънат эмас, раҳмат айтишим керак экан. Севинишим, фақатгина севинишим керак экан. Толеймга минг қатла шукр айтиб яшашим керак экан! Ахир, қандай бўлмасин, менинг Осиям — жоним, жаҳоним, неъматим, давлатим, саодатим...— шундоққина ёнимда-ку. Мен билан бирга-ку! Биз бир-биримизни севадимиз-ку!

Ҳар қалай, ўша куни менинг кўнглим меҳрга, раҳм-шафқатга тўла, ҳимматга, саховатга лиммо-лим эди. Шунчалар қизгин дийдорлашдик. Нафасларимиз кўшилди. Тилакларимиз туташди. Нақ минг йилдан, йўқ, ўн минг, юз минг йилдан буён бирга-бирга яшаб келаётгандекмиз. Мангу-боқий кучоғимиз ёзилмайдигандек. Ҳеч қачон бир-биримиздан кўнглимиз совумайдигандек.

Офтоб чиқиб, аллақачон кўтарилган, шекилли. Одамлар ўзларининг азалий тирикчилик ташвишларини бошлаб юборишгани ташқаридан эшитилаётган бақир-чақирлар, болакайларнинг шовқин-суронлари, аллақандай машиналарнинг бўғиқ гуриллашларидан аён сезилиб турибди. Биз ҳам осмондан ерга қайтиб тушгандек бўлдик. Осия ишга бориши керак. Менинг ҳам ташвишларим етарли. Бироқ чойни бамайлихотир ичдик. Очиқиб қолган эканман, тунда бир чеккасигина очилган лаган тўла гўшти ёлғиз ўзим паққос туширдим. Умрим бино бўлиб ҳеч қачон бунчалик кўп овқат емаган эдим, ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Осия кулди: “Эр етиб, алп йигит бўлди, дегани мана шу-да!” Машинани қаерда қолдирганимни айтдим. Осия қаттиқ безовталанди: “Трактор-ку, албатта, топилди. Бироқ машинанинг ўзидан нима қолди экан?..”

Дарҳақиқат, шип-шийдам қилиб тўнаб кетишибди азаматлар. Бураб олишга келадиган, юлиб олса бўладиган нимаики бор — текис шипириб кетишибди. Қулфланган кабина билан занг босган рама қолибди. Тагида лойга ботган тўрт филдирак қолибди. Нар-бери ўтган ҳамқасб оғайниларнинг кўрсатган каромати бу!

Ер селгиган. Филдирақларга ёпишган лойни қўпора-қўпора машинани, тўғрироғи, унинг жасадини чуқурчадан суғуриб олдик. “Бунчалик чуқур ботмаганида филдирақларини ҳам олиб кетишаркан”, — дейди тракторчи бола. Бунчалик ботмаганида бийдек далада қолдириб кетмаган бўлардим-а. Буниси билан иши йўқ. Овулга судраб олиб бормоқчи эдим, эл-юртдан уялдим. Бўлар иш бўлди. Энди улкан йўл устида сабр-тоқат билан атойи худо нажоткорни кутишга тўғри келади.

Тушдан оғди. Қуёш ботди. Қош қорайди. Қани энди ё у тарафга, ё бу тарафга лоақал битта машина ўтса-чи! Тун бўлди. Соатлар, Осия билан бирга-бирга ўтказишим мумкин бўлган қимматли соатлар бешафқатларча зувиллаб бирин-кетини ўтиб

боряпти. Ниҳоят, овулга, энди яширишга не ҳожат, Осиянинг қошига бориш та-  
радудига тушганимда олис-олислардан, нақ Булғиртов томондан хирагина чирок  
кўринди. Орадаги масофага қараганда, бирор соат бор. Унгача овулга бориб қайт-  
саммикин, деган хаёлда иккиланиб биров турдим. Улгурмаслигимга кўзим етгани-  
дан, бу ишим ғирт аҳмоқчилик эканини тушунганимдан эмас, борсам қайтиб ке-  
лолмаслигимни билганим учун ўзимни базўр тўхтатиб қолдим. Аввал-бошда мано-  
ви машинанинг тўнаб кетилганига ичим ачиган эди, энди ўйлаб қарасам, худого  
шукр қилсам устига экан. Юк билан келаётганимда ўтириб қолсам нима қилар эдим?!  
Машинани аридаги бутун мол-дунёси билан қўшиб бийдек далага ташлаб кетаве-  
ришим аниқ эди-да, ахир! Йўқ, мен зарар қилмадим. Фойда қилдим.

Сирасини айтганда, Осия билан бирга ўтказган ягона кеча учун ярим машина  
эмас, ярим умримни ҳеч бир ўйлаб ўтирмасдан бахшида этишга тайёр эдим. Хул-  
лас, ўзимни аранг ушлаб турибман. Бир неча марта ҳаммасига қўл силтаб овулга  
қайтишга чоғландим. Лекин... манови савилни нима қиламан?.. Нима бўлса бўлсин,  
энди мўлжалим — шу машинани ўтказиш. Ўтказиб юборишу, овулга қайтиш. Ҳеч  
бир иккиланишсиз, бамайхотир қайтиш.

Олисдаги жуфт чирок дам кўриниб, дам яшириниб, вақт ўтган сайин тобора  
яқинлайверди. Сўнгги қир оша қоронғи осмонни ёритиб турган нурли йўлак бир-  
дан қуйилади. Машина шиддат билан келиб олдимда таққа тўхтади. Кабинадан мен  
танимайдиган, юзларини ажин қоплаган, кўзлари киртайган бир қари рус тушди.  
Машина — вездеход — геология экспедициясиники экан. Бир иш билан шаҳарга  
келаётган бўлса керак.

Шофёрларнинг, айниқса бундай олис манзилга оғир йўллардан ўтиб қатнайди-  
ган шофёрларнинг феъли фалатироқ бўлади. Бегона одамларга бешафқат келади.  
Кўнгилчанлик, оғайнигарчилик қилавермайди. Икки овул орасига ола кетишни  
ўтинган танишини ҳам аяб ўтирмайди. Кимсасиз далада кетаётган якка-ёлғиз йўлов-  
чига эса, одатда, қайрилиб қарамайди. Йўл устида эгасиз қолган менинг машинам,  
мана, қай аҳволга тушди. Башарти шу машинанинг ичида ўзим ўтирган бўлсам-чи?  
Шофёр зоти борки, қўлидан келган ёрдамни аямаслиги аниқ. Тизадан лой ке-  
чиб, ёмғир остида ивиб, албатта судраб чиқаради. Ёлғиз ўзининг ҳоли келмаса,  
йўлидан қолиб келгуси машинани биргалашиб кутади. Сабаби аён: шофёр халқи  
ҳамиша қисматдош: қатордаги норининг юкини ерда қолдирмайди. Нотаниш рус  
ҳам ҳамқасбларининг одатига зид йўл тутмади. Аҳволимни кўриб, эгасиз машина-  
ни тўнаб кетган биродарларимни ота-онаси, қариндош-уруғлари, ҳатто бўлаю жи-  
явларига қадар бир сидра сўкиб чиқди-да, мендан розилик ҳам сўрамай, узун ўра-  
масим арқон билан машинамни шатакка олди. “Қурсақ пропал?” — сўради кейин  
менга қараб илжайганча. Ўзича қозоқчаллагани бу! “Қорнинг очгандир?” деб сўра-  
гани. Машинани аёлнинг дардида эриб тўнатганимни қаёқдан билсин! Неча кун-  
дан бери туз тотмагандир бояқиш, ахийри чидамай, яқинроқдаги овуллардан бири-  
га чой-пой ичиш учун кетганида мана шундай талон-тарожга учрабди-да, шўрлик,  
деб ўйлаган бўлса керак. Сафар халтасидан консерва, нон, чўчка ёғи чиқарди. Ма-  
шина ёруғига, ёвшан устига қорамой юқи латтасини ёйди. Кўп томонлама пакки-  
сининг бир учида консервани очиб, олдимга суриб қўйди. Ўзи нон устига паррак-  
ланган чўчка ёғини қўйди-да, бутерброд қилиб емоққа бошлади. Кўп кўриб юрган  
бўлсам-да, тагиб кўрмаган эдим. Борига барака қилавердим.

Шаҳарчага қадар юз чақиримдан кўпроқ. Бунинг устига, ҳали айтганимдан, йўл  
ёмон: ўйдим-чуқур, қиялик-жарлик. Гоҳо тайсаллаган отдек орта тортаман, гоҳо  
машинанинг ўмрови билан уриб кетгудек бўламан. Ишқилиб, қийнала-қийнала  
ит азобида манзилга етиб олдик: қария мени тўппа-тўғри автопаркка обориб қўйди.

Албатта, нақ бўғзимгача қарзга ботдим. Бунинг устига, ишдан бўшатилдим. Яъни,  
машина ҳайдашдан мосуво этишди. Юк ташувчилик ишига ўтказишди. Қарздан  
кутулмаганимча бу идорадан кетолмайман. Чамамча, камида олти-етти ой ишлаб  
бегишим керак. Қийини бу эмас. Ҳамма бало эмин-эркин юришдан маҳрум бўлган-  
нимда. Ночор аҳволим бир ҳафта ичидаёқ аён сезилди. Булғиртов тарафга отланган  
ҳар бир машинани ўқсинишу надомат билан кузатиб қоламан. Худди қўл бўйида  
ёлғиз қолиб кетаётган, бепоён осмонда жанубга томон эркин қанот ёзган кадрдон  
карвонга қараб зорлана қичқирган чўлоқ оққушдек, ич-ичдан нола қиламан. Ўзим  
кўз тиккан тарафга отланганлар орасида Собиржоннинг йўқлигигина кўнглимда  
бир қадар таскин-тасалли уйғотади. Аварияга учраб қўли синган. Касалхонада ётибди.



Бечора тасодифий машинанинг касрига қолиб бундай бахтсизликка дуч келмаганида, билмадим, менинг ҳолим не кечар эди.

Кўшни қиз Қулпан билан аввалгидек учрашиб турдим. Икки-уч марта кинога бордик. Темирйўлчиларнинг маданият саройидаги янги йил кечасида қатнашдик. Талай йигитларнинг суқланиб қарашларига, баъзиларининг рақсга таклиф этишларига қараганда мен етаклаб юрган қизнинг ҳусн-жамоли чакки эмас. Бироқ бундан ғурурлангули ҳолим йўқ. Хилват хиёбонда юриб ўпишдик. Ором туймадим. Ҳордиқ кунларидан бирида велосипеднинг олдига ўтқазиб шаҳардан ташқарига олиб чиқдим. Катта йўлдан кичикроғига, ундан ёлғизоёқ суқмоққа ўтдик. Кўлни мўлжаллаб келяпмиз. Балиқ овлаймиз деганман. Соининг ҳар икки қирғоғи шип-шийдам. Ўзанида ҳам шағалу қумдан бошқа ҳеч вақо йўқ. Сап-сарик, тап-тақир, файзсиз-кутсиз даладан ўтиб, терак-тол аралаш ўсган олачалпоқ ўрмон ичига кирдик.

Велосипедни етаклаб юриб, соҳилнинг хилватроқ жойидан ўзимиз учун қулай жой топдик. Балиқ унутилди. Қиз билан йигитнинг ўзаро тил топишувида шахсий тажриба деганлари туппа-тузук асқотиб қолиши мумкин экан. Биз гоҳо ёш қизларни айблаймиз. Ундай қилибди, юзсиз, бундай қилибди, беҳаё, деб ғийбат қиламиз. Бироқ, мана шу Қулпаннинг нима гуноҳи бор? Баайни истаган тарафинга эгила-верадиган ёшгина ниҳол. Ажриқзор устида оғушимга сингиб, ҳаяжондан титраб-қалтираб, нафаси одамни куйдиргудек оловланиб ётибди. Бироқ менинг бутун вужудимда муз қотиб қолгандек. Тўғри, “энди нима бўларкин” деган қизиқишим йўқ эмас. Бироқ маст бўлмадим, мафтун-маҳлиё бўлмадим. Табиий хоҳишларимга эса, бирийўла эрк бермадим. Юзи очилмаган қизни аяганимдан эмас, инсофсизлик қилгим келмади. Осияга бевафолик қилмай дедим. Акс ҳолда кўнгил шишам хира тортиб қоладигандек. Худди шундай вазиятда Осиянинг ўзи нима қилган бўлар эди? Била туриб у томонини ўйламасликка ҳаракат қилдим.

Кейинги ҳордиққа суратимгина етиб келди. Шанба куни тоза кийимларимни кийдим-да, шаҳар чеккасига чиқиб, Булғиртов тарафга борадиган йўл бошига келиб турдим. Ниягим — бегона машинага чиқиб олиш. Осия билан орамиздаги аҳволни ўзим билан бирга ишлайдиган йигитлардан яширардим. Омадим чолиб, йўловчи машина кўп куттирмай кела қолди. Шом қоронғисида Қизилқайнарнинг тўғрисида тушиб қолдим. Кўнглим алағда эди, хайрият, Осия уйда ёлғиз ўтирган экан. Олис сафардан қайтган эрини кутиб олган вафодор хотиндек. Сабр-тоқатли. Оғир-вазмин. Мени ортиқча талтайтирмади. “Қўйсанг-чи, эндигина кўриб тургандек бўлавермай...” — дея эҳтиросларимга тийиқ солди. Тўрға қалингина қилиб кўрпача тўшади. Бир жуфт ёстиқ ташлади. Пилдираб юриб чой дамлади. Қачон хаёлимга келганини, қачон қатъий аҳд қилганимни билмайман, дастурхон устида Осияга икковимизнинг турмуш қуришимиз шартлигини айтдим. Умримда ҳеч қачон бунчалик қийналмаган бўлсам керак. Терлаб-тепчиб, овозим титраб-қалтираб, тил учида турган икки оғиз сўзни уч-тўрт бўлиб базўр айтдим. Осия ўша-ўша мағрур, такаббуруна бир алфозда ўтириб гапларимни диққат билан тинглади. Мен гапимни тамомлаган пайтда, сезилар-сезилмас жилмайди. Кейин олдида турган пиёласини оғзига олиб борди. Лекин чой ичолмади. Кутилмаганда кўли мажолсизланиб, жисмида куч қолмагандек, пиёлани чойи билан тақ этказиб хонтахта устига ташлади-да, шарақлаб кулиб юборди. Менга қарайди-да, кулади, қарайди-да, кулади. Вақт ўтган сари кулгиси тўхташ ўрнига баттар кучаяверди. Икки елкаси силкиниб, ичак-силласи қотиб кулаверганидан овози чиқмай қолди. Нима учунлигини билмайман, мен ҳам унга кўшилиб кулдим шекилли, бир пайт Осия кулишдан таққа тўхтади. Пешонасини ушлаб ерга қараганча андак жим қолди. Сўнг синамоқчи бўлибми, истеҳзо биланми, менга тикилиб қаради. Кўзларининг теграгида ёш ҳалқаланди. Назаримда Осия ҳалигина кулмаган, аксинча, ўқсиб-ўқсиб йиғлаган эди. “Ҳов ўшанда, сен машинангни ойдалага ташлаб, пиёда келган кунинг турмуш қурмадикми биз, ахир, тентак!” “Тўғри айтасан, шундай!” — дедим мен кўнглимни ногаҳоний бир севинч чулғаб. “Бугун қувиб чиқармадимми, демак... Сен ўйлама... — Осиянинг рангги қув ўчиб кетганига эндигина эътибор бердим. — Мен... кўнглим тусамаган одамга бўсагамни ҳатлатмайман. Кечагина сенинг туллатиб юрган бир оғайнингни остонадан қувиб юбордим. — Касалхонадан чиққан Собиржоннинг дастлабки рейсдан бугун чошгоҳга қолмай қайтгани эсимга тушди. Айтаётгани бошқа одам бўлса керак. Ахир, Собиржон бутунлай бошқа тарафдан келган. Юрагим туз сепгандек ачишиб кетди. — Агар сени севсам... — Осия дувва қизарди. Афтидан,

бу сўзни авваллари ҳеч қачон айтмаган бўлса керак. Ё орамизда бўлиб ўтган шунча саргузаштлардан сўнг дабдурустдан тилга олган сўзи ўзига эриш туюлдим?... — Шу озми сенга? Яна нима керак?” Менинг каловланган тилим ечилиб кетди. Кўнглимни бирйўла тўкиб солдим. Ўзимни қийнаётган ўйларни яширмадим. Одам боласининг кўнглида ҳеч кимга, ҳаттоки жон аямас қадрдонига ҳам айтилмайдиган шундай пинҳоний сирлар борки, уларни ошкор этиш сени таҳқирлаб, инсоний шаънингни ерга урибгина қолмайди, балки ўз кўнглингда ҳам ўчмас из қолдиради. Уни хира қилиб туради-қўяди. Лекин чинакамига севган одамнинг, ўз ёрига ишонган одамнинг кўнгли ҳар қандай гард-ғубордан ҳоли. Ғарзли ниятлардан овлоқ. Дастлаб учратганимдан бери қай лаҳзада нимани ўйладим, қандай ҳиссиётни бошимдан кечирдим — ҳаммасини рўйрост айтдим. Алланечук енгил тортдим. Қачонлардан бери кўнглимни хира қилиб юрган тамоми гард-ғубор ювилиб-тозаргандай. Осиянинг мени қай ҳолатда тинглагани, гапларим унга қандай таъсир қилгани хусусида бир нима деёлмайман. Ҳозир ўйлаб қарасам, ўша лаҳзалардан эътиборан у мени ёмон кўриши, ёмон кўриб қолиши керак экан. Ўшанда мен ўзимни эмас, уни ҳам аямаган эканман. Ортиқ даражада сирдошлик ҳам гоҳо севишганларни руҳан йироқлаштирар экан.

Шу оқшом Осия алланечук жиддийлашиб қолди. Аввалги тентакликлар йўқ. Ёки жуфти ҳалоллик одамнинг чегара билмас эҳтиросларини жиловлаб қўярмикин?..

Чамаси ўн кунлардан сўнг тагин қайтиб келдим. Осия йўлга шай бўлиб турган экан. Биргина жомадон билан чиқиб келди. Қўра-кунжақларини беркитиб, уй-жойни қўшниларига топширди: яқин орада эгаси келади.

Келин олиб келмоқчилигимни фақат аммамга айтганман. Ўзича ҳозирлик кўриб қўйган экан. Уч-тўртта тенг-тўш кампирлар билан остонада кутиб олди. Келин ёш бўлса-да, оила кўрган жувон эканини бир қарашдаёқ сизди шекилли, аммам аввалига совуқ қараш қилиб, талмовсираб туриб қолди. Кейин кўзларига ёш олиб Осияни кучоқлади, пешонасидан суйди. Остонадан ўнг оёғи билан ҳатлатиб, гулханга олов ёқтирди. Аммам катта ўғлининг хонасини бўшатиб, биз учун жой ҳозирлаб қўйган экан: кампирлар ёпирилиб ўша хонага олиб киришди. Кеннойми ўзининг янги овсинини чимилдиқ ичига етаклади.

Қўни-қўшни, қариндош-уруғлар йиғилишиб, тўй расм-русумини қилдилар.

Шу оқшом яна бир одам қаттиқ беҳаловат бўлди: аммамнинг тўнғич ўғли — ногочи оғам. Ишдан келгач, келинни кўрган заҳоти ранги бўзариб кетган эди. Аввалига буни аммамнинг бояғи аҳволига ўхшатдим. Дастурхон устида аллақандай кечирилмас гуноҳ қилгандай, кўзларини мендан яшириб, ердан бош кўтаролмай, атрофидагилар билан ҳам ёзилиб гаплашолмай, қаттиқ безовталаниб ўтирди. Ахир ниманидир баҳона қилиб ўридан турди. Ногочим ёғоч устаси эди. Касби-корининг тақозоси билан атроф-теваракни кўп кезган. Назаримда унинг Осияни билиши, билганда ҳам яхшигина билиши аниқ эди.

Одамлар тарқалишиб, чимилдиқда Осия билан ёлғиз қолдик. Гаплашмадик. Қошлари чимирилиб, қовоғи уйилган, соқовдек тилдан қолган Осия тезда ухлаб кетди. Ногочи оғамнинг эски, ғирчиллайдиган кўтарма тахтаси устида, ўлик деб ўлик эмас, тирик деб тирик, нақ аросатда ётиб уйқусиз тонгни оттирдим. Чунки Осиянинг юзига қанчалик тикилиб қарамайин, ҳеч қандай ҳадик-хавотир ёки пушаймон аломатларини, яъни, гумонимга асосни қидириб тополмаганман. Барибир, энди бу уйда, умуман, бу шаҳарда яшаб бўлмаслиги аён эди. “Биз бошқа ёққа кетишимиз керак”, — деди ўша куннинг эртасига. Шу ойнинг охиригача Қўйчибой, яъни, аввалги эри муддатини ўтаб қайтиши керак. Топиб олади. Топиб олса, чатоқ бўлади. Менинг кўрқадиган одамим — Қўйчибой эмас, бошқалар. Бу гапни Осияга қандай айтасан! Ҳеч нима демадим. Бир амаллаб ўзимнинг ночор аҳволимни англадим. Менга мушкул туюлган нарса жуда осон ҳал бўлди. Осиянинг, агар мустақил ўтов тиккудек бўлсак, анов-манов сарф-харажатлар учун мўлжаллаган бироз жамғармаси бор экан, ўшанинг баҳридан ўтиб, зиммамдаги қарздан ҳам, ишдан ҳам қутулдик.

Қизиқ устида тагин ўша ёлғиз жомадонни қўлга олиб, тўппа-тўғри вокзалга чиқдик. Мўлжалимиз, аниқроғи, менинг мўлжалим — ҳеч ким танимайдиган олис вилоятларга, нафақат шунчаки олисга, умуман, қозоқлар орасидан бош олиб кетиш. Осия жанубни айтди, мен шимолни маъқул кўрдим. Ахийри шимолга юз тутган

поездлардан бирига ўтирдик. Семейдан<sup>1</sup> ўтдик. Қозоғистон чегаралари ортда қолди. Олтой ўлкаси бўйлаб кетарканмиз, кичик бир бекатда таваккал деб поезддан тушдик. Нарёғига янги очилган совхозлардан бирига бориб кўним топдик. Мен шофёр бўлиб иш бошладим. Кўп ўтмай Осияга ҳам қулай иш топилди: совхоз марказида кичкина меҳмонхона бор экан, ўша ерга буфетчи бўлиб жойлашди. Совхоз бошпана берди. Ажабтовур оила бўлди.

Зулматдан ёруғликка чиққандай сездим ўзимни. Кўнгилдаги жамики безовталиклар барҳам топган. Севинч, сурур, бахт, бойлик — барчаси гўё фақат менда. Орадан ойлар ўтди, йиллар ўтди. Худди ҳозиргина оила қургандекман. Эрталаб истамайгина ишга кетаман. Кечкурун соғиниб қайтаман. Иш юзасидан тунлари юриш, бир кун кўрмаслик мен учун битмас-туганмас азоб. Юракни тирновчи аччиқ азоб эмас, орзиқтириб-интиқтирувчи тотли азоб. Шунга яраша дийдорлашув бахти ҳам аввалгисидан-да кучлироқ эди. Бир лаҳзада барча қийноқлар унутилади. Осияга яқин ерда юришнинг ўзиёқ кўнглимни меҳру мурувватга чулғайди. Унинг чой қуйишига, ҳар бир хатти-ҳаракатига, юриш-туришига маҳлиё бўлиб ўтиравераман. Осия учун дастлаб буларнинг барчаси қизиқ туюларди: гоҳ ажабланарди, гоҳ нозланарди. Яна... масхара қиларди, кулгига айлантларди. Бироқ менинг юрак тафтим босилай демасди, аксинча, тобора кучаярди. Энди Осия менинг бу феълимдан кўрқа бошлади. Ё мендан безор бўлдимикин? Худа-беҳуда жеркиб ташлайди, танбех беради. Барибир, мени севади у. Чин дилдан севиши аниқ. Бунга шак-шубҳа йўқ. Фақат аввалгидай эмас. Сабр-қаноат кучли. Меҳр-мурувват мўл. Гўё сеvimли хотин эмас, ғамхўр онадек. Гўё ҳар бир саъй-ҳаракати билан ўзининг менга шунчаки ўйнаш эмас, никоҳдаги аёл эканини уқтирмоқчидай. Ҳолбуки биз ҳали расмий никоҳдан ўтмаган ҳам эдик.

Шу аҳволда юрганимизда бизни узил-кесил жуфтлаштирган, эҳтимолки, аксинча, жуфт кўнгилларимизни тоққа айлантган бир воқеа рўй берди.

Кечкурун ишдан келсам, уйда нотаниш қозоқ йигити ўтирибди. Тўрда чордана қуриб, қаддини кериб ўтириб, бамайлихотир чой ичяпти. Мен остона ҳатлаганимда саломимни кутгандек ҳурпайганча юзимга ўқрайиб қаради. Сўнг ўрnidан оғир кўзголди. “Кўйчибой!” — деди мен томонга дадил қўл чўзиб. Сесканиб кетдим. Ечиниб, ювиниб келгач, чақирилмаган меҳмоннинг рўпарасига — юмалоқ столнинг пойгак томонига ўтирдим. Осияга қарадим. Ҳеч нима бўлмагандек, ажиб бир назокат билан менга чой қуйиб, тавозе билан узатди. Шундай алфоздамизки, гўё уй эгаси — Кўйчибой, ўзим эса меҳмонман. Рақибимга қарайман. Босмачига ҳам, қароқчига ҳам ўхшамайди. Сочини тап-тақир қилиб олдирган, яғрини кенг, бўйни йўғон, олакўз, юзлари япаски йигит. Чойини пуфлаб ичиб, миқ этмай ўтирибди. Лекин ичини ит тирнаёпти шекилли, юзлари бир бўзариб, бир гезаради. Демак, у қадар дадил эмаслиги аниқ. Сал-пал хотиржам бўлдим. Тагин Осияга қарадим. У нигоҳини Кўйчибойдан узиб, менга кўз ташлади-ю, илжайганча тилини чиқариб масхара қилди. Ў-ў, шайтон. Шу қилиғи далда бўлдим, ўзимни кушдек енгил, эмин-эркин сездим. Қорним ўлгудек очлиги шундагина эсимга тушди. Дастурхонда бор ноз-неъматни бир чеккадан ошалаб ея бошладим. Осия меҳмонгами, менгами гўшт пиширган экан, ҳеч нима кўрмагандек жимгина ўтириб уни ҳам еб олдик. Қани биттаси миқ этсин-чи! Бизни қидириб келган йигитим на ўз қаддини биладиган, на тузук-қуруқ гап биладиган бир тепса-тебранмас чиқиб қолди-ку, деган фикр уйғонди кўнглимда. Шунда ҳам сабр-тоқат билан ўзи гап бошлашини кутиб, оғзини пойлаб ўтиравердим. Кўйчибой менинг сабр косам обдан тўлиб-тошганида — уйқуга ётиш олдидан оҳиста гап бошлади: “Сезяпсанми, ошна, шу ерда биттамит ортиқчаллик қилиб тургандекмиз?” “Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди, — дедим мен. — Вақт бемаҳалроқ бўлиб қолди-ю, лекин сизга оқ йўл. Яхши боринг. Уй меники”. “Хотин эса, меники, — масалага аниқлик киритди рақибим истеҳзоли илжайиб. — Бироқ сенга ўхшаб таппа-тайёр хотинни олиб қочиб кетаверишни ўзимнинг йигитлик шаънимга нолойиқ деб биламан”. Мен лом-мим деёлмай сукут сақладим. “Ўрганиб қолганга ўхшайсан, — деди бир пайт Кўйчибой гапида давом этиб. — Сенга ҳам жабр бўлар. Начора, қидириб келмасдим, ориятим тинч қўймади. Аранг топиб келдим. Энди беллашишга тўғри келади. Хотин — енганники”.

<sup>1</sup> Семипалатинск.

Кўйчибойнинг юзига тикилиброқ қарадим. Ола кўзлари мени тешиб юборгудек. Бироқ юзларида жаҳл-ғазаб аломатлари йўқ. “Беллашамиз”. Унга ажабланиб қарадим. Ҳадиксираяпти, деб ўйлади шекилли, “Ўйлайманки, сен кўрқоқ эмассан”, — деди Кўйчибой. Беихтиёр Осияга қарадим. У ҳам нима бўларкин, деб анқайиб турибди. Дам Кўйчибойга, дам менга аланглаб қарайди. Афтидан, Кўйчибойнинг таклифини ноҳў кўрмаяпти. Аксинча, можаронинг нима билан туташига қизиқиши устундек. “Юр! — ўрнимдан сапчиб туриб, ўзимнинг ҳеч нимадан тап тортмаслигимни билдирдим. — Шундай экан, худонинг кенг даласига чиқайлик”. Кўйчибой ҳам ўрнимдан турди. Бўйи мендан пақанароқ экан. Бироқ миқти, тикмачоқдек. Йўқ, тўнқадек. Узоқдан шайланиб келган ишига шу ердаёқ енг шимариб киришигиси келаётгандек, биққи бармоқларини ёзиб-букиб, қаддини кериб андак турди-да, шахд билан бурилиб, дераза олдидан энлик аскарый қайишини олди. Тўқасининг ичига кўрғошин куйилганини кўриб қолдим. Демак, кураш муқаррар. Кураш бўлганда ҳам ҳазилакам эмас. Худди шундай қайиш менда ҳам бор эди, олиб белимга боғладим. “Бир зум кутиб туринглар, — деди биз эшиқдан чиқаётганимизда ҳалидан бери можаронинг ўзига ҳеч қандай дахли йўқдек бамайлихотир кутиб турган, эндига келиб, оҳистагина дастурхон йиғиштира бошлаган Осия. — Мен ҳам бормоқчиман”. Қадим замон ҳақидаги ўзим кўрган спектаклу, киноларда гўзал маликалар яккама-якка кураш майдонига чиққан ботирларни қон тўқмасликка чақиришарди. Икки ботир бир-бирига қарши найза кўтарган чоғда оҳ-фарёд чекиб орқага тушарди. Ёки сочини ёзиб юбориб, ич кийимда: “Оғажонларим, тўхтаган!” дея кенг дала бўйлаб зир югурарди. Ҳар не қилиб бўлсин, кўзи қонга тўлган икки ераккин мурсага келтирарди. Албатта, Кўйчибой иккимиз — эл-юрт ҳимоясига отланган ботир эмасмиз, жин чалган овсарлармиз. Осия ҳам афсонавий малика эмас, юзи очилган аёл. Эҳтимол шу боисдандир, эҳтимол сабаби — ҳаёт деганлари, ҳар қалай кино эмаслигидадир, хуллас, муносабатлар шундай галатироқ бўлиб чиқди. “Кўйинглар, уришманглар!” эмас. “Бир зум кутиб туринглар, мен ҳам бормоқчиман”. Яъни, томошамизни кўрмоқчи! Иккимиз ҳам таажжубдан донг қотиб қолдик. Нафақат таажжуб, шак-шубҳа йўққи, ўша лаҳзаларда иккаламиз ҳам уни ёмон кўрдик. Худди менга ўхшаб, Кўйчибой ҳам: “Шу можарога бекор аралашдим шекилли-да. Кўш қўллаб топшириб қўя қолсам-чи?!” деган хаёлни кўнглидан кечирган бўлса эҳтимол. Бироқ аллақачон фишт қолипдан кўчган эди. Ахир гаровга куйилган нарса — Осиянинг ҳалол-поклиғи, вафо-садоқати эмас, эр йигитнинг ор-номуси. Шу боис тўхтаёлмадик — босган изимиздан қайтмадик.

Осияни ўртага олиб (Кўйчибой икковимизнинг орамиз олисроқ эди, ўртага келиб қистирилган яна Осиянинг ўзи. Гўё аллақандай мароқли текин томошадан қуруқ қолаётгандай) овул ташқарисига чиқдик. Овулнинг кўй-бузоқлари ўтлайдиган кенгина сайхонликда тўхтадик. “Қани, бошладик!” деди Кўйчибой кўп маҳтал қилмай. Тўрт буклаб ушланган қайишнинг тўқасини суриб, ўзига қулайлади-да, ўнг билагига ўрай бошлади. Мен ҳам шошилмайгина қайишимни ечдим. “Кўйинглар, — деди шу пайтда Осия, — бу ишларингиз уят! — Иккаламиз тагин, шу гаройиб оқшомда иккинчи марта ҳайратдан донг қотиб қолдик. Бизни санчиб кўрмоқчи ёки калака қилмоқчи бўлган экан-да. Энди очигини айтиб қўя қолар, деб кутдик. Осия нима деса шунга рози бўладигандек алфоздамиз. Кўйчибойни аниқ билмайман, ўзим шунга бажонидил тайёр бўлиб турибман. Ниҳоят, шартини айтди. — Итдек ғажишиб, қонга беланиб ётганларинг шармандагарчилик эмасми? — деди Осия гапида давом этиб. — Қуролсиз курашинглар”. Кўйчибой билагига ўраган қайишини бўшатиб, жаҳл билан ерга отди. Ёқтирмаса-да, ҳар қалай, рози бўлгани бу! Менда инон-ихтиёр борми! Дуо теккан одамдек, бу шартга ҳам кўндим. Белимни қайиш билан маҳкам боғладим. Бу — қозоқча курашга чақирганим. Кўйчибой таклифимни қабул қилди. Шартга аниқлик киритмоқчи бўлдим: “Тиз чўккунчами ё елка ерга теккунчами?” Одам беихтиёр чўккалаб қолиши ҳам мумкин, — деди Кўйчибой. — Мен сенинг елкангни ерга ишқаб, бошингдан ҳатласамми деб турибман”. “Кўрармиз, кимнинг ҳатлашини”.

Олиша кетдик. Аввалбошданоқ мен учун қулай вазият келди: шахд билан ётиб елкамдан ошириб отдим. Ўмбалоқ оша ерга шилқ этиб тушди. Бироқ устидан босиб улгуролмадим. Мени даст кўтариб ўрнимдан турди. Қайта бошладик. Ўзига маҳкам. Товонига кўрғошин куйиб олгандек. Ердан кўзғотиб бўлмайди. Кўтариб отиш ҳақида эса, гап бўлиши мумкин эмас. Ҳалигина қандай отганимга ҳайрон бўламан.

Кўнглимда голиб чиқишимга шубҳа уйғонди. Бироқ Кўйчибойнинг кураш усуллари яхши билмаслигини, фақат кучига ишониб майдонга тушганини англаб етган эдим. Тўғри, мутлақо беҳабар деб ҳам бўлмайди. Ерда хамирдек ийлаб ё бир жойимни ўпириб юборолмаслигига кўзи етгач, ўзича белимдан сиқиб ё чалиб йиқитмоқчи бўляпти. Бўй бермаслигим керак. Бир йиқилсам, қайта ўнгланишим даргумон. Анчагача пайт пойлашдик. Ахийри тагин қулай вазият келди. Мени бошидан ошириб отиш учун ўзига тортиб, бор кучи билан қисган кезде ичидан илдим. Оёғи осмондан келаёзиб бир ёнбоши билан йиқилди. Ер қаттиқ бўлганида шу биланок кўрадиганини кўради. Бахтига оёқларимиз остида бўрсилдоқ ер, юмшоққина чимзор. Ютуғимдан эсанкираб бўшашидими ё кучим етмадими, балки бир кўлим остида қолгани сабаблидир, бу гал ҳам Кўйчибойнинг елкасини ерга теккизолмадим. Бир-биримизга тармашиб ётарканмиз, кўлимни остидан базўр тортиб чиқардим. Фурсатдан фойдаланиб Кўйчибой ҳам ўзини ўнглаб олди. Бараварига ўрнимиздан турдик. Ҳаммасини қайтадан бошлашга тўғри келди.

Узоқ олишдик. Менинг кураш усулларимни билиб олган Кўйчибой учинчи марта бўй бермади. Ўта хушёр. Чарчатиб енгмоқчига ўхшайди. Кучига ишонади-да. Ростдан ҳам, силламу қурий бошлаган. Ҳозиргина — иккинчи марта ҳам енголмагач, галабама гумоним янада ортган. Бармоқларимда мадор қолмагандай. Бироқ тагин бир қулайроқ вазият келиб, омад қулиб боқишидан умидим узилмаган. Мен ҳам хужумни бас қилиб, пайт пойлашга ўтдим. Кўйчибой мени тамом бўлди деб ўйлади шекилли, дадилроқ ҳаракат қила бошлади. Ёнбошга олмоқчи. Хатога йўл кўйдимми ё атайлаб қилдимми — билмайман, ногаҳонда ўзимнинг бўй бераётганимни сездим. Апил-тапил қарши усулни қўладим, Кўйчибой мени ёнбошга олди. Мен уни тегирмонга туширдим. Биринчи бўлиб осмонга мен учдим. Ортимдан Кўйчибой ҳам менга қўшила-илаша учди. Икковимиз ҳам ҳавода бир айланиб, ерга тушдик. Шундай тушдикки, мен устидаман. Кўйчибой остимда! Елкасининг ерга теккан-тегмаганини билмайман, қўли елкадан сал пастроғидан “қирс” етиб синганини аниқ эшитдим. Юрагим “шувв” етиб кетди. Ахир, уни майиб қилиш хаёлимда йўқ эди. Лекин... кўполроқ ҳаракат қилдим, шекилли-да. Бир томондан — Кўйчибойнинг оғриқ заптида инграниши, иккинчи томондан — Осиянинг қўрқиб-эсанкираб чинқиргани баравар эшитилди. Ўрнимдан сакраб турдим. Боядан бери бизни томоша қилиб турган Осия югургилаб келиб Кўйчибойнинг бошини тиззасига олди. Кўйчибой хушини йўқотмабди. Бироқ ранги докадек оқариб кетган. Тўлин ой ёруғида арвоҳдек қўрқинчли кўринади. Тишини тишига маҳкам босганча қад ростлаб ўтирди. Осия унинг шалвираб қолган чап кўлини авайлабгина ушлаган эди, “Йўқол! — дея ўшқириб юборди газаби қайнаб. — Энди менга яқин кела кўрма!” Сўнг менга юзланди: “Темир йўл бекатига обориб кўй”. “Ахир, врач...” дея гап бошлаган эдим, гапимни шарт кесди: “Бекатга обориб кўй деяпман сенга!” Нима қилишни билмай қолдим. “Майли, оборгинг келмаса, ўзим яёв бўлсам кетавераман”, — деди Кўйчибой. Бу аввалгисидан батамом бошқа: кўнгли чил-чил синган, изтиробга фарқ бўлган одамнинг шикаста товуши эди. Бир-икки талпиниб бориб, ниҳоят, тебранган кўйи ўрнидан турди. Шалвираган кўлини оғриқдан инграна-инграна белбоғига қистирди. Талашиб-тортишиш бефойда эди. Тезда машинамни ўт олдириб, беш-олти чақирим наридаги бекатга обориб кўйдим. Икковимиз на йўл бўйи, на ажрашар чоғда бир оғиз гап қотмадик. Кўйчибой курашда енгилганини ўзига ор билса керак. Бироқ менинг ҳам енгганимдан қувонгулик ҳолим йўқ. Кўйчибой ёнбошга олган пайтда унга қарши японларнинг дзю-до курашидаги бир усулни қўллаган эдим. Атайлаб қилдимми ё жон ҳалпидидаги беихтиёр ҳаракат эдимми бу, ҳар қалай, шак-шубҳа йўқки, ҳалол йўл тугмадим.

Осия икковимиз аввалгидек яшайвердик. Бирга-бирга яшайвердик. Фақат орамизда улаб бўлмас нимадир узилгандек. Мен ўзимни бировнинг шаръий хотинини қинғир йўллар билан қўлга киритган номард сезаман. Айбдор ҳис қиламан. Хуллас, кўнглимга хижиллик чиппа ёпишди-қолди. Осия ҳамон ўша-ўша. Йўқ, ташқаридан қарагандагина шундай: сир бой бермайди, холос. Аслида кўнглининг туб-тубида аллақандай тўнтариш содир бўлгани аниқ. Кўйчибойни кузатиб қайтганимда: “Барибир сен енгасан-ку, деб ўйлаган эдим” — деган эди. Нима дегани бу? Кўйчибойдан қутулишнинг бошқа йўли йўқ эди, демоқчими? Уюр талашган айғирлардек айқашувимизга йўл қўйиб берганини назарда тутиб, ўзини оқламоқчи бўлдими? Ё: “Севганим сен эдинг, бироқ сени номардлик қилади деб ўйламаган эдим”, дегани-

ми бу?! Ўсмоқчилаб сўрашга юрагим дов бермади. Нима бўлсаям ўшанда гапнинг тагига етиб олсам бўларкан. Балки икки ўт орасида, шубҳа-гумонлар исканжасида қолмасмидим. Қайлардадир юрган Кўйчибойнинг олдидагина эмас, Осиянинг олдида ҳам ўзимни гуноҳкор сеза бошладим. Ахийри бу азобдан ҳам қутулдим. Тагин ким билади дейсиз: қутулдимми ё ёмғирдан қочиб қорга тутилдимми? Ҳар қалай, бунга бир воқеа сабаб бўлди.

Гап шундаки, орадан кўп ўтмай Осиянинг ўзимга нисбатан тобора кўнгли совиб бораётганига бошқа сабаб борлигини сезиб қолдим. Унинг бошқа бировни ёқтириб қолгани, эҳтимолки, тўғридан-тўғри кўзига чўп солиб юрганини англай бошладим. Менга баландроқдан, нописандми-таҳқиroomуз қарайди. Мен йўқлигимда кўнгли ҳайитдагидай, мен ишдан қайтишим билан алланечук чимирилиб, тумтайиб олади. Аввалига уйимизда тез-тез меҳмон бўлиб, Осияга ҳавасланиб қарайдиган, у билан бемалол ҳазил-хузил қиладиган шофёр йигитлардан шубҳаландим. Бир ойча кузатдим. Бироқ гумонимга асос тополмадим. Ахийри Осиянинг устимдаги қорамой юқи коржомамга бурун жийириб қараши, ҳар кун ишдан келганимда топ-тоза бўлса-да, бошдан-оёғимгача ювинишимни талаб қилишига асосланиб, кўнгли қўйган одам совхознинг оқсуякми-оқбилак хизматчиларидан бири бўлса керак, деган ҳаёлга бордим. Ҳар бир куним, уйдан олисада ўтган ҳар бир соатим тагин азобга айланди. Лекин бу азоб!.. Душманимга ҳам раво кўрмаган бўлардим. Эҳтимол, меники ноўрин васвасадир, дея ўзимни алдамоқчи бўламан. Наҳотки мендан кўнгли қолгани хиёнат учун асос бўлса? Ахир, бошқа асосим йўқ-ку, дейман ўзимча. Қолаверса, нақ минг йилдан бери феъли маълум Осия-ку бу! Битта эмас, бирваракайига бир нечта эркак билан дон олишиб юрса ҳам, бунинг нимасига ажабланасан киши! “Ўрганган кўнгли...” “Буқрини қабр тўғрилар”. Наҳот, бу мақоллар рост бўлиб чиқса?!

Мен қаттиқ бош қотирган жумбоқ кунлардан бир кун ишда ошпа-осон ечилди. Шаҳарга борадиган бўлиб қолдим. Юк ортилгач, одамлар кўрсин деб совхоз марказида бироз юрдим. Ниманидир баҳона қилиб совхоз идорасининг олдида атайлаб анчагина тўхтаб турдим. Кечга яқин сафарга чиқиб кетдим-да, шу ҳолимча тун ярмида йўлдан қайтиб келдим. Менга кундошлик эмас, нима деймиш энди, халигидай... Осияни икки ўртада баҳам кўриб юрган ифлос, устаси фаранг зўримиз — совхоз директори Прохор Онуфриевичнинг ўзи бўлиб чиқди. Ҳали ўттизга кирмаган қирчиллама йигит, эндигина мансаб пиллапояларидан кўтарилиб келаётган раҳбар, келажаги зўр деб мақталувчи ажойиб арбоб!.. Усти-бошидан ҳамиша атир ҳиди анқиб турарди. Одам билан нақ осмонда туриб гаплашадиган калондимоғ, башанг кийинадиган олифта!.. Калондимоғлигию олифталигига ҳам, директорлигига ҳам қараб ўтирмадим. Жоним кўзимга кўринмади. Дунё остин-устин бўлиб, кўзимга қон тўлди. “Энди сен ифлос билан баҳам кўраманми?! Энди баҳам кўрмаганим сен ит-чўчқагина қолувдингми?! Калондимоғингни ерга шундай ишқайки!..” Беҳаё Осиянинг орага тушганига нима дейсиз! У ҳам тегишини олди. “Ҳали мени шу олифта ҳезалакка тенг кўрдингми, қанжиқ?!” Иккаласини ҳам ёнма-ён сулайтириб, машинамга қайта ўтирдим-да, йўлга тушдим. Уч кундан кейин қайтиб келсам, гўё ҳеч нима бўлмагандек, ҳаммаёқ тип-тинч. Директорнинг мени жазога мустаҳиқ этолмаслигини яхши биламан. Таёқнинг бир учи ўзига тегиши, текканда ҳам менга нисбатан унга қаттиқроқ тегиши аниқ эди-да! Барибир, энди бу совхозда қолиб бўлмасди. “Осиё маркази”ни тарк этиб, тагин қайгадир бош олиб кетишга тўғри келди. Энди жанубга отландик.

Мен ўшандан кейин Осияни ёмон кўриб қолдим, ундан жирканди деб ўйларсиз? Қанийди шундай бўлса! Ёмон кўролмадим. Жирканолмадим. Тўғри, гуноҳини кечирмадим ҳам. Устига-устак, аввалгилари эсимга тушди. Гоҳо қоним қайнаб, маст бўлган туядек қутуриб кетаман. Ўзимни ҳам, Осияни ҳам аямайман. “Не қўйларга солдинг, аблаҳ! Жуфти ҳалолиммисан ё мени ҳам нақ ҳалқумимга қадар ҳаромга ботирмоқчимисан сен нокас?! Ўз қадрини билмайдиган қанақа одамсан ўзи? Ахир, сенинг асли-наслинг ҳароми бўлмаган-ку! Анови олифтага ўхшаб, қачонлардир ўйнашдан бино бўлмагандирсан-ку?!” дея ражиб ташлагудек тиш қайрайман. “Энди сени қандай қилиб аслингга қайтарай? Энди сени қандай авайлаб-асрай, ҳалоллаб-поқлай, оқ ювиб-оқ тарай?.. Бугунги кунда бунга қодир оби ҳаётми-оби раҳматни қайдан топай?..” дея ич-ичидан нола қилиб пойига бош ураман, парвонадек атрофидан айланиб кетолмайман. Осия ҳам ҳаммасига чидайди: бош олиб кетолмайди. Ер ютса — ютар, лекин бош олиб кетолмайди у! Қанчалик ғазабга минмайин, сал

ўтмай шаштимдан тушаман. Тўғри, гоҳо энди қайтиб Осиянинг қорасини кўрмайин, кўрмайин ҳам, куймайин ҳам, дейман. Оламдаги жамики мағзавани унинг устига ағдараман. Ҳар қандай халқ фахрланса арзийдиган шундай соҳибжамол, гўзалликда тенгсиз вужуд... тупроқдек хор, Оролдек шўрлик, сувдек булганч, ҳаводек захарланган, нондек увол!.. Нега шундай? Нечун менинг бошимга бундай янглич кўргилик, чидаб бўлмас хўрлик соласан, дея кўкка тавалло қиламан. Ўзимни ҳам аямайман. Ҳезалаксан, пой-патаксан, расвойи радди балосан, деб сўкаман. Булар — ўзим танҳо қолганимда, олис сафарларда юрганимда, рудда ўтирганимда юрагимга бостириб кирадиган туйғулар. Уйда эса... Осияни кўрдим дегунча... ҳамма қийноқларим унутилади. Унинг ҳар бир саъй-ҳаракати, гап-сўзи, нигоҳ-назари кўнглимга олам-олам фароғат бағишлайди. Олатов тепасида тургандек завқланаман, Балхашда чўмилгандек ҳузурланаман, Сариорқа кенгликларини кезгандек яйрайман. Уни кўриш, қошида жимгина ўтириш, қўлидан овқат тановул қилиш мен учун битмас-туганмас бахт-саодат бўлиб туюлади. Тун чўқади. Бутун борлиқ жодугар қора пардага чулғаниб олади. Мен эса, ақл-хушимдан айриламан. “Кўз очиб кўрганим, пешонамга ёзилган жуфти ҳалолом сенсан!” дейман. “Шу Осия меники! Мен унинг эгасиман!” дейман. “Номард эга бўлсам ҳам, ҳар қалай, эгаман-ку! “Ҳаттоки қақроқ чўл бўлсанг ҳам, қайноқ оғушингни Қулпандек қулф уриб яшнаб турган мингта жаннатмаконга алишмайман, алишолмайман”, — дейман. “Сен менинг бир-у борим, бахтим-кулфатим, жоним-жаҳонимсан”, — дейман...

Шу тахлит ойлар ортидан ойлар, йиллар ортидан йиллар ўтди. Осия тўлишиб, ўрта яшар оғир-вазмин аёлга айланди. Менинг ёшим ҳам ўттиздан ошиб, қирқни қоралаб қолди. Бироқ кўнгил дарёси кундан-кунга тўлишса тўлишдики, Сирнинг сувидек саёзлашавермади. Гуркираб оқаверади. Осия кўзимга тобора иссиқроқ кўринаверади.

Албатта, кундалик турмушимизда талай ўзгаришлар рўй берди. Биз расмий никоҳдан ўтдик. Ушандан бери ҳам, минг йил демайин, бир йигит умрича вақт ўтди-ёв! Ўзига тўқ, файзли-қутли, шинам-озода бир оила бўлдик. Мен институтни сиртдан ўқиб битирдим. Белдек хизматчига айландим. Бир совхознинг бош иқтисодчиси ман. (Сизга буёғини ҳам яширмай айта қолай, мақсадим — директорлик. Ундан юқорироқларга кўтарилиш орзуим ҳам йўқ эмас). Ёкамга гард юқтирмайман. Бўйинбоғ тақишни қанда қилмайман. Хуллас, уст-бошимга фақат француз атирини сеппиб, қадимни кериб, савлат тўкиб юрадиган бўлдим. Осия ҳам қараб турмади. Улкан универмагга мудир бўлди. Бироқ, такрор айтаман, буларнинг барчаси ташқи аломатларгина холос. Аслида эса, ҳаммаси аввал-бошда қандай бўлса, ўшандай. Мен учун ҳамон ўша-ўша. Ўша Осия: мен билан овул чеккасида, қоронғи кечада, жийдазор сой соҳилида илк бор топишиб-дийдорлашган қиздан зиёда навжувон аёл. Ўша ўзим: лойга ботиб қолган машинани бийдек далага ташлаб, гумбурлаган момақалдироқ, шаррос куйган ёмғир остида севганининг висолига интиқиб югураётган йигирма яшар расида ўспирин! Ҳа, кулманг, мен бахтиёр эдим. Бунинг устига, ўзимнинг бахтиёрлигимни яхши билардим. Мени бахтдан бенасиб этмагани, бу оламдаги энг асл, энг меҳрибон, энг сулув аёлни севиб-севилганим ҳаққи-хурмати қисматимга уззукун минг қарра шукроналар айтмоққа тайёр эдим.

Шундай нузли, файзиёб кунлардан бирида кутилмаган иш бўлди. Навбатдаги тафтиш чоғи Осиянинг дўконидан камомад чиқди. Мен Осиянинг дастлаб буфетда ишлаган кезлардаёқ, анови ифлосга ҳамтовоқ бўлганми қайдам, молдан ҳам, чўтдан ҳам уриб қолишини сезган эдим. Талай марта шу сабабдан хафалашганмиз. Номмақул қилиғини қўйгандир, деб юрганман. Қўймаганини, аксинча, имконияти кенгайгани сари “фаолият” майдонини ҳам тобора каттайтира боргани маълум бўлди. Қозоқчилик, оға-иничилик йўли билан бости-бости қилиб юборишнинг иложи бўлмади. Осия бошчилигида жамики сотувчиларнинг иши терговга оширилди. Бало келса ҳаммиша қўшалок келаркан. Худди шу вақтда совхознинг молиявий ишларидан ҳам ишқал топилиб қолди. Жавобгарчилик менинг елкамга тушди. Ноҳақ бўла туриб, эмаган сомсага пул тўлашга тўғри келди. Албатта, ўшанда оқланиш имконияти йўқ эмас эди. Лекин бундай тақдирда Осия сув тагига чўкиши аниқ эди. Ҳамма айбни ўз бўйнимга олдим. Осия ишдан бўшатилди. Мен тиканли симнинг ортига бордим.

Бошга тушганини кўз кўраверар экан. Кўрганига одам кўнар-кўникар ҳам экан. Кўндим-кўникдим. Одатда эртасидан умиди батамом узилган одамгина ҳайҳотдек

хувиллаб қолган юрагидан қўрқиб ўлса керак. Мен ўлмадим. Гарчи соғиниш-қўмсашидан ўлар қолга келсам-да, ўлмадим. Икки-уч марта қамоқдан қочиб кетишимга бир баҳя қолди. Осияни бир марта кўрсам, қучиб-суйсам, барча тортган азобларим унутилар эди. Бироқ қўлга тушишимни биламан-да. Аввалгисининг устига қўшиб олишим муқаррарлигини биламан-да. Худо кўрсатмасин, Осиядан бутунлай жудо бўлишимни биламан-да. Шу боисдан чидадим. Лекин ўз бошимдан ўтказган кўргиликларимни тарозига қўйиб, обдан ўлчадим. Тушуннишга, англаб етишга ҳаракат қилдим. Барибир, тушунмадим, англаб етолмадим. Ўзимга тинчлик бермаган чалкаш ўйларимнинг ечимини ёзувчиларнинг асарларидан қидирдим. Бўш вақтларимни мудом китоб ўқиш билан ўтказдим. Излаганим топилмади. Мен ўқиган асарлар (кечира-сизу, улар орасида сизнинг асарларингиз ҳам бор), ўйлаб қарасам, сув сатҳида сузиб кетаётган кеманинг шакл-шамойилию ранг-рўйи, оқ-қоралиги, устида нималар борлигини таърифлашдан нарига ўтмабди. Ўша кеманинг кўздан яширин қисми, уни сувга чўқтирмай ушлаб турган куч эса, эътибордан четда қолаверибди. Кўп йиллик мутолаалар сўнггида ўз кўнглимни қайта бир назардан ўтказдим. Кўрган-кечирганларимни бир чеккадан хотирлаб, Осия билан орамиздаги кечмиш-кечирмишларни ўзимча мушоҳада қилиб чиқдим. Ҳар бир хатги-ҳаракатимга, ҳар бир туйғумга боис бўлган таянч нуқтани қидирдим. Уринишларим зое кетди. Бир қарасанг, ҳаммаси аниқ-равшанга ўхшайди. Яна бир қарасанг, кўз олдинг қоронғилашиб, ҳаммаси чалкашиб кетади. Шундай пайтларда, очиги, гоҳо эс-хушимнинг жойидалигига ҳам шубҳаланиб қоламан.

Ширин хаёлу аччиқ ҳижрон азоби ичида тўрт йилни ўтказдим. Муддатидан аввалроқ озодликка чиқдим. Ҳозир юртга қайтпман. У ерда Осия бор. Менсиз вақтини қандай ўтказди, нима қилди-нима қўйди — билишни истамайман. Балки юзларини ажин қоплагандир. Балки сочларига қиров қўнғандир. Балки аввалги хуснтароватидан асар ҳам қолмагандир. Нима аҳамияти бор. Муҳими — булар эмас-ку, тўғрими? Асл туйғу ўлмади-ку. Қаримайди-ку. Ўзим ҳам ўша пайтлардаги содда-анойи ўспирин эмасман. Бироқ юрагим, руҳим, туйғуларим ҳамон ўша-ўша. Осия билан учрашув лаҳзалари қачон келишини орзиқиб кутяпман. Авваллари кун санар эдим. Энди соатларни, наинки соатлар, дақиқаларни санашга ўтдим. Мана, манзилимгача бир ярим соат қолди. Йўқ, тагин тўқсон... саксон тўққиз минутдан сўнг тўрт йил мобайнида, йўқ, ўн етти йил мобайнида чеккан жамики жабру жафоларим, кўрган кўргиликларим тушдек унутилиб, тумандек тарқаб, пардек тўзғиб кетди. Офтоб нури эритган муздек йўқолиб-йитади. Ахир, куёш юртида яшаймиз шекли биз?..

\* \* \*

Ҳамроҳим тун ярмидан оққанда, қарийб тонг арафасида бепоён дашт қўйнидаги ягона бинодан иборат кичик бир бекатчада тушиб қолди. Бу бекатни на бўронли, на сокин деб бўларди. Балки: “Аросатдаги бекат” дейиш мумкиндир? Ўз-ўзидан равшанки, қахрамонимизни ҳеч ким қучоқ очиб кутиб олмади. Поезд ўрнидан жилганида у юпунгина перронда танҳо ўзи қоққан қозиқдек ҳамон қаққайиб турар эди.

1977 йил,

Олмаота — Комарово



Тудор АРГЕЗИ

## Хур кўклам куюши кирсин юракка

СЎЗ

**Ў**қувчим! Безаксиз, жилосиз ҳамда  
Одми шу китобчам — сен учун ҳады.  
Мўъжаз саҳифасида ҳарфлар инжу,  
Шу боис камтарин, жажжи эрур у.  
Унда чумолилар — қаҳрамонларим,  
Асл меҳнат учун тиккан жонларин.  
Мисралар орасин маскан тутиб чин,  
Майли, ҳужайралар қурсин унда ин.

Камонча ўрнига янгроқ ҳамда соз  
Унда қурбақалар берарлар овоз  
Ва арғанун оҳанг таратмас доим,  
Ниначи қуйманиб қилар хиргойи,  
Саъва бошлаб қолар тансиқ нағмани...  
Унутдим мен, айтгин, тагин нимани?

Жоду, мўъжиза кашф этсайдим минбаъд:  
Чақнаса ҳаётда шундоқ бир қувват —  
Яшиндек ингичка, қуёшдек заррин,  
Игна қулоғига уни тақардим,  
Токи юракларда учкун ёқсин шаън.  
Ва солсин титроққа дўстни дафъатан...

*Русчадан  
Мирпўлат  
МИРЗО  
таржималари.*

Тудор Аргези румин адабиётига оламшумул шухрат олиб кирган ижодкорлардан саналади. У 1880 йили Бухарестда дунёга келган.

Т. Аргези шеърияти ҳақида гватемалик шоир ва прозаик М. Астуриас гапириб, унда “буюк поэзияга мафтункорлик” акс этади, дейди. Адиб ижодининг испан тилига таржимонлари — XX асрнинг машҳур ижодкорлари М. Леон ва Р. Альбертилар уни “замонимиз шоирларининг энг кабири, унинг ижоди эса — жаҳон адабиётининг чўққиларидан саналади”, дея таъкидлайдилар. Машҳур итальян шоири С. Квазимодо Аргези ижодидан ажойиб туркумлар таржима қиларкан, у ҳақида фикрини шундай баён қилади: “Т. Аргези улкан ижодкор шахс, шеъриятнинг асл новатори, ташбеҳлар борасида беназир санъаткордир”.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

149

Япроқлар шовиллаб ўйнасин дуркун,  
 Майсалар устига қумуш сочсин кун,  
 Куз чоғи уфқлар олтинга тўлсин  
 Ва ажиб ғуссанинг нафаси бўлсин...

Тугаттум китобни, унга этиб жам —  
 Ўткир ис ўтлоқдан зумуррад шабнам,  
 Зарҳал бутазорлар шуқуҳин қўшгим...  
 Тагин бўлса эди нимадир жўшқин, —  
 Қандайдир ҳаяжон, сўзсиз бир чорлов  
 Шом чўкиб ёнганда гулхан ё олов —  
 Юксакка ўрлаган нурли тутундек  
 Ёки ширин тушдан таралган ундек...

### ШЕЪРЛАРИМ

Шеърларим, қўлимдан учиб юксакка,  
 Яйрангиз қушлардай уфқлар аро —  
 Ҳур кўклам қуёши кирсин юракка,  
 Чарх уринг, мавжлансин муаттар маъво.

Қушларим, боғларнинг олтин чангини  
 Силкинг, хайрлашиб қанот қоқар чоғ.  
 Оғушига чорлар сизни мангулик,  
 Ёш мунглиғ қалбларда топурсиз ардоғ.

Ушоқ вужудингиз — сим-сим изтироб,  
 Юрак қатларидан терганман сизни.  
 Яқин ва бегона дилга беҳисоб  
 Улашмоқ бўласиз ҳасратингизни.

Ўзингиз туғилган тундек нурсиз, гунг  
 Шубҳаларни кўминг ҳар бир қадамда.  
 Менинг қўлларим-ла саҳий ва мамнун —  
 Оқиш зулмат қуяр Тангри оламга.

Шоирнинг "Муносиб сўзлар" номли илк тўплами 1927 йилда эълон қилинган. Унга қадар вақтли матбуотда ёритилган туркумларига кўра М. Эминескудан кейинги йирик истеъдод соҳиби сифатида адабий жамоатчиликка танилган.

Т. Аргези ижодий фаолияти давомида "Оқшом шеърлари", "Жўр овозлар", "Моғор гуллари", "Япроқлар", "Тун" каби ўнлаб шеърий тўпламларини, "Мозий саҳифалари", "Қора дарвоза", "Шамол, мендан нима истайсан?" каби кўплаб публицистик-сатирик асарларини, "Илоҳий она кўзлари", "Лина" каби романларини эълон қилди.

Т. Аргези талай публицистик асарлар, романлар яратса-да, у ҳамиша шоир бўлиб қолди ва ўз ижодида инсон қалбига хос турфа кечинмаларни, эзгу изланишларни, ташвиш ва ҳаяжонларни ҳамда мангу гўзаллик ва юксак ҳақиқатни юқори мақомларда куйлади.

Т. Аргези 1967 йилда вафот этган.

Шоирнинг шеърлари ўзбек ўқувчиларига илк бор ҳавола этилмоқда.

Таржимон

## ОМОЧ

Қай инсон кашф этмиш сени, омочим?  
Ато этмоқ учун водийларга жон,  
Заранг ер бағрини яйратиб чунон,  
Заминга илк бора меҳрин берган ким?

Бўз ерни қилди ким илк дафъа шудгор?  
Ким тонгда далага чиқиб илк марта,  
Кенгликларни кесиб, тортди илк марза?  
Ким донни муқаддас деб билди илк бор?

Ким ивиб ёмғирда, аёзда музлаб,  
Оқшомдан шом қадар тин билмай асло —  
Куйманиб, лаънатлаб, қилиб илтижо,  
Илк бор йўл ростлади адирлар узра?

Кутар ўз ризқини хокисор одам —  
Ер ҳайдар, дон сочар ҳамда ўрар у...  
Унга қувонч бўлди бундоқ ғам-қайғу,  
Мангулик шон топди шунинг учун ҳам.

## ЯРИМ ТУН

Чулғанар ой нурига боғлар,  
Нуқра юлдуз ва масъум ҳилол  
Бир-бирига термилдилар лол, —  
Замин узра тун қўнган чоғлар.

Ғужгон юлдуз хуш-хандон бирам —  
Тўлиб-тошиб сўйларлар сириш,  
Кимдир кўкнинг мовий чодирин  
Қавигандай олтин ҳал билан.

Янграб кетар унсиз тун саси,  
Чўл баҳорин чечакларидек  
Юлдузларнинг шавқи билмай чек,  
Ярақлайди осмон гумбази.

Пастда қари, тунд замин эса  
Қораяди самога боқиб.  
Аммо нурга тўлиб кўк тоқи —  
Яшаради осмон ҳар кеча.

## АРХЕОЛОГИЯ

Сўнмаган қалбимда мозий имдоди,  
Кўраман ўтмишни қат-қат чанг аро.  
Изн сўрамайин руҳимдан асло,  
Қонда жунбуш қилар замонлар ёди.

Йиқилиб юзтубан қай бир асрлар,  
Қучиб сўқир тупроқ-йўқлик зулматин, —  
Ётар ҳайкалларнинг жасади қадим  
Ва мудрар беҳисоб кўҳна қабрлар.

Гарчи битик хатлар қўзғар дилда ҳис,  
Ундан фарёд саси йўқолмиш бадар,  
Узоқлаб кетганки вақт шу қадар —  
Чиннигулдан учиб кетгандек хуш ис.

Бироқ кимдир нидо таратиб пойдор,  
Сухбатга суқулар ҳамда сўйлар роз.  
Қадим хилқатлардан келган бу овоз  
Менда тирилади ушбу кун такрор.

Бостириб киради руҳимга титроқ,  
Туяман дафъатан мозий сурурин —  
Асрлар меҳварин илғар шуурим,  
Унинг сўнгида мен турибман уйғоқ.

### ДАЙР

Мудрар зангор шохчада кундуз,  
Шом қўйнида оқаради қор.  
Бинологнинг рахида тифиз —  
Кабутарлар тизилар қатор.

Мизғирлар ва елпиғич каби —  
Қанотлари йиғиқ уларнинг,  
Исо Масих ийди тугади  
Чуввосидек сайроқ қушларнинг.

Куннинг уфқда қазоси етиб,  
Кўнғироқлар тингач маъвода,  
Юлдузларнинг чангин тўзғитиб,  
Шабпараклар шўнғир ҳавога.

Ҳилол сузиб само саҳнида,  
Шуълаларин тўкканида шаън, —  
Икки чашминг туннинг бағрида  
Ялтирайди намчил нур билан.

Гулдонда гул чийрар ихлосни,  
Янграр соат — сеҳрли тунда!  
Бамисоли сиқим олмосни  
Майдаларлар сенинг устингда.

Бахш этар тун фароғатни чин!  
Суронлари кундузнинг тингай.  
Бахт ўзининг зангор ёғдусин  
Қуя бошлар менинг руҳимга.

### КУЗ

Тағин қарши олар бизни тунд боғлар — бўм-бўш ва яйдоқ  
Кузак ҳар томонга сочар хазонни кучоқ ва кучоқ.  
Фаришта қадахин кўтарган эски фаввора ҳайрон,  
Ошно ўриндикқа чўкамиз бориб биз дилгир, гирён.

Кифтимни кучади оҳиста унинг муздек қўллари,  
Қолади юракда лекин энг азиз сўзларнинг бари.

Мудом ахтараман кўр мусиқачи сингари гангиб,  
Қалбимнинг тубидан бир вақт йўқолиб кетган оҳангни.

Кўзим-ла кўзларин эркаламоқни алҳол ўйлағум,  
Лекин эътиборим тортар бурмаси гулдор кўйлагин.  
Қушлардек титроқи бармоқларини силагим келар,  
Нима у — кўнгилнинг издиҳомига монелик қилар?!

Қонли булутларни ҳайдар уфққа шомнинг шамоли,  
Унинг нигоҳида чақнайди бир зум ёшлик иқболи.  
Тагин бўсам билан аритсаммикин юзларидан мунг,  
Лекин ихтиёрсиз тушар кифтимдан қўллари унинг.

Мен эса истардим, аввалгилардек, шафақ ёнган дам —  
Қошида тиз чўкиб қасамлар ичсам тагин севгидан.  
Ақалли ҳаётнинг нашъу намосин чорлаб бир онга,  
Шудрингли ўтлоқлар, баҳор мавжидан тушсак туғёнга!

### КЕТДИНГ

Кетдинг сен. Кетишинг ўтиндим ўзим,  
Изингдан лекин кўп термилди кўзим,  
Бедазор сўқмоқдан кетиб бораркан,  
Ортингга бир марта қарамадинг ҳам.

Чақирмоқчи бўлдим. Лекин қолдим кеч,  
Қайтаролгаймиди сени соям ҳеч?  
Истардим — кетмасанг, кетмасанг йироқ,  
Тилим калимага келмади бироқ.  
Қайтгин, қайтгин дея қилдим ишора.  
Кетдингми? Йўқмиди бошқа ҳеч чора?

### ҚАЙТИШ

Оз қолди — барини энгиб ўтмоққа,  
Тегрангга қарагин, энди назар сол, —  
Туташар ойдин йўл, зангор сўқмоқлар  
Чарх урган гилдирак симлари мисол.

Таниш эди бизга бу ифор олдин —  
Умрин яшаб бўлган гуллар нафаси.  
Тарқар қоронғилик, тобора ёрқин —  
Кўринар ложувард осмон қирраси.

Олда нима бордир? Сахроми масрур?  
Манзилми шу бизга — талпинган мудом?  
Фурбат йитди. Сочар зангор гумбаз нур,  
Яшил кенгликларда сеҳр ва ором.

Кўринди қўналга — унда авжига  
Чиқар ўлан, шароб, ажиб фароғат...  
Балки биз ҳам чўмиб сочинг мавжига,  
Ёнгаймиз бир ўтда энтикиб фақат.

Йўқ, вақтга зуғумлаб, ҳеч олмаймиз тин,  
Йўлимиз давомлар то баҳо, шаксиз.  
Бўсангни асра сен — сеҳрли захрин  
Тупроққа бергали қазо етган кез.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

153

## ЭВРИЛИШ

Худо шоҳид, истамовдим, ҳа,  
Тун фараҳин кўкка ёйганда —  
Келтирди у зулматнинг майин,  
Ичдим. Нима бўлсам бўлайин!

Сипқардиму билмадим, ёху,  
У сеҳрли қандайн оғу!  
Маст бўлдимми? Ўлим қучди ё?  
Ухлайман мен... Қўзғатманг асло.

Ким чақирар? Йўқман мен. Кетдим.  
Бундан ўзни Мосуво этдим, —  
Кўринайин шундоқ кимга ҳам,  
Ҳимоясиз, ҳарир қалб билан?

## ЙЎҚОЛГАН САҲИФАЛАР

Ярим асрдирки, бермайсан ором  
Қалам ва довогга, тинчимай сира:  
Кўнглингни тарк этмас шубҳалар мудом, —  
Суруринг қўрқувдан тортади хира.

Ташлар юрагинга теран укубат  
Оқ саҳифа, унга қўнган сатрлар  
Ҳамда илк товушдан чўчийсан ҳар вақт,  
Ҳарфлар нигоҳингга қаттиқ ботурлар.

Янги саҳифалар қораланибоқ  
Қийғоч учиб борар кўллар сатҳидан, —  
Тун ичра боғлардан учгандек япроқ...  
Тушади чақмоқдан дилга таҳлика.

Титроқ ҳис этасан ҳар сўзда ҳамон,  
Талх қилар гумонлар хаёлни бирдан:  
Худди тушдагидек яшайсан ҳар он,  
Ким сенга руҳ берган — ўчмиш хотирдан.

## НОМАЪЛУМ ШОИРГА

Меҳробни — қачондир орзуларингда тиклаган шоён,  
Бунёд қилмоқдасан. Қола биларми яшаб очунда?  
Сўз билан қалбингни тиглаб, садпора қилгандан буён,  
Қасам-ла тоабод қисматингни сен боғладинг унга.  
Юлдузни куйлатиб, инсонни кўкка кўтарасан шаён,  
Шуҳрату шонларга ўч бўлмагин ва қўрқма тухфадан.  
Ўт билан ўйнашма — модомики шеър ёза бошладинг:  
Китобингга кирган ҳар битта сўзни ҳўб тарашлагин.  
Янги жилоларга йўғир уларни, эринма ҳеч ҳам,  
Ярақлай бошларлар ажиб нур билан шунда ич-ичдан.

Тепангда осилиб тургай лаънатнинг тамғаси ғаддор,  
Токи бунёдкорсан, ўзингда экан изн-ихтиёр.  
Йўқлик қирғоғида меҳробинг турсин десанг сарафроз,  
Рухинг, ҳаётингдан пойдеворини тиклай билгин соз.

## ТЎКИНЛИК

Бошлаган жўягин тортиб борди у  
Томорқа қошидан нақ осмон қадар.  
Разм солсанг, унинг ҳўкизи худди —  
Тошдан, ўзи қадим тунжни эслатар.

Яйраб маврид кутар офтобда — кумоч —  
Бедаю жўхори, жавдару арпа  
Ва ерни ағдариб кун бўйи омов,  
Кўзни қамаштирар бурилишларда.

Пўлат тиг тик ботиб тупроққа теран,  
Ушатар бетиним заҳмат-ла уни, —  
Адирга сарин тун то қўнмас экан,  
Чақнамаскан ерда ойнинг ёлқини.

Терак эса кўкка адл интилар —  
Оқшом тўрларини ёяр уфқларга,  
Тоғлар урчуғидан бамисли иплар  
Таралар осмонга алвон нурлар-ла.

Сукутинга минг йил бўлди чамаси,  
Ўтмиш сари боқиб қўймайсан бир он.  
Ҳўкизларинг аро — Тангри шарпаси,  
Кўрасан, у сен-ла юрар ёнма-ён.

## ДУОИБАД

Улар экинзору алафлар аро  
Эмаклаб бордилар ўрмонгача то.  
Эмаклаб бордилар — энг мудҳиш дамлар  
Сузарди кўкда ой ёрқин, мунаввар.  
Эшитдим шунда мен замин имдодин  
Ва улар қалбининг теран фарёдин.


Ёнсин, кунпаякун бўлсин қасрлар,  
Ўртансин меҳроблар, боғлар, қабрлар.  
Шаҳарлар айлансин саҳрога, чўлга,  
Қоплансин тиканга, қоплансин шўрга.  
Уммонлар қурисин, йитсин дарёлар,  
Тонглар қора тортсин, сўнсин зиёлар.  
Тўлсин сафро билан кудуқ-ҳовузлар  
Очликдан изғисин тўп-тўп ёвузлар.  
Мажруҳ, хор танингиз узра кун-тунлар  
Чарх урсин ун тараб гала қузғунлар.  
Тиллалар — кўмилган токча, тахмонга  
Айлансин қуртларга, сариқ чаёнга.  
Куялар есинлар семириб нуқул  
Асъаса, дабдаба сарпосин буткул.  
Кўмилсин чолғулар чангга, ғуборга,  
Ўргимчак тўрига, мангу моғорга.  
Дарддан қазо топманг бир зумда асло,  
Қийнасин сизни у лаҳадгача то.  
Тоинки кўрмангиз ҳеч қачон роҳат,  
Азоблар қадаҳин симиринг фақат.  
Боссин кифтингизга қамчи чўғ-лаҳча,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Асрдан узунроқ туюлсин лаҳза.  
 Очлик мудом бураб, ёндирсин чанқов,  
 Тилингизга қадоқ чиқсин беаёв,  
 Ҳалқумдан осилсин бўлиб оғир юк,  
 Кул ва кукундан у ахтарсин тупук.  
 Зор бўлиб сўқмоқда — шабнамга ширин,  
 Ичинг ҳалқоб-ҳалқоб отнинг шиптирин.  
 Ҳар битта олволи — етилган, сара,  
 Оқсин оғзингизда бамисли яра.  
 Оловин дўлдайн ёғдирсин осмон  
 Ва сизни подадек қувсин ҳар томон.  
 Тоғлар уваланиб, ер титрасин зир,  
 Тошлар танингизга санчилсин бир-бир.  
 Кимки тавба айлаб, йиқилса беҳол,  
 Ерни кучганича топсин у завол.  
 Сени, разолатга раҳбон ва ҳомий,  
 Тортсин тўпифингдан ажалнинг коми.  
 Оқсин иликларинг ва танангда мор  
 Ўрмалаб яйрасин такрор ва такрор.  
 Меш қорнинг чувасин то пойингача,  
 Оёғинг тик тута билмасин ҳечам.  
 Ҳар бир бўғинингда ивиб қотсин қон,  
 Ингратсин бедаво бу дард беомон.

Чап кўзинг нуқтага айлансин абгор,  
 Боқсин куну тунни фарқламай зинҳор.  
 Ўнг кўзинг қабоқдан чиқсин отилиб,  
 Қотсин киприкларинг карахт, очилиб.  
 Ҳазаб бужмайтирсин афтингни чунон,  
 Лекин айта билма шунда бир калом.  
 Бўкир, гужанак бўл, аламдан ёрил,  
 Қоқ ерга ағана, тупроққа қорил.

Тилайман мен сенга чунон ваҳшатлар,  
 Алаҳлаб ухлагин, уйғон даҳшатда.  
 Ботсин жигарингга оловтоб арра,  
 Гувлаб у юзингдан ўтсин юз карра.  
 Тишларинг ёрилсин чатнаб беомон,  
 Бижғисин ичингда қўланса ҳар он.  
 Букрилиқ гавдангни тутсин беҳисоб,  
 Сизловиқ ҳар онда берсин минг азоб.  
 Миянгни чиритсин шаҳват хаёли,  
 Ҳатто оҳ уришга қолмасин ҳолинг.  
 Ўликлар ўрнидан турсинлар тўп-тўп,  
 Интиқом қасдида изғисинлар хўб.  
 Сени қуршаб олиб сўрасинлар хун,  
 Қирғин, қатл — жами жиноят учун.





Жан Жак РУССО

## Манзур бўлиш санъати

**Ж**инс масаласига тааллуқли бўлмаган ҳамма нарсада аёл эркакка тенгдир; аёл ҳам ўшандай аъзоларга эга, унинг ҳам эҳтиёжлари эркакники каби, қобилиятлари ҳам ўшандай, жисмининг тузилиши ҳам эркакникига ўхшаш, эркак ва аёлнинг гавдаси бир хил қисмлардан ташкил топган ва уларнинг ҳар қайсиси бир хил вазифани бажаради; эркак ва аёлнинг ташқи кўриниши бир хил. Қайси бир нуқтаи назардан биз уларга қарамайлик, улар орасидаги фарқ жуда кам эканини кўраемиз.

Жинс масаласига тааллуқли ҳамма нарсада аёл билан эркак кўпгина муштарақ жиҳатларга ҳам, кўпгина тафовутларга ҳам эга. Уларни бир-бирлари билан таққослаш қийин, чунки уларнинг тузилишларида жинс билан бевосита боғлиқ нарса нима-ю, унга боғлиқ бўлма-

ган нарса нима эканини аниқ белгилаб олиш анча мушкул. Қийсий анатомия ҳам, оддий кузагиш ҳам далолат берадики, эркаклар билан аёлларда бир қатор тафовутлар бор — бир қарашда, уларнинг жинсга дахли йўқдай кўринади; лекин аслида улар жинс билан чамбарчас боғланган, фақат биз уларни бир-бирига боғлаб турган ипларни аниқ белгилай олмаймиз, негаки, бу иплар қаергача боришини билмаймиз. Биз фақат бир нарсани комил ишонч билан айтишимиз мумкин — эркаклар билан аёллар ўртасидаги муштарақликнинг ҳаммаси инсоний табиатга тааллуқли, уларни бир-биридан фарқлантириб турадиган жиҳатларнинг ҳаммаси эса жинс масаласига доирдир. Уларни ана шу икки нуқтаи назардан келиб чиқиб текширар эканмиз, биз жуда кўплаб бир-бирига ўхшаш ва

---

Жан Жак Руссо (1712—1779) — француз ёзувчиси, файласуф, шоир ва драматург. Руссо кўплаб ижтимоий-сиёсий рисоалар, фалсафий тадқиқотлар, романлар яратган. Унинг асарлари ўз даврида ҳам, ундан кейин ҳам жамият тафаккурини ўстиришда катта роль ўйнаган. Унинг "Жамоатчилик шартномаси тўғрисида", "Тамошалар ҳақида мактублар" каби рисоалари, "Юлия ёхуд Янги Элоиза", "Эмиль ёки Тарбия тўғрисида" каби романлари машҳур. Бу романлар ўзида фалсафий мушоҳадаларни ҳам, педагогик қарашларни ҳам, муаллифнинг идеал жамият ҳақидаги утопияларини ҳам мужассам этган. Бундан ташқари, Руссонинг "Икромнома" деган автобиографик асари ҳам бор. Бу асарда унинг ҳаёт йўли ва ижоди батафсил ёритилиши билан бир қаторда, муаллифнинг қусурлари, айблари, кўпгина қинғир ишлари, ишқий можаролари ҳам ҳаққоний тасвирланган.

Этиборингизга ҳавола қилинаётган лавҳалар "Эмиль ёки Тарбия тўғрисида" китобидан олинган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

157

кўплаб бир-бирига зид жиҳатлар топамиз ва ажиб бир тўхтамга келамиз — бир-бирига шу қадар ўхшайдиган ва тузилиши жиҳатидан бир-биридан шу қадар фарқ қилувчи бу икки махлуқ табиатнинг мўъжизасидир.

Бу ўхшашликлару бу тафовутларнинг ҳаммаси руҳий ҳаётга таъсир қилмай қўймайди. Бу таъсир жуда ҳам сезиларли, уни мунтазам равишда кузатиш мумкин; бундан шундай хулоса чиқадики, эркак ва аёлларнинг қай бирлари қай бирларидан устун экани ҳақидаги, шунингдек, уларнинг тенглиги тўғрисидаги баҳслар ҳар қандай маънодан ҳолидир. Дарҳақиқат, уларнинг ҳар бири табиат белгилаб берган вазифаларини бажаради, уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида роль ато этилган. Наҳотки, уларнинг бири бошқа жинсга кўпроқ ўхшаганда мукамалроқ бўлиб қолармиди? Уларнинг ўрталарида муштараклик борлиги важдан ҳар иккала жинс ҳам бир хилдир, уларнинг ораларида тафовут борлиги ҳам ҳеч қандай шубҳа тудирмайди. Комил эркак билан комила аёл ташқи жиҳатларига кўра бир-бирларидан қандай фарқлансалар, маънавий қиёфаларга кўра ҳам бир-бирларига унча ўхшамайдилар ва бу уларнинг комиллигига заррача халал етказмайди.

Жинслар қўшилганда уларнинг ҳар қайсиси бир хил вазифани бажаради, лекин бу вазифани мутлақо ҳар хил йўсинда бажаради. Ана шу ҳар хил йўсундан уларнинг ўзаро муносабатларидаги биринчи фарқловчи хусусият майдонга келади. Бири фаол ва бақувват бўлмоғи керак, иккинчиси нофаол ва заиф бўлади: уларнинг бири ўз иродасини пешкаш қилиб, мақсадига эришмоғи лозим, иккинчиси эса қаршилик кўрсатишга керак-у, лекин бу қаршиликни бемалол енгиб ўтиш мумкин бўлмоғи даркор.

Модомики, шу ҳолни қоида деб белгилаб олар эканмиз, ундан бир хулоса келиб чиқади: аёл киши эркакка манзур бўлиш учун яратилган. Албатта, эркак киши ҳам ўз навбатида аёлга манзур бўлиши керак, лекин тўғридан-тўғри бунга зарурият йўқ: куч — унинг фазилати. Эркак киши бақувватлиги биланоқ аёлнинг кўнглини ола билади. Бу, албатта, севги қонуни эмас, лекин бу — табиат қонуни. Бу қонун муҳаббатдан кўра қадимийроқ.

Модомики, аёл эркакка манзур бўлиш ва унга тобе бўлиш учун яратилган экан, у эркакка дағдага қилиши керак эмас,

балки унга маъқул бўлмоққа, унинг кўнглини олмоққа интиломоғи жоиз. Аёлнинг қудрати — унинг жозибасида. Аёл ўзининг латофатию таровати билан эркакни унга хос бўлган кучни ҳис қилишга ва уни ишга солишга мажбур бўлади. Бу кучни уйғотишдаги энг синалган санъат шундаки, қаршилик кўрсатиш йўли билан бу кучга ҳаёт бахш этилади. Шунда камситилган иззат-нафс иштиёққа қўшилади-ю, галабага эришади. Шу вайдан хужум ва ҳимога майдонга келади, бир жинснинг далилчилиги-ю, иккинчи жинснинг ҳуркаклиги, ниҳоят, заиф жинснинг тортинчоқлиги-ю, ҳаёси туғилади. Ҳуркаклик ва ҳаёни заиф жинсга табиат ато қилган. Унинг ёрдамида аёл кучли жинсни ўзига бўйсундириб олади.

Табиат ҳар иккала жинсга ҳам баравар даражада хужумкорлик тарзидаги хатти-ҳаракатни раво кўради ва қайси жинсда иштиёқ олдин туғилса, шу жинс вакили ўз иштиёқини биринчи бўлиб ошкор қилмоғи зарур деган фикр ҳеч кимнинг хаёлига келмаса керак. Кўп фаройиб хато бўлар эди-да бу! Севги ҳар иккала жинс вакиллари учун бир-биридан батамом фарқланувчи оқибатларга олиб келади. Шундоқ бўлгач, уларнинг иккови ҳам бир хил дадиллик билан севги бағрига ўзларини ота оладиларми? Наҳотки, бир ҳақиқат аён бўлмаса — табиат бир жинсни меъёрдан чиқиб кетмайдиган эҳтиёткор қилиб яратмаган бўлса, ҳозирги эркак ва аёлнинг роллари ўртасида анчагина тенгсизлик мавжуд бор шароитда, қисқа бир муддат мобайнида ҳар иккала жинс ҳам ҳалокатга учраган бўлур эди ва инсон уруғини сақлаб қолиш учун раво кўрилган воситалар, аксинча, инсон зотининг ер юзидан бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келган бўлур эди. Тасаввур қилингки, аёлларнинг ҳирси жуда осон жунбушга келсин ва улар юракларида мудраб ётган, деярли сўнай деб қолган эҳтиросни осонгина ўт олдира олсинлар, тасаввур қилингки, дунёда шунақа бир шўрпешона мамлакат мавжуд-да, унда файласуфлар ана шу одатни жорий қилишсин ва бу, айниқса, эркакларга қараганда аёллар кўпроқ иссиқ иқлимли мамлакатда содир бўлсин — унда аёлларнинг зулмидан азоб чеккан эркаклар охир-пировардида қурбон бўлиб кетишар ва қаршилик кўрсатишга кучлари етмай қирилиб кетишарди.

Жониворларнинг урғочиларида аёллардан фарқ қилароқ ҳаё йўқ. Хўш, нима

бўлипти шундоқ бўлса? Уларга аёллардан фарқли ўлароқ айни ана шу ҳаёти жилаб турадиган ҳирс чекланмаган даражада ато этилган эмас-ку! Жониворларда ҳирс муайян эҳтиёж билан баравар тугилади ва шу эҳтиёж қондирилиши биланоқ ҳирс сўнади, шундан кейин улар эркакларининг хушторлигини ёлғондакамга эмас, чинакамга рад этадилар<sup>1</sup>.

Улар Августнинг қизи қилган қилиқларни мутлақо қилмайдилар ва кема тўлиб бўлган бўлса, унга яна ортиқча йўловчилар чиқишига сира ҳам йўл қўймайдилар. Жониворларнинг иштиёқ чоғлари қисқа муддатли бўлади ва тез ўтиб кетади; уларнинг ҳирсини инстинкт уйғотади ва инстинкт тўхтатади. Агар сиз аёлларни ҳаёдан маҳрум этсангиз, ана шу ҳирсини жилаб турадиган инстинкт ўрнини аёлларда нима бажаради? Аёллар эркак зотини ҳаёлларига бошқа келтирмасликлари учун эркакларнинг ҳаммаси ортиқ ҳеч нарсага ярамайдиган бўлиб қолмоқлари керак бўлади.

Яратганга инсон ҳар жиҳатдан улур қилиб яратиш маъқул бўлган: эркакка чексиз интилишлар, майллар ато этган ва айни чоғда, у эркин бўлмоғи ва ўзини бемалол бошқара билмоғи учун уларни жилаб турадиган қонун ато қилган. Яратган эркакка ўлчовсиз эҳтирослар ато этган ва айни чоғда, шу эҳтиросларни ўз изми билан ҳаракатга солмоқ учун эҳтирослар ёнига ақлни ҳам қўшиб қўйган. Аёлга чексиз иштиёқлар ато қилар экан, бу иштиёқлар ёнига ҳаёни ҳам қўшиб қўйганки, ҳаё тийиқсиз иштиёқларни жилаб туради. Буниси ҳали ҳолва — ўз қобилиятларини яхшилик йўлига сарфлаган одамга яратган сахийлик билан инъомлар ҳам беради. Мен ҳалол турмуш тарздан қўнглимизда пайдо бўладиган мамнуният туйғусини назарда тутмоқдаман. Менинг ўйлашимча, буларнинг ҳаммаси қудрати жиҳатидан жониворларнинг инстинктдан заррача қолишмайди.

Аёл эркакнинг иштиёқини қондиришга розими ёхуд бунга қаршилиқ қилдими, уларга ён беришга кўнадими ёхуд уларни рад этадими, барибир, тихирлик қилиб туриб олади, қаршилиқ кўрсатади, бироқ унинг қаршилиги ҳаммавақт ҳам бир хил кучга эга бўлавермайди, би-

нобарин, қаршилиқ ҳаминша ҳам муваффақиятли чиқавермайди. Хужум қилаётган одам ғалабага эришмоғи учун хужумга дучор бўлган одам ўз ихтиёри билан жиндай ён бериб турмоғи ҳам керак. Унинг макру ҳийласи қўп ва у жуда осонлик билан хужум қилаётган одамни куч ишлатишга мажбур қила олади. Бу иш энг эркин ва энг ёқимли ишдир. Шунинг учун бу ишда заррача ҳам зўравонлик кетмайди. Табиат ҳам, ақл ҳам зўравонликка қаршилиқ кўрсатади. Ахир, табиат заифроқ жинс вакилига ҳам истаган пайтларида қаршилиқ кўрсата олишлари учун етарли куч берган, ақлимиз эса бизга ён қиладики, зўравонлик учига чиққан қўполликкина эмас, балки бориб турган ақлсизлик ҳамдир, чунки зўравонлик қилган эркак ўзининг ёстиқдошига қарши уруш ёлон қилган бўлади ва унга ўзининг танини ҳам, ўзининг эркини ҳам ҳимоя қилишга ҳуқуқ беради. Бу ҳимояда аёл киши ҳатто хужум қилаётган эркакнинг ҳаётига ҳам тажовуз қилиши мумкин. Иккинчи томондан, ҳомилдорлик масалаларини аёлнинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди, агар истаган эркак оталиқ ҳақиқага эга бўлаверадиган бўлса, боланинг отаси бўлмаган бўларди.

Жинслар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг учинчи фарқловчи хусусияти қуйидагича: кучлироқ жинс вакили зоҳиранинга фармонбардор бўлиб кўринади, аслида эса, заиф жинс вакилига қарамдир. Буни эркак томонидан ночор, ҳимоясиз, заифа аёлга кўрсатиладиган тақаллуфу ёки эркаклик гуруридан тугилган олижаноблик билан изоҳлаб бўлмайди. Бу ўринда табиатнинг бузилмас қонуни амал қилади. Табиат шундай яратганки, аёллар ўз иштиёқларини осонгина ўт олдиришлари мумкин, эркаклар эса уларни қийналиброқ қондирадилар. Шундоқ бўлгандан кейин эркак киши аёлнинг ўзига нисбатан хайрихоҳлиги билан ҳисоблашмоғи ва ўз навбатида аёлга манзур бўлишга ҳаракат қилмоғи лозим. Эркак аёлга манзур бўлсагина, у эркакка ўз кучини намоёиш этишга имкон беради. Шундай қилиб, эркак ғалабага эришди дейлик. Лекин шунда ҳам унинг ичини бир шубҳа кемириб турса, унга уш ёқади. Эркак охиригача аниқ билмайдикки, у заифа мавжудот устидан ўзи-

<sup>1</sup> Мен кўп сўзлаганман: деярли ҳамма урғочи махлуқлар, ҳатто жониворларнинг урғочилари ҳам қўнглилари тусаб турган бўлса-да, нозу карашма сабабидан эркакнинг иштиёқини қайтаришга ҳаракат қилишади. Умрида уларни кўрмаган одамгина буни инкор этмоғи мумкин (*муаллиф изоҳи*).

нинг қудрати важдан ғалаба қозонди-ми ёхуд аёл унга ўз ихтиёри билан берилдими? Аёл зотининг энг оддий макри шундаки, у эркакнинг кўнглидаги ана шу шубҳани йўқ бўлишига йўл қўймайди. Аёл кишининг руҳий ҳаёти бошдан-оёқ унинг организмнинг хусусиятлари билан белгиланади: у ўзининг заифликларидан хижолат бўлишни ҳаёлига ҳам келтирмайди, аксинча, бу заифликларидан у фахр қилади, унинг мускуллари шу даражада ожизки, у ўз-ўзини ҳимоя қилолмайди; аёл ўзини энг енгил буюмни ҳам кўтара олмайдигандай қилиб кўрсатади: бақувват бўлмоқ унинг учун уят. Нима учун шундай? Бу ўринда гап инжамавжудот ролини ўйнаш хоҳишидагина эмас, бу ўринда бошқа бир но-зикроқ гап бор — аёл ўз-ўзини оқлашга баҳонани аввалданок тайёр қилиб қўйишни истайди, шундай қилса, зарур бўлган кезларда ўзининг заифлигини бемалол рўқач қилаверади.

Бизнинг бадкирдор асримизда маърифат бобидаги ютуқлар бу масаладаги қарашларни тубдан ўзгартириб юборди. Эндиликда биз аввалги даврлардан фарқ қилароқ, зўравонликлар тўғрисида гапирмай қўйдик, чунки бунга ортиқ ҳожат қолмади ва зўравонликка ҳеч ким ишонмайди<sup>1</sup>. Ҳолбуки, энг кейинги замонларда — юнонларда ҳам, яҳудийларда ҳам зўравонликлар тез-тез содир бўлиб турган. Ўша пайтларда ахлоқнинг анча жўн бўлганини эътиборга олсак, буни табиий ҳол деб қараш керак бўлади; фақат жуда кенг миқёсда тарқаган фисқ-фужургина бундай қарашларга хотима бера олади. Бизнинг замонамизда зўравонликлар тўғрисида камроқ эшитаётган бўлсак, бундай бўлаётганига сабаб, ҳозир эркаклар ўзини кўпроқ тиядиган бўлиб қолганида эмас, албатта. Қадимларда бобокалонларимиз ҳар насрага лаққа учиб ишониб кетаверишган, ҳозир бунақа лақмалар анча камайиб кетган. Ўтган замонларда бобокалонларимизни бемалол ишонтира олган шикоятлар бугунги кунда кўпчиликнинг истехлоли кулгисини қўзғайди, холос. Эндиликда индамай қўяқолган афзал бўлиб қолди.

“Инжил”да бир қонун бор — бу қонунга мувофиқ зўрланган қиз унинг номусига тажовуз қилган эркак билан баравар жазога мустаҳиқ қилинар эди.

Аmmo бунинг учун жиноят шаҳар ҳудудида рўй берган бўлмоғи керак эди. Агар борди-ю, жиноят шаҳардан ташқарида ёхуд кимсасиз чўли биёбонда содир этилган бўлса, унда эркакнинг ўзи жазога тортилар эди. “...Сабабки, — дейилади қонунда — бокира қиз дод деган, лекин уни қутқарадиган ҳеч ким бўлган эмас”. Ана шу лақма эскартиш қизларга огоҳлантириш ўрнида хизмат қилган — улар гавжум жойларда дабдурустдан қўлга тушиб қолмаслик учун доим эҳтиётларини қилиб юрмоқлари керак.

Қарашлардаги ўзгаришлар шунга мувофиқ хулқ-ахлоқдаги ўзгаришларни ҳам вужудга келтирди. Бунинг оқибатида ҳозирги тақаллуф вужудга келди. Эркаклар англадиларки, уларнинг хоҳишларининг қондирилиши авваллари ўйлаганларига қараганда кўпроқ даражада аёлларга бовлиқ экан, шунинг учун тақаллуф, хушмуомалалик, ширин сўзликни ишга солиб, ўзларини аёлга тобе қилишга тирришдилар. Айтмоқ керакки, уларнинг бу интилишлари жуда тез муваффақият қозонди.

Кўриб турибсизки, жисмоний ишлар сезилар-сезилмас даражада руҳий ишлар соҳасига кўчиб ўтади ва жинсларнинг бир-бирига дағал қўшиливи натижасида секин-аста муҳаббатнинг инжа қонуллари туғилиб туради. Аёллар эркаклар устидан ҳокимлик қилар эканлар, бу эркакларга маъқул келгани учун шундай қилмайдилар, балки аслида табиатнинг ҳукми шунақа: ҳали ҳеч ким уларни ўзининг ҳукмдори сифатида тан олмаган қадимий замонларда ҳам аёллар эркаклар устидан фармонбардорлик қилишган. Геракл эсингизда бор, албатта, ўзининг назарида у Феспийнинг элликта қизи устидан зулмини ўтказиб зўравонлик қилган. Охир-пировардида эса у Омфаланинг оёғи томонида ўтириб, чарх йигиришга мажбур бўлади, қудратли Самеон эса Даниладан ожизроқ бўлиб чиқади. Аёллар ўз ҳокимиятларидан мудом фойдаланадилар ва буни уларнинг қўлидан тортиб олиб бўлмайди, улар ҳатто ҳукмдорликларини суиистеъмол қилган тақдирларида ҳам, уларни бундан маҳрум қилиб бўлмайди. Агар улар ўз ҳокимиятларини бой бериб қўйишлари мумкин бўлганда эди, аллақачон ундан маҳрум бўлиб қолишар эди.

<sup>1</sup> Эркак аёлга нисбатан ёши анчагина катта бўлса ва аёлдан кучлироқ бўлсагина зўравонлик майдонга келиши мумкин. Бироқ мен ўз мулоҳазаларимда табиатнинг ўзи белгилаб қўйган жинслар аро муносабатларни, одатдаги аҳволни назарда тутяпман. (*Муаллиф изоҳи*).

Эркак ва аёлнинг ҳаётида жинс жинс сифатида мутлақо ҳар хил роль ўйнайди. Эркак муайян дақиқалардагина эркаклик сийғига эга бўлади, ургочи эса бутун умри мобайнида ургочи бўлиб қолаверади, жилла бўлмаса, ёшлик йилларида шундай бўлади. Унинг теварагини куршаб олган нарсаларнинг ҳаммаси аёлга унинг жинсини доимий равишда эслатиб туради; ўзининг зиммасидаги вазифани ўринлатиб бажармоқ учун аёл киши шунга мувофиқ тарзда ҳаёт кечирмоғи керак. Ҳомилдорлик пайтида аёл киши бениҳоя эҳтиёткор бўлмоғи керак, кўз ёрийдиган кезларда унга тинчлик ва истироҳат зарур, фарзандини эмизар экан, оғир жисмоний меҳнат қилмаслиги, оғир юк кўтармаслиги лозим, фарзандини тарбиялаб улгайтирмоқ учун аёлга сабр-тоқат, майинлик, ғайрат ва ҳар қандай тўсиқни енгиб ўта оладиган муҳаббат даркор. Аёл фарзандлар билан уларнинг отасини бир-бирига боғлайдиган ҳалқадир, у отага фарзандларга нисбатан меҳр-муҳаббат сингдиради ва унга фарзандларни ўзиники деб аташга ҳақли эканига ишонч бахш этади. Оилада тинчлик ва тотувликни, аҳилликни барқарор этмоқ учун аёл киши нечоғлик ғамхўрлик қилади, юрак тафтини, меҳрини аямайди. Яна шуни қўшиб қўяйликки, буларнинг ҳаммасини аёл ахлоқ талабларини адо этмоқ юзасидан эмас, балки қалб амри билан қилади. Чунки аёл фақат ахлоқ талабларига риоя қилиш билан чекланадиган бўлса, инсон зоти қисқа муддатда йўқ бўлиб кетар эди.

Ҳар иккала жиндан ҳам зиммаларидаги ўзаро мажбуриятни сира оғишмай, қатъий бажаришларини талаб қилиб бўлмайди. Бу борада мавжуд бўлган тенгсизликни кузатар экан, аёл адолатсизликдан зорланади ва ҳаммасига эркакни айбдор деб билади. Бироқ у ҳақ эмас. Бу тенгсизлик инсон ихтиёри билан вужудга келган эмас; ҳар ҳолда, унинг замирида мутаассиблик ётмайди, балки у ақл талабларига асосланади: уларнинг икковидан бирига табиат фарзандларни улгайтириб вояга етиштиришни юклаган экан, у болалар учун ҳамроҳи олдида жавобгар бўлади. Албатта, ҳеч ким омонатга хиёнат қилмаслиги керак. Эрнинг садоқати аёлнинг жуда оғир бурчни бажариш эвазига оладиган яккаю ягона мукофотиدير. Эркак хотинини шу мукофотдан ҳам маҳрум қиладиган бўлса, жуда катта адолатсизликка ва бағритошликка йўл қўйган бўлади. Аммо бевафо хотин бун-

дан ҳам оғирроқ жиноят содир қилган бўлади — у оилани барбод қилади ва табиат ато қилган ҳамма ришталарни узиб ташлайди; эридан эмас, бошқа бегона эркақдан фарзанд туғиб, аёл ўзининг қонуний болаларига ҳам хиёнат қилади. Бундай бевафолик билан хиёнат бир-бирига қўшилиб кетади. Аёлнинг бунақа бадқирдорлигидан қанақа аламли нифоқлар вужудга келади-ю, қанақа жиноятлар содир бўлади! Шурпешона отанинг қандай муҳқиш аҳволга тушиб қолишини кўз олдингизга келтиринг: хотини унинг ишончини поймол қилгандан кейин ота ўзининг энг инжа туйғуларига эрк беришга журъат қилолмай қолади, чунки у боласини ўпар экан, “бу бегонанинг боласи эмасмикин? Мени шарманда қилган ва ўз болаларининг хотиржамлигига путур етказган бола шу эмасмикин?” деган гумон унинг юрагини ўртайди. Бунақа ҳолларда оила нимага айланади? Оила иккита душман одамнинг ёлғон иттифоқи бўлиб қолмай-дими? Жинояткор аёл икки кишини бир-бирига қайраб қўйиб, уларни ёлғондан муҳаббат ишлари билан боғлангандай қиёфа касб этишга мажбур қилмай-дими?

Шундай қилиб, аёл нафақат вафодор бўлмоғи керак, балки у ўзининг эри томонидан, яқинлари томонидан, жамики одамлар томонидан вафодор аёл сифатида эъозланиши ҳам зарур. Аёл камтар, камсуқум, ғамхўр, меҳрибон, босиқ бўлмоғи ва нафақат ўзининг фазилатларини ўзи англаб яшамасдан, балки ҳамманинг ва ҳар бир одамнинг назарига фозила бўлиб кўринмоғи лозим. Ниҳоят, яна бир гап: агар ота ўз фарзандларини яхши кўриши муҳим бўлса, ота фарзандларининг онасини ҳам ҳурмат қилмоғи керак. Бундан шундай хулоса чиқадики, аёл ўзининг иффатини қандай тоза сақласа, обрўйига доғ тушмаслиги тўғрисида шунчалик ғамхўрлик қилиши, номус-орини ва покиза номини доимо ҳимоя қилишни ҳам ўйламоғи даркор. Икки жинснинг ахлоқи масаласида тафовутлар мавжуд экан, аёлга нисбатан янги талаб майдонга келади. Бу талаб биз баён қилган жамики принциплардан туғилади. Бу талаб шундан иборатки, ҳамма одоб қоидаларига оғишмай риоя қилиш керак, ўзининг хулқатворингни, қилиқларингни, гапириш оҳангларингни кузатиб бормоқ лозим. Иккала жинс ҳам тенгдир ва уларнинг зиммаларидаги вазифалари ҳам бир хилдир, демак, қуруқ сафсатадан бошқа нар-

са эмас, бу — ҳеч ким эътироз билдирмаганидан фойдаланиб айтилган беъмаъни гап.

Сиз бирор истисно ҳолни мисол тариқасида келтирадиган бўлсангиз, наҳотки шу қадар асослаб берилган умумий қонунларга қарши айтган эътирозингизнинг салмоғи бўлади деб ўйлайсиз? Сиз ҳамма аёл ҳам бола туғавермайди дейишингиз мумкин. Ҳа, тўғри. Лекин шунга қарамай, аёл келгуси авлодларга ҳаётбахш этувчи зотдир. Нечук? Бирон-бир юзтами, ундан кўпроқми ё камроқми катта шаҳарлар мавжуд. У ерда бузуқлик билан ҳаёт кечирувчи аёллар кам туғишни одат қилиб олишган бўлсин. Сиз пуни рўқач қилиб, аёлларнинг кам туғиши табиий ҳол демоқчи бўласиз. Аммо шаҳарлар теварагидаги қишлоқлар бўлмаса, у ерда покиза ҳаёт кечирувчи аёллар бўлмаса ва улар аҳолининг кўпайишига қисир хонимлар<sup>1</sup> томонидан етказиладиган зарарни қоплаб турмаганда сиз айтган шаҳарларнинг аҳволи қандай кечарди? Шундай вилоятлар борки, у ерларда тўртта ёки бешта бола кўрган аёллар кам туққан тоифасига киритилади. Ва умуман олганда, айрим аёлларнинг кам бола туғиши бирор муҳим аҳамиятга эгами? Ахир, аёл киши учун она бўлиш табиий бир ҳол эмасми? Ахир, табиатнинг асосий қонунлари ва жамиятнинг мавжуд расм-русумлари ҳамда одатлари томонидан оналик муҳофаза қилинмайдими?

Фараз қилайликки, аёл киши аҳён-аҳёндагина ҳомилдорлик ҳолатини бошидан кечирадиган бўлсин. Бироқ у ҳар гал бирон жазога мустаҳиқ бўлмай ёки бирон жиддий хатарга рўпара келмай, ўзининг ҳаёт тарзини кескин ўзгартира оладими? Аёл киши бугун бола эмизадиган она, эртага қўлида қилич билан жанг қиладиган сарбоз бўла оладими? Калтакесак зарур бўлганда рангини ўзгартириб, бошқа тусга кириб олганидек, аёл киши ўз турқини, феъли-атворини, дидини ўзгартира оладими? Аёл киши кўкқисдан рўзғор ташвишларини йиғиштириб қўйиб, ўзининг холи ҳужрасини тарк этиб, очиқ майдонларга, тоза ҳавога чиқиб кета оладими? Шамоллар ва

ёгин-сочинларга, муҳтожликлар, хавфхатарлар, қийинчиликлар ва жангу жадалларга қарши кўкрак кериб бора оладими? Аёл бирда ҳуркак<sup>2</sup>, бирда жасур, бирда инжа, бирда баққувват бўла оладими? Парижда тарбия кўрган ёш йигитиянларнинг ҳарбий ишларда қийналар эканлар, бундай қийин синовларга офтобда чиниқиб тобланмаган, кўп юришга ўрганмаган, бунинг устига бутун умрини ҳашам ва фароғатда ўтказган аёллар дош бера олармиди? Эркаклар ҳарбий хизматни тарк этадиган ёшига етган аёллар бу қийин хунарни эгаллаб ола билдиларми?

Шундай мамлакатлар борки, у ерда аёллар ҳомиладан ҳеч қийналмай, деярли дардсиз бўшаладилар ва болаларини ҳам қийинчиликсиз, бемалол эмизиб катта қилишади. Аммо бу мамлакатларда аёллар шундай бўлгани билан эркаклар бутун йил давомида ярим яланғоч юришади, йиртқич ҳайвонлар билан яккама-якка олишишади, бирор қопни орқалагандек, қайиқларини орқалаб, кўтариб юришади, етти юз-саккиз юз чақирим масофага овга боришади, кўрпачи қуруқ ерда ётиб ухлашаверади, ақл бовар қилмайдиган ҳар хил мушкулотларга дош беришади ва бир неча кунлаб туз тотмай юришади. Аёллар бақувват тортишганда эркаклар бу жиҳатдан улардан анча илгарилаб кетган бўлади, эркаклар истироҳатга берилиб, майин тортиб қолганда, аёллар улардан ортиқроқ даражада истироҳатга бериладилар. Жинслар қай бир даражада ўзгаришларга дучор бўлишмасин, улар ўртасидаги тафовут сира ўзгармай қолаверади.

Афлотун ўзининг “Жумҳурият” аса-рида аёлларни эркакларга аталган машқларни бажаришга мажбур қиладди. Мен бунга сира ажабланмайман. Ўз давлатида оилани бартараф этган ва аёлларни нима қилишни билмай қолган Афлотун уларни эркакка айланттиришга мажбур бўлган. Бу ажойиб даҳо ҳамма ҳисобкитобни қилиб қўйган, ҳаммасини аввалдан чамалаб қўйган. Эҳтимолки, унинг гапларига ҳеч ким эътироз билдирмас ҳам эди, лекин у ана шу бўлиши мумкин бўлган эътирозларнинг жавобини олдин-

<sup>1</sup> Агар шундоқ бўлмаганда бутун инсоният уруғи муқаррар равишда қирилиб кетар эди. Инсонлар авлоди мудом давом этмоғи учун ҳар битта аёл ўрта ҳисобда тўрттадан бола туғмоғи керак. Туғиладиган болаларнинг ярми ўзи фарзанд кўришга улгурмай ўлиб кетади. Улардан камиди ота ва она бўлишга ярайдиган иккитаси омон қолмоғи керак. Наҳотки, шаҳарлар шу эҳтиёжни қоплай олади деб ўйлайсиз? (Муаллиф изоҳи.)

<sup>2</sup> Аёлларга хос бўлган ҳуркаклик табиат томонидан уларга инъом этилган инстинкт ҳомилдорлик пайтида аёлнинг ўзини ҳам, ҳомиласини ҳам асрайди. (Муаллиф изоҳи.)

дан бериб қўймоқчи бўлган. Бўлган-у, шу аснода бир қўпол хатога йўл қўйган. Бу хато учун ҳамма унга дашином бериб келади. Мен хотинлар ўртада бўлиши керак деган сохта мулоҳаза тўғрисида гапирарганим йўқ. Кўпинча Афлотун шундай деган деб, унга таъна қиладилар. Ҳолбуки, бундай таъна қилувчилар шу гаплари билан Афлотунни бутунлай ўқимаганликларини фош қилиб қўядилар. Мен бошқа нарса тўғрисида гапиряпман: фуқаролик муносабатлари бора-сида иккала жинс вакиллари битта мансабга қўйиб бўлмайди, уларнинг икковига бир хил иш топшириб бўлмайди, чунки бунинг оқибатида муқаррар тарзда мансабни чидаб бўлмайдиган даражада суиистеъмол қилиш бошланади. Мен бизга табиат тухфа этган энг инжа туйғуларни махф этмаслигимиз зарурлиги ҳақида гапиряпман. Бу туйғуларни аллақандай сунъий туйғуларга қурбон қилиш керак эмас. Лекин сунъий туйғулар табиий туйғулардан озиқланибгина яшамоқлари мумкин. Ахир, шартли алоқалар табиий ришталар заминидан пайдо бўлмайди? Ахир, яқинларимизга, қариндош-уруғларимизга муҳаббатимиз ватанимизга бўлган муҳаббатимизнинг гарови эмасми? Ахир, оиламиз бизнинг кичкина ватанимиз эмасми ва шу кичкина ватан бизни катта Ватанимизга боғлаб турмайди? Ахир, яхши фарзанд, яхши эр, яхши ота дегани айни чоғда яхши фуқаро ҳам эмасми?

Биз шуни исбот қилиб бердикки, эркак билан аёл бир хил характерга, бир хил темпераментга эга бўла олмайдилар. Бундан шундай хулоса чиқадики, уларнинг тарбияси ҳам бир хил бўлмаслиги керак. Табиат таъсиридан келиб чиққан ҳолда эркак ва аёл ҳамжиҳат ҳаракат қилмоқлари керак, лекин икковлари ҳам бир хил иш қилмасликлари шарт. Уларнинг меҳнатлари ягона мақсадга қаратилган бўлади, лекин бу меҳнатлар бир-биридан фарқ қилади.

Бинобарин, уларни илҳомлантирадиган майллари ҳам ҳар хилдир. Биз табиий эркак образини яратишга уриниб кўрдик, энди шу эркакка мувофиқ келувчи аёл характери қандай таркиб топиши кераклигини кўриб чиқайлик.

Агар сиз ҳаммиса ўзингизга яхши раҳнамолик қилишларини истасангиз, албатта, табиат кўрсатмаларига амал қилинг. Жинсга алоқадор нимаики бўлса, ҳаммасини табиат томонидан белгилаб қўйилган нарса сифатидан ардоқламоқ

керак. Сиз тинимсиз равишда “Аёллар фалон-фалон қусурларга эга, бу қусурлар бизда йўқ” деган гапни такрорлаб юрасиз. Лекин биллиб қўйингки, бу масалада мутакаббирлигингиз сизга панд бериб қўяди — сизга қусур бўлиб кўринган нарса аёллар учун фазилат бўлиши мумкин. Агар аёллар шу сифатларга эга бўлмасалар, ҳаётнинг кечиши анча мушкулроқ бўлиб қолар эди. Бу ёлгондакам қусурларнинг ўсиб, бадбашара тус олиб кетишига йўл қўйманг, лекин уларни тағтуги билан йўқ қилиб ташлашдан ўзингизни тийинг.

Ўз навбатида аёллар ҳам тинимсиз гавво кўтаришади — гўё биз улардан шуҳратпараст сатанглар тарбиялар эмишимиз, гўё улар устидан ҳукмронлик қилишимиз осонроқ бўлмоғи учун турли-туман ҳуда-беҳуда нарсалар билан уларнинг миясини қотирар эмишимиз. Шунанга ҳам бемаънилик бўладими? Ахир, эркаклар қачондан бери ойимқизлар тарбиясига аралаша бошладилар? Қизларини кўнгиллари тусангандай тарбиялашга оналарга ким халақит беряпти? Ё қизлар учун махсус коллежлар йўқми? О, нақадар мудҳиш бахтсизлик! Кошки эди худо шундай қилсаки, ўғил болалар учун ҳам коллежлар йўқ бўлиб қолса! Ўшанда ўғил болаларнинг тарбияси ҳозиргига қараганда бир неча баробар оқилонроқ бўлиб қолармиди? Улар янада ҳалолроқ қоидалар асосида улғаярмиди? Бизнинг қизларимизни ҳар хил бўлмағур нарсаларга вақт сарфлашган ким мажбур қиляпти? Ким уларни сизга таассуб қилиб умрининг ярмини пардоз-андоз билан ўтказишга мажбур қиляпти? Уларни ўзингиз ўқитиб қўяқолсангиз бўлмайди? Уларга кўнглингиз тилагандай таълим берсангиз бўлмайди? Ким халақит беради бунга? Қизлар ўзларининг ҳусни таважжуҳлари билан бизни мафтун этишади, нозу карашмалари билан бизни йўлдан уришади, манзур бўлиш санъатини сиздан ўрганишиб, бизни ўзларига жалб қилишади ва кўнглимизни олишади, улар дид билан чиройли кийинишганда биз улардан кўз узолмай қоламиз. Хўш, шуларнинг ҳаммасига биз айбдоримизми? Улар қуролларини чархлар экан, биз маҳлиё бўлиб индамай қараб тураверамиз, кейин шу қурол билан бизнинг устимиздан галаба қозонишади. Начора, майли, уларни эркакдай тарбиялашга уриниб кўринг. Бунга улар бажонидил рози бўлишади. Аммо улар эркакларга қанча кўп ўхшасалар, уларни шунча кам бошқара

оладилар — шунда эркаклар чинакамига уларнинг ҳукмдорлари бўлиб олишади.

Иккала жинс ҳам бир хил қобилиятга эга, лекин бу қобилият уларда барабар даражада эмас. Аммо ҳар қайси жинсда бирон-бир сифатларнинг етишмаслиги қарама-қарши сифатлар эвазига тўлдирилади. Эркак ролини ўйнайдиган аёлдан кўра охиригача тўқис аёл бўлиб қоладиган аёл кўпроқ қимматга эга; ҳар гал аёл киши ўзининг ҳақ-ҳуқуқини талаб қилганида, у бизнинг устимиздан устунликка эришади; ҳар гал аёл киши бизнинг ҳақ-ҳуқуқларимизни эгаллаб олишга ҳаракат қилганида у биздан тубан тушиб кетади. Бу аён кўриниб турган ҳақиқатдир, унга эътироз билдирмоқчи бўлганлар истисно мисолларга таянибгина иш юритишлари мумкин. Одатда, гўзал хонимларнинг сертакаллуф мухлислари шунақа далилларни рўкач қилишади.

Аёлларнинг ўзига хос хислатларига эътибор бермай, уларда эркакларга хос хислатларни ўстиришга уриниш — очиқдан-очиқ уларнинг зарарига ҳаракат қилишдир. Бироқ маккора аёллар гап нимада эканини тезгина пайқаб оладилар ва ўзларини алдашларига йўл қўймайдилар; улар бизнинг устунликларимизни эгаллаб олишга тиришар эканлар, ўзалирининг устунликларидан воз кечишни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Лекин улар бирини иккинчиси билан қовуштиришга муваффақ бўлмайдилар, чунки бу фазилатлар мутлақо бир-бири билан қовишмайдиган фазилатлардир. Бунинг оқибатида аёллар бизнинг даражамизга эришмоққа чоғлари келмай, ўз даражаларидан ҳам пастроққа тушиб кетадилар ва анча нарса йўқотадилар. Сиз ақли расо онасиз — менинг маслаҳатимга қулоқ осинг: қизингиздан бетавфиқ эркак етиштирманг, ундан бетавфиқ аёл етиштиринг. Сизни ишонтириб айтаманки, шундай қилсангиз, қизингизнинг ўзига ҳам, сизга ҳам яхши бўлади.

Бу гаплардан қиз болага фақат рўзгор юритиш бобида сабоқ бериб, қолган масалаларда уни нодонлигича қолдириш керак деган хулоса келиб чиқадики? Наҳотки, эркак киши бутун умри давомида унга ҳамроҳлик қиладиган аёлни ўзининг оқсочига айлангириб олса? Наҳотки, у яхши тарбия кўрган аёлнинг улфатчилигидан баҳраманд бўлишдай улуг лаззатдан ўзини ўзи маҳрум этса? Наҳотки, у аёлни ўзига бутунлай тобе қилиб олиш учун унга оламга бефарқ

қарашни ўргатса ва ҳеч қандай билимни раво кўрмаса? Наҳотки, у аёлни алланечук тирик бир кўғирчоққа айлантирса? Албатта, йўқ! Аёлга бениҳоя нафис ва зийрак ақл ато қилган табиат мутлақо бунга талаб қилмайди. Аксинча, табиатга бошқа нарса маъқул келади — аёл фикр юритсин, ўзининг қарашларига, муҳокамасига эга бўлсин, у севсин, билимларга эга бўлсин, чехрасининг гўзаллигини сақлаш масаласида қандай ташвиш чекса, ўзининг ақлий камолоти тўғрисида ҳам шундай қайғурсин. Аёлдаги кучнинг етишмаслиги эвазига табиат унга ана шу қуролни берган. Шу қурол ёрдамида у бизнинг кучимизга ҳам раҳнамолик қилади. Аёл киши на фақат билиши лозим бўлган нарсаларни, балки яна бошқа кўп нарсаларни ҳам билиб олмоғи керак бўлади.

Мен аёл жинсининг зиммасидаги алоҳида вазифа тўғрисида мулоҳаза юритаманми, унинг майлларини ўрганаманми ёхуд мажбуриятларини назардан ўтказаманми, барибир муқаррар тарзда битта хулосага келаман: аёл учун мутлақо ўзгача тарбия керак. Аёл билан эркак бир-бирлари учун яратилган, бироқ улар бир-бирларига баравар боғлиқ эмаслар; эркак аёлга шу жиҳатдан боғлиқки, аёл унинг иштиёқини қондиради. Аёл эркакка шу жиҳатдан боғлиқки, эркак аёлнинг ҳам иштиёқини, ҳам эҳтиёжларини қондиради. Аёл кишининг бизсиз яшамоғи душвор, лекин биз аёлсиз яшамоғимиз мумкин. Ҳаётда ҳамма зарур нарсага эга бўлмоқ ва муайян мавқени эгаллаб турмоқ учун аёллар буларни бизнинг қўлимиздан олмоғи керак. Биз эса аёллар шунга арзийди деган ишонч билан ихтиёрий равишда уларни ҳамма неъматлар билан таъминлаб турмоғимиз зарур. Биз аёлларни яхши кўраимизми-йўқми, уларнинг хизматларини қадрлаймизми, уларнинг ҳусн таважжуҳлари ва фазилатлари қаршисида бош эгамизми-йўқми — аёллар буларнинг ҳеч қайсисига бефарқ қараёлмайди. Табиатнинг ўзи шундай қилиб қўйганки, аёл ўзининг иззат-обрўси маъносида ҳам, фарзандларига муносабат борасида ҳам тўлалигича эркакнинг унга берадиган баҳосига боғлиқдир. Аёл кишига ҳурматга муносиб бўлмоқнинг ўзи кифоя эмас, у, албатта, ҳурматга сазовор ҳам бўлмоғи керак. Унга гўзал бўлишнинг ўзи етмайди, у, албатта, кимгадир ёқмоғи зарур. Унга ақли расо бўлишнинг ўзи камлик қилади, уни



“ақли расо” деб ҳурмат қилмоқлари ҳам даркор, нафақат аёл ўзини муносиб тутмоғи лозим, балки унинг номи покиза, шаънига доғ тушмаган бўлмоғи жоиз. Одамлар “номуссиз” деб аташса индамай кўниб кетаверадиган аёл ҳеч қачон виждонли аёл бўлмайди. Эркак киши бирон яхши ишга қўл урад экан, бошқа бировларнинг қарашларига боғлиқ бўлмайди ва жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмаслиги мумкин. Аммо аёл киши яхши ишга қўл урадиган бўлса, унинг учун ишнинг ўзи мутлақо кифоя эмас; аёл учун унинг ўзининг ҳақиқий фазилатидан кўра ҳам кўпчиликнинг у тўғридаги фикри муҳимроқдир. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, йигит-ялангга қараганда қиз болага нисбатан бутунлай бошқача тизимдаги тарбияни қўллаш керак. Одамларнинг назари эркакларнинг олижаноблиги учун бамисоли гўристондир ва у шундай бир тахти равондирки, унда аёлнинг олижаноблиги тантана қилади.

Болаларнинг гавда тузилиши оналарнинг гавда тузилишининг яхши-ёмонлигига боғлиқ; эркак кишининг маънавий қиёфаси унинг болалигида аёл киши берган тарбияга боғлиқ. Эркак кишига муайян одатларни, эҳтиросни, дидни, у ёки бу лаззатларга мойилликни сингдириш аёл кишига боғлиқ ва ниҳоят, эркакнинг бахти ҳам аёлга қараб қолган. Шунинг учун аёлни тарбиялаётганда унинг эркак киши билан ўзаро алоқасини назарда тутиш керак. Эркакларга аёлларга фойда келтирадиган бўлиш ёқади; улар аёлларнинг ҳурмат-эътиборини, муҳаббатини қозонишни хоҳлашади, гўдаклик чоғларида уларни тарбиялашни, балоғатга етишганда уларга хушторлик қилишни, маслаҳатлар беришни, тасалли топтиришни, уларнинг турмушини енгил ва шодмон қилишни ёқтирадилар. Ҳамиша ҳамма замонларда аёллар зиммасидаги мажбуриятлар шундай бўлиб келган ва аёлларга болалик чоғиданоқ ишларнинг ҳаммасини ўргатиш лозим. Агар биз шундан келиб чиқиб иш юритмасак, асосий мақсаддан чалғиб кетамиз ва кейинчалик аёлларга ҳар қанча насиҳат қилмайлик, бу насиҳатлардан на аёлларга, на ўзимизга фойда бўлади.

Гарчи ҳар қандай аёл ҳам манзур бўлишни истаса ва буни исташи керак бўлса ҳам, яхши тарбия кўрган, хушфёъл, хушмуомала одамга манзур бўлишга интилмоқ бир нарса-ю, номуносиб одамга манзур бўлиш бир нарса. Эркакларнинг

орасида шундайлари ҳам борки, тили ширин бўлгани билан, ўзи икки пулга қиммат. Бундайлар ўз жинсининг шаънига доғ туширади, қайси жинсга тақлид қилса, уни ҳам шарманда қилади. Бундайларга манзур бўлишга интилган аёл панд еб қолиши ҳеч гап эмас. На табиат, на ақл-идрок аёлларга занчалиш эркакларга кўнгил беришни раво кўрмайди. Иккинчи томондан, аёл эркак кишининг қилиқларини қабул қилиб олса, яна унинг ўзини ҳам тобе қилиб олишни ўйламаслиги керак. Шунинг учун ўз жинсига хос бўлган камтарлик ва камсуқумликдан воз кечиб, шу занчалишларнинг қилиқларини ўзлаштириб олар экан, аёллар ўз бурчларига хиёнат қилган, уни унутиб қўйган бўладилар; бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини эгаллаб оляпман деб ўйлаган аёл ўзининг асл ҳақ-ҳуқуқларини бой бериб қўяди. Агар биз ўзимизни бошқача тутадиган бўлсак, эркакларга манзур бўлмай қоламиз дейишади улар — улар бекорларни айтишипти. Тентакларни яхши кўрмоқ учун тентак бўлмоқ керак, ўшанақа афандиларга манзур бўлмоқни хоҳловчи аёллар ўзларининг дидсизлигини ошқора қилишади, холос. Агар дунёда енгилтак эркаклар бўлмаганда эди, бундай аёллар уларни ўзлари бунёд қилиб олган бўларди.

Эркаклар ўзларининг енгилтакликлари учун аёллардан кўпроқ миннатдор бўлмоқлари керак, аёллар эса шу сифатлари учун бизнинг жинс вакилларига камроқ қўллуқ қилишса ҳам бўлаверади. Чинакам эркакни яхши кўрадиган ва унга манзур бўлишни истаган аёл шунга мувофиқ чора-тадбирлар кўради. Аёл киши табиатан нозу карашмали қилиб яратилган, бироқ унинг нозу карашмалари ҳар хил тусга кирмоғи мумкин. Бу аёл кимни, нима мақсадда мафтун этмоқчи эканига боғлиқ. Унинг истак-интилишларини табиат зиммасига юклаб қўйган мақсадга мувофиқлаштирайлик. Шундай қилсак, аёл тегишли тарзда тарбия кўрган бўлади.

Қиз болалар туғилган кунидан десак ҳам лоф бўлмас, яхши либосларга ўч бўлади. Унга ўзининг хушрўй, бежирим экани камлик қилади, у хоҳлайдики, ҳамма унга суқланиб боқсин. Уларнинг бутун қилиқлари далолат берадики, қизларни ташвишга соладиган асосий нарса — шу. Гапга тушуна бошлашлари биланоқ уларга бир нарсани сингдирса бўлади — улар бошқаларнинг ўзлари тўғрисидаги фикрлари билан ҳисоб-

лашмоқлари даркор. Агар ўғил болалардан ҳам ўзгалар фикри билан ҳисоблашмоқни дарров талаб қиладиган бўлсак, ҳеч нарсага эришмаслигимиз мумкин. Улар учун энг муҳими — ҳамма нарсани ўзлари хоҳлагандай бажо келтириш ва кўнгиллари тусогандай мириқиб ўйнаш; ўзлари тўғрисида қим нима ўйлаётгани парволарига келмайди. Фақат анча вақт ўтгандан кейин катта қийинчиликлар билан уларни ҳам ўша қонунга бўйсундириш мумкин бўлади.

Қизалоқлар бу сабоқни кимдан олганларидан қатъи назар, бу уларга жуда фойдалидир. Тан жондан аввал туғилади деган гап бор. Шундоқ экан, аввало танни машқлар билан чиниқтирмоқ лозим; бундай машқлар ҳар иккала жинс вакиллари учун ҳам зарур. Аммо уларда кузатиладиган мақсад бошқа-бошқа: эркак жинсидагиларни чиниқтирганда уларнинг кучини кўпайтириб, бақувват қилиш назарда тутилади, аёлларни чиниқтирганда эса уларнинг сарвқомат бўлиши, нафосат ва латофат эгаси бўлмоғи кўзда тутилади. Юқорида зикр этилган сифатлар фақат эркакка ёки фақат аёлгагина хос бўлиб қолмоғи керак, демоқчи эмасман, бироқ эркак ва аёл бу сифатларга тескари нисбатда эга бўлмоғи керак: аёллар нимаики иш қилса, ҳаммасини латофат ва назокат билан адо эта олмоғи учун бир қадар кучга эга бўлмоқлари зарур ва эркаклар ҳам ўз машқларини қийналмай бажармоқлари учун бир қадар кўпол бўлмоқлари жоиз.

Ҳаддан ташқари нозиклашиб кетган аёлнинг бу хислати эркакка ҳам юқади. Аёллар эркакларга ўхшаб бақувват мускулларга эга бўлмоқлари шарт эмас, аммо улардан туғиладиган ўғил болалар бақувват бўлмоғи учун аёлларнинг ўзлари ҳам старли даражада соғлом ва бақувват бўлмоқлари шарт. Шунинг учун қизларни ота-оналарининг уйида эмас, монастыр пансионларида тарбиялаш афзалроқ кўрилади. Монастир пансионларда уларга хашакироқ овқатлар берилади. Тинимсиз ҳаракатда бўлишади, ҳар куни сайр қилишади, очиқ ҳавода, боғларда ўйинкулгу қилишади. Ота-оналарининг уйларида эса ҳар хил нозик таомларни қалаштириб ташлашади, суйиб-эркалашади ёхуд койиганда ҳам суйиб койишади, кун бўйи диққинафас хоналарда оналарининг қоровуллигида ўтиришга мажбурдирлар. Улар на эркин нафас олишга, на ўйнаб-кулишга, югуришга, ёш болаларга хос

тарзда яйраб, бақириб-чақиршишларга журъат қиладилар...

Қизларни ҳамма итоатда сақлаш лозим, аммо оналар ҳаммавақт ҳам дийдаси қаттиқ, багритош бўлавермасликлари керак. Қиз боланинг итоаткор бўлмоғига эришмоқ учун, албатта, уни бахтсиз, шўрпешона қилиш керак эмас ёки қиз болада камтарликни тарбиялаш учун уни бутунлай бефаросат қилиб қўймоқ талаб қилинмайди. Аксинча, мен ўйлайманки, қиз бола жиндай уддабурон, жиндай топқирроқ бўлса, бунинг ҳеч қанақа ёмон жойи йўқ. Агар у топқирлигини бирор гуноҳ қилиб қўйиб, кейин жазодан қутулиб қолиш учун эмас, балки итоатга жиндай чап бериб қолмоқ учун ишлатса чакки бўлмайди. У зинҳор-базинҳор биров ўзига зулм қилаётганини ҳис қилмаслиги керак, у ўз мустақиллигини англаб етса, кифоя. Маккоралик унинг жинсига хос бўлган хусусият. Шунинг учун ҳамма табиий майллар моҳият-эътибори билан яхши эканига ва олижаноб мақсадларга хизмат қилишига имоним комил бўлгани учун ўйлайманки, қизларда бошқа сифатлар билан бирга маккораликни ҳам тарбиялаб ўстириш керак, фақат қизлар ўзларининг муғомбирликларини суиистеъмол қилишмаса, бас!

Шубҳам йўқки, ҳар қандай ҳалол кузатувчи одам бу мулоҳазанинг тўғрилигини тан олади. Бу борада балоғат ёшидаги аёлларнинг аҳволини кузатишга ҳожат йўқ. Ҳозирги мавжуд ижтимоий тартибот шароитида улар доимий равишда ҳар хил чекланишларга рўпара келмоқдалар, бу эса уларни ўз ақлларини доимо чархлаб туришга мажбур қилади. Мен ўйлайманки, қизалоқларни кузатиб бормоқ керак — қизалоқларни туғилиши биланоқ кузатишга бошласа ҳам зарар қилмайди. Уларни уларга тенгкўр ўғил болалар билан таққослаб кўринг — ўғил болалар қизалоқларнинг олдида жуда бефаросат, бесўнақай, овсарроқ кўринадилар. Менга болаларга хос жўн бир муғомбирликка мисол келтиришга изн сўрайман.

Одатда дастурхон устида болаларга бирон нарсани сўраб олишга руҳсат берилмайди; болаларни сон-саноқсиз лужумсиз қондаларга риоя қилишга мажбур этиш йўли билангина тарбияда катта муваффақиятларга эришмоқ мумкин деб ҳисобланади. Наҳотки, бола бирор луқма хушхўр нарсанинг илинжида кўзлари тўрт бўлиб, ёниб ўтиргани яхши бўлса? Ундан кўра бу луқмани болага

шартта бериб қўя қолган маъқул эмасми? Шунақа тақиқлар исканжасига тушиб қолган ва муғомбирлик қилган бола ҳақидаги ҳикояни ҳамма билади: тамадди вақтида болани унутиб қўйишипти, у туз сўрапти ва ҳоказо... Бироқ, айтмоқ керакки, туз сўрагани ва шу билан бавосита бир бўлак гўшт ҳам сўраганлиги учун бола муқаррар равишда жазога тортилиши шарт эмас эди. Катталарнинг ўзи кечириб бўлмайдиган хатога йўл қўйишган. Шунинг учун бола ошкора тарзда тақиққа хилоф иш қилса ва айлангириб ўтирмай, тўғридан-тўғри очлигини айтса, албатта, уни жазолар эдилар деб ўйламайман. Менинг кўз ўнгимда олти яшар қизалоқ нима иш қилганини айтиб берай: қизалоқ янада оғирроқ вазиятга тушиб қолган эди. Қизалоққа дастурхон устида ўтирганда бирон нарсани илтимос қилиш бир ёқда турсин, ўзининг хоҳишига ишора қилиш ҳам қатъиян ман қилинган эди. Агар бу тақиқни бузадиган бўлса, қизалоққа жиндай ҳам раҳм-шафқат бўлмаслиги аниқ эди. Негаки, ҳамма овқатлардан татиб кўриб бўлган, фақат битта — қиз жуда яхши кўрадиган овқат қолган, лекин айти шу овқатни қизалоққа беришни унутиб қўйишганди.

Қизалоқ ана шу хатони тўғрилашларини истаб ва айти чоғда ўзини қулоқсизликда айблашларини хоҳламай, ҳар қайси таомга бармоғини нуқиб туриб: “Бу овқатни еганман! Бу овқатни еганман!” деяверипти. Шундай дер экан ўзига беришни унутиб қўйишган таомга суқланиб-суқланиб қараб қўйипти. Шунда даврада ўтирганлардан бири буни сезиб, қиздан сўрапти: “Манавини едингми?” “Йўқ, еганим йўқ” — деб жавоб берипти қизалоқ кўзларини ерга тикиб. Мен бу ҳикояга ортиқ бир сўз ҳам қўшмайман. Қизалоқнинг муғомбирлиги билан ўғил боланинг айёрлигини ўзингиз қисслаб кўринг.

Мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси ўз-ўзича яхши нарсалар, табиатнинг бирон-та қонунини ёмон деб айтиб бўлмайди. Табиат эркакка қараганда аёлга камроқ

куч ато этган экан, бунинг эвазига уни топқирроқ ва айёрроқ қилиб яратган ва бу адолат юзасидан ҳам тўғри. Агар аёл айёр бўлмаганида эди, эрининг ёстиқдоши, дўсти эмас, канизаги бўлиб қолар эди. Аёл айёрлиги билан эркакдан устун туради ва айти шу айёрлиги билан эркакка нисбатан ўзини тенг тутати ва эркакка бўйинсунгандай кўрингани билан амалда уни бошқаради. Ниҳоят, ҳамма нарсаси — бизнинг қусурларимиз ҳам, аёлнинг хуркаклиги, заифлиги ҳам аёлга қарши бирлашди, аёл томонида эса фақат унинг маҳоратию ҳусни қолди, холос. Шундоқ экан, у ўзининг ақл-идрокини доимо чархлаб туришга ва ҳуснининг ташвишини қилишга ҳақли эмасми? Аммо ҳусн — ҳамма аёлнинг ҳам мулки бўлавермайди, минглаб тасодифлар важдан у нобуд бўлиши мумкин, йиллар ўтиб, ҳусн сўлади, унга қараб аввалги жозибасини, сеҳру жолусини сезмай қўйишади. Аёлнинг асосий қуроли унинг ақл-заковатидир; бунда зодагонлар дунёсида юксак қадрланадиган, енгил-елпи ва юзаки бўлган ҳамда оилавий ҳаётда ортиқча бахт олиб келмайдиган закийликни тушунмаслик керак. Бу — аёлнинг жинсига хос бўлган ақл-заковатдир. Шу ақл-заковат важдан аёл биздан ўзига зарур бўлган нарсанинг ҳаммасини ола билади, бизнинг устунлигимиздан фойдаланиб, биздан устунликка эришади. Аёлларнинг шу маккорлиги бизга нечоғлик катта фойда келтиришини, икки жинс ўртасидаги мулоқотга нечоғлик бағишлашини биз ҳатто тасаввур ҳам қила олмаймиз. Шу маккорлик ёрдамида улар зўр маҳорат билан болаларнинг шўхлигини ҳам, эрларининг қўполлигини ҳам тизгинлаб турадилар, ҳамда жанжаллару галваларга йўл қўймай, оилада тинчлик ва фаровонликни таъминлаб турадилар. Албатта, алдамчи ва бемехр аёллар маккорликларини ёмониятларда ишга соладилар — мен буни инкор этмайман — лекин ёмонлар нима-ларни суийстеъмол қилмайди? Ёмон одамлар бизнинг зараримизга ишлатар экан деб бахтимиз қуролини маҳв этмай-миз-ку!

*Русчадан  
Озод ШАРАФИДДИНОВ  
таржимаси.*

Аброр КАРИМУЛЛИН

## Америка ҳиндилари ва қадимги туркийлар

(Бир тахмин изидан)

Ҳар қандай билим, ҳар қандай тафаккур мутлоқ ҳақиқатдан бошланмайди — у охириги натижа.

А. И. Герцен

**Б**ир куни менга Ленинграддаги Пушкин уйида Н. И. Ильминскийнинг мактуби борлигини айтиб қолишди. Бу хабар мени қизиқтириб қолди, сабаби мен у вақтларда XIX асрнинг 2-ярмида Россияда шарқ китобларини нашр этиш тарихи билан шуғулланар, у киши эса мазкур масалага бевосита дахлдор эди.

XIX асрнинг 60-йилларига қадар Н. И. Ильминский туркий халқларнинг тили, адабиёти, маданиятини ўрганишга фаол киришганди, қозоқ, ўзбек адабиёти ва бошқа шарқ муаллифларининг қатор намуналарини нашр эттирганди. Қ. Носирий, Ф. Маҳмудов, Х. Фаизхонов каби татар маърифатпарварлари билан ҳамкорликда иш олиб

*Ортиқбой  
АБДУЛЛАЕВ  
таржимаси.*

Аброр Убайдуллаевич Каримуллин таниқли татар олими, академик. Қозон шаҳрида яшайди. Татар китоби тарихи билан шуғулланади. Шу мавзуда ўнлаб тадқиқотлар эълон қилган. "Татар китоби сарчашмаларида" (Пайдо бўлишдан XIX асрнинг 60-йилларигача), "XX аср бошларида татар китоби", "Китоб дунёсига саёҳат", "Китоблар ва одамлар", "Қисмат, қисмат", "Тил — миллатнинг соқчиси" каби йирик тадқиқотлари тилга тушган. "Татарлар: этнос ва этноним" китоби катта шухрат қозонган, уч марта қайта нашр этилган. Асарлари жаҳоннинг кўп тилларига таржима қилинган. 500 дан ортиқ илмий асари босилиб чиққан.

Аброр Каримуллин бир қанча халқаро ташкилотларнинг фахрий ва ҳақиқий аъзоси ҳисобланади. Унга "Турон маркази" фахрий рицарлик унвони берилган, ўнлаб халқаро орденлар билан мукофотланган.

Олимнинг барча мақолалари ҳозиржавоблиги ва ўткирлиги, мазмунан чуқурлиги, баҳс-мунозаралар уйғотишга мойиллиги билан ажралиб туради. Эътиборингизга ҳавола этилаётган "Америка ҳиндилари ва энг қадимги турийлар" асари ҳам дадил ёзилган, кенг қамровли, мавзунинг барча жиҳатлари мукамал ёритилган, фактик материалларга, теран умумлашмаларга бой. Олим кўтарган муҳим муаммо — туркий халқларнинг олис ўтмиши ва жаҳондаги бошқа халқлар билан алоқасига доир қимматли мулоҳазалар ўқувчи юрагига етиб боради, деб умид қиламиз.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

16831

борарди...<sup>1</sup> Аммо 60-йиллардан бошлаб унинг фаолияти тубдан ўзгарди: у туркшунос — олимдан христиан православ мафкурасининг тарғиботчисига айланди, ўзининг бутун ноёб истеъдоди ва куч-қувватини дунёвий билимларга, шунингдек, татарларни саводли қилишга, демократик руҳдаги татар китобларига қарши қаратди.

Мен илгари ҳам Ильминскийнинг Қозон, Москва, Ленинград кутубхоналарида сақланаётган кўпгина мактублари билан танишгандим, уларда татар маданияти ва матбуоти ҳақидаги бир қатор мулоҳазалар мавжуд бўлиб, булар олимнинг чоп этилган асарларига киритилмаган эди. Унинг номаълум мактубидан ҳам мени қизиқтираётган муаммоларга доир янги маълумотларни топиш мумкин эди, шу туфайли мендаги қизиқиш тобора кучайиб борарди.

Ниҳоят, Ленинградга келдим. Қирғоқ бўйидаги Макаров кўчасига жойлашган Пушкин уйида — Рус адабиёти институтида рус маданиятига доир қимматли ёдгорликлар: рус олимлари, ёзувчилари, маърифатпарварларининг қўлёзмалари ва мактублари, қадимги қўлёзма китоблар сақланади...

Картотека ва каталогларни титиб, Н. И. Ильминскийнинг қўлёзмаларини излай бошладим. Ниҳоят, 141-қўлёзмалар фонди, 73-рақамли архив ишида Н. И. Ильминскийнинг қандайдир Отто Реригга ёзган мактуби қайд этилганини учратдим. Буюртма билан олиб, тез танишиб чиқдим. Маълум бўлишича, бу хат ва бошқа ҳужжатлар Қозондан келтирилган экан. Улар ўз вақтида қозонлик таниқли адиб М. А. Васильевда сақланган, унинг қўлига эса қозонлик таниқли библиограф, библиофил, эски китоблар, ҳужжатлар, қўлёзмалар шайдоси, “Қозон биржа варақалари”нинг муҳаррири, “Волга — Кама бўйлари газетаси”нинг ношири ҳамда қозонликлар, рус ёзувчилари, олимлари ҳақидаги кўплаб мақолаларнинг муаллифи бўлган Н. Я. Агафонов орқали тушган экан<sup>2</sup>. У Қозон университетидега ҳисобчи ҳам бўлиб ишлаганди. Шу туфайли мазкур ҳужжатлар сақланиб қолган.

Қўлёзма варақларига қаламда қилинган қайдларга қараганда, у билан машҳур арабшунос И. Ю. Крачковский ҳам танишган экан. Олдиндан айтиб қўяқолай, у ўз ишларида бу қўлёзмани тилга олмайди. У арабшунос олим бўлгани учун ўз тадқиқотлари йўналишига бевосита алоқаси йўқ материалларга қизиқмаган кўринади. Иш билан танишув мен изланаётган соҳа — китобшунослик тарихига доир деярли ҳеч қандай янгилик бермаслигини кўрсатди. Аммо ҳужжатлар орасидаги татар олими Иброҳим Халфинга Америкадан, Отто Рериг томонидан татар тилида, бунинг устига, араб ёзувида ёзилган мактуб мени қизиқтириб қолди. Ильминскийнинг қўлёзмаси ҳам ана шу мактубга алоқадор эди.

Иброҳим Халфин (1778-1829) татар олими ва маърифатпарвари бўлиб, у туркология фанига муносиб ҳисса қўшган Халфинлар сулоласига мансуб эди. Унинг отаси — Сагит Халфин Екатерина II томонидан қабул қилинган “янги қонунлар” (1767) лойиҳасини тайёрловчи комиссияга номзод эди. Император буйруғига мувофиқ у 1769 йилда шарқ тилларини биладиган амалдорлар тайёрловчи I-Қозон гимназиясига татар тили ўқитувчиси қилиб тайинланади. У рус ўқув юртлари учун чиқарилган биринчи татар тили дарслигининг (1778 йилда Москва университети босмаҳонасида чоп этилган) ва икки жилдлик катта русча-татарча луғатнинг муаллифи ҳисобланади... Сагит Халфин вафот этгач, унинг ўғли Исҳоқ Халфин отаси ўрнига I-Қозон гимназиясида шарқ тилларини ўқита бошлайди. У XVIII асрда Петербургда, Осие босмаҳонасида татар тилида бир неча бор нашр этилган “Тақводорларни бошқариш низоми”, “Губерния муассасаларига доир” каби Россия қонунчилигига доир қўлланмаларнинг таржимонидир.

Исҳоқ Халфиннинг ўғли Иброҳим Халфин ҳам бобоси ва отаси изидан борди. 1800 йилдан бошлаб у мазкур гимназияда татар тилини ўқита бошлади. Қозон университети очилгандан кейин эса бу олий даргоҳда дастлаб лектор, сўнгра адъюнкт-профессор вазифасида ишлади. Университетдаги иш фаолияти давомида Иброҳим Халфин илғор олимлар билан яқин муносабатда бўлди. Улар орасида таниқли рус шарқшуноси Х. Френ ҳам бор эди. Иброҳим у орқали Европа шарқшунослари эриш-

<sup>1</sup> Загоскин Н. П. Қозон император университети профессор ва ўқитувчиларининг таржимаи холи (1804—1904). Биринчи қисм. Қозон, 90—92-бет.

<sup>2</sup> Каримуллин А. Г. Архивлар ва ҳужжатлар ҳақида қайдлар. — Исторический архив, 1958, №5, 223-224-б.

ган ютуқлардан хабардор бўлади. Х. Френ эса, ўз навбатида Иброҳим Халфиндан туркий тилларни ўрганеди. Уларнинг дўстлиги Х. Френ Петербурга кетгандан кейин ҳам давом этди. Мана шу йилларда улар ҳамкорликда туркий халқларнинг қимматли тарихий ёдгорлиги “Шажараи турк”ни нашр эттирадилар. Бу нашр рус шарқшунослик фанини бир неча босқич юқори кўтаргани ва Европа олимларининг юксак баҳосига сазовор бўлгани ҳақида кўп ёзилган. Иброҳим Халфин бундан ташқари “Татар тили алифбеси ва грамматикаси” (Қозон, 1809), “Чингизхон ва Амир Темурнинг ҳаёти” (1822) каби асарлар муаллифи ҳамдир. Унинг бу ишлари рус ўқув юртларида узоқ йиллар давомида татар тилини ўрганувчи ягона кўлланма бўлиб келди. Бу асарлар А. А. Троянский, М. Иванов, А. К. Козимбек, С. Кукляшев ва бошқаларнинг татар тили грамматикасига доир янги ишлари учун намуна вази-фасини бажарди.

Иброҳим Халфиннинг тарих ва тилшуносликка доир асарлари Европа шарқшунослари — тарихчи, тилшуносларга ҳам яхши маълум эди. Унинг ишлари Сильвестр де Саси, А. Давидс, Парч, Шпулер, Чарльз Рей сингари Франция, Германия, Англиядаги тарихчи туркшуносларнинг диққатига сазовор бўлганди. Немис тарихчиси Йозеф Гаммер — Пургештель туркий халқлар тарихига бағишланган йирик асарида Иброҳим Халфиннинг ишларидан кенг фойдаланган эди.

Шундай қилиб, янги топилган ҳужжат Иброҳим Халфиннинг илмий фаолияти фақат Европада эмас, балки океан ортида ҳам маълум эканлигидан далолат берарди.

Архив ҳужжати Отто Рериг мактуби билан бошланарди. У почта қоғозига ёзилган бўлиб, варақнинг юқори қисмига Филадельфия шаҳрининг қуш учадиган баландликдан кўриниши туширилган эди. Отто Рериг Иброҳим Халфинга юқорида тилга олинган икки китоб ўзида борлигини айтган ва унинг татар тилига доир янги ишлари билан танишиш истагида эканини билдирганди. Мактуб давомида у татар тили билан кўпдан бери шуғулланиб келаётгани, Париж кутубхоналаридаги туркий кўлэмалар таснифига доир тадқиқоти эълон қилингани, машҳур туркшуносларнинг асарлари билан танишлиги ҳақида ёзганди. О. Реригнинг Иброҳим Халфинга мурожаат қилишига сабаб, татар халқи тарихи, туркий шевалар, улар тарқалган ҳудудлар жуғрофияси ҳамда туркий тиллар таснифи билан янада чуқурроқ шуғулланиш истагидан келиб чиққан эди. Шунинг учун у илмий алоқа ўрнатиш ва туркшуносликка доир янги ишларни айирбошлашни таклиф қилганди. Мактубга 1861 йил санаси қўйилган эди. Бу вақтда Иброҳим Халфин оламдан ўтганди. Матн мазмунига қараганда, бу О. Реригнинг иккинчи мактуби эди. Биринчи хат сақланиб қолмаган, аммо у ҳам юқоридаги мазмунда бўлса керак.

И. Халфинга ёзилган мактуб унинг иш жойига — Қозон университетига йўланганди. Иброҳим Халфин ҳаёт бўлмаганлиги сабабли, мактуб Қозон университетига 1861 йил 6 сентябрда янги ташкил этилган турк-татар тиллари кафедрасида ишлай бошлаган Н. И. Ильминскийнинг қўлига тушганди. Чамаси, О. Реригнинг биринчи хати сақланмаганига сабаб ҳам шунда бўлса керак. 1861 йилдан аввалги мактуб ёзилган пайтда ҳали университетда шарқ тиллари кафедраси йўқ эди. Шунинг учун И. Халфинга йўланган мактуб эгасини топмай йўқолган ёки университет архивига тушганга ўхшайди.

Бу ҳужжатлар ўша давр олимлари орасидаги алоқаларни ўрганиш ҳамда Иброҳим Халфиннинг таржимаи ҳолини ёритиш жиҳатидан туркшунослар учун муҳим тарихий қиммат касб этади.

Университет илмий кенгаши иккинчи мактубни жавоб қайтариш учун турк-татар тиллари кафедрасига — Н. И. Ильминскийга юборади. Ильминскийнинг жавоб мактубида туркшунослар учун муҳим бўлган қимматли маълумотлар бор. Хатта имзо ва сана қўйилмаган. Чамаси бу мактубнинг бир парчаси бўлиб, уни Ильминский ўз шахсий архиви учун олиб қолганга ўхшайди. Орадан кўп ўтмасдан О. Реригнинг 1863 йил 26 сентябрь санаси қўйилган жавоб хати Ильминскийга стиб келади. Жавоб рус тилида ёзилган бўлиб, араб ёзувида татарча иловаси ҳам бор.

Реригнинг илмий алоқа ўрнатиш ҳақидаги таклифи, афсуски, жавобсиз қолиб кетган. Сабаби, бу вақтда Ильминский туркшуносликдан узоқлашиб кетган ва университетда ўзи бошқараётган кафедранинг тарқ этиб, насроний дини тарғиботчилиги билан шуғуллана бошлаган эди. Шунингдек, Ильминский Реригга қандай китобларни юборгани, қайси туркшунос олимлар ҳақида ёзгани ҳам номаълум.

Ушбу ҳужжатлар билан танишгач, бу борадаги қизиқишларим тугади ҳисоб, уларда илмий изланишларим учун зарур маълумотлар йўқ эди. Мен бунга қаноат ҳосил қилдим. Аммо Отто Реригнинг ўзи ким, деган жумбоқ мени қизиқтириб қўйди. Бир вақтлар татар тилшунослиги библиографияси билан шуғулланганим учун хориждаги деярли барча туркшуносларнинг асарларини билар эдим. Улар орасида бу ном учрамаганди. Жарроҳ, тиббиёт профессорида туркшуносликка қизиқиш қаердан пайдо бўлдийкин? Бунинг устига у Америкада яшаса, у ерда туркий халқлар ҳам, биронта туркшунослик мактаби ҳам йўқ бўлса?! Яна шу йилларда Американинг шимоли ва жануби ўртасида шиддатли фуқаролар уруши кетмоқда эди... Хуллас, бу масалалар мени жуда қизиқтириб қўйди.

О. Реригнинг шахсияти ва босилган асарлари ҳақида маълумотлар излай бошладим. Ленинграддаги М. Е. Салтиков-Шчедрин номли кутубхонада унинг татар ва фин тилларини қиёсий ўрганишга бағишланган бир мақоласини топдим. Демак, О. Реригнинг татар тилига қизиқиши бежиз эмас, деб ўйладим. Унинг мазкур иши 1845 йилда Парижда босилган эди. Ильминскийга ёзилган мактуб О. Реригнинг фақат Европада эмас, Россияда ҳам танилган шарқшунос эканлигидан дарак берганди. Мен Қозон, Москва, Ленинграддаги барча мавжуд кутубхоналарга, кўплаб турли қомуслар ва бошқа маълумотномаларга мурожаат қилдим, аммо О. Рериг ҳақида ҳеч қандай янги нарса топа олмадим. Фақат Брокгауз ва Эфроннинг қомусий луғатидаги Америка ҳиндилари тилига бағишланган мақолада унинг исми-шарифи тилга олинган эди. Балки мен бу маълумотлардаги қандайдир нуқталарга эътибор бермагандирман? Шу туфайли М. Е. Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат кутубхонаси, Ҳорижий адабиётлар Давлат кутубхонаси, СССР Фанлар Академияси кутубхоналарининг маълумот бўлимларига ҳам мурожаат қилдим, аммо олинган жавоблар қаноатланарли эмасди.

Нима қилиш керак? Ягона йўл — Америка библиография марказларига мурожаат қилиш қолганди. Ниҳоят, сўровимга АҚШ Конгресси кутубхонаси директори Паул Л. Горецкий имзо чеккан жавобни олдим. Эътибор ва ёрдами учун унга самимий миннатдорчилигимни билдираман. Горецкийнинг жавобига “1897—1942 йилларда Америкада кимлар яшаган?” номли Америка маълумотномасидан олинган ксерокопия нусхаси илова қилинганди. Унда Отто Рериг ҳақида қисқача маълумотлар бор эди. Унинг тўла исми-шарифи Фредерих Льюис Отто Рериг бўлиб, 1819 йил 19 июнда Пруссияда, Галлда туғилган экан. Галл, Лейпциг, Париж университетларида тиббиёт ва тил-адабиётни ўрганган, шарқ тиллари ихтисослигини эгаллаган.

Шарқ тилларига доир билимларини чуқурлаштириш учун у 1841 йилда прусс элчихонаси атташеси вазифасида Туркияга боришга рози бўлади. 1849 йилдан Францияда коллеж профессори, 1851 йилдан Франция қиролик шарқ академиясининг лектори. Кейин у Америкага жўнайди ва 1853 йилдан Нью-Йоркдаги Астор кутубхонасида директор ўринбосари, 1858 йилдан Филадельфиядаги тиббиёт коллежида тиббиёт ва терапия профессори, 1861—1867 йилларда армия ҳарбий шифохоналарида ҳарбий жарроҳ, 1868 йилда Вашингтон ҳукумат тиббиёт кутубхонасида директор, 1869 йилдан бутунлай шарқшуносликка ўтади. 1869—1885 йилларда Корнелл университетиде санскрит ва жонли шарқ тиллари профессори, 1869 йилдан ўриндошлик йўли билан Нью-Йоркдаги хорижий тилларни ўрганиш бюросининг директори, Станфорд университетиде семит ва жонли шарқ тиллари профессори, 1895 йилдан бошқа лавозимларда ҳам хизмат қилади. У 1908 йилда 89 ёшда Калифорнияда Пасадин қишлоғида вафот этади.

Бу далилларнинг ҳаммаси Отто Рериг шарқшунослик соҳасида тасодифий одам эмаслигини ва унинг Иброҳим Халфинга мурожаат қилиши чуқур илмий эҳтиёждан туғилганини кўрсатади.

П. Л. Горецкийнинг жавобида О. Реригнинг Конгресс кутубхонасида мавжуд бўлган асарлари рўйхати ҳам бор эди. Улар орасида Париж наشريдан ташқари олиннинг Америкада нашр этилган бешта китоби тилга олинганди. Булар — инглиз ва немис тили дарсликлари, Нью-Йоркдаги Астор кутубхонасида сақланаётган тилга ҳамда Осиё, Африка, Океания халқлари адабиётига доир китоблар таснифи эди. Қолган икки китоб — сиу ҳиндиларининг тили ва туркий тиллар ҳақида бўлиб, булар мени ниҳоятда қизиқтириб қўйди.

О. Рериг китоблари номларини билиб олгач, мен яна Москва, Ленинграддаги йирик кутубхоналарга мурожаат қилдим. Афсуски, сўровларимнинг ҳаммасига “Кутубхонада йўқ” деган жавобни олдим.

Бир куни М. Е. Салтиков-Шчедрин номли кутубхонада ишлаб ўтирганимда таваккал қилиб мазкур китобларнинг рақамини кўрсатмаган ҳолда буюртма бердим. Бу ерда эски нашрларга шундай йўл билан буюртма берилишини билардим. Омадни қарангки, буюртмаларимдан бирига, айнан 19 бетдан иборат сиу ҳиндиларининг тили ҳақидаги сўровимга салкам саккиз юз саҳифалик йирик китобни чиқариб беришди. Бу Америка табиий бойликларини ўрганиш учун Смитсон институтига 1871 йилда ўтказилган экспедиция натижалари баён этилган йиллик ҳисобот эди.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг баёни ҳамда маъданшунослар ҳисоботлари жамланган бу китобнинг илк саҳифаларини кўрибоқ дарҳол қайтариб юбориш мумкин эди. Аммо қизиқиш устунлик қилиб, номига бўлса-да варақлай бошладим. Китобнинг 435-саҳифасида О. Реригнинг сиу ҳиндилари тили ҳақидаги мақоласи бор эди. Ҳа, майли, демак, О. Рериг фақат туркий тиллар эмас, Америка ҳиндилари тили билан ҳам қизиққан экан-да, деб ўйладим.

О. Рериг лотин, қадимги юнон, немис, француз, инглиз, араб, форс, турк тилларини билар, бошқа туркий тилларда ўқий олар, шунингдек, угор-фин тилларида сўзлашар эди. Н. И. Ильминскийга ёзган мактубига қараганда, у маълум даражада рус тилини ҳам ўрганган эди.

Кўп тилларни билувчи ҳамда етук тилшунос бўлган бу олим, Америкада яшар экан, ҳиндилар билан учрашувлари туфайли уларнинг тилига ҳам қизиқиши табиий эди. Мантиқан шундай ўйлаган ҳолда китобни қайтарса ҳам бўлаверади, сиу ҳиндиларининг тили мени қизиқтирмас эди. Шунга қарамай, мазкур иш билан танишишда давом этдим. Ана шунда ҳеч кутилмаган мўъжизага дуч келдим: қарангки, Рериг ҳиндилар тилини туркий тиллар билан қиёслаган эди! Очиқ тан оламанки, бу ишни бошидан охиригача катта ҳайрат ичида ҳарфма-ҳарф ўқиб чиқдим, янгича нигоҳ ташлаган ҳолда қайта ўқидим...

О. Реригнинг кузатувлари фақат туркшунослару умумий тилшунослик мутахассислари учунгина эмас, балки ҳиндиларнинг келиб чиқиши, Америкага аҳолининг жойлашуви ҳамда бошқа халқлар тарихи учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлгани туфайли мазкур ишга батафсил тўхталаман.

О. Рериг мақоласининг бошида ёзадики, турли тиллар ва ҳар хил шеваларни ўрганишга бўлган ҳавас унда уларни ўзаро қиёслаш ва сўз бойлиги, товуш тузилиши, сўзларнинг турланиши, гап қурилишига кўра гуруҳларга ажратиш заруратини туғдирган. Шимолий Америка ҳиндилари тиллари орасида алоҳида мақе эгаллаган ва XVI асрда Америка кашф этилгандан кейин янги кўчиб келганлар билан маҳаллий аҳоли орасидаги муносабатда катта ўрин тутган сиу ҳиндиларининг тили уни айниқса ҳайратга солган. Бу эса уни сиу тилига яқин бўлган бошқа тилларни излашга ундаган. Сўз маъноларини синчиклаб қиёслаш асосида Отто Рериг “сиу ёки дакота шевасини Ўрол-Олтой тили оиласи гуруҳига киритиш мумкин”, — деган хулосага келади. “Бу тиллар жуда кенг худудларга тарқалган бўлиб, унинг турли шохобчаларида сўзловчи кишилар Шарқий Европа, Сибир ва марказий Осиёда яшайдилар. Унинг баъзи шохобчалари ҳатто Европанинг қоқ марказида ҳам учрайди — улар венгрлардир. Кўп сонли ва жуда кенг тарқалган фин-угор тиллари ҳам айнан шу гуруҳга киради. Ўрол-Олтой тиллари қурилишига хос кўплаб хусусиятлар сиу тилида яққол кўринади”. Унинг сўзларига қараганда, бундай ўхшашликлар “жуда ҳайратланарлидир”. Бундай ўхшашликларни О. Рериг гап қурилишидаги яқинликда кўради. Мақола давомида у Ўрол-Олтой ва сиу тиллари морфологиясида ҳам шундай ўхшашликлар мавжудлиги хусусида гапирди. Уларнинг ҳар иккиси агглюнатив бўлиб, олд кўшимчаларга эга эмас. О. Рериг мазкур тилларга хос энг ажойиб хусусият сўзларни такрорлаш орқали сифатнинг орттирма даражасини ясашда кўринади, бу эса фақат “Ўрол-Олтой тиллари оиласига, жумладан туркий тилларга хос белгидир”, деб ҳисоблайди. “Нарса ва ҳодисаларнинг ташқи сифатини ифодаловчи бундай шакллар сиу ҳиндилари тилида мавжудлиги кишини ҳайратда қолдиради”, деб ёзади олим. Масалан, сиу тилидаги “ар-ара” (жуда қора), “сер-сера” (жуда чиройли) сўзлари шаклан туркий тиллардаги “қоп-қора”, “чип-чибар”, “чип-чиройли”, “сап-сарик”, “оппоқ” сўзларига ўхшайди ва ҳоказо.



Шундай яқинликларни О. Рериг фонетика (товуш тузилиши)да ҳам кўради: туркий тиллар ҳам, сиу тили ҳам сингармонизм қонунига бўйсунди. Мақолада тузилиши ва мазмуни жиҳатидан ўхшаш бўлган бир қатор морфологик шакллар ҳам келтирилади. Масалан, сиу тилидаги “та” (қаттиқ талаффузда), “те” (юмшоқ талаффузда) қўшимчалари туркий тиллардаги “да”, “де”, — “та”, “тэ” каби ўрин-пайт келишиги қўшимчаларига мос келади. Сиу тилидаги “ekta” сўзи туркий “ёқда” (у ёқда, бу томонда) сўзига ўхшашдир. Бу шакл ҳозирги татар тилида “кун якта” (жануб томонда), “сўл якта” (чап томонда) тарзида учрайди (Ўзбек тилида ҳам айнан шундай: “кун ёқда”, “сўл ёқда”, “бу ёқда” в.ҳ. — таржимон). Сиу тили ва туркий тилларда фаол сўз ясовчи “sa”, “se” қўшимчалари бўлиб, у татар ва бошқа туркий тиллардаги “чи” (қаттиқ шаклда), “че” (юмшоқ шаклда)га тўғри келади. Масалан, тошчи, балиқчи, ёлғончи, чулмакчи (куллол) ва ҳ.

Отто Рериг сиу ва туркий тилларнинг қариндошлиги ҳақидаги ўз тахминини исботлаш учун кўплаб лексик мисоллар ҳам келтиради. Масалан, сиу тилидаги “taq” — “tang” биздагидек тонг пайтини билдиради ва татар тилидаги “тақ” — “тонг”-га шакл ва мазмун жиҳатидан айнан мос келади. Сўнг О. Рериг бу сўзнинг морфологик шаклига ҳам назар ташлайди. Сиу тилида — “танг” сўзидан “танимоқ”, “равшан қилмоқ”, “нур сочмоқ” маъносидаги “tani” — “tangi” сўзи ясалади, “tang-la” сўзи эса “англамоқ”, “равшан бўлмоқ” маъноларини билдиради ва туркий (татар) тилидаги “(т)анла” — “тушун” сўзига мос келади. Сиу тилида “taq” — “tang” сўзи бирлик сонда 1-шахсда “tahnim” — англайман, танийман, (татар тилидаги “танъим” — “англайман”, “танийман”га қиёсланг), иккинчи шахсда “tahnisun” — англайсан, танийсан (татар тилидаги “таний+син” — “танийсан” билан қиёсланг).

О. Рериг туркий тиллардаги “хан”, “каган” (хоқон) сўзларининг келиб чиқишини сиу тилидаги “wakan”, “wakang” сўзлари билан боғлайди. Уларда одатда “w” товуши тушиб қолади. Шундан кейин О. Рериг сиу тили билан туркий тилларнинг яқинлигини кўрсатувчи яна бошқа мисоллар келтиради. Бу сўзлар “ate” — татарча — “Ўти” (ота); “ine” — татарча “unĖ”, “инĖй”, “Ėnu” — она, ойи; “tete” — татарча — “мĖми” — “кўкрак”, “эмчак”, “koke” — татарча — “куке”, яъни “какку” в.б.

Мана шу мисоллар ва сиу тили билан туркий тилларни таҳлил қилиш асосида О. Рериг “сиу ҳиндиларининг тили Ўрол-Олтой тиллари оиласига кирди, у айниқса бу тиллар орасидаги туркий — татар гуруҳига жуда яқин туради”, “Америкадаги сиу ҳиндилари “Улуғ Осиё”дан кўчиб келган халқлардир”, деб хулоса чиқаради.

Отто Рериг бу хулосани мустаҳкамлаш учун сиу тилига хос эски сўзлар сақланиб қолиши муқаррар бўлган ҳинди жой номларига оид сўзларни синчиклаб ўрганиш лозим, деб таъкидлайди.

Америка Кўшма Штатларида фуқаролар уруши (1861—1865) бораётган йилларда Рериг сиу ҳиндилари тили билан таниша бошлаган эди. Шимол ва Жануб орасида уруш бошланган пайтда у негрларни қул қилишга чек қўйиш учун курашаётган Шимол кучлари тарафида жарроҳ сифатида ҳарбий шифохонада хизмат этганди. Бу шифохона сиу ҳиндилари яшайдиган Дакота штатида жойлашганди. Таббийки, у Шимол кучлари сафида урушда иштирок этаётган сиу ҳиндилари билан учрашиб турарди. Юқорида эслатилган мақолада ёзишча, ҳиндиларнинг тили ўзи бир пайтлар таржимон бўлиб ишлаган Туркиядаги туркларнинг тилига ўхшаб кетиши уни ҳайрон қолдирган. Бизга маълумки, у турк тилини Францияда ўргана бошлаган эди. Америкага келгунга қадар олим чуқур билимли туркшунос — тилшунос сифатида кенг танилган ва француз шарқшунослик институтининг мукофоти билан тақдирланган эди. Унинг номи шу вақтдаги рус шарқшуносларига ҳам маълум эди. О. Рериг Америкага кўчиб келгандан кейин ҳам шарқ тилларини ўрганишда давом этади. Таъкидлаганимиздек, у Нью-Йоркдаги Астор кутубхонасида ишлар экан, Осиё, Африка, Океания халқларининг тили, адабиёти ва маданиятига доир китоблар тавсифини ишлаб чиқади. Бу эса табиийки, унинг дунё тиллари ҳақидаги билимларини янада чуқурлаштиради, шунингдек, янги тиллар билан таништиради. Буларнинг ҳаммаси унга ҳиндилар орасида яшар экан, сиу тили туркий тилларга ўхшашлигини аниқлаши учун замин ҳозирлайди. Бу ҳодиса уни шунчалик ўзига жалб этадики, охир-оқибатда унинг илмдаги асосий изланишлари манбаига айланади.

Уруш йилларида ҳарбий шифохонада иш қўплигига қарамай, у жарроҳликдан бўш қолган чоқларида ҳиндилар орасига бориб, тилини ўрганишга, тил материалларини тўплашга, уларнинг кулбалари — вигвамларида бўлиб, урф-одатлари билан танишишга вақт топар эди... Айтиш мумкинки, у жанг майдонларида ҳиндилар

билан учрашувлар таассуротлари туфайли Иброҳим Халфинга мактуб ёзган эди. Уни туркий тилларнинг гуруҳлари қизиқтиради. Россия олимлари сиу тили ҳақида билишадими, балки улар аллақачон бу тил қайси тиллар оиласига мансублигини аниқлаб қўйишгандир?

1865 йилда фуқаролар уруши тугайди: Шимол ғолиб чиқади. Ҳали армиядан бўшамаган Отто Рериг таътилга чиқади ва ҳиндилар орасида яшай бошлайди. У 1866 йил 4 июндан 26 ноябргача ижодий сафарда бўлади. Олим ҳиндиларнинг кул-баларида туради, улар билан бирга овга чиқади, маросим ўйинларида иштирок этади, қўшиқларини бирга куйлайди ва тилини пухта ўрганади. Айни пайтда у ҳиндилар тили намуналарини тўплайди; афсоналарини ёзиб олади, урф-одатларини тавсифлайди, Отто Рериг томонидан сиу ҳиндиларининг турмуши, урф-одатлари, тили, оғзаки ижодига доир жуда кўп материаллар тўпланган. У кейинчалик: “Бу ғаройиб қабилалар орасида яшаб, кўрган-кечирганларимнинг ҳаммасини ёзишга бутун бир жилдлик китоб камлик қилади”, — деб ёзган эди. Афтидан, у бу бой материаллар асосида университет ёилномасида эълон қилинган, юқорида тилга олинган мақолани чоп этишгагина улгурганга ўхшайди. Эҳтимол, О. Рериг сиу ҳинди қабиласи, уларнинг тили ҳақида даврий нашрларда, турли тўпламлар ва йилномаларда мақолалар чоп эттирган бўлиши мумкин. Афсуски, Америка маълумотномалари ҳамда бизнинг сўровимизга мувофиқ у ишлаган университетлардан келган жавоблар орқали бирон ижобий натижа олиб бўлмади. Шунингдек, Америка кутубхоналарида О. Реригнинг қўлёзмалари сақланганини ҳам аниқлай олмадик.

Юқорида кўрдикки, О. Рериг тиббиёт ходими, медицина доктори эди, аммо сиу ҳиндилари билан учрашувдан кейин у филолог — тилшуносга айланди. Олим тиббиётни бутунлай тарк этади. Ҳатто “Америкада ким ким бўлган?” номли улкан маълумотномада ҳам у “филолог — шарқшунос” сифатида қайд этилган.

Армиядан қайтгандан кейин О. Рериг санскрит тилини ҳамда Океания оролларида яшовчи аҳоли тилини ўрганишга киришади. Булар ҳеч шубҳасиз, сиу ҳиндилар тилининг дунёдаги бошқа тиллар орасида тутган ўрнини аниқлашга бўлган қизиқиш билан боғлиқ эди. Эҳтимол, у сиу тиллари изини Океания оролларида яшовчи халқлар тилидан излаган бўлса керак. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, у ўз кузатишларини эълон қилишга асло шошилмаган. Унинг тилга олинган мақоласи 1871 йилда, сиу ҳиндилар тили билан қизиқа бошлаганидан ўн йил ўтгач, бу тил изларини санскрит ҳамда жаҳондаги бошқа тилларда учрамаслигига аниқ ишонч ҳосил қилгандан кейингина эълон қилинади.

Отто Рериг назарий жиҳатдан жаҳондаги барча тилларни билар, катта билим эгаси, тан олинган филолог саналарди. У элбурутдан хулоса чиқаришга шошилмайдиган олим бўлиб, шов-шувлар кетидан қувмас, ўз мулоҳазалари тўғри эканига аниқ ишонч ҳосил қилмагунча кузатувлари ва хулосаларини эълон қилишни хоҳламас эди. О. Рериг шахсиятидаги ана шу хусусиятни ҳамда илмий изланишлари тарихини билмасдан, таржимаи ҳолини ўрганмасдан туриб, унинг сиу тили ҳақидаги мақоласига дуч келган киши сиу тили билан туркий тилларнинг илдизи яқинлиги, бир-бирига ўхшашлиги ҳамда сиу тилининг Ўрол-Олтой тиллари оиласига мансублиги ҳақидаги мулоҳазаларга дабдурустан шубҳаланиши мумкин.

Сиу ҳиндилари кимлар, улар қаерларда яшайдилар, уларнинг тили ҳақида нималар маълум? Америка ҳиндилари орасида сиу — хока тиллари деб аталувчи катта тил гуруҳи мавжуд. Сиу тили ҳам шу сирага киради. Бу гуруҳ хока, юки, ваппо, керес, туника, кэддо, чкрокези, мускочи ва бошқалардан иборат<sup>1</sup>. Улар орасида сон жиҳатидан сиу биринчи ўринда туради. XVII—XVIII асрларда улар Калифорниядан Арканзасгача қўзилган Миссури дарёси ҳавзасидан Улуғ чўлларгача ва Миссисипидан Қояли тоғларгача бўлган улкан ҳудудни ишғол қилар эдилар. Сиу тили ўз навбатида дакота — ассинбойн, мандан, виннебаго, жидатса, ажарака ва бошқа бир қанча гуруҳларга бўлинади.

Сиу жанговар қабила бўлиб, оқ мустамлакачиларни даҳшатга соларди, улар ўз ерлари, ўз халқининг эрки учун тиш-тирноғигача қуролланган оқ танли мустабидларга қарши матонат билан курашдилар. Улар 1862, 1872, 1890 йилларда оқ танли зўравонларга қарши исён кўтардилар, бундай ҳаракатлар давом этаётгани ҳақида баъзан матбуотда хабарлар босилиб қолади. Мустамлакачилар миллионлаб ҳиндиларни қириб юбордилар. Кўп миллионли аҳолидан 1963 йилдаги маълумотга қараган-

<sup>1</sup> Америка халқлари. 1-ж., М. 1959, 28-29-б.

да 77 минг кишигина қолган. Улар бутунлай хароб аҳволга туширилган бўлиб, резервацияларга ҳайдалган. Шимол, Жанубий Дакота, Каролина, Монтана, Небраска штатларида бир-бирдан узоқ масофаларда яшайдилар. Канаданинг жанубий районларида ҳам оз қисми истиқомат қилади. Ўз эркин турмуш тарзидан маҳрум қабила аъзолари оқларнинг фермаларида ёланиб ишлайдилар ёки майда деҳқон хўжаликларини юритишга мажбур бўладилар. Улар Американинг энг қашшоқ аҳолисини ташкил этади. Жуда оз қисмигина маълумот олиб, бирон ихтисос эгаси бўлишга эришадилар. Америка адабиётида хиндилар, жумладан сиу қабилаларига бағишланган қиссалар, романлар жуда кўп бўлиб, уларда асосан оқ танли мустамлакачиларнинг нуқтаи-назарлари илгари сурилади. Бу асарларда хиндилар жанговар, саргузаштларга мойил, тутқич бермас аборигенлар тарзида тасвирланади. Бундай бир-ёқлама тасвирдан ҳатто Ф. Купер, М. Рид каби пешқадам ёзувчиларнинг асарлари ҳам холи эмас. Инглиз тилида Шимолий Америка хиндилари билан олиб борилган урушлар тасвирланган жуда кўп асарлар мавжуд. Уларнинг ҳаёти, турмуши, урф-одатлари, антропологик хусусиятлари, тарихига бағишланган асарлар ҳам кўплаб ёзилган. Американинг забт этилиши тарихи акс эттирилган бу асарларда асосан оқ танлиларнинг устунлиги кенг тарғиб қилинади. Шунингдек, уларнинг афсоналари, оғзаки ижоди, мусиқасига бағишланган асарлар ҳам бор. Аммо, афсуски, биз сиу хиндилари тили тадқиқ этилган, хусусан уларнинг тили қиёсий ўрганилган бирон асарни топа олмадик. Шунга қарамай, икки асарни топишга муваффақ бўлдим. Булардан бири 1886 йилда миссионерлик мактаблари учун Р. Вильямсон томонидан чиқарилган англо-дакото луғати эди. Иккинчиси ҳам шундай луғат бўлиб, у С. Ригг томонидан тузилган ва Вашингтонда 1890 йилда нашр этилганди.

Афтдан, сиу тилини ўрганишга кейинчалик ҳеч ким қизиқмаган кўринади. Акс ҳолда Риггнинг луғатини 1968 йилда айнан қайта нашр этиш билан кифояланиб кўя қолишмаган бўларди.

Яна қайд этиш керакки, Америка хиндиларининг тили, маданияти, этнографиясига бағишланган нуфузли тавсифий кўрсаткичларнинг ҳеч бирида О. Реригнинг сиу тили ҳақидаги тадқиқоти тилга олинмаган. Бунинг сабаби сиу тили, умуман Шимолий Америка хиндилари тилига америкалик тилшунослар эътибор бермагани туфайли эмас, балки О. Реригнинг мақоласи филологиядан ниҳотда узоқ тўпلامда чоп этилганидир. Агар мазкур тўплам Америка табиий бойликларини ўрганиш институтининг йиллик ҳисоботи эканини ва у расмий ҳукумат нашри сифатида чоп этилганини ҳисобга олсак, масала анча ойдинлашади. Бундай нашрлар библиографик тавсифий маълумотномаларда қайд этилмайди ва кутубхоналарга юборилмайди, балки фақат расмий муассасаларгагина тарқатилади. Шунинг учун ҳам мазкур илмий иш жаҳон туркшунослари учунгина эмас, ҳатто Америка тилшунослари учун ҳам номаълумлигича қолиб келган эди.

Юқорида тилга олинган икки луғат билан шунчаки юзаки танишган киши туркий тилларга ҳам шакли, ҳам мазмуни мос келадиган юзлаб сўзларни учратади.

Сўзларнинг кўп маънолилиги, товуш алмашиши қонуналарини ҳисобга олган ҳолда синчиклаб кўздан кечирилса, сиу тилида мазмуни ва шаклига кўра туркий тилларга мос келадиган жуда кўп сўзларни топиш мумкин. Мисол учун сиу тилидаги “кесилган”, “пичоқ билан кесмоқ” маъносига “basdi” сўзини кўздан кечирайлик. Ҳозирги татар тилида “басты” “ҳужум қилди”, “талади”, “куч билан кирди” каби маъноларни билдиради, карагас тилида “bais” — “яра” маъносини, ёкут тилида “bas” — “яра”, туркман — турк тилида ҳам “bas” “яра”ни англагади.<sup>1</sup>

Сиу тилида	Таржимаси
Basku, baso, basipo	Кесмоқ, кесилган бўлак
Baskica	Босиш йўли билан кесиш, босим
Baskitta	Пичоқ билан кесмоқ
Baskin в.б.	Пичоқ билан ҳужум қилувчи

<sup>1</sup> Хинди сўзларининг муқобил кўринишлари асосан татар тили, айрим ҳолларгагина бошқа туркий тиллар ҳамда қадимги туркий тил мисолида келтирилади. Аммо қиёслаш пайтида мазкур сўзнинг бошқа туркий тиллардаги кўринишлари устида тўхталмадик. Бу сўзларнинг ҳаммаси барча туркий тилларда (чуваш тилини ҳисобга олмаганда) бирдек тушунарли бўлиб, бири-бирига мос келади.

Ҳатто туркий тилларни билмаган киши ҳам рус тилига ўзлашган “баскак” сўзини эсласа, унинг маъносини осон англаб олади.

Эрвин Годднинг Калифорния штати жой номлари ҳақидаги китоби билан ҳам танишиб чиқдик. Унда сиу ҳиндилари тилидан ўтган жой номлари ҳам берилган бўлса-да, улар инглиз тилида сўзлашувчи америкаликларга хос “халқ услуги” да изоҳланган. Масалан, Калифорниянинг денгиз бўйидаги манзилларидан бири “Bateguitos” деб аталар экан. Муаллиф сўзларига қараганда, бу ном ҳинди тилидаги “batege tos” сўзидан олинган бўлиб, “ботқоқ жой”, “пасқам жой” маъноларини беради. Татар тилида “батинки” “пастки, эзилган”, “тос” эса “жой” маъносига қўлланади. Татар тилида “батинки тош” бирикмаси фаол ишлатиладиган сўз бўлиб, сиу тилидаги каби “пасқам, ботқоқ жой” маъносини билдиради. Юқоридаги луғатда инглиз ёзувида “bolinas” сўзи ҳам келтирилади. У ҳинди тилидаги “boleñas” сўзидан олинган бўлиб, мазмун жиҳатидан ҳам ва шакл жиҳатидан ҳам татарчадаги “болын” — “қўлтиқ”, “яйлоқ”, “ўтлоқ” сўзига мос келади. Мазкур луғатдан яна бир мисол келтирамиз: “chiguita” сўзи “chiketo”, “chiko” каби ҳинди сўзларидан олинган бўлиб, у сиу тилида — “жуда кичик, митти” маъноларини билдиради. Бу сўз айни шу маънода татар тилида “чеки” (кичкина) тарзида ишлатилади. Калифорнияда ва умуман АҚШ дарё номларида, “aha” (оқим) сўзи кўп учрайди. Татарчада “aga” — “оқади”, “оқим”, “һи” — эса бошқирд тилида “сув”ни билдиради. Дарёлардан бири “milk” — “сут” бўлиб, ўз номини ҳинди сўзи “sue” дан олган ва “сут” маъносини билдиради. Дарҳақиқат, оҳақтош қатламлари орасидан ўтгани учун дарёнинг куйи оқими куюқ оқимтир тусда бўлиб, сутга ўхшайди. “sue” сўзи ҳам татарчадаги “cot” — “сут”ни эслатади. Қўллардан бири “jamul” деб аталади. Бу сўз, Годднинг фикрига кўра, ҳинди тилидаги “ha” — “hu” (сув) ва “mool” (кўп, мўл-кўл) сўзларидан ҳосил бўлган. Туркий тилларда ҳам “мўл” айнан “мўл-кўл”, “сероб” — тушунчаларини билдиради. Демак, “jamul” “сув сероблиги” ёки “кўп сув, яъни “кўл” маъносини билдиради.

Флоридада сиу ҳиндиларига қўшни бўлиб тимуч ҳиндилари яшайди. Тадқиқотчи Жон Свентоннинг тасдиқлашига қараганда уларнинг тили “бошқа ҳиндилар, жумладан сиу тилидан бутунлай (фарқ қилади)”.

Мазкур муаллифнинг қариндошлик атамалари ҳақидаги кичкина мақоласида ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан туркий тилларга айнан мос келадиган шундай атамалар учрайди:

isa — она

isanam — менинг онам

isaya — сенинг онанг

iti — ота

itinam — менинг отам

itaye — сенинг отанг, унинг отаси

ule — аёл томонидан болага берилган исм

ulema — менинг болам

inihi — эрли хотин

gui — умуман бола (қозоқ тилида “қўй” — “бола”, кўзичоқ” маъноларини ҳам билдиради).

Бу сўзларни туркий тил заминида тушуниш қийин эмас. Ҳатто сўз ясовчи қўшимчалар ҳам туркий тиллардаги қўшимчаларга мос келади. Мазкур сўзларнинг шакл ва мазмун жиҳатидан яқин кўринишлари сиу тилида ҳам учрайди. Ж. Свентон тимуч тили бошқа ҳиндиларнинг тилига ўхшамайди деб хулоса чиқарганда янглинган эмасмикин?

Америка ҳиндилари билан қизиқувчи ҳар қандай киши америкалик антрополог Т. Кребернинг “Икки дунёдан изла” номи мароқли тадқиқоти билан танишмаслиги мумкин эмас. Унда яна ҳинди қабиласининг сўнгги могикиани оқ танлилар орасида қандай ҳаёт кечиргани тасвирланади. Мазкур тадқиқотда тилга олинган ҳиндининг исми диққатимизни тортди. Ундан “Сен кимсан?” деб сўрашганда “Иши” деб жавоб берган. Т. Кребернинг қайд этишича, бу сўз “одам” маъносини англатади. Бу бошқа қабил аъзоларига дуч келганда бериладиган жавоб бўлиб, жуда кўп халқларнинг номи шундан келиб чиққан. Масалан, “доиг”, “нивхи”, “ненец” ва бошқа этнонимлар шундай ясалган.

“Иши” сўзи сиу тилида “ўртоқ” маъносини билдирадиган “ichi” сўзига жуда ўхшайди. Татар тилида ҳам “кеше” “одам”ни билдиради, “ichi” га қиёсласак, фақат

“к” ортиқча. Балки Т. Кребер “к”ни тушириб қолдириб “cichi” ни “ichi”га айлантириб юборгандир?

Сиу ҳиндилари ҳақида кўплаб асарлар ёзилганига қарамай, уларнинг тили деярли ўрганилган эмас. Америкадаги бошқа ҳинди тиллари ҳам шундай аҳволда. Шу туфайли Америка ҳиндиларининг таснифи ва қайси оилага мансублиги ҳақида турлича фикрлар айтиб келинади. Баъзи америкалик тилшунослар ҳиндиларининг мингдан кўп тили бор деб ҳисоблайдилар, баъзилари эса беш юз атрофида тил ва шевалар мавжудлигини айтадилар. Ҳинди тиллари таснифида эса жуда ғалати ҳолатларга дуч келамиз. Кўп ҳинди тиллари ўрганилмагани учун баъзи америкаликлар уларни таснифлаш пайтида ҳинди тили материалларига таяниш ўрнига сопол буюмларнинг ўхшашлиги ёки фарқига, кийимлар ва кулбаларнинг кўринишига, ҳатто тўр беланчакларнинг тўқилишию қандай ишлатилишига асосланиб фикр юритадилар. Уларнинг тилини антропологик белгилар: сочининг ранги, юз тузилишига қараб тасниф этишга уринишлар ҳам бўлди. Айниқса Марказий ва Жанубий Америка ҳиндиларининг тилига доир асарлар кам. Бунинг устига, ягона ёзув мезонлари ва тартибга амал қилинмагани учун тўпланган материаллар ҳам қиёсий ўрганиш ва тасниф қилишни қийинлаштиради. Совет америкашунослари таъкидлаганидек, “турли миллатга мансуб олимлар томонидан тузилган Жанубий Америка ҳиндилари тилига доир материаллар турли даражадаги англашилмовчиликлар туғилишига яхши мисол бўла олади. Хонанишин олимларнинг (бу тиллар — А. К.) грамматикасини бузиб талқин қилишлари эса ҳеч қандай самара бермаган. Грамматикани тузган олимлар асосан Фарбий Европа тиллари морфологияси ва синтаксиси талабларидан келиб чиқиб иш тутганлар. Ҳинди тилининг ўзига хос тузилиши бу ўринда мутлақо ҳисобга олинмаган. Шундан кейин қуйидаги асосли фикр алоҳида таъкидланади: “Замонавий Америка тилшунослари томонидан таклиф этилган турли вариантдаги таснифлар, худди луғатлар сингари, католик миссионерларнинг таклифлари ҳамда XIX асрдаги сайёҳларнинг мазкур тиллар оиласини аниқлаш учун қилган илк уринишларидан унча фарқ қилмайди”. Ригг ва Вильямсон луғатларида матн сўзларини ишлатиш ва фонетикадаги жиддий тафовутларни кўргач, бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Ҳатто Ф. Боаснинг Америка ҳиндилари тили таснифига бағишланган икки жилдлик йирик асари нуфузли ишлар жумласига киришига қарамай, таснифда кўпроқ худудий ва жўрофий омилларга таянади, оқибатда бир-бирига жуда яқин, қариндош тиллар ҳам турли тил гуруҳлари сифатида талқин қилинади. Бу ҳол майя, жунубий-ацтек тиллари ва сиу хока тили ўрганилган ўринларда яққол сезилади.

Энди бир оз орқага қайтайлик. О. Реригнинг сиу-дакота тилига бағишланган иши билан танишишим биланоқ майя ҳиндиларининг тарихи ва тили бўйича йирик мутахассис Ю. В. Кнорозовнинг “Қадимги майя ёзув тизими (Ўқиш тажрибасидан)” асарини эсладим. Улар кейинчалик Ю. Кнорозовнинг “Майя ҳиндиларининг ёзуви” монографиясига киритилган эди.

Ю. В. Кнорозов журналда эълон қилинган биринчи тадқиқотида майя ёзувидаги 300 сўзни ўзи қандай ўқиганини баён этади. Улар орасида шакл ва мазмун жиҳатидан туркий лексикага ўхшайдиган, ҳатто айнан мос келадиган сўзлар мавжудлиги бизни ҳайратга солганди. Бу ишни қайта қўлга олиб, 50 га яқин ана шундай сўзларни аниқладик. Туркий тиллардан биронтасини билган киши уларни осонлик билан тушуниши мумкин эди.

Ю. В. Кнорозов китоби билан биринчи марта танишганимда бундай яқин ўхшашликлар ишончсиз туюлган ва уларни тасодикий ҳодиса деб ҳисоблаган эдим.

Отто Рериг мақоласини ўқиганимдан кейин Кнорозовнинг асарини яна қўлимга олдим ва уни энди бошқача нуқтаи назардан қайта кўриб чиқдим. Буларнинг ҳаммаси сиу тили ва бошқа бир қатор ҳинди тилларининг туркий тиллар билан қариндошлиги ҳақида Отто Рериг илгари сурган фаразларга жавоб топишга ундар эди.

Дастлаб мен Марказий ҳамда Жанубий Америкадаги майя ва бошқа ҳиндиларнинг маданияти, тарихига бағишланган рус тилидаги асарлар билан танишиб чиқдим.

Сўнг Этнография институтидаги Америка ҳиндиларига бағишланган барча асарларни ҳамда кўп сонли журнал мақолалари ва майя, инклар, ацтеклар ҳаёти ҳақидаги бадиий асарлар, ҳиндилар орасига борган сайёҳларнинг рус тилида босилган хотираларини синчиклаб кўздан кечирдим.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, тилга олинган асарларда келтирилган майя сўзларининг русча ёзилиш тарзи майя тили товуш тузилишига мос келавермайди. Бу

ҳол, айниқса, айнан бир хил сўзларни Кнорозовдаги ёзув шакли билан Ланда де Диего асари таржимаси қиёсланганда дарҳол сезилади. Бу фарқлар “ч” товушининг “ц”га; “у”нинг “о”га, “а”ни “о”га, “ч”ни “ш”га, “и”ни “е”га айлантирилганида (ёки аксинча) ҳамда баъзи ундошлар, ҳатто унли товушларнинг тушириб қолдирилганида кўринади. Мисол учун майя тилидаги “илон” сўзи “цилан”, “чалан”, “цалан”, “чилан” каби кўринишларда ёзилганини айтиш кифоя.

Юкатань ярим оролидаги “Коточ”, “Цилань”, “Тулум”, “Яшиль”, “Ичмуль”, “Тас”, “Тапич”, “Качи”, “Шамансама”, “Чиген”, “Сайиль” ва бошқалар туркий тилларга айнан мос келади.

Юқоридаги асарлар филологик, тилшунослик мақсадларни кўзда тутмагани учун ҳам майя сўзлари тушунтириш, шарҳлаш маъносидагина келтирилган. Масалан, “кош” (“қуш”) қуш тури сифатида изоҳланган, татар тилида эса бу сўз қушларнинг умумий жамловчи номидир. Қушнинг қайси тури эканлиги бу ишларда айтилмаган. Бундай “шарҳ-таржималар” майя сўзларининг туркий муқобилларини топишда қийинчилик туғдиради. Жумладан, “яшчилан” ҳинди сўзи “жой” деб изоҳланган. Аслида бу мураккаб қўшма сўз “яша” (ёш, яшил) ва “чилан” (илон) сўзларидан ясалган бўлиб, “яшил илон” ёки “ёш илон” маъносини билдиради. Демак, у қандайдир мавҳум ерни эмас, аниқ бир жойни кўрсатиш учун ишлатилади.

Бундан ташқари бир тилдаги сўзни бошқа тилдаги ёзувга кўчиришда турли тилларга хос товушларнинг бир-бирига мос келмаслиги туфайли товуш хатоликларига йўл қўйиш хавфи ҳамиша мавжуд бўлади. Кўп ҳолларда бир тилдаги сўз иккинчи тилга мутлақо бузилган ҳолда кўчирилади ва бу ҳол ҳатто мутахассисларни ҳам чалкаштириб қўйиши ҳеч гап эмас. Тадқиқотчиларнинг қайд этишларича, майя тилидаги сўзлар испан ва бошқа тилларга турли ҳарфлар ва турли фонемалар билан кўчирилган. Ҳатто бир тилда ёзган муаллифларда ҳам бир хил сўз турли кўринишларда, бунинг устига “тўла” жарангламайдиган тарзда учрайди.

Шунингдек, рус тилида “универсал” ҳолда ишлатилиши лозим бўлган жой номлари ҳам турли муаллифларда турлича қиёфа касб этган: “Ицмуль” — “Ичмуль”, “Чичан” — “Цичан”, “Котуч” — “Коточ” каби.

Туркий тиллардан рус тилига ўзлашган жой номларига синчиклаб разм солсангиз, улар илк аталишидан нақадар узоқлашиб кетганини кўрасиз. Масалан, “сари тау” (сарик тоғ) “Саратов”га айланган, “Сари су” (Сарик сув)дан — “Царичин”, “Кумер” (кўмир)дан — “Кемерово”, “Томэн (ўн минг)дан — “Темниково”, “Тюмень” ясалган. Бошқа соҳа кишилари уларнинг илк талаффузи ва маъно тарихини ажратиши жуда мушкул.

Агар майя тили билан сиу тилидаги сўзларни қиёсласак, ҳар икки тилда ҳам талаффуз ва маъно жиҳатидан бир-бирига тўла мос келадиган “аақ” (оқ), “ик” (икки), “һао” (сув), “бин” (мен) “ич” (қорин), “ими” (аёл кўкраги), “акан” (оға) ва бошқа яқин сўзлар кўплигини кўрамиз. Бундан ташқари ҳар икки тил ҳам ҳинди тилларининг турли гуруҳларига мансублигига қарамай агглютинатив бўлиб, товуш тузилиши сингармонизмга бўйсунди.

Наҳотки америкалик филолог — ҳиндшунослар бундай ўхшашликни сезмаган бўлсалар, деган савол туғилади.

Балки бизнинг мулоҳазаларимиз фақат тасодифий ўхшашликларга таянмоқдамикин? Маълум бўлишича, бундай яқинлик ҳақида илгари ҳам ёзилган ва майя ҳиндиларининг тили сиу-хока ҳиндилари тили асосида юзага келгани ҳақидаги фикрлар илгари сурилган экан. Майяларнинг аجدодлари илгари Шимолий Америкада яшаган ва сиу-хокаларнинг бир тармоғи бўлган, сўнг улар жанубга, Марказий Америкага қараб силжиганлар. Шу манбада аггтек ҳиндилари тили ҳам сиу-хока тиллари гуруҳига мансублиги қайд этилади. Муаллиф ўз хулосаларини исботлаш учун мисоллар келтирмайди. Бу вазифани биз бажаришга уриниб кўрайлик. Ишимизни шу нарса анча энгиллаштирадики, майя тили нисбатан яхши ўрганилган.

Бу тилга бағишланган қатор луғатлар ва грамматика китоблари бор. Аммо улар орасида майя тили билан бошқа ҳинди тилларини қиёсий ўрганишга қаратилган биронта ҳам тадқиқот учрамайди. Шунга қарамай, бундай изланишлар биз учун туҳфа деб аташга арзигулик бошқа ишларнинг юзага келишига кўмак берди.

Маълум бўлишича, 1967 йилда швед журнали “Ethnos” (Этнос)да Упсаль университети шарқшуноси Стиг Викандернинг “Майя тили гуруҳларининг олтой тиллари оиласи билан алоқаси борми?” номли мақоласи босилган экан. Унинг давоми

1970 ва 1971 йилларда чоп этилган. Швецияда шарқшунослик илми, жумладан Африка, Океания халқлари тили, маданияти, тарихини ўрганиш ишлари яхши тараққий этган. Упсаль университети кутубхонасида туркий, араб, форс тилидаги шарқ кўлэмаларининг бой фонди мавжуд. С. Викандер кенг кўламли шарқшунос бўлиб, у шарқ тиллари, жумладан, туркий тилларга доир қатор мақолалар муаллифидир. У жонли шарқ тилларини ўрганиш ниятида шарқ мамлакатларида, жумладан, Туркияда сафарда бўлган. Юқорида тилга олинган, майя тили ва туркий тиллари алоқасига бағишланган асарида у шундай ёзади: “Майя ҳиндиларининг ўзаро гапларини биринчи марта эшитганимдаёқ уларнинг тили туркларникига ўхшаши, оҳангдошлигини кўриб, ҳайратдан лол қолганман. Бундай сўзларни яқингинада Истамбулда эшитган эдим. Албатта, бундай таассурот алдамчи бўлиши мумкин. Майя тилидаги матнларни ўргана бошлаганимда, турк тилидагига айнан мос келадиган жуда кўп сўзларга дуч келдим”.

Стил Викандернинг мазкур йирик мақоласи тор доираларга мўлжалланган журналда босилгани ва бизнинг кутубхоналаримизда йўқлиги учун унга батафсил тўхталиш лозим. Бунинг устига, унинг кузатишлари ва хулосалари мазкур ишимиз мавзусига бевосита алоқадор. Стиг Викандер майя тилида турк тилига айнан мос келувчи “кўп миқдордаги сўзлар” мавжудлигини таъкидлаш билан бир қаторда, бу тилларнинг грамматик қурилиши ҳам ўзаро ўхшаш эканлиги ҳақида ҳам кенг тўхталади. Аммо у туркум мақолаларида асосан бу тиллардаги сўзларни қиёсий ўрганишга диққатини қаратади ва уларнинг грамматикасини ёритишга кейинчалик қайтиш ниятида эканини алоҳида таъкидлайди.

Олим Марказий ва Жанубий Америкада энг кўп тарқалган кушнинг номи “tucan” экани, у турк тилидаги “dögan”, қадимги туркийдаги “togan” сўзига мос келиб, майя тилида ҳам, туркий тилларда ҳам “лочин” маъносини ифодалаши ҳақида ёзади. Испанларгача бўлган Америкада энг катта ҳайвон майя тилида “tzmin” деб аталган. Викандернинг қайд этишича, у “туя” маъносини билдирадиган туркий “deve”, “taba” сўзи билан яқинликка эга бўлиб, майя тилида “шимол буғуси” маъносини ҳам англатади. Майя тилидаги “kasnak” (белбоғ, камар) сўзи, Викандер таъкидлашича, туркий “кахнак” сўзига мос келади ва айнан бир хил маънода ишлатилади. Татарчадаги “кушак” ҳам шу маънода. Агар Кнорозов майя тилидаги яшил “ёш”ни “йаш” деб ўқиса, Викандер уни “уах” (ях) деб ўқийди ва уни куманча “уас”, туркий “jesul” сўзи билан мос деб ҳисоблайди. Викандер келтирган мисоллар орасида сиу ҳиндилари тилида учрайдиган сўзлар анчагина:

ip — эммоқ

imi — эмчак, она кўкраги

chu — сут (Реригда “seu”)

churag — эмиш. (Татарчада — “чупер”, “чумер”) эммоқ, шовқин билан эммоқ каби.

Викандер равишларнинг тузилиши ва сўз ясаш усуллари майя ва туркий тилларда бир хил эканини таъкидлайди. Майя тилидаги “alan”, “yalan” сўзлари туркий “al”, “ал”, “alsok” (тагида, остида, олдинда) сўзларига, “ichi”, “ichil” эса туркий “ic”, “icre” (ичида); “toc” туркий “tagi”, “tagur” (“ҳа”, “қачонгача”, “қандай”) сўзларига тўғри келади. Сўнг муаллиф майя ва туркий тиллар фонетикасига тўхталиб, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида сўзлайди. Кейинги ҳолат, Викандернинг фикрича, бир товушнинг бошқаси билан алмашуви туфайли содир бўлган. Викандер майя тилидаги “l” товуши туркий “r” (p) га, “k” эса “g” товушига ўтишини таъкидлайди. Бундай товуш алмашинувлари ҳақида гапирар экан, ўз фикрларини кўплаб мисоллар орқали исботлайди:

Агар Викандер Волга бўйидаги туркий халқлар тилларига мурожаат қилганда, товуш ва маъно жиҳатидан юқоридагиларга қараганда кўпроқ яқин сўзларни топган бўларди. Масалан, татар тилида “tic” “dik” тарзида эмас, худди майя тилидагидек “тык” (тиқмоқ) деб, “tur” (тўхтамоқ, турмоқ) эса “dur” эмас, балки майя тилидагидек “тор” деб талаффуз қилинади.

Сўнг олим майя тилида “p” (п) товуши билан бошланадиган сўзлар кўп, бундай ҳолат, туркий тилларда кам учрайди ёки бутунлай йўқ деб қайд этади. Викандернинг мазкур хулосаси барча туркий тилларга тааллуқли эмас. Баъзи туркий тилларда, жумладан озарбайжон, туркман, ўзбек тилида, татар тилининг айрим лаҳжала-

<sup>1</sup> Пеесель М. Кинган Роонинг унутилган дунёси М., Мисль, 1969 286-бет.

рида “п” сўз бошида кўп учрайди. Муаллифнинг майя ва туркий тиллар фонетикасини қиёслаш учун келтирган бошқа мисолларига тўхталиб ўтирмаймиз.

С. Викандер қиёслаш учун бу тиллардан икки юзга яқин сўз келтиради. Баъзи сўзларнинг муқобилини у тунгус, япон ва корейс тилларидан топади. Аммо асосий ўхшаш сўзлар туркий тилларда учрайди. Сўзлар ва товушларни таҳлил қилар экан, олим бундай ўхшашлик фақат ўзаро таъсир туфайли юз бермайди деган хулосага келади, чунки Америка ҳиндилари Янги Дунё кашф этилгунча Европа билан яқин алоқада бўлган эмас. Стил Викандернинг якуний хулосаси шундай: майя ва олтой тиллари фонетикаси ва лексикасидаги бундай яқин алоқа уларнинг қадимда бир тилдан келиб чиққанидан далолат беради.

Викандер ўз ишида кечуа тилидаги туркий тилларга яқин ёки ўхшаш сўзлардан ҳам мисол келтиради. Майя тили майя — киче тиллари гуруҳига киради. Улар ўз навбатида жанубий ацтек тиллар оиласига қариндошдир. Майя, ацтек, инкларнинг аждодлари тахминан эрадан аввалги V минг йилликларда Шимолий Америкадан, Калифорния ҳудудларидан силжиб, Марказий Америкага ва Жанубий Американинг турли кенгликларига кўчиб келиб жойлаша бошлаганлар.

Бугунги кунда Марказий ва Жанубий Америкадаги ҳиндилар ўзлари учун умумий бўлган кечуа тилида сўзлашадилар, бу тил эса келиб чиқишига кўра ўтмишда сиу — хока тиллари билан боғлиқ бўлган. Кечуа тили майяларнинг яқин кўшниси ва қариндоши ҳисобланган инклар империясида ҳукмрон тил эди. Инклар империяси мустақамланиб борган йилларда, то конкистадорлар келгунча, бу тил жуда кенг тарқалган. Испан босқинчилари келгач, бу жараён барҳам топди. Майя — киче тил гуруҳига қариндош бўлган кечуа тили айрим ўзгаришларга учраган ҳолда шу кунларда ҳам кенг қўлланади. У Перу, Эквадор, Боливия ҳамда Аргентина ва Чилининг айрим ҳудудларида испан тили билан бир қаторда иккинчи давлат тили ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Викандер ўз ишида туркий сўзларга яқин бўлган кечуа сўзларини келтиради.

Кечуа тили билан туркий тиллар орасидаги ўхшашликлар ҳақида Викандердан бошқа олимлар ҳам ёзганлигини аниқлади. Жумладан, 1935 йилда Римда ўтказилган шарқшуносларнинг Халқаро XIX конгрессида Б. Феррарио кечуа тили билан туркий, олтой тилларининг қариндошлиги ҳақида маъруза қилган экан.

Б. Феррарио уругвайлик профессор эди. Унинг ҳақида бошқа маълумотлар йўқ. Ўз нуқтаи назарини исботлаш учун у мазкур тилларнинг морфологик шакллари, сўз ясовчи кўшимчаларининг турлари, феълларнинг тусланишига эътиборини қаратади ва қисман лексик мисоллар ҳам келтиради:

Кечуа тилида	Таржимаси	Туркий тилларда	Таржимаси
ira	отанинг синглиси	ара	катта ота
ucuk	кичкина	Kucük	кичкина
acikuа	тушунтирмақ		
kok	осмон, кўк, осмон ранги	Kök	осмон, осмон ранги, кўк
wage	отанинг тоғаси	aga	амаки, хурматли шахс
tata, tauta	ота	ata, ada, dada	ота
misi	Мушук	misik	мушук
sunda	соқол	sukal	соч
cubca	соч толаси	tük (rog)	соч толаси
na	буюм, бирор нарса	ne	буюм, бирор нарса
as	катта эмас, бир мунча	ar	оз, бир оз ингичка,
ari	озгин	arig, arig	озгин
go	қувмоқ	go, qomak	қувмоқ
Коса	бошқа жойга	kes, ges,	кўчмоқ
	кўчмоқ	kos	бошқа жойга ўтирмақ



Б. Феррарио маърузасининг яна бир қимматли жиҳати шундаки, у кечуа тилига яқин тилда сўзлашувчи ҳинди қабилалари Уругвайда ҳам борлигини қайд этади. Кечуа тили бизга замондош бўлган француз шарқшуноси Георг Дюмезелнинг ҳам эътиборини тортган. Бу олим ҳам мазкур тил билан туркий тилларни қиёсловчи икки мақола эълон қилади. У бу тиллардаги яқинликни сон туркумини таҳлил этиш орқали исботлайди. Мазкур тилларга хос унли ва ундоларнинг алмашинувини ҳисобга олган олим бу тиллардаги бирдан олтигагача сонлар номи бир илдиздан келиб чиққанини кўрсатади. Мақола давомида муаллиф морфологик категориялар ва лексик мисоллар орқали бу тилларнинг яқин ва ўхшаш жиҳатларини таъкидлайди. У келтирган мисоллар орасида майя ва сиу тилларида учрайдиган сўзлар ҳам бор. Г. Дюмезел ишидаги мазкур мисолларни келтириш фойдадан холи бўлмайди.

Кечуа тилида	Таржимаси	Туркий тилларда	Таржимаси
c'aqla	соқол	sacal	соқол
cani	баҳо	san	сон
thugu	туфурмоқ	tiikur (тугу)	туфурмоқ,
	тўкмоқ		тўкмоқ
tuqu	урмоқ	tik, tuqu	санчмоқ, тикмоқ, саваламоқ
pak, paku	қарамоқ	bak, bagu	қарамоқ
tawga	уюм	tag, taw	тоғ
qhacun	келин, қаллиқ	Katun, katin	эрга чиққан аёл
qarwin	қорин	Karin	ошқозон
cunqa	сўнгги	son	сўнгги, охириги
в.б.	жимжилоқ		жимжилоқ

Ҳинди тили билан туркий тилларни қиёсий ўрганишга бағишланган асарлар деярли ана шу кўрсатилган ишлардан иборат. Нима учун ҳинди тили билан шуғулланган бошқа тилшунослар бу ҳодисага эътибор бермаганлар? Бундай савол табиий. Жавоб битта: бу мавзуга қўл урган бошқа тилшунослар орасида туркий тилларни биладиганлари йўқ эди. О. Рериг, С. Викандер каби майя, сиу, инк ҳиндилари орасига тушиб қолган ҳар қандай туркшунос уларнинг тилини туркий тилларга ўхшашлигини сезмаслиги мумкин эмас эди. Мазкур олимларнинг ишлари америкалик ҳиндишунос — филологлар диққатидан ташқари қолганлиги ҳам шу билан изоҳланади. Акс ҳолда тўғри ёки нотўғрилигидан қатъий назар, бу ишларни америкалик филологлар эътиборсиз қолдирмаган бўлардилар.

Изланишларимиз давомида Шимолӣ Америкадаги ҳиндилар тили туркий тилларниқига ўхшашлигини пайқаган яна бир олим борлигини аниқладик. Бу англиялик Ж. Жосселин бўлиб, у 1638 йилда укаси билан Янги Англияга келган ва ҳиндилар орасида ўн йилдан кўпроқ яшаган эди. Кейинчалик ёзганларидан маълум бўлишича, у ҳиндилар билан бирга ёввойи отлар — мустангларни овлашга борган, байрамларда бирга куйлаб, рақсга тушган, одатларини синчиклаб ўрганган. Кўп йиллар давомида кундалик тутиб кўрган-кечирганларини ёзиб борган. Англияга қайтганидан кейин ўз кузатувлари асосида “Янги Англия мўъжизалари” номли китоб ёзиб, уни 1672 йилда Лондонда нашр эттирган. Ж. Жосселини Америкадаги ҳиндилар (гап сиу-хока ҳиндилари ҳақида бормоқда) қиёфалари, хатти-ҳаракатлари, одатларига кўра “турк тилида гаплашувчи “татар”ларни эслатади”, деб ёзади. Кўрамизки, муаллиф бошқа европалликларга ўхшаб “татар”ларни барча шарқ халқлари билан аралаштириб юбормайди. У ҳиндилар тилида “татар”ларниқига ўхшаш сўзлар кўплигини, сўзлаш оҳанги туркларниқидек эканлигини ёзади. Афсуски, Ж. Жосселини ўз кузатувларини тил мисоллари асосида мустаҳкамламайди.

Ҳинди ва туркий тилларнинг ўхшашлигини биринчи марта қайд этган бу китоб, бошқа бир жиҳати билан ҳам муҳим. Унда ҳинди қабилаларидан бири сиғинадиган белги тасвири келтирилади. Суратни кўрганимда ҳайратдан донг қотиб қолдим ва бу қаллоблик эмасмикин, деган хаёлга ҳам бордим! Кўзларимга ишонмасдим! Ҳайратда қолишимга жиддий асос бор эди; китобдаги сурат Қозон шахрининг герби ҳисобланадиган аждарга айнан ўхшар эди.

Уни Волга булғорлари тангаларида кўплаб учратиш мумкин, шунингдек, бундай рамзий белги бошқа қадимги туркий халқлар орасида, жумладан, Ўрта Осиёда кенг қўлланган.

Америка ҳиндилари, хусусан, майя тилининг туркий тилларга ўхшашлиги ҳақида яна икки асарда гап боради. Улардан бири Жон Макинтош қаламига мансуб. У 1853 йилда Вашингтонда босилган. Унда Шимолий Америка ҳиндиларининг келиб чиқиши ва сиу-хока ҳиндиларининг тили билан туркий тилларнинг генетик яқинлиги ҳақида сўз юритилади.

Бошқа муаллиф — А. Р. Аравио майя адабиётининг ёдгорлиги “И чол кин”га ёзган шарҳларида майя ва туркий тилларнинг қариндошлиги хусусида сўзлайди. Ўз фикрларини тасдиқлаш учун ҳар икки олим кўплаб мисоллар келтирадилар. (Улар асосан юқорида тилга олинган сўзлардан иборат.) Бу хусусда С. Викандер тилга олган яна икки олим: Роберт Г. Латхам ҳамда Юлиус Плацманн ҳам сўз юритган. Аммо, афсуски, биз китоб хазиналаримиздан бу асарларни излаб тополмадик.

Кўрамизки, айрим ҳинди қабилалари тилининг Осиё халқлари, энг аввало туркий халқлар тилига ўхшашлиги масаласи билан қатор олимлар шуғулланганлар. Осиё ва Европа тиллари билан айрим айрим ҳинди тиллари орасидаги яқинлик ҳақидаги кузатишлар совет олими Н. Ф. Яковлев ишларида ҳам учрайди, тўғрироғи, у Кавказ, Осиё ва Америка тиллари ўртасидаги қадимий алоқалар, “яқин ва ўхшаш жиҳатлар” хусусида мулоҳаза юритади. Муаллиф мазкур ҳодисани “бу икки қитъани ўзаро туташтириб турган қадимий кўчишлар ва маданий алоқалар турли даврларда давом этганлиги” билан изоҳлайди. Олим, биринчи навбатда, фонетик ва морфологик ўхшашликлар ҳақида гапирди, аммо ўз фаразларини исботловчи мисоллар келтирмайди. У аҳён-аҳёнда фойдаланган мисоллардан иккитаси: “кэт” (кет-кетмоқ) ва “кэл” (кел-келмоқ) шакл, мазмун ва товуш жиҳатидан кечуа ва туркий тилларда айнан бирдек ишлатилади.

Мен шу баҳонада Жанубий Америка ҳинди тилларига доир кўплаб луғатлар билан танишиб чиқдим, турли ҳинди қабилалари диёрига саёҳат қилган сайёҳларнинг асарларини, ҳиндилар орасида яшаган оқ танлиларнинг кундаликлари ва хотираларини ўқидим ва ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан туркий тилларга айнан мос келадиган жуда кўп сўзларга дуч келдимки, ўқувчини толиқтирмаслик учун уларнинг ҳаммасини бу ерда келтириб ўтирмайман.

Бизнинг кунларимизда Тинч океандаги баъзи ороллар ҳинди қабилалари томонидан ўзлаштирилгани ҳақида кўп ёзилиди. Конкистадорларни бошлаб борган испан монахларининг эътирофига қараганда, ҳиндилар довюрак денгизчилар бўлганлар, улар юзлаб кишилар сиғадиган мустаҳкам катта солларда Америка қирғоқларидан чиқиб, Тинч океаннинг олис манзилларига борганлар.

Замонамизнинг машҳур сайёҳларидан бири, таниқли олим, антрополог, археолог Тур Хейердал “Кон-тики” солидаги саёҳати орқали буни амалда исботлаб берди. Унинг “Пасхи” оролидан топган “ронго-ронго” деб аталган “гапирувчи” тахтачаларидаги ёзувлар испан инквизиторлари томонидан йўқ қилинган қадимги майя ёзувларига ўхшайди. Европадаги учта кутубхонада бу ёзув намуналари сақланади. Т. Хейердал ва бошқа олимларнинг бу ёзувни ўқиш борасидаги уринишлари натижа бермади. Олим Ю. Кнорозов қадимги майя ёзувларини ўқишда маълум ютуқларни қўлга киритганига қарамай, ҳали барча муаммолар ечилган деб бўлмайди. В. Бахтнинг қайд этишича, буни асосий сабаби “Жанубий Америка археологияси ва этнографиясига оид бу ронго-ронголар мазмунини аниқлаш учун тил калитини топишга ҳеч ким жиддий уриниб кўрмагани” дадир<sup>1</sup>.

Тур Хейердал ҳам бошқа олимлар сингари Тинч океан оролларида яшовчи турли қабилалар тилида маълум даражада ҳинди сўзлари қатлами мавжудлигини тасдиқлайди. Бу эса ана шу оролларга майя, ацтек ва инк каби қабилалар ҳам келиб

<sup>1</sup> Хейердал Т. Бир назария саргузаштлари. М., 1959, 305-6.

ўрнашганидан далолат беради. Тур Хейердал басальт ёғочларидан ясаган солга инклар афсонасида учровчи “Кон-Тики” номини берган эди. Шу ном маъносини чақиб кўрайлик. Тур Хейердалнинг таъкидлашича, инклар тилида “Кон” — “Куёш”ни билдиради. Юқорида кўрганимиздек, май тилида ҳам “Кин” “куёш”, “кун” маъноларида ишлатилади. “Тики” эса “Худо”, “Етакчи”ни англатади. Инклар тилида “етакчи”, “бошловчи”, “олдинда борувчи” маъносидаги “тэки” сўзи бор; “тики” ана шу сўздан ясалган. Туркий тилларда эса “тэкэ” эркак эчкини ҳам, поданинг етакчисини ҳам билдиради.

И. К. Федоров кечуа тили билан полинезия тиллари, хусусан аймара тили орасидаги яқинликларни аниқлайди. Чамаси, ронго-ронго ёзувларини ўқишга имкон берадиган тил калити яқин орада топиладиганга ўхшайди.

Америка ҳиндилари тили билан олтой, туркий тилларни қиёсий ўрганишга бағишланган асарлар қисқача ана шулардан иборат. Осиё тиллари билан Америка ҳиндилари тили фонетикасини типологик ўрганиш орқали улар орасидаги яқинликни аниқлашга бағишланган поляк олими Т. Милевскийнинг асарини ҳам шу сирага киритиш мумкин.

Олимлар орасида Америка қитъасига одамлар Осиёдан кўчиб ўтган деган қарашлар мавжуд. Бу жараён Чукотка ва Алеут ороллари худудида юз берган. Бу фикрларга қисман қўшиш ҳолда қадимги кишилар Америкага Тинч океан орқали ҳам ўтганлигини таъкидлашни истардим. Буни тасдиқлайдиган қатор омиллар бор. Бу масалани алоҳида ўрганиш лозим. Аммо мазкур тахмин тил материаллари асосида ҳам тасдиқланишини айтиб ўтиш керак. Айрим олимлар баъзи Америка ҳиндилари тилида хитой, япон, корейс тиллари изларини топганлар.

Марказий Америкада олиб борилган археологик қидирувларда Японияда ишланган буюмлар топилгани шундай алоқалар бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Америка ҳиндилари тилида япон, хитой, корейс тиллари излари борлиги ҳақидаги асарлар кўп эмас. Уларда мисоллар жуда кам. Бунинг устига, тиллар таснифида морфологик ва фонетик ўхшашликлар ҳақида гап юритилмайди. Биз юқорида тилга олган О. Рериг, С. Викандер, Б. Феррариоларнинг ишларида ҳинди тилларида учрайдиган қирққа яқин япон, хитой, корейс сўзлари келтирилган.

Ҳинди тиллари билан олтой тилларини қиёсий ўрганишда олимлар олдида қандай улкан қийинчиликлар турганини кўрсатиш учун Американи ўзлаштириш тарихига қисқача сафар қилиш лозим. Кўпчилик олимлар Америкага одамлар бундан 20—30 минг йиллар илгари Осиёдан кўчиб ўтганлар деб ҳисоблашади. Бу санани 50—100 минг йил деб тасдиқлашга уринувчи олимлар ҳам бор. Бу жараёнлар музлик давридан бошланган, сўнгги музлик даврида қутблардаги океан сувлари музлагани туфайли Осиё ва Америка орасига йўл очилган, деб ҳисоблайдиганлар ҳам кўп. Тарихчилар орасида Чукотка кўприги ва Алеут ороллари Америкага кўчиб ўтишда асосий нуқта бўлган деган фикр ниҳоятда устувор. Аммо унинг айрим ожиз томонлари ҳам мавжудлиги учун бу масалада янгидан-янги тахминлар илгари сурилган.

Одамлар Америкага Европа ва Африкадан кўчиб ўтганлар, бу қитъа дастлаб финикияликлар, оссурийлар, трояликлар, римликлар, этруслар, греклар, яҳудийлар, ҳиндлар ва бошқалар томонидан ўзлаштирилган, Атлантика уммонидаги Атлантида қуруқлиги бу жараёнда таянч нуқтаси бўлган деган назария ҳам мавжуд... Бу назария муаллифлари Америкада ҳам Миср эҳромларига ўхшатиб қурилган улкан обидалар борлигини ўз фикрларининг исботи сифатида кўрсатадилар. Баъзи ҳинди қабилалари тилида бугунги кунда Испанияда яшовчи, бир вақтлар машҳур денгизчилар бўлган басклар сўзлари учрашини мисол қилиб келтирадилар. Албатта, бу халқнинг айрим вакиллари уммонлардан ошиб, Америка қитъасига келган бўлиши мумкин. Американинг ички худудларида яҳудий қишлоқлари топилгач, майя ва кечуа ҳиндилари маданиятини улар яратганлар деган қарашлар кенг тарқалди. Аммо тадқиқотлар бу жамоалар Америка кашф этилгандан кейин таъқиблардан қочиб келиб қолганини исботлаб берди.

Шунингдек, Тинч океанда ҳам Осиё ва Америка оралиғида ўзига хос Атлантида — Мо қуруқлиги бўлган деган тахминлар ҳам илгари сурилди.

У гўё Америка ва Осиё ўртасида кўприк вазифасини бажарган. Ҳатто Чингизхоннинг набираси Кублайхон (Хубулай хон) (1216—1294) 800 кемага жойлашган катта қўшин билан Японияни забт этишга отланган, бўронда адашиб, Куросиво

оқими орқали Америкага келиб қолган ва ана шу улкан қурилишларни амалга оширган, деган назариялар ҳам бор.

Американинг ғарбий соҳилларида Японияда ишланган сопол буюмлари топилиши, ҳиндилар тилида япон, хитой, корейс, бакс тили элементлари учрашига табиий ҳол деб қараш керак. Тана тузилиши жиҳатидан ҳам ҳиндилар бир хил ирққа мансуб эмас. У ерда Африка пигмелирини эслатувчи пакана ҳинд қабилалари ҳам, Лотин Америкасининг жанубий қисмларида эса баланд бўйли, келишган паатагонияликлар ҳам учрайди. Ҳиндилар орасида мўғул ирқи билан бир қаторда Европа ирқига кирувчилар ҳам, тана тузилишига кўра ҳар икки ирқ оралиғидаги қабилалар ҳам бор.

Кўрамизки, Американинг ўзлаштирилишига доир барча тахминларда маълум асослар мавжуд. Шунинг учун ҳам бу қитъага одамлар фақат Осиёдан Чукотка ва Алеут ороллари орқалигина кўчиб ўтганлар деган фикрга тўла қўшилиб бўлмайди. Буни ҳиндиларнинг афсонавий қарашлари ҳам тасдиқлайди. Марказий Америкадаги ҳиндилар орасидаги афсонада айтилишича қадим замонларда уларнинг йўлбошчилари оқ танлилар бўлган, улар ўз қабиладошларини Юкатан ярим оролида қолдириб, тез орада қайтиб келишга ваъда берганлар ва уммонда сузиб кетганлар. Испанларнинг Юкатанга келишлари арафасида майя ҳиндиларининг етакчиси тушида (улар тушга илоҳий каромат деб қараганлар), йўлбошчилари қайтиб келаётганини кўради. Шу туфайли испан авантюристи Кортес бир тўда каллакесарлар билан қирғоққа тушганда, ҳиндилар уларни ўз доҳийлари сифатида катта иззат-икром билан кутиб оладилар. Бундан фойдаланган Кортес кўп сонли халқни осонлик билан бўйсундиришга ва талашга муваффақ бўлади.

Ҳозир майя, ацтек ҳиндилари орасида оқ танлилар бўлган, деб ҳисоблашади. Антропологлар ҳиндилар қонини текшириб кўришганда қони “А” гуруҳига мансуб одамлар учрамади. Етакчиларининг тана қолдиқлари тадқиқ этилганда эса, қони Эски Дунё одамларига хос “А” гуруҳини ташкил этиши аниқланди.

Бу далиллар қадим замонларда Америка қандай ўзлаштирилганлиги ҳақида янги ва янги тахминларни туғдирмоқда. Яна шуларни қўшимча қилиш мумкин. Норвег сайёҳи Тур Хейердал қамишдан ясалган “Ра 1”, “Ра 2” қайиқларида Африкадан Марказий Америкага сузиб ўтди ва бу билан одамлар бу қитъага Африкадан келиб жойлашиши мумкинлигини исботлаб берди. У Америкадаги Перу, Мексика, Чили сув ҳавзаларидаги қайиқлар билан Африканинг Нигер, Чад ҳавзаларидаги қамиш қайиқлари бир-бирига жуда ўхшашлигини аниқлади. Уларни “тўқиш” учун Мисрга Титикак кўли атрофида яшайдиган кечуа ҳиндилари таклиф этилди. Шундай қилиб, Америкага олиб борадиган йўл қадимдан Африка, Осиё, Европа халқларига маълум бўлганлиги амалда исботланди. У ёққа элтадиган йўлни Скандинавия халқлари ҳам яхши билганлар. Янги маълумотлар ҳам шу тахминни янада мустаҳкамламоқда. Шунингдек, Океания орқали ҳам бу қитъага бориш мумкин бўлган.

Яна тил масаласига қайтайлик. Тилшунослар, ҳинд-европа тиллари мутахассисларининг таъкидлашича, ҳатто халқ ташқи кучлар ва табиат ҳодисаларининг таъйиқига учрамай тинч, хотиржам яшаган, турмуш тарзини бутунлай ўзгартириб юборадиган фалокатларга дуч келмаган, бошқа халқлар билан алоқа қилмаган тақдирда ҳам бир аср мобайнида тилдаги сўзларнинг 15 фоизи ўзгариб, янгиланиб турар экан. Демак, икки минг йил ичида амалда туб сўзлар қолмайди ёки янгиланиб, таниб бўлмайдиган ҳолга келади. Агар Американинг туб аҳолиси кўчиб келганига 10 минг йил ўтган тақдирда ҳам кейинги икки, уч минг йил ичида, улар билан бирга Эски Дунёдан келган сўзлар бутунлай ўзгариб кетган бўлади. Эски Дунёни тарк этган ҳиндиларнинг аجدодлари ўн минг йиллар мобайнида Осиё, Европа, Африкадан ажралган ҳолда ҳаёт кечирдилар. Айтиш мумкинки, ҳиндилар тили Эски Дунёга қиёсласак, бутунлай ўзга ўзанларда, бошқача табиий, иқлимий, жуғрофий шароитларда ривожланди. Улар Эски Дунё халқлари бошдан кечирган жуда кўп ижтимоий босқичлардан четда яшадилар. Бу вақт мобайнида ўзга қитъада қолган аввалги қабиладошлари билан айрим тасодифий учрашувлар эса ҳиндилар тилини ўзгартиришга ҳеч қандай таъсир кўрсатмади.

Орадан ўтган кўп минг йилликлар давомида олтой, турк, ҳинд-европа тилларида сўзловчи халқлар ҳам ҳиндиларга нисбатан бутунлай бошқа табиий шароитларда яшаб, Европа, Осиё, Африкадаги улкан ҳудудлардаги қўшни халқлар билан жуда яқин алоқада бўлдилар. Буларнинг ҳаммаси фақат сўзлар таркибига эмас, балки

товушлар ва грамматик шаклларга ҳам катта таъсир кўрсатди. Америка кашф этилгунча ва ундан кейин ҳам америкалик ҳиндилар билан туркий тиллар ўртасида алоқа бўлиши мумкин эмас эди. Ана шундай шароитда ҳиндилар тилида туркий тилларникига ўхшаш ёки яқин 5—6 та сўзнинг учраши ҳам ҳаво очик кундаги момақалди-роқдек таассурот қолдиради.

Руслар ва татарлар асрлардан бери жуда яқин алоқада яшашларига қарамасдан, бу тилларда талаффузи, урғу ва маъносига кўра бир-бирига ўхшаш ёки мос келадиган лоақал битта-иккита сўз топиб бўлмайди. Албатта, ҳар икки тилга ўзлашиб кетган, шунингдек, барча тилларда ҳам бирдек ишлатиладиган халқаро сўзлар ва тақлидий сўзлар бунга кирмайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун русча-татарча ёки татарча-русча луғатларни (шунингдек, бошқа туркий тилларга оид луғатларни ҳам — тарж.) варақлаб кўрсангиз кифоя. Бунинг учун ҳам маълум филологик тай-ёргарлик зарур, зеро, ўзагини аниқлаб олиш қийин кечадиган ўзлашган сўзлар жуда кўп. Масалан, русчадаги “кочевать” (татарчадаги “кучену”, “кучу” — “кўчиш” маъносида), “лошадь” (татарча “алаша” — ахта от), “чалий”, “каурий”, “тъма” ва бошқа сўзлар.

Бизнинг кунларимизда бир-биридан мутлақо фарқ қиладиган итальян ва болтиқ, кельт ва роман, славян ва ҳинд, тоҳар ва кетлувий каби ўз навбатида ўнлаб тармоқларга эга бўлган тилларни ҳинд-европа тиллари шажарасига киритилишига табиий ҳол деб қаралади. Бу тилларнинг илдизи бирлигини исботлаш учун қадимий ҳинд-европа сўзи сифатида “пять” (беш) — “пенкве” сўзини келтирадилар. У лотинчада “квинке”, қадимги юнончада “пенте”, санскритда — “панча”, ҳинди-чада “панч”, русчада — “пять” в. ҳ. (Татар тилидаги “беш”нинг “панч”га яқинлиги бор деб бемалол айтиш мумкин. Аммо татар тилидаги “элик” “пятьдесят”) эса “пять+десять”дан ясалган эмас).

Мутахассис бўлмаган кишига рус, хетт, арман, прусс, литва, лотин, инглиз, албан, курд, тожик, ирланд ва бошқа тилларнинг илдизи бир, уларнинг ҳаммаси ҳинд-европа тиллар оиласига киради, деган гап ишончсиздек туюлади. Бу тиллар орасидаги фарқлар шунчалик кўпки, ҳатто баъзи тилшунослар мазкур тилларнинг қадимда қариндош бўлганлигига шубҳа билан қарайдилар. Зеро, рус-инглиз тилларининг фонетика, морфология, синтаксиси ер билан осмонча бир-биридан фарқ қилади. Ўнлаб мамлакатлардаги минг-мингларча тилшунос — олимларининг кўп йиллик меҳнатлари туфайли бу тилларнинг битта умумий тилдан келиб чиққанлигини исботлашга муваффақ бўлинди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу тилларнинг айримлари орасида ҳар жиҳатдан тафовут жуда катта, туркий ва айрим ҳинди тиллари ўртасида эса, қарангки, бундай фарқ кўпам сезилавермайди; грамматик, морфологик шакллар, шунингдек, тилнинг тузилишида, оҳангда, урғуда, лексика ва бошқаларда жуда кўп ўхшашлик ва яқинлик мавжуд.

Қайд этилганидек, ҳинди тили билан туркий тилларни қиёсий ўрганиш борасида илк журъатсиз қадамлар ташланди, буларни келгуси қилинажак тадқиқотлар олдида уммонга тушган томчидек ҳисоблаш лозим. Аммо мана шу томчида ҳам яқинлик, ўхшашлик белгилари мавжуд экан, бизнингча, буларга фақат тасодиф деб қараб бўлмайди.

Америка ҳиндиларининг келиб чиқишини тадқиқ этувчиларнинг (улар кўп ишлар қилганлар) ҳаммаси антропологик изланишлар билангина чекланишади. Ҳиндиларнинг этногенезига бағишланган асарлар орасида лингвистик археология қўлланган биронта ҳам ишни учратганим йўқ, бусиз эса халқнинг келиб чиқиш тарихини тўғри ёритиш мумкин эмас.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ҳиндилар музыкаси ҳақида ёзган олимлар бир овоздан уларнинг музыкаси пентатоник йўналишида эканлигини қайд этадилар. Бундай ҳолат қатор туркий халқлар (жумладан, татар халқ музыкаси ҳам), шунингдек, Осиёдаги бошқа бир қанча халқлар — мўғуллар, хитойлар, японлар, корейслар (уларнинг тили туркийларникидан анча узоқ)нинг музыкаси ҳам ана шу хусусиятга эга. Туркий бўлмаган мазкур халқларнинг халқ музыкасидаги пентатоникликни тушуниш мумкин, чунки улар туркий халқлар билан жуда яқин алоқада яшаганлар, ҳатто баъзиларининг этногенезида туркийлар муҳим роль ўйнаганлар. Шунингдек, япон, корейс, мўғул тиллари олтой тиллари оиласига киради. Демак, Америка ҳиндилари

музикасидаги пентатоникани ҳам айнан ана шу ўрол-олтой тилларига қариндошликдан излаш керак бўлади.

Шу жиҳатдан Америка ҳиндилари билан туркийлар фольклорини қиёсий ўрганиш фойдалидир. Шу йўналишда сиу ҳиндилари орасида етти йил яшаб, улардан ёзиб олган афсоналарни эълон қилган Мария Эстманнинг ишини таъкидлаш лозим. Унинг тўпламида оламнинг пайдо бўлиши ҳақида бир ривоят келтирилади. Бу ривоят типологик йўналиши, образлари ҳамда сюжетига кўра Н. Ф. Катанов томонидан ўтган асрнинг охирларида қачин татарларидан ёзиб олинган афсонага айнан ўхшайди. Афсона куш — худо Ерни қандай яратгани ҳақидадир. Бунинг учун у уммон тубига шўнгиб, тумшугида бир парча лой олиб чиқади, ундан кейинчалик Ер пайдо бўлади. Қизиғи шундаки, бу афсона Америка ҳиндилари, Океанияда яшовчи қабилалар ҳамда Осиё халқлари орасида кенг тарқалганига қарамай, Европа, Африка халқлари фольклорига учрамайди. Бундан ташқари, Америка ҳиндилари билан қирғиз, тува, ёкутларнинг турмуш тарзи, одатларидаги яқинлик кўринишлари ҳақида ёзилган илмий асарлар ҳам бор...

Айрим ҳинди тилларини туркий ҳамда Эски Дунёдаги бошқа тиллар билан қиёсий ўрганиш ҳиндилар тарихи учун, шунингдек дунёнинг турли жойларида яшовчи бошқа халқлар тарихини ёритиш учун ҳам ниҳоятда фойдалидир. Бу соҳадаги тадқиқотлар биринчи навбатда икки асрдан бери турли баҳсларга сабаб бўлиб келаётган ўрал-олтой тиллари билан Америка ҳиндиларининг яқинлиги масаласига ҳам ойдинлик киритиш имконини беради. Мазкур йўналишдаги изланишлар Американинг ўзлаштирилиши, Америка ҳиндиларининг этногенези, таснифи, халқларнинг кўчиб юриши, Океания оролларида кўчиб келишлар тарихи каби ҳали ечимини топмаган баҳсли масалаларни ёритишга, аниқлик киритишга катта ёрдам беради.

Мазкур ишимизда ўқувчиларни ҳинди тилини қиёсий ўрганишнинг аҳволи билан қисқача таништиришга ҳаракат этдик ва айрим ҳинди тиллари туркий тилларга қариндош бўлиши мумкинлигига доир ўз мулоҳазаларимизни илгари сурдик.

Китоблар тарихи билан шуғулланиш жараёнида мен тасодифан О. Реригнинг Иброҳим Халфинга йўллаган мактуби билан танишдим, шу баҳонада менда Америка ҳиндилари тилига қизиқиш туғилди.

Американинг кашф этилиши бошқа буюк ихтиролар қаторида Эски Дунё маданиятининг ривожланишида қудратли омиллардан бири бўлди. У инсониятни Америка ҳиндилари эришган буюк муваффақиятлар ва тажрибалар билан таништирди. Бу эса инсоният тараққиётини тезлаштирди. Эски Дунё Янги Дунёда яшовчи ҳиндилардан европаликларга бутунлай нотаниш бўлган қишлоқ хўжалик экинларини қабул қилганини эслаш кифоя, яъни ҳиндилар қишлоқ хўжалигининг юксалишига буюк ҳисса қўшдилар. Инсон истеъмол қиладиган маҳсулотларнинг деярли ярмиси ҳиндилар томонидан кашф қилинган ва етиштирилгандир. Бугунги кунда уларсиз тирикчилигимизни тасаввур этиб бўлмайди. Дастурхонимизни безаб турган картошка, памидори, қалампир, жўхори, қовоқ, ловия, ерёнғоқ, какао, кунгабоқар ва бошқа сабзавот ва мевалар учун ҳиндилардан миннатдор бўлишимиз керак.

Мазкур китобни рус олими, археолог-тарихчи Г. Матюшиннинг Бошқирдистондаги Давлеканов қишлоғи ёнидан топилган ва таниқли антрополог — профессор М. Герасимов томонидан тикланган қадимги одамнинг бош суяги ҳақида “бизга худди Фенимор Купер романлари саҳифаларидан чиқиб келган жасур бизон овчиси тикилиб тургандек эди”, — деган сўзлари билан яқунлашни хоҳлардим.

## ҲИНДИ ЖАНУБИЙ ЎРОЛДАМИ?

Ҳа, бунинг устига, бу қадимги ҳиндиларнинг аждоди, очиқ айтиш мумкинки, антропологик қиёфасига кўра фақат ўзига замондош бўлган осийликларгагина эмас, европа типига мансуб одамларга ҳам ўхшаб кетарди.

Давлеканов қишлоғидаги топилма Янги Дунёдаги палеоҳинди американоид аҳолининг шаклланишида Осиёдан чиққан одамлар билан бир қаторда Европа аҳолиси ҳам иштирок этган, деб тахмин қилишга асос беради<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Матюшин Г. “Ҳинди Ўролдами?” — “Вокруг света” журнали, 1969, 10-сон, 30-б. Америка ҳиндиларини баъзан “индсец” деб ҳам ёзадилар.

## ХУЛОСА ЎРНИДА

1974 йилнинг октябрь ойида Қозон университетининг татар тили кафедрасида Қозон педагогика институтининг олимлари ҳам қатнашган кенгайтирилган мажлисда мен биринчи марта айрим ҳинди тилларининг туркий тилларга яқинлиги ҳақида ўз изланишларим ва хулосаларим ҳақида ахборот берган эдим. Ҳинди қабила-ларидан бири бўлган қадимги майя тили билан туркий тил ўртасида муштарак сўзлар мавжудлиги ҳақида Сочи шаҳрида яшовчи врач М. Орибжонов кузатувлар олиб борган экан. Мазкур мажлисда у ҳам ўз кузатувлари хусусида ўртоқлашди. Ахборотларимиз зўр эътибор билан тингланганига қарамай, бизнинг топилмаларимиз ва хулосаларимиз кенг муҳокама қилинмади. Олимларимиз хулосаларимизни қабул қилишга ҳали тайёр эмас эдилар, шунинг учун уни инкор этувчилар ҳам, маъқулловчилар ҳам топилмади. Мазкур тиллар орасида яқинлик бўлиши мумкинлиги, буни исботлаш учун тадқиқотларни давом эттириш, янги далиллар топиш лозимлиги қайд этилди.

Шундан кейин мен ўз хулосаларим ва топилмаларимни қисқа, ихчам бир мақола орқали 1976 йилда Қозон педагогика институтида чоп этилган “Туркий тиллар масалалари” номли илмий тўпламда эълон қилдим. М. Орибжоновнинг мақоласи ҳам шу тўпламда босилиб чиқди.

Мазкур ишга биринчи бўлиб Литва ССР Фанлар Академиясининг кекса илмий ходими, филология фанлари доктори, туркий тиллар оиласига кирувчи қараимлар тилини яхши биладиган олим В. Мисьявичус муносабат билдирди. Асосан мақола-ларимизнинг баъидан иборат бўлган ва 1976 йилда “Наука и жизнь” (Moklasir suvenimas) журналида босилиб чиққан бу ишда муаллиф биз илгари сурган тахмин яшашга ҳақли эканини таъкидлади.

1977 йилда “Советская тюркология” журналининг иккинчи сонида таниқли турколог — тилшунослар Ф. С. Сайфуллина ва С. М. Ибрагимовларнинг юқоридаги тўпламга тақризи босилди. Унда ҳам тақризчилар бизнинг тахминимизни маъқуллаган ҳолда, унга нисбатан ҳеч қандай эътироз билдирмадилар. 1978 йилда мазкур журналнинг 3-сонида филология фанлари доктори, СССР ФА тилшунослик институтининг катта илмий ходими, туркий тиллар лексикографияси бўйича йирик мутахассис К. М. Мусаев бизнинг мулоҳазаларимизга таянган ҳолда, бу иш жиддий эътиборга сазовор деган фикрни илгари сурди. Олим бу фикрларини “Туркий тиллар лексикологияси”<sup>1</sup> монографиясида янада кенгрок баён қилди, туркий тилларнинг қадимги тарихи ва тарқалиш ҳудудларига боғлиқ ҳолда бизнинг қарашларимизни янада кенг қўламда ёритиб берди.

Туркий тиллар тарихи билан шуғулланувчи таниқли тилшунос олим, профессор М. З. Закиев ҳам бизнинг ишларимизга катта эътибор билан қаради. У ҳам қадимги туркий тиллар манбаларини кўҳна Осиё ва Америка ҳиндилари тили билан боғлайди. М. Закиевнинг “Татар халқи тилининг вужудга келиши”<sup>2</sup> номли монографиясига тақриз ёзган К. З. Зиннатуллина ва Р. А. Юсуповлар ҳам бундай ёндашув самарали эканини қайд этадилар<sup>3</sup>.

1976 йилда СССР География жамиятининг Америка комиссияси бизнинг “Айрим Америка ҳиндилари тилининг туркий тилларга қариндошлиги масаласига доир” номли мақоламизни чоп этди. Унга таниқли олим Л. Н. Гумилевнинг “Дакотлар ва Хунлар” (А. Г. Каримуллиннинг “Айрим Америка ҳиндилари тилининг туркий тилларга қариндошлиги масаласига доир”) номли мақола тақризи ҳам илова қилинган эди<sup>4</sup>. Қадимги турклар тарихи ва Осиё қитъасидаги Узоқ ва Ўрта Шарқ халқлари тарихчиси, туркий тиллар билимдони бўлган Л. Н. Гумилев бизнинг тахминимизга тўла қўшилиш билан бирга, кузатувларимизга таянган ҳолда дакота ҳиндиларининг хунлар билан мавжуд алоқаси ҳақида фикр юритади.

Биз М. Орибжонов билан ўз қарашларимизни изҳор этган мажлисда иштирок этган олимларнинг баъзилари шу пайтда бизнинг тахминимизни қабул этишга тайёр бўлмаганларидан гангиб қолганликларини, ҳозир бу тахмин уларни ҳайратга сол-

<sup>1</sup> М., Наука, 1984, с. 119.

<sup>2</sup> Қозон, 1977.

<sup>3</sup> Сов. тюркология, 1978, 3-сон.

<sup>4</sup> АҚШ географияси масалалари, Л., 1976, 114–122-б.

маслигини, ўзлари ҳам ҳиндилар тили билан туркий тилларнинг яқинлигига доир белгиларни учратганликларини тан олдилар.

Бизнинг ишимиз бошқа туркий халқлар тилшунослари орасида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Уни баъзи туркий тиллар матбуотида изоҳлай бошладилар. С. Нуржакияновнинг “Туркий тиллар билан Америка ҳиндилари тилининг қариндошлиги ҳақида”<sup>1</sup> ҳамда К. Кажибеконинг “Ҳиндилар тили Олтой тиллари билан қариндошми?”<sup>2</sup> мақолалари шулар жумласидандир. Муаллифлар бизнинг ишларимизни баён этиш билан кифояланиб қолмай, Америка ҳиндилари тилини қозоқ тили лексикаси билан қиёслайдилар ва Олтой тиллари билан ҳиндилар тили орасидаги муносабатлар ҳақида фикр юритадилар.


Илмда қутилмаган кашфиётлар, табиийки, дастлабки даврларда тан олинавермайди. Аввало, бундай кашфиётлар фавқулоддалиги учун кўпчиликни ишонтирмайди, ҳеч қандай далил-исботсиз “бундай бўлиши мумкин эмаслиги”, “сабабли” “бундай бўлиши мумкин эмас”. Отто Рериг мақоласи эълон қилингандан бери (1871) юз йилдан кўп вақт ўтди. Юқорида кўриб ўтганимиздек, айрим ҳинди тилларининг туркий тилларга яқинлигини баъзи Ғарбий Европа олимлари ҳам қайд этганлар, ammo буларнинг ҳаммаси тилшунос олимлар эътиборидан четда қолиб келаверган. Маълумки, сукут сақлаш ҳам илмий кашфиётни тан олмаслик кўринишларидан биридир.

Шунга қарамай, бизнинг тахминимиз тилшунос-туркологлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Демак, бугунги кунда бу кашфиётни тан олиш йўлидаги иккинчи босқич етилди деб айта оламиз. “Бу тахминда жон бор”, — деб бемалол гапириш фурсати келди.

Илмий кашфиётнинг учинчи босқичини “Бу аслида шундай бўлиши керак” деган формула билан ифодалаш мумкин. Бу йўналиш қарор топмоғи учун кенг қўламли фаолиятга киришиш лозим. Мазкур илмий муаммо билан астойдил қизиққан янги тадқиқотчилар гуруҳини бу ишга жалб қилиш керак. Қутулган самарали натижаларга эришмоқ учун янги тадқиқот усулларини қўллаш, тилларни қиёслашнинг турғун белгилари ва параметрларини, улардаги “ўхшашлик” даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш зарур. Бугунги кунда бунга замонавий компьютерга асосланган ахборот технологиясини қўллаш орқали эришиш мумкин.

Ўқувчи эътиборига ҳавола этилган мазкур иш орқали бу тилларнинг генетик яқинлигига доир янги жиҳатларни камтарона ёритишга, шунингдек, типологик ёки генетик жиҳатдан узоқлигига, қарамай, этнография, фольклордаги айрим ўхшашлик белгиларини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Мақсадимиз туркий ва ҳинди тилларининг қон-қариндошлигига доир манбаларни излашдек қизиқарли муаммога ўқувчи эътиборини тортишдан иборатдир.

Қозон, 1994 йил, март.



<sup>1</sup> Билим жана енбек, 1984, 9-сон.

<sup>2</sup> Шу ерда, 1985. 6-сон.



## Турк матбуоти саҳифаларида

**Т**уркияда ўзбек адабиётига қизиқиш қадимдан мавжуд. Ўзбек адабиётининг атоқли намояндалари, жумладан, Навоий, Бобур, Машраб ижоди, янги замон сўз санъаткорларидан Фитрат, Қодирий, Ҳамза, Чўлпон асарлари турк элида шўхрат топа бошлади. Туркияда Чўлпон ижодига қизиқиш айниқса кучли. Чўлпоннинг "Гўзал Фарғона" шеъри 1927 йилда Истамбулда чиқадиган "Янги Туркистон" журналида эълон қилинганидан сўнг халқ ўртасида машҳур бўлиб кетган ва бошқа тилларга таржима қилинган. Адиб ва олим Ўрмон Қовунчи шундай ёзган эди: "Туркиядаги туркистонликлар буюк Чўлпоннинг иккита шеърини фарзандларига ёд олдиришади. Булардан бири "Гўзал Фарғона". Уни "Гўзал Туркистон" деб ўзгартирганмиз. Уни қўшиқ қилиб куйлашади. Иккинчиси Анвар пошшонинг ўлимига бағишланган "Балжувон" шеъри.

Туркиядаги кўпгина газета ва журналлар ўзбек шоир ва ёзувчиларига алоҳида аҳамият бериб келади. Бунинг боиси шуки, мазкур нашрлар Туркияда истиқомат қилувчи туркистонлик муҳожир ватандошларимиз томонидан нашр этилади. "Хур Туркистон", "Миллий Туркистон", "Турклар бирлиги", "Ёш Туркистон" сингари матбуот саҳифаларида ўз ватанларини тарқ этиб, давр тақозоси билан хорижий элларда яшашга мажбур бўлган юртдошларимизнинг қисмати, ўлкамиз истиклоли учун олиб борилган курашлар ҳақидаги лавҳа ва мақолалар шеър ва ҳикоялар тез-тез босилиб туради. Бу нашрлар орасида айниқса асосчиси ва ношири Зиёвиддин Бобоқурбон бўлган "Хур Туркистон", "Туркистон" журналларининг жонбозлигини алоҳида таъкидламоқ керак. Бу журналларда ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарларидан намуналар, уларга айрим

шарҳлар, турли адибларнинг ижодий йўллари тўғрисида мақола ва мулоҳазалар мунтазам бериб борилади. Фитрат, Чўлпон, Боту, Элбек, Усмон Носир, машҳур қозоқ шоири Мағжон Жумабой, Ойбек шеърятидан эълон қилинган намуналар, улар ҳақида билдирилган мулоҳазалар юқоридаги фикримизнинг исботидир.

"Туркистон" журналининг 1989 йил 6-сонида Чўлпон тўғрисида берилган мақола алоҳида ажралиб туради. Унда шоир ижоди хусусида анча батафсил фикр юритилган.

Чўлпон хусусидаги саҳифалар шоирнинг:

Кўнги, сен мунчалар нега  
Кишанлар билан дўстлашдинг?  
На фарёдинг, на додинг бор,  
Нечун сен мунча сустлашдинг?

сатрлари-ла бошланадиган машҳур "Кўнги" шеъри билан очилади. Шеър лотин алифбосида, ўзбек ва турк тилларида келтирилади. Шеър матнидан сўнг эслатма тарзида Чўлпон ҳаёти ва ижоди тўғрисида мухтасар маълумот берилган. Шундан кейингина асосий материал — Ҳусайн Ўзбойнинг "Сулаймон Чўлпон" деб аталган мақоласи босилган. Мақола Чўлпоннинг 1938 йилда қатағон этилгани турк дунёси учун оғир фожеа, жудалик эканини ифодаловчи куйидаги мисралар билан бошланади: "1938 йилда Фарб Турклигида М. Камол Отатурк бандалики бажо келтирди. Шу йили Туркистоннинг ҳам икки туркчи шоири, мутафаккири, санъаткори, "жадид жараёни"нинг мунавварлари, ҳикоячи, мутаржим ва театр ёзувчилари ўлдирилди. Биз улар учун тўйиб йиғлай олмадик, қайғуролмадик, улар ҳақида ёзолмадик, гапиролмадик" ("Туркистон", 1989 йил, 6-сон, 53-бет). мақолада

Чўлпон билан бир қаторда улкан қозоқ шоири, қатағон йилларининг қурбони Мағжон Жумабой ҳақида ҳам фикр юритилиб, ҳар иккала шоирнинг туркий маданият, халқ озодлиги ҳаракатидаги беқиёс ўрнига юксак баҳо берилади.

Хусайн Ўзбой Чўлпоннинг Ўзбекистонда нашр этилган тўпلامларига киритилмаган турк халқининг ғолибона юришини олқишловчи “Тўфон” шеърини ўзбек ва турк тилларида келтиради ва бу шеър улуғ турк шоирларининг озодлик руҳидаги асарларини ёдга туширишини қайд этади: “Бу шеър бизга Номик Камол, Меҳмед Эмин, Меҳмед Алиф, Амин Булент, Яҳё Камоллар шеърларини эслатади, гўё бу шеърда улар гапирар-ётгандек” (54-бет). “Тўфон” шеъри тадқиқотчида кучли таассурот уйғотади, уни турк халқлари қисмати, курашининг бирлиги ҳақидаги фалсафий хулосаларга олиб келади: империалистик кучларнинг ноҳақ даъволарини таъкидлаган шоир уларни очкўз бўрига ўхшатади.

Тадқиқотчи Чўлпон шеъриятининг чинакам билимдони ва шайдоси эканлиги мақоланинг ҳар бир сатридан, руҳидан сезилиб туради. Хусайн Ўзбойнинг ўзбек шоирларига, уларнинг асарларига ҳурмат ва муҳаббат билан битилган, Чўлпоннинг туркий халқлар тақдирида эгаллаган ўрнига юқори баҳо берувчи ушбу мақола эрқпарвар шоирнинг “Мен ва бошқалар” деб аталган машҳур шеърининг куйидаги сўнги мисралари билан хотималанган:

Эркин бошқалардир, қамалган менман,  
Ҳайвон қаторида саналган менман.

Яна бир машҳур олим Аҳмад Заки Валидий Тўғон ҳам Чўлпон шеъриятининг мухлисларидан бири эди. Олимнинг Туркия ва Туркистон тарихига оид ўнлаб илмий асарларида 20—30-йиллардаги Ўзбекистондаги маданий ва адабий ҳаёт тўғрисида кўплаб ажойиб саҳифалар битилган. Жумладан, олимнинг “Бугунги турк эли. Туркистон ва унинг яқин тарихи” (Истамбул, 1947, 1981), “1929—1940 йиллар орасида Туркистоннинг вазияти” (Истамбул, 1940) китобларида халқимиз тарихи, адабиётимиз ва маданиятимизга доир талай қимматли фикрлар билдирилган. Чўлпон ижодиёти, унинг тур-

кий халқлар ва дунё адабиётидаги ўрни тўғрисида муҳим мулоҳазалар айтилган.

Ҳозирги замон турк олимларининг ижодларида ҳам ўзбек адабиёти, унинг айрим вакиллари асарларига оид қимматли илмий кузатишлар, ўринли мулоҳазалар, теран фикрларга бой тадқиқотлар талайгина.

Кейинги йилларда ўзбек адабиёти намуналари билан турк китобхонларини таништиришда, ўзбек ва турк олимларининг ўзбек адабиётининг турли масалаларига бағишланган тадқиқотларини эълон қилишда Туркияда чиқадиган “Турк адабиёти”, “Қардош адабиётлар”, “Турк дунёси тил ва адабиёти”, “Миллий фольклор”, “Яссавий” журналларининг жонбозлиги, ўрни ва аҳамияти катта бўлмоқда. Мазкур журналларнинг деярли ҳар бир сонидида ўзбек адабиёти, тили, санъати, ёхуд маданиятига оид бирор мақола, эссе, шеър, ҳикоя эълон қилинади. Қувонарли жойи шундаки, берилётган мақолаларнинг ҳаммаси ҳам адабиётимизга улкан бир муҳаббат билан йўғрилган. Бу жиҳатдан мамлакатдаги энг обрўли нашрлардан бири “Турк адабиёти” журналининг фаолияти диққатга сазовордир. Чорак асрдан бери мунтазам нашр этилиб келинаётган мазкур журналнинг ҳар бир сони ўқувчилар томонидан орзиқиб кутилади. Журналда турк адабиёти, санъати, маданияти, мамлакат ҳаёти, ижтимоий фикрга оид бир-биридан қизиқарли мақолалар, лавҳалар, очерклар, кузатишлар, ранг-баранг расмлар босилади. Шунингдек, журналда бошқа туркий халқларнинг адабиётларини ёритишга ҳам катта аҳамият берилади. Жумладан, Марказий Осиё адабиётларини ёритишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини сезиш қийин эмас. Фақат кейинги йилларнинг ўзидагина “Манас”, “Алпомиш” сингари машҳур эпосларнинг улкан тўйига, улкан қозоқ адиби Мухтор Аvezов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган махсус сонлар чиқарилди. Мухтор Аvezов хотирасига бағишлаб чиқарилган 1997 йил ноябр (289) сонидида журнал муҳаррири Аҳмад Қабоқлининг “Қозоғистонга бордик”, Чингиз Айтматовнинг “Мухтор Аvezов дунёси”, атоқли турк олим ва адибларидан Номик Камол Зейбекнинг “Туркистон шаҳрида Аҳмад Яссавий университети”, Содик Туролнинг “Аvezовни эслаб”, Дурали Йилмаснинг “Аvezовнинг ҳикоячиликдаги ўрни”, Али Аббос Чи-

норнинг “М. Авезов ижодида фольклор аънагалари” сингари ғоят диққатга сазовор мақолалар ўрин олган.

Ўзбек адабиётига бағишланган материаллар ҳам теран фикрларга бойлиги, тадқиқотларнинг қизиқарли ёзилганлиги билан ажралиб туради. Журнал жамоаси кейинги йилларда “Қатл этилган Туркистон мутафаккирлари” рукнини очиб хайрли ишга қўл урди, шу рўкн остида туркум мақолалар эълон қилди. Бу савобли ишга иқтидорли ёш турк олими Ҳусайн Борган салмоқли ҳисса қўшмоқда. Унинг журнал саҳифаларида 1994—97-йиллар мобайнида эълон қилган туркум мақолалари кенг ўқувчилар оммаси ва Туркия адабий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Бу мақолаларда қатағон даврида маҳв этилган қатор атоқли ўзбек шоир ва ёзувчиларининг ҳаёти, шахсияти, ижодига оид салмоқли кузатишлари ўз ифодасини топган. Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Боту, Усмон Носир сингари сўз санъаткорларимиз ҳақида кучли эхтирос билан битилган илмий тадқиқотлар Туркия халқини бу адаблар ижоди билан яқиндан танишишларида, адабиёт ва жамият ҳаётида тугган ўринларига одилона баҳо беришларида катта аҳамиятга моликдир.

Шубҳасиз, ҳозирнинг ўзидаёқ ўзбек адабиётининг Туркиядаги энг фаол тарғиботчиларидан бири бўлиб қолган Ҳусайн Борган ўз тадқиқотларига асос қилиб олган шоир ва ёзувчилар ижодини, ўзбек адабиётшуносларининг мазкур санъаткорлар тўғрисидаги илмий ишларини синчиклаб ва қунт билан ўрганган. Лекин ёш тадқиқотчи ҳар бир асарга, ҳар бир адабий ҳодисага, ҳар бир ёзувчи ижодига ўзига хос ёндашишга, янги тафаккур юритишга интилади. Кўпгина ўринларда бунга муваффақ бўлади ҳам. Ҳусайн Борган баъзи мақолаларида ўзбек ёзувчилари ижодини бевосита Туркия ва турк адабиёти билан боғлиқликда тадқиқ этади. Масалан, ёш олимнинг Фитрат ҳақидаги мақоласи “Фитрат ва Туркия” деб номланади. Бу сўз санъаткоримиз ижоди унга руҳан яқин бўлган турк адабиёти намояндалари билан қиёсан ўрганилади. Мазкур ҳолат турк ўқувчисининг Фитратни яхшироқ тушунишига, асарларининг моҳиятини теранроқ англашига, тарихдаги ўрнига одилона баҳо беришига кўмаклашади. Мақоладан айрим кўчирмалар келтирсак,

Ҳусайн Борган тадқиқотларининг услуби, фикрлаш тарзи ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиш мумкин:

“Фитрат ёзувчиликдан ноширликкача, файласуфликдан сиёсатдонликкача — ҳар соҳада ўз асрига муҳр қўйган мутафаккир ва давлат кишисидир. Нафақат ўз асрида, ҳатто мустақил Ўзбекистон даврида ҳам фикрларининг нишонга урувчи ва жонли эканлиги очик-ойдин кўзга ташланмоқда...

Зиё Кўкалпнинг Усманий Туркиясида қилган ишлари билан А. Фитратнинг Туркистонда қилган ишлари бир-бирига мос келади...

Туркияда туркчиликнинг яловбардори бўлган З. Кўкалпнинг фикрлари Отатурк Туркиясида давлат сиёсати бўлар экан, Фитрат эса шу фикрлари сабабли совет Ўзбекистонинда миллатчилик тамғаси билан маҳв этилди”.

Ҳусайн Борганнинг атоқли ўзбек адиблари Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор тўғрисидаги мақолалари ўзига хослиги ва янги фикрлари, равон ва қизиқарли ёзилганлиги билан диққатни тортади. Барча мақолаларда ёзувчиларнинг ноёб суратлари берилиши уларга бўлган қизиқишни янада орттиради. Ҳ. Борган мақолалари ўзбек халқи, унинг адабиёти, бу адабиётнинг атоқли вакиллари шахси, ижодига чексиз меҳр-муҳаббатнинг жонли тимсоли сифатида ғоят қадрлидир.

“Турк адабиёти” журнали обрў-эътиборининг ортиши, ададининг кўпайиши, аҳоли турли табақалари орасига кириб боришида ушбу нашрнинг бош муҳаррири ва ношири Аҳмад Қабоқлиннинг хизматлари беқиёс таҳсинга сазовор. Туркиянинг энг забардаст олимларидан бири ва улкан ёзувчиси, Турк тил қуруми (академияси) аъзоси, камданкам муҳаррирларгагина насиб этадиган “Шайхул муҳарририн” юксак мақомига сазовор бўлган бу мўтабар зотнинг мутафаккирона ақл-заковати, ташаббускорлиги, саяҳат-ҳаракати туфайли “Турк адабиёти” мамлакатнинг машҳур журналларидан бирига айланди. Аҳмад Қабоқли турк адабиёти ҳақида яратилган энг яхши асарлардан бири — 5 жилдлик “Турк адабиёти” фундаментал (4000 саҳифалик) китоби, ўнлаб илмий, бадиий асарларнинг муаллифидир.

Қардошларимиз юртида ўзбек адабиётини анча йиллардан бери мунтазам тарғиб

қилаётган матбуот органларидан бири “Қардош адабиётлар” журнали ҳисобланади. Эндиликда бу журнал жаҳон адабиётининг кўзга кўринган тарғиботчиларидан ва жонкуярларидан бирига айланди. Журналда турк, туркман, қозоқ, қирғиз, озарбойжон, татар адабиётлари билан бир қаторда ўзбек адабиётига ҳам алоҳида эътибор берилди. Журналнинг бош мақсади туркий халқлар адабиётларини муштаракликда, бирликда тадқиқ этиш, кенг тарғиб қилиш. Мазкур журнал таниқли турк олими Явуз Оқпинар муҳаррирлиги ва ҳомийлигида нашр этилмоқда.

Кейинги йилларда “Қардош адабиётлар” журнали саҳифаларида ўзбек адабиётининг Ҳофиз Хоразмий, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Рамз Бобожон, Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Ўлмас Умарбеков, Миразиз Аъзам сингари вакиллари ижодларидан намуналар босилди. Турк адабиётшунос олимлари ўзбек шоир ва ёзувчиларининг ижоди, миллий адабиётимиздаги долзарб масалалар тўғрисида салмоқли мақолалари билан журналда мунтазам қатнашиб келмоқдалар. Явуз Оқпинарнинг Ҳамид Олимжон, ўзбек олими Воҳид Абдуллаев, Ражаб Топарлининг Ҳофиз Хоразмий, Меҳмет Тезжоннинг Солих Муталлибов, Байрам Ўроқнинг Рамз Бобожон, Миразиз Аъзам ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги мақолалари турк ўқувчиларини ўзбек адабиёти билан таништиришда муҳим аҳамият касб этди. Сўнгги йилларда журнал саҳифаларида ўзбек олимлари ҳам ўз мақолалари билан қатнашаётганликлари қувончли ҳолдир. Жумладан, кейинги икки йил ичида Абдуғафур Расуловнинг “Социализм ўйлаб топилганми?”, Рустам Шариповнинг “Эркин Воҳидов бадиияти”, “Ўзбек шоири Ҳусниддин Шарипов”, “Зулфия ва Шавкат Раҳмонни ёд этиб” мақолалари, Э. Воҳидов тўғрисидаги “Шоир бўлиш осонмас” китобига тақризи эълон қилинди.

Туркияда чиқадиган, туркий тиллар ва адабиётларнинг бугунги долзарб муаммоларини ёритишга қаратилган “Турк дунёси тил ва адабиёт журнали”, “Турк лаҳжалари ва адабиёти”, “Турк тили” журналларида Иристой Кўчқортюев, Адҳамбек Алимбеков, Жўра Худойбердиев, Шоира Усмонова сингари ўзбек олимлари мақолаларининг эълон қилиниши ҳам илмий жамоатчиликнинг эътиборини тортди.

Таниқли адабиётшунос олим Беғали Қосимов кейинги йилларда мўътабар тўплам ва журналларда турк тилида эълон қилинган “Тошкент Шарқшунослик фондида Аҳмад Яссавий китоблари”, “Кейинги давр ўзбек адабиётида Яссавий анъаналари”, “20-аср бошларида Туркистонда жадидчилик оқими”, “Туркистон жадидчилигининг асосчиси муфти Маҳмудхўжа Бехбудий” каби мақолалари Туркия илмий жамоатчилигида муайян қизиқиш уйғотди.

“Турк дунёси болалар фольклор ўйинлари” номли 25 босма табоқдан иборат китоб (Анқара, 1996) Малик Муродов Туркияда амалга оширган хайрли ишлардан биридир. Китобнинг ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман болалар фольклор ўйинлари боблари М. Муродов томонидан ёзилган. Шунингдек, олим Ўзбекистонининг тарихи, адабиёти, санъати, тили, маданияти, ижтимоий ҳаёти, бугунги куни ҳақида мухтасар маълумотлар берувчи кичик қомус характеридаги “Ўзбекистон клавиози” (ахборотномаси, Анқара, 1997) китобига муҳаррирлик қилди.

Хуллас, ўзбек ва турк олимларининг Туркия матбуотида ўзбек адабиёти тўғрисида чоп этаётган мақолалари кўп миллионли турк китобхонларини ўзбек адабиёти билан яқиндан танишишга кўмаклашмоқда. Бу эса дили-дилига, тили-тилига яқин қардош ва жондош ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги адабий алоқаларнинг ривожланишига, икки халқ биродарлигининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилажак.

*Раҳматилла ИНОҒОМОВ,  
филология фанлари номзоди.*

Жон Диксон КАРР

## Парижлик жаноб

**К**адрдон укагинам!

Рўй берган воқеалар бу қадар ҳаяжонга солмаганида сенга илгарироқ мактуб йўллаган бўлардим. Аввалбошданоқ айтиб қўй: ҳаммаси жойида. Қанийди бамай-лихотир ҳордиқ чиқара олсам, бироқ — минг афсус! — Нью-Йоркда муҳожир ва бегоналигим учунгина эмас, аслида ҳам ҳаловат топишга уринаяпман. Гапимни эшиттин-да, ўзинг бирон нарса де.

“Британия” кемаси Ливерпулдан 2 мартда йўлга чиқиб, ўн беш кундан сўнг Америкага етиб келди. Бу ерда дастлабки бошпанам — Уоллес театри ертўласидаги Платта салуни — қаҳвахонаси бўлди, мени майна қилмасдан тўғри тушунишингни ўтиниб сўрайман.

Ё раббий, шунақа ҳам саёҳат бўладими, ахир!

Ҳатто шампань шароби ҳам ичимда турмай, устухоним чиқиб, гўдакдай заифлашиб қолдим.

— Ҳой, қария, — дедим ирландиялик муҳожирлар орасидан минг машаққат билан ўтарканман мовут кепкали извошчига, — мени бирон-бир дурустроқ тамадди-хонага элтиб қўй.

Инглиз тилини ҳаминқадар билишимга извошчи парво ҳам қилмагани яхши бўлди. Аммо бу чинакам антиқа қаҳвахона экан!

Аввалига майдаланаётган харсангдай музларнинг қарсиллаши қулоқни қоматга келтирди. Қўланса ҳид иштаҳани бўғади, бироқ рангдор газ қандил ва пештахтани безаган жимжимадор безаклар эътиборни жалб қилар, Париждаги “Уч ака-ука” майхонасиникидан қолишмасди. Бизларда урф бўлганига қараганда тикроқ шляпали бир тўда жаноблар пештахта олдида галалашиб, қаҳвахонани бошларига қўтардилар. То таом буюртма қилмагунимча бирон-бир кимса менга парво ҳам қилмади.

Қаҳвахона эгаларидан бири, уларни Нью-Йоркда бармен дейишади, ичимлик ҳозирлар экан, синчковлик билан тикилиб қолди.

— Афтидан, кўҳна Европадан ташриф буюрган кўринасиз, — деди у дўстона оҳангда.

Мен жилмайиб, тасдиқлаган бўлдим.

— Италиянмисиз?

— Французман, сэр.

Унинг хурсанд бўлганлигини кўрсайдинг! Оғзи қулоғига етиб, табассум қиларкан, тилла тишларининг ёғдуси ёғ чаккиллаб турган қиёфасига зарҳал япроқли че-чақдай ёйилди.

— Буни қара-я! — хитоб қилди у. — Исми шарифлари нима? Мабодо... унинг чехрасида кўққисдан шубҳа аломати пайдо бўлди, — ўзингизни таништириш малол келмаса, албатта.

— Бажонидил, Арман де Лафайет хизматингизга ҳозир.

Исми шарифим ён-атрофдагиларга қандай таъсир кўрсатганлигини билсайдинг, укагинам!<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Муаллиф АКШ мустақиллиги учун кураш қатнашчиси, таниқли француз сиёсат арбоби маркиз де Лафайетнинг номи машҳурлигини назарда тутаётди.

Ҳамма анграйиб қолди. Барча товушлар — ҳатто гиштин залдаги газ қандилнинг заифона писиллаши ҳам барҳам топгандек эди. Пештахта олдидигиларнинг нигоҳи менга қадалганди.

— Ростданми? — мазах қилгандай деди қаҳвахоначи, — мабодо маркиз де Лафайетга қариндош эмасмисиз?

— Марҳум маркиз де Лафайет, — тасдиқладим мен, — амаким бўлардилар.

— Ўйлаброқ гапир, йигитча, — дўқ урди камзули остидан бесўнақай тўшпончаси туртиб чиқиб турган пакана қораялоқ кўққисдан. — Аҳмоқ қилишга уринадиганларни жиним суймайди.

Мен ёнимдан ҳужжатларимни чиқариб, пештахтага қўйдим.

— Сэр, — дедим, — марҳамат, ишонч ёрлиқларимни кўришингиз мумкин. Агар шундан кейин ҳам шубҳаларингиз тарқалмаса, баҳсимизни кўнглингиз тусагандек ҳал қилаверамиз.

— Булар ажнабий тилда экан, — деди бармен, — мен ўқий олмайман.

Шу пайт — бу овоз менга ёқимли наводай эшитилди! — айна она тилимдаги мурожаатни эшитдим.

— Эҳтимол, ёрдамим асқотиб қолар, сэр?

Ўнгиб кетган ҳарбий шинелли қотмагина бегона киши ортимда турарди. Агар Париж кўчаларида дуч келганда, уни истараси иссиққина экан, дейишим гумон эди. Унинг кўзлари ниҳоятда асабий ва безовта эди. Қолаверса, оёғида зўрага тургандек туюларди. Булардан қатъи назар, Морис, бу кимсанинг салобати босарди. Мен ҳатто беихтиёр бошимдан шляпамни олдим. Дарвоқе, у ҳам шундай қилди.

— Исми шарифингизни билсак бўладими? — сўрадим.

— Таддеус Перли хизматингизга шай, сэр.

— Яна бир келгинди, — деди нафрат билан пакана қораялоқ.

— Ҳа, бегонаман, — деди жаноб Перли инглизчалаб қилич билан кесгандек, — бу қаҳвахона учун бегонаман! Айна мана шу тўдага тамомила ётман!

Мистер Перли улуғворлик, пайқашимча, қандайдир асабийлик билан яқинимга келди ва бир даста ҳужжатларимни кўздан кечиришга тутинди.

— Сизларни ишонтириш учун уринишимга ҳожат ҳам йўқ, — деди у виқор билан, — чунки бу ерда шундай ҳужжат ҳам борки, уни фақат ўзингиз ўқишингиз мумкин. Бу инглизча ёзилган тавсия мактуби. Мактуб Американинг Париждаги элчисидан Президент Захари Тейлор номига йўлланган.

Ва бу гал ҳам, азиз биродарим, сукунат чўқди. Яна қанақанги десанг-чи! Бироқ шу заҳотиёқ мактубни мистер Перлидан юлқиб олган қаҳвахоначининг хитоби сукунатни бузди.

— Бу ерда, биродарлар, ҳеч қандай қаллоблик йўқ, — деди у. — Рўпарангиздаги рисоладагидай асилзода!

— Бўлмаган гап, — ишонқирамай қўл силкиди бадқовоқ пакана.

Биз, Морис, сен билан парижликларнинг кайфиятлари қанчалар беқарорлигининг кўп бор гувоҳи бўлганмиз. Америкаликлар бу борада бизлардан ҳам ошиб тушишаркан. Кўз очиб юмгунча ганимлик ўрнини ғоят самимий меҳмондўстлик эгаллади. Елкамга қоқишар, қўлларимни росмана сиқишар, бири олиб, бир қўйиб, хотамтойлик қилишга уринишарди.

Лафайет номи шунчалар иззат-икром билан тилга олинардики, ҳеч нарсани англаёлмай қолдим. Саволларимга жавобан эса ҳазиллашяпти, деган ўйга боришиб, хандон ташлаб кулишарди. Охир-оқибат буни фақат Тэддеус Перли тушунтириб беради, деган қатъий фикрга келдим. Бироқ яқинроқ келишга уринганининг ўзидаёқ мистер Перлини орқага суриб юборишди. У тойиб кетди ва туфлаб ташланган полга узала тушаркан, уни кўздан йўқотдим. Заифлик — мен ниҳоятда оқчагандим — ва ҳамманинг куршовида сипқоришим керак бўлган лиммо-лим бир бокал виски кўнглимни оздириб юборди. Бошим чир айланиб, кўзларим тиниб кетди.

— Дўстларим, — ҳайқирдим мен, — меҳмондўстлигингиздан ниҳоятда мамнунман. Бироқ Нью-Йоркда ғоят муҳим, бир дақиқа ҳам кечиктириб бўлмайдиган ишим бор. Ижозат берсангиз, ҳисоб-китобнинг ҳаммасини ўзим қилсам.

— Ҳожати йўқ, — деди қаҳвахоначи, — пулларингиз ўзингизга буюрсин. Қанча ичманг, ҳаммаси бизнинг ҳисобдан бўлади.

— Бир дақиқа тўхтанглар, — орага сукудди ўша пакана кимса менга айёрона кўз қирини ташлаб, қанақа шошилиш иш экан?

Сен мени, Морис, Дон Кихот деб атаганингда фикрингга қўшилмагандим. Яна енгилтак ҳам дегандинг. Эҳтимол, тўғри айтгандирсан, лекин мен учун бошқа йўл йўқ эди.

— Жаноблар, сизлардан биронтангиз мадам Тевенэни биласизми? Гудзон соҳили яқинидаги Томас-стритда йигирма учинчи уйда яшайдиган Тевенэ хонимни айтаяпман.

Рости, хонимни танийдиганлар чиқади деб ўйламагандим. Лекин кўчанинг номини айтганимда кимдир жилмайиб қўйди, кимдир эса танийман, дегандай бош силкиди.

— Карри қурумсоқми? — деди қадди-басти келишган, катак шим кийган жаноб.

— Жуда тўғри топдингиз, сэр! — қувониб кетдим. — Худди ўзи! Тевенэ хоним бадавлат хотин. Мен бешафқат ноҳақликка чек қўйиш учун бу ерга келдим.

Олдинга интилдим, бироқ тўдадан чиқиб кета олмадим. Саволга кўмиб ташлашди:

— Қандай ноҳақлик?

— Тевенэ хонимнинг қизи мадемуазель Клодина Парижда ўта қашшоқликда кун кечираяпти. Тевенэ хоним эса бу ерга ўз инон-ихтиёри билан келган эмас, балки иблис қиёфасидаги аёлнинг қутқуси билан келиб қолган. Бу аёлнинг исми... Ахир, жаноблар, мени қўйиб юборсаларинг-чи, сизлардан ўтиниб сўрайман!

— Гаров ўйнайман! — қичқирди кетига тўппонча қистириб олган йигит. Сиз, оти нимади, шу ойимтиллага ошиқ бўлиб қолгансиз...” — У топқирлигидан беҳад мамнун эди. — Ё нотўғрими?

У ҳақ гапни айтганди. Бироқ, тавба деб айтай, улар сир-асроримни қаёқдан била қолишди-а?

— Мен, жаноблар, сизлардан яширмоқчи эмасман, — дедим, — ҳақиқатдан ҳам мадемуазель Клодинага кўнглим йўқ эмас. Бироқ у менинг дўстим, тўпчилар зобити билан унаштирилган.

— Шундай экан, бошингизни қотириб нима қилардингиз? — кесатди пакана.

Бунга жавобан бирон нима дейишга ожиз эдим. Шу пайт тилла тишли қаҳвахоначи пештахта ортидан энгашиб, секингина шивирлади:

— Француз хонимни тирик кўришни истасангиз, мосъе, шошилганингиз маъкул. Бугун ерталаб тилдан қолибди, деб эшитдим.

Бироқ теграмдаги ароқхўрлар мен билан чўқиштириб ичишга уришиб, елимдай ёпишиб олишган, уларнинг бундай шилқимлиги мени газаблангира бошлаганди. Кейин чакка соч-соқоли оқарган қария ўрнидан турди.

— Қайси бирингиз Вашингтон билан бирга бўлгандингиз? — сўради у пакананинг гирибонидан олиб, атрофдагиларга қаҳр билан қараркан, қўшиб қўйди: — Лафайетнинг жиянига йўл беринг!

Улар, ишонасанми Морис, мени олқишладилар. Ортимдан эшиккача эргашиб келишди ва қайтиб келинг, сизни шу ерда кутамиз, деб ваъда ҳам беришди. Нима учунлигини билмадим-у, бироқ мистер Перлини қидирдим. У газ қандил остида устун ёнидаги столда шинелидаги тамаки доғини кетказишга беҳуда уринаркан, аввалгидан ҳам ранги ўчгандек кўринди.

Мен аравакаш қолдириб кетган Томас-стритдан ҳам рутубатлироқ кўчани кўрган эмасман. Балки кайфиягим йўқлиги сабаб шундай туюлгандир. Тевенэ хоним қизига бир су<sup>1</sup> ҳам қолдирмай ўлиб қолган бўлса, нима бўлади? Буни англай оласанми?

Томас-стритдаги бинолар пишиқ сариқ гиштдан тикланган, кўкка бўй чўзган тутун мўрилари узра булутлар осилиб турарди. Оқшом илиққина бўлса-да, менинг мутлақо кайфиятим йўқ эди. Бизнинг Париж кўчалари ҳар қанча ифлос бўлмасин, биронта ҳам чўққани кўрмайсан. Бу ерда эса кўчаларнинг мунгли сукунاتини чўққалардан ўзга бирон-бир жонзот бузмасди.

Йигирма учинчи уйнинг эшигини, адашмасам, бир неча дақиқа астойдил қаттиқ-қаттиқ тақиллатдим. Ичкаридан ҳеч қандай товуш эшитилмади. Кейин эшикка ўрнатилган тангадай кўзгуча ёришгандай бўлди, ошиқ-мошиқлар вазмин гийкиллаб, эшик ҳам очилди.

Остонада бизлар Иезавель деб атайдиган аёл пайдо бўлганлигини айтишимнинг ҳожати бормикан?

<sup>1</sup> Су — майда чақа пул.

У мендан сўради:

— Мосье Арман сиз бўласизми?

— Тевенэ хонимга нима қилди? — хитоб қилдим мен. — Тирикми?

— Тирик, — тасдиқлади ҳамсуҳбатим киприклари остидан мовий кўзларини йилтиллаптиб. — Ўсал ётибди.

Мадемуазель Иезавель жозибали эканини, Морис, ҳеч қачон инкор этмаганман. Қартаймаган, ҳатто ўрта ёшлардаги жувон ҳам деёлмайсан. Осмондай ранглар бўлмаганида хурилиқолардан қолишмасди.

Фарқи очилган ва тамойилга биноан қулоғи устидан таралган кулранг сочи боши шундоққина бурнимнинг остида турар — мадемуазель Иезавель остонадан қайсарлик билан қилт этмасди. Кўкиштоб кўзлари билан тешиб юборгудек тикилади. Мен томон қадам ташларкан оҳорсиз кўйлаги нохуш шилдиради.

— Сиз лоқал қариндош ҳам эмасиз, — деди у. — Сизни киритолмайман.

— Афсуслар бўлсинки, кирмасам бўлмайди.

— Менга бирон оғиз ширин сўз айтган бўлганингизда эди, — деди мадемуазель истеҳзо билан қараб, мурувват юзасидан биргина бўса... Сиз беш миллион франкни мен билан баҳам кўрардингиз.

— Йўлимни тўсманг, — дедим мен.

— Тушунарли, парижлик кўксов кўғирчоқни афзал билаяпсиз? Майли, кўрамиз!

Ишонасанми, Морис, қоним қайнаб кетди. Бироқ ўзимни босиб, вазминлик билан сўрадим:

— Сиз, янглишмасам, Клодина Тевенэ ҳақида гапираяпсиз.

— Бошқа ким бўларди?

— Бу жувон дўстим лейтенант Деляж билан унаштирилганини эслатиб қўяй. Уни аллақачонлар кўнглимдан чиқариб ташлаганман.

— Наҳотки? — сўради Иезавель ва диққат билан разм солди ҳамда аллақандай ёвқараш қилди. — Демак, кампир ўлади-кетди. Албатга, сирни очмасангиз.

— Яна қанақа сир? — ҳайрон бўлдим.

— Буни, мосье Арман, сир деб ҳам бўлмайди. Уни топиш амримаҳол. Бу худонинг ҳукми.

Иезавелнинг ортидаги ойнаванд катта эшик ҳамон очиқ турарди — бу ҳамма тешик-туйнуқлари тақа-тақ ёпиб ташланган хонадондаги ягона дарча эди. Ичкаридан ачимсиқ ҳид анқир, қоқилмаган поёндозлар чанги димоққа урарди, димикқан ҳаво ўта бадбўй эди. Шам тутганча кимдир яқинлаша бошлади.

— Ким бу? — французчалаб сўради титроқ овоз билан қария. — Худонинг ҳукми ҳақида гапираётган ким?

Остонадан ҳатладим. Мендан кўз узмаётган мадемуазель эса эшикни ёпишга уринди. Бироқ шам ушлаган кимсани таниб, қувониб кетдим.

— Сиз адвокат, мосье Дюроксиз-ку! — қичқирдим мен. — Акамнинг қадрдон дўсти!

Мосье Дюрок яхшироқ кўриш учун шамни кўтарди.

Баланд бўй, барваста Дюрокнинг бесўнақай гавдаси осилиб тургандай туюларди. Гўё тўкилиб кетган сочи эвазига табиат уни айри соқолига туташган қуюқ кўнғир мўйлов билан сийлаганди. Зарҳал гардишли кўзойнаги билан дўстона, бироқ бир оз ҳадиксираб менга разм солди.

— Сиз... сиз... — кўлидаги шамдон титради. — Арман де Лафайет. Охирги кемада кечкурун келасиз, деб кутгандим. Ниҳоят, етиб келибсиз-да. Топшириқни бажармасдан. Афсуски...

— Нега энди? — деярли қичқириб юбордим.

Мадемуазель жилмайди.

— Мосье Дюрок, — ранжидим мен, — сиз акамга мактуб ёзибсиз. Унда Тевенэ хоним қизига ўта шафқатсизлик қилганидан жуда пушаймонлиги ҳақида ёзилганди.

— Хонимнинг хизматини ким қилди? — ўшқирди Иезавель. — Ким унга таскин бериб, кирларини ювди, қаҳру газабига, таъна-дашномларига ким чидаб келди? Ким? Мана, мен чидаб келдим!

У бобилларкан, ёнбошлаб ҳамла қилиб келди ва гўё шу ерда ҳозирлигимга ишонмоқчи бўлгандек салгина туртиб ҳам қўйди.

— Энди барибир эмасми, — деди адвокат. — Шу сир бўлмаганида эди...



Сени ишонтириб айтаманки, сир-синоат ва Худонинг ҳукми ҳақидаги мавҳум гаплар сабр косамни тўлдириб юборди. Бунини тушунтириб беришларини талаб қилдим.

— Ўтган кеча, — деди Дюрок, — битта нарса йўқолди.

— Қандай нарса?

— Тўғриси, — такрорлади Дюрок гренадердай қалдини ростлаб, — йўқолган дея тахмин қилаяпмиз. Унинг йўқолиши мумкин эмас. Қасам ичишим мумкин. Лекин қаерда эканини фақат ўйинчоқ қуёну барометр воситасида билса бўлар.

— Сэр, — дедим, — қўполлик қилмоқчимасман, бироқ...

— Мени эси паст деб ўйлаяпсизми?

Хиёл таъзим қилдим.

— Сэр, — давом этди Дюрок шамдон билан уйнинг деворига ишора қиларкан, — анави ерда Тевенэ хоним ётибди. У ўсал бўлиб қолган. Фақат кўзлари жавдирайди ва лабларини салгина, ўшанда ҳам унсиз қимирлатади, холос. Уни кўрасизми?

— Агар ижозат берсангиз.

Ва мен, Морис, афтода қари кампирни кўрдим. Хоҳласанг, уни жодугар деявешинг мумкин, бироқ мен...

Бу кенг чорси хона бўлиб, қопқоқлари тақа-тақ берк деразалар неча йиллардан бери очилмаганди. Унниққан кўк гулқоғозли бу хонада чанг ҳидига ўхшаган бадбўй ҳид димоққа урарди.

Камин устидаги ёлғиз шам кампир ётган ўринни аранг ёритарди. Сочлари тўзиган қандайдир кимса, кейин уни полиция офицери деб айтишди, зангор духоба оромкурсига чўкканича пакки билан тишини ковларди.

— Ижозат берасизми, доктор Гардинг? — такаллуф ила сўради мосье Дюрок.

Шу топ бемор узра энгашиб юзини тўсиб қўйган найнов, озгин америкалик ўгрилиб қаради. Тевенэ хонимнинг юзи ҳамон кўринмасди.

— Балки уни бошқа хонага ўтказармиз? — сўради Дюрок.

— Ҳожаги йўқ, — куруққина деди доктор. Унинг бугдойранг афтида қилт этган ҳаракат сезилмасди. — Барометр ва духоба қуёнча билан боғлиқ ниманидир билишни ҳамон хоҳлаётган экансиз, вақтни бой бермаганингиз яхши. Хоним икки-уч соатга ё боради, ё бормади.

Бизлар Иезавель деб атаган аёл шу тобгача ҳам оғиз очмади. Бироқ кўққисдан мен томон қадам ташларкан, Дюрокнинг қўлида титраётган шам шуъласи тушиб, кўзлари чақнаб кетди, қулоғимга оҳиста шивирлади:

— Мени ёмон кўрасиз-а?

Шу ўринда, Морис, ўзимга бир оз дам бермасам бўлмайди.

Қаҳвахона пештахтаси рўпарасида бир тўда одам уймалашарди. Мени дўстона қаршилаган ва бағрига босганлардан фақат биттаси, генерал Вашингтон билан ошна тутинганман, дея кеккайган қариягина қолганди. Бироқ у ҳам қаҳвахона мижозлари туфлайдиган қипиқли чорбурчак идиш ёнида шира-кайф узала тушиб ётарди. Мен ҳаяжонланиб, ўзимни тутолмай қолдим ва унинг чўнтагига бир неча чақа солиб қўйдим: ахир ёлғиз угина мени кутганди-да.

Дарвоқе, ҳа-я, яна биттаси кетмаганди.

Бироқ, пайқашимча, у мен учунгина бу ерда қолмаганди. Бундан қатъи назар мистер Перли газ қандил остидаги устун билан ёнма-ён столда аввалгидек ёлғиз ўтирар ва бўм-бўш бокалга тикилган қўйи хаёлга чўмганди.

— Сэр! — ҳайқирдим мен. — Столингизга ўтиришга мен нодонга ижозат берсангиз.

Хаёл олиб қочган мистер Перли чўчиб тушди. Дарҳол пайқадамки, у маст эмасди. Кейин аланглаб, официантни чақирмоқчи бўлди, бироқ киссаларини ковлаштиракан, ҳафсаласи пир бўлди.

— Йўқ, йўқ, — тўхтадим уни. — Агар хоҳласангиз, мистер Перли, албатта, иккинчи шиша ҳақини тўлашингиз мумкин. Бироқ биринчиси — меники. Юрагим сиқилиб кетди, сиздай олижаноб инсон билан дардлашмасам бўлмайди.

Шундай дейишим билан мистер Перлининг қиёфаси ўзгарди. У стулга чўкиб, мулойимлик билан хайрихоҳлигини билдирди. Синчков нигоҳи менга камоли диққат билан тикилганди.

— Сиз бетобсиз, мистер Лафайет, — деди у. — Бағоят маданиятли мамлакатимизга келиб улгурмасданоқ кулфатга йўлиқибсиз.

— Ҳа, шундай. Бироқ маданият туфайли эмас, аксинча айни маданиятнинг йўқлиги сабаб, — дея столга зарб билан урдим. — Мен, мистер Перли, сеҳр-жоду ва ғаройиботлар сабаб, бахтсизликка дучор бўлдимки, қаршисида ҳар қандай некбинлик ҳам ип эшолмайди.

Мистер Перли галати қараш қилди. Лекин бизларга бир шиша бренди келтиришганди, у қалтироқ қўли билан бокалимни тўлдирди ва ўзига ҳам қўйди.

— Жудаям ажойиб, — бокалдан кўз узмай ўсмоқчилади у. — Ишқилиб, қотиллик эмасми?

— Йўқ. Ўта муҳим ҳужжат ғойиб бўлган. Ҳатто ўта синчков — полиция тинтуви ҳам наф бермади.

Мистер Перли майна қилмаяпсанми дегандек менга тикилди.

— Ҳужжат дейсизми? — галати кулиб қўйди. — Мактубдир балки?

— Йўқ, йўқ. Васият. Шапалоқдай-шапалоқдай учта пергамент қоғоз. Кулоқ солинг.

Мистер Перли брендиси устига маъданли сувдан тез қўйди-да, учдан бирини қултуллагиб ичиб юборди.

— Шу ерда Тевенэ хоним ҳақида гапирганимдан хабарингиз бор, — давом этдим мен, — у оғир хаста экан. Бироқ кам деганда бугун эрталабгача тўшакка миҳланмаганди. У ўрнидан турар, ҳаракатланар, ҳатто хонада юрарди ҳам. Уни бизлар Иезавель деб атайдиган ҳасадгўй Париждаги оиласидан ситиб олиб келган.

Бироқ шу ерлик адвокат мосье Дюрок Тевенэ хоним бундан азбаройи пушаймонлиги ва қизи олдида айбига иқрорлигини билган. Кеча кечки пайт Иезавелнинг жамики ҳийла-найранглариға қарамасдан хоним васиятномага имзо чеккан, унга кўра бутун мол-мулкига қизи меросхўр бўлиши керак.

Қизи Клодина бу пулларға, дарҳақиқат, ниҳоятда муҳтож. Албатта, мен ҳам, акам ҳам оғир аҳволда қолдирмаймиз — бунинг учун маблағимиз етарли — бироқ у бизлардан бир су ҳам олмаган бўларди. Бўлажак куёвтура, лейтенант Деляж ҳам ундан баттар қашшоқ. Устига-устак, Клодина оғир хаста, Франциядан Швейцарияға кўчмаса, шубҳасиз адоий тамом бўлади. У зотилжам, зотилжамнинг ўта оғири — сиздан яшириб нима қилдим — унга шошилинич ёрдам зарур.

Мистер Перли яримлаган бокални ҳамон ушлаб ўтирарди.

Мен уни ишонтира олаётганимни сезиб турардим. Унинг ранги оқариб, опшоқ кўйлагининг ёқаси билан битта бўлиб кетганди.

— Пул — у шундай тубан нарсаки, — шивирлади у, — шундай тубан нарсаки...

Ниҳоят, у бокални охиригача сипқорди.

— Сиз мени майна қилаяпти деган хаёлға борманг.

— Йўқ, йўқ, — ранжиди у, — бундай воқеалар бўлиб туради. У ҳам қари кампир эди. Ўлган. Марҳамат, давом этинг.

— Кеча кечкурун Тевенэ хоним содир этган адолатсизлигини тўғрилаган. Мосье Дюрок етиб келганимни хабар қилиш учун кирганида ҳаяжонланган ва қўрқиб кетган. “Куним битган кўринади, — деган у. — Аниқ сезиб турибман”.

Шуларни айтарканман, Морис, дунёдан тамомила узилиб қолган бу уйдаги бадбўй ётоқхонаю у ерда ўша оқшом содир бўлган воқеаларнинг ҳаммаси кўз ўнгимдан деярли кетмасди.

— Хоним мосье Дюрокка хобгоҳ эшигини ичкаридан беркитишни таклиф қилган. У қаердадир беркиниб, сукот сақлаётган Иезавелдан ҳадиксираган. Дюрок икки шамдон қўйилган столини ўриндиқ яқинига сурган ва хоним ҳеч бир яширмай бебахт оилавий турмуши тафсилотини икки соат чарчамасдан уялмай ҳамма-ҳаммасини сўзлаб берган, мосье Дюрок эса бу қайғули қиссани вазиятнома битилган йирик пергамент қоғозларға батафсил ёзиб олган.

У бутун мол-мулкани сўнгги центигача Клодинаға васият қилган. Францияда тузилган ҳамда патак сочли бадбуруш жодугарни меросхўр дея эътироф этувчи васиятнома эса бекор қилинган.

Кейин мосье Дюрок кўчаға чиқиб, иккита гувоҳ бошлаб келган. Васиятнома имзоланган, гувоҳлар чиқиб кетишган, мосье Дюрок варақларни узунасига буллаб, чарм гулофига солмоқчи бўлган. Кейин нима бўлганини эшитинг, мистер Перли.

— “Йўқ, йўқ, — эътироз билдирган хоним, — тугунча бу кеча менда қолади”.

— “Фақат шу кечами?” — ажабланган Дюрок.

— “Кўксимга беркитаман. Қайта-қайта ўқимоқчиман. Соат неча бўлди, мосъе Дюрок?”

Дюрок чўнтагидан антиқа соатини олгану ҳайрон қолган. Ярим тун бўлиб қолганди.

“Эрталабгача қолинг, мосъе Дюрок, — ялинган хоним, — илтимос, кетманг”.

“Хоним!” — хитоб қилган хижолатда қолган адвокат. — “Жуда ноқулай-да!”

“Бугун, афтидан, ишларингиз жуда кўпга ўхшайди, мосъе Дюрок?”

“Биласизми? — жонланган хоним. — Бу — хобгоҳнинг ягона эшиги. Унинг ортида менинг қабулхонам бор. Бу ерга ижозатингизсиз ҳеч ким кирмаслиги учун маънави столни эшик томон суриб, хоҳлаганингизча ишлайверинг. Чироқ ва шамни олинг. Ўтинаман, — илтижо қилган у. — Клодина ҳаққи, эски қадрдонлигимиз ҳаққи ҳурмати, қолинг”.

Мосъе Дюрок иккиланаверган.

“У қаердадир пайт пойлаяпти, — давом этган қоғозларни бағрига босганча Тевенэ хоним, — пойлайверсин. Мен эса уларни йиғлай-йиғлай ўқийвераман, ўқийвераман. Агар уйқу босадиган бўлса, — айёрона нигоҳ ташлаган у, — буларни яшираман. Хавотирланманг. Ахир у ёпиқ дераза қопқоғи ва қўриқланаётган эшикдан ўта олмайди”.

Охир-оқибат адвокат ён берган.

У ёзув столини эшик кесакисига тақаб, хобгоҳ эшигини тўсиб қўйган. Дюрок ишини ёзаркан, хонимни каравот ёнидаги столда турган шамнинг хира шуъласида кўкимтир парда ортидаги тўшақда кўрган.

Шунақаям тун бўладими-а!? Бу дим, ақалли соати ҳам йўқ лаҳаддай хонада стол узра энгашган Дюрокни кўриб тургандайман. Ақалли соат бўлганида ҳам чиқиллаши далда бўлармиди? Мен унинг толиққан кўзларини уқалаш учун кўзойнагини қандай олганини ва яна қоғозларга мук тушиб, адоқсиз тун бўйи бетўхтов қитирлатиб ёзиб чиққанини ҳам кўриб тургандекман. У сахар бешгача деярли ҳеч нима эшитмаган. Фақат ўшандагина қандайдир кичқирикдан тахтадай қотиб қолган, бу кичқирки гунг одамнинг гулдирашига ўхшаб кетарди.

Тўсилган эшик очик бўлгани учун Дюрок дарҳол хобгоҳга кирган. Каравот ёнидаги столда шам кичкинагина мум бўлакчасига айланиб, ўчай деб қолган, нурсиз кўкиш оловгина липилларди. Хоним учи ўткир қалпоқчасини кийган ҳолда узала тушиб ётарди. Тун бўйи бошидан кечирган ҳаяжонлар, азбаройи афсус-надомат ва оқибатда ўсал бўлган-қолган. Мосъе Дюрок сўрамоқчи бўлган, бироқ беҳуда: фақат нигоҳидангина ниманидир илғаб олса бўларди.

Дюрок шу тобдаёқ пайқаганки, хоним кечкурун хочни ардоқлаган мутаассибдек еру кўкка ишонмаган васиятномадан ном-нишон ҳам қолмаган.

“Қани у?” — қичқирган Дюрок хонимнинг жавоб беролмаслиги ҳам ёдидан кўтарилиб. — “Қани васиятнома?”

Тевенэ хонимнинг нигоҳи Дюрокка қадалган, шундан кейин иккаласи ҳам пушти ранг духобадан ясалган миттигина — тўрт дюйм ҳам келмайдиган — арзон ўйинчоқ куёнчага тикилиб қолган. Тевенэ хоним Дюрокнинг диққатини жалб этмоқчи бўлгандек яна унга қараган. Шундан кейин нигоҳи — бу гал оғир, азобли зўриқиш билан — эшик ёнидаги деворда осилғик металл иситкичга ўхшаб кетадиган йирик барометрга ўғирилган. Шам сўнгги марта липиллаб сўнишидан олдин хоним ана шу томонга уч марта ишора қилди. Васиятнома ўғирлангани йўқ, — дедим мен. — Ҳатто Иезавель ҳам ёпиқ қопқоқлар ва эшикдан ўта олмас эди. Лекин васиятнома бирон жойга беркитилмаганди ҳам, чунки хобхонада тинтилмаган биронта бурчак қолмаганди. Булардан қатъи назар васиятнома ғойиб бўлганди.

Мен мистер Перлига қарадим.

Назаримда, мен ичган бренди фақат тинчлантирган ва асабларимни жойига келтирганди. Бироқ мистер Перли ҳақида бундай деёлмасдим. У бир оз қизарди. Мен аллақачон нигоҳида илғаган ва кўққисдан акс этган мубҳам безовталиқ энди фақат бир кўзида намоён бўлар, бу қиёфасини аллақандай қийшайгандек қилиб кўрсатарди. Лекин у тезгина ўзини ўнглаб олди ва менга жавобан айёрона кулимсиради.

Мен столга урдим.

— Гапларимга эътибор қилаяпсизми, мистер Перли?

— Сиреналар қандай қўшиқни куйлаганлари, — деди ўйчанлик билан у, — аёллар орасида Ахилл қандай исм билан яширингани худди шундай тушунтириб бўлмайдиган сир-синоат. Бироқ ҳамма учунми?<sup>1</sup>

— Афтидан мен учун, — хитоб қилдим мен. — Ва шунинг ўзи ҳам.

Мистер Перли қўлини узатиб, бармоқларини ёйди ва коинот ҳукмрони янглиг кафтини кузата бошлади.

— Мен бундай арзимас ишлар билан шуғулланмай қўйганимга анча бўлди, — эслатди у. Нигоҳларида умид учкунлари жилваланди. — Ҳар тугул Париж полициясининг префектига қайсидир маънода нафим текканди.

— Сиз французмисиз? Шундай бўлса керак дегандим. Полицияга ёрдам бердингизми? — мамнун бўлдим мен ва унинг мағрур боқиб турганини кўриб, қўшимча қилдим: — Ҳаваскор сифатида бўлса керак?

— Шундай, — гапимни маъқулларкан қоқ суяк қўлини — уни қисқичбақа панжасига ўхшатиш адолатдан бўлмас — стол узра узатиб, қўлимдан тутди. Ғалати кўзлари рўпарамда ёнарди. — Аниқроқ қилиб гапирсангиз, — ўтинди у, — батафсилроқ сўзланг, илтимос. Масалан, ана шу аёл ҳақида. Оти нимаиди — Иезавелмиди?

— У мени уйнинг бўсағасида кутиб олди.

— Кейин-чи?

Мен Иезавел, адвокат билан учрашувимни, кейин эса хонимнинг хобхонасида пайдо бўлганимизни, бу ерда шунингдек ўриндиққа чўккан сочлари пахмайган полициячи билан бемор тўшагининг ёнгинасида доктор ҳам борлигини батафсил ҳикоя қилиб бердим.

— Бу хотин, — дедим хонада кўрганларимнинг ҳаммасини яққол кўз олдимга келтирарканман, — менга нисбатан (афв этасиз) англаб бўлмайдиган ҳирс билан ёнарди. Эҳтимол, бир пайтлар Парижда оғзимдан гуллаб қўйган бемаъни хушомадларим ниҳоят ўз кучини кўрсатгандир.

Ҳақиқатан ҳам Иезавелни хунук деб бўлмасди, фақат (яна бир карра афв этасиз) тез-тез бошини ювиб турса, бас. Бундан қатъи назар, менга ёндошиб, “Мени кўрол-маслигингиз тўғри-а?” — деб шивирлаганда деярли даҳшатга тушдим. Бутун фожеа учун қайсидир даражада ўзимни гуноҳкордек сездим.

Бемор тўшаги ёнида қаққайиб турарканмиз, адвокат Дюрок шу хонада рўй берган воқеаларни ҳикоя қилди. Унинг айтганларини бемор нигоҳи билангина унсиз тасдиқларди. Пуштиранг ўйинчоқ куёнча ҳамон тўшак узра ётарди. Ортимда, эшик ёнидаги деворда эса йирик барометр осифлиқ эди.

Тевенэ хоним илтижолни нигоҳи билан бошқаларга қилган имо-ишораларини менга ҳам қилгани шубҳасиз. У куёнчага қаради, кейин эса атрофига назар солди (Дюрок нима учундир буни эслатмади) ва фақат шундан кейингина нигоҳи барометрга бориб қадалди.

— Бундан нимани англаш мумкин?

Шунда адвокат тилга кирди.

“Шамни ёқинглар! — хитоб қилди у. — Деразаю қопқоқлар очилмаса, лоақал шамни ёқмайсизларми!”

Иезавель шам келтиргани чопди. Дюрок полиция офицерига ниманидир тушунтиришга уринаркан, бир неча марта исмимни тилга олди. Биринчи эслатганининг ўзидаёқ сочлари ҳурпайган полициячи довдираб, сакраб турди-ю, пичоғини яширди. Дюрок эса доктор Гардинг ёнига бориб, у билан узоқ шивирлашди.

Полиция офицери менга юзланди.

“Мистер Лафайет! — хитоб қилди ва қўлимни мамнуният билан ошкора сиқиб қўйди. — Агар бу сиз, мистер Лафайет эканингизни билмаганимда эди, шохдаги ўшайган бойўғлидай мана шу ерда ўтирмаган бўлардим”.

— Сиз полицияда хизмат қиласиз, сэр, — дедим мен, — бу ерда қандай воқеа рўй берганини тушунтириб бера оласизми?”

У бошини чайқади.

“Булар ахир французлар, мистер Лафайет, сиз эса америкаликсиз, — деди у мантиқсизлик билан. — Агар улар ҳақиқатни гапираётган бўлсалар, сэр...”

<sup>1</sup> Муаллиф “Одиссея”даги аёл бошлиқ афсонавий қушлар — сиреналарни назарда тутаётир. Бу аёл қўшиқлари билан Орол яқинидан сузиб ўтувчиларнинг барчасини ҳалок қилган.

“Боринг, ана, шундоқ ҳам дейлик”.

“Бу кампирнинг васиятномаси қаерда эканини сизга айта олмайман, лекин уни қаердан қидириш бефойда экани менга равшан. Васиятнома бу хонада йўқ сэр”.

“Бироқ қандай қилиб...” — дедим надомат билан.

Иезавелнинг шойи кўйлаги шарпаси унинг хонага қайта кирганлигидан дарак берди. Унинг кўлида шам ва янги урф бўлган жез гугурт қутгича бор эди. У шу тобнинг ўзидаёқ шамдон ҳам қидирмасдан дуч келган жойга ўрнатиб, бир неча шам ёқди.

Хонадаги мебеллар орасида бинойидай бир нечаси кўзга чалинарди. Бироқ мармар тахтачалар қизиб ташланган ва доғ-дуғ эди, зарҳал безаклар эса синдирилганди. Бир неча кўзгу ҳақиқатдан йироқ ҳаёлий оламдек туюларди, улардан мени икки хил нигоҳ — Тевенэ хонимнинг илтижولي ва Иезавелнинг мафтункор кўзлари кузатарди. Буларнинг биттаси бўлганда-ку, чидаган бўлардим-а, бироқ ҳар иккаласи биргаликда томоғимга чанг солгандек эди.

— Мистер Дюрок, — деди пахмоқ соч полициячи таъби хира адвокатнинг елкасига қоқаркан, — бизга саҳар беш яримда одам юборганди. Биз неччида келганмиз, деб ўйлайсиз? Олти бормиди?”

У ўзининг тезкорлиги билан ғурурланиб, бармоғи билан мен томон нуқиб кўйди.

“Эрталаб олтидан, мистер Лафайет, сиз келгунча бу ерда ўн тўрт киши бўлди”.

“Васиятномани қидиришдими?”

Пахмоқ полициячи бунга жавобан бошини зардали силкиб, рад жавобини берган бўлди.

“Хонанинг поли ҳам, — деди у оёғи билан полни тепиб, шипи ҳам, деворлари ҳам жуда мустаҳкам. Ҳаммаси. Бурчаклар у ёқда турсин, тирқишларни ҳам текшириб чиқдик. Бу борада бизнинг олдимизга тушадигани йўқ. Аслида ҳам шундаймиз”.

“Бироқ Тевенэ хоним, — қатъий дедим мен, — кеча ўз оёғи билан юрганди, ахир ҳали ётиб қолмаганди. Ўз оёғи билан юра оларди. Агар у кимдандир (мен Иезавель деб айтолмадим, чунки бу номнинг ўзиёқ томоғимдан гиппа бўғаётганди), кўрққан бўлса, агар хоним кўрққанидан васиятномани бекитган бўлса...”

“Қаерга беркитади уни?”

“Мебелларни текширдингларми?”

“Мебелсоз биз билан бирга эди. Ҳеч қандай сирнинг ўзи йўқ, мистер Лафайет”.

“Кўзгулар-чи?”

“Биз кўзгуларнинг тахта қопламасини ажратиб ҳам кўрдик. Васиятнома топилмади”.

“Эҳтимол, печканинг мўрисададир?” — тахмин қилдим мен.

“Юқорига мўри тозаловчини чиқардик, — оғзимдан чиқмасидан ёқамга ёпиштириди суҳбатдошим. Унинг ҳар бир жавоби айёрона эди, лекин дўстона хайрихоҳликдан ҳам холи эмасди. — Нимасини айтай, биз бу борада қилни қирқ ёрганларданмиз. Сизнинг васиятномангиз ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ!”

Тўшакдаги пуштиранг куёнча бизни майна қилаётгандек эди. Мен яна беморга қалпоқчасининг ияги остидан тугилган жойига ва яна куёнчага назар ташладим.

“Тўшакни кўздан кечирдингизми?” — полициячидан сўрадим.

Сочлари тўзиган полиция офицери бемор тўшаги ёнига борди.

“Шўрлик кампир, — деди у гўё рўпарасида мурда ётгандек. Кейин менга ўгрилиб, кўшиб кўйди: — Биз уни янги туғилган чақалоқдек авайлабгина кўтардик (шундай эмасми, хоним?). Тўшакда ҳам ҳеч қандай сир йўқ. Унинг ости ҳам бўш-бўш эди. Кўрпа-ёстиқлар ичидан ҳам ҳеч вақо чиқмади”.

У ҳаммасидан ҳафсаласи пир бўлгандек қовоғини солиб олди.

“Манави лаънати куёнчада ҳам ҳеч нарса йўқ. Кўриб турганингиздек, уни титигини чиқариб юбордик. Барометрда ҳам. Ҳеч қаерда йўқ”.

Орага чанг-тўзонли ва ирганч ҳаводай сукунат чўқди.

“У шу ерда, — деди хириллаган товуш билан Дюрок. — Шу ерда бўлиши керак”.

Иезавель ҳамрайганча ҳайкалдек қотиб турарди.

Мен эса тамомила ўзимни йўқотиб кўйдим, шунинг учунми, барометрга ўгринча яқинлашиб, ойнасини черта бошладим. Натижада унинг “ёмғир, совуқ”ни кўрсатиб турган мили яна ўша йўналишда силжиди.

Барометрга зарб билан мушт туширишдан ўзимни аранг тутиб турардим. Барибир бўлмади, ўзимни тутолмай қандайдир хуфиёна тирқишни қидириб, аста-секин одимлай бошладим. Деворларни ҳам пайпаслаб кўрдим. Полициячи токи хизмат

вазифасини бажарар экан, бирон-бир кимса бирон нарсага қўл учини ҳам текказмасин деб муттасил огоҳлантирганини гўё рад этардим.

Аллақачон тит-пити чиқарилган шкаф олдида анчагина туриб қолдим. Шкафда Тевенэ хонимнинг унқиқиб кетган бир неча халати ва қўйлаги илиглиқ эди, улар гўё эгаси билан бирга адойи тамом бўлганди. Шкафнинг рафларини ҳам қараб чиқилса-чи?

Рафда кўпдан-кўп атир шишачалари кўзга чалинарди. Афсуски, ҳатто ҳозир ҳам айрим кимсалар атир бор жойда сув билан совуннинг ҳожати йўқ деб ўйлайдилар. Тевенэ хонимнинг қўллари шундан далолат берарди. Лекин рафда атирлардан ташқари яна бир неча китоб ва Нью-Йоркда чиқадиган “Сэн” газетасининг гижимланиб, доғ тегиб улгурган кечаги сони ётарди. Васиятнома унда йўқ эди, бироқ ичига кириб қолган қора кўнғиз қўлимда ўрмалай бошлади.

Уни гижиниб силкиб туширдим-да, оёғим билан эзиб ташладим. Ҳеч нарса тополмаганимдан алам қилиб шкаф эшигини ёпдим. Тевенэ хонимнинг васияти исиз йўқолганди.

Бу рутубатли аранг ёритилган хонада бир йўла икки одамнинг овози янгради. Улардан бири мен эдим:

“Ё худоё худовандо, қаёққа гумдон бўлди васиятнома?”

Иккинчиси эса Дюрок эди:

“Хонимга қаранглар-а. У васиятнома қаердалигини билади!”

У кўзгудан нигоҳини узмай, Иезавель тўғрисида гапирарди. Атрофдаги керакли-кераксиз ашқол-дашқоллар каби кўзгу ҳам губор босиб, хира тортиб қолганди. У бизга орқа ўгирганча турар, нинадек қадалаётган нигоҳларимизга чап беришга уринарди.

Шу тоб найрангбозларга хос устамонлик билан жилмайиб бизга юзланди. Бироқ афтига қон югуриб улгурмасдан деярли устаранинг тигидек нозик масхаралашни пайқаб улгургандим. — Бу масхаралаш кўзгуда акс этиб турган кўзларида бўлиб, у ҳаммаминизни бирдек ҳақоратламоқда эди.

“Менга гапираяпсизми, мистер, Дюрок?” — сўради у французчалаб.

“Гапга кулоқ солинг! — ҳайқирди адвокат. — Васиятнома йўқолган эмас, йўқолган эмас! У шу ерда, мана шу хонада. Сиз кеча кечқурун бу хонада бўлганингиз йўқ, бироқ чамаси васиятноманинг қаердалигини пайқаган кўринасиз. Сиз унинг қаердалигини биласиз”.

“Сизлар уни тополмайсизлар”, — ишшайди Иезавель.

“Агар Клодина Тевенэ маҳрига тушиши керак бўлган мол-мулкни мерос қилиб олса, ўз улушингизни оласиз. Олганда ҳам ошиғи билан оласиз. Сиз ахир Клодина ни яхши биласиз, мадемуазел!”

“Биламан, албатта”.

“Бироқ янги васиятнома топилмаса, мерос сизга қолади. Шу билан Клодинанинг куни битади. Бу — беш қўлдай аён”.

“Ҳа, — деди Иезавель қўлини кўксига қўйиб. — Ўзингиз ҳам, мосье Дюрок, тасдиқлашингиз мумкин. Тевенэ хонимнинг тўшаги ёнида кечаси билан шам ёниқ турди. Мен ардоқлаган ва алқаган муштитар кампир менга нисбатан адолатсизлик қилганидан афсус-надомат чекди. У васиятномани шамда ёндириб, кулини сепиб юборди”.

“Шундай деб ўйлайсизми?” — сўради Дюрок.

“Шундай бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ўзингиз ҳам айтиб турибсиз, — кулди Иезавель. Кейин менга қараб қўйди. — Сиз эса, мосье Арман...”

У яқинроқ келди. У катта-катта очилган кўзлари билан менга қараб турарди. Афтидан ҳеч вақони бекитмаётганди.

“Дунёдаги ҳамма нарсани сиз учун қурбон қилардим, — деди у. — Фақат Париждаги ўша қоқсуяк қўғирчоқдан ташқари”.

“Менга қаранг деяпман!” — азбаройи ғазабдан елкасидан чангаллаб олдим. — Менга Клодинанинг кераги йўқ. У бошқага турмушга чиқаяпти”.

“Бунинг мен учун бирон-бир аҳамияти бор деб ўйлаяпсизми? — сўради Иезавель кўкимтир кўзларини узмасдан. — Сиз, ахир, ҳамон уни яхши кўрасиз-ку”.

Мистер Перлига ҳикояни сўзлаб тугатишим билан, қаҳвахонада осойишталик чўккандек туюлди. Тепамиздаги театрдан заифгина шовқин келарди. Салдан сўнг ҳаммаси тинчиб қолди.

Мистер Перли бокал ортида шундай чўккандики, унинг юзи кўринмасди.

— Кўнглингиз беғубор экан, сэр, — деди у деярли ачиниш билан. — Мен бу арзимас жумбоқни ечишда ёрдам берганим бўлсин.

— Арзимас жумбоғингиз нимаси?

Унинг овози хириллагани билан гаплари аниқ эди. Бармоқлари билан бокални секин-аста айлантирарди.

— Иккита савол берсам майлими?

— Иккита? Ўн мингта бўлмайди?

— Иккитадан ортиғига ҳожат йўқ, — деди мистер Перли нигоҳини кўтармасдан. — Шунча гап-сўз бўлган анави ўйинчоқ куёнча... У тўшақда қай ҳолда ётганини билмоқчийдим.

— У беморнинг оёқлари устида ётарди.

— Шундай бўлса керак, дегандим. Васиятнома учта қоғозга битилган. Қоғозларнинг ҳар иккала юзидами ёки фақат бир юзидами?

— Сизга айтиш хаёлимдан кўтарилибди, мистер Перли, кечирасиз. Лекин Дюрок аниқ айтди: фақат бир юзида.

Мистер Перли бошини кўтарди.

Сархушлик чеҳрасини ўзгартириб юборди, юзига қон қуйилди, кўзлари қувноқ ўйнаб кетди. У иблисдай мағрур эди ҳамда дили ақл-идрокка нисбатан нафрат билан тўлганди, бироқ салобат билан чертиб-чертиб гапира кетди.

— Ақл бовар қилмайди, мистер Лафайет, ғойиб бўлган васиятномани ва қўлга кириши қийин бўлаётган мол-мулкни қандай топишни сизга айнан камина айтиб беришим керак бўлапти, ваҳоланки шахсан ўзим учун ҳеч қачон бундай қила олмас эдим.

У ҳазиломуз кулиб, қўшиб қўйди:

— Эҳтимол, бу топишмоқнинг ўта жўнлиги сизни боши берк кўчага киритиб қўйгандир.

Мен саросима ичида унга тикилиб қолдим.

— Чамаси, бу ерда ҳеч қандай сир-синоат йўқ, — деди у.

— Сиз устимдан кулаясиз, сэр! — ҳайқирдим мен.

— Шундай деб ўйлаётган бўлсангиз мени тинч қўйинг, — деди мистер Перли. — Қолаверса... — у қаршидаги деворга илинган жўнаб кетувчи кемалар рўйхатини кўздан кечира бошлади, — қолаверса эртага “Парнас”да Англияга, у ердан эса — Францияга жўнаб кетаман.

— Сизни ранжитмоқчи эмасдим, мистер Перли. Кўлингиздан келса, ёрдам беринг.

— Тевенэ хоним, — деб гап бошлади у бокални оҳиста тўлдираркан, — васиятни ярим кечаси беркитган. Буни шу қадар эҳтиёткорлик билан қилганлиги сизни ажаблантирмайптими? Бироқ бўрттирилган нарсаларнинг ҳаммаси ўзини шош этиб қўяди. Васиятни Иезавель тополмаслиги керак эди. Лекин Тевенэ хоним ҳеч кимга, ҳатто даволовчи табибига ҳам ишонмаган. Миясига қон қуйилганининг ўзидаёқ ўлиб қолганида нима бўларди? Полиция зудлик билан етиб келар ва унинг ўйлагани равшан бўларди-қўярди: у буни яхши билган. Мабодо ўсал ҳолатда бўлса, хонасига йиғилганларнинг ҳаммаси беихтиёр беркитилган васиятномани қўриқлаган бўларди.

— Сизнинг энг катта айбингиз, — совуққонлик билан давом этди мистер Перли, — мантиқли мулоҳаза юритаётганингизда. Тевенэ хоним оёғи томонда ётган бир нимага назар ташлаб, сизга нимагадир ишора қилганини айтдингиз. Нима учун сиз ишора қилинган нарса айна “ўйинчоқ куёнча” деб ўйладингиз?

— Чунки хонимнинг нигоҳи фақат куёнчага тушиши мумкин эди-да.

— Кечирасиз-у, хоним мутлақо куёнчани назарда тутмаган. Тўшақнинг эшик томондагидан ташқари уччала томонига парда тортилганини айтдингиз. Бундан ягона оқилона хулоса чиқариб, беморнинг оёғи томонидаги парда тортиб қўйилганди деб хотиржам айтишингиз мумкин.

— Шубҳасиз.

— Хоним ўйинчоққа қараганидан кейин теварак-атрофга назар ташлади дедингиз. Атрофга назар ташлаши билан нимандир кўрмоқчи бўлиб, пардани очишни сиздан илтимос қилмаганмикан?

— Эҳтимол, — мингилладим мен.

— Эҳтимолмас, айнан шундай. Ҳозир буни кўрсатиб бераман. Сиз, дейлик, ма-нави деворга илинган беўхшов барометрдан кўзингизни узманг. Барометр миллари “совуқ”, “ёмғир”ни кўрсатиб турибди.

Мистер Перлининг ҳарбий шнели остидаги елкалари маънили учди.

— Демак, совуқ яқинлашаяпти, — деди у. — Ваҳоланки, ҳамал ойи бўлишига қарамасдан бугун анчагина иссиқ, ҳатто дим ҳам бўлмадимиз?

— Ҳа, албатта.

— Ўзингиз айтишингизча, — давом этди мистер Перли тирноқларини кўздан кечираркан, — қаравот каминга шу қадар яқин келтирилганки, беморнинг оёқлари унинг панжарасига салкам тақалиб қолган. Дейлик, оёқ томонидаги парда очиқ. Тевенэ хоним ёстиққа суянганча ўтирибди. У нимани кўраётган бўлади?

— Панжарани! — хитоб қилдим мен. — Камин панжарасини!

— Шундай. Хона жуда исиб кетганини яхши биламиз. Камин панжарасининг орқасида нима бор эди?

— Ёқилмаган кўмир.

— Худди шундай. Каминга ўт ёқиш учун нима керак? Кўмир керак, пайраха керак ва булардан ташқари... яна нима керак?

— Қоғоз! — қичқирдим мен.

— Айни ўша хонадаги жавондан, — деди мистер Перли ўзига хос истеҳзо билан, — Нью-Йоркда чиқадиган “Сэн” рўзномасининг эзгиланган ва ифлос кечаги сонини, — эътибор беринг, чанг босганмас, балки ифлос бўлган кечаги сонини топгансиз. Каминда ўт ёқиш учун одатда газетадан тутантириқ сифатида фойдаланишади. Тевенэ хонимнинг қорайган қўлларига диққат қилдингизми?

Мистер Перли брендини охиригача ичди ва яна ҳам қизариб кетди.

— Сэр! — деди у қатъий. — Сиз кўмир ва ўтинлар тагидан букланган, бир чеккаси чиқиб турган васиятномани топасиз. Мабодо бирон-бир кимса каминни титта-нида эди. ёзилган томони ичига букланган ва ғойиб бўлган васиятномага мутлақо ўхшамайдиган ғижимланган қоғоз варақларинигина топган бўларди. Бунга шакшубҳа йўқ. Бўлди, боринг энди.

— Қаёққа бораман? — аҳмоқона қайта сўрадим мен.

— Боринг деярман! — қичқирди у кўзлари ёниб. — Иезавель каминга ўт ёққани йўқ — хона бусиз ҳам жуда иссиқ. Кун бўйи қилт этмаган полициячилар ҳам бирон-бир нарсага қўл уришларига йўл қўймаганлар. Бироқ ҳозир-чи? Ваҳоланки, Тевенэ хоним нигоҳи ила каминга ўт ёқиш мумкин эмас, ёқиб бўлмайди, аксинча васиятнома ёниб кетади, деб сизни огоҳлантирган.

— Мени шу ерда кутиб турасизми? — сўрадим мен.

— Ҳа, ҳа. Эҳтимол сиз бечора қизга, ўша ўпкаси хаста қизга ҳақиқатан ҳам бахт эшигини очиб берарсиз.

— Кўчага ҳовлиқиб чиқарканман, очиқ эшикка сўнгги бор назар ташладим: у ҳамон қуйи эгилганча, афтода ва ғарибона ҳолда ўтирарди. Мен эса умид ва ҳаяжондан қанот боғлаб учиб кетдим. Бироқ ниятимга етдим деганимда умидим чироғи сўнди.

Пахмайган полициячи мени йўлакка кираверишдаги зинада қарши олди.

— Бизлар кетаяпмиз, мистер Лафайет, бошқа қайтиб келмаймиз, — деди хушмуомалалик билан. — Қари кампир васиятномани ёқиб юборган кўринади. Омон бўлинг!

Эшик очиқ эди. Мен нимқоронғи уйдан ҳаллослаб — хобхонага кириб бордим.

Бемор ҳамон ғамбода кенг тўшагида узала тушганча ётарди. Шамлар ёниб бўлаёзган, полда эса полициячи унутиб қолдирган пакки ётарди.

Иезавель жез кутичали гугуртни тутганча, камин олдида чўк тушганди. Гугурт зангори олов бериб порлади. Гугуртни тутган қўл эса камин панжараси томон чўзилди.

— Иезавелнинг дастадаги дўзах ўти! — заҳархандалик билан дедим мен.

Уни шундай куч билан итариб юбордимки, бечора бориб стулга урилди ва ағдарилиб тушди. Қўлимни каминга тикқанимда йирик-йирик кўмирлар ҳар томонга юмалиб, қоп-қора чанг кўтарилди. Кўмирлардан кейин эса пайраҳалар уча бошлади. Ниҳоят, каминнинг тагидан қидирган нарсамни топдим. Букланган қоғозлар — ҳаёт-мамот оралигида турган қариянинг васиятномаси!

— Мосье Дюрок! — қичқирдим мен. — Мосье Дюрок!

Биз, Морис, керак бўлганда қўлга қурол оладиганлар, кўз ёши қилишдан уялмаймиз. Кўз ёшларим кўр қилиб қўйганлигини тан олмаслигимни иложи йўқ. Хитобимга жавобан югуриб келган Дюрокни аранг кўрардим.



Иезавель полициячининг пичоғини ўғринча қўлга олганини, албатта, кўрганим йўқ. Ниҳоят, у писиб келиб, елкамга пичоқ урмагунча ҳеч нимани пайқамадим.

Хавотирга тушишнинг ҳожати йўқ, биродарим, энди ҳаммаси орқада қолди. Ўша лаҳзада ҳатто оғриқни ҳам сезмадим. Фақат кўрқувдан титраётган Дюрокдан пичоқни суғуриб олишни илтимос қилдим. Ундан эса қонга одамларнинг кўзи тушмаслиги учун кенг, мўл пальтосини олдим. Мен газ мугузи остидаги кичкина стол томон шошилишим, шошилишим керак эди.

Йўл-йўлакай режамни пухта ўйлаб олдим. Мистер Перли бу мамлакатда, шубҳасиз, муҳожир эди ва афтидан, пулга ўта муҳтож эди. Бироқ биз сен билан қашшоқ эмасмиз. Ниҳоятда мағрур эканидан қатъи назар, эҳтимол, сармоямизни ҳеч бир камайтирмайдиган, бироқ умрининг охиригача бамайлихотир кун кечириб имконини берадиган улушни (беназир хизмати учун) олишдан бош тортмаган бўларди.

Қаҳвахонага ҳовлиқиб кирарканман, устун томон шошилдим. Бироқ шу жойнинг ўзидаёқ қотиб қолдим. Газ мугузи тагидаги устун ёнида стол бўм-бўш эди.

Шу алпозда қанча турганимни эслай олмайман. Қондан ҳўл бўлиб кетган кўйлак адвокатнинг пальтосига ёпишиб қолганди. Шу тоб тилла тишли юмалоқ юз қаҳвахоначининг нигоҳини пайқадим. Ҳурмат юзасидан пештахта ортидан қаршимга чиқиб келди.

Мана бу столда ўтирган жаноб қани?

Овозим хириллаб, ғалати чиққани қаҳвахоначини ранжитди. Мени жаҳл қила-япти, деган ўйга борди шекилли.

— Хавотир олманг, мосъе, — хитоб қилди у, — суробини тўғрилаб қўйдик. Бу арокхўрни улоқтириб ташладик.

— Улоқтириб ташладингиз...

— Тўшпа-тўғри зовурга улоқтирдик. Тўрг оёқлаб шундай эмаклаб кетдики, ҳатто ўрнидан туролмади ҳам. — Қаҳвахоначининг мамнун чехрасидан нур ёғиларди. — Энг яхши бренди буюриб, ҳақини тўлай олмади. — Афти кўққисдан ўзгарди. — Ё алҳазар, мосъе, сизга нима бўлди?

— Брендини мен буюргандим.

— Официант мени стол олдига чақирганида шундай эканини айтиш ҳатто хаёлига ҳам келгани йўқ. Фақат мени бошдан-оёқ кўздан кечираркан, ҳақиқий эркак қарзини тўлаши ҳақида ҳамиша тилхат ёзиб бериши мумкинлигини айтди. Ҳақиқий Эркамиш-а!

— Мистер Перли — менинг дўстим, — дедим бу қаҳвахоначини ўлдириб қўймаслик учун имкон борича ўзимни босиб. — У эртага эрталаб Францияга жўнаб кетади. Қайси меҳмонхонада у? Уни қаердан топсам бўлади?

— Перли? — тиржайди қаҳвахоначи. — Сизга ҳатто ҳақиқий исмини ҳам айтмабди. Бунчаям димоғдор бўлмаса? Юқори Бродвейдан, чамаси. Тилхатга эса ҳақиқий исми шарифини ёзиб кетди.

Умид алангаси мени яна бир бор кўр қилиб қўяй деди.

— Қани, қани ўша тилхат?

— Қаёққадир солгандим, — минғирлади қаҳвахоначи чўнтақларини ковлаштираркан, — мана. Уни нега ташлаб юбормаганимга ҳайронман.

Ниҳоят, Морис, мен ниятимга етгандим.

Тўғри, кўп қон кетиб, ўзимдан кетиб қолдим ва оғир хасталик кейинги кун “Парнас” Нью-Йоркдан жўнаб кетиши олдида бандаргоҳга бориш имконини бермади. Мен то уйга қайтиш учун билет олгунга қадар меҳмонхонада қолиб, уйқусизлик азобини тортишим керак эди. Лекин мен улгуролмаган ишни сен дўндиришинг мумкин. У “Парнас”да Англияга жўнаб кетди. У ердан Францияга йўл олади. Ярим йил ичида уни топишинг мумкин. Сени ишонтираманки, уни муҳтожлик чангалидан тамомила қутқариб оламан!

“Мен сизга, — дейилганди тилхатда, — бир шиша сара бренди учун қарздорман. Эдгар Аллан По”.

Сенга, Морис, омонлик тилаб қолувчи меҳрибон аканг Арман.

*Русчадан  
Абдуҳамид ПАРДАЕВ  
таржимаси.*

# Озарбойжонда маданий ҳаёт

## ЖАҲОН КЎРГАЗМАСИДА

2000 йилда Германиянинг Ганновер шаҳрида иш бошлайдиган “ЭКСПО-2000” Бутунжаҳон кўргазмасида Озарбойжон ҳафталиги ўтказиладиган бўлди. Кўргазма ишида Республиканинг 40 дан зиёд йирик корхона, компания, концерн ва бирлашмалари иштирок этадилар. Бундай йирик кўргазмада Озарбойжон илк дафъа мустақил давлат сифатида иштирок этади.

## ТУРКИЯДА ОЗАРИЙ ОҲАНГЛАР

Истанбул университетининг Давлат консерваториясида Озарбойжоннинг таниқли бастакори, профессор Тофиқ Бакихонов асарлари концерти ўтказилди. Томошабинлар бастакорнинг “Озарбойжон”, “Созли соната”, “Турк” ва “Турк рапсодияси” асарларини қизғин олқишладилар.

## ЮКСАК МУКОФОТ

Гуржистон-Озарбойжон адабий алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашдаги хизматлари ҳамда самарали таржимонлик фаолияти учун Имир Мамедли Гуржистоннинг Иване Мачабели номидаги мукофоти билан тақдирланди. Имир Мамедли Озарбойжон ёзувчиларининг бир қатор асарларини гуржи тилига таржима қилди. Гуржистон адибларининг асарлари эса И.Мамедли таржимасида озарбойжон тилида нашр этилди.

## ОТА-БОЛА ЁДГОРЛИГИ

Саян шаҳри марказида халқ шоири Халил Ризо Улутурк ва Озарбойжон миллий

қаҳрамони Табриз Халилбейли кўчалари чорраҳасида ота-бола хотирасига бағишлаб ёдгорлик мажмуи ўрнатилди. Муқаддас қадамжого айланган бу мажмуа муаллифи Фозил Абдуллаевдир.

Мажмуа ота ва бола сиймолари, шоирнинг тошга ўйиб ёзилган оташин сатрлари битилган лавҳадан ташкил топган. Президент Ҳайдар Алиевнинг миллий озодлик учун буюк курашчи Халил Ризо Улутурк ҳақида айтган сўзлари ҳам шу ерга муҳрланган. Мажмуада иккита чашма ҳам барпо этилган. Уларнинг атрофи сайр қилувчилар билан ҳамиша гавжум бўлади.

Эндиликда Саян шаҳри ҳарбий хизматга қақирилувчилари ва келин-куёвлар шу ерда қасамёд қиладилар.

## ЁРҚИН ХОТИРА

Жаъфар Жабборли номидаги Озарбойжон Давлат театр музейида ажойиб санъаткор Ҳожиммад Кавказли таваллудининг юз йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ёрқин санъат соҳибининг юбилей кечасига тўпланган қариндош-уруғлари, дўстлари, сафдошлари ва шогирдлари устоднинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги хотираларини ўртоқлашдилар. “Қочоқ Наби”, “Олмос” сахна асарларида Кавказли яратган унутулмас сиймолар ҳақида гапирилди. Устоз санъаткор Самад Вурғуннинг “Воқиф” пьесасидаги вазир сиймосини алоҳида меҳр билан ижро этганини таъкидлашди.

## ЛОНДОНДА МАДАНИЯТ КУНЛАРИ

Буюк Британияда Озарбойжон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

Ўлканинг моҳир санъаткорлари Бриллиант Дадашева, Озар Зейналов, мусиқа мактабларининг талабалари лондонлик томошабинларни Озарбойжоннинг миллий оҳанглари, кўшиқ ва рақсларидан баҳраманд этдилар. Маданият кунлари доирасида Лондонда Озарбойжон рассомларининг асарлари кўргазмаси ҳам уюштирилди.

### “ФЕСТИВАЛЛАР ФЕСТИВАЛИ”

Озарбойжон Республикаси президенти Фармойишига биноан Бокуда жаҳон киносининг 100 йиллиги муносабати билан “Фестиваллар фестивали” ўтказилди. Анжуманда дунёнинг машҳур кино санъати усталари иштирок этдилар. Озарбойжон киночилар уюшмасининг раиси Рустам Иброҳимбеков “Манас” юбилей нишони билан тақдирланди. Фестивал сўнггида режиссёр Ҳусейн Мехтиевнинг “Бегона вақт” фильми намойиш этилди.

### ТАҚДИМОТ

Бокудаги Самад Вурғун номли Рус драма театрида Жон Пристли асари асосида тайёрланган “Хавфли қайрилиш” томошасининг тақдироти бўлиб ўтди. Эрони Тагизода саҳналаштирган бу саргузашт асарни томошабинлар илиқ қарши олишди.

### ЧАНЛИБЕЛДА БАЙРАМ

Чанлибел қишлоғининг марказий кўрғоғидаги маданият саройида одам ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерда Фарбий Озарбойжонинг барча районларидан, Боку, Тбилиси, Борчалин ўлкаси — Квемо Картлидан кўплаб меҳмонлар келишди. Устод бахши — Ошиқ Аласкар таваллудининг 175 йиллиги муносабати билан шеърият мухлислари ва меҳмонлар буюк шоир ҳайкали пойига гулчамбарлар кўйдилар. Устод Аласкарни ша-рафлаш шеърият байрамига уланиб кетди.

### “ЖЎЖАЛАРИМ” ДУНЁ КЕЗАДИ

Тофиқ Исмоилов номидаги Боку болалар ва ўсмирлар ижоди саройининг “Жўжа-

ларим” кўшиқ ва рақс дастаси Туркиядан зафар билан қайтди. Ҳар йили Анқарада ўтказиладиган анъанавий “23 апрел болалар фестивали”да дунёнинг 39 мамлакати вакиллари билан бирга озарбойжонлик ёшлар ҳам қатнашдилар. “Жўжаларим” дастаси фестивал голиби деб топилди. Озарбойжонлик болалар голиб сифатида Истанбулни 5 кун сайр қилиш имконига эга бўлдилар. Миср, Булғористон, Кипр, Литва вакиллари “Жўжаларим” дастасини мамлакатларида ўтадиган кўшиқ байрамига тақлиф этдилар. Ёш ижрочилар ана шундай сафарни Франциядан бошладилар.

### АТОҚЛИ АДИБ

Истеъдодли романчи Паноҳи Мақулу таваллудининг 95 йиллиги Озарбойжонда кенг нишонланди. “Сатторхон”, “Махфий зиндон”, “Табриз тунлари”, “Хиёбоний” сингари йирик асарлар муаллифи Аббос Алакбар Паноҳи Озарбойжон адабиётида алоҳида ўрин тутди.

Адибнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирни Озарбойжон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъати раиси, Олий Мажлис аъзоси Анор кириш сўзи билан очди. Филология фанлари доктори Жаннат Нагиева, ёзувчи Собир Амиров, шоир Суҳроб Тоҳир Мақулу ижодига юксак баҳо бердилар.

### РОСТРОПОВИЧ ОЗАРБОЙЖОНДА

Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг тақлифи билан XX аср маданиятининг таниқли намояндаси Мстислав Ростропович Бокуга келди. Дунёга машҳур мусиқачи таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан туғилган диёри — Бокуга даъват этилди. Ростропович шарафига катта тадбир ва учрашувлар ўтказилди. Муганний Озарбойжонда бўлган чоғида машҳур санъаткорлар Ниёзий, Булбул, Қора Қораев, Рашид Бейбудов, Фикрат Амиров қабрларини, Узеир Ҳожибеков уй-музейини зиёрат қилди. Озарбойжон маданияти ва санъати намояндаларини чуқур ҳаяжон билан хотирлади.

Улуғбек АБДУЛЛАЕВ

## КЕЛГУСИ СОНДА:

К. ҲАМСУН. **Виктория**. Роман.  
С. ШЕЛДОН. **Орзикиб кутамаан эртани**. Роман. Давоми.  
НИКОЛАЙ КРАСИЛЬНИКОВ. **Сирли сўқмоқлар**. Ҳикоялар.  
ВЛАДИМИР ВИСОЦКИЙ. **Замин ҳақида кўшиқ**. Шеърлар.  
**Мухими гапирмоқ юракдагини**. Япон шеърляти.  
Л.Н.ТОЛСТОЙ. **Шекспир ва драма тўғрисида**.  
КОЛЕ ОМОТОСО. **Фелла танлаган йўл**. Роман.

Шунингдек, хориж ва республикамиз адабий жараёни, маданий ва ижтимоий ҳаётига оид тадқиқотлар ва мақола-лар билан танишасиз.

**БИЗНИНГ ТАРҒИБОТЧИЛАРИМИЗ:**  
**Республика радиосининг**  
**"ЁШЛАР КАНАЛИ".**

**АЗИЗ ЖУРНАЛХОНЛАР!**  
**"ЁШЛАР КАНАЛИ"** эшиттиришларини  
**FM-104, УКВ-69,28**  
**тўлқинларида ҳар куни тингланг!**  
**Телефонлар: 139-95-12, 133-16-02**

### ЖАҲОН АДАБИЁТИ, 10.1998

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида  
руйхатга олинган, № 172.

Таҳририят манзили:

700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир *Гулнора Муҳаммадёрва*  
Рассом *М.Карпузас*  
Техник муҳаррир *В.Барсукова*  
Мусаҳҳиҳ *Т.Орипова*

Теришга берилди 24.09.1998 й. Босишга рухсат этилди 12.10.98. Бичими  
70x108 1/16. Офсет қоғози. Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2.  
Нашриёт босма табоғи 20,0. Жами 4000 нусха. К-6526 рақамли буюртма.  
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг "Ўзбекистон"  
нашриётида компьютерда терилиб, Ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида  
босилди. Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30.